

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси

Инсон ҳуқуқлари умумий назарияси

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан
Академия ҳамда ИИВ тизимидағи таълим муассасаларининг
тингловчи ва курсантлари шунингдек ҳуқуқни муҳофаза
этувчи органлар ходимлари учун “Инсон ҳуқуқлари умумий
назарияси” фанидан дарслик сифатида рухсат берилди.

Ўзбекистон Республикаси
ИИВ Академияси Таҳририят-ноширлик кенгаши
томонидан маъқулланган.

Муаллифлар жамоаси: А.Х. Саидов (Кириш сўзи, биринчи боб); М.Т. Турғунов (иккинчи ва олтинчи боб, параграф 6.4. — Фазилов О); А.А. Матчанов (еттинчи ва ўнинчи боб); Ш.Ф. Фойиназаров (бешинчи боб, параграф 5.4. — Т.Т. Саидов); Л.Ф. Исхакова (учинчи боб ва тўртингчи боб У.Ш. Нурбоев билан ҳаммуаллифликда); А.Т. Ниёзов (саккизинчи боб); У.Т. Таджибаев (тўққизинчи боб); А.А. Саидов (ўн биринчи боб); И.Т. Турғунов (ўн иккинчи боб).

Масъул муҳаррир: юридик фанлар доктори, профессор А.Х. Саидов

Инсон ҳуқуқлари умумий назарияси: ИИВ тизимидағи таълим муассасалари тингловчи ва курсантлари, шунингдек ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар ходимлари учун дарсларик. — Т., 2012. — 304 б.

Дарслиқда инсон ҳуқуқлари назарияси ва тарихи масалалари, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартлар ва уларнинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига имплементацияси, шунингдек инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш ва уларни ҳимоя килишда ички ишлар органларининг вазифалари ёритиб берилган. Дарслиқда алоҳида эътибор, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларни таъминлаш бўйича миллый ва халқаро механизмлар, шунингдек ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг фаолиятига бағишланган халқаро хужжатларнинг тавсифига қаратилган.

Китобда инсон ҳуқуқлари назариясининг асосий тушунчалари очиб берилган бўлиб, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишининг халқаро ва миллый механизмлари умумий тавсифи, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари фаолиятида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишининг ўзиги хос ҳусусиятлари кўрсатиб берилган. Иловалар сифатида жадваллар ҳамда инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро пактлар берилган.

Тақризчилар:

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири ўринбосари, Тергов бош бошқармаси бошлиғи, полковник **С.О. Нурматов;**

Тошкент давлат юридик институти “Халқаро ва қиёсий ҳуқуқ” кафедраси мудирави ю.ф.н., доценти **Г. Юлдашева;**

Мазкур дарслик ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари Координатори кўмагида нацир этилди.

© Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012 й.

КИРИШ СЎЗИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг Муқаддимасида Ўзбекистон халқи инсон ҳуқуқларига ва давлат суверенитети гояларига содиқлигини тантанали равишда эълон қилиб, хозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятини англаган ҳолда, ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибасига таяниб, демократия ва ижтимоий адолатга садоқатини намоён қилиб, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидалари устунлигини тан олган ҳолда, республика фуқароларининг муносаб ҳаёт кечиришларини таъминлашга интилиб, фуқаролар тинчлиги ва миллый тотувлигини таъминлаш мақсадида инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш вазифаси қўйилганлиги айтиб ўтилган.

Хозирги дунёда инсон ҳуқуқлари етакчи ўринни эгаллаши умумэътироф этилган далиллар. Инсон ҳуқуқлари масаласининг ҳар қандай цивилизациялашган, адолатли фуқаролик жамиятини қуришдаги ролини камайтириб бўлмайди. Демократик, ҳуқуқий давлат қуришнинг бош шарти асосий ҳуқуқ ва эркинликларни рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш ҳамда жамиятда ҳар бир инсоннинг ҳуқуқларини кафолатлашнинг ҳақиқий тизимини яратиш ҳисобланади.

Мамлакат Президенти И. А. Каримов “**Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси**” юзасидан қилган маъруzasida шундай деган эди: “Мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичдаги энг муҳим йўналишларидан бири бу — қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишига қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришдан иборатdir. Бир сўз билан айтганда, юртимизда ҳуқуқий давлат асосларини янада такомиллаштириш ва ахолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш биз учун ҳал қилувчи вазифа бўлиб қолмоқда¹.

Инсон ҳуқуқлари ер юзида ҳаётнинг тўлақонлилигини белгилайди ҳамда миллатлар маданиятларининг ажралмас кисми, инсоният маънавий-ҳуқуқий идеалларининг энг юкори даражада кўриниши бўлиб хизмат қиласиди. Шунинг

1 Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси/Демократик ислохотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш — мамлакатимиз тараккиётининг асосий мезонидир. — Т. 19. — Т.: Ўзбекистон, 2011.—Б. 53.

учун ҳам, ҳозирги замон дунёсининг маънавий қадриятлари орасида умумъети-роф этилган инсон ҳуқуқлари энг муҳим ўринлардан бирини эгаллади. БМТ Низоми ва халқаро конвенцияларда ҳамда дунёning турли мамлакатлари конституцияларида мустаҳкамланган инсон ҳуқуқлари фундаментал ва ажралмас ҳуқуқлар сифатида онгимизга сингиб бормоқда. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги устувор йўналишларни кўрсатиб ўтмоқда. Хусусан, «...Инсон ҳуқуқлари соҳасида миллий ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш долзарб аҳамиятга эга. Ушбу дастур энг аввало ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари томонидан инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш, жамиятда инсон ҳуқуқлари бўйича маданиятни шакллантириш ва шу каби бошқа соҳаларга оид қонунларга риоя этилиши устидан жамоатчилик мониторингини олиб боришга қаратилган чора-тадбирларни ўзида мужассам этиши керак.»¹.

Инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларининг рўйхати ва мазмуни Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида мустаҳкамлаб кўйилган бўлиб, мазкур ҳужжат одатда дунёning виждони, инсоният маънавиятининг эталони деб номланади. БМТ Низоми каби, мазкур тарихий ҳужжатда ҳақиқат ўз тасдиғини топган: **барча инсонлар эркин ва инсоний қадр-қиммат ва асосий, табиий ҳуқуқларда тенг туғиладилар.** Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида ирқи, тана ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ёки бошқа эътиқодларидан, мол-мулки, табакаси ёки бошқа ҳолатидан катъи назар ҳар бир инсоннинг эҳтиёжларсиз ва ўз шахсий даҳлсизлиги учун ҳадиксирамай яшаш ҳуқуки, сўз ва эътиқод эркинлиги, адолатли ва бутун дунёда тинчликга бўлган ҳуқуки мустаҳкамлаб кўйилган.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинган кун — 1948 йил 10 декабр — бутунжаҳон байрами бўлиб қолди, чунки, мазкур ҳужжат барча учун камситишларсиз, инсонга эркин ва мақбул шароитларда ижтимоий адоплатни ўзлон қилган биринчи ҳужжатлардан бири эди.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси асосида ўнлаб ҳужжатлар: юридик кучга эга бўлган пактлар, конвенциялар, протоколлар ишлаб чиқилди. Уларда демократия ва бағрикенглик, яъни бошқаларнинг фикрлари, динга эътиқод, уларнинг ўзини тута билиши, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, тинчлик ва тараққиёт умумъетироф этилган универсал қадриятлар мақомига эгалиги тўғрисида катъий фикрлар юритилади. **Инсон ҳуқуқларини мустаҳкамлаш ва ҳимоя қилишда таълимнинг роли кўплаб халқаро ҳужжатларда қайд этилади.**

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилингандан кейинги ўн ийлликларда БМТ, ХСТ, ХМТ, ЮНЕСКО, Европа Кенгаши, ЕХХТ ва бошқа

1 Каримов И. А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси / Демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш — мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. — Т. 19. — Т.: Ўзбекистон, 2011. — Б. 96–97.

халқаро ташкилотлар күпласб мұхим фундаментал ҳужжатларни қабул қылди, уларда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимни инсонпарварлық ғоялари асосида қуриш түғрисидаги қоidalар ривожлантирилди. Хусусан, 1974 йил 19 ноябрь куни ЮНЕСКОнинг Баш конференцияси томонидан **Халқаро тушуниш, ҳамкорлик ва тинчлик рухида тарбиялаш ҳамда инсон ҳуқуқлари ва асosий эркинликларига ҳурмат рухида тарбиялаш түғрисидаги тавсиянома** қабул қылindi. Баш конференция ЮНЕСКОнинг барча аъзо-давлатларига мазкур тавсияномани мактаб таълими, олий ва мактабдан ташқари таълим учун масъул бўлган органлар, идоралар ёки муассасалар билан бир қаторда, ёшлар ва катта ёшдагилар орасида тарбиявий ишлар олиб борувчи, талabalар ва ёшлар ҳаракати, ўқувчилар ота-оналар ассоциациялари, ўқитувчилар касаба уюшмалари, шунингдек, бошқа манфаатдор томонларнинг эътиборига етказишни тавсия қилди.

1985 йил 14 май куни Европа Кенгашининг Вазирлар кўмитаси аъзо-давлатларнинг инсон ҳуқуқларини ўқитиш соҳасидаги мажбуриятларини ҳисобга олиб ва ўзининг резолюцияларидан келиб чиқиб, мактабларда инсон ҳуқуқларини ўқитиш ва ўрганиш түғрисидаги тавсияномани қабул қылди. Унда, хусусан, “**мактабларда инсон ҳуқуқларини ўқитишни ва ўрганишни рағбатлантириш; мактаб таълими билан шуғулланувчи шахслар ва ташкилотлар эътиборини Тавсияноманинг ... матнига қаратишни; ... Европа кенгашши аъзоси бўлмаган Европа маданий конвенциясининг аъзо-давлатларининг ҳукуматларига Тавсияномани беришни**” таклиф этилган.

Инсон ҳуқуқлари бўйича таълимга эътиборнинг “ҳали ҳам бошланғич даражада” эканлигини эътиборга олиб, Инсон ҳуқуқлари бўйича Иккинчи бутунжаҳон конференцияси (Вена, 1993 йил) ўзининг Декларацияси ва Ҳаракат дастурида “**барча давлатлар ва муассасаларни инсон ҳуқуқлари, гуманитар ҳуқуқ, демократия ва қонунийлик масалаларини барча ўқув юртларининг ўқув дастурларига киритиш ва инсон ҳуқуқлари соҳасида кенг миқёсдаги таълимни таъминлаб берувчи инсон ҳуқуқлари соҳасида муайян дастурлар ва стратегияларни ишлаб чиқишиш чакириди**”.

1993 йил Монреалда бўлиб ўтган Инсон ҳуқуқлари, демократия таълими бўйича халқаро конгресс томонидан инсон ҳуқуқлари ва демократияни ўқитиш бўйича Бутунжаҳон ҳаракат режаси ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Ҳаракат режаси инсон ҳуқуқларининг ҳурмат қилиниши, фуқаролик жамияти эса барча учун мақбул бўлган моделга айланиши учун алоҳида шахслар ва гуруҳларни инсон ҳуқуқларига ўқитиш учун оиласдан бошлаб БМТГача бўлган энергия ва ресурсларни глобал мобилизация қилишга чакириди.

1988 йилдан бошлаб БМТ инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантиришнинг энг мұхим воситаларидан бири сифатида ўқув юртларига катта ишонч билдириб, инсон ҳуқуқлари түғрисида жамоатчиликни хабардор қилиш бўйича Бутунжаҳон кампаниясини ўтказиб кельмоқда. БМТ шафелиги остида ЮНЕСКО, Европа кенгашши, ЕХХТ ва унинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси (ДИИҲБ), Халқаро инсон ҳуқуқлари

институти ва бошқа халқаро ҳукуматлараро ва нохукумат ташкилотлар ва жамғармалар томонидан жаҳонда ҳар йили инсон ҳуқуқлари соҳасида, инсон ҳуқуқлари, демократия, бағриенглик, тинчлик маданияти ва халқаро тушуниш масалалари бўйича аҳолини ҳабардор қилиш ва ўқитиш бўйича ўнлаб бутунжаҳон, миңтақавий ва миллый конференциялар, симпозиумлар, семинарлар, мактаблар, ўқув курслари ўтказилмоқда.

БМТ Бош Ассамблеяси 1995–2004 йилларни **Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълимнинг ўн йиллиги деб эълон қилди**. Шу билан боғлиқ равишида БМТнинг Инсон ҳуқуқлари Олий Комиссари Бошқармаси инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим бўйича миллый ҳаракат режаларига тааллуқли **Раҳбарий принципларни ишлаб чиқди**. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, аъзо-давлатларни инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим бўйича **Миллый ҳаракат режасини ишлаб чиқишга чақирмокда**.

Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш соҳасидаги фаолиятда шахс ва давлатнинг ўзаро муносабати бўйича инсоният томонидан йифилган тажрибадан фойдаланиш зарур. Бундай тажриба эса, инсон ҳуқуқлари бўйича асосий халқаро ҳужжатларда акс этган. **Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар ғояси — улкан аҳлоқий-ҳуқуқий қадрият ҳисобланади**.

Кўплаб халқаро шартномалар мазкур шартноманинг мазмуни билан аҳолини ҳабардор қилиш мажбуриятини давлатга юклайди. Мисол учун, БМТ томонидан қабул қилинган Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг 42-моддасида шундай дейилган: “Иштирокчи-давлатлар тегишли ва таъсирили восита-лардан фойдаланган ҳолда Конвенциянинг тамоиллари ва коидалари ҳакида катта ёшдагиларни ҳам, болаларни ҳам кенг ҳабардор қилиш мажбуриятини ўз зиммасига оладилар”

Хельсинки жараёни доирасида, 1991 йил кузидаги Москвада бўлиб ўтган ЕХХТнинг Инсонийлик мезонлари бўйича конференциясининг йигилишида аъзо-давлатлар инсон ҳуқуқлари таълими соҳасида ўз зиммаларига қатор мажбуриятларни қабул қилдилар.

Шундай қилиб, инсон ҳуқуқлари таълими, давлатнинг инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятлари бўйича қабул қилинган мажбуриятларини амалга ошириши билан боғлиқ бўлган тўғридан тўғри мажбурияти ҳисобланади.

Инсон ҳуқуқларини ўқитиш — фуқаролар юридик таълимнинг таркибий қисми ҳисобланиб, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида либераллаштириш ва демократлаштириш жараёни кетаётган, ҳуқуқий давлат қурилаётган ҳамда адолатли фуқаролик жамияти шакллантирилаётган ҳозирги шароитларда айниқса долзарб аҳамият касб этади.

“Аҳолида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилиш борасида янги қадриятлар ва кўнкимларни шакллантириш ва пировардида миллат даражасида инсон ҳуқуқларини хурмат қилиш ва уларга риоя қилишини ривожлантиришга қаратилган маданиятни шакллантириш лозимдир. Инсонларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини билишлари, шахс

хуқуқларини конституциявий кафолатини амалга оширишнинг зарурый шарти бўлиши керак”¹.

Мазкур дарслик ўз олдига хуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятида кўлланиладиган умумэътироф этилган инсон хуқуқларининг мураккаб муаммоларини тушунтиришга ёрдам беришга қаратилгандир. У шахснинг аҳлоқий ва фуқаролик позицияларининг ўзаро алоқаларига боғлиқ равиша миллий ҳамда ҳалқаро даражада инсон хуқуқларининг юридик жиҳатларини таҳлил қилишга имкон берувчи турли фикрлар интеграциясига қурилган. Етакчи ғоялар — гуманизм, инсоннинг шаъни ва қадр-қимматига хурмат, эркинлик ва маъсулиятидир. Ўқув материалини танлашда инсон хуқуқлари бўйича ҳалқаро декларациялар ва конвенциялардан, шунингдек бу соҳадаги хорижий хуқуқий тажрибадан кенг фойдаланилди. Дарсликда алоҳида эътибор умумэътироф этилган инсон хуқуқлари ва эркинликларининг хуқуқий жиҳатларига, яъни: уларнинг мазмунига, уларни таъминлашнинг хуқуқий асослари билан ҳеч бўлмаганда минимал даражада танишиш заруриятини кўзда тутивчи, уни ҳимоя қилиш механизми ва процедуруларига қаратилди.

Муаллифлар дарсликда хуқуқий тилнинг қатъиyllиги билан баён қилинаётган материалнинг оддийлигини ўзаро боғлашга, сиёсий ва аҳлоқий тушунчаларга хукукнинг аниқлигини беришга, фуқароларга ўз хуқуқларини ҳимоя қилишнинг тинч ва маърифий хуқуқий шаклларини кўрсатишга ҳаракат қилишган.

Дарсликнинг асосий мақсадларидан бири — ўз хуқуқларини, уларнинг моҳиятини анлаган ҳолда, масъулият билан ёндашиб ва улардан фойдаланиш, ўзининг хуқуқий ва аҳлоқий маданиятини, инсон хуқуқлари маданиятини такомиллаштиришдан иборат.

Дарсликдан таълимнинг турли босқичларида ва турли шаклларида фойдаланиш мумкин. Яъни:

Биринчидан, маърузаларга тайёргарлик кўришда. Тегишли мавзунинг материаллари билан дастлабки танишиш, тезда ишчи режимга киришишга, ўрганилаётган масалага яхшироқ тушунишга ёрдам берса, бошқа томондан эса, тингловчиларда маъruzachi томонидан билдирилаётган, кўпинча мулоҳаза қилиш мураккаб бўлган фикрларни ўйлаб ўтиргасдан ёзиб олишдан озод қиласди. Кўшимча ахборотларни ёзиб олишнинг ўзи кифоя. Маърузани эшитиб бўлгандан кейин барча олинган ахборотларни тезда мантикий тизимга ва кетма кетлиқка келтириш мумкин.

Иккинчидан, амалий машғулотлар пайтида. Дарсликдаги материаллардан мунозара, мустақил таълим ҳамда мустақил тайёргарлик машғулотларида жавоб учун ўзига хос манба сифатида фойдаланиш мумкин.

Учинчидан, мустақил тайёрланишда. Масалани содда ёритилиши фикрлашни умумийлаштиришга, инсон хуқуқларининг моҳияти тўғрисидаги тассаввурларни соддалаштиришга ёки тайёр чизмалар доирасида фикрлаш-

1 Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. — Т. 5 — Т.: «Ўзбекистон», 1997. — Б — 115.

ни рағбатлантиришга олиб келмайди. У, аксинча, мустақил таълим вактида, ўрганилаётган “Инсон хукуқларининг умумий назарияси” курсининг назарий коидалари устида фикрлашни назарда тутиб, тингловчиларда назарий масалалардан ижтимоий ҳаётнинг ҳақиқий воқеликларига ва хуқуқни муҳофаза қилиши органларида бўлажак фаолиятга “ўтувчи кўприк” бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Тўртинчидан, таклиф этилаётган дарслик давлат аттестациясига тайёргарлик кўришда катта ёрдам бериши мумкин.

Мазкур дарсликни тайёрлашда Ўзбекистон Республикасида, шунингдек яқин ва узок хорижий мамлакатларда инсон хукуқлари бўйича тайёрланган, шунингдек БМТ, ЮНЕСКО, Европа Кенгаши, ЕХХТ, Демократик институтлар ва инсон хукуқлари бўйича бюроси (ДИИҲБ) каби халқаро ташкилотлар томонидан нашр этилган шунга ўхшаш китобларнинг яратилиш тажрибаси хисобга олинган.

«ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УМУМИЙ НАЗАРИЯСИ» ФАНИНИНГ ТУШУНЧАСИ, МЕТОДИ, ТИЗИМИ ВА УНИНГ АҲАМИЯТИ

1.1. «Инсон ҳуқуқлари умумий назарияси» фанининг предмети ва вазифалари

Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат қурилишининг асосий шартларидан бири шахснинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини рағбатлантириш ва жамиятдаги ҳар бир инсон ҳуқуқларининг амалий кафолатлари тизимини яратишидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов таъкидлаганидек, «биз ўз олдимиизга қўйган демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш мақсадидан воз кечмаймиз, муқаддас заминимизда яшаётган ҳар бир инсон учун эркин, ҳеч ким ва ҳеч нимадан кам бўлмаган фаровон ҳаёт барпо этиш йўлидан қайтмаймиз»¹.

Ўзининг ташқи ва ички сиёсатида Ўзбекистон Республикаси 1993 йил БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Иккинчи умумжаҳон конференциясида тасдиқланган инсон ҳуқуқлари шак шубҳасиз универсал хусусиятга эга, уларнинг ҳимояси эса тегишли давлатларнинг қонуний эҳтиёжидир деган принципга асосланади².

Юртимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш бўйича мақсадли иш олиб борилмоқда, конун ҳужжатларининг бутун бир тизими ишлаб чиқилган ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича миллий институтлар муваффақиятли ишлаб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, қўшилган биринчи ҳалқаро-ҳуқуқий ҳужжат бу — Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси эди. Бу, Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқларини ривожлантириш, ҳимоя этиш ва кафолатлаш бўйича хақиқий мақсадларини билдиради. **Бугунги кунда, Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқ ва эркинликлари бўйича 70 дан ортиқ ҳалқаро ҳуқуқий ҳужжатларни ратификация қилган.**

1 Каримов И.А. Жаҳон инқирознинг оқибатларини енгиси, мамлакатимизни модернизация килиш ва тараккӣ топган давлатлар даражасига кўтарилиш сари. — Т. 18. — Т.: Ўзбекистон, 2010. — 280 б. Б — 10.

2 Карапг Инсон ҳуқуқлари ва сен. Кўлланма. — Варшава: БДИПЧ/ОБСЕ. 2000. — Б. 150–152.

Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқ ва эркинликлари бўйича асосий хужжатларга қўшилиши билан халқаро ҳуқуқнинг асосий умумий эътироф этилган принциплари босқичма-босқич миллий ҳуқуқий тизимга имплементация қилиб борилмоқда.

Инсон ҳуқуклари соҳасидаги халқаро-ҳуқукий хужжатлар имплементациясида БМТ конвенциявий хужжатлари бўйича ҳисоботлар механизми муҳим ўринга эга. 2011 йил бошида Ўзбекистон Республикаси қўшилган БМТнинг асосий хужжатлари бўйича Ташкилотнинг тегишли қўмиталарида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари борасидаги асосий хужжатлар бўйича миллий ҳисоботлар тақдим этилиб, кўриб чиқилган, жумладан,

«Хотин-қизларга нисбатан камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенция»;

«Иркӣ камситишнинг барча турларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенция»; «Бола ҳуқуклари тўғрисидаги конвенция»;

«Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ, шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-кимматни камситувчи турларига қарши конвенция»;

«Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт»;

«Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт» хужжатлари бўйича ҳисоботлар топширилган.

Шуни таъкидлаш керакки, **халқаро-ҳуқукий стандартларни Ўзбекистон миллий қонунчилигига имплементация қилиш жараёни барқарор, тизимли ва ортга қайтмас характер қасб этмоқда.**

Ушбу ходисанинг натижасида бир катор конун ва қонуности хужжатларининг халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормалари талабларига мослиги бўйича қайта кўриб чиқиши амалга оширилмоқда.

Табиийки, у ёки бу соҳада режаларнинг ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши ҳали муаммонинг ечилишини билдирамайди, балки стратегик устуворликни аниқлаб олиш ва қўйилган вазифаларни тўлиқ ҳал этилиши муаммонинг ечимиидир.

Халқаро ҳамжамият эндиликда ривожланишга бўлган ҳуқуқقا алоҳида эътибор қаратмокда. Ушбу ҳуқуқ халқлар ва инсон учун узвий бўлиб, асосий инсон ҳуқукларининг бир қисми ҳисобланади. Ушбу ҳуқуқ якуний равишида 1986 йилда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган **Ривожланишга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги декларация** қайд этилган.

Ушбу Декларацияда қўйидагича таъкидланади: ривожланиш — ҳар томонлама иқтисодий, маданий, ижтимоий ва сиёсий тараққиёт бўлиб, у ривожланиш натижасида унда иштирок этган барча шахсларнинг ундан яратилган фаровонликдан тенг равишида адолатли фойдаланиши ва унда фаол иштирок этишига йўналтирилгандир. Таъкидланганидек, инсон ривожланиш жараёнинг асосий субъекти бўлиб, ривожланишга бўлган ҳуқуқнинг фаол иштирокчиси бўлиши лозим.

Кўпчилик демократик давлатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, миллий даражада инсон ҳуқуклари, ва айниқса «бираинчи авлод» ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ва ҳимоялашнинг самарали механизмини яратмай туриб,

фуқаролик жамияти ва хуқуқий давлатни ташкил этиши мумкин эмас.¹ Шахсий хуқуқ ва эркинликларнинг амалий таъмин этиши ҳар бир давлатнинг барқарор ва изчил ривожланишининг асосидир.

Демакки, инсон хуқуқларининг замонавий концепциясини ўрганиш, муаммолинг тарихи ва назарияси билан боғлиқ масалаларни тадқиқ қилиш Ўзбекистон юридик фани учун муҳим ва долзарб масаладир.

«Инсон хуқуқлари умумий назарияси» фанини ўрганишга киришишдан аввал ушбу фаннинг предмети, мақсад ва вазифаларига аниқлик киритиб ўтиш лозим.

Фаннинг предмети — бу ушбу фан ўрганадиган масалалар доирасидир. Бошқа фан соҳаларини тақорроламайдиган ўз предметига «Инсон хуқуқларининг умумий назарияси» фани ҳам эга. Унда инсон хуқуқ ва эркинликлари, уларнинг тарихий ривожланиши, имплементацияси, уларнинг универсал кафолатлари механизми, шунингдек, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва бошқа инсон хуқуқларига таъсир этувчи омиллар ўрганилади.

Ушбу фаннинг предмети инсон цивилизациясининг энг олий қадриятларидан бири, индивидуал ва ижтимоий борлиқнинг турли қирраларини қамраб оловучи — инсон хуқуқлари тизимиdir.

«Инсон хуқуқлари умумий назарияси» предмети уч блокдан иборат билимларни қамраб олади:

биринчидан, инсон хуқуқлари бўйича тарихий ва назарий концепциялар;

иккинчидан, инсон хуқуқлари бўйича халқаро-хуқуқий хужжатлар;

учинчидан, инсон хуқуқларини таъминлаш ва химоялаш бўйича миллий қонунчилик ва давлатнинг ички механизмлари.

«Инсон хуқуқлари умумий назарияси» фанининг мақсади — инсон хуқуқ ва эркинликларини ҳамма томондан ўрганишdir.

Инсон хуқуқлари давлат ва хуқуқ тўғрисидаги фан томонидан ўрганилади: барча мураккаб давлат — хуқуқий масалалари инсон хуқуқларида ўз аксини топади ва давлат ва хуқуқий ҳаётнинг асосий халқаси бўлиб хизмат қиласди. Шахснинг хуқуқ ва эркинликлари устуворлиги хуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятининг асосий принципидир.

«Инсон хуқуқлари умумий назарияси» фани олий ўқув юртларида ўқув курси сифатида киритилган бўлиб, бу — Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамият олдидаги мажбуриятларига мос келади, чунки **1995–2004 йиллар «Инсон хуқуқларини ўрганиш ўн йиллиги»** деб ўзлон қилинган эди. Айнан шу йилларда Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясида «Инсон хуқуқлари назарияси ва амалиёти» кафедраси ташкил этилган бўлиб, ИИВ ўқув юртларида инсон хуқуқларини ўқитиш бошланган эди.

«Инсон хуқуқлари умумий назарияси» курсининг ўқитишидан мақсад:

биринчидан, тингловчиларнинг хуқуқий маданияти ва инсон хуқуқлари маданиятини ошириш;

иккинчидан, уларда инсоний дунёқарашни шакллантириш;

1 Биринчи авлод инсон хуқуқларига шахсий (фуқаролик) ва сиёсий хуқуқлар киради. 20-чизма.

учинчидан, ёшларга демократик қадриятлар малакасини сингдириш, инсон кадр-киммати тушунчасини юксалтириш, фуқаролик масъулияти, нафақат ўз хукуқларини, балки, ўзгалар хукуқларини, шунингдек, жамият манфаатлари ва давлатнинг ўз фуқаролари олдиаги мажбуриятларини ҳам чуқур тушуниши яратишдир.

Ушбу курснинг ўқитилиши келажакда ходимларда ички ишлар органлари фаолиятида шахс хукуқларини таъминлаш ва ҳимоялашнинг професионал малакасини шакллантиришга қаратилгандир.

Фанинг асосий вазифалари:

биринчидан, тингловчиларнинг инсон хукуқлари бўйича билимларга эга бўлиши;

иккинчидан, тингловчиларга инсон ҳуқук ва эркинликларига ҳурмат билан ёндашиши ўргатиш, уларда инсон хукуқлари, шаъни ва эркинликларига бўлган эътиборни кучайтириш;

учинчидан, инсон ҳуқук ва эркинликларини професионал ҳимоя қилиш малакасини шакллантириш;

тўртингидан, инсон хукуқлари маданиятини шакллантириш.

Умумэътироф этилган инсон хукуқларининг аҳамиятини ҳисобга олган холда, уларни ҳимоя қилиш жараёнлари ва механизмига эътибор қаратиш лозим:

1) бундай ҳимоянинг конституциявий, судлов, жиноий-хуқукий, жиноий-процессуал, маъмурий-хуқукий чораларини очиб бериш;

2) инсон хукуқларининг таъминланиши ва ҳимоясининг халқаро хуқукий тизимини ва бу соҳадаги ривожланишининг кейинги тенденцияларини ўрганиш;

3) тингловчиларда инсон хукуқлари озодлик ва тенгликнинг муҳим шарти эканлиги ҳақида тўғри тасаввурни уйғотиш;

4) инсон хукуқлари маданияти ва хуқукий жамият шаклланиши учун шароитлар яратиш.

«Инсон хукуқлари умумий назарияси» ўқув курси умумэътироф этилган инсон хукуқлари — мураккаб, серқирра ҳодиса бўлиб, инсониятнинг узок хуқукий тарихининг натижаси, энг олий ижтимоий қадрият эканлигини кўрсатиб беришга қаратилгандир. Инсон хукуқлари шахснинг эҳтиёжи ва имкониятларини, унинг эркинлиги ва масъулияти меъёрини акс эттиради.

Мавзуларнинг ўрганилиши тарих, этика, фалсафа, политология, давлат ва ҳуқук назарияси ва бошқа ижтимоий фанлар билимларига асосланади. Таълим жараённида конституциявий хуқуқ, давлат ва ҳуқуқ назарияси, фуқаролик хуқуки, меҳнат хуқуки, оила хуқуки, экология хуқуки, маъмурий хуқуқ, жиноят хуқуки, жиноят-ижроия хуқуки, жиноят-процессуал хуқуки, халқаро хуқуқ ва бошқа фанлар бўйича билимлар шаклланади.

1.2. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари ходимлари учун инсон хукуқларининг аҳамиятини белгилаб берувчи омиллар

Инсон хукуқлари — мураккаб, серқирра тушунча бўлиб, у замонавий цивилизациянинг ҳал қилувчи қадриятларидан бири ҳисобланади. Унга ягона таъриф

бериш қийин, чунки бу тушунча нафакат хуқукий, балки, фалсафий, сиёсий ва ахлоқий тушунчадир.

Инсон хуқуқларининг аҳамияти шундан келиб чиқадики, бу энг аввало, индивидга тегишли тушунча бўлиб, унинг эркинлиги жамият ва давлатда ўрнатиладиган ижтимоий ва хуқукий меъёрлар билан белгиланади. **Инсон хуқуқлари асосий моддий ва маънавий қўрсаткичларга эришиш, ўз қобилият ва истеъодини амалга ошириш чорасидир.**

Инсон хуқуқларида энг муҳим умумбашарий қадриятлар ўз аксини топади ва улардан ҳар бир инсон кимлиги ва қаерда яшашидан қатъи назар (жинс, ирк, миллат ва ҳоказо) фойдаланиши лозим. Ушбу тушунчалар хуқуқ устуворлиги, адолат, қонуннинг самарадорлиги, бағрикенглик, плюрализм каби умуминсоний қадриятлар қаторида туради.

Инсон хуқуқлари умумбашарий бўлиб, ҳар бир инсонга тегишли ҳисобланади (халқаро ҳамжамият барча инсонларни тенг хуқуқли деб тан олади), улар бўлинмас, ўзаро боғлиқ ва ўзаро ўхшашдир. Уларнинг кучи нафакат хуқукий нормаларда акс этиши, балки универсал ахлоқий норма ва умуман қонунчиликнинг ахлоқий асоси эканлигидадир.

Умуман олганда, хуқуқлар инсон ва жамият, индивид ва давлат ўртасидаги муносабатларни акс эттиради. Ўз моҳиятига кўра улар фуқаро ва давлат муносабатида миллий ва халқаро хуқукий тизимлар принциплари ва нормалари билан қайд этиладиган муносабатларни ўрнатувчи шартнома муносабатларининг асосидир. Бундан ташқари, улар давлатда фуқаро (шахс) нинг мақомини белгилаб, индивидга ўз иродасига мувофиқ ҳаракат килиш имконини яратишни, маълум бир манфаатларга эга бўлишини ёки халқаро ташкилотлар ва давлат томонидан ҳимоя этилишини белгилаб беради.

Инсоният томонидан умумбашарий дея англанган барча қадриятлар орасида инсон хуқуқ ва эркинликлари энг олдинги қаторда туради. Таракқиёт жараённида икки ярим минг йил давомида англанган, шакллантирилган инсон хуқуқлари замонавий тушунча ва замонавий шаклга эга бўлди. Бу тушунчалар замонавий цивилизациянинг асосий қадриятлари сифатида келажакда ҳам халқаро муносабатлар учун муҳим аҳамиятга эга бўлиб қолаверади.

Инсон хуқуқларининг фалсафий тушунча сифатидаги аҳамияти шу билан белгиланадики, у асосий омили инсон бўлган гуманизм принципларига асосланган дунё курилиши, дунёкарош ҳақида тасаввур ҳосил қиласди. Демакки, унинг хуқуқ ва эркинликлари инсоннинг жамиятдаги ўрни ва роли ҳақидаги фалсафий қарашлардан келиб чиқади. Инсон хуқуқларини жамиятдаги муносабатларнинг асоси бўлган инсоний қадриятлар тизими деб қараш ҳам адолатли ҳисобланади. Шунингдек, инсон хуқуқларини ижтимоий регуляторлар тизими, деб қараш ҳам тўғридир. Инсон хуқуқлари-хуқукий тушунча бўлиб хуқукий нормаларга асосланган шахснинг давлат ҳокимияти билан ўзаро муносабатлардаги ўрнини аниқлаб беради.

Ички ишлар органлари ходимлари давлат вакиллари бўлиб, улар жамоат тартибини сақлаш бўйича ўз хизмат вазифасини бажариш давомида баъзан инсон

хукуқларини чеклашга мажбур бўлиб қоладилар. Ушбу муносабат билан **ички ишлар органлари ходимлари учун «озодлик» ва «инсон хукуқ ва эркинларни тушунчаларини ажратиб олиш жуда ҳам муҳим аҳамият касб этади**. Биринчи ҳолатда «озодлик» кенг фалсафий маънода тушунилиб, инсонга хос, ўз ҳоҳиш иродасига мувоғиқ ҳаракат қилиш имкони сифатида ишлатилади. **Озодлик шахс ва жамиятнинг шаклланиши ва ривожланишининг энг муҳим шарти ҳисобланади.** Озодлик инсонга ўз имкониятларини амалга ошириш, жамият муваффақиятларига ўз ҳиссасини кўшиш имконини беради. Инсон эркинлиги соғ юридик маънода тушуниладиган конституциявий-хукуқий тушунча бўлиб, индивиднинг қонун билан чекланган доирада объектив ва субъектив хукуқларини амалга оширишига тўғри келади.

Шу ўринда, ички ишлар органлари ходимлари инсон хукуқлари бўйича ўрнатилган халқаро стандартлар, миллий қонунчиликда кўзда тутилган меъёрлар доирасида иш тутишлари, қонунга риоя этишлари лозим. Шу билан боғлиқ равишда инсон хукуқларининг ички ишлар органлари ходимлари учун аҳамиятини белгилаб берувчи омиллар тўғрисидаги саволлар пайдо бўлади.

Инсон хукуқларини ички ишлар органлари ходимлари томонидан ўрганиш зарурияти қўйидаги омиллар билан белгиланади:

бириңчидан, инсон хукуқлари маданияти ИИО ходимларининг касб маҳоратининг таркибий қисми ҳисобланади;

иккинчидан, БМТ хужжатларига кўра ИИО ходимлари инсон хукуқларини ўрганиш мажбурий бўлган давлат хизматчилари сирасига киради;

учинчидан, ИИО ходимлари томонидан хукуқни амалда қўллаш фаолияти уларнинг хукуқий онгини доимо ошириб боришни талаб қиласди ва инсон хукуқлари ҳақидаги билимлар бу жараённинг таркибий қисмидир;

тўртингчидан, ИИО ходимларининг барча фаолият турлари (жиноятчиликка карши кураш, жамоат тартибини сақлаш, тезкор қидирув фаолияти) инсон хукуқлари бўйича халқаро стандартларга риоя қилишни талаб қиласди;

бешинчидан, Ўзбекистон Республикаси бажарилиши мажбурий характерга эга бўлган инсон хукуқлари бўйича барча асосий шартномаларни ратификация қиласган;

олтингчидан, Инсон хукуқлари бўйича барча халқаро шартномаларнинг қоидалари ИИО ходимлари касбий фаолиятига бевосита боғлиқdir.

1.3. «Инсон хукуқлари умумий назарияси» фанининг методлари, тизими ва аҳамияти

Замонавий дунёning ривожланиши ўзига инсон хукуқлари муаммосининг ечилишини ўйғунлаштириб келмоқда. Уларнинг юксак қадриятини тан олиш ва уларга амал қилиш давлатларнинг ички ишларида демократизмнинг рамзи-га айланиб колди ва бу эса, давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг цивилизациялашгандигининг англатади. Бу ҳол қонунийдир ва тушунарли. Инсон хукуқлари ўзида сайёрамизнинг глобал муаммоларини, яъни, ядрорий хавф

ва экологик йўқ бўлиб кетиш, каби омилларни ҳам акс эттиради. Бу тушунчалар умумбашарий эзгулик, одиллик, озодлик, тенглик, демократизм, меҳрибонлик тушунчаларини акс эттириб, шахснинг давлат билан муносабатларида устувор ўринни асос қилиб олди.

Хукукий давлат — бу инсон хукуклари соҳасидаги халқаро стандартлар бўйича яшовчи, тегишли қонунларга эга бўлган, самарали давлат тизимиға эга, ва инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳақида аниқ маълумотга эга, энг муҳими шу хукукларга эҳтиёж сезадиган фуқароларга эга давлатдир. Давлат, унда инсон хукуклари қанчалик даражада тан олиниши, амал қилиниши, ва ҳимоя этилишига қараб, шунчалик хукукий деб аталиши мумкин.

Бу жиҳатдан инсон хукуклари соҳасидаги билимлар катта аҳамиятга эга. **Ушбу курсни ўқитиши фаннинг илмий методларига асосланган бўлиши керак.** Шу сабабдан асосларни билиш ва объектив билим олишининг шарти бўлган методларни тўғри қўллаш катта аҳамиятга эга. Ўз навбатида умумий ва хусусий методлар ажратилади. Умумий методлар асосида табиат, фикрлаш ва жамиятнинг умумий ривожланишига доир қонуниятлар ётади. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари масалаларини ўрганишда эса ўз характеристига кўра хусусий бўлган методлар ҳам кўлланади. Уларга қуидагиларни киритиш мумкин:

1) *тизимли метод*, бунда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари масалаларини ўрганиш бир-бирига боғлиқ шахсий ҳуқуқ ва эркинликлардан иборат бутун бир тизим сифатида қурилади;

2) *тарихий метод*, бунда инсон хукуклари тарихий ривожланиш орқали кўриб чиқилади. Шуни таъкидлаш керакки, тарихийлик бу доимий ривожланишда бўлган ҳодисага баҳо беришдир;

3) *қиёсий метод*, тушунча ва ҳодисаларнинг умумий ва фарқли жиҳатларини аниqlашdir;

4) *социологик метод*, бу маълумот йиғиш ва таҳлил методидир. Бундай методда турли сўровномалар (оммавий сўровнома, интервью, эксперт сўровномаси ва бошқалар) ўtkазилади. Олинган маълумотни таҳлил қилиш-статистик гурӯхлардан фойдаланиш, индекслаш ва бошқалар;

5) *мантиқий метод* — бу инсон ҳуқуқ ва эркинликлари масаласини мантиқий таҳлил қилишга қаратилгандир. Улар ҳар қандай фан соҳаси учун зарур бўлган шаклларда баён этилади ва инсон хукукларини ўрганишга ҳам тааллуклидир.

Юкорида кўрсатилаган методлардан ташқари ҳам бошка методлардан фойдаланилади. Кўрсатилган методлар айни инсон ҳуқуқ ва эркинликлари назариясини ўрганишда кенг кўлланади.

Ушбу курсни ўқитиши давомида биз ИИО ходимлари фаолиятида инсон хукукларини амалда тадбиқ этишда кўл келиши лозим бўлган дарслик тузилишидан фойдаланамиз. Фаннинг тузилишига ИИО ходимлари инсон ҳукукларига амал қилиш борасида ўз қасбий мажбуриятларини бажариш давомида керак бўладиган, энг муҳим масалалар киритилган. Уларга энг аввалио, «Инсон хукуклари умумий назарияси» фаннинг предмет ва вазифалари, Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари ходимлари учун инсон

хукукларининг аҳамиятини белгилаб берувчи омиллар, фаннинг методлари, тизими ва аҳамияти, каби қисмлар киради. Дарсликни тузилишини кейинги қисми инсон хукуклари назариясининг ривожланиш боскичларини кўриб чиқишга қаратилган замонавий инсон хукуклари концепциясининг тарихий илдизларини ўрганишdir. Бунинг давоми сифатида инсон хукуклари ва шахснинг хукукий ҳолатини ўрганиш ва асосий инсон хукукларининг мазмунини кўриб чиқиш ётади. Инсон хукуклари соҳасидаги стандартлар ва уларнинг тизими Ўзбекистон конунчилигига қандай ўз аксини топганлиги хам ўрганиб чиқилади.

Кейинги қисмда инсон хукуклари бўйича миллий институтларни ўрганиш, уларнинг таснифи, тушунчаси, ва унинг ўзига хос томонларини ўрганишга қаратилган, шунингдек, Ўзбекистонда яратилган инсон хукуклари кафолатларининг механизми ўрганиб чиқилади. Бунинг мантикий давоми сифатида инсон хукукларининг халқаро ҳимоя кафолатлари механизми, жумладан БМТ ва бошқа халқаро минтақавий ташкилотларнинг инсон хукуклари ҳимояси бўйича тизими кўриб чиқилади.

Ўрганилаётган фан тузилишида инсон хукуклари бўйича халқаро стандартларда хукукни ҳимоя қилиш органларига ажратилган ўрин алоҳида аҳамиятга эгадир. Хукукни ҳимоя қилиш органлари фаолиятига доир умумий халқаро ҳужжатлар, жамоат тартибини сақлашда мансабдор шахсларга юклатилган юридик қоидаларнинг кучи, шунингдек, Ўзбекистон Руспубликасининг инсон хукуклари бўйича халқаро ҳамкорлиги масалалари ўрганилади.

Қийноққа қарши конвенциянинг ички ишлар органлари фаолиятидағи аҳамиятини ҳисобга олган, мазкур дарсликда Қийноққа қарши кураш тўғрисидаги конвенциянинг ўрганилишига алоҳида ўрин ажратилган. Шу билан бирга, мазкур Конвенциянинг ички ишлар органлари ходимлари фаолиятидаги ўрни ва аҳамиятига доир масалалар ҳам ўрганилади.

«Инсон хукуклари умумий назарияси» фанининг аҳамияти шунда намоён бўладики, инсон хукуклари кўп томонлама масала сифатида ижтимоий фанлар томонидан ўрганилади. Чунки, инсон ўз фаолиятининг турли кирралари бўйича ижтимоий фанларнинг тадқиқот предмети ҳисобланади.

«Инсон хукуклари умумий назарияси» фани ижтимоий фанлар орасида алоҳида ўринга эга ва ўз моҳиятига кўра юридик фан ҳисобланади, чунки, индивиднинг давлат, ва турли ташкилотлар, жумладан, халқаро ташкилотлар билан хукукий муносабатини ўрганади. У инсон хукукларига тегишли бўлган турли хуқуқ соҳалари билан ҳамкорликка киришади. Бундан ташқари бу фан фалсафа, политология, социология, психология, иқтисод ва бошқа фанлар тизимига ҳам киради.

Инсон хукуклари ва юридик фанлар. Хуқуқшунослик инсон хукукларини амалга оширишнинг юридик жиҳатларини ўрганади. Бошқа сўз билан айтганда юридик фанлар инсонни у давлат-хукукий муносабатларга, турли ижтимоий алоқаларга киришганда ўрганади. Уларга моддий ва процессуал хукукларни киритиш мумкин.

Инсон ҳуқуқлари ва фалсафа. **Фалсафа** — бу табиат, онг ва жамиятнинг умумий ривожланиш қонуниятлари ҳақидаги фандир. Бу — онг ва борликнинг умумий принциплари ҳақидаги билимлар тизимиdir. Ижтимоий ҳодисалар тизимида инсон ҳуқуқларининг моҳияти, қўлланиши, табиатини ўрганиш, шубҳасиз фалсафий асосларга ҳам эга.

Инсон ҳуқуқлари ва политология. **Политология** сиёсий жараёнлар, сиёсий бирлашмалар, сиёсий ва давлат ҳокимиятига эришишининг йўлларини, шахс, давлат ва фуқаролик жамияти ўртасидаги муносабатларни ўрганади. Политология инсон ҳуқуқ ва эркинликлари масаласини сиёсий муносабатлар орқали ўрганади.

Инсон ҳуқуқлари ва социология. **Социология** — бу жумладан глобал (бутун жамият) ва хусусий ижтимоий тизимларнинг ривожланиши, иш юритишига доир қонуниятларни ўрганувчи фандир. Социология турли ижтимоий ҳодисаларнинг ўзаро боғлиқлиги ва инсонлар ижтимоий хатти-ҳаракатининг умумий қонуниятларини ўрганади. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳам социологиянинг объекти хисобланади.

Инсон ҳуқуқлари ва иқтисодий фанлар. **Иқтисодий фанлар:** ишлаб чиқариш муносабатлари, хўжалик ҳаётини ташкил этиш, хўжалик соҳалари, меҳнат муаммолари, молия ва бошқаларни ўрганади. Иқтисод ва инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги фаннинг яқин муносабати инсон ҳуқуқлари ва иқтисод ўртасидаги боғлиқликни очиб беришга хизмат қилади.

Инсон ҳуқуқлари муаммоси бошқа фан соҳалари томонидан ҳам ўрганилади.

Хулоса сифатида таъкидлаш лозимки, «инсон ҳуқуқлари» — бу универсал фан бўлиб, «умум эътироф этилган инсон ҳуқуқлари» нафақат аҳлоқий, балки сиёсий ва юридик тушунчадир.

ХОЗИРГИ ЗАМОН ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ КОНЦЕПЦИЯСИННИГ ТАРИХИЙ ИЛДИЗЛАРИ

2.1. Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги ғояларнинг вужудга келиши ва инсон шахси қадрланишига оид тасаввурларнинг шаклланиши

Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги ғояларнинг вужудга келиши ва инсон шахси қадрланиши доир тасаввурларнинг шаклланиши замоновий дунёнинг тарақиёти билан чамбарчас боғлиқдир. Инсоннинг шахси юксак қадрият эканлигининг эътироф этилиши ва инсон ҳуқуқини таъминланишига риоя қилиниши давлатларнинг демократлашуви, шунингдек давлатлараро муносабатларнинг цивилизациялашганлиги рамзига айланди. Улар шахс ва ҳокимиятнинг ўзаро муносабатларида унинг устун ролини эътироф этган ҳолда эзгулик, адолат, эркинлик, тенглик, демократизм, раҳм-шафқат каби универсал умуминсоний категорияларни ўзида мужассамлаштиргди.

Ижтимоий онгда инсон ҳуқуқларининг вужудга келиши ва шаклланиши, уларнинг рӯёбга чиқаришга эришилиши — аслида инсоният тадрижий ривожланиши жараёни ва аввало одамларнинг жамиятдаги ўзаро муносабатларидир.

Патриархат жамиятда оиласада ота ҳукмронлик қилган бўлсада, оила аъзоларининг ҳуқуқий ваколат ва имтиёзларсиз оила мавжуд бўла олмаган. Матриархат давридаёқ аёл ва эркаклар ўзларидан насл қолдиришлари учун жуфт бўлиб яшаш орқали ҳуқуқ ва мажбуриятга эга бўлиш кераклигини табиатнинг ўзи исботлаб берди. Аммо бу онгли равишда амалга ошмай, барча жонзотлар сингари насл қолдириш туйғуси орқали амалга оширилган эди¹. Патриархат даврига келиб, энди нафақат биологик, балки ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий эҳтиёжлар жамиятнинг асосий бўғини бўлган оиласи тақомиллашишига олиб келади. Оиласи ташкил қилиш механизмининг ривожланишда асосий ўрин оила аъзоларининг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларига тегишли бўлган. Оила аъзоларининг ўзаро хатти-ҳаракатининг мураккаб механизми бўлган оила аъзоларининг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўрганиш, авесто даври оиласининг мазмун-моҳиятини очиб беришда муҳим роль ўйнайди.

Қанчалик мантиққа зид бўлмасин, айтиш жоизки, инсон ҳуқуқларининг вужудга келишида унинг нормал ҳаётий фаолиятига нисбатан турли таҳдидлар

1 Аристотель. Политика. Афисская политика.–М., 1997. – С. 36.

ҳамда уларга самарали равиша қатый қаршилик кўрсатишга интилиш асосий сабаблардан бири бўлган.

Инсон ҳаёти минг йиллар давомида хавф-хатарларга дучор бўлган, қадр-қіммати поймол қилинган. Унга жавобан табиий равиша одамларнинг тенглиги, уларни камситиш, шафқатсизлик, зўравонликлардан химоя қилишининг инсонпарварлик ғоялари туғилган ҳамда қарор топган ва ҳ.к. Тарихдан маълумки, инсоният инсон хуқуқларини сақлаб туриш ва химоя қилиш учун махсус сайди-харакатлар талаб этиладиган вазиятга тушиб қолмаслиги учун ҳар бир авлод инсон хуқуқларини янгидан қайта-қайта химоя қилавериши керак.

Инсон хуқуқларининг илк бор мустаҳкамланиши миллий хартиялар, декларациялар, конституция нормалари шаклида амалга оширилган. 1789 йилдаги Инсон ва фуқаро хуқуқлари француз декларацияси анча таъсирчан қонунчилик ҳужжати бўлиб хизмат қилади ва унинг тарихда шахс хуқуқ ва эркинликларининг эътироф этилиши ва химоясининг муҳим белгиси бўлгандиги бежиз эмас. Декларациядаги демократик тезиснинг эътиборга молик жиҳати шундаки, унга кўра, хуқуқлардан фойдаланиш таъминланмайдиган, ҳокимиятлар бўлиниши амалга оширилмаган жамият конституциявий хисобланмайди (*16-м.*). Шахсий ҳаёт, мулк, хавфсизлик соҳасидаги, ҳокимиятнинг жавобгарлиги, жумладан диний ва бошқа фикр-мулоҳазалар табиий, ажралмас ва муқаддас хуқуқ ва эркинликларга киритилган.

Француз Декларацияси билан бир қаторда тарихда инсон ва фуқаро хуқуқлари ифодаланган инглиз **Хабеас Корпус Акти, Америка Қўшма Штатларининг Мустақиллик декларацияси, АҚШ Конституцияси ва хуқуқлар тўғрисидаги Билль ҳамда бошқа бир қатор хужжатлар ҳам муайян аҳамиятига кўра ажралиб туради.**

XX асрнинг бошларида шахс ва давлат ўртасида асосий хуқуқ ва эркинликларнинг эътироф этилишига асосланган шартнома муносабатлари принципи Европа, Лотин Америкаси ва мустамлакачилик асоратидан ҳалос бўлган бир қатор Осиё давлатларида конуний асосда қабул қилинди. Ушбу жараён аста-секин мустақилликка эришган Африка ва Осиё давлатларига ҳам ёйилди. Айниқса, кишиларнинг бир давлат кучи билан хуқуқ ва эркинликларни тўлиқ ва керакли даражада химоя қилиб бўлмаслигига ишончи орта бошлади. Халқаро гуманитар алоказаларга бўлган эҳтиёж тобора ўсиб борди.

Инсон хуқуқларининг, биринчи навбатда. ҳар кимнинг яашаш хуқуқини даҳшатли ва оммавий равиша бузилишига олиб келган Иккинчи жаҳон уруши мазкур соҳада давлатлар ва халқларнинг ўзаро кенг ҳамкорлигига айланниб, инсон хуқуқларининг байналмиллаллашувида кескин бурилиш палласи бўлди. 1945 йили **Бирлашган Миллатлар Ташкилотини тузилишнинг асосий мақсадлардан бири Инсон хуқуқлари ва асосий эркинликлари унинг ирқи, жинси, тили ва эътиқодидан қатъи назар ҳамма учун бир хилда ҳурмат қилинишини рағбатлантириш ва ривожлантириш эканлиги бежиз эмас (БМТ Низомининг 1-м).**

1948 йилнинг 10 декабряда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан том маънода тарихий аҳамиятга эга бўлган мухим хужжат — Инсон хукуқлари умумжаҳон декларацияси ёълон қилинди. Унинг матни инсоният оиласининг ҳамма аъзоларига хос қадр-киммат ва уларнинг teng, ажралмас хукуқларини тан олиш эркинлик, адолат ва ялпи тинчлик асоси эканлигидан иборат инсонпарварона иборалар билан бошланади. Декларация расман юридик мажбурий хужжат ҳисобланмаса-да, аммо аксарият кўпчилик давлатлар томонидан умумэътироф этилганлиги боис, у ҳозирги кунда том маънода шундай хужжатга айланди.

Кейинчалик БМТ бошчилигига инсон хукуқларига бағишланган ўнлаб бошқа бир қатор хужжатлар қабул қилинди. Улар қаторида **Фуқаролик ва сиёсий хукуқлар тўғрисидаги Халқаро пакт** (унга 1966 йилдаги тегишли факультатив протоколни ҳам қўшиб) ва **Ижтимоий, иқтисодий ва маданий хукуқлар тўғрисидаги Халқаро пакт** алоҳида аҳамиятига кўра ажралиб туради. Улар шартномалар сифатида намоён бўлади ва иштирокчи томонлар учун мажбурий юридик кучга эга бўлиб, уларнинг ҳар бири расмий равишда мазкур хужжатларнинг қоидаларига риоя қилишга рози бўлади.

Юқорида зикр этилган Декларация ва Пактлар йигиндиси **Инсон хукуқлари тўғрисидаги Халқаро Билл** деб аталади. У ижтимоий турмушнинг барча соҳаларида индивиднинг энг мухим хукуқ ва эркинликлари рўйхатини ўз ичига олади ва давлатларнинг шахснинг хукуқий мақомини қонуний мустаҳкамлашига йўналтирилган умумий демократик андоза сифатида хизмат қиласи. Бу ўринда яшаш, эркинлик ва шахсий дахлсизлик, қийноқ ҳамда бошқа шафқатсиз муомала ва жазо турларидан озод бўлиш; суд орқали ҳимояланиш; эркин ҳаракатланиш ва яшаш жойини танлаш эркинлиги; турар жой дахлсизлиги; сўз эркинлиги; виждан ва дин эркинлиги, тинч йиғилишлар эркинлиги, мулкка эгалик қилиш хукуки, меҳнат, дам олиш, ижтимоий таъминот, билим олиш ва бошқа шу каби хукуқлар тўғрисида сўз юритилади.

Айтиш жоизки, “инсон хукуқлари” ва “инсон эркинлиги” тушунчаларининг мувозий равишида ишлатилиши улар ўртасида қатъий фарқ борлигини билдирамайди. Инсоннинг шахсий ва сиёсий турмуш соҳасидаги айrim қонуний хукуқлари давлатнинг асоссиз аралашувидан ҳимояланиши мақсадида тарихан эркинлик сифатида шаклланган.

Эндилиқда дунёдаги аксарият кўпгина мамлакатларнинг конституциявий қонунчилигидан инсон хукуқлари тўғрисидаги асосий халқаро хужжатларга мос келадиган инсоннинг асосий хукуқ ва эркинликлари рўйхати жой олган. Улар давлатлар томонидан юридик мустаҳкамланган бошқа хукуқлар билан биргаликда у ёки бу мамлакат инсон ва фуқароларининг хукуқ ва эркинликлари кўринишида намоён бўлади. Бунда муайян-тарихий ва миллий хусусиятлар, иқтисодий ва сиёсий-хукуқий тузилиш, ахлоқий анъаналар ва шу кабилар ҳисобга олинади. Бу ерда “инсон хукуқлари” ва “фуқаро хукуқлари” тушунчаларининг асослантирилган мутаносиблиги ётади.

Хозирги замон тушунчасида “инсон хукуқлари” ва “фуқаро хукуқлари” замонавий тушунчада у ёки бу мамлакатнинг қонунларида

мустаҳкамланганлиги, шахснинг фуқаролигидан қатъи назар, умумижтимоий, фалсафий, ахлоқий, табиий равишда вужудга келувчи ва ажралмас қатъий-юридик мезон сифатида эътироф этилади. Фуқаро ҳуқуқлари факат муайян давлатнинг норматив хужжатлари билан ўрнатилади ва бир вақтнинг ўзида унинг маълум фуқаролик мажбуриятлари ҳам белгилаб кўйилади.

Табиий ҳуқуларни тан олмаган ҳолда, уларни ўзбошимчалик билан чеклаш, амалга оширилдишига тўсқинлик қилиш, асосиз равишда тақиқлар киритиш орқали ҳар кандай давлат, агар бундай тақиқларни нарматив равишда конунлаштиrsa, қонунга хилоф фолият юритган бўлади. Агар, ҳатто инсон ҳуқуқлари умуман миллий қонунчиликда мустаҳкамланмаган бўлса ҳам улар юридик кучидан, юксак маънавий салоҳиятидан маҳрум бўлмайди. Халқаро ҳуқуқда эътироф этилганидек, уларсиз индивит умуман мукаммал ҳаёт кечира олмайди.

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги чеклаш ҳақида сўз юритганда, бу ҳақида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 29-моддасида умумий тартибда қўйидагилар келтириб ўтилган:

1. Ҳар бир инсон жамият олдидаги бурчлидир, факат шу ҳолатдагина унинг шахси эркин ва тўлиқ камол топиши мумкин.

2. Ҳар бир инсон ўз ҳуқуқи ва эркинликларидан фойдаланишда ўзгаларнинг ҳуқук ва эркинликларини демократик жамиятда етарли даражада бўлишини ҳамда ҳурмат қилинишини таъминлаш, ахлоқ, жамоат тартиби, умум фаровонлигининг одилона талабларини қондириш мақсадидагина қонунда белгиланган чекланишларга риоя этиши керак.

3. Ушбу ҳуқуқ ва эркинликларни амалга ошириш Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мақсад ва принципларига асло зид бўлмаслиги керак.

Ота-оналарнинг болаларни ҳимоя қилишга мажбурийлиги, ҳозирда ҳам энг долзарб муаммолардан бири бўлиб, дунёнинг кўплаб мамлакатларининг қонунчилигига ўз тасдиғини топган. “Болалар соғлигини ҳимоялаш ва уларнинг ўсишини таъминлаш” ҳақида 1990 йил 30 сентябрда қабул қилинган Умумжаҳон Декларациянинг 18-моддасида: “Жамиятнинг барча муассасалари, ота-она ва бошқа васийларнинг болаларини оила шароитида боқиши ва уларга ғамхурлик кўрсатиш билан боғлиқ бўлган уринишларни ҳурмат қилишлари ва қўллаб-қувватлашлари зарур” дейилади. “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”нинг 25-моддасининг биринчи қисмида “Ҳар бир инсон ўзининг ҳамда оиласининг саломатлик ва фаровонлигини таъминлаш учун зарур бўлган турмуш даражасига эга бўлиш, жумладан кийим-кечак, озиқ-овқат, тиббий хизмат ва зарур ижтимоий хизматга эга бўлишга ҳамда ишсизлик, кассалик, ногиронлик, бевалик, қарилек ёки унга боғлиқ бўлмаган шароитларга кўра тириклийлик учун маблағ бўлмай қолган бошқа ҳолларда таъминланиш ҳуқуқига эга”¹, — дейилади “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”нинг 25-моддасининг иккинчи қисмида. “Оналик ва болалик алоҳида ғамхурлик ва ёрдам

1 Каранг: Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. Декларациянинг 60 йиллигига бағишлиланган нашр 1948–2008. – Б. 10.

хукуқини беради. Барча болалар, никоҳда ёки никоҳдан ташқарида туғилишдан қатын назар, бир хил ижтимоий ҳимоядан фойдаланиши керак¹.

Ота-она ўз бурч ва мажбуриятларини тўғри англаган ҳолда, боланинг ривожланишига шарт-шароит яратмоқлари лозимлиги Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексида мустаҳкамлаб қўйилган. Жумладан, Оила кодексининг 11-бобида вояга етмаган болаларнинг оиласда яшаш хукуқи, ота-оналарнинг бағрида, қариндош-уруги қамровида тарбияланиш, ўз исм-фамилиясига эга бўлиш ва уни ўзгартиришга доир хукуқлари қонунлаштирилган. “Вояга етмаган бола қонунга мувофиқ тўла муомала лаёқатига эга деб эътироф этилса, у ўз хукуқ ва мажбуриятларини, шу жумладан ҳимоя хукуқини мустақил амалга оширишга ҳақлидир”.

Шу тарзда хulosса килса бўлади, инсон хукуқлари барча хукуқ соҳаларига қараганда алоҳида аҳамият касб этади, чунки унда бутун инсониятнинг ҳаёти, эркинлиги, қадр-киммати, шахсий мустақиллиги каби асосий қадриятлари алоҳида тўла мужассамлашади. Ушбу қадриятлар инсон хукуқларида ўзининг норматив мустаҳкамланган аксини топиб хукуқий воситалар ва институтлар кўмагида амалга оширилиши кафолатланади. Аммо инсон хукуқлари концепциясининг ички мазмуни ва мақсади фақатгина қонуний тартибга солишининг тор доираси билангина чекланиб қолмайди. Цивилизациялашган жамиятда инсон хукуларни таъминлашни хукуқий усууллари стандартлар ва умумий ҳаёт нормадаги муаммоларининг мухим қисми ҳисобланади. Инсон хукуқлари соҳасидаги бошқа қўшимча хукуқий кафолатлар бошқа меъёрий-қадрият тизимларида ва энг аввало, ахлоқий тизимда акс этади.

Ўзбекистон Республикасида инсон хукуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш борасида тизимлийлик асосида ишлар олиб борилмоқда, бир қатор қонунчилик хужжатлари тизими ишлаб чиқилган ва қабул қилинган, инсон хукуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш миллий институтлари ташкил этилган ва самарали фаолият кўрсатмоқда.

Кўпчилик демократик давлатлар тажрибаси инсон хукуқлари, ва айниқса, биринчи авлод деб аталадиган² хукуқ ва эркинликларнинг таъминлаш ва ҳимоя қилишнинг миллий даражадаги самарали механизмини яратмай туриб, фуқаролик жамияти ва демократик давлатни шакллантириб бўлмаслигини исбот қилди. Шахсий хукуқ ва эркинликларнинг аниқ таъминланиши ҳар қандай давлатнинг барқарор ва динамик ривожланишининг асоси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасининг қўшма мажлисиде қилган “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” номли маърузасида таъкидлаганидек: «... биз ўз олдимиизга қўйган узоқ муддатли стратегик мақсадлар, яъни замонавий ривожланган демократик давлатлар қаторига

1 Кўрсатилган манба, ўша жой.

2 Биринчи авлод инсон хукуклариша шахсий (фуқаролик) ва сиёсий хукуклар киради. 20-чизма.

кириш, иқтисодиётимизнинг барқарор ўсишини таъминлаш, хаёт сифатини яхшилаш ва жаҳон ҳамжамиятида муносаб ўрин эгаллаш борасидағи сайд-харакатларимизга бугунги кун нуқтаи назаридан холисона баҳо беришимиш табиийдир»³.

Бошқа давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, инсон ҳуқуқларининг ҳозирги замон концепциясини, муаммонинг тарихи ва назарияси билан боғлиқ масалаларни тадқиқ этиш, Ўзбекистон юридик фани олдида турган нихоятда дол зарб вазифа хисобланади.

2.2. Инсон ҳуқуқлари концепциясининг ривожланиш босқичлари

Ҳуқуқ ва эркинликларнинг тарихий ривожланиш босқичларининг хар бирига ҳуқуқ субъекти бўлиши инсоннинг ва унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, эркинлиги ва эрксизлигига оид тасаввурлари мувоффик ўз юридик концепцияси мос ва хосдир. Бу маънода **ҳуқуқ тарихи — инсон ҳуқуқларига оид оддий, чекланган ва ҳозирга қадар ривожланмаган тасаввурларнинг шаклланиши ва эволюцияси тарихидир**. Энг умумий шаклда айтиш жоизки, у ёки бу жамиятда инсон ҳуқуқларининг тан олинганилиги ва химояланганлиги чоралари унинг ижтимоий-иктисодий тузилиши, умумтараққий ривожланиш дарајаси, инсонпарварлиги ва либераллашганлиги билан белгиланади.

Инсон ҳуқуқлари — инсоннинг ҳуқуқий лаёқатлилиги ва ҳуқуқ субъекти эканининг эътироф этилишидир. Ҳуқуқий лаёқатлигининг ҳажми ва ҳуқуқ субъектларининг доирасига кўра турли даврларда ушбу ҳусусида ҳуқуқ тизими одамлардан кимни қай даражада ҳуқуққа эга бўлганлигини эътироф олиши масаласида турлича фикр юритиш мумкин.

Инсон ҳуқуқлари тарихи — бу одамларни инсонийлаштириш тарихи, у ёки бу муносабатлар доираси учун у ёки бу одамларнинг инсон сифатида ҳуқуқий тан олишнинг тобора кенгайиб бориши тарихидир.

Шу боис инсон ва фуқаро ҳуқуқларининг вужудга келиши ва ривожланиши турли даврлар ва турли жамиятлардаги формал (ҳуқуқий) тенглик принципининг мазмуни эволюцияси билан чамбарчас боғлиқдир.

Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги билимларнинг ривожланиши, уларнинг астасекин халқаро-ҳуқуқий мустаҳкамланиб бориши ҳуқуқлар катта гурухининг тарихий изчиллиги хақида хулоса қилишга олиб келди ва уларнинг ривожланиш босқичлари сифатида тасаввур ҳосил қилиш мумкин.

Қадим замонларда вужудга келган одамларнинг умумий тенглиги гояси (яъни шу билан бирга, одамнинг инсон сифатидаги ҳуқуқлари гояси) ўрта асрларда ҳам амалга оширилмаган, бирок у унутиб юборилмаган ва турли позициялар, турли шакл ва ўйналишларда ривожланишда (масалан, ўрта асрнинг

³ Каримов И. А. Демократик ислохотларни янада чукурлаштириш ва фукаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир/ И. А. Каримов.–Т.: Ўзбекистон, 2011. Т. 19. – Б. 35–36.

рухоний муаллифлари, ақидапараст мағкурачиларининг ижоди, ўрта аср файласуслари, ҳуқуқшунослари асарларида) давом этган.

Жумладан, “Авесто”да мужассамланган нормалар жамият аъзолари хаётида тўлиқ татбиқ этилган. Сўғд хужжатлари бунга яққол мисол бўлиб хисобланади. Сўғд хужжатлари ўша давр учун мукаммал бўлган ҳуқуқ тизими ва оила-никоҳ нормалари амал қилганини қўрсатади. Унда ҳуқуқий муносабатлар иштирокчилари таркиби, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шартнома шартлари, шартноманинг бажармаганлик оқибатлари, шарнома тузиш вақти ва жойи батафсил акс этган.

Ўша даврларда ушбу ғоянинг ҳуқуқий хужжатлардаги амалий ифодаси муқаррар равишда табақавий-чекланганлик хусусиятига эга бўлган ҳамда табақавий ҳуқуқ ва эркинликни (озодликни) мустахкамлашни ўзида акс эттирган. Шу билан бир қаторда бу ўз навбатида, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги замонавий тасаввурлари билан боғлиқ анъана-лари ва юридик конструкциялари шаклланишига таъсир кўрсатувчи тарихий истиқболли йўналиш бўлган. **Ва инсон ҳуқуқлари тарихи нуқтаи назаридан, хусусан, инглиз Эркинликнинг буюк хартияси (1215 й.), Ҳуқуқлар тўғрисида петиция (1628 й.) Habeas Corpus Act (1679 й.), Ҳуқуқлар декларацияси (1688 й.), Ҳуқуқлар тўғрисидаги Билл (1689 й.), Виргиния ҳуқуқлари тўғрисида америка декларацияси (1776 йил 12 июнь), Америка Кўшма Штатларининг мустакиллик декларацияси (1776 йил 4 июнь), АҚШ Конституцияси (1787 й.), Ҳуқуқлар тўғрисидаги Билл (1789–1791 й.), Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари тўғрисида француз декларацияси (1789 й.), Инсон ҳуқуқлари умумжахон декларацияси (1948 й.) ва инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги кейинги халқаро пакт-ларнинг мазмунан бир-бири билан боғлиқлиги, муайян мантиқий изчиллиги, ворисийлиги ҳамда ривожланиш даврлари ҳақида алоҳида таъкидламоқ жоиз.**

Санаб ўтилган ҳуқуқий хужжатларнинг мазмунида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари соҳасидаги юридик норма ва конструкцияларнинг мантиқий шаклланиш йўлларини кўриш мумкин; бу норма ва конструкцияларни дастлаб табақавий-чекланган вариантда, кейинчалик дастлабки моделни (у ёки бу модификация ва модернизация қилиш билан) ривожлантириш, унинг мазмунини бойитиш, уни ижтимоий қатламлар ва мамлакат бўйлаб тарқатиш, ва ниҳоят, замонавий дунё ҳамжамияти томонидан инсон ҳуқуқлари соҳасидаги универсал хусусиятга эга бўлган ютуқлар ҳамда уларнинг барча ривожланган давлатлар ва миллий ҳуқуқий тизимларда тасдиqlанишидан келиб чиқувчи (давлат ички имкониятлари ва саъй-харакатлари билан уйғунлашган ҳолда) халқаро-ҳуқуқий шакл ва воситалари эътироф этилади.

Бу каби барча жараёнларда одамларнинг ҳуқуқий тенглиги (аввало, давлатнинг миллий ва кейин халқаро даражада) ва инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги коидаларнинг аста-секинлик билан универсаллашувида инсоннинг давлатчилик соҳасида ҳам сақланиб қолган, тан олиниш керак бўлган ҳамда оммавий ҳокимият ва қонунлар билан кафолатланган табиий ва ажралмас ҳуқуқларига оид тасаввурлар жиддий рол ўйнаган.

Французларнинг барча кишиларнинг эркинликлари ва хуқуқий тенглиги эълон қилинган **1789 йилги “Инсон ва фуқаро хуқуқлари декларацияси”** абадий тарихий аҳамиятга эга бўлди. Унда ижтимоий шартномағоюси руҳида ҳар қайси давлат уюшмасининг мақсади инсоннинг табиий ва ажралмас хуқуқларини таъминлашдан иборат деб қайд этилган. Бундай хуқуқларга Декларацияда эркинлик, мулкчилик, хавфсизлик ва камситишга қаршилик кўрсатиш каби-лар киритилган. Инсон хуқуқлари сифатида шунингдек, фикр ва мулоҳазани эркин шу жумладан, диний масалалар бўйича ҳам ифодалаш хуқуқлари ҳам тан олинган. Барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги принципи умумий иродани ифодалаш сингари эълон қилинди. Декларацияда суверенитет манбаи моҳият эътиборига кўра миллатга таянади деб қайд этилган.

1789 йили француз Декларациясида эълон қилинган инсон ва фуқаро хуқуқ ва эркинликлари, умумжаҳон аҳамиятига эга бўлди ва ижтимоий ҳамда давлат тартибларини янгилаш ва инсонпарварлаштириш императивига айланди.

Инсон хуқуқ ва эркинликларининг олдинги тажрибаси таъсирини (хусусан, Хуқуқлар тўғрисидаги биллни ташкил этиш ва қабул қилишда англо-саксон анъаналарини, АҚШнинг 1776 йилдаги Мустақиллик декларацияси, АҚШ Конституцияси ва ҳоказо) акс эттирган бу Декларация, келгусида, ўз навбатида, биргаликда инсон ва фуқаро хуқуқларини тан олиш ва ҳимоя қилиш, хуқуқий давлат гоюсини том маънода амалга ошириш учун бутун дунёда “эски режимга” қарши кураш жараёнига жуда катта таъсир кўрсатди. У инсон ва фуқаро хуқуқлари тарихида хуқуқий тенглиknи ривожлантириш, хуқуқий давлат қуришга интилишнинг янги сахифаси бўлиб қолди. Инсон ва фуқаро хуқуқлари соҳасидаги назария ва амалиётнинг келгуси барча ривожи, хуқуқий давлатчилик, хуқуқнинг ҳукмронлиги, бу тарихий хужжатнинг хайрли таъсирини ўёки бу даражада ҳис этган ва ҳис этмоқда. 1789 йилдаги Декларация бутунжаҳон аҳамиятига эга бўлди ва инсон ва фуқаро хуқуқ ва эркинликларини тан олиш ва ҳимоя қилишда устувор йўналишни белгилаб берди.

Халқаро ҳамжамият сўнгги йилларда инсон хуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ишида салмоқли йўлни босиб ўтди. Аввалио, 1945 йилда БМТнинг асосий мақсадлари сифатида барча инсонларнинг ирқи, жинси, тили ва динидан қатъи назар, асосий хуқуқ ва эркинликларини рағбатлантириш ва ҳурматлашни эълон қилган ҳолда БМТ Устави, шунингдек 1948 йилда **Инсон хуқуқлари умумжаҳон декларацияси** қабул қилинди, Ҳозирги кунга келиб, инсон хуқуқлари соҳасида бир қатор шартномалар ва халқаро органлар тизими ташкил этилган. Аммо эришилган барча ютуқларга қарамай, инсон хуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳамкорлик тизими ҳозирги кунда такомиллашувдан анча йирок. Бундан ташқари, ҳозир жаҳонда инсон хуқуқларига нисбатан илгари мавжуд бўлмаган янги таҳдид ва даъватлар пайдо бўлмоқда. Бунга сўнгги йилларда янги шакл касб этаётган ва таҳдид доираси тобора кенгайиб бораётган терроризм муаммосини киритиш мумкин. Шу билан бир қаторда, инсон хуқуқлари соҳасида бошқа муаммолар ҳам мав-

жуд ҳамда ҳозирги кунда янгича аҳамият касб этиб, уларга янгича ёндашув эҳтиёжи туғилмоқда.

Инсон ҳуқуқларининг ривожланиш босқичларини кўриб чиқаётганда инсон ҳуқуқларининг авлодлари деб аталадиган даврларга бўлиш билан боғлиқ яна бир вазиятга тўхталиб ўтмасликнинг иложи йўқ. Халқаро амалиётда умумэътироф этилган бундай тизимлаштиришдан бири инсон ҳуқуқларининг “уч авлоди” ҳисобланади.

Биринчи авлодга шахсий (фуқаролик) ва сиёсий ҳуқуқлар киради. Бу умумэътироф этилган инсон ҳуқуқларининг энг “эски” авлоди бўлиб, ўн сакизинчи аср европа ва америка сиёсий-ҳуқуқий фалсафасидан ўсиб чиқсан. Улар БМТнинг дастлабки ҳужжатлари — Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси (1948 й.) ва минтақавий битимларда ўз ифодасини топган.

Бу ҳуқуқни айрим олимлар “негатив” деб атайдилар, чунки кўпчилик давлатлар имплементация учун бирор-бир аниқ ҳаракатни бажармасликлари мумкин, факат уларни айрим шахслар томонидан амалга оширилишига аралашмасликлари керак.

Бу асосан Буюк Француз инқилоби вужудга келтирган концепция эди. Ушбу ҳуқуқларга қуидагилар киритилди: яшаш ҳуқуки; кадр-қиммат ҳуқуки; виж-дон эркинлиги; ҳаракатланиш эркинлиги; шахсий хавфсизлик (дахлсизлик); хусусий мулк ҳуқуки

Инсон ҳуқуқларининг иккинчи авлоди — ижтимоий-иктисодий ва маданий ҳуқуқлар бўлиб, «позитив» ҳуқуқлар деб аталади, чунки уларнинг амалга оширилиши учун давлатнинг аниқ ҳаракати талаб қилинади. Уларнинг тан олиниши давлат билан турли сиёсий тизимлар ўртасида ғоявий, ҳуқуқий келишувлар натижаси ҳисобланди. Европада бундай ҳуқуқларнинг тан олиниши, эҳтимол мамлакатларнинг ижтимоий йўналиши (ориентацияси), меҳнаткашларнинг ўз ҳуқуқлари учун курашиши, касаба уюшмалари ҳаракатига таъсир кўрсатган бўлса ажаб эмас.

Бундай ҳуқуқларга қуидагилар киради: меҳнат қилиш ҳуқуки; мулк ҳуқуки; тадбиркорлик ҳуқуки; ижтимоий таъминот ҳуқуки; билим олиш ҳуқуки; тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуки; ижод эркинлиги; турар жой ҳуқуки; мерос ҳуқуки.

Инсон ҳуқуқларининг учинчи авлодига колектив ҳуқуқ, яъни озчилик ҳуқуки, шунингдек, халқлар ҳуқуки киради. XX асрнинг 80-йилларида БМТ озчилик халқларнинг ҳуқуқлари тўғрисида ҳужжатлар ишлаб чиқади, халқаро худудий нормалар қабул қилинади. Ушбу ҳужжатни ишлаб чиқишга Хельсинки жараёни, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгаши ўз хиссасини қўшади.

Уларга қуидагиларни киритиш мумкин: тинчлик ва хавфсизлик ҳуқуки; куролсизланиш ҳуқуки; ривожланиш ҳуқуки; соғлом атроф-мухитга бўлган ҳуқуқ.

Айрим олимлар одамлар жамоаси ёки халқлар эмас, балки факат индивидуя ҳуқуқ ва эркинликка эга бўлиши керак деб, ҳуқуқларнинг учинчи авлоди-

га қарши чиқадилар ва шу билан бир вақтда, назаримизда, кўпчилик олимлар халқлар хукуқларини ҳақли равища инсон хукуқларига киритадилар. Халқлар хукуқи нисбатан яқинда пайдо бўлган. Улардан бири халқаро ҳужжатларда мустаҳкамланган, бошқалари қайта ишлаш ва кейинчалик хукукий расмийлаштиришни талаб қиласди.

Инсон хукуқларига доир тасаввурлар вақт ва макон бўйича ўзгариб туради. Аста-секин янги хукуқ, хусусан — ҳамкорлик хукуки вужудга келади, ҳаётдаги янгича ўзгаришлар туфайли илгари мавжуд бўлган хукуклар мазмунига аниқлик киритиш амалга ошади. Глобаллашув шароитида инсоният олдида пайдо бўлган янги муаммоларни, яъни табиий атроф-муҳит ҳолатининг кескин ёмонлашуви, табиий ресурсларнинг чекланганлиги, янги турдаги қуролларнинг ишлаб чиқарилиши, ривожланган давлатлар билан ривожланаётган давлатлар ўртасидаги тафовутнинг кенгайиб бориши ва ҳ.к.ларни англаб этиш натижасида барқарор ривожланиш, шу жумладан инсон хукуклари ўлчами назарияси ифодалаб берилди.

Инсон хукуқлари соҳасидаги ҳамкорликнинг ҳозирги босқичи яна шуниси билан таърифланадики, жуда кўплаб мамлакатлар бундай ҳамкорликнинг нақадар муҳимлигини англаб етмоқдалар ва инсон хукуқлари бўйича шартномаларнинг иштирокчисига айланмоқдалар ҳамда бу инсон хукуқлари соҳасидаги халқаро ҳамкорликнинг универсал тизими аста-секин шаклланаштаганини ҳақида сўз юритиш имконини беради.

Шундай қилиб, инсоният турмушининг янгича шарт-шароитлари улар олдига янги муаммоларни кўймоқда ва бу муаммоларни, жумладан инсон хукуқлари соҳасидаги муаммоларни ҳал этиш йўллари ва воситаларини излаб топишни талаб қилмоқда.

2.3. Ўзбекистонда инсон хукуқлари концепцияси ҳозирги ривожланиши босқичининг хусусиятлари

Ҳозирги кунда давлатлар, шу жумладан мустақил Ўзбекистоннинг ривожланиш тарихи шахс хукуқ ва эркинликлари институтининг ривожланиши ва такомиллашуви билан чамбарчасдир. Инсон хукуқ ва эркинликлари ижтиёмий муносабатларнинг ривожланиш даражасига фаол таъсир кўрсатувчи қадриятлар йўналишидир. Улар инсон ва умуман, жамиятнинг ҳар томонлама ривожланишига қулай шарт-шароит яратиш орқали давлатнинг алоҳида шахслар билан ўзаро муносабатлари даражасини белгилаб беради.

Ўзбекистонда инсон хукуқлари концепциясининг вужудга келиши ва ривожланиши давлат мустақиллигининг кўлга киритилиши билан бевосита боғлиқдир. Бунда инсон хукуқ ва эркинликларининг умумэътироф этилган халқаро андо-залари соҳасини объектив таҳлил этиш ҳамда уларни миллий қонунчиликка имплементация қилишнинг аниқ имконияти пайдо бўлди.

Ҳозирги кунда мустақил давлатлар доирасида инсон хукуқлари концепцияси борасида тўпланган тарихий тажрибани ўрганиш ва қўллаш учун шарт-

шароитлар яратилмоқда. Эслаш жоизки, мустақил Ўзбекистон қўшилган биринчи халқаро ҳужжат Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси хисобланади.

Албатта, инсон ва фуқаро ҳуқуқлари тўғрисидаги ҳар қандай декларацияни ҳукукий давлат шароитида амалга оширишгача — масофа узок, аммо тарихнинг кўрсатишича, мақсадга эришиш йўлини белгилаб берувчи бундай декларациясиз талаб қилинган даражадаги ҳукукий ҳақиқатга эришиш йўли ундан ҳам узокдир. Ушбу муносабатда Ўзбекистон Республикаси ўзини ҳукукий демократик давлат ва халқаро ҳамжамиятнинг ажralmas қисми сифатида эътироф этган ҳолда тарихида илк бор конституциявий даражада инсон, унинг ҳуқук ва эркинликларини олий қадрият деб эълон қилди. Давлат инсон ҳуқук ва эркинликларининг устуворлигидан келиб чиқкан ҳолда шу орқали инсон ва фуқароларнинг ҳуқук ва эркинликларига риоя қилиш бўйича давлат ички ва халқаро мажбуриятларни ўз зиммасига олади.

Ўзбекистон Республикасининг ҳозирги ривожланиш босқичлари инсон ва фуқароларнинг ҳуқук ва эркинликларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш тизимини доимий равишда такомиллаштириб борилаётганлиги билан таърифланади. Мустақиллик йиллари инсон ҳуқуқлари ғояси жамоатчилик онгидан мустаҳкам ўрин олди ва шу йиллари мамлакатда амалга оширилган умумий демократик жараёнлар билан қонуний боғланган. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов раҳбарлигига мамлакат гуманитар соҳада жаҳон ҳамжамиятининг асосий стандартлари (андозалари)ни қабул қилди, инсон ҳуқуқларига риоя этиш ва уни ҳимоя қилиш бўйича ўзига мажбурият олди, бу ҳуқуқлар табиий ва ажralmas эканлиги, инсонга туғилганидан бошлаб мансублиги, барчага, аввало давлат ҳокимиятига бирдек амал қилиши, уларнинг ҳеч бир тўқинликсиз амалга оширилишининг кафолатланиши шартлигига қўшилди.

Ўзбекистон, ҳуқукий ва ижтимоий-иктисодий ислоҳотларни амалга ошира туриб, инсон ҳуқук ва эркинликларини халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормалари принципларига мувофиқ миллий тизимда босқичма-босқич шакллантириди.

Ўзбекистон ички ва ташқи сиёsat соҳасида янгиланиш ва тараққиётнинг ўз мустақил йўлини танлади. Мамлакат универсал халқаро ташкилотларга, шунингдек етакчи минтақавий халқаро ташкилотларга аъзо бўлди ва улар фаолиятида фаол қатнашди, улар ичida БМТ ва унинг ихтисослашган муассасалари асосий хисобланади. Бундан ташқари, Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги асосий халқаро ҳужжатларга қўшилди. **Мустақиллик даврида Ўзбекистон сиёsatида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги асосий принциплар шаклланди. Уларга қўйидагиларни киритиш мумкин:**

биринчидан, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда миллий манбаатларнинг устуворлиги;

иккинчидан, демократик ислоҳотларни амалга оширишнинг тадрижийлиги ва босқичма-босқичлиги;

учинчидан, ўз халқаро мажбуриятлари билан умумэтироф этилган демократия ва инсон ҳуқуқлари принципларига содиқлик;

тўртингчидан, миллий манфаатлардан келиб чишиб, инсон ҳуқуқлар соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

Ушбу принципларга асосланиб мамлакатда халқаро стандартларни инсон ҳуқуқ ва эркинликларига жорий этиш амалга оширилмоқда. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизими ва механизмларини ривожлантириш асосий масала — инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро мажбуриятларга оғишмай риоя қилиш ва демократик ҳуқуқий давлат қуриш мақсадида амалга оширилади.

Мустақиллик йиллари мамлакати томонидан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасига тааллуқли 15 та кодекс ва 500 дан ортиқ қонунлар қабул қилинди. Асосий қонунчилик ҳужжатларидан қуйидагиларни алоҳида қайд этиш мумкин: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси; “Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) тўғрисида”; “Конституциявий суд тўғрисида”; “Сиёсий партиялар тўғрисида”; “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”; “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”; “Ахборот олиш эркинлиги ва кафолатлари тўғрисида”; “Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида”; “Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида”; “Аёлларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида”; Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларни бузадиган ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида”; “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”; “Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”; “Адвокатура тўғрисида”; “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида” ги ва бошқа қонунлар шулар жумласидан.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларига оид қонунчиликнинг амалий тизими мавжуд ва уларга шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги қонунлар киради.

Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчиликнинг негизи — мамлакатимизда инсон ва фуқаро ҳуқуқ ва эркинликларининг юридик кафолати бўлган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси зиммага олган халқаро мажбуриятлари ижроси ни бажарилиши юзасидан ўз вақтида ҳисобот беради. Ўзбекистон 1998 йилдан бошлаб БМТнинг тегишли Кўмитасига мунтазам равишда миллий маърузалар жўнатиб туради. Мустақиллик йиллари Конвенция ва Пактларнинг бажарилиши тўғрисида 30 дан ортиқ миллий маърузалар тайёрлаб жўнатилди.

Мамлакатда қонунчилик асослари яратилиши билан параллел равиша инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш механизмларини институционал расмийлаштириш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Ушбу жараёнда давлат асосий ташаббускор бўлди. Инсон ҳуқуқлари бўйича БМТнинг Иккинчи Жаҳон конференциясининг (Вена, 1993 й.) ҳар бир мамлакатда инсон ҳуқуқлари институти ташкил қилиш бўйича чақириғига жавобан **Ўзбекистонда қуйидаги демократик институтлар ташкил этилди**:

- Конституциявий суд;
- Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман);
- Ўзбекистон Республикасининг Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий маркази;
- Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Амалдаги қонунчилик ҳужжатлари мониторинги институти;
- Қонунчилик палатасининг демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари бўйича Кўмитаси.

Ўзбекистонда инсон ҳуқук ва эркинликларини химоя қилишнинг давлат тизимидан ташқари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи нодавлат ташкилотларнинг ривожланишига ҳам катта аҳамият берилмоқда. Улардан кўйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин: “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази, Судъялар ассоциацияси ва Адвокатлар палатаси, Хотин-кизлар кўмитаси ва бошқ. Мамлакатимизда ҳаммаси бўлиб 5000 дан ортиқ нодавлат ташкилотлар рўйхатга олинган.

Ўзбекистондаги миллий институтлар ва нодавлат ташкилотлар турли ҳалқаро ташкилотларнинг вакиллари билан узвий ҳамкорликда ахборот-маърифий фаолият бўйича катта ишларни амалга ошироқдалар. Ўзбекистонда ҳар йили инсон ҳуқуқлари соҳасидаги долзарб муаммолар ва ушбу соҳадаги асосий ҳалқаро стандартлар бўйича 50 дан ортиқ семинар-тренинглар, ўқув курслари, конференциялар, давра сухбатлари ўтказиб келинмоқда.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизнинг барча мактаблари ва олий таълим муассасаларида, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг “Инсон ҳуқуқлари назарияси ва амалиёти” кафедрасида “Инсон ҳуқуқлари умумий назарияси” фани ўқитилади. Ушбу кафедра базасида 2011 йилда “Инсон ҳуқуқлари бўйича ресурс маркази” очилди ва бу ерда ички ишлар идоралари тингловчилари, курсантлари ва ходимлари ўртасида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги билимларни тарғиб қилиш борасида ҳар томонлама ва кенг миқёсдаги ишлар олиб борилади. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси сайтида Ресурс марказига бағишланган алоҳида саҳифа ажратилган.

Бундан ташқари, давлат институтлари ахборот-маърифий доирада илмий-ноширлик ишларини амалга оширадилар. Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари муаммолари билан шуғулланаётган барча вазирлик ва идоралари ўзларининг хусусий босма нашрларига эга бўлиб, уларнинг сахифаларида бу масалага устувор аҳамият берилади. Ҳаммаси бўлиб 20 дан ортиқ ихтисослашган юридик газета ва 5 та журналда инсон ҳуқуқлар муаммоси ёритиб борилади. Инсон ҳуқуқлар бўйича Миллий марказ томонидан ўзбек, рус ва инглиз тилларида чоп этиладиган “Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари”, “Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари” журналлари етакчи нашрлар хисобланади.

Ўзбекистон Республикасида сўнгги йиллар давомида ижтимоий сиёсатни амалга оширишда аёллар ва болаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, 1997 йилнинг Ўзбекистон Республикасида Инсон фаровонлиги йили; 1998 — Оила йили; 1999 — Аёллар йили; 2000 — Соғлом авлод йили; 2001 — Аёллар ва болалар йили; 2002 — Қарияларни кўллаб-қувватлаш йили; 2007 — Ижти-

моий ҳимоя йили; 2008 — Ёшлар йили; 2010 — Баркамол авлод йили; 2011 — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик; 2012 — Мустаҳкам оила йили деб аталиши шундан далолат беради.

Шунингдек, нодавлат ташкилотлари фаолиятида хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш Ўзбекистон учун хосдир. Мамлакатда рўйхатга олинган нодавлат ташкилотларининг ярмидан ортиги хотин-қизларга тегишли ёки аёллар томонидан бошқарилади.

Инсон ҳукуклари бўйича халқаро хужжатларни ўрганиш ва амалда қўллаш борасида Ўзбекистон Республикаси бу соҳада давлат фаолиятининг йўналишлари ва шаклларини тўғри белгилаб олиш имкониятини бермоқда. Халқаро конвенциялар бир қанча зарур вазифаларни бажариб, давлат томонидан инсон ҳукук ва эркинликлари қандай асосий йўналишлар бўйича кафолатланганлигини аниқлайди. Уларга қуйидагилар киради: консультатив функция — инсон ҳукукларини таъминлаш қоида ва стандартлари; тузатиш киритиш функцияси — инсон ҳукукларини амалга оширишнинг ҳукукий ва ташкилий механизмларини такомиллаштириш; превентив функция — инсон ҳукуклари бузилишининг олдини олиш; назорат функцияси — давлатнинг инсон ҳукукларига риоя қилишга доир маъруза ва ҳисоботларини, инсон ҳукукларининг бузилишига доир мурожаатларни кўриб чиқиш; давлатга ёрдам кўрсатиш функцияси — моддий, ҳукукий, методик, техник ва ҳоказо.

Ўзбекистон Республикаси учун инсон ҳукуклари бўйича мажбурий бўлган асосий халқаро хужжатларнинг аҳамиятига оид масаланинг таҳлили, инсон ҳукукларини ҳимоя қилишнинг самарали тизимини яратишга ёрдам берганлигини кўрсатди, ва айниқса:

биринчидан, халқаро стандартларни миллий қонунчилик ва ҳукуқни қўллаш амалиётига босқичма-босқич имплементация қилишнинг ўзига хос модели яратилди¹;

иккинчидан, инсоннинг конституциявий ҳукуқ ва эркинликларига риоя этилиши ҳамда парламент мониторинги ва ҳукуқ ва эркинликларга дахлдор ижро ҳокимияти органлари устидан назоратни ҳам ўз ичига олган халқаро норма ва принципларнинг бажарилиш мониторингининг миллий тизими шакллантирилди;

учинчидан, халқаро стандартлар ва талабларга асосланган ҳолда қонунчилик, ижроия ва суд органлари томонидан инсон ҳукуқ ва эркинликларига риоя қилиш бўйича кўмаклашадиган кўшимча миллий институтлар ташкил қилинди;

тўртинчидан, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратурада ўзининг худудий таркибий бўлинмаларига эга бўлган инсон ҳукуклар бўйича маҳсус бошқармалар ишлаб турибди;

бешинчидан, инсон ҳукуклари масалалари бўйича мактабгача ва мактаб ёшидаги болалар, ўрта маҳсус ва олий таълим ўқув муассасалари талаба-

1 Масалан, ўлим жазосини бекор килиш тўғрисида халқаро стандартлар ва 2008 йили «Хабеас корпус» институти киритилгач, жамият, суд-ҳукуқ тизими, ҳукуқни муҳофаза килиш органлари ва бутун аҳоли бу ўзгаришларга уч ўйл тайёргарлик кўрди.

лари, тегишли институтлар, марказлар, малака ошириш курслари доирасида инсон ҳуқуқлари соҳасида ўз билим даражасини ошираётган давлат хизматчилари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва суд тизими ходимлари, педагогика, тиббиёт ва ижтимоий соҳа ходимларини ўз ичига олган таълим тизими шакллантирилди;

олтинчидан, Ўзбекистонда 1997 йилдан бошлаб, ҳар йили инсон ҳуқуқларининг муҳим сиёсий, ижтимоий-иктисодий ва маданий жиҳатларини ҳал қилишга бағишланган амалиёт киритилди. Масалан, агар 1997 йилини инсон ҳуқуқ ва манфаатларига бағишланган бўлса, 1999 йил — аёллар ҳуқуқларига, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга бағишланди, 2005 йил — соғлиқни сақлаш, 2006 йил — хайрия ва тиббиёт ходимларига, 2007 йил — аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга, 2010 йил — баркамол авлодни ҳимоя қилишга ва 2011 йил — кичик бизнес ва тадбиркорликни кўллаб-кувватлашга бағишланди;

еттингчидан, Ўзбекистонинг БМТ олдida турли тоифадаги фуқароларнинг ҳуқуқлари бўйича мамлакатнинг ҳалқаро мажбуриятларини ўз вақтида бажарганилиги тўғрисидаги миллий маъruzанинг тайёрланиши ва жўнатилишида ифодаланадиган ҳалқаро талабларга жавоб берадиган ҳисбот бериш тизими шаклланди;

Ўзбекистон умумэътироф этилган ҳалқаро ҳужжатларнинг қоидаларини бажариш доирасида ўзининг сиёсий, иқтисодий ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ривожлантириши, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш учун ҳар томонлама қулай шарт-шароитлар яратишини давом эттириш лозим.

Шундай килиб, Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги кўплаб ҳалқаро ҳужжатларга қўшилиши, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасида ҳалқаро ҳуқукнинг умумэътироф этилган нормаларида мустаҳкамланган инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, унга риоя этиш ва ҳимоя қилишга интилиш, шунингдек инсониятнинг ушбу соҳада тўплаган тажрибалиридан фойдаланиш, инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг оптималь механизмларини яратиш борасидаги муаммоларига жиддий муносабатидан дарак беради.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ТУШУНЧАСИ ВА ШАХСНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ

3.1. Инсон ҳуқуқлари тушунчаси ва мазмуни

Олдинги бобда инсон ҳуқуқлари концепцияси (фоялари) тараққиётининг тарихий илдизлари очиб берилган эди. Турли дунё ҳалқлари жамият тараққиётининг фалсафий, диний ва тарихий хилма хиллиги шахс тушунчаси, унинг жамият ҳаётидаги ўрни ва ўзаро муносабатидаги фарқни белгилаб берди.

“Инсон”, “индивид” “шахс” тушунчаларидағи фарқ турли маданий тизимларда инсон ҳуқуқларини тушунишдаги қарашларга боғлиқдир.

Кўрсатиб ўтилганидек, инсон ҳуқуқлари тушунчаси, ушбу тушунча асосида ётган назарий ва ҳуқуқий концепциялар билан боғлиқдир. Умуман олганда, инсон ҳуқуқларини тушуниш бўйича, икки хил қараш ёки йўналиш ажратилиди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича биринчи тушуниш табиий-ҳуқуқий концепция (ёки назарий) доирасидир.

Иккинчи йўналиш (ёки қараш) позитивизм назария доирасидир.
Табиий ҳуқуқ доирасида, инсон ҳуқуқлари — инсонга туғилиши биланоқ берилган ва тегишли бўлган қадриялар мажмуидир. Шунинг учун ҳам уларни ажралмас деб аташади. Айнан, табиий ҳуқуқ ва унинг мафкураси туфайлигина биз яшаш ҳуқуки, эркинлик ва хавфсизлик, инсоний қадр-қиммат ва ор-номусга бўлган ҳуқуқ, виждан эркинлиги ҳуқуки, сўз ва эътиқод, мулкка бўлган ҳуқуқ, каби ҳуқуқларни алоҳида ажратиб кўрсатишимиш мумкин.

“Инсон ҳуқуқлари” тушунчасининг ўзи, аввалданоқ инсоннинг моҳиятини очиб берувчи, уни инсон сифатида ўзини тута билишини кўрсатиб берувчи қадриялар билан чамбарчас боғлиқ бўлган табиий ҳуқуқнинг пайдо бўлиши билан вужудга келди.

Инсон ҳуқуқлари инсон табиатига оид шундай ҳуқуқлардирки, уларсиз инсон инсоний мавжудот сифатида мавжуд бўла олмайди. Ушбу ҳуқуқ ва эркинликлар инсонга ўзининг инсоний сифатларини, интеллектини, қобилиятини ривожлантириш, улардан фойдаланиш ҳамда руҳий ва бошқа эҳтиёжларини қондириш имкониятини беради.

Инсон ҳуқуқлари тушунчасини юридик мазмунда “инсон”, “шахс”, “фуқаро” тушунчаларидан алоҳида ишлатиб бўлмайди.

Юридик фанлар “шахс” тушунчасини кўпинча, хуқук ёки хукукий муносабатлар субъекти ҳақида сўз кетганда, ишлатади.

“Инсон” тушунчаси яқиндагина юридик фанларга киритилган бўлиб, у айнан инсон хуқуқларини ҳам миллий, ҳам халқаро даражада тан олиниши билан боғлиқдир. “Бизнинг фикримизча, — дейди профессор А. Х. Саидов, — “умумъётироф этилган инсон хуқуқлари” атамаси халқаро хужжатлар аҳамиятини “халқаро стандартлар” атамасидан кам бўлмаган даражада акс эттиради”, чунки улар давлатлараро даражада ишлаб чиқилади, давлатлараро ҳамкорликни тартибга солишга мўлжалланади, ўз юрисдикцияси доирасида инсон хуқуқларига хурматни таъминлаб бера олмайдиган аҳволда қолган, ўз халқи ва халқаро ҳамжамият олдида инсон хуқуқларига риоя этиш юзасидан жавобгарликка тортилувчи давлатга нисбатан йўналтирилади”¹

Инсонларни бирлаштирган жамият ишлаб чиқариш ва моддий бойликларни тақсимлаш жараёнида, шунингдек сиёсий, маданий ва ижтимоий борликнинг бошқа соҳаларида иштирок этувчи турли алоқалар тизимида жойлашган муайян кишилардан ташкил топган.

Юридик адабиётлар ва қонунчилиқда инсон ҳақида гапира туриб, **шахс, фуқаро, субъект** каби атамалар ҳам ишлатилади. Инсон ижтимоий алоқалардан ташқари олинган, яъни тирик мавжудот, инсоният наслининг вакили сифатида қаралиши мумкин. **“Инсон”** тушунчаси инсоният наслининг биологик моҳиятини ифодалайди, унинг қобилияти онгли фаолият юритишидир. Шахс тушунчаси инсоннинг ижтимоий моҳиятини ифодалайди, унинг қобилияти бошқа кишилар билан кўпс онли ижтимоий алоқаларга киришишидир. **Фуқаро** — бу унинг давлат билан муносабатларидан олинган инсондир, яъни маълум хукукий мақомга эга бўлган шахс.

Ўзининг келиб чиқиши жихатидан, табиат ижодидир, шахс — бу жамият самарасидир, фуқаро — давлатнинг тараққиёт босқичларида юзага келувчи маҳсулидир. **Инсон, шахс, фуқаро** тушунчалари индивиднинг турли жихатларини акс эттиради:

биринчи — моддий (биологик) негиз,

иккинчи — ижтимоий сифатлари,

учинчи — давлат — ташкилий жамиятдаги шахс мақоми.

Ушбу атамаларнинг умуммаънавий мазмуни турлича бўлсада, инсонга, хукукий мақомга эга бўлган жамият аъзосига нисбатан уларни синонимда кўллаш кам учрайдиган холат эмас. Албатта, бунда эътиборга олиш лозимки, ҳар қандай шахс ҳам у ёки бу давлатнинг фуқароси эмас, “шахс” ёки “субъект” атамалари нафақат инсонга нисбатан, балки хукукий муносабатларнинг бошқа субъектларига нисбатан ҳам қўлланилади. Гўдак, рухий хаста одам, ақли заиф киши тўлақонли шахс хисобланмайди. Хуқук фуқаронинг шахсий хислатлари ни муомалага лаёқатлийкнинг қўйидаги тоифаларига бўлади: тўлиқ, нотўлиқ ва қисман, шунингдек, ақли расо ва ақли норасолик тоифаларига ажратади.

1 Саидов А.Х. Международное право прав человека: Учебное пособие / Отв.ред. акад. Б.Н. Топорин. М., 2002. — С. 80.

Индивиднинг биологик ва ижтимоий хукуқий хислатларининг ўзаро алоқаси шак шубҳасиздир: биологик хислат шахснинг моддий асосида юзага чиқса, ижтимоий хислат унинг хукуқий мақомини шакллантиради. Инсоний, ижтимоий ва хукуқий хислатлар ўртасида тўғридан-тўғри ва шу билан бир қаторда унинг акси бўлган, тескари муносабат ҳам мавжуддир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида асосий хукуқ ва эркинликларда келтирилган инсоннинг ва фуқаронинг хукуқ ва эркинликлари ажратиб кўрсатилганлигига эътибор қаратиш лозимдир. Инсонни бу тарика “иккига бўлиш” нинг маъноси нимада? Шундоқ ҳам инсон ихтиёрига маълум фаолият доираси бериб қўйилади ва бунга давлат аралашиши мумкин эмас (масалан, шахсий ҳаётга, оила қуришга бўлган хукуқ), яъни булар инсоннинг туғилиши билан юзага келувчи унинг табиий хукуклариридир. Давлат бу муносабатларга аралашишдан тийилар экан, унинг зиммасига нафақат ўз аралашувидан, балки ҳар қандай бошқа аралашувлардан ҳимоя қилиш юқлатилади. Шу тарика, фуқаролик жамиятида инсон хукуклари асосида инсоннинг ўз тақдирини ўзи белгилаш, ўз эҳтиёжларини амалга ошириши учун шароит яратилади.

С. О. Тошбоевнинг фикрига кўра, турли одамларда ўз олдиларига қўйган мақсадларини амалга ошириш учун қулай усуллар тўғрисидаги тасаввурлари турлича бўлади ва бу табиий ҳолдир. Ҳатто икки одамда, икки гурухда ёки икки турли маданиятда бир хил эҳтиёжлар мавжуд бўлмайди ва хеч қандай таълим усули, барча одамларни, барча гурухларни ва бутун жамиятни тенг дараражада қониктирмайди.²

Фуқаро хукуклари давлат ва индивид ўртасидаги, давлат уларнинг амалга ошиши учун фаол кўмаклашадиган, муносабатлар доирасини белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг “Инсон ва фуқароларнинг асосий хукуклари, эркинликлари ва бурчлари” деб номланган 2-бўлимидаги баён этилган тамойил бўйича инсон хукуклари орасидаги фарқлар кўриб чиқилган. Инсон хукуклари тўғрисида гап кетган жойда, Конституцияда “ҳар ким хукукларга эга”, “ҳар ким ... мумкин” ва шу каби таърифлардан фойдаланилган. Бу каби таърифларнинг кўлланилиши кўрсатилган хукуқ ва эркинликлар, у фуқаро бўладими, хорижлик ёки фуқаролиги йўқ шахс бўладими, Ўзбекистон ҳудудида жойлашган ҳар қандай одамга тегишли эканлилигини эътироф этилишига ургу беради.

Шулар қаторида, Конституцияда, фақат Ўзбекистон Республикаси фуқароларига тегишли бўлган хукуклар ҳам бириктириб қўйилган. Булар, асосан сиёсий хукуклар (32-, 33-, 34- ва бошқ. моддалар) бўлиб: давлат ва жамоат ишларини бошқаришда, йиғилиш, митинг ва намойишларда қатнашиш хукуки, сайлаш ва сайданиш хукуки ва бошқалардир.

2 Образование в области прав человека: национальный и зарубежный опыт / Отв. ред. А.Х. Сайдов. — Ташкент: Национальный центр Республики Узбекистан по правам человека, 2011. — С. 11.

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги ҳалқаро пактда қуидагича таърифларни кўриш мумкин: “хар бир шахс эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эгадир” (9-модда), “барча шахслар судлар ва трибуналлар олдида тенгдирлар” — бу ва бошқа шахсий ҳуқуқлар инсонга нисбатан, у ёки бу давлатнинг фуқароси бўлишидан қатъий назар шу тарзда баён этилган. Аммо, сиёсий ҳуқуқлар (давлат ишини юритишида қатнашиш, овоз бериш ва сайланиш, ўз мамлакатида давлат хизматига тенг ва умумий шартлар асосида жалб этилиш) бириктириб қўйилган 25-моддада, “хар бир фуқаро” деган атама ишлатилган. “Инсон” ва “фуқаро” атамалари ўртасидаги фарқлар асосида ҳуқуқий мақом, хусусий ва умумий манфаатлар доирасидаги фарқлар ётади.

Индивиднинг давлат билан ҳуқуқий муносабатларида, уни мақомининг сиёсат, маданият, иқтисодиёт соҳасидаги хилма-хиллигига батамом путур етмайди. Бунинг учун “шахс” маҳсус тушунчаси ишлатилади.

Ҳар бир одам, жамиятнинг тўлақонли аъзоси бўлиши учун, унда бевосита қатнашиш учун, табиат ва жамият ҳақида у ёки бу даражада билимларга эга бўлиши, нутққа эга бўлиши ва мавжуд ижтимоий қоидаларни ўрганиши, касб эгаси бўлиши ва маданият ютуқлари билан танишиши лозим. Шундан сўнггина, у ижтимоий муносабатлар тизимиға, маълум ижтимоий гурух, меҳнат жамоаси, жамоат ёки сиёсий ташкилот аъзоси, мулк эгаси, моддий ва маънавий бойлик ишлаб чиқарувчиси сифатида, бир сўз билан айтганда, ижтимоий борликнинг аниқ бир доирасида иштирок этади. Маълум бир инсоннинг ижтимоий алоқалар қатнашчиси сифатида тавсифловчи хусусиятлар мажмуи шахс тушунчасини камраб олади.

Аниқ бир шахс, ҳар доим индивидуалдир. Табиатда бир хил, бир-бирига ўхшаш шахслар бўлмайди. Ваҳоланки, айни пайтда, инсоннинг маълум ижтимоий одамлар гуруҳи вакили сифатида умумий белгилари мавжуддир (ишчи, олим, жиноятчи шахси ҳақида гапириш мумкин).

Айтиб ўтиш жоизки, табиий–ҳуқуқий назария ўзининг диний, рационализм нуқтаи назаридан талқинига эгадир.

Барча диний ҳуқуқий тизимлар (ислом ҳуқуки, христианлик ҳуқуки ва хок.) инсоннинг табиий ҳуқуқларини (яшаш ҳуқуки, эркинлик, шаъни, мулк, умумий қадр-қиммат ва ҳоказоларга бўлган ҳуқуқлар) Худо томонидан берилган, деб эътироф этади. Рационалистлар эса табиий ҳуқуқлар инсонга табиат томонидан берилган ва шунинг учун ҳам улар табиийдир, деб хисоблашади.

Табиий ҳуқуқий назария тарафдорларига қарши позитивизм тарафдорлари инсон ҳуқуқлари — бу инсонга унинг инсоний эҳтиёжларини амалга ошириши учун лозим ва керак бўлган, давлат томонидан тақдим этилган маълум чоралардир, деб ҳисоблайдилар.

Ушбу ёндашувга мувофиқ, айнан, давлат инсоннинг эркинлиги доираси ва чегарасини белгилайди ва тақдим этади. Ва, қайсиdir жиҳатдан бу тўғри ҳам. Давлат ва унинг сабъи ҳаракати эвазига, унинг таълим, меҳнат, дам олиш, ижтимоий таъминот, соғлиқни таъминлашга бўлган ҳуқуқлари таъминланади. Ҳам сиёсий, ҳам шахсий ҳуқуқлар, ушбу назарияга мувофик давлатга боғлиқдир.

Ушбу икки йўналиш, ҳам табиий-хукуқий, ҳам позитивизм нуқтаи назаридан ёндашув инсон хукуқларини тушунишга нисбатан бутунлай қарама-қарши қарашларни акс эттиради. Ҳақиқат ҳар доим ўртада бўлади-ку.

Бир қатор олимлар инсон хукуқларини замонавий хукуқ соҳаси сифатида қарашади. Уларнинг фикрича, бу хукуқ соҳаси асосий хукуқ ва эркинликларни ҳеч қандай камситишларсиз, ҳам тинчлик, ҳам қуролли можаролар даврида таъминлаш ва уларга риоя қилиш, шунингдек, ушбу хукуқларнинг бузилишига нисбатан жавобгарлик жорий қилиш бўйича давлатнинг мажбуриятларини белгилайдиган қоида ва тамойиллар мажмуидан ташкил топади.

Ушбу таърифдан инсон хукуқларини тушунишда муҳим бўлган қатор хусусиятларни ажратиш мумкин:

биринчидан, инсон хукуқлари — хукуқ бузилишига нисбатан жавобгарлик белгиловчи қоида ва тамойиллар мажмуи;

иккинчидан, инсон хукуқлари — давлат ўзига маълум мажбуриятларни оладиган, давлат ва инсон ўртасидаги ўзаро муносабатлардир;

учинчидан, инсон хукуқлари — давлат органлари томонидан риоя қилинади, таъминланади ва рағбатлантирилади;

тўртинчидан, инсон хукуқлари тенгликни назарда тутади ва жинсий, ирқий ва эътиқод белгиларига кўра камситишни ўқотишни кўзда тутади;

бешинчидан, инсон хукуқлари ҳам тинчлик, ҳам қуролли можаролар пайтида риоя этилишни ва таъминланишни назарда тутади;

Давлат ҳимоясининг кафолати бевосита давлатнинг мазкур хукуқларни тан олиши, риоя этиши ва кўриклиши юзасидан мажбуриятлари билан боғлик. Шунинг учун, қонунчилик фаолиятининг инсон хукуқларига мувофиқлиги Конституция томонидан ижро ва қонунчилик ҳокимиятига йўналтирилган муҳим шартдир.

Универсал қимматга эга бўлган инсон хукуқлари, Ўзбекистон Республикасининг жамият ҳаётининг ижтимоий сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётининг барча соҳаларидағи фаолиятининг концептуал асосини ташкил этади. Жаҳон ҳамжамиятининг тўлақонли аъзоси сифатида Ўзбекистон Республикаси инсон хукуқлари устуворлигини сўзсиз тан олади ва инсон хукуқларини ҳимоя қилиши ва рағбатлантиришини ўзининг стратегик муҳим вазифаси сифатида кўради¹.

Энг кўп тарқалган таърифлардан бирига кўра, инсон хукуқлари — **инсонга ўзини инсон сифатида намоён қилиши, моддий, ижтимоий ва бошқа неъматлардан фойдаланиши учун тақдим этилган ижтимоий ва юридик имкониятдир**. Ушбу ижтимоий ва юридик имкониятлар давлат ва жамият ҳаётининг ижтимоий, иқтисодий ва маданий шароитлари ва даврнинг маълум тарихий хусусиятлари билан юзага келади. Айнан, шунинг учун ҳам инсон хукуқлари тараққиёти ҳақида турли трихий даврларда ва инсон хукуқлари халқаро стандартлари мавжудлиги нуқтаи назаридан турли цивилизацияларда ва турли

1 Международное публичное право: Учебник. — Т.:ТГБИ, 2003 — С. 335

мамлакатларда инсон хукуқларини амалга ошириш шакллари ҳақида гапириш мумкин.

Ушбу таърифни тавсифлашда қўйидаги ўзига хос хусусиятларни эътиборга олиш лозим:

биринчидан, “инсон хукуқлари” тушунчаси инсоннинг юридик ва ижтимоий имкониятлари орқали очиб берилади. Ушбу таърифда инсон хукуқлари — инсоннинг жамиятдаги реал эркинликлари даражасини, яъни у жамиятда нимани амалга ошириши мумкинлигини акс эттирувчи мезондир;

иккинчидан, ушбу имкониятлар инсонга бу дунёда ўз олдига қўйган мақсадларини амалга ошириш имконини беради. Мисол учун, нега эркинлик, шаън, қадр-қиммат, тенглик энг зарурый қадриятлар хисобланади ва қонун билан муҳофаза қилинади;

учинчидан, инсон хукуқларини ҳар доим аниқ ва ҳар бир давлатда амалга оширишининг ўзига хос хусусияти мавжуд, бу ҳар бир давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиётiga боғлик.

Инсон хукуқларининг ушбу таърифи уни қонун билан боғлади, яъни инсон хукуқлари маълум эркинлик чоралари (кўлами) ни ифодалайди, инсон хукуқлари маълум хулқ-атвор, каби қонун билан алокадор ва давлат томонидан белгиланади.

Шу тариқа, таъкидлаш мумкинки, **инсон хукуқлари худди индивид ва шахс хукуқлари каби жамиятда хукуқ ва мажбуриятлар эгаси каби тўғри талқин қилиш мухим аҳамият қасб этади**.

3.2. Шахснинг хукуқий мақоми тушунчаси: таркиби ва турлари.

Жамиятда шахснинг ўрни ва аҳамиятини ўрганиш нафакат гуманитар фанларнинг, балки юридик фанларнинг ҳам вазифасидир. Шахсга бўлган эътибор инсон хукуқларига бўлган умумий манфаатнинг шартидир, бунда нафакат иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётни талқин этишда, балки шахс муаммоларини ечишга ҳам йўналтирилгандир. Шунингдек, инсон қадриятлар баҳосига, жамият ва шахс манфаатларининг мувофиқлашувига йўналтирилади.

Шахс хукуқий мақомининг хусусиятлари ва асосий белгиларини тадқиқ этган ҳолда, кўриш мумкинки, бу хукуқ ва бурчлар қаторида мавжуд бўлган ва хукуқ ва бурч эгаси бўлиш хукуқий лаёқати ҳақида дарак берувчи, шу жумладан, мустақил (ўз ҳаракатлари билан) ёки ўз қонуний вакиллари орқали амалга ошириш, эга бўлиш, ўзгартириш ёки тугатиш, шунингдек ноқонунний хатти-ҳаракат қилганлик учун жавоб берадиган мустақил хукуқий мезондир.

Шахснинг хукуқий мақоми таркиби қўйидаги элементларни ўз ичига олади:

- 1) шахснинг хукуқий лаёқатини белгиловчи хукуқий нормалар;
- 2) шахснинг хукуқлари;
- 3) шахснинг мажбуриятлари;
- 4) хукуқ субъектлилиги (хукуқ лаёқати, муомала лаёқати);
- 5) фуқаролик;

- 6) юридик жавобгарлик;
- 7) хукукий муносабатлар;
- 8) конуний манфаатлар;
- 9) хукук тамойиллари.

Индивиднинг ҳукуқ ва эркинликлари — унинг меъёрий хаёт фаолияти шартидир, у эркин фойдалана олиши мумкин бўлган маълум манфаат ва имкониятлар каталогидир. Унда бошқа инсонлар эркинликлари билан мувофиқлаштириш чоралари кўрсатилган.

Албатта, шахс ҳукуқлари ўз ҳажми ва амалга ошириш усуулларига кўра жуда кенгдир. Давлат шахс ҳукуқларини ўзбошимчалик билан белгиламайди, у буни шахснинг табиий ҳукуқлари ва ўша жамият иқтисодий тараққиёти даражасидан келиб чиқиб белгилайди.

Шахс ҳукуқлари — конун чиқарувчининг “тухфаси” эмас, балки инсоннинг хаёт стандартини танлаши, муносиб ҳаёт билан таъминлашнинг реал имкониятидир. Конун чиқарувчи ўзбошимчалик билан ҳукуқ ва эркинликлар ҳажмини “қисқартириши” мумкин эмас, улар табиий ҳукуқлар нормалари ва тамойиллари ҳамда инсонларнинг ўзаро ижтимоий алоқалари шартлари билан боғлиkdir. Шахснинг қонунчиликда бириклирдан реал имкониятларини чеклашнинг чегарадан чиқиши, бундай ҳукуқларнинг ўзбошимчалик билан чекланиши охир—оқибатда ижтимоий тизимнинг издан чиқишига олиб келади.

Ўз-ўзидан ҳеч қандай шахс бир вактнинг ўзида барча субъектив ҳукуқларини амалга ошириши мумкин эмас. Субъектив ҳукуқ юридик мезон сифатида маълум белгилар мажмуи оркали очиб берилади, яъни: ижтимоий манфаатлардан фойдаланиш имконияти; маълум ҳаракатларни амалга ошириш ва маълум ҳаракатларни амалга оширишни бошқалардан талаб қилиш ваколати; қонун билан белгиланган доирада фаолият эркинлиги ва бузилган ҳукуқларини ҳимоя қилиш учун давлатга мурожаат этиш имконияти.

Инсон, жамиятда яшаб, бошқа одамлар билан мунтазам алоқада бўла туриб, жамиятга ва бошқа фуқароларга нисбатан мажбуриятларга эга бўлмаслиги мумкин эмас. Давлат ўз фуқаролари ҳукуқларини таъминлаш мажбуриятини олар экан, ўз навбатида улардан ҳам юридик нормаларда белгиланган ҳукукий хатти—ҳаракатларни талаб этади. Шунинг учун ҳам давлат ўз талабларини индивиддан мажбуриятлар тизимида ифодалайди, уларни бажармаганлик учун юридик жавобгарлик чораларини ўрнатади. Бундан келиб чиқадики, мажбурият ҳам ҳукуқ ва эркинликлар сингари ҳукукий лаёқатнинг муҳим ва зарурый элементидир.

Мажбурият — инсоннинг объектив зарурий, муҳим хатти—ҳаракати, ёки ҳаракатсизлигидир. Шу билан биргаликда айтиб ўтиш жоизки, бу каби объектив зарурат ҳар доим ҳам субъектив қабул қилинмайди ва бу норма талабларидан чиқишига олиб келади. Шунинг учун бурч — зарурий ва жоиз ахлоқдир.

Шахс ҳукукий лаёқати унинг “эркинлик макони”ни белгилайди, жамият, давлат манфаатларига ва бошқа шахсларнинг ҳукуқ ва эркинликларидан фой-

даланишларига тўғри келмайдиган, зид келадиган ҳуқуқлар чегарасини белгилайди, чеклайди, ҳуқуқий таъкиқлар мезонини белгилайди. Бундай ҳуқуқий таъкиқлар Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг инсоннинг ўз фикрларини оғзаки, ёзма, босма ёки бошқа усулда ифода этиши ҳуқуқини назарда тутувчи 19-моддасида кўрсатиб ўтилган. 19-модданинг 3-бандида айтиладики “ушбу ҳуқуқлардан фойдаланиш алоҳида мажбуриятлар ва алоҳида масъулият юклайди”. У, ўз навбатида қонун билан зарурый тарзда белгиланган бир қанча таъкиқлар мавжудки, улар:

биринчидан, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш;

иккинчидан, давлат хавфсизлиги, жамоат тартиби ва аҳоли саломатлиги ва ахлоқ қоидаларини сақлаш мақсадида” таъкиқлар қўйилиши мумкинлиги кўрсатиб ўтилган.

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактда ноинсоний, ноаҳлоқий ҳаракатлар — урушни, миллий, ирқий ва диний нафратни тарғиб қилувчи, камситишга чорловчи, душманлик ёки зўрликни тарғиб қилувчи (20-модда) ҳаракатларни таъкиқлаш имкониятлари кўрилган. Худди шундай таъкиқлар Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида ҳам мавжуддир. Иқтисодий, ижтиёмий, маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактда ҳам истисно тарзида демократик жамиятнинг умумий манфаатларига мувофиқлаштириш мақсадида ушбу ҳуқуқларга чеклов кўйишга рухсат этади (4–модда).

Ҳажм жиҳатдан мажбуриятлар ҳуқуқларга ён беради. Истисноларсиз барча субъектларга тааллуқли бўлган конституциявий бурч бўлиши мумкин эмас. Лекин, ён берилиши лозим бўлган ҳуқуқлар кўп (масалан, яшаш ҳуқуқи). Ҳуқуқлардан фарқли ўларок, айrim турдаги мажбуриятлар ажралмаслик хусусиятига эга эмас, улардан қонуний асосда озод бўлиш мумкин (масалан, ҳарбий хизматдан, бальзи турдаги солиқларни тўлашдан ва ҳок.).

Ҳуқуқ ва мажбуриятлар — ҳуқуқнинг асосий элементи. Ҳуқуқ ва бурчларда, нафақат, давлат мажбурий деб ҳисоблайдиган ахлоқ намуналари, стандартлари бириктирилади, балки шахс ҳуқуқ лаёқатининг ҳажми (шахснинг ҳуқуқий мақомининг) ҳам белгиланади.

Ҳуқуқ субъектлилиги ҳуқуқ лаёқатисиз мавжуд бўлмайди ва уларнинг алоқаси аниқлаштирилган (соҳавий) табиат кассб этади.

Давлат шахс фуқаролик мақомининг у ёки бу жиҳатини белгилаб берар экан, олдиндан ҳуқуқий мақоми ҳажмини (шахс ҳуқуқ, эркинликлари ва бурчлари мажмуи) белгилайди, яъни шахс, субъектнинг мавжуд ёки юзага келувчи ҳуқуқини бутун ҳуқуқий мақом ҳажми билан эътироф этади: агар давлат шахсни ҳуқуқ субъекти сифатида тан олса, унга нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятларни юклайди. Бундай холатда ҳар қайси шахсни истисносиз ҳуқуқ субъекти сифатида санаш мумкин. Ҳуқуқ ва эркинликлар ҳамда бурчлардан қандай ҳажмда фойдаланиш аниқ бир шахснинг мумомала лаёқати, жавобгарлик лаёқати ва бошқалардан келиб чиқиб белгиланади. Умумий назарияда шахс субъектлигининг асосий хусусияти унинг давлат томонидан ҳуқуқ субъекти сифатида тан олинишидир.

Қонуний манфаатлар, яъни тўғридан тўғри юридик хукуқ ва мажбуриятларда бириктириб қўйилмаган, лекин қонунга зид келмайдиган манфаатлардир. Манфаат, инсоннинг хукукий муносабатлардаги ҳаракатлантирувчи кучидир, у шахснинг ўз хукуқидан фойдаланишига нисбатан муносабатини белгилайди.

Инсон хукуқларининг умумий назариясига мувофиқ, шахснинг хукукий мақомини бир неча турга бўлиш мумкин:

биринчидан, умумий ёки конституциявий;

иккинчидан, маҳсус;

учинчидан, индивидуал.

Умумий конституциявий хукукий мақом — субъектнинг ҳаётнинг иқтисодий, сиёсий ва маънавий тармоқларидағи имкониятларини очиб беради. Индивиднинг ушбу мақоми фуқаронинг Конституцияда белгиланган мақоми сингари барча учун бир хил ва умумий ҳисобланади. Ушбу мақом, Асосий қонун томонидан барчага ва ҳар кимга тақдим этилган хукуқ ва мажбуриятлардан таркиб топади. Шунинг учун ҳам, уни яна шунингдек, фуқаронинг Конституциявий мақоми дейиш ҳам мумкин.

Фуқаронинг мақоми — унинг давлат билан бўлган хукукий алоқасидан келиб чиқади — фуқаролик институти.

Амалиётдаги мавжуд мақомларни бўлиб бўлмайди: улар бир бири билан яқиндан ўзаро боғланган ва бир бирига боғлиқдир. Ҳар бир киши ўз давлатининг фуқароси бўлиб, муайян қатлам ёки гурухнинг аъзоси ва ўзига хос қайтарилмас шахс бўлгани учун ҳам бир вақтни ўзида барча хукукий сифатларга эга бўлади.

Барчанинг умумий хукукий мақоми битта, **маҳсус мақомлар** — кўп, индивидуал мақомлар эса, қанча фуқаро бўлса, шунчадир. Энг муҳими, ҳар ким ўзининг ҳолатини, ўз хукуқ ва мажбуриятлари ва ўз ўрнини тўғри билиши керак.

Шундай қилиб, айтиш мумкинки, хукукий мақом — комплексли категория бўлиб, шахс ва жамият, фуқаро ва давлат, индивид ва жамоа муносабатини акс эттиради, шахснинг жамиятдаги реал ҳолатини белгилаб беради.

Шахснинг хукукий мақоми ўзида шахснинг жамиятдаги ўрни ва ролини кўрсатиб берувчи хукуқ меъёрларида аниқ хукукий мустаҳкамлаб қўйилган хукуқлар, эркинликлар ва мажбуриятларнинг тизимини акс эттиради. Шахснинг хукукий мақоми икки жиҳатда тадқиқ қилинади: статик ва динамикда, бу эса назарий баҳслардан аниқ хукукий муносабатлардан келиб чикувчи хукуқ, эркинлик ва мажбуриятларнинг мазмунини киритиш керак ёки киритиш керак эмаслигини айрим даражада “олиб қўйиш” имконини беради:

Динамик ҳолатда бўлган шахснинг хукукий мақомини таҳлил қилиш шахснинг хукуқлари, эркинликлари ва мажбуриятларининг амалга ошириш масаласини кўриб чиқишида акс этади. Бундай амала ошириш ҳозирги замон шароитларида янги хислат ва хусусиятни касб этади. Шахснинг хукуқлари, эркинликлари ва мажбуриятларини давлат томонидан кафолатланганлик даражаси, шунингдек ҳар бир шахснинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ўзининг хукукий мақомини тўлиқ ҳажмда амалга оширишни белгилаб беради. Маъмурий-

мажбурий таъсир кўрсатиш чора-тадбирларига мўлжалланмаган бундай бир жараённинг икки томони маъмурий-мажбурлов таъсири чораларини кўриш учун эмас, балки шахснинг хукукий фаоллигини қанчалик даражада кўрсатишга қаратилгандир. Шу билан бир қайд этиш керакки, шахснинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, кўпроқ унинг хукукий мақомини амалга ошириши чогида кўпроқ қадриятларнинг муайян тизимидан, ижтимоий муҳит таъсири остида қабул қилинган шахсий кўрсатмаларга боғлиқдир.

Шахснинг ижтимоий муҳитда ишлашига таъсир кўрсатишнинг самародорлиги хукукий мақомнинг амалга ошириш жараёни, хукуклар, эркинликлар ва мажбуриятлардан фойдаланишда, уларга риоя қилиш, ижро этиш ва қўллашда шахснинг ижтимоий-хукукий фаоллиги ижтимоий хусусиятнинг омиллари ва шароитларига боғлиқдир. Уларни ижтимоий институтларнинг кўп даражали тизими сифатида тасавур қилиш мумкин бўлиб, бу тизимнинг асосий ва ҳал қилувчи ҳалқаси давлат органлари ҳисобланади. Сиёсий-хукукий соҳада шахснинг доимий равишда ўзини тута билиши бевосита давлат органларнинг фаолияти билан боғлиқдир, чунки бундай иштирок этишиз шахснинг хукуқ, эркинликлари ва мажбуриятларини реализация қилиш жараёнини самарали амалга ошириб бўлмайди.

Ўзини хукукий жиҳатдан тўғри тута билиш, шахс томонидан хукукий нор-маларни, хукуқка бўлган ишончни қатъий қабул қилиш кўнкимларини ишлаб чиқиш нафакат давлат органларининг тасири орқали амалга оширилади, балки турли жамоат бирлашмалари ёки ННТларнинг ролининг етарли даражада эканлиги билан ҳам боғлиқдир. Бу бундай жамоат бирлашмалари ёки ННТларнинг жамият сиёсий тизимида, давлат ва жамият ишларини бошқарища иштирок этишидаги ўрни, аҳоли категорияларини кенг даражада қамраб олиши, ижтимоий фикр каби инсонларга кучли таъсир қилиш каби воситалардан фойдаланганлиги билан белгиланади.

Хукуклар, эркинликлар ва мажбуриятларни амалга ошириш жараёнида кўпгина аҳамиятни шахснинг сиёсий-хукукий ўзлигини англашига, унинг индивидуал хусусият ва сифатларига, ижтимоий-сиёсий фаоллигига қаратиш лозимдир.

Шахснинг хукукий мақомини кафолатланганлигига эътибор қаратиш лозим, чунки хукуқ, эркинлик ва мажбуриятларнинг ҳақиқий қадриятлиги авваломбор уларнинг амалга ошириш имкониятларини муҳофаза қилинганлиги билан фикр қилинади, шунинг учун ҳам кафолатлар муаммоси ҳозирги замон шароитларида алоҳида аҳамият касб этади. бироқ қайд этиш керакки, инсон хукукларининг бош кафолати — бу пировардида давлатнинг иқтисодий аҳволидир. Ундан ташқари, конституцияда ва бошқа меъёрий-хукукий хужжатларда мустаҳкамлаб кўйилган инсон хукуклари ва эркинликларининг кафолати фуқароларнинг онглилиги ва ўз мустақил фаолияти ҳисобланади.

Умумий ва маҳсус хукукий (юридик) хукукий каби икки гурухга бўлинадиган шахснинг хукуқ, эркинликлари ва мажбуриятлари тизимини кўриб чиқилар экан, қайд этиш керакки, шахснинг хукуқ, эркинликлари ва мажбурияларини

амалга оширишни таъминлаб берувчи, уларни бузилишидан муҳофаза қилувчи хуқуқий кафолатлар (хуқуқий воситалар нормаларида мустаҳкамланган шаклда) билан таъминланмаган шахснинг хуқуқий мақомини ҳақиқий мақом сифатида кўрмаслик керак.

Анъянавий равишда кўпроқ эътибор маҳсус юридик (хуқуқий) кафолатларга берилади, айниқса, агар хуқуқ бузилишини бартараф этишни таъминлаб бериш керак бўладиган у ёки бу низоли вазиятни ҳал этиш тўғрисида гап кетган тақдирда. Конституцияларда хуқуқий кафолатларнинг етарли даражада кенг доираси келтирилган. Ҳам конституциявий, ҳам қонунчиликни бошқа кафолатларининг бутун ҳаммасини, фуқаролар, ҳар бир шахснинг хуқуқ, эркинликлари ва мажбуриятларининг юридик кафолатларининг бутун бир яхлит тизимда кўриш лозим.

Юридик кафолатлар тузилиши нуқтаи назаридан бевосита шахснинг хуқуқий ҳолатига киради.

Шахс ва давлат ўртасида вужудга келадиган қарама қаршиликларни ҳал қилишнинг усуслари принципиал аҳамият касб этади. Бунда қайд этиш керакки, жамиятни демократлаштириш йўналишида катта қадам давлат номидан унинг органлари ва мансабдор шахсларининг фуқаролар хуқуқларини поймол этувчи ноқонуний харакатлари устидан судга мурожаат қилишининг тартиби белгиланганлиги, инсон хуқуқлари бўйича вакил институтини киритилиши билан боғлиқdir. Норма ижодкорлик ва шунингдек хуқуқни кўллаш фаолияти давомида вужудга келувчи қарама қаршиликни суд томонидан кўриб чиқиш шакли амалдорларнинг бошбошдоқлиги, маҳаллийчиликка қарши ҳақиқий кафолат бўлиб хизмат қиласи, цивилизациялашган фуқаролик жамиятида хуқуқий давлат гоясини жорий қилишнинг ҳақиқий имкониятини беради.

Суд орқали ҳимоя қилиш хуқуқи инсоннинг муҳим, азалдан, ажралмас хуқуқлари қаторига киради. Кейинги йилларда кучли, амалий натижали, тезкор ва ваколатли суд ҳимоясига бўлган эҳтиёж анча кўпайди, иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ислоҳотлар шароитларида алоҳида жиддий аҳамият касб этди.

Ўзбекистонда инсон хуқуқлари муаммосининг долзарблиги, нафақат мезон сифатида, балки ижтимоий ривожланишнинг йўналиши сифатида майдонга чиқаётган ҳалқаро андозаларни хуқуқий амалиётга киритиш билан ҳам бевосита боғлиқdir.

Шахснинг хуқуқий мақоми концепциясини тадқиқ қилиш давлат ва хуқуқ назариясида, соҳавий юридик фанларда ўз аҳамиятига эга бўлган ва ҳозирда ҳам ўз аҳамиятига эга.

Шахснинг хуқуқий мақоми муаммоси инсон хуқуқлари назарияси ва амалиётининг таркибий қисми ҳисобланади. Мазкур муаммони ҳал этиш жамиятнинг олий қадрияти ҳисобланган шахснинг хуқуқий аҳволини такомиллаштириш йўлларини аниқлашга имкон беради.

АСОСИЙ ИНСОН ХУҚУҚЛАРИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ ВА МАЗМУНИ

4.1. Шахсий хуқуқ ва эркинликларнинг мазмуни ва моҳияти

Инсон хуқуqlари моҳияти турли жиҳатлардан келиб чикувчи инсон хуқуqlари комплекс ижтимоий ҳодиса бўлиб, унда ижтимоий ҳакиқат ва жамият онгининг турли хил шакллари бирлашади.

Инсон хуқуқларининг ижтимоий-иқтисодий жиҳатининг моҳияти мавжуд жамият ижтимоий-иқтисодий шартлари билан таърифланади. Улар меҳнат эркинлиги, шахс ривожланиши, яхши яшаш даражаси, инсоният ривожланишидаги тараққий парвар иқтисодий эҳтиёжларни ва одамлар ижтимоий манфаатларини кўрсатади. Ба, бу инсон хуқуқи моҳиятининг энг муҳим жиҳатларидан биридир.

Хуқуқий нуқтаи назардан инсон хуқуқлари моҳияти юридик категория хисобланади, халқаро норма ва давлат ички хуқуқ нормаларида (конституциявий, маъмурий, фуқаро хуқуқи, жиноий, жиноий процессуал ва бош.) қайд этилади. Турли инсон хуқуқлари субъективдир. Бу дегани, юридик фанда ишлаб чиқилган субъектив хуқуқ кўринишлари, асосан, инсон хуқуқларига ҳам тегишилди.

Субъектив хуқуқ — бу давлат тарафидан кафолатланган чора-тадбир, яъни мумкин бўлган (руҳсат этилган) шахснинг ҳулқидир, унинг конституциявий маъоми муҳим элементидир. Алоҳида субъектларга (алоҳида шахсларга, гурухларга, ижтимоий ташкилотларга ва хоказо) тегишли бўлганлиги учун бу хуқуқ, субъектив деб аталади ва унинг амалга оширилиши субъектлар хоҳишига боғлиқ бўлади.

Ҳамма субъектив хуқуқларининг юридик тавсифи яна хуқуқий нормалар фаолияти билан боғлиқдир ва хуқуқий муносабатлардан ташкарида мавжуд бўла олмайди. *Асосан субъектив ҳуқуқ юридик фактлар келтириб чиқарган ҳуқуқий нормаларни амалга ошириши жараёнидан келиб чиқади.*

Ҳар бир субъектив хуқуқ, инсон хуқуқлари ҳам, мураккаб тузилишга эга, яъни элементлар, қисмларга бўлинган, ваколатлардан ташкил топган.

Ҳар бир инсон хуқуқларининг юридик мазмуни аниқ ҳуқуқقا эгалик (ҳуқуқий имкониятлар) ни акс эттиради. Уларнинг ўзаро алоқаси алоҳида тузилишни ташкил этади. Шуни қайд этиш керак-ки, инсон хуқуқларини ташкил этувчи ҳуқуқий имкониятлар одатий субъектив хуқуқлар тузилиши билан ўхшашдир.

Шундай қилиб, инсон ҳуқукларидан бошлаб субъектив ҳуқуқ тузилиши ҳам бир нечта элементдан ташкил топган:

аңық хатти-харакатларни амалга ошириш (хуқукий хулк);

үрнатилған хатти-харакатни жавобгар шахсдан талаб қилиш (хуқукий талаб). Инсон ҳуқукларига эга ҳар бир шахс, инсон ҳуқукларининг халқаро стандартларини эътироф этиши ва амалга оширилишини давлатдан талаб қилишга ҳуқуки бор;

керак бўлганда, ўз талабларини (хуқукий-судлашиш) мажбурий йўл билан амалга ошириш учун давлат органларига мурожаат қилиш. Ҳар бир инсон ўз ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун нафақат давлат органларига, балки халқаро ташкилотларига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Инсоннинг шахсий ҳуқуқи тушунчаси — бу субъектив ҳуқуқ билан узвий боғлиқ бўлган, яъни инсон туғилганидан қўлга киритадиган ва бевосита, объектив амалга ошириладиган, инсон табиятидан келиб чиқадиган ҳамда жамият ривожланиши жараёнидаги энг юқори ижтимоий қадриятлар ёки эҳтиёжлардан бирини қондиришdir.

Шахсий (фуқаровий) ҳуқуқ ва эркинликлар Ўзбекистон Конституциясида биринчи ўринга чиқарилган. Инсоннинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликларининг устуворлиги конституциявий тасдиқланган. Бундай йўналиш шахс мустақиллигини таъминлаш, индивидуал тушунча, унинг ривожланишидаги ички йўналиш, шахснинг ўзини англаши мақсадида тузилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар қуидаги тартибда белгиланган:

яшаш ҳуқуки; (24-модда)

шахсий шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш; (27-модда)

шахсий эркинлик ва дахлсизлик ҳуқуки; (25-модда)

шахсий ҳаёт дахлсизлиги, шахсий ва оиласи ҳаётига арашишдан, ўз шаъни ва қадр-қимматига қилинган тажовузлардан ҳимояланиш ҳуқуқига эга; (27-модда)

ёзишмалар ва телефонда сўзлашувлар сирини ошкор қилмаслик ҳуқуки; (27-модда)

турар жой дахлсизлиги ҳуқуки; (27-модда)

ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуки; (29-модда)

мулокот, тарбия, таълим ва ижод қилишда ўз она тилидан фойдаланиш, тилини эркин танлаш ҳуқуки; (4, 42-моддалар)

эркин равишда бир жойдан иккинчи жойга кўчиш, келиш жойини ва яшаш жойини танлаш ҳуқуки; (28-модда)

виждон ва диний эътиқод эркинлиги ҳуқуки; (31-модда)

фир克拉ш ва сўз эркинлиги ҳуқуки; (29-модда)

Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар тартиби Конституцияда яшаш ҳуқуқи билан бошланади. Бу асосий, инсоннинг табиий ҳуқуки, унинг хавфсизлиги кафолатидир. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, давлат томонидан инсон ҳаёти учун ижобий муҳитни яратиш ва шахс шаънини ҳимоялаш

мажбуриятини кўрсатади. Конституцияга бундай тарбиявий-аҳлоқий омилларнинг киритилиши амалий маънога эга, яни шахс юясини жамиятнинг энг юқори қадрияти сифатида эътироф этади. Ўлим жазосини, олий жазо сифатида бекор қилиниши, инсон хукуқларининг халқаро стандартлари, Республика қонунчилигига ва амалиётида қўлланилаётганлигининг яққол тасдиғидир.

Ўзбекистон Конституциясида ўрнатилган, хукуқ ва эркинликларнинг катта гурухи, шахс эркинлиги ва дахлсизлигини таъминлашга йўналтирилган. Ҳибсга олиш, қамоқда саклаш факат суд қарорига биноан амалга оширилади ва суд қарори чиқарилгунча қадар гумонланувчи 72 соатдан ошмаган муддат давомида ҳибсда сақланишига йўл қўйилиши мумкин. Ҳар ким шахсий ҳаётининг дахлсизлик хукуқига, шахсий ва оиласирилган сирлари дахлсизлигига, шахсий қадр-қиммати ва обрўсининг дахлсизлик хукуқига эга. Бунга, ёзишмалар, телефон сўзлашувлари, почта, телеграф ва бошқа хабарларнинг сир сакланиши, шунингдек уй-жой дахлсизлиги ҳам киради.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси барчага сўз ва фикр эркинлигига кафолат беради. Шу билан бир қаторда диний, ижтимоий ва миллий қарама — қаршиликларни уйғотувчи тарғибот ва ташвиқот ишларини қилишга, диний, ирқий ва миллий устунликларга йўл қўймайди. Бу масалада ҳеч кимга нисбатан мажбуровлар қўлланилмайди.

Шундай қилиб шахсий хукуқ ва эркинликлар шахс автономияси ва унинг ташқи таъсирдан ҳимоясини тамилнайди

Учта шарт амалда бўлгандагина шахс ўзини ҳимояланган ҳис қилади:
биринчидан, Конституцияда барча шахсий хукуқ ва эркинликлар акс этган бўлиши керак;

иккинчидан, шахснинг ҳаётига ва эркинлигига таъсир қилувчи давлат араплашуви конун билан аниқ белгилаб берилиши керак;

учинчидан, шахс унга нисбатан араплашувларга қарши самарали ҳимояси мавжудлиги, бу ҳам ўз навбитида давлат органлари позициясини юмшатади.

Шахснинг шахсий хукуқ ва эркинликлари ҳимояси — бу давлатнинг барча органлари мажбуриятидир. Инсон ўз ҳаётини ўзи белглашига ишониши ва шунга яраши қилган ҳаракатлари учун ўзи жавоб беришини англаши керак. Одамда турли туман шахсий хусусиятлари бўлиши мумкин, лекин бу ҳеч бир вақт унинг давлат органлари билан муносабатларига таъсир қилмаслиги керак. Шахсий хукуқ ва эркинликларнинг ривожланиши ва мустаҳкамланишидан бутун жамият манфаатдордир.

Инсоннинг шахсий хукуқ ва эркинликлари орасида яшаш хукуқи асосий ўринни эгаллайди. Ўзбекистон Конституциясида “Яшаш хукуки ҳар бир инсоннин узвий хукуқидир. Тисон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир” — деб айтилган (24-модда).

Инсон ҳаёти ҳар қандай ривожланган давлатда энг олий қадриятдир ва индивиднинг бирламчи хукуқидир. Яшашга бўлган хукуқнинг таъминлаши — давлатда демократиянинг қай даражада эканлигини белгиловчи асосий омил ҳисобланади. Унинг мавжудлиги бевосита бошқа хукуқ ва эркинли-

кларнинг мавжудлигини таъминлайди. Агар инсон ҳаёти хавфнинг объекти бўлса у ҳолда, шахснинг барча ҳукуқлари ўз маъносини йўқотади. Айнан, барча ҳукуқлар тизимида яшаш ҳукуқининг юксак аҳамиятга эгалиги ҳаётнинг қадрияти сифатида мутлақ мазмун касб этади. Шундан келиб чиқиб, айтиш мумкинки бу ҳукуқ ажралмасдир.

Яшаш ҳукуқи бир неча ҳукукий воситалар мажмуи билан таъминланади ва булар ўз аксини асосий қонун ҳисобланган Конституцияда, соҳавий конунчиликда топади.

Биринчидан, бу конституциявий кафолатлар яхши ҳаётни таъминлаш ва инсонни эркин ривожланишини, кам таъминланган фуқароларни давлат томонидан кўллаб-қувватланишини ва бошқа ижтимоий ҳимоя кафолатини таъминлайдиган кафолатлардир. Қийноққа солинмаслик ҳукуқи ва бошқа шафқатсиз муносабат ва тазиёққа дучор этилмаслик, ҳамда тиббий, илмий ва бошқа тажрибалардан ҳимоя; шахсий мулкка эга бўлиш ҳукуки; меҳнат қилиш ҳукуқи, хавфсиз ва гигиенага жавоб берадиган шарт-шароитларда ишлаш, давлат томонидан ўрнатилган минимал миқдордан кам бўлмаган иш ҳақини олиш; дам олиш ҳукуқи; ижтимоий таъминот олиш ҳукуқи; соғликинса сақлаш ва тиббий ёрдам олиш ҳукуки; тоза атроф-муҳит ҳукуқи.

Иккинчидан, бу ҳукукий нормалар инсон ҳаёти ва соғлиги учун хавф солувчи моддалар (препаратлар), қуроллар, механизмлар, физик кучларни қўлланилишига чегара белгилайди. Асосан, норматив-ҳукукий актлардан Жиноят кодекси, Жиноят-процесуал кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ҳақида гап бормоқда.

Учинчидан, инсон ҳаёти ва соғлиги учун зарап келтирадиган ёки шундай хавф тутғирадиган жавобгарлик чоралари. Бундай чоралардан аксарияти Узбекистон Республикасининг Жиноят кодексининг маҳсус қисмида мустаҳкамланган, яъни қасддан одам ўлдириш, қасддан баданга оғир тан жароҳати етказиш, хавф остида қолдириш. Ўта хавфли жиноятлар бутун дунёга ва инсониятга хавф солувчи сифатида кўриб чиқилади, яъни тақиқланган оммавий қирғин қуроллари ишлаб чиқариш ва тарқатиш, уруш олиб боришнинг тақиқланган усул ва воситаларидан фойдаланиш, геноцид.

Санаб ўтилган ҳукукий нормалар ҳаётга бўлган ҳукуқни тамилловчи ҳаракатларнинг қонуний ёки қонуний эмаслигини белгилаш учун ҳам ишлатилади.

Эркинлик ва шахс даҳлсизлиги ҳукуқи — инсон туғилиши билан қўлга киритадиган энг муҳим ҳукуқлардан бири бўлиб, қонунга хилоф бўлмаган ҳолда хоҳлаган фаолият юритиш ҳукуқидир. Конституциявий эркинлик ҳукуқи ижтимоий тухфалар ичига энг кадрли ҳукуқлардан бири бўлиб, нафақат шахснинг талабларини ҳар томонлама қондирадиган, шарт-шароитларини яратадиган, балки жамиятнинг демократик ривожланишини таъминлайдиган ҳукуқидир.

Эркинлик ҳукуқи аниқ қонун-коидалар комплексини ўз ичига олиб, шахсий ҳаётда амалга ошириладиган (турар жой танлаш ҳукуки, бир жойдан иккинчи жойга кучиш ҳукуки, фаолият эркинлиги ва ҳоказо...), сиёсий ҳаётда (фикр-

лаш эркинлиги, сўз эркинлиги ва хоказо.) ва касбда (мехнат эркинлиги, ижод эркинлиги ва хк.) танланадиган имкониятларни акс эттиради.

Фанда бир нечта «эркинлик» тушунчаси ажратиб кўрсатилади: тор маънода — хибсга олиш ва қамоқда сақланиш орқали чекланадиган физик эркинлик; кенг маънода — индивидуал эркинлик, фуқаровий ҳукуқ тизимида кўринадиган, энг кенг маънода — бутун инсон ҳуқуқлари тизимида қўлланиладиган эркинлик (бундай маънода «эркинлик» термини Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси муқаддимасининг биринчи абзацида қўлланилади.)

Шахсий ҳаёт дахлсизлиги шахснинг индивидуал ҳаётига ташқаридан аралаш-масликни назарда тутиб, бунга физик (хаёт, инсон соғлиги) дахлсизлик ва психик дахлсизлик (аҳлоқий, диний — шахс шаъни ва виждан). Шахсий дахлсизлик ҳукуки — конституцияда мустаҳкамланган, ҳар бир инсоннинг субъектив ҳукуки ҳамда унинг эркинлиги ва хавфсизлигига кимнингдир ноқонуний тазикидан давлат ҳимоясидир.

Эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳукуқини давлат институтлари таъминлади. Унинг амалга оширилиши, ҳимоя ва ҳукуқ нормалари билан кафолатланиши даражаси ҳукукий давлат шаклланишида керакли дебоча бўлиб хизмат қиласи ва давлатнинг ҳукукий режимни демократиялашганлик даражасини кўрсатади.

Ҳар бир кишига виждан эркинлиги, эътиқод эркинлиги, индивидуал эътиқод ёки кўпчилик билан ҳоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслик кафолатланади.

Кундалик ҳаётда виждан тушунчасининг ягона маъноси йўқ. Ҳар хил одамлар (турли ёшга ва ижтимоий катламга тегишли) бу тушунчага ҳар хил маъно беришга уринадилар. Бизнинг назаримизда, ушбу тушунчани характеристикасини уйғун тарз ёритадиган таърифлардан бир нечтаси келтирамиз.

Виждан — бу аҳлоқий онг, яхши ва ёмонга ички ишонч, хатти-харакатларини тарбиявий жиҳатдан баҳолаш; ўз хатти-харакатларига аҳлоқий жавобгарлик онги; одоб ва ахлоқ билан ўзини тута билиш қобилиятини кўрсата олишdir. Ушбу тушунчанинг мазмун ва моҳияти кўп қирралигидан келиб чиқкан ҳолда бу термин ҳар хил соҳаларда ўз таърифини топган: ижтимоий-тарбиявий, фалсафий, ҳукукий ва одоб-аҳлоқий.

Ҳукукий мезонда виждан тушунчаси, «виждан эркинлиги» тушунчаси билан бирга келади, Худога бўлган муносабатда, иймон келтириш эркинлиги — ҳоҳлаган динга эътиқод қилиш имконияти, динга бетараф муносабатда бўлиш ёки динни рад этадиган, ҳеч қайси динга ишонмаслик ҳукуки каби тушунчалар билан кўрсатилади.

Виждан эркинлиги — фуқаро томонидан турли диний қадриятлардан бирини танлаш эркинлигини ўзида акс эттиради, ҳамда, унинг эътиқод эркинлигидан фарки, диний ва динсиз маънавий қадриятлардан бирини танлаш эркинлигидир.

Виждан ва эътиқод эркинлиги қўйидагиларни ўз ичига олади:

бириинчидан, фуқароларнинг қайси динга мансублигидан катъи назар, тенг ҳукукли эканлиги, диний эътиқоди фуқаровий ҳукуқини чегаралашига

ва диний қарашлардан жанжал ва кўра олмасликни келтириб чиқаришга йўл қўймайдиган тенглик;

иккинчидан, диний, атеистик руҳдаги бирлашмаларни давлатдан ажратиш;

учинчидан, замонавий кўринишдаги давлат тизими, қонун олдида диннинг ва диний бирлашмаларнинг тенглиги;

Дин эркинлиги, фуқаро ўз шахсий жавобгарлиги ва давлат томонидан мажбурланмасдан диний муаммоларини ҳал қилишни англатади. Унда алоҳида шахснинг хукуки мужассамлашган давлат тарафидан аралашмаслик, диний қарашларга ва уларни тарқатишга нисбатан давлат томонидан қайд этилган нормалар натижасида амалга оширилади; дин эркинлиги хукуки алоҳида шахснинг давлат чегараларисиз ўз диний фаолиятини мустақил амалга оширишини ўз ичига олади. Атеистлар ва динга ўз муносабатини шакллантирумagan шахслар уни қабул этиш ёки рад этишига мажбурланмайди.

Фикр ва сўз эркинлиги Конституциявий хукуқнинг энг муҳимидан бири.

«Фикр эркинлиги» ва «сўз эркинлиги» тушунчаларини бирма-бир кўриб чиқамиз. *Фикр эркинлиги* — бу инсоннинг табиий ҳолатидир. Фикр эркинлиги фоя эркинлиги билан узвий боғлиқдир. Фуқаровий жамиятида ҳеч ким ўзи ҳоҳламаган ҳолда унга бирон бир фикрларларни сифиширига олмайди. Фикр эркинлиги ўз навбатида идеологик эркинлик билан боғлиқ.

Эркин фикр — бу инсонга туғилганида бериладиган хусусиятдир. У бу орқали турли воқеа ҳодисаларга ўз қарашларини ифодалайди ва шакллантиради. Ташқи оламга бўлган шахснинг субъектив муносабати ва қарашлари бу унинг ҳаётини бир қисмидир ва унинг такрорланмаслигини белгилайди. Фикр эркинлиги шахснинг ички психологик ижтимоий ва сиёсий жараённинг ажралмас бир қисмидир.

Фикр одамнинг аклий фаолиятининг маҳсули сифатида, уни ўраб турган оламга нисбатан муносабатини ва уни қандай анлаганини акс этади. Биз фикр эрклигисиз ҳаракатимиз эркинлигини тасаввур қила олмаймиз. Бу икки тушунча бир бири билан чамбарчас боғлик ва ажралмасдир. Фикр эркинлиги ҳеч канака қонуний йўл билан чекланиши мумкин эмас, лекин маълум бир конституциявий тизимни, инсон хукуқ ва эркинликларини химоя қилиш мақсадида бу каби айрим чекловларга йўл қўйилиши мумкин.

Фикрни ва қарашларни айтишга ёки айтмасликка мажбуrlаш бу инсон хукуқ ва эркинлигининг кўпол бузилиши ва давлатдаги мутаносибликтининг бузилиши ҳисобланади ва жиноий ва бошқа жазо турларининг қўлланилишига олиб келади. Ҳокимиятни куч билан эгаллашга қаратилган фикрлар билан чиккан шахсларга нисбатан бу масалада жиноий ва маъмурий жазо сифатидаги чекловлар куйилган. Бундан ташқари бу каби фикрлар диний, ирқий ва сиёсий хавфсизликка қаратилган бўлса ҳам уларга нисбатан жазо чоралари мавжуд.

Сўз эркинлиги — инсоннинг энг асосий конституциявий хукуқларидан бири. Иқтисодий, сиёсий қараш ва фикрларнинг хилма-хиллиги ҳаётга фундаментал демократик тамойилларнинг кириб келишига замин яратмоқда ва туртки бўлмоқда.

Сўз эркинлиги бир нечта элементлардан ташкил топган:
биринчидан, ҳар бир инсоннинг эркинлиги ўз фикрини, ғоясини, уйлари-ни ошкора гапира олади.

иккинчидан, нашр эркинлиги ва бошқа оммавий ахборот воситалари цензура-дан эркинлиги, ахборот олиш хуқуки, маълумот манбаига кира олиш хуқуки.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддасига кўра ҳар бир айбланувчи унинг айборлиги тасдиқланмагунча, қонунда қайд этилгандек ва суд қарори ишга тушмагунча айбор хисобланмайди. Бундай хуқук айб-сизлик презумпцияси деб аталади.

Ҳақиқат ўрнатилмагунча, айбизз шахс айбор деб тан олинмаслигини кафо-латидир. Ҳақиқатни қидириш — суриштирув органлари, тергов олди суриш-тируви, прокуратура ва суд мажбуриятидир. Ҳақиқат айблов хукми асосида кўриниши керак.

Айбсизлик презумпциясининг мазмуни қўйидаги ўрнатилган хуқукий тизим билан очилади:

жиноят содир этган шахснинг айби тортишувсиз тасдиқланган ва ўрнатилган қонуний акт тузилган бўлиши керак;

айбор сифатида жалб этиш қарори, айблов хулосасида, айблов тасдигига нисбатан ҳамма шубҳалар, айбланувчи фойдасига ҳал қилинади;

суд, прокурор, терговчи ёки тергов олиб бораётган шахс, қонун томони-дан кўрилган ҳар томонлама, тўлиқ ва объектив чораларни кўрган ҳолда, жавобгарликни нафақат юмшатувчи, балки оғирлаштирувчи холатларини ҳам аниқлаши керак;

исботлаш жавобгарлиги айбланувчи бўйнига қўйилмайди;

айбланувчи ва бошқа иштирокчиларни куч ишлатиш, зўрлаш, кўрқитиши ва бошқа ноконуний йўллар билан сўроқ қилиш тақиқланади;

айбланувчи томонидан ўз айбини тан олиниши, факатгина иш бўйича мав-жузд исботлар тўпламини тасдиқлаган ҳолда қабул қилинади;

ҳар қандай далиллар суд, прокурор, терговчи, суриштирувчи учун олдин-дан ўрнатилган кучга эга эмас;

айбланувчига Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида назарда тутилган процессуал хуқуклар бўйича ҳимоя хуқуки берилади;

терговни амалга оширувчи шахс, судя, прокурор, терговчи айбланувчига қонун билан белгиланган воситалар ва усууллар орқали ўзига қўйилган айблар-дан ҳимояланиши ва шахсий мол-мулкига бўлган хуқуқни ҳимоя қилиши қонун билан кафолатланган;

судланувчининг жиноят содир этганлиги айби суд тергови жараёнида исбот-ланмаган бўлса суд ҳукми тахминларга асосланмаган ҳолда чиқарилиши керак;

ҳар бир жиноят одил жазога тортилиши ва унга нисбатан қонуннинг тўғри қўлланилиши лозим ва айбсизларни жиноий жавобгарликка тортилишига йўл қўйилмайди;

хеч ким қонунда белгиланган ҳолатлардан ташқари айбор сифатида жалб қилина олмайди.

Инсон, унинг хукуқлари ва эркинлиги энг олий неъматдир. Инсон хукукларини тан олиш, ҳимоя қилиш — давлатнинг мажбуриятидир.

4.2. Сиёсий хукуқларнинг таркиби, тушунчаси ва турлари

Сиёсий хукуқ ва эркинликлардан кўзланган асосий мақсад фуқароларга давлат ишларида қатнашишга имконият берилади. Улар шахс, жамият ва фуқаролар ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлайди. Бу каби хукуқларнинг яхши таъминланишига, энг аввало конституциявий тузумнинг мустаҳкамлигига, сиёсий маданият даражасига ва уларнинг бу жараёнда иштирок этишидаги қизиқишига боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси конституциясида фуқароларнинг қўйидаги сиёсий хукуқ ва эркинликлари акс этган:

бирлашишга бўлган хукуқ (34-модда)

йиғилиш, митинг ва намойишлар ўтказиш хукуқи (33-модда)

давлат ва жамият ишларини бошқаришда иштирок этиш (32-модда)

фуқароларнинг мурожаат қилиш хукуқи (35-модда).

Сиёсий ҳукуқ ва эркинликларнинг энг муҳим таркибий қисми бу фуқароларнинг бирлашиш ҳукуқидир. У сиёсий партияларга бирлашишни, профессионал касаба уюшмаларига бирлашиш ва бошқа шу каби бирлашмалар тузиш хукуқларини ўз ичига олади. Конституцияда жамият ҳаётининг ажралмас қисмига айланган кўп партиявийлик ва сиёсий хилма хиллик (плюрализм) ҳакида айтиб ўтилган бўлиб, бунга мисол тарикасида президент ва парламент сайловларини олишимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикасидаги сайлов тизими ва тамойиллари Конституцияда (ХХIII боб), “Ўзбекистон Республикасининг Референдуми тўғрисида”ги (1991), “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги (1991), “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги (1993), “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги (1999), “Фуқаролар сайлов хукуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги (1994), “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги (1998) қонун каби қонунчилик ҳужжатларида ўз аксини топган ва бу қонун ҳужжатлари давр ўтиши ҳамда давлат ва жамият ҳаётидаги ислоҳотларни ҳисобга олган ҳолда доимий равиша тақомиллаштириб борилмоқда.

Конституция ҳар бир фуқарога сайланиш тамойилини мустаҳкамлаган ҳолда:

давлат вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш хукуқи (117-модда);

ҳоҳиш ирода билдиришдаги тенглик ва эркинлик.

Ўзбекистонда сайлов хукуқи фақатгина унинг фуқароларига берилган. Чет элликлар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга бундай хукуқлар берилмаган.

Ўзбекистон Республикасининг “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайловлар тўғрисида”ги қонун асосида сайловлар замирида ётувчи қўйидаги тамойиллар ўз аксини топган:

умумий сайлов ҳуқуки;
сайловнинг кўп partiya вийлик асоси;
сайловнинг яширин овоз бериш орқали ўтиши;
ошкоралик.

Барча сайловчилар ягона ҳуқукий макомга эга. Ўзбекистон Республикасинг барча фуқаролари дини, ирқи, миллати, тили, мулкий ҳолати ва ижтимоий келиб чиқишидан қаътти назар тенг сайлов ҳуқуқига эгадир.

Номзодлар илгари сурилганда Ўзбекистон конунчилиги бўйича уларнинг умумий сонидан 30% аёллар бўлиши керак.

“Олий Мажлисга сайловлар тўғрисида”ги конунга асосан сайловчиларнинг ярмидан кўпроф овозини олган номзод сайланган деб ҳисобланади.

Ўзбекистондаги сайлов тизими мажаритар сайлов тизимининг кўринишларидан биридир.

Замонавий жамиятнинг мавжуд бўлишидаги асосий восита бу маълумот ва маълумот алмашинувидир. Унинг маданий-мафкуравий аксини кейинги пайтларда кенг тарқалган инсон ва инсон турмуш тарзини ахборот ячейкаси сифатида кўрадиган назария ташкил этади.

Шу муносабат билан ахборотга бўлган ҳуқуқни, яъни ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқини инсоннинг асосий ҳуқуқлари қаторига киритиш қабул қилинган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 29-моддасига биноан “Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга. Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга, амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва конун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустаснодир.

Ахборотга бўлган ҳуқуқ ўз ўзидан қадрли эмас. Ахборот ва шахснинг ахборот ҳуқуқи инсоннинг ривожланишга, таълим, маданият ва муомалага бўлган эҳтиёжини қондирибина қолмай, унинг бошқа ҳуқуқ ва эркинликларини хам рўёбга чиқаришнинг кафолати ҳисобланади. Демак, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ахборотни олиш имконияти фуқароларнинг давлат ишларини бошқарувида хамда хокимият органлари ва жамоат ташкилотлар фаолияти устидан назорат қилишда реал иштирок этиш учун пойдевор ҳисобланади.

Ахборот олишга бўлган ҳуқуқ турлича йўллар билан рўёбга чиқарилиши мумкин: шахслараро муомала воситасида (шунингдек, йигилишларида ва митингларда, фуқароларнинг йигинларида); билвосита — ахборотни моддий ташувчилар, ўқув муассасалари ёрдамида; оммавий ахборот воситалари ёрдамида (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 67-моддаси).

Оммавий ахборот эркинлиги масаласида кўпгина ҳолларда ҳалқаро ҳуқукий хужжатларга назар ташланган.

Маълумотга бўлган ҳуқуқ ўзида инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг 4-энг ёш авлоди сифатида талқин қилинади.

Маълумот қидириш — бу жойлашган жойи номаълум бўлган маълум бир маълумотни топишга қаратилган ҳаракатdir

Маълумот олиш — бу маълумот юбориш бўлиб унда субъект маълумот олиш имкониятига эга бўлади.

Маълумот тарқатиш — маълумот олувчилар сонини кўпайтиришга бўлган ҳаракат.

Айнан газета, журнал ва телевизион кўрсатувлар асосида одам ҳаёти давомидаги асосий маълумотларни олади. Замонавий ҳаётда айнан оммавий ахборот воситалари одамларда маълум бир фикр ва қарашларни шакллантиради, шунинг учун шахс ривожи нуқтаи назаридан оаммавий ахборот воситаларнинг эркинлиги демократик хукуқ ва эркинликлар орасида асосийларидан бўлиб ҳисобланади. Бундан ташқари бу ҳолатда нафақат маълумот олиш, балки тўғри маълумот олиш масаласига ҳам катта эътибор қаратиш керак.

Демократик тизимни, сиёсий ва маданий плюрализмни таъминлашда оммавий ахборот восталарининг эркинлиги мухим ўрин эгаллади.

Ижтимоий ва сиёсий ҳаётдаги асосий хукуқлардан бу бирлашиш ҳукуқидир. Унинг асосида фуқаролар маълум бир бирлашмаларга ва касаба уюшмаларига бирлашиши мумкин. У ҳар бир фуқарога жамият ва давлат ҳаётида иштирок этиш имкониятини беради. У турли хил бирлашма ва партияларнинг хукуқий асосини белгилайди.

Бу хукуқ жуда катта сиёсий, ижтимоий ва хукуқий ахамиятга эга бўлиб, инсон фаолиятида мухим ўринни эгаллади. У фуқароларга берилган турли хил хукуқлардан тўлалигича фойдаланиш имкониятини беради. Унинг асосида одамлар ўзларининг турли туман муаммоларини ҳал қилиши, маълум бир эҳтиёжларини кондириши ва ҳимоя қилиши мумкин.

Бирлашмалар давлат институтларига таъсир қилиш билан бир қаторда уни турли туман салбий ҳолатлардан ҳам ҳимоя қиласи.

Бирлашиш хукуки бир нечта бошқа конституциявий хукуқлар билан ҳам чамбарчас боғлиқдир. Кўп ҳолларда бирлашмалар митинг, йиғилишлар ва намойишлар кўринишида намоён бўлади. Улар бирлашмавий ўз қарашларини ифода этиш кўринишига эгадир. Фуқароларнинг сайлаши ёки сайланиши ёки маҳаллий органларда иштироки ҳам бирлашмалар асосида амалга оширилиши мумкин. Референдум ўтказилиши ҳам бирлашмалар асосида амалга оширилиши мумкин. Бирлашиш хукуқи бевосита оммавий ахборот воситалари эркинлиги, фикр ва сўз эркинлиги билан чамбарчас боғлиқ. Бу каби хукуқларнинг борлиги бирлашиш хукукининг бирламчи белгиси бўлиб ҳисобланади.

Бирлашишга бўлган хукуқнинг ўзига хос кўриниши бу диний бирлашмалардир. Улар орқали дин ва эътиқод эркинлиги таъминланади.

Бирлашиш хукуки фуқаролик жамияти шаклланишида асосий воситалардан бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистонда суверенитетни акс эттирувчи ва хокимятнинг ягона маңбаи сифатида ҳалқ ҳисобланди. Давлат ишларини бошқаришда улар бевосита ёки ўзларининг вакиллари орқали иштирок этишлари мумкин.

Бу хукуқ ҳар бир фуқарога сиёсий ҳаётга аралашиш имкониятини беради. Бу ҳолатларнинг асоси ҳалқаро хукуқий нормаларда ўз аксини топган. 1948 йил-

ги Инсон хукуқлари умумжахон декларациясининг 21-моддасида, 1966 йилги Фуқаролик ва сиёсий хукуқлар тўғрисидаги халқаро Пактнинг 25-моддасида “ҳар бир фуқаро ҳеч бир камситишларсиз ва асосланмаган чеклашларсиз давлат ишларида ўзи ёки ўзининг сайлаган вакиллари орқали иштирок этиши хукуқига эга” деб таъкидланади.

Бу хукуқ аниқ кўринишларда ва алоҳида конституциявий нормалар асосида амалга тадбик этилади:

давлат ҳокимияти органларига ва фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органларига сайлаш ва сайланиш хукуки;

референдумда қатнашиш хукуки;

давлат хизматига киришда тенг имкониятларга эга бўлиш хукуки;

одил судлов хукуки;

мурожаат қилиш хукуки;

Конституцияда қайд этилган хукуқлар орасида шундай хукуқлар мавжудки, уларнинг таъминланиши бутун тизимнинг ишлаш даражасини объектив белгилаб беради. Бу каби хукуқларга биринчи навбатта мурожаат қилиш хукуқини киритсан бўлади.

Мурожаат қилиш хукуки асосида инсон давлат масул идораларини маълум бир мамсалага этиборини қаратади ёки шу асосида маълум бир ҳимоя сўрашади. Улар мурожаатининг кўриб чиқилиш кафолати масаласида қонун хужжатлари асосида барча давлат идоралари ва мансабдор шахслари зиммасига бу каби мурожаатларни кўриб чиқиш учун маълум бир қонуний муддатлар белгилangan ва уларга амал қилиниши мажбурийdir.

Мурожаат қилиш хукуки икки хил маънога эга:

Биринчидан, шахсни давлат ишларида иштироки сифатида, бунда у давлат органларига маълум бир таклифни кўриб чиқишини сўрайди;

иккинчидан, қонун томонидан белгиланган хукуқ ва эркинликларни ҳимоя қилиш воситаси сифатида. Бу каби мурожаатлар асосида инсонлар судга, прокуратурага ва бошқа ваколатли идораларга мурожаат қилишлари мумкин.

Фуқароларни мурожаат қилиш хукуки давлат аппарати ва фуқаролар ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкамлайди ва ўз хукуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда энг асосий восита бўлиб хизмат қиласди. У асосида давлат органлари ва мансабдор шахслари устидан назорат амалга ошади ва ҳаддан ташқари бюрократияга чек кўяди. Фуқароларнинг мурожаати орқали тезкор оператив равишда ҳаракатларни амалга ошириши керак.

Норматив-хукуқий хужжатларда ва юридик актларда биз фуқароларнинг мурожаатлари куйидаги турларини кўришимиз мумкин: таклиф шикоят, ариза.

Таклиф — бу фуқароларнинг давлат органлари, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари, мулк шаклларидан қатъи назар корхона, муассаса ҳамда ташкилотлар, жамоат бирлашмаларини ташкил этиш тартиби ва фаолиятини яхшилашгага, давлат ва ижтимоий ҳаётнинг хукукий асосларини таомиллаштиришга, давлат ва жамиятнинг иктисадий, сиёсий, ижтимоий-маданий ва бошқа фаолият соҳалари масалаларини хал қилишга йўналтирилган фуқароларнинг мурожаатидир.

Мазкур турдаги мурожаатнинг мақсади давлат ва жамоатчилик тузилмаларини ташкил этиш ва фаолиятини яхшилаш, жамият ҳаётининг турли соҳаларида муаммовий масалаларни ҳал қилиш, қонунчиликни такомиллаштириш ҳисобланади. Ўзининг мазмунига кўра таклифда муайян муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўллари кўрсатилади. Шу билан бирга таклиф — бу фуқаронинг хукуқ ва эркинликларини бузилиши билан боғлиқ бўлмаган мурожаати ҳамdir.

Ариза, у ҳам таклифга ўхшаб, фуқаронинг муайян субъектив хукуқ ва манфаатларини бузилиши билан боғлиқ бўлмаган мурожаатидир. Унинг предмети авваломбор, фуқаронинг қонуний хукуқ ва эркинликларини (мисол учун, ФХДЁ органларига никоҳни рўйхатдан ўтказиш тўғрисида ариза бериш) тегишли органлар орқали рўёбга чиқариш ҳисобланади. Ариза билан мурожаат қилиш қачонки, фуқаронинг хукуқ ва эркинликлари тегишли органларнинг ҳаракатларига бевосита боғлиқ бўлиб, уларнинг бундай ҳаракатларисиз бундай хукуқ ва эркинликларни амалга ошириш мумкин бўлмайди ёки қийинрок кечади. Шундай қилиб, ариза кўриб чиқиш учун мажбурий бўлган, асосли бўлган холда эса — бу бўйича тегишли чораларни қабул қилиш тўғрисидаги илтимос ҳисобланади. Ундан ташкари, аризанинг вазифаси турли хил камчилклар, хисобга олинмаганликлар, сущистемолчилклар тўғрисида тегишли қарор қабул қилувчиларни ҳабардор қилиш ҳисобланади. Шундай қилиб, аризани икки хил мазмунда: ариза-илтимоснома ва ариза-хабар сифатида кўриб чиқиш мумкин.

Шикоят — бу фуқаронинг бузилган хукуклари, эркинликлари ёки қонуний манфаатлари тўғрисидаги мурожаати. Шикоятнинг предмети давлат ҳокимияти органлари, ўзини-ўзи бошкариш органлари, ташкилотлар, уларнинг мансабдор шахсларининг қарорлари ёки ҳаракати (ҳаракатсизлиги) устидан, бу қарорлар ёки ҳаракат (ҳаракатсизлик) оқибатида жисмоний шахсларнинг хукуклари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилган бўлса, уларга баҳо бериш учун тақдим этилади. Агар, фуқаронинг хукуклари, эркинликлари ёки қонуний манфаатларини амалга оширишига тўқсқинлик қилинган бўлса, фуқарога ноконуний равишда бирор бир мажбурият юклатилган бўлса ёки у ноконуний жавобгарликка тортилган бўлса, унда бузилган хукукларни химоя қилиш ва тиклаш бўйича чоралар кўрилиши керак. Шикоят ўзида мурожаат қилувчи субъект ёки унинг вакили бўлган шахснинг хукуқ ва манфаатларини химоя қилиш тўғрисидаги илтимосини акс эттиради. Шикоят қилишнинг икки тури мавжуд: судлов ва маъмурий.

Хукукий хужжатларда ва конунчилиқда кўпинча фуқаролар мурожаатларининг, илтимоснома, хат, мурожаатнома каби бошқа шакллари ҳам алоҳида кўрсатилади. Бироқ, батағсил кўриб чиқиладиган бўлса, хулоса қилиш мумкинки, улар тўла равишда юкорида кўрсатиб ўтилган уч хил бўлинишга тўла мос тушади.

4.3. Ижтимоий-иқтисодий ва маданий хукукларнинг тушунчаси, таркиби, турлари

Улар индивиднинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини қўллаб қувватлашга ҳамда норматив мустаҳкамлашга тааллуқлидир, одамларга қўркув ва етишмовчилик-

лардан озодликда яшай оладиган шароитларни яратиш мақсадида инсоннинг меҳнат ва майший турмуш тарзи, бандлиги, фаровонлиги, ижтимоий химояланганлигининг қайси аҳволда эканлигини белгилаб беради. Уларни рўёбга чиқарилганлигининг хажм ва даражаси кўпроқ иқтисодиёт ва ресурсларнинг аҳволига боғлиқ ва шунинг учун ҳам биринчи авлоднинг фуқаролик ва сиёсий хуқуқларига қараганда уларнинг амалга оширилиши кафолатла-ри камрок ривожланган.

Узоқ вакт мобайнида иккинчи авлод инсон хуқуқларига иккинчи дара-жали хуқуқлар сифатида қаралди, бундай хуқуқларни тартибида солишининг имконияти салбий баҳоланган. Бунинг сабаби, бу хуқуқлар уларни таъминлаб бериш ва хуқуқий ҳимоя қилиш бўйича давлатга бевосита мажбурият туғдира олмаганлиги учун ҳам бу хуқуқларни аниқ белгилаш ва хуқуқий таснифлаш мумкин эмаслиги тўғрисидаги тасаввурларнинг устунлиги билан белгила-нади. Кейинчалик бу тенденция ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий хуқуқларни аҳамияти жиҳатидан тенг эканлигини инкор этиш билан алмашинилди.

Ижтимоий-иқтисодий хуқуқларнинг ҳимояси ва халқаро-хуқуқий тар-тибга солиниши 1948 йилда бошланган, уларнинг энг муҳимлари Инсон хуқуқлари умумжаҳон Декларациясида мустаҳкамланган эди. Инсон хуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси инсон хуқуқлари ва уни ҳимоя қилишга доир халқаро хужжат бўлиб, БМТ томонидан ишлаб чиқарилган ва қабул қилинган. Бу тарихий хужжатнинг ишлаб чиқилиши ва эълон қилиниши инсониятнинг тарихий тақдирида, давлатларнинг ички ва ташқи сиёсатида, халқаро ташкилотлар, сиёсий партиялар ва ижтимоий ташкилотларнинг фао-лиятида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Унда ишлаб чиқилган қоида ва хуло-салар, тамойиллар ўзининг моҳияти ва мазмунига кўра муккамал ишланган хуқуқий меъёрларнинг умумлашган ифодаси хисобланади.

Бугунги кунда инсоннинг хуқуқий статусини аниқлаш учун ижтимоий-иқтисодий хуқуқларнинг аҳамияти шубҳасиз. Инсон хуқуқлари умумжаҳон Декларацияси қабул қилингандан сўнг, уни ратификация қилган давлатларнинг хисоботларини кўриб чиқиш учун инсон хуқуқлари Кўмитаси таъсис этилди ва унинг натижасида иккита пакт қабул қилинди. Давлатларнинг ҳар иккала Пактда мавжуд бўлган хуқуқ ва эркинликларга мунособатлари турли-чадир. Агар, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий хуқуқлар тўғрисидан халқаро Пактнинг қатнашчилари унда эътироф этилган хуқуқларни аста секинлик билан тўла бажариш мажбуриятини олишган бўлса, Фуқаролик ва сиёсий хуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактда қатнашувчи давлатлар эса, ундаги бар-ча хуқуқларни хурмат қилиш ва таъминлаш мажбуриятини олишган.

Иқтисодий, ижтимоий ва маданий хуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактнинг 6–15-моддаларида меҳнат қилиш хуқуқи (6-модда), адолатли ва қулай меҳнат шароити (7-модда), касаба уюшмалари тузиш ва унга кириш (8-модда), ижтимоий таъминот хуқуқи (9-модда), оиласиқ, оналиқ, болалиқ ва ўсмириликни кенг ҳимоя қилиш ва ёрдам бериш хуқуқи (10-модда), етарли ҳаётий даражага эга бўлиш хуқуқи (11-модда), жисмоний ва руҳий соғломликнинг энг юқори дара-

жасига эришиш ва маълумот олиш хуқуки (12, 13-моддалар), маданий ҳаётда иштирок этиш хуқуки (15-модда) ва бошқа хуқуқлар қайд этилган.

Давлатнинг ижтимоий-иктисодий хуқуқларнинг ҳимоя қилиш соҳасидаги мажбурияти прогрессив иктиносидий ва ижтимоий ислохотларни олиб бориш, ўз халқининг иктиносидий ривожланишда иштирокини тўлиқ таъминлаш, ҳаммага шу хуқуқлардан фойдаланиш учун ўз ресурсларидан фойдаланишда акс этади. Давлатнинг ижтимоий-иктиносидий хуқуқларни ҳимоя қилиш соҳасидаги мажбурияти тараққийпарвар иктиносидий ва ижтимоий дастурларни рўёбга чиқариш, ўз халқини фойдали иктиносидий ривожланиш жараёнларида тўлиқ иштирокини таъминлаб бериш, ўз ресурсларини мазкур хуқуқлардан фойдаланишнинг барча имкониятларини тақдим этиш учун ишлатишдан иборат ҳисобланади. Ижтимоий-иктиносидий хуқук ва эркинликларни хуқуқий тартибга солувчи манбалар орасида асосий ролни халқаро-хуқуқий нормалар ўйнайди. Универсал нормалар БМТ Уставининг умумий принциплари (1-, 13-, 55-, 56-, 62- ва 68-моддаларида), Инсон хуқуқлари умумжаҳон декларацияси қоидаларида (22–27-моддалар), Иктиносидий, ижтимоий ва маданий хуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт нормаларида, Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ)нинг конвенциявий стандартларида мавжуд. ХМТнинг мазкур соҳада 180 та конвенцияси қабул қилинган. БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 70 га яқин, Халқаро Меҳнат Ташкилоти томонидан — 200 дан ортиқ, ЮНЕСКО томонидан — 70 дан ортиқ, Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти томонидан — 30 дан кўпроқ, Европа Кенгashi томонидан — 160 дан зиёд ва бошқа минтақавий халқаро ташкилотлар томонидан ҳам кўплаб инсон хуқуқларига оид декларациялар, пактлар, конвенциялар ва бошқа халқаро шартномалар қабул қилинди.

Шу соҳада Халқаро Меҳнат Ташкилотининг (ХМТ) 170 дан ортиқ Конвенциялар қабул қилинган. Ушбу ҳужжатлардан кўйидагилар муҳим аҳамиятга эга: «Мажбурий меҳнат хақида» (1930 г.), «Адолатли рағбатлантириш тўғрисида» (1951 г.), «Меҳнат ва иш билан таъминлаш соҳасидаги камситиш тўғрисида» (1958 г.), «Иш билан таъминлаш соҳасидаги сиёsat тўғрисида» (1964 г.), ва бошқалар.

Иктиносидий хуқуқлар инсонга хўжалик фаолиятининг асосий восита-ларини эркин тасарруф қилишни таъминлаб беради. Уларга кўйидагилар тааллуқлидир:

- мехнат қилишга бўлган хуқук;
- мулкка бўлган хуқук;
- тадбиркорлик хуқуки;
- иш ташлаш хуқуки ва бошқалар.

Ундан ташқари, меҳнаткашлар ҳамда иш берувчилар ўз манфаатлари-ни ҳимоя қилиш учун миллий ёки халқаро ташкилотларга эркин бирлашиб хуқуқига эгадир.

Ижтимоий хуқук инсонга муносиб ҳаёт даражаси ҳамда ижтимоий ҳимояланишни таъминлаб беради. Асосийлари қўйидагилар ҳисобланади:
ижтимоий таъминотга бўлган хуқук;

ижтимоий сүгурта,
пенсия таъминоти,
тиббий хизмат кўрсатиш.

Ижтимоий таъминот ҳукуқининг моҳияти (ёши, касаллик ҳолати, ногиронлиги, бокувчисининг йўқотганлиги, болаларни тарбиялаш ва қонун билан ўрнатилган бошқа ҳолатлар бўйича) шундан иборатки, давлат объектив ҳолатлар туфайли ишлаш ва меҳнатидан фойда олиш лаёқати ёки имкониятидан маҳрум бўлғанларга (тўлиқ ёки кисман), шунингдек, болалар туғилиши ва уларни тарбияси билан боғлиқ ҳолда оиласларга ёрдам кўрсатиш учун фуқароларига етарли маблағларни тақдим этишни кафолатлади. Мазкур ҳукуқларни мажмуи Инсон ҳукуқлари умумжаҳон декларациясининг 22- ва 25-моддаларида, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳукуқлар тўғрисидаги пактнинг 9–12-моддаларида, Бола ҳукуқлари тўғрисидаги конвенциянинг 26-моддасида мустаҳкамланган.

Бу ҳукуқни амалга ошириш бошқа ҳукуқларни, шу жумладан қоникарли ҳаётий даража, оиласи муҳофаза қилиш ва унга ёрдам кўрсатиш, оналик ва болаликни химоя қилиш, жисмоний ва руҳий соғлиқнинг нисбатан юқори даражасига бўлган ҳукуқларни рӯёбга чиқариш билан боғлиқдир. Инсон ҳукуқлари умумжаҳон декларациясида — “Ҳар ким инсон ўзининг ҳамда оиласининг саломатлиги ва фаровонлигини таъминлаш учун зарур бўлган турмуш дараҷасига эга бўлиш, жумладан кийим-кечак, озиқ-овқат, тиббий хизмат ва зарур ижтимоий хизматга эга бўлишга ҳамда ишсизлик, касаллик, ногиронлик, бевалик, қарилек ёки унга боғлиқ бўлмаган шароитларга кўра тирикчилик учун маблағ бўлмай қолган бошқа ҳолларда таъминланиш ҳукуқига эга” (25 модда) деб кўрсатилган.

Маданий ҳукуқлар инсоннинг маънавий ривожланишини кафолатлади, ҳар қандай индивидга сиёсий, маънавий, ижтимоий ва маданий тараққиётнинг фойдали иштирокчиси бўлишга ёрдам беради. Уларга куйидагилар тааллуқлидир:

- таълим олиш ҳукуқи;
- маданий қадриятлардан фойдаланиш ҳукуқи;
- жамиятнинг маданий ҳаётида эркин иштирок этиш ҳукуқи,
- ижод қилиш ҳукуқи,
- илмий тараққиёт натижаларидан фойдаланиш ва уларни амалий қўллаш ҳукуқи ва бошқалар.

Таълим олиш ҳукуқи бўйича ҳалқаро стандартларнинг асослари Инсон ҳукуқлари умумжаҳон декларациясининг 26-моддаси ва Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳукуқлар тўғрисидаги ҳалқаро пактнинг 13-моддасида шакллантирилган. Мазкур хужжатларда таълим олиш ҳукуқи, барча учун мажбурий ва бепул бошланғич таълимни тўлиқ амалга ошириш; ўрта, ўрта-маҳсус ва олий таълимга бўлган имконият; ота-оналарнинг ўз болалари учун мактаб танлаши эркинлиги ва болаларини ўз эътиқодларига мос равишда диний ҳамда аҳлоқий тарбиялашини таъминлаб беришининг шартлари кўрсатиб ўтилган.

Халқаро-хуқуқий нормалар, яна шунингдек таълимнинг қуидаги устувор мақсадларини белгилаб беради: инсон шахсияти ва унинг қадр-қимматини тўла ривожлантириш, инсон хуқуқлари ва эркинликларига хурмат, таълимнинг зарурлиги, эркин жамиятнинг фойдали иштирокчилари бўлиш имкониятини яратиш, барча миллатлар, этник ва диний гуруҳлар ўртасида ўзаро тушуниш, бағрикенглик ва дўйстликка кўмаклашиш.

Маданий хуқуқларнинг мазмуни ва уларни амалга оширишнинг кафолатлари ЮНЕСКО томонидан қабул қилинган қатор тавсияномалар (1968, 1980, 1982)да ривожлантирилган ва тўлдирилган. Уларда, хусусан, ўз маданиятини ривожлантириш ҳар бир халқнинг хуқуқи ва бурчи ҳисобланиши; анъанавий маданиятни асраш ва ривожлантиришга бўлган бир хил хукуқка барча миллатлар, озчиликни ташкил этувчи миллатлар, этник гуруҳлар ҳақли эканлиги; ҳар бир инсонга билимлардан ва барча халқларнинг санъати ва адабиётидан роҳатланиш, ер шарининг барча қисмларида фан тараққиётида иштирок этиш, унинг неъматларидан фойдаланиш ва маданий ҳаётни бойитиш имконияти таъминлаб берилиши лозимлиги; давлат маданиятни демократлаштириш бўйича, маданиятга бўлган хуқуқни таъминлаш ва унинг натижаларида бирор бир чеклашларсиз иштирок этиш кафолатлари бўйича чоралар қабул қилиши лозимлиги; давлатнинг ижод эркинлигини ҳимоя қилиши, ижод ходимларига ёрдам кўрсатиши лозимлиги, уларнинг ўз касаба уюшмаларига ва танловига кўра ижодий уюшмаларни ташкил этишга бўлган хуқуқларини таъминлаб бериши лозимлиги кайд этилган.

Инсоннинг маданий хуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш бевосита халқаро ихтисослашган ташкилот — ЮНЕСКОнинг вазифаларага доирасига киради. Бу ерда шикоятларни қабул қилувчи бўлган асосий тузилма — Конвенциялар ва тавсияномалар бўйича қўмита ҳисобланади. Қўмита кўриб чиқилган шикоятлар ва улар бўйича қилинган тавсияномалар бўйича ЮНЕСКОнинг Ижроия кенгашига, унинг ҳар бир сессиясида маърузалар тақдим этади. ЮНЕСКОнинг ваколатига таълим олиш хуқуқи, илмий ютуқлардан фойдаланишга бўлган хуқуқ, маданий ҳаётда тўқсингликларсиз иштирок этиш хуқуқи, ахборот олиш хуқуқи, шунингдек ўз фикрига эга бўлиш ва уни билдириш хуқуқи ва бошқа шу кабилар киради.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида қуидаги иқтисодий, ижтимоий хуқуқлар белгиланган:

- иқтисодий фаолият эркинлиги хуқуки (53-модда);
- мулк хуқуқи (36-модда);
- меҳнат ва таътил хуқуқи (37-, 38-модда);
- ота-она ва болаларнинг бир бирига ғамхўрлик қилишга teng хуқуқ ва бурчлари (64-, 66-модда);
- ижтимоий таъминот хуқуқи (39-модда);
- малакали тиббий хизмат олиш хуқуқи (40-модда);
- таълим олиш хуқуқи (41-одда).

Эгалик хукуки асосларига мөхнат фаолияти, шунингдек мулкни буюртма бўйича яратиш, ривожлантириш ва эгалик қилиш, давлат мулкини хусусийлаштириш; мерос ва бошқа қонунга хилоф бўлмаган асослар киради.

Иқтисодий, ижтимоий, маданий хукуклар ўз хукукий ривожланишини Ўзбекистоннинг бир қатор зарур конунларда ўз ифодасини топган. Шулардан Фуқаролик кодекси, Мехнат кодекси, Оила кодекси, Уй-жой кодекси, “Таълим тўғрисидаги”, “Пенсия таъминоти тўғрисидаги”, “Соғлиқни сақлаш тўғрисидаги”, “Бола хукукларининг кафолатлари тўғрисидаги” конунларини айтиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида қуидаги маданий хукуқлар мустаҳкамланган:

- ижод қилиш, маданий ҳаётда иштирок этиш хукуки (42-моддат);
- таълим олиш хукуки (41-моддат).

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 42-моддасида “Хар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш хукуки кафолатланади. Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади”, деб мустаҳкамлаб қўйилган.

Ҳар қандай фуқаро маданий соҳада ўз қобилияти ва имкониятларини кўрсатиш хукуқларига эга. Ундан ташқари, фуқароларнинг маданий ҳаётда иштирок этиш эркинлиги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида мустаҳкамлаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 42-моддасида “Ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш хукуки кафолатланади. Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожла нишига ғамхўрлик қилади” дейилган.

Ўзбекистонда 140 дан ортиқ миллий марказлар ўз фаолиятларини амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 13 январдағи №10-сонли Қарори билан Республика байналминал маданий маркази таъсис этилган. Марказ миллий маданий марказлар фаолиятини мувофиқлаштиради, уларга амалий ва услубий ёрдам кўрсатади ва шу билан мамлакатимизда яшаётган турли миллатлар ва элатлар вакилларининг эҳтиёжларининг қониқтиришда фаол иштирок этмоқда.

1998 йил 26 март куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон театр санъатини ривожлантириш тўғрисида”ги Фармойиши, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбектеатр” ижодий ишлаб чиқариш бирлашмасини тузиш тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди. Ҳозирги вақтда бирлашма таркибида 37 та профессионал театрлар ва кўплаб театр-студиялар ишламоқда.

Маданият ва спорт ишлари бўйича вазирлик тасарруфида 85 та музей ишлаб турибди. Музей тўпламлари бир ярим миллион музей предметларидан иборатдир. Булар тарихий хужжатлар, археология, этнография, нумизматика предметлари, амалий санъат маҳсулотлари, хайкалтарошлиқ, рассомчилик, графика ва бошқалардир. Ўзбекистонда 5735 та кутубхона ишлаб турибди.

Ўзбекистондаги маданий мерос обьектлари миллий бойликлар ҳисобланади ва улар давлат муҳофазаси остидадир.

2001 йил 30 августдаги Ўзбекистон Республикасининг “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуни маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, сақлаш, кўпайтириш ва улардан фойдаланишга оид муносабатларни тартибга солади.

Маданият соҳасида халқаро алоқалар ва ҳамкорлик давлат даражасида қабул қилинадиган қонунчилик, шунингдек Президент фармойишлари, Вазирлар Махкамаси қарорлари каби шунга ўхшаш тегишли ҳужжатлар ва бошқа чоратадбирлар асосида рағбатлантирилмоқда ва ривожлантирилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонунида маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасида халқаро ҳамкорлик олиб бориш кўзда тутилган.

ХОЗИРГИ ЗАМОНДА ИНСОН ХУҚУҚЛАРИ ТҮҒРИСИДАГИ АСОСИЙ ХАЛҚАРО ҲУЖЖАТЛАРНИНГ ТАВСИФИ

5.1. Ҳозирги замонда инсон хуқуқлари түғрисидаги асосий халқаро ҳужжатларни қабул қилишдаги шартлар

Ҳозирги замонда инсон хуқуқлари мухим ўрин тутади. Ҳар қандай ривожланган демократик жамият қуришда уларнинг ролини ошириб юбормаслик лозим. Бизнинг фикримизча, хуқуқий давлат қурилишидаги асосий шартлардан бири бу жамиятда инсон хуқуқлари ва эркинликларини кенгайтириш ҳамда ҳимоя қилиш хисобланади.

Унчалик узоқ бўлмаган ўтмишда ҳам инсон хуқуқлари фақатгина ички давлат органлари доирасида тартибга солинган. Ҳар бир давлат ўз юрисдикциясида бўлган фуқаро ва шахсларнинг хуқуқ ва эркинликлари ҳажмини фақат ўзларигина ҳал қилиш хуқуқига эга деб ҳисоблар эдилар. Ҳаттоки, БМТ ташкил қилинган илк кунларда ҳам давлат ички органлари бу соҳадаги асосий манбалар хисобланар эди.

Умуман хукукни, айниқса инсон хуқуқларини у ёки бу жамиятда хукмронлик қилаётган мафкура, сиёсат ва ахлоқий маданиятдан ажратиб ўрганиш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам давлатлар мазкур соҳада инсон хуқуқлари масаласини юқоридаги воситалар асосида тартибга солишган ҳамда БМТнинг инсон хуқуқлари соҳасидаги стандартларини ўз ички ишига аралашиб деб ҳисоблаганлар.

Бир катор мамлакатлар ўзларининг расмий баёнотларида БМТ уставига асосан муайян инсон хуқуқларига иркӣ, жинсий, тил ва диний камситишлариз риоя қилинишини таъминлашда давлат юрисдикциясини рад қилдилар.

Бошқа гурӯҳ давлатлар эса БМТ Уставининг юридик мажбурийлигини тан олишган ҳолда давлат суверенитети тушунчасини мутлақлаштиришиб, инсон хуқуқлари соҳаси бутунлай давлат ички ваколатида деб ҳисоблашларини билдиришди¹.

Кўпгина халқаро хуқуқшунослар ўз давлатлари мафкурасини акс эттирган ҳолда инсон хуқуқлари ва эркинликларини тартибга солиш давлатнинг мутлақ ички иши, халқаро ҳамжамиятнинг иши эмас, деб ҳисоблар эди.

1 Мисол учун, собиқ СССР мазкур масалада мақбул бўлмаган позицияни эгаллаган эди, бу эса 1948 йили БМТ Бош Ассамблеясида Инсон хуқуқлари умумжахон декларациясини қабул қилишда бетараф бўлишига асосий сабаблардан бири эди.

Иккита жаҳон уруши, ўнлаб миңтақавий ва маҳаллий урушлар, ядро уруши хавфи, атроф-муҳит муаммоси ва бошқа глобал муаммолар ечимини топиш учун давлатларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш учун катта-кичик ури-нишларнинг бошланишига сабаб бўлди. Натижада эса, инсон ҳуқуқлари ҳам ички ҳуқуқ билан, ҳам ҳалқаро ҳуқуқ билан, тартибга солинадиган бўлди. Бунинг далили сифатида асосий инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини тартибга солувчи ҳалқаро принципларнинг аниқлаштирилиши ва ривожлантирилиши ҳамда мазкур соҳада давлатлар ўз зиммасига олган мажбуриятларининг бажарилиши юзасидан назорат механизмларининг ташкил қилингандигини кўрсатиш мумкин.

Инсон ҳуқуқлари соҳасида ҳалқаро ҳуқуқ ролининг ошишига асосий сабаблардан бири Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, инсон ҳуқуқлари бўйича ҳалқаро пактлар ва мазкур соҳада бошқа ҳалқаро конвенцияларнинг қабул қилинишидир.

Кўпгина ҳалқаро ҳукуқшунослар Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясини фуқароларнинг асосий фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқларини оддийгина эълон қилган ҳужжат, деб узоқ баҳслашдилар. Ҳаёт Декларациянинг қабул қилиниши, оддийгина ишора эмас, балки ундаги ҳуқуқлар ҳалқаро ҳамжамиятнинг инсон ҳуқуқлари соҳасида муҳим ҳалқаро битимларни қабул қилишда мустаҳкам ҳалқаро — ҳуқуқий таянч муомала кодекси бўлиб хизмат қилгандигини кўрсатди.

Тадқиқотлардан бирида таъкидлаб ўтилганидек, “1948 йилдан сўнг қабул қилинган 90 дан ортиқ миллий конституциялар ўзида декларация қоидаларини акс эттиради ва (ёки) унинг таъсири остида мазкур қоидалар киритилган”².

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси инсон ҳуқуқлари бўйича бошқа келишувларнинг қабул қилинишига кенг йўл очиб берди. Ушбу келишувлар ичida марказий ўринни инсон ҳуқуқлари бўйича ҳалқаро пактлар эгаллайди. Уларнинг қабул қилиниши натижасида инсон ҳуқуқлари соҳасида принцип ва қоидаларни ишлаб чиқиши ва қабул қилиш борасида янада сифатли босқичга кўтарилди. Инсоният тарихида биринчи марта деярли бир пайтда Пактларни имзолаган барча давлатлар учун мажбурий бўлган инсон фуқаролик-сиёсий, ижтимоий-иктисодий ва маданий ҳуқуқларининг улкан доирасини тартибга солувчи иккита ҳалқаро ҳужжат қабул қилинди.

Мазкур Пактлар билан мустақиллигини даъво килаётган ҳалқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳукуқи тан олингандан сўнг, бу руҳан эзилган ҳалқлар кўлидаги мустақиллик учун кураш йўлидаги кучли куроллардан бирига айланди. Миллий-озодлик ҳаракатлари таъсири остида киритилган ҳалқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш моддасининг пайдо бўлиши ҳалқаро ҳамжамият томонидан эски ҳалқаро ҳуқуқда фундаментал ўзгаришга асос бўлди ҳамда жаҳон ҳалқлари ва миллатлари ўртасидаги teng муносабатларнинг таъминла-

2 Jayawic Kagama N. Hong Kong and the international protection of human Rights//Human Rights in Hong Kong, 1992. P. 160.

нишига асос бўлди. Яшаш хукуки,adolatli судга бўлган хукуқ, меҳнат қилиш хукуки, дам олиш хукуқи ва бошқа бир қатор асосий хукуқлар бугунги кунда кўпгина давлатларнинг конституцияларида ўзининг мустахкам ўрнини топган.

Биринчи марта инсон хукуқларига оид пактларда индивид бевосита халқаро назорат қилувчи органлар томонидан рухсат этиладиган хукуқларини ҳимоя қиласидиган ва халқаро хукуқ ва мажбуриятларга эгалиги белгиланди.

Инсон хукуқлари бўйича пактларнинг муҳим ютуқларидан бири мазкур хужжат орқали давлатларнинг шу коида бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларини бажарилишини назорат қилувчи муассасаларнинг ташкил қилиниши бўлди. “Унинг ташкил қилиниши ва фаолият олиб бориши мазкур асрнинг иккинчи ярмида инсон хукуқларини халқаро миқёсда тартибга солишда сезиларли ютуқлардан биридир”¹. Назорат институти халқаро хукуқда янги ҳодиса бўлиб, унинг ташкил топиш жараёни бир қатор давлатлар томонидан катта қаршиликка учради. Муаммо шунда эдики, “назорат” тушунчаси, ушбу назорат обьекти хисобланувчи у ёки бу мажбуриятнинг бажарилиши жараёнидаги элементларининг таъсирини ўз ичига оларди. Бошқача айтганда, назорат ижро жараёнида ўзининг у ёки бу даражадаги аралашувини келтириб чиқаради. Давлатлар халқаро муносабатларга киришар экан, ўзларининг ички ишларидаги суверенитетини сақлайди, халқаро органларнинг назорати эса уларнинг ички ишига аралашуви, деб хисобланарди. Бироқ, халқаро муносабатларнинг ўзига хослиги ва инсон хукуқларининг катта аҳамияти халқаро ҳамжамиятнинг ушбу масалада мувозанатга келишишига ва давлатларнинг мазкур соҳада ўз зиммаларига олинган мажбуриятларини ўз иродаси билан зиммасига олишига, халқаро назорат органлари эса факатгина инсон хукуқлари соҳасида давлатларга тегишли кўмакларни бериб, маслаҳат беришини таъминлади. Ҳозирги шароитда халқаро назорат органларининг роли ошмоқда. БМТ ва бошқа халқаро конвенциявий органлари назорат ташкилотларининг фаолиятидаги ваколат ва вазифаларига борган сари кўпроқ эътибор қаратилмоқда.

Айтиб ўтилганидек, халқаро муносабатларда зарур пайтда ҳаётга мажбурий тадбиқ қилиш учун халқаро хукукнинг принцип ва нормаларини амалга оширувчи давлат тизими устидан назорат қилувчи орган йўқ. Шунинг учун давлатлар халқаро назорат механизмини яратиш йўлларини назарда тутганлар ва бу зарурат инсоният тақдирига жиддий хавф туғдиргандан халқаро хукуқ ижодкорлигини кенгайтириш, халқаро алоқаларни такомиллаштириш, глобал муаммоларнинг пайдо бўлишидан келиб чиқади.

5.2. Инсон хукуқлари умумжаҳон декларациясининг хукуқий мазмuni ва аҳамияти

Иккинчи жаҳон уруши тугаганидан сўнг тинчлик, хавфсизлик ва давлатлараро ҳамкорликни кўллаб — кувватлаш ва мустахкамлаш мақсадида Бир-

1 Карташкін В. А. Права человека в международном и внутреннем праве. — М., 1995. — С. 58.

лашган Миллатлар Ташкилоти тузилган эди. Инсон ҳуқук ва эркинликлари-ни ҳимоя қилиш унинг фаолиятида муҳим йўналиш ҳисобланади.

БМТнинг дастлабки эришган муҳим ютуқларидан бири, бу Бош Ассамблея томонидан 10 декабрь 1948 йилда Инсон ҳуқуқлари умумжахон декларация-сининг қабул қилиниши бўлган.

Ассамблея Декларацияни “барча халқлар ва барча давлатлар томонидан бажарилишига интилишини таъминлаш вазифаси” эканлигини эълон қилди. У бутун дунёдаги аъзо-давлатларни Декларацияда мустаҳкамланган ҳуқук ва эркинликларни хурмат қилиш ва таъминлашга чақирди. Ҳар йили 10 декабрь бутун дунёда Декларация қабул қилинган кун сифатида Инсон ҳуқуқлари куни, деб байрам қилинади. Декларациянинг тарихий аҳамияти шундаки, у бутун дунёда тан олинган ва умумий бўлган ҳуқук ва эркинликлар рўйхатини ўзида мужассамлаштирган биринчи халқаро характердаги ҳужжатdir.

Декларацияда қўйидаги умум ғэтироф этилган инсон ҳуқуқларининг тўлиқ рўйхати келтириб ўтилган:

Шахсий ҳуқук ва эркинликлар:

яшашга бўлган ҳуқук, эркинлик ва шахсий даҳлсизлик ҳуқуки (3-модда);
қулликнинг таъқиқланиши (4-модда);

қийноқларнинг таъқиқланиши, инсон қадр-қимматини камситувчи ёки ноинсоний муюмалар ва жазолашларнинг таъқиқланиши (5-модда);

ҳар бир инсоннинг ҳуқуқий субъект бўла олишининг тан олиниши (6-модда);
асосий ҳуқуқларини бузилишига сабаб бўлган харакатларга қарши суд ҳимоясига бўлган ҳуқук (7-модда);

ҳуқуқларни суд томонидан самарали тикланишига бўлган ҳуқук (8-модда);

ўзбошимчалик билан қамоқقا олиш, ушлаб туриш ёки сургун қилишдан ҳимоя қилишга бўлган кафолат (9-модда);

мустақил ва бетараф судга бўлган ҳуқук (10-модда);

айбсизлик презумпцияси, қонуннинг орқага қайтиш кучининг йўқлиги (11-модда).

Инсоннинг уни ўраб турган гурухи ва ташки дунё билан бўлган муносабатлари доирасидаги ҳуқуқлари:

шахсий ҳаётга бўлган ҳуқук (12-модда);

эркин кўчиб юришга ва яшаш жойини эркин танлашга бўлган ҳуқук (13-модда);

бошпанага бўлган ҳуқук (14-модда); фуқароликка бўлган ҳуқук (15-модда);

никоҳ муносабатларида эркак ва аёлнинг teng ҳуқуқлилиги. Оиланинг жамият ва давлат томонидан ҳимоя қилинишига бўлган ҳуқук (16-модда);

мулкка индивидуал ва ўзаро эгалик қилиш ҳуқуки (17-модда).

Диний эркинликлар, фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар:

фикр, виждан ва дин эркинлиги (18-модда);

ғэтироф этилган инсоннинг интилишига бўлган ҳуқук (19-модда);

тинч йиғилишлар ва ассоциациялар түзиш эркинлиги (20-модда); ўз мамлекатини бошқаришда иштирок этиш хуқуқи; муайян муддатларда ўтказиладиган сайловларда иштирок этиш хуқуқи (21-модда).

Иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳалардаги хуқуқлар:

ижтимоий таъминотга ва муносиб ҳаёт даражасига бўлган хуқуқ (22-модда); меҳнат қилиш хуқуқи; иш танлаш эркинлиги; тенг меҳнат учун тенг ҳақ олиш; касаба уюшмаларига нисбатан эркинлик (23-модда); дам олиш ва бўш вақтга бўлган хуқуқ (24-модда);

фаровонликка ва соғлиқни сақлашга бўлган хуқуқ (овқат, кийим-кечак, уй-жой, тиббий муолажа, ижтимоий хизмат кўрсатиш);

оналик ва болаликни ижтимоий ҳимояси хуқуқи (25-модда);

таълим олишга бўлган хуқуқ (26-модда);

маданий ва илмий ҳаётда иштирок этиш, шунингдек, муаллифларнинг маънавий ва моддий манфаатларини ҳимоялашга бўлган хуқуқи (27-модда).

Шуни таъкидлаш жоизки, Декларациянинг учта моддаси БМТ принциплари ва шахснинг жамиятга нисбатан мажбуриятларига бағишиланган:

ҳар бир шахснинг ижтимоий ва халқаро тартибга бўлган хуқуқи. Бунда Декларацияда мустаҳкамланган хуқуқ ва эркинликлар тўлиқ амалга оширилиши мумкин (28-модда);

жамият олдидаги мажбуриятлар; бошқалар хуқуқ ва эркинликларини тан олиш. Бу хуқуқ ва манфаатларни БМТ мақсадларига мувофиқ амалга ошириш (29-модда);

Декларациядаги хеч нарса мустаҳкамланган хуқуқ ва эркинликларни йўқ қилишга қаратилган ҳатти-харакатларни оқлаш учун шарҳланиши мумкин эмас.

Декларация 29-моддасининг 1-бандида шахснинг мажбуриятлари аниқ ўрнатилган: “Ҳар бир шахс жамият олдида мажбуриятларга эга”. Айнан, бандда шахс факат жамият доирасидагина эркин ва тўлиқ ривожлана олиши қоидасининг асослари келтирилган. Декларациянинг бу қоидаси маънавий хусусият касб этади. Чунки, унга кўра, шахс ўзи тегишли бўлган жамиятда юриш-туриш қоидаларининг умумий қоидаларини ўрнатади. Декларация 29-моддасининг 1-банди муроса хусусиятига эгалиги сабабли БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1948 йил 10 декабрда бир овоздан қабул қилинган.

Шуни таъкидлаш керакки, Инсон хуқуқлари умумжаҳон декларациясида шахснинг давлатга нисбатан мажбуриятлари ва бурчлари батафсил кўрсатилмаган, шунга кўра давлатни шахсдан қатъий қўриқлаш зарурияти мавжуд эмас. Айни пайтда, тарихан бизга маълумки, инсон хуқуқларини давлатдан ҳимоя қилиш зарурияти мавжуд. Шунинг учун Декларациянинг асосий мақсади — шахс хуқуқларини давлатга нисбатан ҳимоялашdir.

Шахснинг жамият олдидаги мажбуриятларини белгиловчи халқаро нормалар Инсон хуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 29- ва 30-моддаларидан келиб чиқади. Дарҳақиқат, Декларациянинг ушбу иккита моддаси қоидалари биринчидан, инсон хуқуқлари ва асосий эркинликлари, иккинчидан, инсон мажбуриятлари тушунчаларига олиб боради. Агар Декларациянинг 29-мод-

даси 1-бандида шахснинг ҳуқуқлари тушунчаси берилган бўлса, 30-моддада уни шарҳлашни белгиловчи универсал қўлланиладиган норма мавжуд. Шундай қилиб, шахснинг барча мажбуриятлари ва ундан келиб чиқувчи муаммолар ушбу икки моддада умумлаштириб мустаҳкамланган.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси БМТ Бош Ассамблеяси томонидан барча давлатлар ва миллатлар учун умумий ҳалқаро стандарт сифатида эълон қилинган. Юкорида баён қилингандарнинг барчаси эркинлик, тенглик ва биродарлик каби фундаментал принципларга асосланади. Уларга Декларациянинг Муқаддимаси, шунингдек 1- ва 2-моддалари бағишиланган. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясини тавсифлар эканмиз, унда инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмлари белгиланмаганлигига эътибор қаратмаслик мумкин эмас. Бу “хар қайси ҳалқ ва барча давлатлар бажаришга ҳаракат қилиши лозим бўлган вазифа сифатида” кўпроқ маънавий императивларидир.

Айни пайтда Декларация инсон фундаментал ҳуқуқларини қамраб олган БМТ Уставини талқин қилишдаги энг муҳим актдир. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси — бу, ҳалқаро шартнома. Расмий-юридик нуқтаи назардан у мажбурий кучга эга эмас, чунки БМТ Уставининг 10- ва 11-моддаларига мувофиқ, БМТ Бош Ассамблеясининг резолюциялари фақатгина тавсиявий хусусият касб этади. Шундай бўлишига қарамасдан, Декларация давлатлар инсон ҳуқуқлари соҳасидаги мажбуриятларининг асосий манбаларидан бирига айланди. У БМТ Уставини шарҳлашда муҳим восита сифатида кўрилиши мумкин. Унинг нормаларининг катта қисми замонавий дунё мамлакатларини боғлаб турувчи ҳалқаро одат ҳуқуқининг муҳим тимсоли сифатида эътироф этилади.

5.3. Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги ҳалқаро пактлар Ҳалқаро биллнинг қисми сифатида

Иктисадий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги ҳалқаро пакт, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги ҳалқаро пакт ва унинг Факультатив protokoli БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 16 декабрь 1966 йилда бир овоздан қабул қилинган. Бу ҳужжатлар Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва 1989 йилда қабул қилинган Иккинчи Факультатив protokol билан биргалиқда кенг машҳурликка эга бўлган Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги ҳалқаро билл деб номланади.

Пактлар Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига асосланса-да, улар томонидан қамраб олинган ҳуқуқлар бир хил эмас. Иккала Пактда ҳам мустаҳкамланган, Декларацияга киритилмаган энг муҳим ҳуқуқ бу ўзининг табиий бойликлари ва ресурсларидан эркин фойдаланиш ҳуқуқини ҳам қамбар олган ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқидир.

Иктисадий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги ҳалқаро пакт 1976 йил 3 январда кучга кирган.

Пакт қўйидаги ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ва амалга оширишда қўмаклашишини қўзда тутади:

эркаклар ва аёлларга тенг ҳуқуқлар;

адолатли ва қулай шароитларда меҳнат қилиш ҳуқуки;

ижтимоий ҳимоя, ҳаёт кечириш учун етарли шароитлар ва мумкин қадар юқори даражадаги жисмоний ва ақлий соғломлик шароитларига бўлган ҳуқук;

таълим олиш ва маданий эркинлик ва илмий тараққиёт неъматларидан фойдаланиш ҳуқуки;

касаба уюшмалари ташкил қилиш ва уларда иштирок этиш ҳуқуки;

оилани қўриқлаш ва оиласа кўмаклашиш;

маданий ҳаётда қатнашиш ва илмий тараққиёт натижаларидан фойдаланиш ҳуқуки;

етарли ҳаёт даражасига бўлган ҳуқук;

ижтимоий таъминот ва ижтимоий суғуртага бўлган ҳуқук.

Пакт қўзда тутилган ҳуқуқларни хеч қандай камситишларсиз амалга оширилишини назарда тутади. Пакт қатнашчилари — давлатлар Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш (ЭКОСОС)га даврий хисоботлар тақдим қиласидар. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича Қўмита — 18 та мустақил экспертдан иборат, Пактни амалга оширишда қўмаклашиш учун Кенгаш томонидан ташкил қилинган орган бўлиб, хисоботларни ўрганади ва манфаатдор ҳуқуматлар вакиллари билан мухокама қиласидар. Пактга алоқадор масалалар бўйича унинг изоҳлари Пактда мустаҳкамланган ҳуқуқларни ҳаётга татбиқ этишда қатнашчи-давлатларга ёрдам бериш ҳамда хисоботдаги камчиликлар ва хисобот тайёрлаш жараёнини эътиборларини қаратишдан иборат. Бундан ташқари, Қўмита алоҳида хисоботлар натижаси юзасидан Кенгашга тавсияномалар бериши мумкин.

Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактнинг қўйидаги хусусиятли жиҳатларини ажратиб қўрсатиш мумкин:

биринчидан, давлатлар учун мажбурий тоифага мансуб бўлган иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар рўйхати аниқланган;

иккинчидан, халқаро стандартдаги ҳуқуқларнинг ҳар бири давлатларнинг тегишли қонунчилигига ўз аксини топиши лозимлиги шакллантирилган;

учинчидан, давлатларнинг эълон қилинган ҳуқуқларни тан олиши ва таъминлаши мажбурияти ўрнатилган;

тўртинчидан, Пактда эълон қилинган ҳуқуқларни амалга оширишнинг механизмлари мустаҳкамланган.

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт ва унинг биринчи Факультатив протоколи 1976 йил 23 марта кучга кирган. Мазкур Пактнинг қабул қилиниши унда кўрсатилган ҳуқуқларнинг табиий, бегоналаштирил-маслик хусусият касб этиши, ҳаёт, шаън, инсон қадр-қиммати, шахсий дахлизлилик, эътиқод эркинлиги ва шахсий ҳаёт каби юқори қимматликлар билан алоқадорлиги билан асосланади. Инсон ҳуқуқлари назариясида бу ҳуқуқлар биринчи авлод ҳуқуқлари ҳисобланади ва “негатив ҳуқуқлар” сифатида ном-

ланади, чунки айнан давлат ҳокимияти томонидан тажовузлардан алоҳида ҳимояга муҳтождир. Ушбу Пактга бирлашиш эркинлиги, сўз эркинлиги, давлат бошқарувида қатнашиш ҳуқуқи, сайлов ҳуқуқи каби биринчи авлод ҳуқуқларига киравчи ва халқаро ҳуқуқ нуқтаи назаридан инсон шахси ривожланиши ва унинг давлат билан ўзаро муносабати билан боғлиқлиги сабабли ўта муҳим саналадиган сиёсий ҳуқуқлар киритилган.

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт юридик таркибининг ўзига хослиги шундаки, Пактнинг ҳар бир моддасида белгилаб берилган ҳар бир ҳуқуқ мазкур ҳуқуқни амалга оширишнинг аниқ механизмини қамраб олган ва бу ҳуқуқларни амалга ошириш учун қонунчилик, маъмурий ва бошқа чораларни кўриш ҳар бир давлатнинг мажбурияти ҳисобланади.

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг кучга кириши билан халқаро инсон ҳуқуқлари ҳуқуқи тараққиёти янги босқичга кўтарилиди. Халқаро ҳуқуқ тарихида биринчи марта индивид ўз ҳуқуқларининг ҳимояси учун БМТ халқаро органларига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлди. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт доирасида бундай орган Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита бўлиб, у нафақат индивидуал мурожаатлар, балки миллий ҳисоботлар асосида ҳам Пактга амал қилиниши устидан назоратни амалга оширади.

Пактнинг бу хусусиятлари уни нафақат инсон ҳуқуқлари соҳасида, балки бутун халқаро ҳуқуқ соҳасида ҳам муҳим аҳамият касб этувчи хужжатга айлантиради.

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт муқаддима ва олти қисмдан иборат. I қисм халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига бағишиланган битта моддадан иборат.

II қисми 2–5-моддаларни ўз ичига олади. Бу моддалар давлатларга Пактда кўрсатилган ҳуқуқларни хурмат қилиш ва ҳеч қандай камситишларсиз таъминлаш мажбуриятини юклайди. 2-модданинг 3-қисми бевосита давлатларга ваколатли суд, маъмурий ёки қонунчилик ҳокимияти томонидан суд ҳимояси имкониятларини кенгайтириб, ҳуқуқий ҳимоя воситаларини ўрнатиш мажбуриятини юклайди. Бундан ташқари, 3-модда давлатларга эркаклар ва аёлларга тенг фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлардан фойдаланишни таъминлаш мажбуриятини юклайди. Ушбу бобда давлатда фавқулодда вазиятларда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ва бундай вазиятларда инсон ҳуқуқлари чекланишларини тартибга солувчи норма берилган.

III қисм 22 та модда (6–27-моддалар)дан иборат ва Пактнинг энг катта қисми ҳисобланади. Унда бевосита ҳам шахсий ва сиёсий ҳуқуқлар, ҳам уларни амалга ошириш механизмлари кўриб чиқилади. 6-модда шахснинг ажралмас ҳуқуқи сифатида яшаш ҳуқуқини мустаҳкамлайди. Модда олтита пунктдан иборат бўлиб, мамлакатда ўлим жазоси мавжуд бўлса уни энг оғир жиноятлар учунгина қўллашни; ўлим жазоси белгиланганда авф этишни сўраш ёки ҳукмни енгиллаштиришни сўраш ҳуқуқини; ўлим жазосини 18 ёшга тўлмаган шахс ва хомиладор айлларга нисбатан қўлламасликни назарда тутади. Пакт ўлим

жазосини түлиқ бекор килишни назарда тутмаганлиги боис Фуқаролик ва сиёсий хуқуқлар тұғрисидаги халқаро пактга Иккінчи Факультатив протокол қабул қилингандай болып, ушбу Протокол иштирокчи-давлатларга ўлим жазосидан воз кечиш мажбуриятини юклайды.

Пактнинг бу қисми қийноклар (7-модда), куллик, куллар савдоси ва мажбuriй меҳнатни (8-модда) бутунлай тақиқлашни назарда тутади.

Пактда озодликдан маҳрум қилингандай шахсларнинг эркинлиги ва шахсий дахлсизлиги ҳамда улар билан муомалада бўлиши; ўзбошимчалик билан озодликдан маҳрум килиш ёки ушлаб туришни тақиқлаш; озодликдан маҳрум килиш конунчиллик билан белгилангандай тартибда амалга оширилиши (9, 10-модда)га алоҳида эътибор қаратилади.

Пактда бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юриш эркинлиги ва эркин яшаш жойи танлаш хуқуқини ҳам назарда тутади. Шу билан бирга, бу хуқуқни тартибга солувчи 12-модда давлат хавфсизлиги, жамоат тартиби, аҳоли соғлиги ва аҳлоқ қоидалари, бошқа шахслар хуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш мақсадида қонунда назарда тутилган ҳолларда бу хуқуқ чекланиши мумкинлигини мустаҳкамлайди. Бу турдаги чекловлар намойишлар ўтқазиш, эркин фикр билдириш, эркин фикрлаш, дин ва эътиқод эркинлиги, тинч йигилишларга бўлган хуқуқларга ҳам татбиқ қилинади.

Пактнинг 14-, 15- ва 26-моддалари айбасизлик презумпцияси, адолатли судлов, жиноят процессининг барча босқичларida айбланувчининг хуқуқларини таъминлашни ўз ичига олувчи қонун ва суд олдидаги тенгликни таъминлашни назарда тутади.

Алоҳида модда билан ҳар бир шахснинг хуқуқ субъектлилигини тан олинишига бўлган хуқуқи мустаҳкамланган (16-модда).

Пакт шахсий ва оиласи ҳаётган ўзбошимчалик билан ва ноконуний аралашувларни тақиқлайди, уй-жой дахлсизлиги ва ёзишмалар сирини муҳофаза этади (17-модда).

Пактнинг 18–19-моддалари фикрлаш эркинлиги, дин ва эътиқод эркинлиги, шунингдек, тўсқинликлариз ўз фикрини қўллаб-қувватлаш хуқуқига бағишлиланган. Шу билан бирга ҳар қандай урушни тарғиб қилиш, миллий, ирқий ёки диний адоватни қўллаб-қувватлаш чиқиш тақиқланади.

Пактда тинч йигилишлар ўтқазиш хуқуқи ва бирлашиш эркинлиги аниқ тартибга солинган (21–22-моддалар).

Пакт жамият ва давлат томонидан оиласи ҳимоя қилиш, шунингдек бола хуқуқларига алоҳида моддаларни қўзда тутади (23–24-моддалар). Таъкидлаш жоизки, айнан Пактнинг ушбу қоидалари кейинчалик Бола хуқуқлари тұғрисидаги Конвенция, Аёлларга нисбатан барча турдаги камситишини йўқ қилиш тұғрисидаги Конвенцияларидан ўз аксини топган.

Пактнинг 25-моддаси давлат ишларини олиб боришда иштирок этиш хуқуқи, овоз бериш ва сайланиш, шунингдек тенг асосларда давлат хизматига ёллашиш каби сиёсий хуқуқларини амалга оширишга бағишлиланган.

Пактда шунингдек яна бир моддада этник ва диний озчиликларнинг бошқа аъзолар билан биргаликда ўзининг маданиятидан фойдаланиш, ўз дини-

га эътиқод қилиш, шунингдек она тилидан фойдаланиш хукуқини тартибга солиш мустаҳкамланган.

Пактнинг IV қисми (28–45-моддалар) инсон хукуклари бўйича Қўмитанинг таркиби, функциялари ва ваколатлари, бу органга иштирокчи-давлатларнинг ҳисобот топшириш мажбурияти, шунингдек, давлатлараро хабарларни тақдим қилиш ва уларни кўриб чиқиш тартибини белгилаб беради.

Пактнинг V ва VI қисмлари якуний қоидалар ва мазкур Пактни имзолаш, ратификация қилиш ва амал қилишига бағишлиданади.

Фуқаролик ва сиёсий хукуқлар тўғрисидаги халқаро пактга Иккинчи Факультатив протокол ўлим жазосини бекор қилишга қаратилган бўлиб, БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 15 декабрь 1989 йилда қабул қилинган. 31 декабрь 2010 йил ҳолатига 26 та мамлакат иккинчи Протокол бўйича мажбуриятларни олишга розилик билдирганлар; бу мажбуриятларнинг бажарилиши устидан назоратни инсон хукуклари бўйича Қўмита томонидан амалга оширилади.

Шундай қилиб, Фуқаролик ва сиёсий хукуқлар тўғрисидаги халқаро пакт кенг қамровли хужжат бўлиб, унда фуқаролик ва сиёсий хукуқларнинг барча кўринишлари бўйича халқаро стандартлар батафсил мустаҳкамланган. Шунга қарамасдан ушбу қоидаларнинг кўпчилиги кейинчалик такомиллаштирилиб ва аниқлик қиритилиб, Аёлларга нисбатан барча турдаги камситишини йўқ қилиш тўғрисидаги Конвенция, Бола хукуқлари тўғрисидаги Конвенция, Кийноқларга қарши Конвенциялар каби бошқа инсон хукуқлари бўйича халқаро хужжатларда ўз аксини топган.

5.4. Инсон хукуқлари бўйича халқаро конвенциялар

Иккита асосий халқаро пактдан ташқари пактлардаги ғоянинг мантиқий давоми сифатида таъкидлаш мумкин бўлган бошқа универсал давлатлараро хужжатлар мавжуд бўлиб, уларда инсон хукуқлари ва эркинликлари нисбатан аниқроқ кўриб чиқилади. Бу хужжатларда аёлларга нисбатан камситишини йўқотиш, бола хукуқларини ҳимоя қилиш, кийноқлар ва ирқий камситишини тақиқлаш масалалари кўриб чиқилади.

Улар мазмунига кўра инсон хукуқлари бўйича Халқаро биллда бўлмаган ёки етарли даражада инобатга олинмаган ҳолатларни тўлдиради ва аниқлаштиради. Бу универсал хужжатлар кийноқлар ва ирқий камситиши ёки нисбатан камроқ ҳимояланган шахслар гурӯҳи (аёллар, болалар, меҳнаткаш-мигрантлар) каби инсон хукуқлари бузилишининг аниқ кўринишлари бўйича халқаро хукуқий актлардир.

Муайян инсон хукуқларини ҳимоя қилишга қаратилган БМТ асосий халқаро шартномалари қаторига қўйидагилар киради:

Аёлларга нисбатан барча кўринишдаги камситишини йўқ қилиш тўғрисидаги Конвенция (1979 й.);

Бола хукуқлари тўғрисида Конвенция (1989 й.);

Кийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ шафқатсиз,

инсонийликка зид ёки кадр-кимматни камситувчи турларига қарши конвенция (1984 й.);

Иркый камситишнинг барча турларини йўқ қилиш тўғрисидаги Халқаро конвенция (1965 й.):

Мехнаткаш-мигрантлар ва уларнинг оила аъзоларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Халқаро конвенция (1990 й.);

Ногиронлар хукуқлари тўғрисидаги Конвенция (2006 й.) ва бошкалар.

Иккита Пактга кўшимча равища тўртта катта маҳсус халқаро шартнома ушбу пактларга амал қилинишини назорат қилиш мақсадида инсон хукуқлари бўйича эксперtlар кўмитасини ташкил қилишни кўзда тутади. Бундай шартномаларнинг иштирокчи-давлатлари тегишли кўмиталарга шартномаларнинг бажарилиши ва бунда вужудга келаётган муаммолар кўрсатилган доимий ҳисоботлар тақдим этишга розилик билдирадилар. Кўмита бу ҳисоботларни ва ўзи эга бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай бошқа маълумотларни кўриб чиқиб, давлатга ўз зиммасига олган хукукий мажбуриятларни бажаришга кўмаклашиб мақсадида тавсияномалар бериши мумкин.

Ушбу конвенцияларнинг тафсилотига қисқача тўхталиб ўтамиз.

Аёлларга нисбатан барча кўринишдаги камситишларга барҳам бериш тўғрисидаги конвенция 1974–1979 йилларда БМТ турли органлари томонидан аёллар ҳолати бўйича Комиссия раҳбарлигига тайёрланган бўлиб, 1979 йил 18 декабрда қабул қилинган ва 1981 йилда кучга кирган.

Конвенциянинг 1-моддасида аёлларга нисбатан камситиш тушунчасига қуидагида таъриф берилади: бу “аёлларнинг оиласи шароитидан қатъи назар, эркак ва аёлларнинг teng хукуқлилиги асосида тан олиниши, қўлланиши ёки амалга оширилишини сусайтириш ёки йўққа чиқаришга қаратилган жинсий белги бўйича кўра ҳар қандай фарқлаш, истисно қилиш ёки чеклашни англатади”.

2-моддага мувофик, ушбу Конвенция иштирокчисига айланган давлатлар қуидаги мажбуриятларни оладилар:

Биринчидан, эркаклар билан аёлларнинг teng хукуқлилиги принципи, агарда бу ҳозиргача килинмаган бўлса, миллий конституциялар ва бошқа тегишли қонунларга киритиш ҳамда қонун ва бошқа тегишли воситалар ёрдамида ушбу принципнинг амалиётга жорий этилишини таъминлаш;

Иккинчидан, хотин-қизларнинг ҳар қандай камситилишини тақиқловчи тегишли қонунчилик чоралари ва бошқа чораларни кўриш, жумладан зарур бўлганда жазоларни қўллаш;

Учинчидан, аёллар хукуқларига эркаклар билан teng асосда юридик ҳимоя белгилаш, тегишли миллий судлар ва давлат муассасалари ёрдамида хотин-қизларнинг ҳар қандай камситилишдан самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш;

Тўртинчидан, ҳар қандай шахс, ташкилот ёки корхона томонидан хотин-қизларнинг камситилишини бартараф этиш учун барча тегишли чораларни кўриш;

бешинчидан, хотин-қизларни камситувчи мавжуд конунлар, қарорлар, урф-одатлар ва амалиётни ўзгартириш ёки бекор қилиш учун барча тегишли чораларни, шу жумладан конунчилик чораларини кўриш;

Конвенцияни амалга оширилишини назорат қилиш мақсадида аёлларга нисбатан камситишларни барҳам қилиш Кўмитаси ташкил қилинади.

Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция 20 ноябрь 1989 йилда қабул қилинган ва 2 сентябрь 1990 йилда кучга кирган. Унинг асосий мақсади бола манфаатларини юкори химоясини таъминлашдан иборат. Конвенция уни ратификация қилган давлатларни болалар ўз мамлакатларининг ижтимоий ҳаётида фаол ва ижодий қатнашишлари мумкин бўлган шароитларни яратишга чорлади.

Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг асосий таркиби қуидагилардан иборат:

биринчидан, 18 ёшга тўлмаган ҳар қандай шахс бола ҳисобланади, агар миллий қонунчилик вояга етишнинг ёшроқ ёшини назарда тутмаган бўлса;

иккинчидан, Конвенция фуқаролик, сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳуқуқларнинг бутун мажмуини қамраб олади ва бир ҳуқуқнинг амалга оширилиши иккинчи ҳуқуқнинг амалга оширилишидан ажралмаслигини тан олади;

учинчидан, ўз интеллектуал, ахлоқий ва руҳий имкониятларини ривожлантириш учун болага зарур эркинлик атроф-мухитнинг соғломлилиги ва хавфсизлиги даражаси, соғлиқни сақлашга имкониятларнинг мавжудлиги ва овқатланиш, кийим ва уй-жойга боғлиқлигини Конвенция кўрсатиб беради;

тўртинчидан, Конвенциянинг муҳим принципи бу камситиш қилмаслиқдир. Болалар ўз ҳуқуқларидан ирки, терисининг ранги, жинси, тили, келиб чикиши, мулкий ҳолати, соғлиқининг ҳолати ва боланинг туғилиши, ота-онаси ёки қонуний васийлари ёки бошқа ҳар қандай ҳолатлардан қатъий назар хеч қандай камситишсиз фойдаланишлари лозим;

бешинчидан, Конвенция болаларни эксплуатациянинг ҳар қандай кўринишидан ҳимоя қилиб, миллий озчилик вакиллари ва туб халқларнинг болалари масаласи, шунингдек, гиёхвандлик воситаларини сустистемол қилиш ва болаларга ғамхўрликнинг мавжуд эмаслигини кўриб чиқиб, инсон ҳуқуқларининг ҳуқуқий чегараларини кенгайтиради;

олтинчидан, Конвенцияда жиноий фаолиятга жалб қилинган болалар ҳуқуқларини муҳофаза қилишга қаратилган аниқ қоидалар мавжуд;

еттингчидан, Конвенция оила ва ота-онанинг болаларга ғамхўрлиги ва уларнинг ҳимоясидаги муҳим ролини, шунингдек, давлатнинг ота-оналарга ўз мажбуриятларини бажаришда ёрдамлашиш мажбуриятини тан олади.

Ушбу Конвенцияга амал қилиниши устидан назоратни амалга ошириш бола ҳуқуқлари бўйича Кўмитага юклатилган.

Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ, шафқатсиз, ноинсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларига қарши Конвенция 10 декабрь 1984 йилда қабул қилинган ва 26 июнь 1987 йилда кучга кирган. Конвенциянинг қатнашчи-давлатлари ўз юрисдикцияларидаги ҳар қандай ҳудудда қийнаш актларининг олдини олиш учун самарали қонунчилик, маъмурий, суд ва бошқа

чораларни қўллаш мажбуриятини оладилар. Уруш ҳолатими ёки уруш хавфими, ички сиёсий берқарорликми ёки бошқа исталган фавқулодда ҳолат эканлигидан қатъи назар, қийноқни оқлашга хизмат қилолмайди.

Конвенциянинг муҳим ўзига хос жиҳатлари қуидагилардан иборат:

биринчидан, у иштирокчи-давлатлар ўз миллий қонунчилигида қийноқларни тўлиқ тақиқлашини назарда тутади;

иккинчидан, унда юқори турувчи раҳбар буйруғи ва ҳеч қандай истисно ҳолатлар қийноқлар ва бошқа шафқатсиз, инсонийликка зид ёки кадр-қимматни камситувчи муомала турлари ва жазоларни оқлаш учун хизмат қилмаслиги мустахкамланган;

учинчидан, у ҳар қандай қийноқни қўллаган шахс ҳар қандай иштирокчи-давлат худудида суд таъкибига олиниши мумкинлигини ўрнатади. Ҳар қандай қийноқ актини содир қилганликда гумон қилинаётган шахс суд жавобгарлигига тортилиши ёки суд жавобгарлигига тортиши мақсадида худудида жиноят содир қилган қатнашчи-давлатга ушлаб берилиши мумкин;

тўртинчидан, у агар қайсиdir иштирокчи-давлат худудида тизимли қийноқлар қўлланилиши ҳақида ишончли маълумотлар мавжуд бўлганда халқаро суриштирувни амалга оширишни кўзда тутади. Иштирокчи-давлатнинг розилиги билан бундай суриштирув унинг худудини кўздан кечиришни ҳам кўзда тутиши мумкин.

Мазкур Конвенциянинг амалга оширилишини қийноқларга қарши Қўмита кузатади.

Ирқий камситишнинг барча турларини йўқ қилиш тўғрисидаги Халқаро конвенция 21 декабрь 1965 йилда қабул қилинган ва 4 январь 1969 йилда кучга кирган. У ҳар бир шахсга тенглик ва камситмаслик принципини тўлиқ амалга оширишни кафолатлади. Конвенция ирқий камситишларни барча шаклларида ва кўринишларини йўқ қилиш, олдини олиш ва ирқийлик назариялари ва амалиётини тугатиш, ҳамда барча ирқий сегрегация ва ирқий камситишлардан ҳоли бўлган халқаро жамият яратишга йўналтирилган.

Мазкур Конвенциянинг иштирокчи-давлатлари ирқий камситишларни унинг барча шаклларида йўқ қилиш ва ирқи, терисининг ранги, миллий ёки этник келиб чиқишидан қатъий назар қонун олдида тенгликни кафолатлаш, шунингдек, инсон хукуқ ва эркинликларини амалга оширишни таъминлаш мажбуриятини оладилар. Бундай хукуқлар қаторига меҳнат қилиш хукуқи, касаба уюшмаларига бирлашиш ва уй-жойга бўлган хукуқлар аниқ қилиб киритилган.

Ушбу Конвенциянинг амалга оширилишини ирқий камситишни тугатиш Қўмитаси кузатади.

Юқорида санаб ўтилган конвенциялар бир томондан, инсон хукуқларига риоя қилиниши устидан назорат қилишнинг асосий халқаро механизми бўлса, иккинчи томондан, инсон хукуқлари бўйича миллий қонунчиликни такомиллаштириш механизмларини таклиф киласди.

5.5. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миңтақавий ҳалқаро ҳужжатлар

1948 йилда Инсон ҳуқуқ ва мажбуриятлари Америка декларацияси қабул қилинган.

1950 йилда Европа Кенгаши Инсон ҳуқуқ ва асосий эркинликларининг ҳимояси тўғрисидаги Европа конвенциясини. 1960 йилда Европа ижтимоий хартиясини қабул қилди.

1969 йилда Америка қитъаси давлатлари Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Америка конвенциясини тасдиқладилар;

Африка давлатлари — Африка бирлиги ташкилоти аъзолари 1981 йилда Инсон ва ҳалқлар ҳуқуқлари Африка хартиясини қабул қилдilar.

Ва ниҳоят, 1994 йилда Араб давлатлари Лигаси доирасида Инсон ҳуқуқлари Араб хартияси қабул қилинди.

Ҳар бир миңтақавий манбаа ҳалқаро ёки бошқа миңтақавий манба билан таққослаганда ўзига хос ҳусусиятлари мавжуд. Масалан, инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа конвенцияси Конвенциянинг давлат-қатнашчилари томонидан инсон ҳуқуқларига риоя қилиниши устидан ҳалқаро назоратни амалга оширувчи самарали тизим яратишни кўзда тутади. Инсон ва ҳалқлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Африка хартияси коллектив деб номланувчи ҳуқуқлар киритилган. Америкалараро назорат тизими нафақат Конвенция иштирокчиларига, балки муайян шартларда Конвенцияга кўшилмаган Америка давлатлари ташкилоти аъзоларига ҳам татбиқ қилинади.

Европа Кенгаши доирасида умумэътироф этилган инсон ҳуқуқлари европа тизимининг асосий манбалари қўйидагилардан иборат:

1. Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисида Европа конвенцияси (1950 й.);

2. Қийноклар ва инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувси муомала ёки жазонинг олдини олиш бўйича Европа конвенцияси (1987 й.);

3. Европа ижтимоий хартияси (1961 й.);

4. Миллий озчиликларни ҳимоя қилиш бўйича доиравий конвенция (1995 й.);

Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисида Европа конвенциясини 41 та давлат-аъзо ратификация қилган. Ушбу мамлакатларнинг ҳар бири инсон ҳуқуқлари бўйича Европа судининг юрисдикцияси, шунингдек индивидуал шикоятлар бериш ҳуқуқини ихтиёрий равишда тан олади. Конвенция ўзида ҳалқаро шартномани мужассамлаштириб, унга кўра Европа Кенгашининг барча аъзо-давлатлари ўз юрисдикцияларида бўлган шахсларга энг асосий баъзи ҳуқуқларни кафолатлаш мажбуриятини олганлар. Давлат-иштирокчиларнинг миллий конунчилиги Конвенция принципларига мувофиқ бўлиши лозим.

Айтиш мумкинки, Европа суди фуқаролар эркинликлари бўйича Фарбий Европа конституциявий судига айланди. У томонидан кўриб чиқилган ишлар нуқтаи назаридан Суд томонидан яратилган прецедент ҳуқуқи нисбатан кенг ва унинг аҳамияти доимий ошиб бормоқда.

Умумэътироф этилган инсон хукуклари америка тизими манбаалари тизимига иккита хукукий хужжат — Америка давлатлари ташкилотининг Устави ва инсон хукуклари тўғрисидаги Америка конвенцияси киради.

Америка давлатлари ташкилотининг Устави — инсон хукуқ ва мажбуриятлари Америка декларацияси (1948 йил). Америка давлатлари ташкилотининг Устави 1951 йилда кучга кирган бўлиб, инсон хукукларига бағишлиланган фақатгина бир нечта қоидалардан иборат. Уларда бири 5j-моддаси (муқаддам Зj-модда) бўлиб, унга кўра Уставни имзолаган давлатлар индивиднинг асосий хукукларини ирқи, миллати, дини ёки жинсига кўра ҳеч қандай ажратишлар-сиз риоя қилиш мажбуриятини оладилар. Инсон хукукларига ҳавола қилиш 16-модда (муқаддам 13-модда) да мавжуд.

Америка давлатлари ташкилотининг Низоми тасдиқланган Конференцияда шунингдек, инсон хукуқ ва мажбуриятлари Америка декларацияси ҳам қабул қилинган бўлиб, унда 27 та инсон хукуклари ва 10 та мажбурияти эълон қилинган.

Инсон хукуклари тўғрисидаги Америка конвенцияси (1969 йил) 12 хил умумий категориядаги фуқаролик ва сиёсий хукуқларни, масалан хукуқ субъект-лилигини тан олиш хукуки, яшаҳ хукуки, инсоний муомалага, адолатли судловга, мулкка, бирлашиш эркинлигига бўлган хукукларни кафолатлади.

Конвенцияга кўшимча протокол иқтисодий, ижтимоий ва маданий хукукларга оид бўлиб, Сан-Сальвадор протоколи сифатида ном қозонган ва 1988 йилда қабул қилинган.

Инсон хукуклари бўйича Америкалараро комиссия. Бу Комиссиянинг функциялари инсон хукуклари тўғрисидаги Америка конвенциясининг 41-моддасида мустаҳкамланган. Бу модда Комиссиянинг функцияларини Америка давлатлари ташкилотининг органи сифатида белгилаб беради ва уни Конвенциянинг 44–51-моддаларида мустаҳкамланган “петициялар ва бошқа мурожаатлар бўйича ўзининг бошқаруви доирасига мувофиқ чоралар кўриш”га ваколат беради.

Конвенцияга мувофиқ Комиссия петиция ва давлатларнинг бошқа мурожаатларини кўришга ваколатли. Петициянинг ўринлилиги тўғрисидаги қарор бир қатор шартларга боғлиқ, қисман халқаро хукуқнинг умумэътироф этилган принципларига мувофиқ барча ички хукукий ҳимоя воситаларидан ўтилганлигига боғлиқ. Бундан ташқари, Комиссияга петиция тахминий мавжуд бўлган хукуқбузилишининг жабрланувчиси муайян иш бўйича миллий суднинг охирги қарори қабул қилинганлиги ҳақида хабардор қилингандан сўнг фақатгина олти ойлик муддат ичida берилиши мумкин. Шикоят ўринли деб топилган тақдирда Комиссия тақдим қилинган маълумотларни кўриб чиқади, хукуматдан керакли маълумотларни сўрайди ва фактларни ўрганади. Бу жараён доирасида Комиссия шикоят берган шахс ва хукумат вакили иштирокида мажлис ўтқазади.

Инсон хукуклари бўйича америка давлатлариаро суд тарафлар ўргасида низоларни кўриш юрисдикциясига эга, хусусан, давлат-иштирокчилардан бири Инсон хукуклари бўйича Америка конвенциясига риоя қилмаслика

айбланган ишларни ҳал қилиш юрисдикциясига эга. Шунингдек, у Конвенция ва инсон ҳуқуқлари бўйича муайян шартномалар бўйича тавсиявий хуласалар чиқариши мумкин. Иш ўз иш юритувига берилган тақдирда Суд инсон ҳуқуқлари бўйича Америкаларо Комиссия томонидан кўриб чиқилган фактлар ва ҳуқуқ масалаларни ҳам кўриб чиқишга ваколатли. Суд етказилган зарарни пул кўринишида қоплаш тўғрисида қарор чиқаришга ва белгиланган дарво бўйича нафакат ҳуқуқ бузилишини, балки давлатлар ушбу ҳуқуқбузилиши билан боғлик равишда қўллаши лозим бўлган чораларни ҳам белгилаб қарор чиқаришга ваколатли.

Африка қитъаси 1981 йилдаги инсон ва ҳалқлар ҳуқуқлари Африка хартиясининг таркиби ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида қитъа давлатларининг ҳамкорлигига таъсир кўрсатган ўзининг маҳсус жиҳатларига эга. Африка давлатлари инсон ва ҳалқлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги ҳамкорлигининг асосида кенг маънода ривожланиш (иктисодий, ижтимоий, маданий ва сиёсий ривожланиш) назарияси ётади. Инсон ҳуқуқларини замонавий шарҳлаш нуқтаи назаридан европа ва африка моделларини уйғунлаштириш бу соҳада тараққиётга эришишнинг энг мақбул йўлидир.

Инсон ва ҳалқлар ҳуқуқлари Африка хартиясининг қабул қилиниши инсон ва ҳалқлар ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги минтақавий тизимлар шаклланишининг мантиқий давоми бўлди. Африка хартияси, бир тарафдан, африка цивилизациясининг қадриятлари ва одатларига таянса, иккинчи тарафдан, БМТ Устави, инсон ҳуқуқлари бўйича Халқаро пактлар, шунингдек, БМТ Бош Ассамблеясининг қатор резолюция ва декларацияларида мужассамлашган инсон ва ҳалқлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг универсал тизимига асосланади.

Инсон ва ҳалқлар ҳуқуқлари Африка хартияси муқаддиммаси ва 68 моддадан иборат З қисмдан ташкил топган. I қисм ҳуқук ва мажбуриятларга бағишлиланган бўлиб, инсон ва ҳалқлар ҳуқуқлари (1–26-моддалар) ва мажбуриятлар (27–29-моддалар) баён қилинган икки бобга ажратилган. II қисм кафолатларга бағишлиланган бўлиб, инсон ва ҳалқлар ҳуқуқлари бўйича Африка Комиссияини ташкил қилиш (30–44-моддалар), Комиссиянинг ваколатлари, унинг ўз функцияларини амалга ошириш жараёни ва принципларига оид (45–63-моддалар) уч бобга ажратилган.

Мазмунан Африка хартиясини иккита асосий қисм: ҳалқар ҳуқуқлари ва шахснинг индивидуал ҳуқуқларига ажратиш мумкин.

Африка хартияси декларациялар, конвенциялар шунингдек БМТнинг ва унинг маҳсус муассасаларининг бошқа ҳужжатларида, шунингдек, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Халқаро пактлар, бошқа минтақавий ташкилотлар ҳужжатларидаги қоидаларга таянади. Кўпгина инсон ҳуқуқлари бўйича энг муҳим қоидалар аниқлаштирилиб, ўзларининг кейинги такомиллашувларини Африка қитъасининг хусусиятларини инобатга олган ҳолда Хартияда акс эттирилди.

Инсон ва ҳалқлар ҳуқуқлари Африка хартиясида ва бошқа амалда бўлган ҳалқаро ҳужжатларда мавжуд бўлган инсон ва ҳалқлар ҳуқуқлари ўртасида

чегара белгилаш лозим бўлиб, бунда нима Хартияга қадар ўрнатилган ва нима биринчи марта Хартияда ўрнатилганлигига алоҳида эътибор қаратиш жоиз.

Инсон ва халқлар хуқуқлари Африка хартиясида ва бошқа халқаро хужжатларда мустаҳкамланган халқлар хуқуқларини таҳлил килиб, уларнинг барчаси африка мамлакатлари олдида турган нисбатан мухим вазифаларни ҳал қилишга: сиёсий ва иқтисодий мустақилликни мустаҳкамлаш, жамиёт ҳаётининг барча соҳаларини деколонизация қилиш, бирдамлик ва ўзаро манфаатдорликка асосланган африкалараро ҳамкорликни ривожлантириш, қитъадаги можароли вазиятларни тартибга солиш, халқаро иқтисодий муносабатларни қайта қуришга қаратилганлигини фарқлаш қийинчилик түғдирмайди.

Бундан келиб чиқиб таъкидлаш мумкинки, Африка хартияси баъзи халқлар хуқуқлари таркибига қатор янги элементларни олиб келди. Масалан, ўз тақдирини ўзи белгилаш хуқуқи, яъни бир халқнинг бошқа халқ устидан хукмронлиги “сиёсий, иқтисодий хукмронлик ёки маданият соҳасидаги хукмронлик” каби кенг маънода талқин қилиниши мустаҳкамланди. Хартияда ўзининг озодлиги учун халқаро ҳамжамият томонидан тан олинган ҳар қандай воситалар билан, ҳаттоқи қуролли курашга қадар курашишнинг хуқуқийлиги кўрсатилди.

Эътироф этиш мумкинки, Африка хартияси ўзида бир қатор сиёсий ва фуқаролик, ижтимоий-иқтисодий ва маданий каби индивидуал инсон хуқуқлари бўйича халқаро универсал ва минтақавий хужжатларда тартибга солинган инсон хуқуқларини ҳам мужассамлаштирган. Хартияда бу хуқуқларни мустаҳкамловчи ушбу қоида африка таракқиётининг ўзига хосликларини инобатга олган ҳолда Африка хартиясида акс эттирилганлиги сабабли бошқа халқаро хужжатлардаги қоидалар билан айнан эмаслигини таъкидлаш лозим.

Шахс индивидуал хуқуқларини минтақа давлатларида амалга оширилишининг ўзига хослиги шунингдек, индивиднинг оила, жамият, давлат ва бошқа қонун билан тан олинган ташкилотлар ва умуман халқаро ҳамжамият олдидаги муайян мажбуриятларини белгилашда ҳам инобатга олинган.

Инсон ва халқлар хуқуқлари бўйича Африка комиссиясининг асосий функциялари инсон ва халқлар хуқуқларини рагбатлантириш ва тегишли нормаларни ишлаб чиқишдан иборат ва шунингдек, давлатлардан ахборот ва “бошқа ахборотлар” олиши ва кўриб чиқиши мумкин. Бунда “бошқа ахборотлар” деганда алоҳида шахслар, шахслар гурухи, шунингдек, инсон хуқуқлари билан шугулланувчи ташкилот ёки муассасаларнинг ахборотлари киради.

Араб лигасини ташкил қилувчи Пакт 1952 йилда кучга кирган ва БМТ Низоми VIII бобининг мазмунини (БМТ Низоми принципларига мувофиқ минтақа давлатлари ҳамкорлигининг мақсади митақада тинчлик ва хавфсизликни кўллаб-қувватлаш) минтақавий келишув шаклида расман мустаҳкамлаган.

Умумэътироф этилган инсон хуқуқларининг ислом тизими манбаларига қуйидагилар киради:

Инсон хуқуқлари Умумислом Декларацияси (1981 йил);

Исломда инсон хуқуқлари қоҳира декларацияси (1990 йил);

Инсон ҳуқуқлари Араб хартияси (1994 йил).

Декларациясининг киришида инсон ҳуқуқларининг диний келиб чиқишига биноан “хеч қайси раҳбар ёки ҳукумат, ҳеч қайси ассамблея ёки ҳокимият ҳар қандай шаклда Оллоҳ томонидан берилган инсон ҳуқуқларини чеклаши, бекор қилиши ёки бузиши мумкин эмас, шунингдек ҳеч ким улардан воз кеча олмайди” дега таъкидланади.

Инсон ҳуқуқларига исломий ёндашувнинг муҳим элементи шундаки, улар “бутун ислом тартибининг таркибий қисми ҳисобланади”.

Декларация муаллифлари дахлсиз ва ажратилмас инсон ҳуқуқларини хурмат қилиш ва уларни ислом томонидан берилган сифатида кўриш мажбуриятини оладилар.

Инсон ҳуқуқлари Умумислом Декларацияси ноҳукумат ташкилоти томонидан қабул қилингандиги сабабли мажбурий ҳусусият касб этмайди. У универсал ҳалқаро-ҳуқуқий нормларнинг асосий қоида ва принципларидан келиб чиқади, бироқ давлатлар олдига муайян кафолатларни таъминлаш ва унинг қоидаларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш вазифасини қўймайди. Эътироф этилган ҳуқуқ ва эркинликлар ўзининг таркиби ва шарҳлаш имкониятидан келиб чиқиб, ислом ҳуқуқи ва ундан келиб чиқувчи қонун ҳужжатларига боғланган бўлиб, бу ушбу ҳужжатга анъанавий ҳусусият бағишлайди ва бу соҳада қатор “Ислом бирдамлиги” ҳаракати аъзо-давлатларида ҳуқуқий амалиёт билан номутаносиблигини кўрсатади.

Осиё-Тинч океани минтақаси БМТ томонидан белгиланган географик минтақалар ичida ўзининг мустақил инсон ҳуқуқлари ҳимоя тизимиға эга бўлмаган минтақа ҳисобланади. Бунинг асосий сабабларидан бири бу Осиё-Тинч океани минтақаси Америкадаги Америка давлатлари ташкилоти, Европада Европа Кенгаши, Африкада Африка Иттифоқи каби минтақавий сиёсий бирлашмага эга эмаслигидир. Ушбу минтақаларнинг барчасида айнан ушбу бирлашмалар инсон ҳуқуқлари тизимини яратиш ва уларга риоя қилиниши устидан назоратни ташкил қилишга туртки бўлган эди. Осиё-Тинч океани минтақаси мустақил инсон ҳуқуқлари ҳимоя тизимиға эга эмаслигини асословчи бошқа омиллар минтақанинг кенглиги ва бир турли эмаслиги билан боғлик. Ушбу минтақа мамлакатлари ягона дин, маданият ёки тарих билан боғлик эмас, уларда турли сиёсий ва ижтимоий шароитлар мавжуд ва Осиё бир бутун сифатида ҳаракат қилиши учун хизмат қила оладиган умумийлик учун ҳақиқий асослар мавжуд эмас.

БМТ дунёнинг ушбу қисмida ягона минтақавий келишув яратишга қаратилган салмоқли ҳаракатларни амалга оширмоқда. Бироқ, бу сайъ-ҳаракатлар ўз маҳсулини бериш имконияти эҳтимолдан узоқ бўлиб, ҳеч бўлмагандан яқин келажакда.

Баъзи мутахассисларнинг эътироф этишича, субмintaқавий тузилмалар (масалан, Жанубий-Шаркий Осиё) нисбатан ҳақиқатга яқинроқ ва ўз-ўзидан уларнинг ташкил этилишини қўллаб-қувватлаш жоиз. Бошқаларининг фикрича, дунёнинг бу қисмida инсон ҳуқуқларига риоя қилиниши тизимини ташкил қилиш

харакатлари самарасизdir ва ҳаттоки, агар муваффакият қозонган тақдирда ҳам, бунинг натижаси ўлароқ жуда заиф ва самарасиз тузилма ташкил қилинади.

5.6. Жиноят процессида умумэътироф этилган инсон ҳуқуқлари принциплари ва нормалари

Ўзбекистон Конституцияси Муқадиммасида ҳалқаро ҳуқуқ нормалари-нинг миллий қонунчиликдан устун туришини тан олинади. Бундан ташқари, Жиноий-процессуал кодексда агар Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро шартномасида қонунда назарда тутилган қоидалардан ўзга қоидалар белгиланган бўлса, ҳалқаро шартнома қоидаларининг кўлланиши мустаҳкамлаб кўйилган. Шунга асосан Ўзбекистон Конституцияси ва Жиноий-процессуал кодекси ҳалқаро ҳуқуқни инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш давлат ички тизими-нинг манбаи деб тан олади, деган хуносага келиш мумкин.

Шу ўринда жиноят процесси фанида “ҳалқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва нормалари” категориясининг ноаниқлиги ва ишлаб чиқилмаганлигини қайд этиш мақсадга мувофиқ. Ҳозирги кунга қадар расман шарҳланган актларда ҳам “ҳалқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва нормалари” категориясининг мазмуни очиб берилмаган.

“Ҳалқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва нормалари”нинг мавжудлигини ва аниқ норматив мазмунини ойдинлаштириш масаласи ҳатто ҳукушунос олимлар ўрасида ҳам кўплаб бахс-мунозараларни келтириб чикармоқда. Бундай вазиятнинг юзага келишига бир катор омиллар, хусусан юридик адабиётларда “ҳалқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва нормалари” тушунчасининг моҳияти ҳақидаги фикрларнинг таркоғлиги сабаб бўлмоқда.

Шу муносабат билан принципиал аҳамиятга эга бўлган куйидаги бир неча масалаларни ҳал этиш зарурияти туғилади:

биринчидан, ҳалқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва нормалари дейилганда нима тушунилади?

иккинчидан, ушбу принцип ва нормалар айнан қайси ҳалқаро-ҳуқуқий хужатларда мустаҳкамланган?

Қайд этиш жоизки, тарихан ҳалқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва нормаларини ифодалашнинг бир неча шакллари вужудга келган. Ҳалқаро-ҳуқуқий одат ва ҳалқаро шартнома ушбу шакллар орасида энг асосийлари деб тан олинган.

Ҳалқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва нормаларининг белгилари сифатида қўйидагиларни кўрсатиш мумкин:

биринчидан, ҳар қандай ҳалқаро ҳуқуқ нормаси каби, умумэътироф этилган норма хулқ-атвор қоидалари бўлиб, унинг мазмуни давлатларнинг хошиш-иродаларини мувофиқлаштириш натижасида белгиланиб, улар томонидан шу кўринишида ўз хошишларига кўра қабул қилинади;

иккинчидан, умуэътироф этилган нормалар бу турли мамлакатлар учун умумий бўлган ҳуқуқ нормалари бўлиб, улар турли давлатлар томонидан тан олинади;

учинчидан, умумэътироф этилган нормалар барча давлатларни камраб оладиган ёки қамраб олиши зарур бўлган ҳуқуқий тизим элементлариридир. Булар барча давлатлар учун умумий бўлган, ушбу давлатларнинг барчаси учун бирдек кўлланадаган халқаро ҳуқуқ нормалариридир.

Мазкур белгиларни хисобга олган ҳолда мазкур тушунчага қуидагича таъриф беришимиз мумкин: Умумэътироф этилган норма — давлатлар ҳамкорлигининг эришилган даражасини мустаҳкамловчи, юзага келган муаммоларни ечишда ўзаро мафаатлардорликни таъминлайдиган ва барча ёки кўпчилик давлатлар томонидан умумий деб тан олинадиган хулқ-атворт қоидалариридир.

Барча учун умумий бўлган нормалар, биринчи навбатда, ҳукуматлараро универсал ташкилотлар (Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг ихтисослашган муассасалари, Интерпол ва бошқалар) ва бутунжаҳон конференциялари доирасида қабул қилинадиган ҳужжатлардан ўрин оласа, маҳаллий нормалар асосан ҳудудий ташкилотлар ва конференцияларнинг (Америка давлатлари ташкилоти, Европа кенгashi, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти) ҳужжатларида акс этади.

Барча дунё ҳалқларининг жамоавий тажрибаси ва умумий меросидан ажратиб олинган Инсон ҳукуклари умумжаҳон декларацияси ва инсон ҳукуклари бўйича халқаро пактлар инсон ҳукуклари соҳасида барча ҳалклар ва давлатлар учун умумий бўлган хулқ-атворт стандартларини ташкил этадилар.

Халқаро ҳукукнинг умумэътироф этилган принциплари қуидаги учта манбада мустаҳкамлаб қўйилган: БМТ Низоми, 1970 йилда қабул қилинган Халқаро ҳуқуқ принциплари декларацияси ва 1975 йилда қабул қилинган Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича кенгашнинг хulosса акти. Таъкидлаш жоизки, умумэътироф этилган принциплар ўзаро алоқадорлик белгилариға эга. Масалан, 1970 йилда қабул қилинган Халқаро ҳуқуқ принциплари декларациясида айтилишича, "... талкин этиши ва қўллашда принциплар ўзаро алоқадорликдадирлар ва ҳар бир принцип бошқа барча принциплар курсовида кўриб чиқилиши лозим". Шунинг каби ЕХХКнинг хulosса актида таъкидлашича баён этилган принципларни "қўллашда ҳар бири бошқаларини эътиборга олган ҳолда талки этилади".

1970 йилги Халқаро ҳуқуқ принциплари декларацияси ва 1975 йилги Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашининг хulosса акти мазмунларининг таҳлили халқаро ҳукукнинг қуидаги умумэътироф этилган принципларининг ўзаро алоқадорлиқда эканлиги тўғрисида хulosса чиқариш имконини беради:

- 1) ўзаро тотувликда ҳаёт кечириши;
- 2) куч ишлатиш ёки куч билан қўрқитишдан ўзаро воз кечиши, ички ишларга аралашибаслик;
- 3) халқаро низоларни тинч йўл билан ҳал этиши;
- 4) давлатлараро ҳамкорлик;
- 5) тенг ҳуқуқлилик ва ўз тақдирини ўзи белгилаш;
- 6) давлатларнинг суверен тенглиги;
- 7) давлатлар томонидан мажбуриятларнинг сидқидилдан бажарилиши;

8) давлатлар ҳудудларининг дахлсизлиги;

9) инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларига ҳурмат.

Халқаро ҳуқуқ принципларининг умумэтироф этилган нормалар ўрасидаги ўзига хос ўрнини алоҳида қайд этиш лозим. Бу халқаро ҳуқуқнинг энг муҳим, энг умумий, умумэтироф этилган императив нормаларидир. Улар халқаро ҳуқуқнинг энг барқарор ўзагини ташкил этиш билан бирга халқаро қонунчиликнинг мезони ҳам ҳисобланади. Барча халқаро шартномалар ва одатлар юридик жиҳатдан ҳақиқий ва мажбурий бўлиши учун халқаро ҳуқуқнинг асосий принципларига мос келиши лозим, уларнинг мазмунида ноаниқлик бўлган тақдирда, уларни асосий принциплардан келиб чиқкан ҳолда талқин этиш керак.

Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги барча халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни иккита катта гурухга бўлиш мумкин — декларациялар ва конвенциялар (пактлар).

Декларация (лотинча *declaration* — эълон қилиш, эътироф этиш) мажбурий кучга эга эмас, бу — тавсиялардир. Унда инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги асосий принциплар, дастурий қоидалар эътироф этилади.

Конвенция (лотинча *conventio* — шартнома, келишув) — бирор бир маҳсус масала юзасидан халқаро келишув бўлиб, одатда у унга қўшилган (имзолаган, ратификация қилган) давлатлар учун мажбурий кучга эга бўлади.

Пакт — конвенциянинг ўзи, лекин мазмунан хилма хил.

Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига оид халқаро шартномалари мамлакатнинг Олий Мажлиси томонидан ратификация қилинади. Ўзбекистон учун халқаро шартноманинг кучга киритилиши жараёни уни расман эълон қилиш билан якун топади.

Ўзбекистон учун кучга кирган, яъни ратификация қилинган ва тегишли тартибда эълон қилинган халқаро шартномалар юридик жиҳатдан мажбурий актлар ҳисобланиб, улардаги умумэтироф этилган инсон ҳуқуқлари принциплари ва нормалари Ўзбекистон жиноят процессида акс эттирилган бўлиши лозим.

**ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР.
ИНСОН ВА ФУҚАРО ҲУҚУҚЛАРИ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ ТИЗИМИ,
УНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЧИЛИГИДА
МУСТАҲКАМЛАНИШИ.**

6.1. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро стандартлар тушунчаси

Инсон ҳуқуқлари соҳасида стандарт тушунчаси халқаро ҳужжатларда мустаҳкамлаб қўйилган мажбурий талабларни, нормаларни билдиради. Маълумки, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси юридик мажбурий ҳужжат ҳисобланмайди, бироқ унда мустаҳкамлаб қўйилган инсон ҳуқуқлари стандартларнинг ёрқин мисоли ҳисобланади. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясидаги стандартлар инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ учун, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий тизимни яратиш учун асос ҳисобланади.

Инсон ҳуқуқлари бўйича ҳужжатлар кайси халқаро ташкилот доирасида қабул қилинганлигига қараб, универсал ташкилотлар — БМТ доирасида қабул қилинган универсал стандартларга ва минтақавий стандартларга (мисол учун, Европа Кенгаши доирасида қабул қилинган — Европа Кенгаши стандартларига) бўлинади. Универсал ва минтақавий стандартлар ўртасида қарама қаршиликлар йўқ, балки кўпроқ бу изчиллик, мувофиқлиkdir. Минтақавий стандартлар инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро шартномалардаги инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро стандартларни ҳамда уларни ҳимоя қилишни янада мустаҳкамлашга кўмаклишиши лозим. Минтақавий стандартлар маҳаллий бўлиб, минтақадаги мамлакатларнинг тарихий анъаналари, маданияти, ривожланиш даражасини ҳисобга олган ҳолда универсал стандартларга нисбатан янада аниқроқ ва кучлироқ нормалар ўрнатади.

Миллий қонунчиликни инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларга мувофиқ келиши талаби инсон ҳуқуқлари бўйича шартномаларнинг иштрокчилари учун энг қаттиқ талаблардан ҳисобланади.

Халқаро ҳуқуқда¹ инсон ҳуқуқлари (инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартлар) барча давлатлар ҳамда давлатнинг жамоат тартибини сақлаш (муҳофаза қилиш) бўйича, уларнинг мансабдор шахслари ҳисобланган ҳуқуқни

1 Каранг: Сайдов А.Х., Международное право по права человека./ Отв.ред Б.Н. Топорин М. — 2004

мухофаза қилувчи органларини ҳам қамраб олувчи бу давлатларнинг вакилари учун юридик мажбурий ҳисобланади.

Инсон хуқуқлари халқаро хуқуқнинг институтларидан бири ҳисобланиб, у инсон хуқуқлари соҳасида асосий, умумэтироф этилган стандартларни белгилаб беради.

Маълумки, халқаро ҳамжамият ўз тарихига, хуқуқий анъаналарига ва маданий қадрияларига эга бўлган турли хил давлатлардан ташкил топган бўлиб, инсон хуқуқлари ва унга бўлган қарашлар кўпроқ юкоридаги омилларга боғлик ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам инсон хуқуқлари соҳасида халқаро стандартларни ўрнатиш ҳозирги замон шароитларида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳақиқий таъминлаб беришнинг ўта муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Инсон хуқуқлари бўйича умумэтироф этилган стандартлар доктринаси инсон хуқуқлари ҳамма жойда бир хил бўлиши, яъни, биринчидан бу хуқуқлар мустаҳкамлаб қўйилган моддий ҳуқуқ нормалари бир хил бўлиши лозимлиги, иккинчидан, бу нормаларни қўллаш бир таҳлитдагидек бўлиши лозимлигига асосланади.

Инсон хуқуқлари фақатгина ғарб цивилизацияси меваси ҳисобланмайди, балки у бутун инсониятга тегишилдири, шунинг учун ҳам улар турли халқларнинг маданиятидан қатъи назар шарҳланиши мумкин эмас ва бундай қилиб бўлмайди. Инсон хуқуқлари бўйича халқаро стандартларни тушунтиришда *инсон хуқуқларининг универсаллиги* (universality of human rights) ва *инсон хуқуқлари соҳасидаги универсализм* (universalism in human rights)ни фарқлаш лозим бўлади.

Инсон хуқуқларининг универсаллиги деганда инсон хуқуқлари ғоясини универсал эътироф этиш тушунилади, инсон хуқуқлари соҳасида универсализм эса, инсон хуқуқлари ғояларини шарҳлаш ва қўллашга тааллуклидири. Инсон хуқуқларининг универсаллигига 1948 йили Инсон хуқуқлари умумжахон декларацияси қабул қилинганидан бир неча йилдан кейин эришилган бўлиб, бу бугунги кунда бирорта ҳам давлат уни инкор этмаётганлиги билан тасдиқланади. Бошқача айтганда, инсон хуқуқлари ғояси, шундайлигича барча давлатлар томонидан эътироф этилмоқда.

Инсон хуқуқлари соҳасида универсализм тўғрисидаги гапирилганда эса, бугунги кунда унга эришилгани йўқ. Универсализм инсон хуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқни шарҳлаш ва уни қўллашга нисбатан ялпи розиликни кўзда тутади. Бундай ялпи розиликнинг йўқлиги БМТ доирасида инсон хуқуқлари масалаларини кўриб чиқишида универсализм муҳокама предмети бўлиб давом эттаётганлиги факти билан тасдиқланади¹.

Шу билан боғлик равища 1993 йилги Вена декларацияси ва Ҳаракат дастурида мавжуд қоидага эътиборни қаратиш лозим бўлади, унда қуйидагича кўрсатиб ўтилган: “барча инсон хуқуқлари универсал, бўлинмас, ўзаро боғлик ва ўзаро

1 Қаранг: Baderin M.A. International Human Rights and Islamic Law. Oxford: Oxford University Press, 2003. P. 23–24.

алокада”, бироқ яна қуидагида ҳам қайд этилади “миллий ва диний хусусиятлар ҳамда турли тарихий, маданий ва диний ўзига хосликларнинг аҳамиятини эътиборга олиш керак бўлсада, давлат ўзининг сиёсий, иқтисодий ва маданий тизими қандай бўлишидан қатъи назар барча инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларни рағбатлантириш ва уларни ҳимоя қилиш мажбуриятини зимасига олади”.

Мазкур ҳолатда инсон ҳуқуқларининг универсаллиги тўғрисида (универсализм тўғрисида эмас) гап бормоқда. Бошқача айтганда, инсон ҳуқуқлари мустаҳкамлаб кўйилган ҳуқуқий нормалар универсал бўлиши лозим, бироқ бу дегани барча ҳолатларда ҳам улар мутлақ бир хил шарҳланиши лозим дегани эмас. Бўлмаса, 1993 йилги Вена декларацияси ва Ҳаракат дастурига миллий минтақавий хусусиятни ва турли тарихий, маданий ва диний ўзига хосликларни ҳисобга олишнинг зарурияти тўғрисидаги қоидани киритишнинг маъноси бўлмас эди.

Турли тарихий, маданий ва диний ўзига хосликларни ҳисобга олиб инсон ҳуқуқларининг универсаллигини талқин қилиш максадида халқаро шартномаларнинг ўёки бу қоидаларини жамиятнинг аҳлоқий қадриятлари билан боғлиқ равишда тушунтиришигача бўлган даражада давлатнинг ҳаракат қила олиши эркинлигини кўзда тутувчи ўз ихтиёрига кўра иш тута олиш эркинлигининг чегарасигача бўлган доктринадан фойдаланиши мумкин бўлар эди. Халқаро шартномаларнинг кўплаб қоидалари жуда юкори даражада мавҳумлаштириб шакллантирилганлиги, уларни маҳаллий аҳлоқий ва маданий стандартлар нуктаи назардан тушунтириш имкониятини беради.

Халқаро ва миллий (давлат ички) ҳуқуқнинг нисбати ва ўзаро таъсири муаммоси юриспруденциянинг бугунги энг муҳим ва мураккаб муаммоларидан бирини ташкил этади. Унинг амалий аҳамияти давлат органлари учун ҳам, ҳар бир инсон учун ҳам сўзсиз ошиб бормоқда. Асосий инсон ҳуқуқлари халқаро ҳуқуқ нормалари билан белгиланишини эслашнинг ўзи ҳам етарлидир.

Халқаро ҳуқуқнинг ривожланиши, унинг миллий ҳуқуқ билан ўзаро таъсирининг чукурлашиб бориши ижтимоий ҳаётнинг байналминаллашуви билан ҳам белгиланмокда. Дунёнинг ўзаро боғлиқлиги ва ягоналиги миллий сиёсий-ҳуқуқий тизимлар ягона глобал тизимнинг қисмлари сифатида, бир бирлари билан ҳам, шунингдек бутун халқаро муносабатлар тизими билан ҳам ўзаро алокадорлигини англатади. Ички вазифаларни ҳал этиш ривожланиб бораётган ташқи муҳит билан алоқадорлигига боғлиқдир.

Давлатларнинг суверен тенглиги принципига мувофиқ ҳар бир давлат ўзининг ҳуқуқий тизимини ўзи эркин танлаши ва шундай экан, ўз ҳуқуқий тизимини халқаро ҳуқуқ билан ўзаро таъсири қилиш тартибини белгилashi мумкин. Шу билан бир қаторда, суверен тенглик принципи ҳар бир давлат ўзининг халқаро мажбуриятларини тўлиқ ва вижданан бажариши мажбуриятини ҳам белгилаб беради.

Мазкур қоидаларда анчадан бери эътироф этилган қоида ҳам ўз аксини топган, унга кўра халқаро ҳуқуқ давлатга мажбурият юклайди, уларни мамлакат

иичида рўёбга чиқаришнинг тартиби эса, агар халқаро-хуқуқий нормаларда бошқача келишилмаган бўлса, миллий хуқуқ билан белгиланади.

Миллий даражада амалга ошириладиган нормаларнинг сонини ошиб бориши билан бирга янги холатлар ҳам пайдо бўлмоқда. Мисол учун, инсон хуқуқлари тўғрисидаги, жиноятларнинг айрим турлари тўғрисидаги халқаро нормаларнинг рўёбга чиқаришни тегишли равишда қонунларни қабул килмасдан амалга ошириб бўлмайди. Натижада давлат бундай нормаларга қўшилар экан, тегишли қонунларни қабул килиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Умуман олганда, давлат ўз хуқуқий тизимини ўзи яратиши ва шундай қилиб халқаро мажбуриятларининг бажаришини таъминлаши лозим. Давлатда инсон хуқуқларига ва ҳуқуқ ҳукмронлигига асосланган демократик бошқарув ўрнатиладиган шароитлардагина тинчлик ва халқаро-хуқуқий тартибот ишончли равишда таъминлаб берилиши мумкин. Халқаро ҳаётдаги демократия ва қонунийликка давлатнинг ичидаги демократия ва қонунийликсиз эришиб бўлмайди.

Шундай қилиб, инсон хуқуқлари бўйича халқаро стандартлар халқаро шартномаларда мустаҳкамлаб қўйилган, юридик кучга кирган ва давлатнинг олий қонунчилик органи томонидан ратификация қилиниб, унга мувофиқ миллий қонунчиликда тегишли норматив-хуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган қоидалар ҳисобланади.

6.2. Инсон хуқуқлари соҳасидаги халқаро стандартлар имплементацияси

Имплементация (халқаро хуқуқнинг) (*англ. implementation*) — халқаро-хуқуқий нормаларни миллий қонунларга ва қонуности ҳужжатларга трансформация килиш йўли билан давлат ички даражасида халқаро мажбуриятларни фактик амалга ошироқ. Айрим давлатларда ратификация қилинган халқаро шартномалар автоматик тарзда миллий қонунчиликнинг қисмига айланади.

Агар, халқаро шартномада қонунда кўзда тутилганидан бошқа қоида ўрнатилган бўлса, унда халқаро шартнома қоидаси қўлланилади. Мисол учун, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мұқаддимасида умумэътироф этилган халқаро хуқуқ нормаларининг устуворлиги кўрсатиб ўтилган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17-моддасида шундай деб кўрсатиб ўтилган, “Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла хуқуқли субъектидир. Унинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид килмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва халқаро хуқуқнинг умум эътироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланади.”

Миллий хуқуқ халқаро хуқуқ билан ўзаро таъсир масалаларига янада кўпроқ эътибор қаратиб келмоқда. Шу билан бир қаторда, у яна шунингдек халқаро

мажбуриятларни миллий даражада рўёбга чиқариш усулларини аниқлаштириб олиш давлатнинг ваколатига киради, деган тушунчадан келиб чиқади.

Халқаро ҳамкорлик қилишнинг асоси конституциявий ҳукуқ билан белгиланади. Мазкур ҳукуқ ҳамда уни қўллаш амалиётини таҳлил қилиш шуни тасдиқламоқдаки, халқаро ҳукуқ давлат ички муносабатларни тартибга солишига ярамаганидек, миллий ҳукуқнинг ҳаракат механизми ҳам халқаро муносабатларни тартибга солиш учун ярамайди. Шунинг учун ҳам “халқаро ҳукуқ нормаларининг бевосита ҳаракат қилиши” деган тушунча шартли хусусият касб этади ва бу нормаларга миллий ҳукуқ билан тегишли юридик кучи берилганидан кейин бевосита қўлланилишини билдиради.

Айрим мамлакатларнинг конституциялари, мисол учун Франция конституциясида, халқаро ҳукуқнинг устуворлигини ва халқаро ҳукуқни бевосита таъсир кўрсатишини эътироф этади, деган фикрлар билдирилади. Фикримизча, бундай эмас. Конституциялар мавжуд халқаро ҳукуқни эътироф этмаган холда, уларни ўзи ўрнатган. Бошқача сўз билан айтганда, мазкур масалани ҳал қилиш — миллий ҳукуқнинг ваколатидир.

Шундай қилиб, жисмоний ва юридик шахслар иштироки билан боғлиқ муносабатларнинг тартибга солишига лаёкатли бўлиш учун халқаро ҳукуқда мавжуд бўлган қоида белгиланган тартибда мамлакатнинг ҳукукий тизимига кириши лозим. Одатда, бу жараён **трансформация** деб номланиб, унда халқаро ҳукуқ нормаларини миллий ҳукуқ нормаларига айланиши кўзда тутилади. Ҳақиқатда эса, халқаро ҳукуқ нормаси ўзгармаган ҳолда ўз мақомини сақлаб қолади. Унинг мазмуни, қоидасига эса миллий ҳукуқ нормаси мақоми берилади. Аслини айтганда ҳам, гап халқаро ҳукуқ нормаларини миллий ҳукуқ ёрдамида имплементацияси тўғрисида бормоқда.

Шартномани ратификация қилиши — бу халқаро шартномани мазкур давлат учун мажбурий эканлигини тасдиқлаб берадиган, унинг ички ҳукуқига мувофиқ қабул қилинувчи давлат олий ҳокимиятининг ҳужжатидир. Ратификация ёки давлат бошлигининг ўзи томонидан, ёки давлатнинг олий қонун чиқарувчи органи (парламент ёки бошқа унинг ўрнини босувчи орган) томонидан биргаликда амалга оширилади. Шартномани қабул қилиш, тасдиқлаш ёки унга қўшилиш ҳужжатлари тузилиб бўлинган бўлиб, бундай ҳаракатларни амалга ошириш орқали уларда иштирок этишига рухсат берувчи шартномаларга тааллуқлидир. Улар асосида ратификация ҳужжати мавжуд бўлиб, тегишли ҳужжатларни алмашилгандан ёки уларни депозитарияда сақлаш учун топширилгандан сўнг, юқорида кўрсатиб ўтилганидек номланади.

2012 йилнинг бошига келиб, Ўзбекистон Республикаси 500 дан ортиқ кўп томонлама ва иккитомонлама шартномалар ва келишиувларни тузган, 200 га яқин муҳим халқаро конвенциялар ва шартномаларга, шу жумладан инсон ҳукуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиши соҳасида 70 дан ортиқ шартномаларга қўшилган.

Халқаро ҳукуқни миллий ҳукуқда мустаҳкамлаш ва амалга ошириш соҳасидаги миллий қонунчиликнинг таҳлили, республиканинг соҳавий қонунчилиги асо-

сан халқаро шартномалар нормаларини миллий қонунларга нисбатан устуворлигини эътироф этиши нуқтаи назаридан келиб чиқаётганлигини кўрсатмоқда. Мисол учун, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 1-моддасига биноан Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилиги Конституция ва халқаро хукукнинг умумэътироф этилган нормалари ҳамда мазкур Кодексдан иборатdir.

Императив шаклда Жиноят-ижроия кодексининг 4-моддаси қуйидагича баён этилган: “Жиноят-ижроия қонун ҳужжатлари халқаро хукукнинг жазони ижро этиш ва маҳкумлар билан муомалада бўлишга таалукли принциплари ва нормаларини инобатга олади.

Жиноят-ижроия қонун ҳужжатларининг нормалари маҳкумларни қийноққа солиш ва бошқа инсонийликка зид ёки камситувчи муомала турларидан ҳимоя қилиш тўғрисидаги халқаро ҳужжатларга зид бўлиши мумкин эмас.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида жиноят-ижроия қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартноманинг қоидалари қўлланилади”.

Кўпинча халқаро хукуқ нормаларига бутунлай ҳавола этувчи таҳрир ишлатилади. Мисол учун, Ўзбекистон Республикасининг Оила Кодексининг 9-моддаси варианти кўпроқ учрайди: «Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг оила тўғрисидаги қонун ҳужжатларидагидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади».

Бу ерда факат қўллашнинг устуворлиги тўғрисида гап кетмоқда, яъни шартнома қонун қоидасини бутун ҳаракатга таъсир этмасдан, факат аниқ бир ҳолатга нисбатан “бошқача қоида”ни ўрнатмоқда, яъни аниқ бир ҳолат учун истисно килмоқда. Бу ҳолатда шартнома қонун устидан устуворликка эга эмас, балки устуворликни аниқ бир ҳолатга қўллаш тўғрисидагина гап бормоқда. Бу эса, қонун қоидасини бекор қилиши ёки ўзгартиши мумкин бўлган “бошқача қоида” борлигини кўзда тутишга асос борлигини билдиromoқда, аммо, аниқ бир ҳолат учун истисно қилмаяпти.

Мехнат, Ер кодекслари каби норматив ҳужжатларда, мисол учун аниқ ҳолатлар учун халқаро шартномаларни қўллашнинг устуворлиги аниқ мустахкамлаб кўйилган. 1995 йил 25 декабрдаги Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида”ги Қонунига кўра “Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига халқаро хукуқ нормаларига мувофиқ равишда Ўзбекистон Республикаси томонидан сўёзиз ва мажбурий амал қилинади”.

Ўзбекистон Республикаси миллий хукуқий тизимида халқаро хукукнинг умумэътироф этилган нормалари ва принципларининг миллий қонунчиликдан устуворлиги эътироф этилади. Шу билан бирга, халқаро шартнома, уни ижро этилиши учун миллий қонунчилик томонидан имплементация қилиниши лозим, яъни ички норматив-хукуқий ҳужжат кабул қилиниши керак. Халқаро стандарт имплементация қилинганидан сўнг ички қонунчиликнинг қисмига айланади ва мажбурий бажарилиши лозим бўлади. У ёки бу халқаро шартнома-

га тўғридан тўғри хавола этиш амалиётидан фойдаланиш эса Ўзбекистоннинг судлов органлари учун характерли эмас ва жуда ҳам кам ҳоллардагина қўлланилади.

6.3. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари халқаро стандартларининг мустаҳкамланиши

Хуқукий давлатчилик йўлида Ўзбекистон Республикаси ўзининг миллий қонунчилигида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашни устувор вазифа сифатида белгилаб олди. Ўзбекистон Республикасида давлат хокимиятини суверенитетини мустаҳкамлаш ва ҳуқуқ устуналигини тасдиқланиши ҳуқукий давлатчиликнинг чамбарчас ўзаро алокадорлигини ифодалайди.

1991 йил 31 август куни ўзининг давлат мустақиллигини эълон қиласа экан, Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимият ваколатларини қонунчилик, ижро ва суд тармоқларига бўлиниши принципи асосида асосий давлат институтларини шакллантиришга киришди. Ижтимоий-иктисодий ва сиёсий-хуқукий муносабатларни муваффақиятли ривожлантириш мақсадида инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари бўйича миллий тизимни халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормаларига мувофиқлаштиришнинг зарурияти вужудга келди. Бунга қуйидаги омиллар ёрдам берди:

Биринчидан, Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсати соҳасида ўзининг янгиланиш ва тараққиёт йўли танлаб олиши;

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикасининг БМТ ва унинг ихтисослашган ташкилотларига ўхшаш универсал халқаро ташкилотларга аъзо бўлиб кириши, шунингдек етакчи минтақавий халқаро ташкилотлар фаолиятида фаол иштирок этиши;

Учинчидан, Ўзбекистон Республикасини инсон ҳуқуқлари соҳасидаги асосий ҳужжатларга, авваломбор БМТнинг олтига асосий халқаро шартномаларига қўшилиши.

Кайд этиш керакки, инсон ҳуқуқларини химоя қилиш бўйича тизимлар ва механизmlарни ривожлантириш бирор бир дават ёки халқаро ташкилотга ёкиш учунгина амалга оширилгани йўқ. Мустақил Ўзбекистоннинг бош вазифаси инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларига сўзсиз амал қилиш ва демократик ҳуқукий давлат қуришдир.

Бугунги кунда инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчилик тизими шаклланган бўлиб, унга шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги қонунлар киради.

Инсон ҳуқуқлари бўйича қонунчиликнинг ядроси ва асоси Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳисобланади.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига катта аҳамият билдирилиб, ўзбек парламенти Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги эълон қилинганидан сўнг, бу ҳужжатни биринчи халқаро шартнома сифатида ратификация қилди ва шу билан ўзининг ички ва ташқи сиёсатида устувор

йўналиш сифатида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг халқаро каталогиги мустаҳкамлаб кўйди.

1992 йил 8 декабрда қабул қилинган мустакил Ўзбекистон Республикаси нинг биринчи Конституцияси мамлакатимизда инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг ҳуқукий кафолати ҳисобланади.

Суверен, демократик, ҳуқукий ва дунёвий давлат, инсон ҳуқуқлари бўйича умумэътироф этилган халқаро принциплар ва нормаларга содик давлат сифатида Ўзбекистон Республикаси биринчи навбатда ўз Конституцияси нормаларининг учдан бир қисмидан кўпини инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишини таъминлаш масалаларига бағишлаб, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг устуворлигини конституциявий даражада мустаҳкамлади ва аввалги тузумда шаклланган инсон ҳуқуқлари устидан давлат манфаатлари устунлигини бартараф этди.

Ўзбекистонда 130 дан ортиқ миллат ва элатлар истиқомат қилади. Биз учун Конституция жинси, ирқи, миллати, дини, сиёсий ва диний эътиқоди, мулкий ва мансаб мавқеи, яшаш жойи, жамоат бирлашмаларига аъзолиги ва бошқа шахсий ёки ижтимоий характердаги шарт-шароитлар ва ҳолатларидан қатъи назар барчанинг қонун ва суд олдидаги, инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларда тенглигини кафолатлаши энг муҳимдир.

Хусусий мулкни конституциявий мустаҳкамлаб кўйилиши муҳим аҳамият касб этади. Олдинлари инкор этилиб келинган хусусий мулк, энди Ўзбекистон Республикасида инсоннинг ажралмас ҳуқуқи, унинг фаровонлиги, ишбилармонлиги ва ижодий фаоллигининг табиий манбаи сифатида эътироф этилади ва кафолатланади, унинг иқтисодий ва шахсий даҳлсизлигининг кафолати ҳисобланди. Мулк даҳлсиздир ва ҳеч ким ўзбошимчалик билан ўз мулкидан маҳрум қилиниши мумкин эмас, мулк фақатгина қонунда назарда тутилган ҳоллардагина (хуқуқбузарлик куроли ва воситаси сифатида) мусодара қилиниши мумкин. Ўзбекистон Конституцияси хусусий мулкни эътироф этиш ва уни давлат мулки шакли билан бир қаторда тенг равишда ҳимоя қилиш тўғрисидаги принципиал янги ва муҳим ҳуқукий нормани ўрнатди, ҳар кимнинг мулкка эга бўлиш, мулкига ўз хоҳишича эгалик қилиши, ундан фойдаланиши ва уни тасарруф этиши мумкинлиги ҳуқуқи мустаҳкамлаб кўйилди.

Мехнат эркинлигига бўлган ҳуқуқни тасдиқлаб, Конституция фуқароларни мажбурий меҳнатга жалб этишни тақиқлаб кўйди, ҳар ким эркин касб танлаш ҳуқуқига эга.

Аёлларни сиёsatда иштирок этишга бўлган ҳуқуқи тўғрисидаги замонавий қонунчилик базаси аёлларни эркаклар билан бир қаторга тенг кўяди. Бизнинг парламентимизда аёллар бор, бизда аёл-ҳокимлар, ҳоким муовинлари, вазирлар ўринбосарлари бор, 200 дан ортиқ аёллар нодавлат ташкилотларида фаолият кўрсатмоқда. Бироқ, парламентда, ҳукуматда ва суд тизимида аёллар иштироки етарли даражада бўлиши учун ҳали кўп ишлар қилиниши лозим.

Ўзбекистоннинг давлат сиёсати миллатчиликни, ирқчиликни, геноцидни, халқларни зўрлик билан ҳайдаб чиқариш ёки кўчиришни, бошқа халқларни камситишини ва ассимиляция қилувчи сиёsatни тўла инкор этади.

Шундай қилиб, хозирги вақтда Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини химоя қилишнинг конституциявий ва зарурий қонунчилик асослари яратилган.

Конституция қоидалари асосида Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш ва бузилган ҳуқуқларини тиклашнинг қуидаги усуллари ривожланиб бормоқда:

биринчидан, тегишли давлат органларига шикоят билан мурожаат қилиш, фуқаро шикоятини ўрнатилган тартибда қабул қилиш, кўриб чиқиш ва мурожаат қилувчининг далилларини текшириш ҳамда мурожаат қилувчининг ҳуқуқларини тиклаш учун унга текшириш йўли билан қабул қилинган чоратадбирлар тўғрисида ёзма жавоб йўллаш орқали амалга оширилади;

иккинчидан, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ноқонуний хотти ҳаракатлари ва қарорлари юзасидан судга ариза билан мурожаат қилиш (суд химояси);

учинчидан, агар фуқаро томонидан ўз ҳуқуқларини химоя қилишининг юкорида кўрсатилган восита ва услубларидан фойдаланиб бўлинган тақдирда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)га фуқаронинг бузилган ҳуқуқ ва эркинликлари юзасидан шикоят билан мурожаат қилиши (суддан ташқари химоя). Омбудсман Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва унинг ҳудудидаги чет эл фуқароларидан, фуқаролиги бўлмаган шахслардан келиб тушадиган шикоятларни кўриб чиқиши ва шикоят бўйича ўз текширувларини ўтказишга ҳақлидир. Омбудсман суднинг ваколатига кирувчи масалаларни кўриб чиқмайди. Мурожаат қилувчининг важларини текшириб бўлгандан сўнг, Омбудсман мурожаат қилувчининг бузилган ҳуқуқларини тиклаш бўйича тавсияларини ўз ичига олган хуносасини тегишли давлат организми жўнатади;

тўртинчидан, вазирликлар ва идоралар, муассасалар ва ташкилотлар, ҳокимларнинг конунларни ижро этиши устидан назорат қилувчи, яна шунингдек жиноятни дастлабки тергов қилиш, жазони ижро этиш жойларида озодликдан маҳрум этилганларни сақлаш устидан назорат қилувчи прокуратура органларига мурожаат қилиш. Прокуратура органлари фуқароларнинг аризалари ва шикоятларини кўриб чиқади ва уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш бўйича чоралар кўради;

бешинчидан, фуқароларнинг бузилган конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини объектив ва ҳар томонлама кўриб чиқиб, улар бўйича қонунчиликка мувофиқ равишда чора-тадбирлар кўриши йўли билан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида мустахкамлаб қўйилган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини химоя қилишни таъминлаб беришга ваколатли бўлган адлия органларига мурожаат қилиш;

олтинчидан, адвокатнинг мустақиллиги, профессионал этикага қатъий амал қилиши, адвокатлик сири принциплари асосида, қонунчилик билан тақиқланмаган химоя услублари ва воситаларини кўллаб жисмоний ва юридик шахсларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатадиган адвокатура органларига мурожаат қилиш;

еттинчидан, ўз Уставларига мос равишда ўз аъзоларининг (иштирокчила-рининг) хуқуқларини ҳимоя қилишга ҳақли бўлган нодавлат ташкилотларга мурожаат қилиш. Мисол учун, Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциациясининг вазифаларига ННТларга ҳар томонлама кўмаклашиш ва уларнинг устав фаолиятига, жамият ҳаётининг барча соҳаларида уларнинг ролини оширишга кўмаклашиш киради.

Хуқукий давлатчиликни қуриш йўлида Ўзбекистон Республикаси инсон хуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш устувор, деб ҳисобланган ўзининг миллий қонунчилигини шакллантироқда.

6.4. Адолатли судловни амалга ошириш соҳасидаги халқаро стандартлар тушунчаси

XX ва XXI асрларда халқаро хуқуқни у ёки бу даражада тартибга солувчи масалалар кўламининг мунтазам кенгайиб бораётганлигини кузатиш мумкин. Прфессор И. И. Лукашукнинг қайд этишича, “халқаро ва ички қонунчиликнинг бирлиги ҳақиқатга айланмоқда”. Анъанага кўра истисносиз ички хуқукий нормаларга бўйсунган, аммо ҳозирги кунда халқаро стандартларга мувофиқ равишда тартибга солинаётган масалалар каторига адолатли судловни амалга ошириш принциплари ва нормалари ҳам киради. Шу муносабат билан, аввалио, адолатли судловни амалга ошириш соҳасидаги халқаро сатандартлар нима эканлигини ойдинлаштириб олиш зарур.

Хуқукий тартиботнинг у ёки бу соҳасига, хусусан, адолатли судловни амалга ошириш соҳасига тегишли умумэътироф этилган халқаро хуқуқ принциплари ва нормалари халқаро стандартлар деб аталади. Халқаро хуқуқ принциплари халқаро муносабатлар қатнашчилари хулк-атворининг энг умумий коидалари сифатида хулк-атворнинг янада аникроқ коидаларини акс эттирувчи халқаро-хуқукий нормаларни ўрнатишга маълум даражада таъсир кўрсатади. У ёки бу принцип янада аникроқ хулк-атвор коидаларининг пайдо бўлишини олдиндан белгилаб берибгина қолмай, ўз навбатида уларни ўзига бўйсундиради ва бу янада аникроқ хулк-атвор коидаларининг ўзаро мувофиқлашишида ва айни пайтда уларнинг умумийроқ бўлган хулк-атвор коидаси бўлган принципга мос келишида намоён бўлади.

Халқаро хуқуқ нормалари нафакат принципларни, балки муайян хулк-атвор коидаларини ҳам мустаҳкамламайди. Хуқуқ принципларини нормалардан ажратиб бўлмайди, нормаларни эса, принциплардан ташқарида кўриб чикиш мумкин эмас. Бунда муайян хулк-атвор коидалари доим халқаро-хуқукий актлар ва одатлар кўринишида расмийлаштирилади, ҳар қайси принцип эса, у ёки бу халқаро актда бирор бир норма кўринишида расмийлаштирилиши мумкин, бироқ у ўзининг аниқ ифодасини топмасдан, нормалар йиғиндиси сифатида намоён бўлиши мумкин ва уларни яхлит холда ўрганиш уларнинг муайян принципга мувофиқ келиши тўғрисида фикр юритишга имкон беради. Айнан мана шунинг учун принципларнинг бевосита нормаларда акс этиши ёки

нормаларнинг у ёки бу принципдан келиб чиқадиган қоидаларга бўйсунишига қарамасдан, халқаро ҳукуқ нормалари ва принциплари фарқланади.

Халқаро ҳукуқнинг мажбурий кучга кириши учун давлатларнинг халқаро мулокотнинг маълум тарихий даври ҳалқларининг ҳукуқий онгига мос келувчи муайян қоидаларини ўрнатиш ёки тан олиш тўғрисидаги ихтиёрий, аниқ ифодаланган ёки сўзсиз қабул қилинган умумий ёки алоҳида шартномаси асос бўлади. Давлатларнинг ушбу келишуви бирор бир расман белгиланган ёзма ёки оғзаки шартнома ишлаб чиқиладими ёки бир хил кўринишдаги амалиётдан келиб чиқадиган ҳукуқий одат пайдо бўладими, бундан қатъи назар, улар ўртасидаги келишув ҳисобланади. Бу каби келишувга зарурият унинг томонидан ўрнатилган муайян нормаларга риоя этиш зарурияти каби ижтимоий тараққиётнинг турли-туман халқаро муносабатларни ҳукуқий тартибга солиш талабидан келиб чиқадиган объектив қонуниятлари билан белгиланади.

Шунинг учун халқаро-ҳукуқий актлардаги ҳолатларнинг ижроси давлатларнинг уларни қўллашга ихтиёрий равишда розилик билдиришларига асосланади. Бунда нафакат мажбурий, балки тавсиявий халқаро-ҳукуқий ҳужжатлар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бажарилиши шарт бўлган нормалар икки томонлама ва кўп томонлама халқаро шартномалардан (улар шартнома, битим, пакт, конвенция каби турли номлар билан аталишлари мумкин) ва халқаро ҳукуқий одатга айланади. Халқаро шартномалар асосида тузиладиган муайян органлар, шу жумладан, баъзи халқаро ташкилотларнинг алоҳида органлари томонидан чиқарилган актларда баён этилган кўрсатмаларнинг бажарилиши ҳам мажбурий бўлиши мумкин. Масалан, БМТ Хавфсизлик Кенгashi резолюцияси.

Тавсиявий актлар турли халқаро конференциялар ва бошқа форумларда, шунингдек, халқаро ташкилотлар негизида тузиладиган органлар, шу жумладан, халқаро ташкилотларнинг органлари томонидан қабул қилинади. Масалан, БМТ Бош Ассамблеясининг резолюциялари тавсиявий характерга эга. Тавсиявий характердаги актлар фуқаровий ва сиёсий ҳукуклар тўғрисидаги ҳамда ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳукуклар тўғрисидаги пактлар, иркӣ дискриминациянинг барча шаклларини йўқ қилиш тўғрисидаги, бола ҳукуклари тўғрисидаги ва баъзи бир бошқа кўп томонлама халқаро шартномаларга мувофиқ равишда ташкил этиладиган БМТ шартнома кўмиталари томонидан ҳам қабул қилиши мумкин.

Халқаро тавсиявий актларнинг расман мажбурий юридик кучга эга эмасликларига қарамай, давлатлар уларда акс эттирилган ҳолатларни буткул рад эта олмайдилар, чунки уларнинг ўзлари ушбу ҳужжатларни ишлаб чиқишида ва бирор бир халқаро конференция ёки бошқа турдаги форумда қабул қилишида бевосита қатнашадилар ёхуд у ёки бу масала бўйича тавсиявий қарорларни қабул қилишга лаёқатли органларни тузишни назарда тутувчи халқаро шартномадаги томонлар бўладилар.

Турли давлатларнинг судлари халқаро-ҳукуқий ҳужжатларнинг тавсиявий характердаги ҳолатларини ўз қарорларини асослаш учун кўшимча манба сифатида қўллаган вактлари ҳам бўлган. Агар давлат анча узок мuddат давомида у ёки бу тавсиявий қарорлар ҳолатларига амал қилиб келса, бундай ҳолатлар халқаро-ҳукуқий одат нормаларига айланиб кетиши ҳеч гап эмас.

Давлатларнинг муайян хулқ-атвор стандартларини акс эттирувчи халқаро-хукуқий хужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишда у ёки бу даражада иштирок этишлари эътиборга олинса, уларни қандайдир ташқаридан зўрлаб кири-тилган стандартлар деб баҳолаш мумкин эмас. Бундай халқаро стандартларнинг айнан турли давлатлар нуктаи назарларини мувофиқлаштириш натижасида ишлаб чиқилиши сабабли мазкур стандартлар уларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишда иштирок этган мамлакатлар томонидан риоя этилишига розилик билдирилган хулқ-атвор қоидаларининг минимал йигиндисидан иборат бўлади.

Тарихий тараққиёт натижасида хукуқий онг нуқтаи назаридан бир бирига яқин бўлиб қолган давлатлар учун бир хил ва батафсил баён этилган хулқ-атвор қоидаларини ишлаб чиқиш, табиийки, қийинчилек туғдирмайди. Шунинг учун универсал стандартлар, яъни турли қитъаларда жойлашган давлатлар кўшилган ва қолган бошқа давлатлар ҳам кўшилиши мумкин бўлган хужжатларда қайд этилган стандартлар, одатда, ҳудудий халқаро сатнадартлар, яъни у ёки бу географик ҳудуд, масалан, Европа, Америка ёки Африка, чегарасида жойлашган давлатлар кўшилган хужжатларда акс эттирилган стандартларга караганда умумийроқ табиятга эга бўлади.

Баъзи халқаро стандартларнинг барча давлатлар томонидан қўлланиши мумкин бўлса, бошқаларини баъзи давлатлар ўз миллий хукуқий тизимлари амалиётига тадбиқ этиш олдида турибдилар, айрим стандартлар эса, муайян давлатлар учун босиб ўтилган босқич ҳисобланади ва улар ўз умуммиллий даражаларида янада юқорироқ андозаларга амал қиласидилар. Масалан, айрим институтлар тарихан пайдо бўлгач, бошқа мамлакатларга ёйилиб, халқаро тан олинган стандартларга айлангунга қадар маълум муддат чекланган миқдордаги давлатлар доирасида фаолият кўрсатганлар. Шу муносабат билан, албатта, халқаро стандартларни ҳар бир алоҳида давлатда амал қилувчи ҳар қандай қоидадан бекиёс устун турувчи бир нарсадан иборат деб қабул қилиш мумкин эмас. Шу билан бир қаторда халқаро стандартлар мамлакат ичидаги турли институтларнинг, хусусан, адолатли судловни амалга оширишнинг хукуқий тартиботини ривожлантиришнинг йўналишларини белгилашда маёқ вазифасини бажарадилар.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг Муқадимасида умумэътироф этилган халқаро хукуқ нормаларининг миллий конунлардан устунлиги қайд этилган. Ушбу конституциявий ҳолатдан келиб чиқиб, Ўзбекистоннинг амалдаги барча кодекслари ва конунларида агар Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномасида тегишли қонунда назарда тутилган қоидалардан ўзга қоидалар ўрнатилган бўлса, халқаро шартнома қоидаларининг қўлланиши кўрсатиб ўтилган.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ МЕХАНИЗМИ ВА УНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА ШАКЛЛАНИШИ

7.1. Инсон ҳуқуқлари умумий назариясида кафолатлар механизми тушунчаси

Кафолат — жавоб берши, таъминот, тасдиқлаш (фр. таржисма garantie). Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари кафолатлари — бу конституция ва бошқа қонунлар билан ўрнатилган ҳуқуқлардан фойдаланиши имконини яратувчи чора ва шартшароитдир.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини конунда мустахкамлаб ўтиш лозимдир. Бирок, бу масаланинг ярми ва оддий қисми, холос. Уларни самарали амалга ошириш анча қийинроқ масаладир. Конституция кўп ҳолларда “кафолат” атамасини қўллаб, бундай таъминот хақида сўз юритса-да, ҳуқуқларнинг ҳакиқий амалга жорий этилиши учун давлат органлари ва фуқароларнинг ўзлари ҳам анчагина тер тўкишлари талаб этилади. Энг аввало, бундай таъминотнинг чоралари ишлаб чиқилган бўлиши керак. Буни адабиётларда одатда, кафолатлар дея юритилади.

Инсон ҳуқуқлари кафолатлари механизми инсон ҳуқуқларини амалга оширишнинг бир-бiri билан боғлиқ шартлари тизимидан иборатdir.

Инсон ҳуқуқлари таъминотининг миллий механизми қуйидаги турлардан иборат:

- иқтисодий кафолатлар;
- ижтимоий кафолатлар;
- мафкурафий кафолатлар;
- сиёсий кафолатлар;
- ҳуқуқий кафолатлар;
- -моддий кафолатлар.

Ҳуқуқий кафолатлар — фуқароларга берилган ҳуқуқ ва эркинликларнинг амалга оширишининг ҳуқуқий чора-тадбирлариидir.

Ушбу тушунчага қуйидагича таъриф бериш мумкин: кафолатлар — фуқароларга берилган ҳуқуқ ва эркинликларнинг амалга оширишининг ҳуқуқий чора-тадбирлариидir.

Кафолатларнинг бир неча турлари ажратилади. Кўп ҳолларда сиёсий, мафкуравий, иқтисодий ва ҳуқуқий кафолатлар тилга олинади. Иқтисодий кафо-

лат турлари қаторида таъминотнинг моддий чоралари ҳақида ҳам гапириш мумкин (ҳимоя воситалари, маҳсус кийимлар ва б.).

Кафолатлардан мақсад, *аввало*, ҳукуқларни амалга оширилишдаги тўсиқлар бўлишига йўл қўймаслик ва агарда бундай тўсиқлар пайдо бўлса, уларни барта-раф этиш, *иккинчидан*, бу ҳукуқлар билан боғлиқ мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш (бундай вазифани, масалан, қўлланиш хавфи маълум бир субъектни фуқаро ҳукуқларини бажаришга мажбур қилувчи жарима ўтайди).

Ушбу тамойил шуни билдирадики, ҳукуқ ва эркинликлар инсонга тегишли ва қонунчиликда мустаҳкамлаб қўйилишдан қатыназар, инсон ўз ҳукуқлаирини конунда таъкиқланмаган ҳамма чоралар билан ҳимоя қилиши мумкин. Бевосита равишда инсон ҳукуқ ва эркинликларини тан олиш, улар бузилган тақдирда, уларнинг қўлланиши имконини беради.

Шуниси маълумки, ҳукуқ фақатгина давлат ёки бошқа шахс (орган) уни таъминлаш мажбуриятини олсагина амалга ошиши мумкин. Кафолатлар ўз-ўзи учун эмас, балки ҳукуқ ва эркинликларнинг ҳаётга тўлиқ жорий этилиш учун зарурдир. Улар шундай шароитни яратишлари лозимки, бунда Конституция ва бошқа қонунларда қайд этилган шахснинг ҳукуқий статуси, ҳукуқ ва эркинликлари тўғрисидаги қоидалар амалда ҳар бир кишига тегишли бўлиши лозим.

Кенг маънода инсон ҳукуқ ва эркинликлари кафолатлари тушунчаси фуқаролар ҳукуқ ва эркинликларининг тўлиқ амалга оширилиши ва ҳимоясига қаратилган барча объектив ва субъектив омилларни қамраб олади.

Ҳукуқий кафолатлар деганда, инсон ҳукуқ, эркинликлар, мажбуриятларини ҳукуқ нормасида қайд этилиши, давлат ва ҳалқаро ҳамжамият институтларининг ҳукуқни муҳофаза қилиш фаолияти билан уларнинг таъминланиши, сақланиши ва ҳимоясини тушуниш мумкин. Қонунда ушбуни таъминлашга қаратилган чоралар ҳукуқий кафолатdir.

Мустакиллик даврида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг ривожланиши у ёки бу ҳукуқларнинг кафолатларини ўз ичига олган бир қатор қонун хужжтларининг ишлаб чиқилиши билан боғлиқ.

“Тадбиркорлик фаолияти кафолатлари тўғрисида”, “Нодавлат, нотижорат ташкилотлар фаолияти кафолатлари тўғрисида”, “Бола ҳукуқлари кафолатлари тўғрисида”, “Журналистик фаолият кафолатларитўғрисида”, “Фуқароларнинг сайлов ҳукуқлари тўғрисида” ги қонунлар шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси судда иш юритишининг демократик тамойилларини, суд тартибида ҳукуқий жавобгарликка тортилаётган шахсларга нисбатан инсоний муносабатни кафолатлади. Ҳукуқий кафолатлар фуқаро ва инсон ҳукуқларининг амалга оширилишини таъминлаб берувчи, амалдаги қонунчиликда ўз аксини топадиган, кўрсатилагн ҳукуқ ва эркинликларни аниқлаштириб берадиган барча чораларни қамраб олади. Ҳукуқий кафолатларнинг бошқа кафолат турларидан фарқи қўйидагичадир. Агар, иқтисодий, сиёсий, ижтимоий-ахлоқий кафолатлар фуқаро ва инсон ҳукуқларининг амалга оширишида илк қадам бўлса, ҳукуқий кафолатлар шахснинг ҳукуқларининг аниқ амалга ошириши ва бу ҳукуқларни тажовузлардан ҳимоя этишга қаратилгандир.

Инсон ҳуқуқларига нисбатан ҳуқуқ ва эркинликлар таъминотининг ҳуқуқий чоралари энг катта қизиқишга эгадир. Баъзи бир муаллифлар ҳуқуқий кафолатлар деганда кенг институтлар ва модий ва процессуал моддалар тизимини тушунадилар, улар субъектив ҳуқуқларни таъминлаш тизими фақатгина ҳуқуқ ўрнатувчи ва ҳуқуқни тикловчи нормалардан иборат ҳуқуқий кафолатлар орқалигина ишлаши мумкин деб ҳисоблашади.

Айнан давлат-ҳуқуқ мажмуасининг турли қисмларининг биргаликда хизмат қилиши орқали ҳуқукий кафолатларнинг алоҳида қисмлари, тузилмалири ўзининг ҳимоявий вазифасини амалда бажариши мумкин.

Мансабдор шахсларнинг ноқонуний ҳатти-ҳаракатлари устидан маъмурий ва суд тартибида шикоят қилиш тартиби мавжуд. Бу тартиб ва у билан боғлиқ жараёнлар конун даражасида кўрсатиб ўтилган. Бундан ташқари институционал даражада ушбу механизмнинг ишлашини таъминловчи органлар ва муассаслар мавжуд. Фуқаро ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун юқори турувчи органга, мансабдор шахс ёки судга мурожаат қилиши мумкин.

Барча нормалар ҳам инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатлари ҳисобланмайди, фақатгина ўзида ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ва улар бузилган тақдирда, уларни тиклаш бўйича чора-тадбирларни кўзда тутувчи нормаларги на, ҳуқукий кафолатлардир. Конунчилик фақатгина фуқаролар ҳуқуқларни ҳимоя қилиш механизмининг турғун элементларини кафолатлар тизими билан ўз нормаларида акс эттиради. Ушбу механизмнинг самарали ишлаши давлат ҳокимияти органининг тер тўкиб ишлаши, амалдорларнинг ўз мансаб вазифадарини бажариш чоғида ноқонуний ҳаракати (ҳаракатсизлиги) учун жавобгарликни ошириш, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқукий маданияти юксалишига боғлиқдир.

Умумий давлат ва маҳсус ҳуқуқий инсон ва фуқаро ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини ажратиш лозим.

Инсон ва фуқаро ҳуқуқ ва эркинликларининг умумий давлат кафолатларига қўйидагиларни киритиш мумкин:

Биринчидан, Конституция ва қонуннинг устиворлиги, ҳокимиятнинг бўлинishi ва конституцион тузулмага эга демократик ҳуқукий давлатчилик институтлари тизимини шакллантириш;

Иккинчидан, инсон ва фуқаронинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларининг бевосита, тўғридан-тўғри амалга оширилиши принципининг изчил жорий этилиши;

Учинчидан, инсон ва фуқаро ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳуқуқий асосини яратиш, яъни инсон ва фуқаро ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчилик тизими ташкил этувчи қонун хужжатларини қабул қилиш;

Тўртинчидан, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар тизимини ташкил этиш (Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили, Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари Миллий Маркази);

Бешинчидан, инсон ҳуқуқлари бўйича кўп мақсадли ва кўп даражали таълим тизимини яратиш ва кенг аҳоли орасида инсон ҳуқбуқлари маданиятини шакллантириш;

олтинчидан, мамлакатда фуқаролик институтлари (ноҳукумат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари), хуқуқни ҳимоя қилиш ҳаракатини ривожлантириш;

еттингчидан, инсон хуқуқлари бўйича халқаро хужжатларга кўшилиш ва улар бўйича мажбуриятларни бажариш.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида жаҳон конституцион тажрибасидан келиб чиқиб, қўйидагича белгиланган:

биринчидан, инсон ва фуқаро хуқуқ ва эркинликларининг кенг доираси;

иккинчидан, бу асосий хуқуқ ва эркинликлар юошқа ҳамма конституцион институтлар билан уйғунлаштирилган, уларнинг хўжалик юритиш, давлат бошқаруви, конституцион тузилма юлан ўзаро боғлиқлигига эришилган;

учинчидан, инсоннинг конституцион хуқуқларининг амалага оширилиши учун зарур бўлган механизмлар, жараёнлар, тузилмаларнинг хуқуқий асослари яратилган.

Шуниси равшанки, хуқуқ фақатгина давлат ёки бошқа шахс (орган) уни таъминлаш мажбуриятини олсагина амалга ошириши мумкин. Кафолатлар ўз-ўзи учун эмас, балки хуқуқ ва эркинликларнинг ҳаётга тўлиқ жорий этиш учун керакдир. Улар шундай шароитни яратишлари лозимки, бунда Конституция ва бошқа қонунларда қайд этилган шахснинг хуқуқий статуси, хуқуқ ва эркинликлари тўғрисидаги қоидалар амалда ҳар бир кишига тегишли бўлиши лозим.

Кенг маънода инсон хуқуқлари кафолатлари тушунчаси деганда фуқаролар хуқуқларининг тўла амалга оширилиши ва ҳар томонлама ҳимояси, уларнинг бажарилишига тўсиқ бўлувчи сабаларни бартараф қилишга қаратилган объектив ва субъектив омиллар жамланмаси тушунилади.

7.2. Ўзбекистонда инсон хуқуқлари кафолатининг хуқуқий механизмларини шаклланиши

Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов инсон хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида жонкуярликни ошиб бориши асосида жамиятнинг баркарор демократик ривожлантиришга қаратилган стратегик йўналишларини қайд этар экан, Ўзбекистонда инсон хуқуқларининг ҳақиқий ишловчи механизмини яратиш асосий вазифалардан бири эканлигини бир неча бор таъкидлаб ўтган. Бу ҳолатда жамоат ва нодавлат тузилмаларнинг роли ва аҳамияти вақтнинг талаби ва ҳаётни ўзининг эҳтиёжи бўлиши керак.

Бу масалада жамоат ва нодавлат ташкилотларининг роли ва аҳамиятини вақтнинг ўзи кўрсатиб турибди, ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда. Махаллий ва марказий давлат ҳокимияти органлари эса, нафақат мазкур жараёнга тўсқинлик кильмаслиги, балки янада кўпроқ инсонлар ижтимоий-сиёсий ҳаётда, фуқаролик жамиятини куриш, бизнинг ҳаётининг туб моҳияти белгилаб бераётган қадриятларни шаклланиши жараёнининг ўзида иштирок этишлари учун янги демократик ва жамоатчилик тузилмаларни шаклланишига ҳар томонла-

ма кўмак бериши ва рағбатлантириши лозим. Шундагина, инсон хуқуқлари ҳақиқий кафолатланган бўлади ва мазкур хуқуқ ва эркинликларни таъминлаш механизми самарали ишлай бошлайди.

Ўзбекистонда инсон хуқуқлари кафолатларининг хуқуқий механизмлари шаклланиши ва ривожланишининг асосий йўналишлари демократик институтларни такомиллаштирилишида, улар орқали барчани жамиятимизни қуришга жалб этишга, шу орқали уларни ўз тақдири, ўзининг келажагини тўла хуқуқли хўжайинига айланишида кўринади.

Кафолатларни таснифлаш, конституциявий кафолатларни янада яхши ва чукурроқ тушуниш ва мазмунини очишга, уларнинг қиммати ва камчилигини кўрсатиб беришга, тегишли хулосалар ва тавсиялар қилишга имкон беради.

Хуқуқ фанида умумий ва маҳсус (хуқуқий) кафолатларга ажратиш қабул қилинган.

Умумий кафолатлар — хуқуқни амалга оширувчи иқтисодий, сиёсий ва бошқа шарт-шароитларнинг йигиндиси ҳисобланади.

Умумий кафолатларга ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва мафкуравий (маънавий) кафолатлар, маҳсус кафолатларга эса, қонунлар ва бошқа меъёрий манбалардан келиб чиқувчи хуқуқий (юридик) кафолатлар киради.

Ижтимоий-иқтисодий кафолатлар хуқуқ ва эркинликлардан фойдаланишини таъминлаб берувчи (ижтимоий барқарорлик, ривожланаётган иқтисодиёт, тегишлича ишлаб чиқаришнинг кучи) маҳсус мухитни ва моддий асосни кўзда тутади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси давлатга қонуний иқтисодий фаолият ҳамда рақобатни кўллаб-қувватлашни таъминлаб беришни, монополлаштириш ва гирром рақобатни тақиқлаб, мулкчиликнинг барча шаклларининг тенглигини ва уларни тенг ҳимоя қилишни эълон қилиш мажбуриятини юклайди.

Сиёсий кафолатлар эса, инсонга мақбул ҳаёт ва эркин ривожланишини таъминлаб берувчи шароитларни вужудга келтиришни; жамиятдаги барқарорликни бузишга йўл кўймайдиган фуқаровий тотувликка эришиш қобилиятини билдирувчи фуқаролар сиёсий маданиятининг керакли даражасини таъминлаб берувчи сиёсий тузилмаларнинг баркарорлигига эришишни; давлат аппаратини бюрократлигига, унда порахўрликка қарши кураш ва бошқа сиёсий-ташкилий омилларни кўзда тутувчи давлатнинг тегишли равишида, аниқ мўлжалланган сиёсатни амалга оширишни кўзда тутади. **Сиёсий кафолатлар** — бу ҳар томонлама ривожланиш ва жамиятнинг сиёсий тизимини, назарияда энг мухим ҳисобланган ўз ўзини бошқариш гоясининг асосини ташкил этувчи демократиянинг бутун тизимини такомиллаштиришдир.

Мафкуравий кафолатлар — бу давлат ва жамиятнинг шахс дунёкарашининг эркинлигини шакллантирадиган шароитларни яратишга (кўллаб-қувватлашга) қаратилган фаолиятдир, маънавий ва аҳлоқий мўлжалларни танлаб олиш амалга оширилади.

Баъзида ташкилий кафолатлар ҳам фарқланадики, у давлат ва жамият таш-килотлари фаолиятига мужассамлашади.

Хуқуқий кафолатлар инсон ва фукаро хуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган барча хуқуқий воситаларни ўзига қамраб олиб, кўрсатиб ўтилган хуқуқ ва эркинликларнинг мазмунини очиб беради ва аниқлаштиради ҳамда жорий қонунчилик нормаларида акс этади.

Айрим муаллифлар хуқуқий кафолатлар деганда, моддий ва процессуал хуқуқ институтлари ва нормаларини кенг тармогини тушунишадики, уларнинг фикрича субъектив хуқуқларни таъминлаш шахснинг хуқуқий мақомини белгиловчи хуқуқ ўрнатувчи ва қайта тиковчи нормалардан иборат бўлган хуқуқий кафолатлар орқалигина ишлайди.

Хуқуқий кафолатлар дегандо, инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳуқуқ нормалари орқали мустахкамлаб қўйишни, уларни давлатнинг бутун хуқуқни муҳофаза қилиши фаолияти орқали ҳимоя қилишини тушуниши лозим. Қонунда белгиланган воситалар, умумий шартларнинг ифодаси хисобланиб, бевосита инсон хуқуқларини жамиятда хуқуқий жиҳатдан тўғри амалга оширишни ва уларнинг муҳофаза қилиш имкониятини таъминлайди, бу мазкур хуқуқларнинг хуқуқий кафолатидир.

1. Инсоннинг хуқуқ ва эркинликларини бузиши мумкин бўлиб, хуқуқий нормаларда белгиланган бундай ҳаракатларни таъкиқлаш ва чеклашлар:

- ирқий ва миллий келиб чиқиши аломатларига қараб камситишни таъкиқлаш (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 18-моддаси);
- қамоққа олиш ва ушлаб туришнинг факат суд карорига асосан амалга оширилиши (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 25-моддаси);
- фуқароларнинг конституциявий хуқуқлари ва эркинликларига қарши чиқувчи сиёсий партиялар ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини таъкиқлаш (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 57-моддаси)
- мажбурий меҳнатнинг таъкиқлаш (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-модда);
- инсонларга қийинқ, зўравонлик ёк шавқатсиз муомала қилишини таъкиқлаш.

2. Фуқароларнинг ўз хуқуқ ва эркинликларини амалга оширишини тўсқинликлариз таъминлаш бўйича давлат органлари, мансабдор шахслар ва бошқа субъектларнинг мажбуриятлари (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 43-модда)

3. Фуқароларнинг хуқуқий мақомини амалга ошириш ва ҳимоя қилиши учун маҳсус мўлжалланган хуқуқлари мустахкамланган нормалар (шикоят қилиш хуқуки, судга мурожаат қилиш хуқуки ва б.к.)

4. Фукаро хуқуқларини бузганлик учун юридик жавобгарлик.

5. Тегишли давлат ва жамоат органлари, мансабдор шахсларнинг фуқаролар хуқуқларини таъминлаш ва амалга оширишга қаратилган ҳамда хуқуқий аҳамиятга эга бўлган фаолияти:

қонунчиликга риоя этилиши устидан назорат қилиш (прокуратура)
инсон хуқуқларини бузлиши билан боғлиқ бўлган низоларни ҳал қилиш (суд).

Дунёнинг турли мамлакатларида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг турли хил механизмлари мавжуд. Замонавий дунёда инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг халқаро тизими шаклланган бўлишига қарамасдан, бундай ҳимоянинг самарадорлиги, авваломбор давлатнинг ички механизми қай тарзда курилганлиги ва ишлаши билан белгиланади.

Бу ерда санаб ўтилган ҳуқуқий кафолатларнинг барчаси, ташкилий қисмлари бир бири билан боғлиқ ҳамда ўзаро таъсир кўрсатишини ифода этиб, фуқаронинг ҳуқуқий мақомини таъминлашга қаратилган ягона тизимни ташкил этади. Ҳар бир воситанинг самарадорлиги, маълум даражада уларнинг ўзаро таъсирига, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини сўзсиз таъминлаш мақсадларида фаол ишлатилишига боғлиқdir. Албатта, бу тизимда ҳаммаси ҳам мукаммал эмас. Ҳуқуқий база янада такомиллаштирилиши, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш органлари фаолиятининг профессионализмини ошириш лозим.

Ўзбекистон Республикасида қонунийликка ва фуқаролар ҳуқуқларига риоя этиш устидан назоратни таъминлаб берувчи давлат органларининг бутун тизими, кейинги пайтларда инсон ҳуқуқлари бўйича миллий, давлатнинг ички муассасалари билан тўлдирилди.

7.3. Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари бўйича миллий давлат ташкилотларининг ўзига хос ҳусусиятлари

Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари бўйича миллий давлат ташкилотларига қўйидагилар киради:

- 1) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қошида ваколатга эга бўлган инсон ҳуқуқлари бўйича орган (Омбудсман);
- 2) Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази;
- 3) Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги амалдаги қонунчилик мониторинги институти.

Вена декларацияси ҳамда Ҳаракат дастури асосида Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари бўйича қўйидаги миллий институтлар ташкил этилди: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги амалдаги қонунчилик мониторинги Институти.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси инсон ҳуқуқ ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) инсон ҳуқуқлари бўйича мавжуд қонунчилик устидан унинг бажарилиши бўйича назорат функцияларини амалга оширишда мухим роль ўйнайди ҳамда ўзига берилган ваколатлар ва воситалар асосида нафақат бузилган ҳуқуқларни тиклайди балки шу соҳадаги қонунчиликнинг ривожланишига ҳам ўз хиссасини кўшади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоялаш ва тўла амалга оширишда ва унинг келажакдаги ривожланиши йўлидаги давлат органлари,

суд, хуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорлигига фуқароларнинг мурожаатини кўриб чиқиши, инсон хуқуқи ва эркинликлари бўйича юзага келган хукукбузарликларни олдини олиш ва уларни тикланиши ушбу органнинг муҳим вазифаси ҳисобланади.

Хозирги даврда дунёдаги кўплаб мамлакатларда 100 дан ортиқ омбудсманлар ўз фаолиятини олиб бормоқда, бу омбудсманлар баъзи мамлакатлада: воситачи (медиатор), парламент қошидаги ваколатли орган номи билан, Ўзбекистонда эса инсон хуқуқлари бўйича вакил (омбудсман) каби номланади.

Хорижий мамлакатлар тарихи ва амалиётида омбудсманнинг икки хил кўриниши мавжуд: парламент омбудсмани (Швеция, Буюк Британия) ва ижроия ҳокимияти омбудсмани (АҚШ, Франция, Канада).

Ижтимоий ночор ахоли катламларининг хукуқларини ҳимоя қилиш йўлида кўплаб мамлакатларда бола хукуқлари, ҳарбийлар, касаллар масаласи бўйича ихтинослашган омбудсман ўз фаолиятини олиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қошида ваколатга эга бўлган инсон хукуқлари бўйича орган (Омбудсман) — бу инсон хукуқлари бўйича холис ёрдам бериш учун яъни: норасмий, тезкор, бепул ҳаракат қила оладиган малакали орган сифатида фаолият олиб борувчи мансабдор шахс ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси омбудсманининг асосий вазифаси давлат органлари фаолиятининг тўғри ва адолатли олиб борилишини таъминлаш ҳисобланади.

Омбудсман фуқароларнинг ариза ва шикоятларини кўриб чиқади ва уларнинг қонун ҳамда халқаро хукуқ нормалари асосида ҳимоя қилиниши учун кетишили давлат органларида кўриб чиқишига ҳаракат қиласди.

Ўзбекистон Республикаси омбудсманининг фаолияти, ваколати ва хукуқий маҳоми “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси инсон хукуқлари бўйича вакили (омбудсман)” тўғрисидаги қонунда белгиланган.

1996 йил 31 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони асосида инсон хукуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази тузилди.

Инсон хукуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази халқаро хукуқнинг инсон хукуқлари ва эркинликлари соҳасида умумэтироф этилган принциплари ва меъёрларини, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қоидаларини ва қонунларини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларини, давлат сиёсатини амалга ошириш бўйича давлатга қарашли таҳлил, маслаҳат, идоралараро мувофиқлаштириш органи ҳисобланади.

Ушбу марказ инсон хукуқларини ҳимоя қилишда алокадор бўлган барча давлат ва нодавлат органларининг фаолиятини тартибга солиш максадида ташкил этилган.

Марказ инсон хукуқлариниг миллий ва халқаро даражада ҳимоя қилиниши ҳамда таъминланишининг турли нуқтаи-назарларини ўрганади; БМТнинг конвенцион органларига инсон хукуқлари бўйича халқаро мажбуриятларнинг бажарилиши ҳақида миллий маърузалар тайёрлайди; илмий ташрифлар, семинарлар, маърузаларни ташкиллаштиради; инсон хуқлари бўйича ўқув дастурла-

ри яратилишида ва унинг амалга оширилишида ўз ҳиссасини қўшади; инсон хуқуқлари ҳақидаги маълумотларни тўплайди ва тарқатади; инсон хуқуқлари соҳасидаги ташкилотлар ва халқаро марказлар билан техник ҳамкорлик ва ахборот алмашувини ривожланишида кўмаклашади;

инсон хуқуқларини ҳимоя қилиш, таъминлашда ҳамда жамиятни демократизациялашда техник масалаларга ёрдам берувчи халқаро агентликларнинг фаолиятини тартибга солади; инсон хуқуқлари бузилиши масалалари бўйича ахолидан мурожаат ва шикоятларни қабул қиласди ва кўриб чиқади.

Марказнинг асосий мақсади — хукуқ ва эркинликларни ҳимоя қилиш тизимини комплекс тартибда асосий масалаларни кўриб чиқиша — инсон хуқуқлари бўйича миллый дастур тузиш.

Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги амалдаги қонунчилик мониторинги Институти қонунчилик устидан мониторинг олиб борувчи, қабул қилиниши керак бўлган қонунларни экспертизадан ўтказувчи илмий-экспертиза ҳамда тадқиқот олиб борадиган тизим хисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Амалдаги қонун хужжатлари мониторинги институти фаолиятининг асосий йўналишлари қўйидагилар хисобланади:

- давлат ва жамият қурилиши соҳасидаги демократик ислоҳотлар жараёнини, ҳокимиятлар бўлиниши конституциявий принципининг ҳаётга изчил татбиқ этилишини тизимли таҳлил қилиш, ижро этувчи, қонун чиқарувчи ва суд ҳокимияти тармоқларининг мустақиллиги ва эркинлигини кучайтириш, уларнинг келишилган ҳолда фаолият юритиши ҳамда ҳамкорлигини, улар ўртасида мувозанатни таъминлаш, давлат ҳокимияти ва бошқарувчи тизимида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизимини шакллантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;
- ҳокимиятнинг ижро этувчи тармоғини ислоҳ қилиш ва демократлаштириш масалаларини комплекс ўрганиш, айрим ҳокимият ваколатлари ва функцияларини марказий давлат ҳокимияти органларидан, хукumatдан бошлаб маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;
- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари, сиёсий партияларнинг парламентдаги фракциялари, жойлардаги депутатлик гурухларининг қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил фаолияти самарадорлигини ошириш масалаларини чуқур ўрганиш; сиёсий партияларнинг давлат ҳокимияти ва бошқарувчи органларини шакллантиришдаги, ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан қонун хужжатларининг ижро этилиши устидан самарали парламент, депутатлик назоратини амалга оширишдаги ролини кучайтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;
- жамиyatda демократия ва адолатни таъминлашнинг энг муҳим омили сифатида суд ҳокимияти мустақиллиги ва эркинлигини мустаҳкамлаш жараёнларини комплекс таҳлил қилиш, судни инсон ва фуқаронинг хукуқ ва эркинликла-

рини муҳофаза ва ҳимоя этишга хизмат қиладиган давлатнинг том маънодаги мустақил институтига айлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш; • ҳокимиётлар бўлиниши принципини ҳаётга татбиқ этиш, уларнинг самарали тарзда келишилган ҳолда фаолият юритиши ҳамда ҳамкорлигини таъминлаш бўйича ривожланган демократик мамлакатлар тажрибасини тизимли ўрганиш, ушбу тажрибадан глобаллашув шароитида жаҳонда рўй берадиган демократик жараёнларни чуқурлаштиришнинг замонавий тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда давлат курилиши тизимида фойдаланиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиши.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш йўлида ихтисослашган орган сифатида ҳаракат киласди.

Бошқарма олдига қўйилган асосий вазифаларга: инсон ҳуқуқлари ва унга амал қилиш соҳасидаги қонунчиликни тахлил қилиш; инсон ҳуқуқлари соҳасидаги мавжуд бўлган қонунчиликни мукамаллаштириш; Конститутция ва қонунлар билан белгилаб қўйилган инсон ҳуқуқлари бўйича қонунларга амал қилишни таъминлаш киради. Адлия вазирлигининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Бошқармаси инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари тўғрисидаги аҳолининг ҳуқуқий онгини оширишда турли хил ишлар олиб боради, жамиятда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ташвиқотлар олиб боради, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишда қатнашувчи адвокатлик тизимининг ролини кучайтиришга кўмаклашади, фуқаролик жамияти инстиутларини тузишга ва уларнинг ҳуқуқий асосини кучайтиришга ёрдам беради. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласида бу Бошқарма Ўзбекистон Республикасида фаолият олиб борувчи халқаро ва нодавлат ташкилотлар билан биргаликда иш олиб боради.

2008 йил Ички ишлар вазирининг буйруғи асосида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ҳуқуқий ёрдам бериш Бошқармаси ташкил қилинган.

Бошқарманинг асосий вазифалари:

инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ушбу масалада халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш;

давлат ҳуқуқий сиёсатини ички ишлар идораларида амалга оширилишини таъминлаш;

ички ишлар идоралари фаолиятида қонунчиликни таъминлаш;

норматив — ҳуқуқий хужжатларни тизимлаштириш, ҳисобини юритиш;

оммавий ахборот воситалари билан алоқа қилган ҳолда ички ишлар вазирлиги ва тизимларининг жиноятчиликка қарши курашиш, унинг олдини олиш, жамоат тартибини саклаш, ҳуқук-тартиботни мустаҳкамлаш, фуқаролар хавф-сизлигини таъминлаш ва бошқа йўналишлардаги фаолиятини оммавий ахборот воситалари орқали тарғибот ва ташвиқот қилиш.

Ўзбекистондаги ижтимоий-ночор болалар масаласи бўйича болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш маркази шуғулланади.

Ушбу ташкилот Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамасининг Карори билан ташкил топган бўлиб, у болаларни ижтимоий ҳимоясини баҳолаш ва монито-

ринг килиш, ижтимоий ночор болалар манфаатлари ва хуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида норматив хужжатларни ишлаб чиқиши ва таҳлил этиши билан шуғулланади.

Давлат органлари билан яқин алоқада бўлган мамлакатда инсон хуқуқлари ва эркинликларининг бошқа турларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш бўйича нодавлат ташкилотларининг тармоғи ўз фаолиятини олиб бормоқда.

“Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази омма фикрини ўрганиш билан биргалиқда, уларни республикнинг сиёсий ва маданий ривожланиши, фуқароларнинг ижроия, суд ҳокимияти ҳамда Ўзбекистон Республикасида инсон хуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш йўлида тузилган янги тузумларга нисбаттан муносабатини ўрганади.

Кўп миллатли мамлакат ҳисобланган Ўзбекистонда 140 дан ортиқ миллий маданий марказлар ўз фаолиятини олиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 13 январдаги №10-сонли қарори асосида **Республика байналмилал маданий маркази ташкил этилди**. Марказ барча маданий марказларга амалий ва назарий жиҳатдан ўз ёрдамини бериш билан биргалиқда мамлакатда истикомат килувчи турли миллат ва элатларнинг вакилларига ўз кўмагини кўрсатади. Молия вазирлиги томонидан молишаётчиликни ташкил этилди. Марказда 33 та ходим фаолият олиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қошида ваколатга эга бўлган инсон хуқуқлари бўйича орган (Омбудсман), Амалдаги қонунчилик мониторинги институти, Инсон хуқуқлари бўйича миллий марказнинг функцияси ва мақомидаги фарқларнинг таҳлили бизга уларнинг мустақил ва бир-бирини тўлдириб борувчи ҳақиқий шерик эканлигини кўрсатади. Уларнинг барчаси инсон хуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш ва таъминлашда иштирок этади. Улар ўзаро ҳамкорлиги билан бизнинг мамлакатда инсон хуқуқлари маданиятини ривожлантиришда мухим роль ўйнайди. Ўз фаолияти билан улар жамиятдаги бирдамликни сақлаб қолишга, давлатдаги барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашга ёрдам беришади ва шу билан биргалиқда асосий инсон хуқуқларини ҳимоя қилиш билан бирга миллий ривожланишга ўз ҳиссасини қўшади.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ ҚАФОЛАТИНИНГ ХАЛҚАРО МЕХАНИЗМИ

8.1. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш халқаро механизмининг умумий таснифи

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш халқаро механизми, мазкур соҳада давлатлар ўргасидаги муносабатларни ўз ичига олади ҳамда инсоннинг шахсий ҳаётини ҳимоя қиласди ва муҳофаза этади. Улар келиб тушган хабар, мурожаатлар ва инсон ҳуқуқларининг бузилиши бўйича бошқа маълумотларни кўриб чиқиш тартиби, услублари, текширув ўтказиш ҳамда қабул қилинган қарорлар тўғрисидаги таклифлар беришдан иборатдир. Халқаро механизм инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш назорат қилувчи маҳсус тузилмаларни (инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро судлар, қўмиталар, комиссиялар, ишчи гуруҳлар, маҳсус маърузачиларни камраб олган ҳолда халқаро ташкилотлар) ўз ичига олади. Бир назорат орган доирасида турли процедуралардан фойдаланиш мумкин. Назорат қилувчи органлар таркибига кирувчи шахслар маълум бир давлат вакили бўлиши мумкин, аммо улар кўпинча мустақил фаолият юритадилар, яъни, улар (судьялар, маҳсус маърузачилар, эксперталар) ўз давлатларидан топшириқ олмайдилар ва ўз фаолиятлари бўйича давлатлари олдида жавобгар эмасдирлар.

Инсон ҳуқуқлари ва шахсий ҳаётни муҳофаза қилиш бўйича халқаро процедуруларни ахборот йигини услублари ва манбаларини қўйидаги тоифаларга бўлиши мумкин:

биринчидан, давлатларнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги мажбуриятлари бажарилиши ҳақидаги маърузаларини халқаро ташкилот ва бошқа органларда кўриб чиқиш;

иккинчидан, давлатларнинг бир–бирига нисбатан бундай мажбуриятларни бузилиши бўйича тушган ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш;

учинчидан, у ёки бу давлат томонидан алоҳида шахслар, гуруҳлар ва нодавлат ташкилотлар ҳуқуқларининг бузилиши бўйича берилган индивидуал шикоят ва аризаларни кўриб чиқиш;

тўртинчидан, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва шахсий ҳаётни муҳофаза қилиши бўйича конун бузарликларни ўрганиб чиқиш.

Халқаро назорат механизми қоида тариқасида ўз қарорларини консенсус ёки кўпчилик овоз билан қабул қилувчи жамоавий органлардан ташкил

топади. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Европа суди қарорлари мажбурий характерга эга бўлса, ЮНЕСКОнинг Ижроия Кенгашининг Конвенция ва тавсиялар кўмитаси қарорлари тавсиявий характерга эга ва бу қарорлар ҳам Ижроия Кенгашини томонидан маъқулланиши талаб этилади.

Универсал ҳалқаро ташкилотлар ичида инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш бўйича БМТ ва унинг органлари алоҳида ўрин эгаллайди. БМТ Бош Ассамблеяси бир неча маротаба бу борада резолюциялар қабул қилган, унинг роли Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясини қабул қилишда, 1966 йилда инсон ҳуқуқлари бўйича пактларни ишлаб чиқишида айниқса, муҳим аҳамият касб этди. Қайд этиш лозимки, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва шахсий ҳаётни муҳофаза қилиш масаласи Бош Ассамблеянинг Гуманитар масалалар бўйича резолюциялар лойиҳасини тайёрловчи Учинчи кўмитаси ваколатига киради. БМТнинг Иқтисодий ва ижтимоий масалалар бўйича кенгаши ҳам, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ўз ваколати доирасида қарорлар қабул қиласди.

БМТнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш ва уларни ҳар бир ижтимоий соҳада қўллаб қувватлашни амалга оширувчи ихтинослашган муассасалари (ХМТ, ЮНИСЕФ, ХССТ, ЮНЕСКО) нинг фаолияти ва ҳужжатларини алоҳида таъкидлаш лозим.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ҳалқаро стандартларни тасдиқловчи Ўзбекистон Республикаси аъзо бўлган минтақавий ташкилот ЕХХТни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. ЕХХТ ҳужжатларига мувофиқ ҳар бир давлат “инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ҳалқаро стандартларга мувофиқ ўз сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий тизимларини эркин танлаши ва ривожлантириш ҳуқуқига эга... ҳамда улар қабул қилган қонунлар, маъмурий қоидалар ва сиёсати, уларнинг ҳалқаро ҳуқук бўйича мажбуриятларига мувофиқ келиши керак”.

Нихоят, ЕХХКининг 1991 йилги Инсонийлик мезонлари бўйича Москва конференцияси ҳужжатида қўйидагилар тўғридан тўғри кўрсатиб қўйилган: “инсон ҳуқуқ, асосий эркинликлар, демократия, қонун устуворлигига тааллукли масалалар ҳалқаро хусусият касб этади... ва бу хос бўлган давлатлар учун, уларнинг фақатгина ички ишлари бўлиб қолмайди”. Шундай қилиб, инсон ҳуқуқларини ҳалқаро ҳимоя қилиш институти легаллаштирилди.

Инсон ҳуқуқларини ҳалқаро давлат ички ҳимоя қилиш функцияси куйидагилар чекланади: инсон ҳуқуқлари соҳасида ҳалқаро стандартлар ҳалқаро даражада ишлаб чиқилади ва уларга риоя этилиши устидан назорат органлари фаолият кўрсатади, миллий даражада эса, давлат ўзининг қонунчилигини ҳалқаро стандартларга мувофиқ келтиради ва уларни бажарилишини кафолатлади.

1965 йилда БМТнинг Ирқий камситишларнинг барча шаклларини тугатиш тўғрисидаги конвенциясини қабул қилинишидан бошлаб, **ҳалқаро назорат органлари инсон ҳуқуқлари бўйича универсал конвенцияларда албатта мустаҳкамланиши шарт бўлган таркиби тузилмаларга айланди**. Конвенциялар базасида ташкил этилган ҳалқаро назорат органлари (Ирқий камситишлар-

ни тугатиш қўмитаси, Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита, Кийнокқа карши қўмита, Бола ҳуқуқлари бўйича қўмита) давлатлардан уларниинг қонунчилиги конвенция қоидаларига мувофиқ келиши тўғрисида маърузаларни тегишли даврлар мобайнида тақдим этишни талаб этиш ҳуқуқи берилди, айримлари эса, тегишли конвенцияларда кўзда тутилган инсон ҳуқуқларини бузган давлатга нисбатан, фуқаронинг давлатга нисбатан индивидуал шикоятини кўриб чиқиши ва бузилган ҳуқуқларини тиклаш бўйича давлатларга тавсияномаллар чиқариш ваколати берилди.

Минтақавий конвенцияларда, конвенциялар қоидалари бузилган тақдирда давлатнинг давлатга нисбатан ва индивиднинг давлат устидан берадиган шикоятини кўриш ҳуқуқи бўлган Инсон ҳуқуқлари бўйича судни ташкил этишни кўзда тутиб, янада самаралироқ механизм яратилди. Қайд этиш керакки, Суднинг қарорлари давлат учун мажбурий ҳисобланади.

Шундай қилиб, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишининг халқаро механизми нинг мавжудлиги давлатлар томонидан инсон ҳуқуқларига риоя қилиши бўйича қўшимча кафолатларни яратишга қаратилгандир¹.

Умумэътироф этилган инсон ҳуқуқларини амалга ошириш бўйича халқаро механизм яратилиши бу соҳада халқаро тартибга солишда эришилган энг катта ютуқлардан бири ҳисобланади.

8.2. Инсон ҳуқуқларини халқаро ҳимоя қилиш механизми бўйича БМТ тузилиши

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича БМТ тузилишига нафақат унинг Низомида кўрсатилган асосий ва ёрдамчи органлари, шунингдек улар орасидаги ўзаро муносабатлар тамоили ҳам киради.

Халқаро органлар фаолияти ва уларни мувофиқлаштириш БМТ тизими доирасида умумэътироф этилган инсон ҳуқуқлари ҳимояси соҳасидаги ҳамкорлик қилиш учун катта аҳамиятга эга. Бу масала, шуниси билан ҳам ўзига хоски, мазкур муаммонинг кўп қиррали жиҳатлари халқаро ҳуқуқ ва давлат ички (миллий) ҳуқуқининг ўзаро кесишган жойида жойлашган ҳамда ҳуқуқнинг турли соҳаларини ҳам ўзига тортади.

БМТ тизимида умум эътироф этилган инсон ҳуқуқларини амалга ошириш ва халқаро ҳимоя қилиш билан шуғулланувчи бўлинмаларнинг тармоқлашиб кетган тузилмаси шаклланган ва фаолият кўрсатмоқда.

Умумэътироф этилган инсон ҳуқуқларини амалга ошириш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича БМТ тизимидағи орган ва ташкилотларнинг вазифалари ҳамда ваколатларига қўйидагилар киради:

биринчидан, инсон ҳуқуқлари тўғрисида халқаро-ҳуқуқий хужжатларни ишлаб чиқиш;

¹ Саблин Д. А. Права человека: Учебное пособие. — Оренбург: ОГУ, 2004. — С. 152–154.

иккинчидан, инсон ҳуқуқлари соҳасида давлатлар қабул қилган мажбуриятларини амалиётда кўллаётганлиги устидан назоратни амалга ошириш;

учинчидан, инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ масалалар бўйича маслаҳат хизматини кўрсатиш ва ахборот етказиш.

Инсон ҳуқуқларига тааллукли масалалар билан у ёки бу тарзда БМТ тизими-даги барча, унинг уставида кўзда тутилган ва ёрдамчи органлари шуғулланади.

БМТнинг инсон ҳуқуқлари билан шуғулланувчи алоҳида органларини батафсил кўриб чиқамиз.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиши ҳалқаро механизми қуийидагиларни ўз ичи-га олади.

- БМТнинг Низомида кўрсатиб ўтилган органлар;
- БМТнинг конвенциявий органлари;
- маҳсус процедуралар;
- БМТнинг ихтинослашган ташкилотлари;
- *БМТнинг Низомида кўзда тутилган органларига:*
- БМТ Бош Ассамблеяси;
- Хавфсизлик Кенгashi;
- Бош Ассамблеянинг Гуманитар ва ижтимоий масалалар билан шуғулланувчи Учинчи қўмитаси;
- Иктисолий ва ижтимоий кенгаш;
- БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашини киритиш мумкин.

БМТ Уставининг 13-моддасига мувофиқ Бош Ассамблеянинг асосий функцияларидан бири “иктисолий, ижтимоий, маданий, таълим, соғлиқни сақлаш соҳасида ҳалқаро ҳамкорликка ва ирқи, жинси, тили ва динидан қатъи назар инсон ҳуқуқларини амалга оширишга ёрдам бериш” дан иборатdir. Бош Ассамблея инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ масалаларнинг катта қисмини гуманитар ва ижтимоий масалалар билан шуғулланувчи Учинчи қўмита томонидан кўриб чиқиши учун беради.

Бош Ассамблея ваколатлари “ratione vateriae”, яъни деярли чекланмагандир. БМТ Уставининг 10-моддасига мувофиқ, Бош Ассамблеянинг ваколатига “мазкур Устав доирасида ҳар қандай масала ёки ишни мухокама қилиш” ва бу борада аъзо давлатларга таклифлар бериш киради.

Ҳукуқий жиҳатдан Бош Ассамблея томонидан инсон ҳуқуқлари соҳасида ва бошқа соҳаларда қабул қилинадиган тавсияномалар БМТ Низомига биноан Ташкилонинг аъзо-давлатлари учун юридик мажбурий ҳисобланмайди. Яна шуни ҳам қайд этиш керакки, Бош Ассамблея резолюциялари, БМТ Низомининг 55- ва 56-моддаларига биноан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан ҳамкорлик қилишда аъзо-давлатларнинг умумий мажбуриятларини ҳисобга олган ҳолда катта нуфузга эга. Бош Ассамблея тавсияномаларининг таъсири, айниқса, агар бу тавсиянома бир овоз билан консенсус асосида ёки “карши” овозсиз қабул қилинса, таъсирчан бўлади. Бош Ассамблеянинг резолюциялари, барча давлатлар учун мажбурий бўлган инсон ҳуқуқлари бўйича ҳалқаро ҳуқуқнинг муайян принциплари ва нормалари мавжуд эканлигидан гувоҳлик

беради. БМТ фаолиятини бошлагандан, буён 1948 йилги Инсон хукуклари умумжахон декларацияси эълон қилингандаги тўғрисидаги резолюцияни ҳам кўшган ҳолда кўплаб резолюциялар қабул қилган.

Бош Ассамблеяning резолюциялари шунингдек, эркаклар ва аёлларнинг тенглигига, айниқса сиёсий хукукларда, касаба уюшмалар хукукларини ҳимоя қилишда ва мажбурий меҳнатни тақиқлаш масалаларига тааллуқлидир. Охирги икки масала Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) нинг ваколатига тааллуқли ҳисобланиб, Бош Ассамблея БМТнинг ихтисослашган ташкилотининг илтиносига кўра ва у билан ҳамкорликда кўриб чиқсан.

Инсон хукуклари соҳасида ўз функцияларини амалга ошириш учун Бош Ассамблея БМТ Уставининг 22-моддасига мувофиқ заруриятга қараб, турли ёрдамчи органлар тузиши мумкин. Улардан айримлари **ad hoc** шаклида тузилади, бошқалари эса ўз хусусиятига қараб доимий равишда тузилади ёки узок муддат фаолият кўрсатади.

Бош Ассамблея 1993 йилда Инсон хукуклари бўйича Олий комиссар лавозимини таъсис этиш тўғрисидаги резолюциясини қабул қилди. Инсон хукуклари бўйича Олий комиссар Бош котиб томонидан тайинланади ва унинг ўринбосари ҳисобланади.

Хавфсизлик Кенгаши — БМТнинг шундай органики, БМТ Уставининг 24-моддасига кўра, унга халқаро тинчлик ва хавфсизликни қўллаб-кувватлаш бўйича асосий масъулият юклатилган. БМТ фаолиятини инсоннинг асосий хукуқ ва эркинликларини оммавий ва кўпол равишда бузилишини бартараф этиш учун ҳам янада фаоллаштириш зарурдир, чунки, инсон хукуклари ва эркинликларини бузилиши тинчлик ва халқаро хавфсизлик учун хавф, таҳдид солади ва халқаро жиноий қилмиш ҳисобланади. БМТ Уставининг VII бўлимига биноан, бундай хукуқбузарликни йўқ қилиш учун чоралар қўллаши мумкин ва шартдир. Бироқ, куролли кучлардан фойдаланиш билан боғлиқ чоралар, давлатлар томонидан индивидуал тартибда ва фақат БМТ номидан Хавфсизлик Кенгаши қарори асосида қўлланилиши мумкин. БМТнинг ҳар бир аъзоси Хавфсизлик кенгаши ёки Бош Ассамблеяга ҳар қандай низо ёки вазият тўғрисида, тинчлик ва халқаро хавфсизликка таҳдид солувчи вазиятни бартараф этиш (БМТ Устави 35-моддаси, 1-банди) учун бирор бир чорани қабул қилишни сўраб мурожаат қилиши мумкин. Хавфсизлик Кенгашининг инсон хукукларини жиноий бузилишини бартараф этиш бўйича санкцияларни қўллаш тўғрисидаги карори БМТнинг барча аъзолари учун мажбурийдир.

Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгашга (ЭКОСОС) БМТ Уставининг 62-моддасига биноан “барча учун инсон хукуклари ва асосий эркинликларини хурмат қилиш ва уларга риоя қилишни рағбатлантириш мақсадларида тавсиялар қилиш” ваколати берилган. У Бош Ассамблеяга тақдим этиш учун инсон хукуклари бўйича конвенциялар лойиҳаларини тақдим этиши ва халқаро конференциялар чакириши мумкин. БМТ Уставининг 68-моддасига биноан Кенгаш “иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда ва инсон хукукларини рағбатлантириш бўйича комиссиялар тузади”. Кенгашга инсон хукуклари масалаларида ёрдам кўрсатиш мақсадида

ЭКОСОС: Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссияни; Аёллар аҳволи бўйича комиссияни; Иктиносий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича қўмитани таъсис этди.

ЭКОСОС ўз фаолиятини сессиялар бўйича қўмиталари — Иктиносий, Ижтимоий ва Мувофиқлаштирувчи қўмиталари ёрдамида амалга оширади. Инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича хужжатларни Ижтимоий қўмита тайёрлади. Унинг маърузалари ЭКОСОСнинг ялпи йигилишларида тасдиқланади.

Ундан ташқари, **БМТ Бош котибининг дунёнинг барча ҳудудларида инсон ҳуқуқларини химоя қилувчилар аҳволи масалалари бўйича Maxsus вакили бор.**

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссия ва Бош Ассамблеясига юқорида қайд этилган маҳсус органлар томонидан тақдим этиладиган маърузалар очик сессияларда муҳокама килинади ва Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссия мазкур масалалар бўйича ҳар қандай қарор қабул қилишида муҳим элемент ҳисобланади.

БМТ Низомида мустаҳкамланган, яъни низомда кўрсатиб ўтилган органларга инсон ҳуқуқларини химоя қилиш билан бевосита ёки билвосита шугулланувчи БМТнинг Бош Ассамблеясини, Бош Ассамблеянинг гуманитар ва ижтимоий масалалар бўйича Учинчи қўмитасини, шунингдек БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашини ҳам киритиш мумкин.

Бош Ассамблея БМТ тизимида. Унинг асосий органларидан бири ҳисобланниб, инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш соҳасида катта ваколатларга эга орган ҳисобланади. Бундан ташқари, мазкур органлар фаолиятининг энг муҳим бўлган йўналишларидан бири инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларни амалга оширишга қўмаклашиш ва иктиносий, ижтимоий ва гуманитар соҳаларда, шунингдек маданият, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларида ҳалқаро ҳамкорликка қўмаклашиш ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари соҳасида мазкур орган билан ҳамкорлиги Бош Ассамблеянинг ижтимоий ва гуманитар масалалар билан шугулланувчи Учинчи қўмитаси орқали амалга оширилмоқда. Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим тўғрисидаги, ўлим жазосига мораторий тўғрисидаги, инсон ҳуқуқлари бўйича тенг ҳуқуқли ва ўзаро ҳурматга асосланган мулоқотни рағбатлантириш тўғрисидаги ташабbusларни илгари суриб ва қўллаб-куvvatлаган ҳолда, унинг йигилишларида, фаол иштирок этмоқда

БМТнинг Уставида кўзда тутилган органлари орасида биз учун, муайян ўзига хос ҳусусиятини ҳамда Ўзбекистон билан яқиндан ҳамкорлигини ҳисобга олган ҳолда **Инсон ҳуқуқлари бўйича Кенгаш (ИҲҚ)** кўпроқ қизиқиши уйготади. Инсон ҳуқуқлари бўйича Кенгаш БМТнинг ўз обрўсини йўқотган ва сиёсийлашган Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссияси ўрнини эгаллаган бўлиб, БМТ Бош Ассамблеясининг 2006 йил 15 марта 60/251 резолюциясига биноан таъсис этилди. Мазкур ҳукumatларо орган йилда уч марта Женева шаҳрида йиғилади ва БМТ аъзо-давлатлари орасидан 3 йил муддатга сайланадиган 47 аъзодан иборат таркибга эга. Инсон ҳуқуқлари бўйича Кенгаш — бу тенгизликини, камситишларни бартараф этиш, нисбатан ночор гурухларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш учун тузилган органдир.

Кенгаш ўз ишини бир неча йўналишларда амалга оширади:

- универсал даврий таҳлил;
- маҳсус процедурлар;
- шикоятлар бўйича процедуралар.

60/251 резолюцияга биноан Инсон ҳуқуқлари бўйича Кенгашга қуидаги ваколатлар берилди: “Ҳар бир давлат томонидан, унинг фаолиятини универсаллиги ҳамда барча давлатларга нисбатан тенг муносабатда бўлишини таъминлаб бериши мумкин бўлган усуслар билан ўз мажбуриятларини амалга ошириши бўйича объектив ва ишончли ахборотларга асосланган Универсал даврий таҳлилни ўтказиш. Таҳлил манфаатдор давлатни, унинг имкониятларини мустаҳкамлаш максадларида унинг эҳтиёжларини эътиборга олган ҳолда, ўзаро мулоқотга тўлиқ жалб этишга асосланган ҳамкорлик механизми ҳисобланади. Бундай механизм шартномавий органлар ишларини такрорламайди, балки тўлдиради”.

Универсал даврий таҳлил — бу янги жараён бўлиб унга кўра 2008 йилдан бошлаб БМТнинг барча 192 аъзоси ҳар 4–5 йилда ундан ўтишлари керак. Ўзбекистон Республикаси Универсал даврий таҳлил инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашнинг 3-сессиясида 2008 йил декабрь ойида ўз маъruzасини тақдим этди. Инсон ҳуқуқлари бўйича резолюцияга кўра кўриб чиқишига асос бўлувчи хужжатлар қуидагилардир:

биринчидан, манфаатдор давлат томонидан миллий маъруза шаклида тайёрланган маълумот, шунингдек ушбу давлатга тегишли ёзма ёки оғзаки тарзда тақдим этиладиган маълумотлар;

иккинчидан, инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Комиссар бошқармаси томонидан тайёрланган конвенциявий органлар маъruzalari, маҳсус жараёнлар манфаатдор давлатнинг таҳлил ва шарҳлари ва БМТнинг тегишли хужжатларига асосланган қўшимча маълумотлар;

учинчидан, универсал даврий таҳлил бошқа органлар томонидан тайёрланган қўшимча маълумот, ўз навбатида Кенгаш томонидан кўриб чиқилиши давомида ҳисобга олиниши ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Комиссар бошқармаси томонидан ягона хужжат ҳолига келтирилиши лозим. Бу органлар ўз ичига нодавлат ташкилотлар, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар, илмий муассасалар ва тадқиқот институтлари, минтақавий ташкилотлар ва фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органларивакилларини қамраб олади.

Универсал даврий таҳлилнинг жараёнлари сиёсийлашмаган ва таҳлил асосида қабул қилинувчи қарорлар объектив холис ёндашувни фикрлар хилмажиллигини эътиборга олиши ва конвенциявий органларнинг такрорламаслигига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши фаолиятининг бошқа шакли “маҳсус процедуралари” — бу БМТ Инсон ҳуқуқлари комиссияси томонидан таъсис этилган ва Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш томонидан давом эттирилган, алоҳида давлатдаги вазиятга ёки мавзу бўйича барча давлатларга қаратилган механизmlарга берилган умумий номдир”. Ҳозирги кунда 28 та мавзуга оид ва 10 та мамлакат бўйича мандатлар мавжуд.

Бугунги кунда қуидаги мавзуларга оид маҳсус маърузачилар мавжуд:

- қийноқлар;
- ноконуний қатл этиш;
- эътиқод эркинлиги;
- ёлланма аскарлар;
- болалар савдоси;
- ирқчилик ва ксенофобия;
- сўз эркинлиги;
- суд хокимиятининг мустақиллиги;
- аёлларга нисбатан куч ишлатиш;
- заҳарли чиқиндиilar;
- мигрантлар ҳукуқлари;
- яшашнинг қониқарли шартлари;
- овқатланиш ҳукуки;
- -таълим ҳукуқи ва бошқалар.

Мандатларга эга бўлган мандатарийлар одатда, мандат бўлган мамлакатларни, алоҳида мамлакат ёки худудларда инсон ҳукуқлари бўйича ёки бутун дунёда инсон ҳукуқларини бузилишининг умумий вазиятига нисбатан тематик мандатлар вазиятни кўриб чиқиш, мониторинг ўтказиш, маслаҳатлар бериш ва маърузаларини чоп этишга чақиради. Маҳсус процедуралар томонидан индивидуал шикоятларга жавоб бериш, тадқиқотлар ўтказиш мамлакатларга оператив техник ёрдам бериш ва умумий тадбирларга жалб этиш каби турли хилдаги фаолият амалга оширилади. Индивидуал ёки ишчи гурух одатда (улар “маҳсус маърузачи”, “Бош котиб қошидаги маҳсус вакил”, “Бош котиб қошидаги вакил ёки мустақил эксперт” деб аталади) ва 5 аъзодан (хар бир минтақадан биттадан) иборат бўлади. Маҳсус процедуралар мандатлари уларни ташкил этувчи алоҳида резолюция билан белгиланади. Маҳсус процедуралар бўйича мандат эгалари шахсан иштирок этади ва ўз ишлари учун ҳеч қандай пул маблағлари ёки маош олмайди.

Маҳсус процедуранинг асосий фаолиятига инсон ҳукуқлари бузилиши юзасидан маълумотларни олиш ва мамлакатларга ҳолат юзасидан тушинтириш берилишини сўраб тезда сўровнома ва хат жўнатиш.

Мандат иштирокчилари шунингдек миллий даражада инсон ҳукуқлари бўйича ҳолатларни текшириш учун мамлакатга ташриф юзасидан розилик сўралади.

БМТнинг инсон ҳукуқлари бўйича Олий Комиссари бошқармаси (ИХОКБ) ҳар хил турдаги жараёнларда вазифа бажарадиган турли ташкилот ва муассасаларда хизмат кўрсатадиган халқаро ходимлардан ташкил топади.

БМТнинг Инсон ҳукуқлари бўйича Олий Комиссари Женевада жойлашган. Нью-Йорк шаҳрида унча катта бўлмаган бўлими ва дунё бўйича жойларда алоқада бўлиб туриш учун бир қанча ваколатхоналари бор.

БМТнинг Инсон ҳукуқлари бўйича Олий Комиссарининг асосий вазифалари қуидагилардир:

биринчидан, инсон хуқуқлари бўйича комиссия ва унинг кичик комиссия-ларига хизматини тақдим этиш;

иккинчидан, Бош Ассамблея томонидан белгиланган текширув, назорат ва терговнинг турли процедураларини қўллаб-қувватлаш;

учинчидан, шартномалар ижросини таъминланишини назорат қилувчи органларга хизматлар тақдим этиш;

тўртинчидан, комиссия ёки кичик комиссиялар сўровномаси асосида инсон хуқуқларига бағишланган турли масалалар юзасидан текширув ишларини олиб бориш;

бешинчидан миллий даражада инсон хуқуқларини имплементация қилишда давлатларни (мутахассисларни тайёрлаш, юридик ёрдам ва маълумот алмашиш) қўллаб-қувватлашларни амалга ошириш.

Инсон хуқуқлари бўйича Олий Комиссар Бошқарма бошлиғи хисобланади.

1993 йилда Венада ўтказилган инсон хуқуқлари бўйича П-Бутунжаон конференциясида БМТнинг Бош Ассамблеяси биринчилардан бўлиб БМТнинг Инсон хуқуқлари бўйича Олий Комиссар лавозимини таъсис этиш юзасидан таклиф билдириди.

1994 йил Бош Ассамблея резолюция қабул қилди ва Олий Комиссар Бошқармасининг биринчи комиссари этиб *Xoce Айяло Лассо* (Эквадор) тайинланди.

Бош Ассамблея Олий Комиссарни “БМТнинг фаолиятидаги инсон хуқуқлари бўйича масъул шахс бўлиб Бош Котиб раҳбарлиги остидаги асосий мансабдор шахс” деб эълон қилди.

Инсон хуқуқлари бўйича Олий Комиссар яна инсон хуқуқларини ҳимоя қилишдаги халқаро алокаларни мустаҳкамланишига риоя қилиш; БМТ тизими доирасида инсон хуқуқлари бўйича фаолиятга; Инсон хуқуқлари бўйича Марказ фаолиятини амалга оширишда масъулдир.

БМТ томонидан қабул қилинган инсон хуқуқлари бўйича иккита халқаро пакт ва тўртта конвенция асосида таъсис этилган БМТнинг конвенциявий органларининг фаолияти умумэтироф этилган инсон хуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишда катта аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунда фаолият кўрсатаётган ва асосий функцияларидан бири давлатларнинг миллий маърузаларини кўриб чиқиш бўлган БМТнинг инсон хуқуқлари бўйича конвенциявий органлари тизимининг пайдо бўлганлигига нисбатан кўп бўлгани йўқ. Уларни ташкил этилгунга қадар Инсон хуқуқлари комиссиясини тавсияси бўйича ЭКОСОСнинг 1965 йилги қарорига асосан БМТнинг аъзолари Бош котибга ҳар йили у ёки бу хуқуқларни амалга ошириш бўйича йиллик хисоботларини топширап эди.

Инсон хуқуқлари бўйича икки халқаро пакт кучга киргандан сўнг, иқти-садий, ижтимоий, маданий шунингдек фуқаролик ва сиёсий хуқуқлар ва ахборот эркинлиги тўғрисидаги миллий хисоботларни тақдим этиш тизими бир қатор халқаро шартномаларда кўзда тутилган янги процедуralар билан алмаштирилди.

Инсон хуқуклари бўйича қўмита халқаро пактлар ва конвенциялар асосида ташкил этилган биринчি назорат органларидан биридир. Халқаро шартномаларга риоя қилишни назорат қилувчи функцияни мазкур орган билан бир қаторда яна қўйидаги органлар ҳам амалга оширадилар:

- Иркӣ камситишни тугатиш бўйича қўмита (1970 йил);
- Аёлларга нисбатан камситишларни тугатиш бўйича қўмита (1982 йил);
- Иктисолий, ижтимоий ва маданий хуқуqlар бўйича қўмита (1985 йил);
- Қийноққа қарши қўмита (1988 йил);
- Бола хуқувлари бўйича қўмита (1990 йил);
- Мехнаткаш-мигрантлар ва уларнинг оила аъзоларининг хуқукларини ҳимоя қилиш бўйича қўмита (2003 йил);
- Ногиронлар хуқувлари тўғрисидаги қўмита

Ушбу қўмиталарни таъсис этилишига юқоридаги пактлар ва конвенциялар юридик асос бўлиб хизмат қилди. ЭКОСОСГа ёрдамчи орган сифатида таъсис этилган иктисолий, ижтимоий ва маданий хуқуqlар бўйича қўмита бундан мустаснодир.

Инсон хуқувлари бўйича қўмита 1977 йилда ташкил этилди. У 1966 йили қабул қилинган Фуқаролик ва сиёсий хуқувлар бўйича халқаро пакт қоидаларини амалга оширилишини назорат қиласди. Қўмита 18 та аъзодан иборат бўлиб, аъзо давлатлар уларни ўз фуқароларидан тайинлайди ҳамда ўз функцияларини шахсий таркибда амалга оширишади.

1966 йилда қабул қилинган Фуқаролик ва сиёсий хуқувлар тўғрисидаги халқаро пактга биринчি факультатив протоколга мувофиқ Инсон хуқувлари бўйича қўмита унинг ваколатларини тан олган аъзо-давлатлардаги содир этилган хукуқбузарликлар юзасидан келиб тушган ҳабар ва аризаларни кўриб чиқади.

Қўмита Фуқаролик ва сиёсий хуқувлар тўғрисидаги халқаро пактда эътироф этилган хукуqlарнинг қўлланилиши борасида юзага келган чоралар ва жараёнлар ҳакидаги миллий маъruzalarни кўриб чиқишига ваколатлидир. Бундан ташкири, Пактнинг Факультатив protokoliga кўра, уни эътироф этган 97 та давлат Қўмитанинг, бу давлатлар устидан мазкур Пактда баён қилинган ўз хуқуqlарини бузилганлиги бўйича индивидларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш ваколатини тан олган.

Қўмита Пактнинг аъзо-давлатларининг миллий ҳисоботларини кўриб чиқиш учун йилига уч марта йифилади. Унинг сессиялари уч ҳафтагача давом этади ва қўйидаги тартибда: март апрель ойларида БМТнинг Нью-Йоркдаги бош қароргоҳида, июль, октябрь ноябрь ойларида Женевадаги Инсон хуқувлари бўйича Олий Комиссар Бошқармаси қароргоҳида ўтказилади.

Пактни ратификация қилгандан бир ёки икки йил ўтгандан сўнг давлат Пактда эътироф этилган хуқуqlарга риоя қилинишига оид миллий ҳисобот тақдим этиши шарт. Бу дастлабки маъруза батафсил мазмунга эга бўлиши керак (хусусан, давлат ички хуқукининг хусусияти ва тузилиши ҳамда аҳоли тўғрисида), шунингдек, Пактдаги ҳар бир қоиданинг амалиётда қандай

амалга оширилаётганлигининг умумиий таҳлили каби маълумотларни ўз ичига олиши керак. Ҳисоботларнинг тақдим қилишдан асосий мақсад — у ёки бу мамлакатдаги инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳолат тўғрисида умумий тасаввурга эга бўлиш эди. Ҳисоботларда, нафақат амалдаги конституциявий қоидаларини, қонунлар, қоидалар акс эттирилиши, балки Пактни қоидаларини амалиётда қандай қўлланилаётгналиги ва давлатда инсон ҳуқуқлари соҳасининг ахволи тўғрисидаги далилий ҳолатлар ҳам қайд қилиниши керак.

Қўмита Пактнинг Факультатив протоколини ратификация қилган аъзо-давлатларга нисбатан индивидуал шикоятларни ҳам кўриб чиқиши мумкин. Шикоят тегишли жабрланувчи томонидан ёки унинг номидан бундай ҳаракатлар содир этиш ваколати берилган бошқа шахслар номидан берилиши шарт. Қўмита “халқаро судловда ёки халқаро процедурада кўриб чиқилаётган ишларни” кўриб чиқиш учун қабул қила олмайди. Индивидуал шикоятлар ёпиқ мажлисларда кўриб чиқлади. Шикоят қилиш учун лозим бўлган шартлар кўйидагилар:

- хабар аноним бўлмаслик керак;
- хабарларни беришда ҳуқуқлардан фойдаланиш сувиштешмоп қилинмаган бўлиши керак;
- хабар Пактнинг қоидаларига мувофиқ келиши керак;
- ҳуқукий ҳимоя қилишнинг барча давлат ички воситаларидан фойдаланиб бўлинган бўлиши керак.

Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича қўмита 1966 йилги Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича халқаро пактни амалга оширилишини назорат қиласди. Ўзининг биринчи сессиясини Кўмита 1987 йили ўтказган. У инсон ҳуқуқлари соҳасида эътироф этилган ва ўзининг шахсий сифатлари фаолият кўрсатувчи 18 та вакилдан иборатdir.

Қўмита йилига икки марта Женевада май, ноябр – декабрда бўлиб ўтадиган 3 ҳафта давом этадиган сессияларга йиғилади; унинг сессиялари жамоатчилик учун очикдир. Ҳар бир сессияда бир ҳафталик ишчи гуруҳ фаолият олиб боради. Бу гуруҳ Кўмитанинг кейинги мажлисларида кўриб чиқиладиган ишларнинг қисқача рўйхатини тайёрлайди.

Қўмита иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактда мавжуд бўлган инсон ҳуқуқларига оид ҳуқуқ ва эркинликларни амалга оширилишида қўлланилаётган тадбирлар борасидаги аъзо-давлатларнинг ҳабарларини кўриб чиқади. Давлатлар мазкур Пактга аъзо бўлганидан сўнг икки йил ичida миллий ҳисобот тақдим этиш керак ва ундан сўнг ҳар беш йилда даврий ҳисобот тақдим қиласди.

Давлатларнинг миллий ҳисоботлари — ҳамма учун очик бўлган хужжатdir; улар очик мажлисларда кўриб чиқилади ва бу мажлисларда давлатлар ўзларининг ҳисоботларини тақдим қиласилар ҳамда улар Кўмита аъзоларининг саволларига жавоб берадилар. Кўмита ўзаро мулокот давомида Пактнинг нормалари қандай қўлланилаётганлигини ва Пактнинг нормаларини амалга ошириш бўйича ҳуқуқни қўллаш амалиётини яна қандай қилиб такомиллаштириш мумкинлигини аниқлаштиради. Сессиянинг охирги кунида хавотирланишга сабаб

бўладиган асосий мавзуларни муҳокамасининг якуни сифатида Кўмита аъзо давлат учун таклиф ва тавсияларни ўз ичига олган хуносавий изоҳлар беради.

Миллий ҳисоботни муҳокама жараёнида фақат Кўмитанинг аъзолари ва аъзо давлатнинг вакиллари қатнашиши мумкин. Ноҳукумат ташкилотлар муайян давлатнинг ҳисоботи кўриб чиқилишидан олдин чақириладиган ишчи гурухнинг мажлисида ўзларининг хавотирларини ифодалашлари мумкин. ЭКОСОСнинг маслаҳатчиси мақомига эга бўлган ноҳукумат ташкилотлар ҳам агарда Пактда шакллантирилган ҳукуқларнинг амалга оширилиши ва эътироф этилишига муайян даражада хисса кўшишга сабаб бўлиши мумкин бўлган ҳисоботлар ва маълумотлар беришлари мумкин.

Ирқий камситишларни бартараф қилиш қўмитаси барча қўринишдаги ирқий камситишларни бартараф қилиш тўғрисидаги ҳалқаро Конвенциянинг амалга оширилишини назорат қилади. У аъзо давлатлар томонидан 4 йиллик муддатга тайинланадиган 18 вакидан иборатdir.

Кўмита Конвенциянинг қоидаларини бажарилиши юзасидан қабул қилинган чоралар ва бу соҳада эришилга ютуқлар юзасидан аъзо давлатлар томонидан топширилган ҳисоботларни ўрганиб чиқади.

Кўмита Конвенцияда эътироф этилган мажбуриятларни бажарилиши юзасидан келиб чиқадиган масалалар бўйича давлатлар орасида келиб чиқадиган низоларни тартибга солиш ва алоҳида шахсларнинг шикоятларини кўриб чиқиш учун доимий ишчи гуруҳлар ёки маҳсус келиштирувчи комиссиялар ташкил қилади.

Одатда Кўмита йилига икки марта йиғилади. Унинг сессиялари уч ҳафта давом этади: феврал – мартда ва августда Женева шаҳрида ўтказилади. Аъзо давлатларнинг ҳисоботлари Кўмита томонидан очик мажлисларда кўриб чиқилади.

Кўмита кўйидаги тўрта функцияни бажаради:

- ҳисоботларни кўриб чиқиш;
- олдини олишга қаратилган чоралар;
- ҳисоботни тақдим қилиш кечикирилса аъзо-давлатдаги вазиятни мажбурий шаклда кўриб чиқиш;
- индивидуал ҳабарлар бўйича мулоҳазаларни ишлаб чиқиш.

Миллий ҳисоботларни тақдим қилиш учун икки йиллик муддат ўрнатилган.

Кўмита ўз фаолияти юзасидан Бош Ассамблеяга ҳар йили ҳисобот бериб туриши керак ва аъзо давлатлар томонидан берилган миллий ҳисоботларни ўрганишга таянган ҳолда таклиф ва тавсиялар бериши мумкин.

Конвенциянинг 14-моддасида ўрнатилгандек, ўзларининг ҳукуқлари бузилиши юзасидан алоҳида шахслар ёки алоҳида шахслар гурухи Кўмитага шикоят қилиши мумкин. Бу вақтга қадар улар бу ҳукуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлатдаги мавжуд ички имкониятларнинг барча воситаларидан фойдаланиб бўлган бўлишлари лозим

Бироқ, Кўмита Конвенцияни иштироқчиси ҳисобланадиган, аммо Кўмитанинг ваколатларини тан олмайдиган давлатларга нисбатан шикоятларни кўриб чиқишга

қабул қила олмайды. Конвенцияни ратификация қилған ёки унга күшилған 156 давлатдан фақатгина 30 таси Құмитанинг Конвенциянинг 14-моддасида ўрнатылған шикояттарни күриб чиқишиң қабул килиш ва күриб чиқиши ваколатини эътироф этганлар.

Құмита Конвенциядаги коидалар ҳаётта тадбик этилмаслигига оид вазияттар башқа давлатда кузатылса, иккінчи давлатнинг бунга доир шикоятини күриб чиқиши керак.

Хотин-қизларни камситишларга бархам бериш құмитаси 1982 йилги Хотин-қизларни нисбатан барча күринищдаги камситишларни бархам бериш түгрисидеги конвенцияга асосан түзилған. Құмита 23 айздан иборат. Улар 4 йиллик муддатта яширин овоз берішті йўли билан сайланадилар. Бу шахслар юксак ахлоқий фазилаттарга ҳамда аёллар хукуқлари соҳасида муайян билимларга эга бўлишлари шарт.

Ўзининг сессияларida Құмита аъзо давлатлар томонидан тақдим этилған ҳисобот ва ҳар қандай ахборотларни ўрганади. Бу ҳисботларни күриб чиқиши якунида Құмита тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқади. У шунингдек Конвенциядаги мажбуриятларни бажариш юзасидан аъзо-давлатлар кўллаши мумкин бўлган тавсиявий чораларни ҳам ишлаб чиқади.

1997 йилдан бошлиб Құмита йилига икки марта йиғилади. Унинг йиғилишлари 3 хафта давом этади ва одатда январь ва июль ойларida ўтказилади. Құмита ўз фаолиятини такомиллаштириш юзасидан 2001 йилдан бошлиб ўзининг йиғилишларини Женевада ҳам икки йилда бир марта ўтказадиган бўлди. Бу эса унинг бошка шартномавий органлар ҳамда БМТнинг Инсон хукуқлари бўйича Олий Комиссари Бошқармаси билан яқин ҳамкорлик қилишига имкон бермоқда.

Құмитага Конвенцияни бажариш давомида эришилған жараёнларни таҳлил қилиб боради. У ўз йиғилишларida Конвенцияни ратификация қилғандан ёки күшилғандан сўнг бир йил ичиде тақдим қилған ҳисботларини күриб чиқади. Аъзо давлат бундан кейин ҳар тўрт йилда ҳисббот топширишлари шарт. Ҳар йили Құмита ЭКОСОС орқали ўз фаолияти юзасидан Бош Ассамблеяга ҳисббот топширади. Құмита аъзо-давлатлар томонидан берилған миллий ҳисботларни ўрганишга таянган ҳолда тақлиф ва тавсиялар бериши мумкин. Давлатларнинг вакиллари ўз ҳисботлари билан оғзаки тарзда чиқиши қилишлари мумкин. Бундан кейин экспертларнинг изоҳларини эшитилади ва саволларига жавоблар берилади. Сессиянинг якунида Құмита Бош Ассамблеяning йиллик ҳисботларида акс этадиган якуний фикр-мулоҳазаларни қабул қиласи.

Қийноқларга қарши Құмита 10 та вакилдан иборат бўлиб, улар аъзо-давлатлар томонидан сайланади. Улар Қийнок ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ, шафқатсиз, инсонийликка зид, қадр-кимматни камситувчи турларига қарши конвенцияни ратификация қилған давлатларнинг ҳисботларини күриб чиқадилар.

Миллий ҳисботларни күриб чиқиши, ўрганиш ва аъзо давлатларга ўйналишлар бериш ҳамда Бош Ассамблеяга ўзининг фикр-мулоҳазалари юборишдан ташқари Құмита яширин тергов ўтказиш ваколатига ҳам эга.

Аъзо-давлат худудида тизимли равишда қийноқлар қўлланилишига оид маълумотларга эга бўлинса, Кўмита б давлатнинг розилиги билан жойларда тергов ўтказиши мумкин.

Бола хукуқлари бўйича Кўмитанинг биринчи йигилиши 1991 йилда ўтказилган. Кўмита 10 та вакидан иборат. Унга бола хукуқларини рафбатлантириш учун қўшилган давлатлар орасида доимий мулокот ташкиллаштириш вазифаси юклатилади.

Кўмита болаларнинг равнақига хавф туғдирувчи омилларни аниқлаштиради, аниқ муаммоларнинг амалий ечимларини ишлаб чиқади, муаммоларни ҳал қилиш учун зарурий инсон ва молиявий ресурсларни сафарбар қиласди, бола хукуқлари борасида жамиятнинг ҳабардорлигининг даражасини оширишга қаратилган тадбирларни ҳамда унинг бола хукуқларини ҳимоя қилишга қаратилган иштироқини кенгайтиришга оид чораларни қўллайди. Бу мақсадлар йўлида Кўмита мазкур соҳада фаол фаолият олиб борадиган ташкилотлар билан ҳамкорлик қиласди.

Кўмита 1989 йилги Бола хукуқлари тўғрисидаги конвенцияни ратификация қилган ёки унга қўшилган давлатлар томонидан мажбуриятларнинг бажарилишини назорат қиласди. Аъзо-давлатлар доимо Кўмитага Конвенциянинг бажарилиши ва бола хукуқларининг муҳофаза қилинишига доир қабул қилган чора-тадбирларига доир ҳисоботлар тақдим қиласди. Бу ҳисоботлар ошкора тақдим қилинади ва давлат даражасида кенг тарқатилади.

8.3. Инсон хукуқларини ҳимоя қилиш бўйича Европа ҳамда бошқа минтақавий халқаро ташкилотлар

Инсон хукуқлари бўйича замонавий тизим Европада маҳсус ривожланиш боқчилиги билан биргаликда у ерда шаклланган хукукий тизим жамият ривожланиши боқчили билан тенг ривожланганлиги умумэтироф этилган далил ҳисобланади. Европа интеграциявий жараёнлари йўналишида хукуқни ҳимоя қилиш нормалари қонунчиликни янги тармоқларига сингдирилмоқда ва инсон хукуқларии объектив тузилмаси мураккаблашишига олиб келди.

Европа минтақасида умумэтироф этилган инсон хукуқларини амалга ошириш бўйича кенг тармоқли тизим ишлаб чиқилган бўлиб, унга қўйидагилар киради:

- Европа Кенгаши доирасида инсон хукуқларини ҳимоя қилиш
- Европа Иттифоқи доирасида инсон хукуқларини ҳимоя қилиш
- EXХТ доирасида инсон хукуқларини ҳимоя қилиш

Европа Кенгаши доирасида инсон хукуқларини ҳимоя қилиши. Европа кенгаши 1949 йил Страсбургда 10 та давлат иштирокида тузилган Европадаги илк хукуматлараро ташкилотdir. Бугунги кунда, ушбу тизим 43 та иштирокчи-давлатдан иборат бўлиб, шу жумладан 18 таси Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларидир.

Европа Кенгаши ўз бошқарувида плюралистик демократия ва инсон хукуқларини хурмат қилиш тамойилига асосланади.

Европа Кенгашининг 3 та ишчи органи бор:

1. Парламент Ассамблеяси;
2. Вазирлар Кўмитаси;
3. Европанинг маҳаллий ва худудий ҳокимиятлар Конгресси.

Европа Кенгаши ўз фаолиятида нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликни амалга оширади. Нодавлат ташкилотлар инсон ҳукуқларини бузилиши юзасидан Парламент Ассамблеяси ва Вазирлар Кўмитасига ахборот бериси мумкин.

Европа Кенгишининг Парламент Ассамблеяси (ЕКПА) — маслаҳат вакиллик органи бўлиб, 291 нафар аъзодан иборат. У ҳар бир давлатнинг парламенти томонидан тайинланган Европа кенгаши делегация аъзоларини тўплайди.

Европа Кенгаши аъзо-давлатларининг ташки ишлар вазирларидан ташкил топган Европа Кенгаши Вазирлар кўмитаси европада қабул қилинган конвеция ва келишувларини тасдиқлади ҳамда давлатларга тегишли тавсиялар беради. Унинг қарорларини Ҳукумат эксперталари ва бошқа мутахассислардан иборат кўмиталар тайёрлайди.

Инсон ҳукуқлари бўйича Европа Суди (ИХЕС). 1998 йил 1 ноябрдан бошлаб Европада Инсон ҳукуларини ҳимоя қилиш бўйича Европа суди ўз фаолиятини бошлади. Ушбу Суднинг мақсади инсон ҳукуқларини самарали ҳимоя қилишдан иборат.

Европа судининг прецедент ҳуқуқи — бу Европа ҳуқуқи нормалар мажмуасининг марқибий қисми ҳисобланади.

Инсон ҳукуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа Конвенцияси билан кафолатланган ҳукуқларини бузилган деб, ҳисобловчи ҳар қандай шахс Европа судига мурожаат қилиши мумкин.

Инсон ҳукуқлари бўйича Европа суди Вазирлар қўмитаси сингари Конвенция нормаларига амал қилиниши устидан назоратни амалга оширади. Конвенция нормаларига мувофик Европа суди алоҳида шахслар томонидан берилган шикоятларни кўриш билан бир қаторда давлат вакиллари томонидан берилган шикоятларни ҳам ўрганади. Инсон ҳукуқлари бўйича Европа судида шикоятлар кўйидаги шартларга риоя қилинган ҳолдагина кўриб чиқиш учун қабул қилинади:

Биринчидан, шикоятлар якка шахслар, жисмоний шахслар томонидан берилши лозим, ҳар қандай нодавлат ташкилотлар ва алоҳида шахслар гурухи, шунингдек Европа кенгашига аъзо давлатлар томонидан берилиши лозим;

иккинчидан, шикоят бирор давлатга қарши ёки бирор давлат органининг харакатлари устидан берилиши лозим;

учинчидан, шикоятда Конвенцияда ёки унга кўшимча протоколда кўрсатилган инсон ҳукуқларини бузилганлигини тасдиқловчи хужжатлар бўлиши лозим;

тўртинчидан, инсон ҳукуқларини ҳимоя қилишнинг барча ички имкониятларидан фойдаланиб бўлинган бўлиш керак;

бешинчидан, иш бўйича миллий ҳокимият органларининг сўнгги қарори чиқкан кундан б ой ўтмаган бўлиши лозим.

Инсон хуқуклари бўйича Европа судига шикоятлар ё расмий тилда (инглиз ёки француз), ё бўлмаса аъзо-давлатнинг расмий тилида (шу жумладан рус тилида) топширилади. Бироқ, шикоят мақбул деб топиладиган бўлса мурожаат қилувчининг барча хужжатлари Суднинг расмий тилларидан бирида (инглиз ёки француз) тузилиши лозим. Суднинг барча карорлари ёки хукмлари ҳам мазкур тилларда чиқарилади.

Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, нодавлат ташкилотлар шикоят беришни ҳохлаган шахслар ёки шахсларнинг гурухига маслаҳат ва консультациялар бериши мумкин ва бугунги кунда буни самарали амалга ошироқдалар, бундан ташқари, бундай шахсларнинг қонуний вакиллари сифатида ҳам иштирок этишмоқда.

Инсон хуқуклари бўйича Европа судининг замонавий назорат механизми халқаро ва европа хуқуқининг тараққий этувчи институтини ўзида ифодалайди. Мазкур маънода, у Европа Иттифоқи (ЕИ)нинг суд тизимиға ўхшайди. Аммо, ИХЕСнинг ЕИ суд тизимидан асосий фарқи шундаки, ИХЕС интеграциявий бирлашиш институтларидан бири ҳисобланмайди ва аъзо-давлатларнинг ягона хуқуқий маконини шакллантириш мақсадини кўзламайди. ИХЕСнинг мақсади-шахснинг хуқуқий ҳимояланганлигини ошириш ва индивиднинг ваколатлигини кенгайтириш. Айнан мазкур кўрсатмалар назорат механизми ни доимий ислоҳ этиш ва самарадорлигини ошириш зарурлигини қайд этади.

ИХЕС ваколатларининг эволюцияси инсон хуқуқлари мақоми ошишининг умумжаҳон тенденциясини акс эттиради.

ИХЕС ўзининг ярим асрлик тарихи давомида **мингга яқин ишларни** кўриб чиқди. Унинг норма ижодкорлик фаолияти натижаси шуни кўрсатмоқдаки, Инсон хуқуклари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа конвенцияси нормалари ва унга қўшимча Протоколлари Суднинг карорларида қандай тушунтирилган бўлса, бугун шундай қўланилмоқда.

EXХТ доирасида инсон хуқуқларини ҳимоя қилиши. 1994 йилнинг охирига қадар Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгаши (EXХК) номи билан машхур бўлган Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (EXХТ) — бу хавфсизлик масалалари билан шуғулланувчи умумевропа ташкилоти ҳисобланади. Унинг таркибига Ванкувердан Владивостоккacha бўлган географик ҳудудда жойлашган 56 аъзо-давлат киради. EXХТ (EXХК)нинг ташкил этилиши 70-йилларда европа давлатлари, АҚШ, Канаданинг хукуматлараро кенгашига тўғри келади. Кенгаши 1975 йил 1 авгуистда 33 европа давлатлари, АҚШ ва Канаданинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий тизимларидан қатъий назар, инсон хуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш асосида ҳамкорликка интилишини ўзида акс эттирган Хельсинки Якунловчи Актини имзолаш билан якунланди. Иштирокчи давлатлар инсонлар ўртасида алоқани ривожлантириш, ахборот алмашиш, таълим, маданият соҳасида алмашув ва ҳамкорлик қилиш йўли билан тинчликни мустаҳкамлаш ва халқлар ўртасида ҳамжиҳатлик учун кўмаклашишга қарор қилишди. Бундан ташқари, БМТ Уставининг VIII бобига мувофиқ миңтақавий келишув ҳисобланувчи EXХТ Европада ўз ҳудудида низоларни аввалдан олди-

ни олиш, бартараф этиш, инкироздарни тартибга солишда бош восита сифатида ташкил этилган. ЕХХТнинг хавфсизликни таъминлашга ёндашуви кўп томонлама хусусият касб этади ва ҳамкорликка асосланади.

ЕХХТ фаолиятида қатнашувчи барча давлатлар бир хил мақомга эга, қарорлар консенсус асосида қабул қилинади.

ЕХХТ алоҳида мақомга эга. Бир томондан, унинг доирасида қабул қилинаётган қарорлар кўпроқ юридик эмас, сиёсий-хукуқий характер касб этади. Бироқ, бошқа тарафдан ЕХХТ халқаро ташкилотларнинг белгиларига эга: доимий органлар, доимий қароргоҳ ва муассасалар, ходимларнинг доимий таркиби, доимий молиявий ресурслар.

ЕХХТ қарорлари ва мажбуриятларининг кўпгина воситалари юридик тилда расмийлаштирилган, аммо уларни кўллаш халқаро шартномалар хукукининг стандарт услуларини талаб этади. 1975 йилги Якунловчи Акт ҳам, ЕХХТнинг кейинги учрашувлари ва кенгашлари хужжатлари юридик жиҳатдан халқаро шартнома хисобланмайди ва давлатлар учун мажбурий характер касб этмайди. ЕХХТнинг хужжатлари халқаро хукуқ манбалари бўлиб хизмат қиласди, унинг принципларини ифодалайди, бироқ моҳиятига кўра, бу Европа конвенцияси ёки Инсон хукуклари тўғрисидаги халқаро пактлардан фарқли равишда, суд жавобгарлигига тортиш имконини бермайдиган сиёсий (халқаро-хукуқий бўлмаган) мажбуриятлар холос.

Женевада ЕХХТнинг ярашув ва ҳакамлик судлари ташкил қилинди. Шуни айтиб ўтиш керакки, Ярашув ва ҳакамлик судлари тўғрисидаги конвенцияни имзолаган давлатлар ушбу судларга тааллукли ишларни Ҳакамлик трибунали ёки Ярашув комиссияси доирасида кўриб чиқиш учун беришлари мумкин. 1999 йилда Доимий кенгаш ЕХХТ таъсири остида Жанубий-шарқий Европа барқарорлик Пактини қабул қилиш тўғрисида карор чиқарди.

ЕХХТ хужжатларининг юридик мажбурий кучга эга эмаслиги, унинг самардорлигини ҳеч ҳам камайтирамайди. Мазкур Ташкилот томонидан қабул қилинган хукуқий хужжатлар халқаро хукуқда бошқалари каби муҳим аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда. Бундан ташқари, ЕХХТ Европадаги келишмовчиликларни энди пайдо бўлаётганлиги билан, уларнинг олдини олиш, можароларни бартараф этиш, инкироздарни тартибга солиш ва Европани можародан кейинги тиклашни амалга оширувчи ягона восита ҳамдир. Ушбу ҳолатлар ЕХХТни Европанинг бошқа ташкилотлардан кўра самаралироқ ва мукаммал эканлигини кўрсатади.

Инсон омилини таъминлашида мажбуриятлар бажарилишининг ЕХХТ механизми. ЕХХТ доирасида вақт ўтган сари такомиллашиб борадиган инсон хукуқларини химоя қилувчи ва мажбуриятларни назорат қилувчи мукаммал механизм тизими яратилгани дикқатга сазовордир. Унинг ўз вазифасини бажаришидаги амалиёт жараёни кўриб чиқилган инсон хукуклари бўйича хужжатлардан фарқ қиласди. Хусусан, унинг узвийлиги ҳамда мослашувчалиги билан характерланади, лекин бу унинг самарадорлиги билан тенглаша олмайди.

ЕХХТ инсон омили тизимини мониторингининг ихтисослаштирилган механизми “инсонийлик мезонлари механизми” номи билан машҳурдир. Ушбу механизм икки асосий элементлардан иборат: Вена механизми ва Москва механизми. Москвка механизми аввалгисининг изчил ривожини ўзида мужасамлаштирган. Уларнинг иккаласи ҳам инсон омили соҳасидаги мажбуриятларнинг бажарилишини назорат қилувчи баркарор механизмни акс эттиради.

Тўртта босқичдан иборат Вена механизмининг асоси 1989 йилда Вена Якунловчи актининг қабул қилиниши билан қўйилган бўлса, унинг изчил ривожланишида аҳамиятли бўлган Копенгагендаги инсон омили бўйича Конференция (1990 й.), Москвадаги (1991 й.) ва Хельсинкидаги (1992 й.) учрашувлар ҳам муҳим рол ўйнаган.

Хозирги кунда мазкур механизм қўйидаги элементлардан иборат:

биринчидан, инсонийлик мезонлари билан боғлик маълумотлар алмашнуви ва сўровномалари ЕХХТ иштирокчи давлатлари томонидан бир-бирлари ўртасида тез муддатда, яъни ўн кундан ошмаган муддатда амалга оширилишининг шартлиги;

иккинчидан, одатда бу каби алоқаларни дипломатик каналлар орқали амалга оширилиши;

учинчидан, ташкилот қатнашчи давлатлар ўртасида инсонийлик мезонлари борасида масалаларни ҳал қилиш учун зарурат туғилганда тарафларнинг таклифи билан икки томонлама учрашувлар ташкил қилиш;

тўртинчидан, мазкур учрашувларнинг вақти ва жойи иложи борича тезрок, яъни сўралгандан сўнг бир ҳафтадан ошмаган вақтда белгилаш;

бешинчидан, икки тарафлама учрашувларда ЕХХТ давлатлари, ўзаро истак билдириш ҳолатларидан ташқари, муҳокама мавзусидан четга чиқмаслиги керак;

олтингчидан, бундай учрашувларни ўтказиш жойи учун Демократик институтлар ва инсон хукуклари бюроси (ДИИҲБ) қўл келади;

еттингчидан, ЕХХТнинг иштирокчи давлатлари, зарур деб топса, дипломатик каналлар ва ДИИҲБ орқали бу ёки бошқа ҳолат, муаммолар бўйича бошқа иштирокчиларни эътиборини жалб этиши мумкин;

саккизинчидан, ЕХХТ нинг иштирокчи давлатлари, зарур деб топса, ахборот алмашуви ҳақидаги маълумотлар ва ўзининг икки тарафлама учрашув натижасидаги расмий сўроқларига жавоб, шу жумладан ҳар икки йилда ўтказиладиган кузатиш конференциялари ва ижро этувчи учрашувларидаги вазият ва муайян ҳолат ҳақида маълумотлар бериб ўтиши мумкин.

Вена механизми амалдаги доимий назорат тизими бўлиб, давлатлараро шикоятларни кўриб чиқиши процедурасини эслатади. Агар бирон бир давлатга ушбу механизм доирасида ЕХХТ давлати томонидан расмий сўроқ берилса, у давлат сўроққа жавоб беришга мажбур. Шу билан бирга у икки томонлама учрашув ҳақидаги талабни қондиришга мажбур.

Вена механизмининг ҳусусиятларига қўйидагича ёндошиш мумкин:

биринчидан, инсонийлик мезонлари бўйича мажбуриятларга амал қилиш бузилганлиги исботланган тақдирда ҳам, мажбуриятларни бузилишига қарши санкциянинг йўқлиги ва,

иккинчидан, ЕХХТ карор қабул қилинишида консенсусга келиш талаби. Консенсус принципидан келиб чиқиб, давлатнинг хоҳишига қарши ҳар қандай харакат таъқиқланади, агарда қарор унга ҳам таъълфуқли бўлса. Шундай қилиб Вена механизмининг самарадорлиги кўпинча сиёsatга боғлиқ.

Вена механизмининг кўзга кўринадиган камчилиги шундан иборатки, унда мустақиллик элементлари мавжуд эмас: механизм ҳукуматлараро даражада иш юритади. Бу камчилик 1991 йили Москвада бўлиб ўтган (**ЕХХТ**) учрашувида бартараф қилинди.

Ушбу йигилишда Вена механизми инсонийлик мезонлари доирасида мустақил эксперталар ва маъruzачиларнинг миссиялари тизими билан тўлдирилган эди. Москва механизми, деб ном қозонган ушбу тизим жуда мураккабdir. У маърузачи ва эксперталарнинг миссияларини ташкил этадиган 5 та бир биридан мустақил ишлайдиган алоҳида процедурани ўз ичига қамраб олади. Улардан иккитаси Вена механизми билан боғлиқ: биринчидан, Вена механизмини кўллашнинг биринчи ёки икkinchi давридан сўнг ташабbusкор давлат бошқа давлатга эксперталарни чақиришни таклиф этиши мумкин, иккинчидан, агарда бошқа давлат буни қилишдан бош тортса, ушбу ташабbusни яна 5 ЕХХТ давлати кўллаб қувватласа, ташабbusкор давлат бошқа давлат истагига қарши эксперталарни юбориш ҳукукига эга. Шундай қилиб Вена механизми доирасида инсонийлик мезонлари мажбуриятини бажармаслик ҳолатини мустақил экспертиза қилиш имконияти ишлаб чиқилган.

Москва механизми учта миссия ташкил қилишдан иборат процедурани ўз ичига олади. Ушбу Вена механизми билан боғлиқ бўлмаган процедуралар куйидагичадир: эксперталар миссиясини ЕХХТ давлати томонидан ихтиёрий равишда таклиф қилиш; давлат раҳбарлари мажлисининг эксперталар ва маъruzачилар миссиясини ташкил этиш хакидаги қарори; “ўта жиддий хавф” холатларида маъruzачиларни инсонийлик мезонларини қоидаларини бажариш учун “фавқулодда миссиясини” ташкил қилиш. Ушбу миссиядаги мустақил эксперталар рўйхатдан танлаб олинади ва уч кишидан кам бўлмаслиги керак. Ҳар бири ЕХХТ давлати томонидан тайинланади.

Инсонийлик мезонлари соҳасида эксперталар ёки маъruzачилар миссияларининг тизими ЕХХТда шу кунгача мавжуд бўлган жиддий ҳукуматлараро назорат процедураларидан биринчи оғиш бўлди. Бундай миссияларнинг мандатлари қандай процедура асосида вужудга келганлиги билан фарқ қилиши мумкин.

Айтиб ўтиб жоизки, эксперталар миссиясининг ваколатлари маъruzачилар миссиясининг ваколатларидан кенгроқ. Маъruzачилар миссиясининг ваколатлари асосан маълумот тўплаш ва консультатив хизмат кўrsatiшдан ёки муҳокама қилинаётган масалаларни ечиш бўйича таклиф ва мулоҳазалар киритишдан иборат. Эксперталар миссияси кенгроқ мандатга эга. Унинг асосий мақсади ЕХХТ инсонийлик мезонига тааллуқли муайян масала ёки муаммони ҳал қилиш жараёнини осонлаштиришдир. Ушбу мақсадини амалга ошириш учун улар маълумотлар йигадилар ва “мақсадга мувофиқ равишда манфаатдор томонлар ўртасидаги мулоқот ва ҳамкорликни кўллаб-қувватлаш учун ўз офис-

ларини ва воситачилик хизматларини тақдим этиш". диалог ва ҳамкорликни манфаатдор шахслар орасида қўллаб-қувватлаш мақсадида тақдим этадилар". Факат давлат раҳбарлари Мажлиси (ёки Доимий Кенгаш) тегишли чора қўллаш ҳақида қарор чиқаришга ҳақли. Бу ҳолда консенсус принципи (ягона, асосан назарий жиҳатдан, истисно: консенсус минус бир овоз) ишлатилади.

Кўриб чиқилган инсонийлик мезонлари талабларига амал қилишини назорат қилиш механизмидан ташқари бошқа процедура ва воситалар ҳам ишлаб чиқилган:

инсонийлик мезонига тааллуқли ҳар қандай масала ЕҲҲТнинг барча сиёсий органлар йиғилишларида мухокама қилиниши мумкин, айниқса Доимий Кенгаш, Давлат раҳбарлари мажлиси ва вазирлик органлар мажлиси ва ЕҲҲТ йиллик йиғилишларида мухокама қилиниши мумкин;

инсонийлик мезонлари масаласи ЕҲҲТнинг, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш турли процедуralар ёки Берлин фавқулодда механизми каби, умумий механизmlарга апелляция мурожаатини бериш йўли билан ҳал қилиниши мумкин.

Шу билан биргаликда ЕҲҲТда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳалкаро ҳуқукий ҳимоя қилиш ва индивидуал шикоятларни кўриб чиқиш механизмларини йўқлигини ёдда тутиш аҳамиятга эга. Аммо, бу ҳолат, нодавлат ташкилотларни ЕҲҲТ тизимларига мурожаат қилиш ва у ёки бу давлатда инсон ҳуқукини бузиш ҳолатларида ЕҲҲТ эътиборини жалб қилиш ва инсон ҳуқукини таъминлаш йўлида кучларни бирлаштириш имкониятидан маҳрум қилмайди.

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕҲҲТ) ва мамлакатлардағи ноҳукумат ташкилотлар ўртасидаги "ўзаро алоқа" иккита бўлим: сайловлар бўйича бўлим ва инсонийлик мезонлари бўйича бўлимларидан (демократияни ўрнатиш) ташкил топган ДИИХБ орқали амалга оширилади.

Сайловлар бўйича бўлим сайловлар ўтказилиши устидан кузатув ишларида ва миллий сайлов органларининг таъсис этилишида фаол рол ўйнайди, мамлакатларнинг миллий ҳуқукий институтларини ривожлантиришда техник ёрдам кўрсатади, инсон ҳуқуклари борасидаги ҳамда сайловларни ўтказиш соҳасидаги меъёрлар устидан кузатиш ишлари билан шуғулланувчи ЕҲҲТ кузатувчилари ни тайёрлаш билан шуғулланади.

Инсонийлик мезонлари бўйича бўлим (демократияни ўрнатиш) ЕҲҲТ аъзо-давлатларида ноҳукумат ташкилотларни шакллантиришга, демократия ва инсон ҳуқуқларини ривожлантириш ҳамда фуқаролик жамиятини барпо этишга қаратилган аниқ дастурларни ишлаб чиқади ва амалга оширади.

Бу икки бўлим ўз ваколатлари доирасида инсонийлик мезонлари соҳасидаги мажбуриятларнинг бажарилиши устидан назоратни ва ёрдамни амалга оширади.

ДИИХБ мулоқотлар пункти хисобланиб, ЕҲҲТнинг ихтисослаштирилган семинарларини ўтказишни таъминлайди, шунингдек икки йилда бир маротаба ўтказиладиган "инсонийлик мезонлари" масалалариги бағишланган ЕҲҲТ музокараларини ва йилига бир марта ташкил этиладиган инсонийлик мезони бўйича семинарларни ўтказишда ташкилий ишларни амалга оширади.

Юзага келиши мумкин бўлган низоларнинг олдини олиш ва бартараф этиш борасида алоҳида муҳим ролни Миллий озчилик бўйича Олий бош комиссар эгаллайди. Унинг ваколатига миллий озчиликлар билан боғлиқ вазиятларни таҳлил этиш ва дастлабки босқичидаёқ мураккаб вазиятларни бартараф этиш ҳамда миллий озчиликларни кўллаб-куватлаш бўйича чораларни кўриш киради. У консультациялар (маслаҳатлар) бериш ва тавсиялар тайёрлаш орқали томонларни муросага келишга жалб этади.

Хозирги кунда умумэтироф этилган инсон хуқуqlари ички давлат органлари ваколатлари доирасидан кенгрок миқёсда қаралиб, бутун бир ҳалқаро ҳамжамиятнинг умумий ишига айланиб ултурган. Мазкур хуқукларнинг тан олиниши ушбу давлатларнинг конституциясида қайд этиб кўйилганлиги ёки қайд этилмаганлигидан қатъий назар инсон хуқуqlари соҳасида ҳалқаро хуқуқнинг ички давлат хуқуқига нисбатан устуворлиги ҳалқаро хуқуқнинг умум тан олинган принципи сифатида эътироф этилади.

Евropa миқёсида умумэтироф этилган инсон хуқуqlariga риоя этиш ва уларни тартибга солиш муайян нормалар ва институтлар тизими доирасида амалга оширилади. Бу индивиднинг қонуний хуқукларини тартибга солувчи ва уларнинг Евropa Кенгаши, Евropa Иттифоқи ҳамда EXХТ доирасида, миллий хуқуқдан ташқарида мустаҳкамловчи нормалар ва принциплар мажмуми ҳисобланади.

Ўз хусусиятига кўра Инсон хуқуqlari бўйича европа хуқуқи суверенлик, федерализм, миллийлик, шунингдек умумий ва континентал ҳуқуқ нормалари ўзаро чамбарчас бўлган хуқуқ ҳисобланади. Унинг механизми ва тузилишига турли хил тартибга солиш хуқуқий режимлари ҳамда турли даражадаги муҳофаза юрисдикцияси хос.

Инсон хуқуqlari масаласи Ягона Евropa хуқуқий маконини барпо этишда муҳим интеграциявий элемент ҳамда умумий платформага айланган. Мазкур жараёнда Евropa Иттифоқи хуқуқий тизими ва Инсон хуқуqlari ва асосий эркинликлари тўғрисидаги конвенциянинг ўзаро бир-бирини яқинлаштиришда Евropa судларига муҳим роль ажратилган. Шу сабабли, Европадаги суд муассасаларининг ўзаро фаолияти муаммоси биринчи даражали масалалардан ҳисобланади. Мазкур муаммо эса ҳамкорлик ҳамда мувофиқлаштириш механизмини яратиш йўли орқали ҳал этилиши мумкин.

ХУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАР УЧУН ИНСОН ХУҚУҚЛАРИНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИ

9.1. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини тартибга солувчи халқаро-ҳуқуқий хужжатларнинг умумий таснифи ва характеристикаси

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17-моддасида кўйидаги қоида белгилаб қўйилган: “Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектидир. Унинг ташки сиёсати давлатларнинг суврен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидалари ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланади.

Республика давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузиши, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириши ва улардан ажralиб чиқиши мумкин”:

Ўз ўрнида диққатни яна бир бор шунга қаратиш керак-ки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактда ўрнатилган инсон ҳуқуқлари нормаларининг акс эттирилиши, ушбу халқаро хужжатларга “*jus cogens*” характеристини беради.

Шу ерда қайд этиш керакки, БМТ Устави, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт каби хужжатларда ўрнатилган тамойил ва меъёрларни ўзига концептуал асос килиб олиб, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини такомиллаштиришнинг комплекс тадбирларни ўзида жамлаган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 10 марта “Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш дастури тўғрисида”ги ПҚ-24-сонли Қарорининг қабул қилиниши ҳам бежиз эмас.¹

1 Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш дастури тўғрисида”ги Қарори 2005 й. 10 март ПҚ-24//Фуқаролик жамияти, Гражданское общество. Civil

Инсон ҳуқуқлари халқаро нормалар ва миллий қонунчиллик хужжатлари билан ҳимояланган бўлиб, бу юридик ҳимоя ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг барча жабҳалари, шу жумладан ИИБга ҳам тааллуқлидир. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя килиш ва уларга риоя қилиш — ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ишининг муҳим қисми, дейиш мумкин, чунки бу органлар ўз вазифаларини бажараётганда инсон ҳуқуқларини нафақат ҳурмат қилиши, балки уларни фаол ҳимоя қилишлари ҳам зарур. Бундан ташқари, демократик-ҳуқуқий давлатларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг самарали иши, уларнинг инсон ҳуқуқларига қай даражада ҳурмат қилиши ҳамда уларга риоя этишига боғлиқ. Яъни, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва фуқаролар ўртасидаги муносабат, инсон ҳуқуқларининг ҳокимият томонидан муҳофаза қилиниш даражаси демократик жамият кўрсаткичи ҳисобланади.

Инсон ҳуқуқларига риоя қилиш ва уларни ҳимоя қилиш муаммоси — бу ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти самарадорлиги муаммосидир. Чунки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг асосий функциялари — ижтимоий тартибни сақлаш, жиноятчилик билан курашиб, жиноий ишларни тергов қилиш, муҳтоҷ бўлганларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатишдир. Ушбу вазифалардан биронтасини ҳам фуқаролар билан ҳамкорликсиз ҳал қилиб бўлмайди. Инсон ҳуқуқлари тизимли тарзда бузилиб келаётган давлатда фуқароларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга нисбатан ишончи йўқолишини ва шу сабабли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти самарадорлиги пасайишини кузатиш мумкин.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг самарадорлиги ва профессионаллиги муаммоси нафақат инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан, балки ҳар бир ходимнинг хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ. Ҳуқуқий тартиботни муҳофаза қилувчи мансабдор шахснинг ҳаёти ва хавфсизлигига таҳдид, жамият барқарорлигига таҳдид сифатида қаралиши лозим.

Шу пайтгача биз инсон ҳуқуқлари бўйича асосий, умумэътироф этган халқаро хужжатлар ҳақида гапирдик ва таҳлиз қилдик (Инсон ҳуқуқлари умумжахон декларацияси, халқаро пактлар ва ҳоказо). Инсон ҳуқуқлари уларда тамойиллар, асосий меъёрлар сифатида баён этилган.

Агар уларнинг ичидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга тааллуқли бўлган меъёрларни ажратиб оладиган бўлсақ, улар асосан таъқиқ ва чеклашлар эканлигини кўрамиз (шахс эркинлиги ва хавфсизлиги, адолатли судлов тамоилини бузмаган ҳолда тергов олиб бориш).

Аммо шундай ҳужжатлар ҳам мавжудки, уларда бу умумий тамойил ва қоидалар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини турли жабҳаларига оид батафсил қўлланма ва қоидалар сифатида берилган.

БМТ тизимида (Жиноятчиликни олдини олиш бўйича конгрессда) турли вактларда юридик кучи, субъектларга йўналтирилганлиги, фаолият доирасидан келиб чиқиб фарқланувчи, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини тартибга соладиган халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган.

Халқаро-хуқуқий хужжатларда акс эттирилган хуқуқни мухофаза қилувчи органлар учун инсон хуқуқларининг халқаро стандартларини қўйидаги асослар бўйича таснифлаш мумкин:

1. Фаолият доираси бўйича:

а) Ишларни судгача дастлабки тергов қилувчи прокурор, терговчи ва суринтирувчиларга мўлжалланган хужжатлар:

- Суд таъкибини амалга оширувчи шахслар фаолиятига тааллуқли тамойиллар;
- Хуқуқни таъминловчи мансабдор шахсларнинг ўзининг хулқ атвор кодекси;
- Куч ва ўқ отиш куролини ишлатишнинг асосий тамойиллари.

б) Пенитенциар муассасаларга тааллуқли хужжатлар:

- Ўқ отиш куролидан фойдаланишининг минимал қоидалари;
- Махбуслар билан муюмала қилишнинг асосий тамойиллари.

в) Адвокатлар (химоячилар)га тааллуқли хужжатлар:

- Хуқуқшунослар ролига тааллуқли асосий тамойиллар.

г) Вояга етмаганлар хуқуқларини ҳимоя қилувчи хужжатлар:

- “Бола хуқуқлари тўғрисида”ги конвенция;
- “Озодликдан маҳрум қилинган вояга етмаганларни ҳимоя қилувчи БМТ қоидалари”.

д) Судлар ва судьялар учун хужжатлар:

- Судларнинг мустақиллигининг асосий тамойиллари.

2) Юридик кучига кўра:

- а) мажбурий юридик кучга эга бўлган хужжатлар;
- б) мажбурий юридик кучга эга бўлмаган меъёр-тавсиялар.

Мажбурий юридик кучга эга бўлган воситалар — бу пакт ва конвенция деб аталувчи хужжатлардир. Улар универсал ёки минтақавий, умумий ёки муайян масалаларга тегишли бўлиши мумкин. Инсон хуқуқларининг турли жабҳаларига тааллуқли бўлган, умумий характердаги икки мухим халқаро шартнома — бу “Фуқаролик ва сиёсий хуқуқлар тўғрисида”ги ҳамда “Иқтисодий, ижтимоий ва маданий хуқуқлар тўғрисида”ги халқаро пактлардир. Минтақавий шартномаларга Инсон хуқуқ ва эркинликлари тўғрисидаги Европа конвенцияси, Инсон ва халқлар хуқуқлари тўғрисидаги Африка хартияси ва бошқа шартномалар киради.

Давлатлар бирор масалага тегишли бўлган шартномаларни имзолаши мумкин. Уларга, мисол учун Ирқий камситишнинг барча турларини йўқ қилиш тўғрисидаги халқаро конвенция, Геноцид жиноятини олдини олиш ва у бўйича жазога тортиш тўғрисидаги конвенция, Бола хуқуқлари тўғрисидаги конвенция, Хотин-қизларга нисбатан камситишнинг барча кўринишларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенциялар киради.

Тавсиявий характерга эга бўлган айрим хужжатлар бевосита хуқуқни мухофаза қилувчи органлар фаолиятига ҳам тегишли бўлиши мумкин. Хусусан уларга:

- Хуқуқни таъминловчи мансабдор шахсларнинг хулқ атвори бўйича БМТ Кодекси;

- Европа Кенгашининг полиция тўғрисидаги декларацияси;
- Ҳуқуқни таъминловчи мансабдор шахслар томонидан куч ва ўқ отиш куролини қўллаш бўйича БМТ асосий тамойиллари.

Маҳбуслар билан муомала қилишнинг минимал стандарт қоидалари 1955 йилдаги БМТнинг Жиноятчиликни олдини олиш ва ҳуқуқбузарлар билан муомала қилиш бўйича биринчи Конгрессида қабул қилинган.

1971 йил БМТ Бош Ассамблеяси иштирокчи давлатларга ушбу қоидаларни пенитенциар ва ахлоқ тузатиш идораларни бошқаришда самарали қўллаш ҳамда уларни миллий қонунчиликка татбиқ этиш масаласини ижобий ҳал қилишни тавсия этган.

1976 йил Бош Ассамблея Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ)га Ушлаб туриш ва қамоқда сақланишнинг ҳар қандай шаклларига дучор бўлган шахсларни ҳимоя қилиш учун тиббий этика Кодексининг лойиҳасини ишлаб чиқишини таклиф этди. 1982 йили ЖССТ, Халқаро илмий тиббий ташкилотлар Кенгashi ва Халқаро тиббий ассамблея кўмагида Бош Ассамблея Тиббий этика тамойилларини ишлаб чиқиб, қабул қилди. **Ушбу Тамойиллар тиббиёт ходимлари, айниқса, шифокорларнинг ушлаб турилган ва қамоқда сақланётган шахсларни қийноқ ва муомала ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки инсон шаъни ва қадр-қимматини камситувчи турларидан ҳимоя қилишдаги ролига тааллуқлидир.**

1983 йили Бош Ассамблея барча ҳукуматларни тиббиёт ходимлари, ушлаб туриш ва қамоқда сақлаш ҳуқуқига эга идоралар ходимлари томонидан мазкур Тамоилларга риоя қилинишини таъминлашга чақириди.

1985 йили БМТнинг Жиноятчиликни олдини олиш ва ҳуқуқбузарлар билан муомала қилиш бўйича Еттинчи Конгресси **вояга етмаганларга нисбатан судловни амалга ошириш бўйича БМТнинг Минимал стандарт қоидалари ёки “Пекин қоидалари”ни** тайёрлади ва Бош Ассамблеяга қабул қилиш учун тавсия этди. Ушбу Қоидалар жавобгарликка тортиш мумкин бўлган минимал ёш, вояга етмаганларни судлов қилишнинг мақсадлари, вояга етмаганларга нисбатан судловни амалга оширишнинг самарали, одил, инсоний тавсифлари ҳамда инсон ҳуқуқларининг қўлланиши лозим бўлган тамойилларига тааллуқлидир. Шунингдек, мазкур Қоидалар вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларни тергов қилиш ва одил судловни амалга ошириш ҳамда судгача қамоқда сақлаш масалаларини ҳам қамраб олди. Умуман олганда, Қоидаларда вояга етмаганларни жазолашда уларни ахлоқни тузатиш муассасаларига юборишини минимал даражада қўллаш тавсия этилган. Қоидаларда, шунингдек, жазони ўташ муассасаларида вояга етмаганлар ҳуқуқларини таъминлаш масалалари ҳам мустаҳкамланган.

Бош Ассамблея ушбу Қоидаларни 1985 йили қабул қилди ҳамда давлатларга уларни барча тегишли ҳолларда қўллашни, тегишли идоралар, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва аҳолига етказиб беришни тавсия этди.

Мазкур ҳужжатлар юридик жиҳатдан мажбурий кучга эга бўлмаса ҳам, мажбурий ҳужжатлар қоидаларига алоҳида ургу беради ва кучайтиради ҳамда

инсон ҳуқуқлари стандартларининг батафсил рўйхатини ўрнатиб, мамлакатларга ҳамда уларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан мазкур қоидаларга риоя этишига ёрдам беради.

Юқоридаги ҳужжатларнинг аҳамияти шундаки:

Биринчидан, улар давлатларнинг миллий қонунчилигини ишлаб чиқиша таомиллаштиришда модель, стандарт вазифасини бажаради;

Иккинчидан, ушбу ҳужжатлар халқаро ташкилотлар (БМТ, ЕХХТ ва б.) учун давлатлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари тизимининг демократилик даражасини аниқлаш стандартлари ҳисобланади;

Учинчидан, мазкур ҳужжатларнинг мазмуни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларига маълум бўлиши лозим, чунки улар ушбу органларда ишлаб чиқилаётган ички буйруқ, йўриқнома ва тавсиялар учун асос бўлиши мумкин.

9.2. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларни амалга ошириш

Ўзбекистонда жамиятни демократик қайта қуришнинг ҳозирги шароитларида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар олдида турган ҳар қандай вазифаларни ҳал килиш, ҳар доим инсон ҳуқуқларини олий қадрият сифатида конституциявий эътироф этишни, умум эътироф этилган халқаро ҳуқуқ принциплари ва нормаларига мувофиқ уларни конституциявий кафолатлашни ҳисобга олиш асосига қурилиши лозим. Бевосита инсон ҳуқуқлари кафолатларига тааллуқли халқаро стандартларни амалиётда кўллаш ҳали ҳам долзарб муммомлардан бири сифатида колиб келмоқда.

Ички ишлар органларини ҳам қўшган холда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятига бевосита тааллуқли маҳсус халқаро ҳужжатлар ходимларни тарбиялашда ва уларнинг профессонал фаолиятида мухим рол ўйнамоқда. Шаклан улар тавсиявий хусусият касб этса-да, бироқ, кўплаб давлатлар, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси томонидан ҳам улар, расмий равишда ижро этишига қабул қилинган. Уларни ходимлар томонидан билиш, уларнинг умумий ва касбий маданиятини ошириш, хизмат этикаси нормаларига риоя қилиш, фуқаролар билан ишлаш фаолиятини инсонпарварлаштириш мақсадларида жуда мухим ҳисобланади. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тааллуқли бўлган ҳужжатларга қўйидагиларни киритиш мумкин: Ҳуқуқ тартиботни қўллаб-куватлаш бўйича мансабдор шахсларининг этикаси кодекси (1979 йилда БМТда қабул қилинган), Ҳуқуқ-тартиботни саклаш мақсадида мансабдор шахсларнинг куч ва ўқотиш қуролини кўллашнинг асосий тамойиллари (1990 йилда, БМТда қабул қилинган), Полиция тўғрисидаги декларация (1979 йилда, Европа Кенгашида қабул қилинган) ва бошқалар.

Кайд этиб ўтилган ва тартибга солиниши нуқтаи назаридан уларга яқин бўлган ҳужжатлар бўйича (улар, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясида тайёрланганни ҳам қўшган холда, тегишли тўпламларда нашр этилган),

уларни шахсий таркиб ичидә оммавијаравишида марказлаштирилган ҳолда тарқатиш бўйича объектив мураккабликларни ҳисобга олмаган ҳолда, айтиши мумкинки, уларни хозирги пайтда бемалол топиш имконияти мавжуд.

Мазкур хужжатларнинг фундаментал қоидалари орасида қўйидагиларни кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқ: ҳар кимнинг ҳуқуқлари ва қадр-қимматини сўзсиз хурмат қилиш ва ҳимоя қилиш (Кодекснинг 2-моддаси); қийноқ ёки бошқа шафқатсиз, гайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ва жазо турларини қўллашга йўл қўймаслик, шунингдек уларни юқори турувчи шахсларнинг қарорларига ёки истисно этувчи ҳолатларга (уруш, сиёсий нобаркарорлик ва бошқалар) хавола қилган ҳолда оқлашга йўл қўймаслик (Кодекснинг 5-моддаси); ўз вазифаларини амалга оширишида, имкони борича, охирги заруриятда куч ёки ўқ отиш қуролини қўллаш вазиятигача зўрлик ишлатмаслик воситаларидан фойдаланиш (Асосий принципларнинг 4-моддаси); ноконуний равишида куч ёки ўқ отиш қуролини қўллашдан воз кечган ёки бошқаларга бундай қўллаш тўғрисида хабардор қилувчи мансабдор шахсларга жиноиј ёки интизомий чоралар қўлламаслик (Асосий принципларнинг 25-моддаси).

Бундай қўрсатмалар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар амалиётида принципиал йўналиш бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бу қоида ва принципларнинг барчаси у ёки бу шаклда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини тартибга солувчи қўплаб қонуности хужжатларида мустаҳкамлаб қўйилган.

Мустақилликка эришилгандан сўнг, Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари халқаро стандартларга содиклик томонига кескин берилди. Бу биринчи ўринда, демократик ислоҳотлар билан, ҳуқуқий давлатчиликни шакллантириш билан, сиёсий ва мағкуравий плюрализмни эълон қилиш билан ва, ниҳоят инсоннинг, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини олий қадрият деб, конституциявий тарзда эътироф этиш билан боғлиқдир.

Қонунларни, уларни маънно, мазмунини ва қўллашни белгилаб берувчи ажralmas ҳуқуқларнинг даражасида расмий мустаҳкамлаш бўйича қонунчилик ва ижро ҳокимиятининг фаолияти, бу ҳуқуқларни кафолатлаш ҳар бир давлат ҳокимиятини органлари каби, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида қонунчиликни кўрсаткичининг муҳим кўрсаткичи ва омили эканлигини ҳеч бир муболагасиз қайд этиш мумкин.

Ўзбекистонда ҳуқуқий давлатнинг шакллантириш бевосита қонунийлик режимини таъминлаш муаммоси билан билан бевосита боғлангандир. Қонуний режими тушунчаси остида кенг маънода, авваломбор, давлат ҳокимиятининг ўзи томонидан, унинг органлари ва мансабдор шахслари томонидан, шунингдек кенг жамоатчилик томонидан демократик қонунларга қаттиқ ва сўзсиз риоя қилиш талаби тушунилади. Мустаҳкам қонунийлик давлатнинг ривожланганлиги ва демократик эканлигининг жиддий кўрсаткичи, ижтимоий-иқтисодий қайта куришда тараққиёт гарови, ниҳоят инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ва уларни муҳофаза қилишининг кафолати ҳисобланади. Қонунийлик масалаларини ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари фаолияти-

га, айниқса, бунинг устига “харбийлашган” ҳисобланувчи ички ишлар органдарының мүнисипалитеттеги күллаш, сўзсиз долзарб ҳисобланади.

Давлат аппаратида жиноятчиликка қарши қурашиш, жамоат тартибини муҳофаза қилиш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, инсон ҳукуқлари ва эркинликларини химоя қилиш ва бошқа шу каби вазифаларни бажаришда ҳукуқни муҳофаза қилувчи органлар ўзига хос маҳсус ўринни эгаллади. Бу эса, уларга, иш олиб боришнинг тезкор-қидирув услублари, мажбурашнинг турфа хил воситалари, ҳукукбузарларга нисбатан ўқ отиш куролларини күллашгача даражада қаттиқ куч билан таъсири кўрсатиш каби ўзига хос давлат-ҳокимиётчилик ваколатлари бекордан бекорга берилмаганлигини кўрсатади. Буларнинг ҳаммаси, ҳукуқни муҳофаза қилувчи органлар ўзларининг ҳукуқни муҳофаза қилиш бўйича кенг ваколатларини амалга оширишида қонунийлик ва инсон ҳукуқларига риоя қилиш масалаларини кескин қилиб қўйишига сабаб бўймокда. Ҳукуқни муҳофаза қилувчи органлари инсон ҳукуқлари ва эркинликларини кафолатлаш бўйича ўз ваколати ва мажбуриятларини амалга оширишида, мазкур органлар ва уларнинг ходимлари ишида қонунийликка риоя қилиш аҳволининг хусусиятини кўрсатиб берувчи бундай фаолиятнинг қатор асосий йўналишлари (томонлар)ни ажратиб кўрсатиш мумкин.

Кўриб чиқилаётган масалада шахснинг ҳуқук ва эркинликлари билан боғлиқ равища қонунийлик муаммосининг учта блоки принципиал равища мухим, улар қуидагилар билан боғлиқдир:

биричидан, уларни химояси (муҳофазаси) билан;

иккинчидан, уларни амалга оширилишини таъминлаш билан;

учинчидан, уларга риоя қилиниши билан.

Мазкур масалаларни бир-биридан ажратган ҳолда кўриб чиқиш жуда қийиндир, чунки уларни бир-биридан тўла ажратган ҳолда ҳал қилиб бўлмайди (мисол учун, жабрланувчининг жиноий йўл билан бузилган ҳукуқларини терговчи, айборнинг химояга бўлган ҳукуқини таъминлаб бериши керак, унинг айбиззлик презумпцияга бўлган ҳукуқига ва бошқа ҳукуқларига риоя қилиши шарт). Шу билан бирга, ҳар бир гурӯҳ масалалар ўзининг функционал спецификасига эга, яъни, бир томондан қонунийликка риоя этилишининг кўрсаткичлари бўлса, иккинчи томондан эса қонунийликни бузилиши оқибатларининг кескин эканлиги ва бошқалар.

Шахс ҳуқук ва эркинликларининг кўрсатиб ўтилган кафолатлари амалиётда деярли равища шаклланди, қонунчиликнинг матнидан келиб чиқилмоқда, айрим ҳолларда эса унинг маъносидан келиб чиқлади. Мисол учун, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра, инсон ва фуқаро ҳукуқлари ва эркинликларига риоя қилиш ва улани химоя қилиш — давлатнинг мажбуриятидир.

Инсон ҳукуқлари ва эркинликларига риоя қилиш ҳукуқни муҳофаза қилувчи органларидан фаол ҳаракатларни талаб қилмасдан, балки, инсон ҳукуқлари ва эркинликларини бузилишига имкон берувчи ёки уларни бузадиган ҳаракатларга йўл қўймасликни талаб этиши, шахс ҳукуқларига риоя этишнинг ўзига хос томонлари ҳисобланади. Кенг маънода айтганда эса, инсон ҳукуқлари ва эркин-

ликларининг рўйхатини Конституцияда ва қатор тармоқларо нормаларда мустаҳкамлаб қўйилишига тааллуқлидир. Ходимлар томонидан биринчи ўринда, қўйидаги хукуқларга сўзсиз ва ҳеч қандай қаршиликсиз риоя этилиши шарт: шахснинг шаъни ва қадр-қиммати, қийноққа солишдан, зўрлик ва шафқатсиз муомала қилинишдан эркинлиги, шахсий ҳаётининг дахлсизлиги хукуқи, шахсий ва оилавий сир сақлаш хукуқи, айбисзлик презумпцияига бўлган хукуқи ва бошқалар. Иккинчидан, айрим ҳолатларда хусусан, жиноятни бартараф этиш, очиш ва тергов қилиш ҳолатлари билан боғлик равища конун бўйича чекланиши мумкин бўлган айрим хукуқ ва эркинликларга риоя этишнинг ўзига хослиги ҳисобланади. Буларга, шахсий дахсизлик хукуқи, уй-жойнинг дахлсизлиги, ёзишмаларнинг сир сақланиши, телефонда сўзлашувларнинг сир сақланиши ва бошка шу кабилар киради.

Нихоят, кўриб чиқилаётган ҳолатда, ҳар кимнинг яшаш хукуқи, каби нафақат каттиқ рвишда риоя қилиниши, балки ўз ваколатларидан келиб чиккан ҳолда, хукуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан фаол муҳофаза қилиниши лозим бўлган хукуқлар алоҳида муҳим ўрин эгаллайди. Конуний равища курол ишлатиш билан инсон ҳаётига муқаррар равища таҳдид солиш хавфи иложи борича минимал бўлиши ҳамда бартараф этилаётган жиноятдан кутилаётган оқибат билан мутаносиб бўлиши керак.

Муаммо жуда ҳам кескин ва долзарбdir, чунки ўз олдида турган вазифаларини бажариши жараёнида ходимлар кўпинча инсон хукуқлари ва эркинликлари билан тўқнаш келадилар. Алоҳида жаноят-процессуал ҳаракатларни (тинтуб, олиб қўйиш, мулкни хатлаш, айборни камокка олиш ва бошқалар), тезкор-кидирув чора-тадбирларини ўтказиш, маъмурий мажбурлаш чораларини қўллаш (хужжатларни текшириш, транспортни текшириш, шахсни ушлаш, жарима қўллаш, ҳайдовчилик гувоҳномасидан маҳрум қилиш ва бошқалар); ва, нихоят, жисмоний куч ишлатиш, маҳсус воситалар ва ўқ отиш куролларини қўллаш, коидага кўра, фуқароларнинг маълум ҳаётий фаолиятига аралашув, уларнинг хукуқ ва эркинликларини чеклаш, моддий жиҳатдан маҳрум қилиш, ҳаттоқи уларнинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солиш каби ҳолатлар билан боғликдир.

Бундай турдаги ҳаракатларнинг (албатта, булар учун далилий асослар бўлган тақдирда) конунийлигининг биринчи даражали шартлари ҳатти-ҳаракатларни қонунчиликда кўзда тутилган максадларга эришиш ва вазифаларни ҳал этиш учунгина амалга ошириш, шунга тенг равища ўрнатилган процедуралар ва тартибларга риоя қиласа ҳолда ҳатти-ҳаракатни содир этиш, бундай ҳаракатларни инсоннинг асосий хукуқлари билан ўзаро мутаносибилига хизмат қиласи.

Бирор бир шахсга нисбатан асоссиз куч ишлатишга, ҳокимият томонидан индивиднинг хукуқларини чеклашга йўл қўйилмасликнинг истисносиз муҳим аҳамиятга эга эканлиги айбисзлик презумпциясининг шак шубҳасиз умумий принципи ҳисобланади. Жиноят содир этишда айбланаётган ҳар бир айбланувчи, унинг айби қонунда кўзда тутилган тартибда исботланмас ва суднинг ҳукми қонуний кучга кирмас экан, у айбор ҳисобланмайди. Ҳокимият

томонидан мажбуrlаш чоралари канчалик қаттиқ қўлланса, “қонунийлик” — “инсон ҳукуқлари” боғланиши шунчалик қаттиқ бўлишлиги, дикқатга сазовордир. Қиймати бир хил бўлган, биттасига риоя қилмаслик, иккинчисига риоя қилмасликка олиб келади. Мисол учун, шахсни қамоққа олишнинг, ҳар доим салбий томонлари борлиги шак-шубҳасизdir: шахс эркин бўлмайди; оиласдан ажралиб қолган бўлади; атрофдагилар олдида обрўсизланади, чунки, “айбдорлар қамалмайди” деган фикр тарқалган (ва, бу фикр, кейинчалик қамоқдан озод қилинганда ҳам, айrim вақтларда сақланиб қолмоқда); ишлаш имкониятидан ва ҳаёт учун пул топиш имкониятидан маҳрум бўлмоқда. Қамоққа олиш инсоннинг (айниқса, айбсизни) газабини келтиради, унинг иродасини синдиради, соғлиғига зарар етказади, инсонга ва унинг оиласига маънавий ва моддий зарар етказади. Агар, қамоққа олиш ноконуний бўлса, унда албатта, конституциявий ҳукуқ ва эркинликларни ва шахсий даҳлсизликни, яхши обрўсини, соғлиғини, кўчиб юриш ва бошқа ҳукуқларнинг бузилишига олиб келади. Йўлйўлакай қайд этамизки, фуқарони қамоққа олинишининг асоссизлиги, қонунга зид эканлиги расмий равиша аниқланса, уни озодликка чиқиши билан унинг янги муаммолари — реабаилитация (ижтимоий кўнікма) олиши ва етказилган зарар учун товон пули олиш муаммолари пайдо бўлади.

Ҳукуқни муҳофаза килувчи органлар фаолиятига оид меъёрий-ҳукукий хужжатлар кўпинча инсон ва фуқаронинг ҳукуқ ва эркинликларига қўлланиладиган у ёки бу харакатларнинг қонунийлиги тўғрисидаги айrim фундаментал қоидаларни аниқлаштиради ва белгилаб беради. Умуман олганда, ҳукуқни муҳофаза килувчи органлар ходимлари инсон ҳукуқ ва эркинликларини чеклаш билан боғлиқ бўлган ҳамма ҳолатларда инсонга, унинг ҳукуқ ва эркинликларини чеклашнинг асослари ва сабабларини, шу билан боғлиқ равиша унда вужудга келадиган ҳукуқлар ва мажбуриятларни тушунтириб беришлари лозим. Қайд этиш керакки, бундай ҳукукий тартиб, ушлаш ва қамоққа олишнинг асосий шарти ҳисобланади.

Хусусан, АҚШда бундай ҳолат, 1966 йили Олий суднинг машҳур “Миранда Аризона штатига қарши” иши бўйича қарор чиқаришига сабаб бўлди. Ўша пайтда, суднинг қарори (зўрлаш ва босқинчилик тўғрисидаги) ушланган шахсга, унинг ўзига нисбатан маълумотлар беришдан воз кечиши ҳукуқи, адвокат билан учрашиш ва сўралётган саволларга адвокат олдида жавоб бериш ҳукуқи, шунингдек, ушланганнинг маълумотлари судда унга қарши ишлатилиши мумкинлиги тўғрисида полиция ходимлари томонидан огоҳлантирилмаганлиги учун ҳам бекор қилинган эди. АҚШ Олий суди қарорининг мазкур прецедент кучидан келиб чиқиб, полиция ўзига, уни “Миранда ишидан огоҳлантириш” (“Miranda Warning”), деб номлаб, кўчирма қилиб олди ва барча полиция ходимларини гумонланувчиларни (ушланганларни), ўз ҳукуқлари билан таништириш мажбуриятини юклadi. Мазкур қоидани қўлламаслик, полиция фаолиятида қонунийликни бузилиши деб ҳисобланади ва шу билан бир қаторда олинган “исботлар”, ўз кучини йўқотади, уларга асосланган суд ҳукми бекор қилинади.

Демак, хукукни муҳофаза килувчи органлар ходимларининг инсон хукуклиари ва эркинликлари кафолатлаш бўйича ўзларининг ҳар томонлама ваколатлари ва мажбуриятларини лозим даражада амалга ошириши улар фаолиятини қонуний эканлигининг муҳим кўрсаткичи экан. Ўз навбатида, ходимлар томонидан қонунийлик табабларига риоя қилиш инсон ва фуқаронинг хукуқ ва эркинликларини амалга оширилишининг самараадорлигига ҳам етарли даражада таъсир кўрсатади. Айни, мазкур ҳолатда аҳолининг хукукни муҳофаза қилувчи органларга нисбатан муносабати шаклланади ва ишончи ортади.

Хулосалар шак-шубҳасиздир. Хукукни муҳофаза килувчи органлар фаолиятида қонун бузилиш ҳолатлари жамият учун икки баробар ҳавфидир: тўғридан-тўғри зўравонлик ишлатиш билан муайян шахсга бевосита зарар етказиш ёки қонунда талаф қилинган ёрдамни кўрсатмаслик йўли билан зарар етказишдан ташқари, улар фуқароларда хукукий нигилизмни, хукукни муҳофаза килувчи тизимга ишончсизликнинг туғилишига олиб келади. Бундай қилмишлар давлатдаги бутун қонунийлик режимига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Инсонлар хукукнинг кучига, хукукни муҳофаза килувчи органларнинг тартибга риоя қилишига ва ўз ваколатига мослигига, ва ниҳоят ўзларини жиноий тажовузлардан химояланганингига, ўз хукуқ ва эркинликларини химоя қилиш имкониятларига бўлган ишончини йўқотади. Ҳаттоқи, жиноятчига нисбатан ҳам хукукий нормаларни бузилиши — бу нафқат, унинг хукуқларини, балки Қонун билан бошқариладиган мамлакатдаги ҳар бир фуқаронинг ҳаётга бўлган хукукларини поймол қилишdir.

Афсуски, ҳалигача бази ходимлар ҳар доим ҳам инсон хукуқларининг мазмун, моҳиятини, унинг қадрини тушунмайдилар уларни эса, қандайдир декларатив (тавсиявий) ва “биз учун тўғри келмайди” хукукни муҳофаза қилишга оид вазифаларни ҳал қилишдаги асосий восита деб, инсон хукуқлари ва асосий эркинликларини инкор этиб келадилар. Шу ерда ходимлар ривожланган жамиятда, фуқаролар хукукни муҳофаза қилувчи органлар учун эмас, балки хукукни муҳофаза қилувчи органлар солиқни тўловчи-фуқаролар учун керак эканлигини принципиал равиша тушунишлари керак, холос. Кўплаб ривожланган демократик давлатлардаги хукукни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг амалиёти билан танишиш, шуни кўрсатмоқдаки, одамлар, улардаги хукукни муҳофаза қилувчи органларни, улар авваломбор инсон хукуқларини ҳурмат қилишлари учун ҳам ҳизмат қилишади.

Қайд этиш керакки, Ўзбекистон Республикасининг хукукни муҳофаза қилувчи органлари, хусусан ички ишлар органлари, ўз фаолиятида қонунийликни мустаҳкамлаш, инсон хукукларига риоя қилиш бўйича кўп сайд-ҳаракатлар қилмоқда. Бунга, қонунийлик масалаларига таалукли маҳсус идоравий меъёрий-хукукий ҳужжатларни қабул қилиниши мисол бўлиши мумкин. Жумладан, бу — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазириининг 2011 йил 4 июлдаги “**Ички ишлар органлар ходимларининг қасбий маданиятини тўғрисида**”ги № 96-сонли буйруғидир.

9.3. Ички ишлар органлар вазифаларини ҳал этишда инсон хуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш

Хукукий давлатда шахснинг хуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, шунингдек хуқуқбузарликларнинг олдини олиш, бартараф этиш ва тергов қилиш қонуний воситалар ёрдамида олиб борилиши лозим. Давлатнинг барча ҳокимият-ижро этувчи тузилмалари ва айниқса, ички ишлар органлари (ўз ваколатлари доирасида) фукароларнинг хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини амалга оширишни таъминлаб бериши, уларни ҳимоя қилиш функциясини амалга ошириши лозим. Бироқ, мазкур хуқуқларни ҳимоя қилиш, бутунлай хуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юклатилади, улар орасида ички ишлар органлари алоҳида ўрин эгаллади.

Ички ишлар органлари олдида турган асосий вазифаларга қўйидагилар киради:

- фукароларнинг шахсий хавфсизлигини таъминлаб бериш;
- жиноятлар ва маъмурий хуқуқбузарликларни ўз вақтида олдини олиш ва бартараф этиш;
- жиноятларни тезда ва тўла очиш; жамоат тартибини муҳофаза қилиш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш;
- мулкни ноқонуний тажовузлардан ҳимоя қилиш;
- ўзининг қонуний хуқуқ ва манфаатларини амалга оширишида фукароларга, мансабдор шахсларга ва бошқа субъектларга хукукий ва ташкилий ёрдам кўрсатиш ва бошқалар.

Ички ишлар органларининг тузилмавий бўғинларининг иш фаолияти, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан мустаҳкамланган хуқуқларга таҳдид солаётган турли хил хуқуқбузарликларга қарши кураш олиб боришга қаратилган.

Фаолиятнинг кўрсатиб ўтилган турларининг мазмуни ва хусусияти турли хил бўлишига қарамай, шахс хуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича вазифаларга тааллуқли асосий принийилар, шакллар ва усуллар бир хил ҳисобланади ва факатгина тафсилотлардагина фарқланади, холос. Ҳокимият ваколатига эга бўлган ички ишлар органларининг фаолияти, қонунда улар учун белгилаб қўйилган хукукий шакллар доирасида амалга оширилади. Бундай шаклларга, турли мазмунга эга бўлишига қарамай, бир бири билан яқиндан боғланган ва ўзаро таъсир қўрсатувчи ташкилий ва юридик шакллар киради. Ундан ташқари, уларнинг ҳар бири ўзида, бошқасига тааллуқли бўлган элементни ҳам олган бўлиб, айрим холларда уларни фарқлаш жуда ҳам қийин кечади.

Бу, ички ишлар органларининг тузилмавий-функционал тузилмасининг икки томонлама хусусиятга эга эканлигидан дарак беради. Улар ўзининг эгаллаб турган холати бўйича давлат бошқаруви органлари тизимиға киради ва шу роли билан ҳокимият бошқарувчилик ваколати соҳиби сифатидаги ваколатини амалга оширади ҳамда ўз кучлари ва воситаларига нисбатан ҳам, шунингдек,

ташқи муҳитга нисбатан ҳам бошқарувчилик тизимини ташкил этувчи бўлиб ваколтини амалга оширади.

Ундан ташқари, фуқароларнинг хуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳар қандай таҳдидлардан ҳимоя қилиш мажбурияти юклатилган хуқуқни муҳофаза қилиш тизимининг фаол звеноси ҳам ҳисобланади.

Қайд этиб ўтилганидек, фаолиятнинг юридик ва ташкилий шакллари ўртасидаги чегара анча ноаниқдир, чунки улар кўпроқ ўзаро боғлиқ бўлиб, бир бирини тўлдиради ёки бир бирини такрорлади.

Ўз мазмуни, характери ва хусусиятига кўра юридик шакл норма ижодкорлик ва хуқуқни қўллаш фаолиятини қамраб олади.

Хуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг норма ижодкорлик фаолияти, идоравий меъёрий ҳужжатларни яратишга қаратилган бўлганлиги учун ҳам, қонуности ҳужжатлар яратиш хусусиятини қасб этади. Уларнинг мақсади — хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар иш фаолиятининг турли томонларини тартибга солиши ҳисобланади. Бироқ, улар фаолиятининг қайси соҳасини тартибга солмасин, асосий мақсадни — фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш мақсадини кўзлади.

Биринчи ҳолатда, масалан, жиноятчилик ва хуқуқбузарликка қарши курашни тартибга солувчи ҳужжатлар. Иккинчи ҳолатда эса, уларни олдини олиш бўйича чора-таадбирлар механизmlари белгилаб берилади.

Қабул қилинаётган меъёрий ҳужжатларнинг кўпгина қисми қонунчиликни мустаҳкамлаш, шахснинг хуқуқ ва эркинликларига риоя қилиш муаммолари ва бошқаларга тааллуқлидир.

Қабул қилинаётган қатор ҳужжатлар давлатнинг қонунларини ва бошқа қонуности ҳужжатларини тўлдиради ва аниқлаштиради. Улар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига зид келмаслиги; хуқуқ ва эркинликлар факатгина қонун йўли билан ва факат конституциявий тузумни, фуқароларнинг қонуний хуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун зарур бўлган даражадагина чегараланиши мумкин деган қоидаги мос келиши шарт.

Ички ишлар органлари фаолиятининг иккинчи шакли хуқуқни қўллаш ҳисобланади. Мазкур шаклни хуқуқий нормаларни амалга ошириш механизми нинг энг ишловчи элементларидан бири ва индивидуал-аниқ ишлар бўйича давлат-ҳокимииятига тааллуқли қарорлар қабул қилиш сифатида кўриш лозим.

Ундан ташқари, Конституция ва бошқа норматив ҳужжатларда эълон қилинган хуқуқ ва эркинликларни амалга оширишга тегишли хуқуқий нормаларни қўллаш ёрдамидагина эришиш мумкин.

Шу билан бирга, хуқуқни қўллаш, бевоосита ижтимоий муносабатлар иштирокчиларига ҳокимииятилик ваколатлари орқали таъсир қилишда акс этганлиги учун ҳам бошқарув фаолиятининг шакли ҳисобланади. Мазкур таъсир кўрсатиш, жўнатилган органлар ва шахслар томонидан ижро этиши мажбурий бўлган хуқуқий ҳужжатлар ва кўрсатмалар кўринишига эгадир. Қайд этиш керакки, бундай кўрсатмалар давлатнинг мажбурлаш чораларини қўллаш имкониятини таъминлаб беради.

Хуқуқ нормасини қўллашга бўлган асосий талаб, унинг қонунийлиги, асосланганлиги, мақсадга мувофиқлиги ва адолатлиги ҳисобланади.

Хукукий нормаларни қўллашнинг моҳияти муайян юридик ҳолатни тегиши-ли хукукий нормага олиб келиш ва унинг асосида давлат-ҳокимиятчилик қарорини қабул қилиш бўйича ички ишлар органлари мансабдор шахслари-нинг хатти-харакатларидан иборатдир.

Хуқуқни қўллаш жараённида ички ишлар органлари:

биринчидан, хуқуқ ва мажбуриятларнинг мавжудлигини ва уларни чега-расини аниқлайди;

иккинчидан, субъектив хуқуқ ва мажбуриятларнинг харакати вақтини ёки уларни тўхтатилиши ҳолатини белгилайди;

учинчидан, хуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлишнинг тўғрилиги устидан назоратни амалга оширади.

Хукукни қўллаш фуқарони, унинг муайян ижтимоий бойликдан фойда-ланишга бўлган даъвосини кондиришга ваколат килинган давлат органлари ва мансабдор шахслар билан хукукий муносабатга киришини кўзда тутади.

Хукукни қўллаш шошилинч равища, бир йўла амалга ошириладиган ҳаракат бўлиши шарт эмас. Кўп ҳолларда, бу бирор бир жараённинг (жиноий ишни кўзгаш, дастлабки тергов, маъмурӣ юрисдикция ишларини кўриш) кўплаб иштирокчиларини изчиллик билан ривожланиб борувчи ҳаракатларининг бутун комплекси бўлиши мумкин.

Ўз мазмунига кўра хуқуқни қўллаш фаолияти регулятив ва хуқуқни муҳофаза қилишга бўлинади.

Конунни қўллашда регулятив фаолият шаклиниң зарурияти, фуқароларнинг субъектив хуқуқлари ва юридик мажбуриятларини ўрнатувчи хукукий нормалар, ваколатли органлар томонидан тегишли равища хукукий қарорларни чиқармасдан туриб амалга ошириб бўлмаслигининг имкони бўлмаган ҳолларда вужудга келади.

Мазкур иш шакли асосан ички ишлар органлари фаолиятининг ташкилий жиҳатларини қамраб олади. Моҳиятан у, ички ташкилий ва ташқи ташкилий жиҳатдан вазифаларни бажаришга каратилган турли хил бошқарувчилик муам-моларни ҳал этишда таъминловчи ҳисобланади.

Ички ташкилий функцияларга қўйидағилар киради:

биринчидан — Ички ишлар органларининг бутун тизимини яхши ишлаши-ни таъминлаб бериш. Бунга хўжалиқ, ижтимоий, маданий, моддий, молиявий таъминот, техник таъминот, ходимларни керакли кийим-бош билан таъмин-лаш функцияларини амалга ошириш орқали эришилади;

иккинчидан — Хукукни муҳофаза қилиш бўйича чора-тадбирлар ва рейдлар ўтказишида кучлар ва воситаларни жой-жойига қўйиши.

Мазкур фаолиятда ички ишлар органлари ходимларининг ўзлари инсон хукукларининг субъектлари сифатида ўргата чиқишишмоқда ва бу мазмунда, уларга нисбатан Конституция ва қонунларда кўзда тутилган фуқаронинг хуқуқ ва эркинликларининг бутун комплексини таъминланишига эхтиёж сезишади.

Ташқи ташкилий фаолият ўзига қуйидагиларни қамраб олади:

биринчидан — шахснинг хуқук ва эркинликларини, улар хавфсиз амалга ошириш учун шароитларни (аҳоли оммавий йиғилга жойларда жамоат тартибини муҳофаза қилиш, жамоатчилик ҳавфсизлигини таъминлаш) яратиш йўли билан муҳофаза қилиш;

иккинчидан — мураккаб ёки фавқулодда ҳолатларда фуқароларга ёрдам кўрсатиш (баҳтсих ҳодисаларнинг жабордийдаларига айланган шахсларни йигиши ва улар тўғрисида маълумотлар бериш, бедарак йўқолгандарни қидириш);

учинчидан — фуқароларнинг қатор конституциявий ва фақатгина давлат-хокимиятини ҳужжати орқали тасдиқлаш шарти билан амалга оширилиш мумкин бўлган соҳага (яшаш жойини танлашга бўлган хуқук, транспорт воситасига эгалик қилишга оид шахсий мулкка бўлган хуқук) оид хуқуқларини амалга оширилишини таъминлаш. Мазкур хуқуқий имкониятларни амалга ошириш учун тегишли қарорлар чиқариш зарур (мисол учун, паспорт-виза хизмати томонидан, Йўл ҳаракати хавфсизлиги давлат ҳизмати томонидан).

Муҳофаза қилиш максадида чораларни қўллаш учун асослар, субъектив хукуқларни амалга оширишга тўқсинглик қилувчи ёки бу хукуқларни бузувчи салбий характердаги ҳолатларнинг мавжудлиги, шунингдек юридик мажбуриятларни бажаришдан бош тортиш ҳоллари хисобланади.

Мазкур турдаги фаолиятнинг ўзга хос ҳусусияти бўлиб, кенг миқёсдаги хукуқни муҳофаза қилиш йўналиши ҳизмат қиласи. Фуқаро хуқук ва эркинликларининг кафолати тизимида хукуқни қўллаш фаолияти, турли манфаатларга тажовуз қилувчи жиноятларни бартараф этиш, очиш ва тергов қилишни ўз ичига қамраб олган хукуқни муҳофаза қилиш вазифаларига бўйсундирилган.

Салбий вазиятларни тугатиш ва бузилган хукуқларни тиклаш учун ички ишлар органларига, хукуқбузарларга нисбатан мажбурий чораларни қўллаш орқали таъсир қилишдек кенг ваколатлар берилган.

Хукуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан юридик нормаларни қўллаш фуқаро томонидан, хукуқларини амалга ошириш ёки ҳимоя қилиш тўғрисидаги расмий мурожаати асосида амалга оширилади. Бироқ, кўп ҳолларда, ҳолларда хукуқни муҳофаза қилувчи органларининг ўзи ташаббус кўрсатади, яъни кундалик иш фаолияти жараённида инсон хукуқларини бузилиши ҳолларини аниқланган ҳолларда.

Иккала ҳолатда ҳам, бундай хукуқбузарликлар тўғрисидаги маълумотлар ўзига юридик ҳолатлар сифатида чиқмоқда, натижада шахс билан давлат органлари номидан хукуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасида хуқуқий муносабатлар вужудга келмоқда. Улар хукуқни муҳофаза қилувчи органларга мазкур ҳолатларни кўриб чиқиш ва конунда ўрнатилган тартибида ҳал этиши мажбуриятини вужудга келтирмоқда. Хукуқбузарликда жиноий жазога тортиш учун асос бўладиган қилмишнинг белгилари мавжуд бўлган ҳолларда эса, хукуқни қўлловчи ҳужжат (масалан, жиноий иш кўзгатиш тўғрисидаги қарор) ҳимояга бўлган субъектив хукуқни амалга ошириш процедурасини биринчи босқичи бўлиб ҳизмат қиласи.

Хукукни кўллаш ваколтли хукукни муҳофаза қилувчи органи томонидан юридик аҳамият қасб этган ва ҳуқуқ нормасида кўзда тутилган муайян ҳаётй ҳолатлар бўйича тегишли қарор қабул қилишни кўзда тутади. Бундай қарорда амрнинг қатъийлиги, уни ижросини мажбурий эканлиги ҳамда давлатнинг мажбурий кучи билан ҳал қилиши орқали таъминланиши кўрсатиб кўйилади.

Ички ишлар органлари фуқароларга, уларни ҳукуқка риоя қилиши бўйича иродасига ва онгига таъсир кўрсатиш усуслари сифатида ишонтириш ва мажбураш ҳисобланади.

Уларни умумий вазифа, яъни қўлланилаётган нормада ўз аксини топган мақсадга эришиш бирлаштироқда. Амалиётда бу усуслар айрим ҳолларда ўзаро уйғун ҳолда қўлланилади ва уларни ҳар бирида бошқасининг элементи бўлади. Мажбураш одатга кўра, ишонтиришдан кейин қўлланилади, яъни биринчисини кўллаш орқали керакли натижага эришиб бўлинмаган ва зўрлик ишлатмасдан таъсир кўрсатишнинг барча имкониятларидан фойдаланиб бўлинган бўлса, унда мажбураш қўлланилади. Мажбураш чорасининг ўзига хос томони хукукни муҳофаза қилувчи органларининг жисмоний куч, маҳсус восита ва ўқотиш куролини кўллаш ҳукуқи ҳисобланади. **Мажбураш асосан қўйидаги:**

биринчидан, ҳукуқбузарлик содир этишга мойили бор;

иккинчидан, маъмурий ноўрин ҳатти-ҳаракат ёки жиноят содир этган;

учинчидан, озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахсларга нисбатан қўлланилади.

Кўриладиган чоралар бўйича инсон ҳукуқларини ҳимоя қилиш ўзининг спецификасига эга бўлган ички ишлар органлари фаолиятини турлари бўйича таснифлаймиз:

Иши бўйича исботлашини таъминлаб бериш. Ўзбекистон Республикаси ЖПКи нинг 82-моддасига мувофиқ, жиноят обьекти, жиноят орқали етказилган зааранинг хусусияти ва миқдори, жабрланувчи, айбланувчи, судланувчининг шахси, жиноят вақти, жойи, усуслари хусусиятини берувчи ҳолатлар, шунингдек, Жиноят кодексида кўрсатиб ўтилган жиноят содир этилишининг бошқа ҳолатлар хусусиятларини, қилмиш билан содир этилган ижтимоий хавфли оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланишлар исботланиши керак.

Ҳукуқбузарликни бартараф этиши. Бартараф этиш — бу жиноят-процессуал қонунда кўзда тутилган мажбураш чораси ҳисобланиб, унга кўра тергов ва суддан беркиниш, ҳақиқатни ўрнатишга тўскинлик қилиш, янги жиноят содир этиш имкониятларини бартараф этиш мақсадида, шунингдек суднинг ҳуқмини таъминлаш мақсадида қўлланилади. Бартараф этиш чоралари жиноий жазо чораис ҳисоблансада, бироқ, улар жараённинг айбор ва гумондор каби иштирокчиларининг ҳукуқларини вактинчалик бўлса-да, аммо етарли дара-жада чеклайди.

Ҳукуқбузарликни олдини олиши — шахсга, ўзининг ҳукуқка зид мақсадларини ижро этишдан воз кечишига ундаш мақсадида ташкилий, техникавий, процес-суал, тезкор, мажбураш ва оммавий-тарғибот қилиш хусусиятига эга чоратадбирларни амалга ошириш бўйича ички ишлар органларининг фаолияти.

Мазкур мақсадга, ички ишлар органларининг бошқа фаол ҳаракатлари натижасидағина эришиш мүмкін.

Юридик жсавобгарликни амалга ошириши — давлатнинг қонунлар бузилиши-га нисбатан кескин ва қаттқы реакцияси. Қонун билан муҳофаза қилинаётган қадриятта тажовуз құлувчи шахсга нисбатан жарима тұлаш ва муайян бойликлардан, шу жумладан әрқинликдан маҳрум қилишдек таъсир чораси қўлланилмоқда. Бу шахсни айбдор эътироф этишининг оқибати ва уни жазога тортиш ҳисобланади. Маҳрум қилиш ёки чеклаш ҳуқуқбузар шахсга, шунингдек тегишли мулкка ҳам қаратилади.

Ҳуқуқ нормасини қўллаш амалиёти асосида, ҳуқуқни муҳофаза құлувчи органлар ҳодимлари томонидан муайян ҳаракатлар методикасини ишлаб чиқилган, унга кўра бутун жараён бир неча босқичлардан иборат килиб тақдим этилган.

Биринчи босқич — ишнинг далилий ҳолатини, яъни тадқиқ қилинаётган воқеликнинг моҳияти ва юридик аҳамиятини аниклаш.

Мазкур босқичда ишнинг далилий ҳолати баҳоланади. Биринчи навбатда, салбий юридик оқибатлар келтириб чиқараётгаан ҳолатлар. Ундан кейин, тергов қилинаётган воқеликка таалуқли бўлмасада, аммо тўғри қарор ишлаб чиқиш учун жуда ҳам мухим бўлган шарт-шароитлар (минтақадаги криминологик ва ижтимоий-иктисодий вазият, ҳуқуқбузар шахснинг ҳарактеристики) аникланади.

Иккинчи босқич — нормани танлаш, яъни мазкур ҳолатни кўриб чиқиша асос бўладиган муайян нормани аниклаб олиш. Мазкур босқичда воқеликни дастлабки малакалаш аамалга оширилади, охиргиси эса иш бўйича қарор қабул қилишда аамалга оширилади. Тўғри танлов учун кўпинча бир неча нормаларни кўриб чиқиша тўғри келади. Шу билан бирга қайд этиш керакки, қарор қабул қилувчи шахснинг баҳо бериш бўйича мезони, унинг ишончи ҳисобланади.

Учинчи босқич — тегишли ҳужжатда ўз аксини топадиган қарорни чиқариш. Унинг ўзига хос томони шундаки, у нафақат муайян воқеликни мавжудлигини ва унинг муайян шахс учун юридик оқибатини аниклади, балки чиқарилган қарорнинг ижро этиш тартибини ҳам белгилаб беради. Бундай ҳужжатлар ҳуқуқни қўлловчи субъектлар томонидан ҳокимият ваколатини аамалга ошириш билан таъминлаб бериладиган юридик кучга эгадир.

Қарорни чиқариш, исбот-далилларни тадқиқ қилиш ва ҳуқуқ нормасини таҳлил қилиш асосида индивидуал ҳужжатни чиқаришда акс этади. Қарор, ҳуқуқнинг муайян субъектларига ҳуқуқ ва мажбуриятларни белгилаб берадиган, яъни ҳуқуқий муносабатлар пайдо бўлиши учун асос бўладиган ва бир вақтнинг ўзида далиллар ва юридик асосларни таҳлил қилишнинг мантикий хулосаси ҳисобланадиган ҳужжат ҳисобланади.

Адабиётларда кўпинча қуйидагича фикр билдирилади, фақат юридик нормасининг қўллаш акти муайян шахсга нисбатан ҳуқуқ ва әрқинликларни келтириб чиқаради. Ҳуқуқни қўллаш акти, муайян ҳуқуқнинг соҳибиға, бу ҳуқуқни эътироф этишига ва уни аамалга ошириш учун асос бўлиб хизмат қиласади. Мисол

учун шахсни жавбрланувчи деб эътироф этиш тўғрисидаги қарор, айбланувчи қамоққа олиш тўғрисидаги қарор. Бир вақтнинг ўзида мазкур иккита ҳужжат инсонлар ва давлат органлари ўртасида турли ҳукуқий муносабатларни ўрнатилиши учун асос бўлиб ҳисобланади. Бутун ҳукуқни қўллаш амалиёти, бутун унинг босқичлари, инсон ҳукуқларига риоя қилиш талабларидан ўтган бўлиши керак. Бунинг учун эса, халқаро стандартларни яхши билиш керак, шунингдек, улар миллий қонунчилик даражасида мустаҳкамланган бўлиши зарур.

Ҳукуқни муҳофаза қилувчи органларнинг таркибини катта қисмини ташкил этувчи қисм сифатида доимий равишда инсон ҳукуқларининг ҳимоясига эътибор қаратиши лозим. Бу иш тизимли хусусият касб этиши керак. Доимий равишида Ўзбекистон Республикаси ИИВ Коллегияларида, қонунийлик ва инсон ҳукуқларини ҳимоя қилиш ҳолати мухокама қилинади ва бу ҳолатни яхшилаш масаласи бўйича чоралар кўрилади. ИИВнинг Инсон ҳукуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бўйича бошқармаси ички ишлар органлари фаолиятида инсон ҳукуқларини ҳимоя қилишнинг аҳволи бўйича мониторингни амалга оширади. Халқаро стандартларни билиш ва уларни қўллаш ички ишлар органлари ходимлари ишини баҳолаш учун мезон ҳисобланади ҳамда уларни аттестациядан ўтказишда ҳамда ҳизмат лавозими бўйича юқори поғонага кўтаришда асос бўлиб ҳизмат киласди.

**ҚИЙНОҚ ҲАМДА МУОМАЛА ВА ЖАЗОЛАШНИНГ ҚАТТИҚ
ШАФҚАТСИЗ, ИНСОНИЙЛИККА ЗИД ВА ҚАДР-ҚИММАТНИ
КАМСИТУВЧИ ТУРЛАРИГА ҚАРШИ КОНВЕНЦИЯ ВА ҲУҚУҚНИ
МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИ**

10.1. Қийноққа қарши конвенциянинг умумий тавсифи ва мазмуни

Барча учун маъкул бўлган қийноқ ва шафқатсиз муомала каби бундай воқеликни белгиланиши енгил бўлмаган вазифа ҳисобланади, гарчи уларни коралаш ва таъкидаш барча давлатларда қўлланиладиган одатдаги халқаро ҳуқук нормаси каби барча томонидан қабул қилинмоқда.

Кўплаб халқаро ҳуқукий хужжатларнинг мазмунини англатувчи мутлақ қийноқнинг чекланиши тўғрисидаги халқаро қонунчилик шафқатсиз қийноқлар қўлланмаслигининг кафолати бўлиб ҳисобланмайди. Ушбу ҳолат бўйича давлат органлари учун халқаро ҳуқук принципларида ҳамда уларнинг ҳуқуқларини таъминлаш борасида бир қанча эркинликлар ҳамда бўшилклар колдирилганини кўришимиз мумкин бўлади.

Қийноқнинг ҳуқукий тавсифи БМТнинг 1984 йилда қабул қилинган қийноқларга қарши Конвенциясида мустаҳкамланган ва барча иштирокчи давлатлар томонбидан қўллаб қувватланган (Бош Ассамблеянинг 1984 йил 10 декабрдаги 39/46 Резолюцияси давлатларнинг қўшилиши, ратификация қилиши ва имзолашлари учун очик тарзда қабул қилинди ҳамда 1987 йил 26 июнда кучга кирди). **Ушбу Конвенциянинг 1-моддасида мувофиқ қийноққа қўйидагича таъриф берилган:** “оғриқ ёки кўрқитиш давлат мансабдор шахси ёки бошқа расмий фаолият билан боғлиқ бирор шахс томонидан, улар режаси ёрдамида амалга ошириладиган, уларнинг айби ва бундай ҳаракатларга жим туришлари билан содир этиладиган маълум бир шахсга қасдан ундан ёки учинчи шахсдан маълумот олиш ҳамда унинг содир этган ҳаракати, учинчи шахс ёки у гумон сифатида кўрилаётган ишларда тан олдириш мақсадида кучли жисмоний ёки руҳий таъсир ўтказиш, кўрқитиш, шунингдек, камситиш сифатида тавсифланувчи, шахсни ёки учинчи бир шахсни кўрқитиш ҳамда мажбурлаш билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракат. Бундай ҳолатларга конуний санкциялар натижасида ушбу санкциялар билан ўзаро боғлиқ бўлган ёки фавқулодда содир бўлувчи оғриқ ҳамда кўрқувлар киритилмайди”.

БМТнинг Қийноқларга қарши қўмитаси қийноқнинг яна қўйидаги элементларини кўрсатиб ўтади:

биринчидан — жисмоний ва руҳий қўрқитиш йўли билан боғлик ва қасдан ижро этилган хатти-харакат;

иккинчидан — муайян мақсадда амалга оширилган харакат;

учинчидан — давлатнинг мансабдор шахси ёки расмий фаолият билан боғлик шахси томонидан амалга оширилган харакат.

Қийнокка қарши самарали курашни учта асосий гурухга бўлишимиз мумкин:

биринчидан — самарали қонунчилик асосини яратиш ва уни тўлиқ амалга оширишни таъминлаш, шунингдек қийноққа қарши курашишнинг кафолатини белгилаб бериш, жумладан, камоқда сақланётган шахсларнинг асосий кафолатлари (адвокат, шифокор, судья ва ҳ.к. ларга бўлган хукуқ) ҳамда ташки ҳолатлардаан бехабар қамоққа олишнинг таъкиqlаниши;

иккинчидан — қамоқда сақланётган шахснинг жойлашган жойини кўздан кечириш ҳамда у сақланётган жойнинг мустакил мониторингини амалга ошириш бўйича назорат механизmlарини, энг муҳими миллий механизmlарни ташкил этиш;

учинчидан — ички ишлар органлари, хукукни муҳофаза килувчи органлар, адвокатлар, судьялар, тиббиёт ходимлари ва бошқа мутахассисларнинг доимий малака ошириб боришлиари.

Назаримизда, Қийноққа қарши конвенциянинг муҳим аҳамиятга эга бўлган қўйидаги қисқача халқаро-хукукий тавсифини келтириб ўтамиз. Буларга энг аввало қўйидагилар киради:

- иштирокчи давлат қийноқни жиноят сифатида баҳолаши;
- қийноқни оклаш учун “истисно ҳолдатлар” ҳамда “юқори турувчи шахснинг буйруги”га эътиборни қаратмаслик;
- қийноқ билан боғлик жиноятни содир қилишда гумон қилинаётган шахс жойлашган иштирокчи давлат уни жиноят процессуал жавобгарликка торади ёки уни топшириш билан боғлик харакатларни амалга оширади;
- қайсиdir иштирокчи давлат ҳудудида қийноқни кўллаш билан боғлик харакатлар амалга оширилаётганлиги тўғрисида етарли асослар мавжуд бўлган ҳолатларда халқаро тадқиқотларни амалга ошириш имкониятининг мавжудлиги;
- иштирокчи давлат ўз ҳудудида қийноққа қарши қураш мақсадида қонунчилик, маъмурий, суд ва бошқа чораларни кўради;
- хеч қайси бир иштирокчи давлат муайян шахсни унга қийноқни амалга оширишиш билан боғлик етарли асослар мавжуд бўлган ҳолатда уни бошқа бирор давлатга жўнатиши, қайтариши ёки бериши мумкин эмас;
- жиноят-процессуал харакатлар билан боғлик хукукий ёрдам кўрсатиш;
- иштирокчи давлат ўз хукукий тизимини қийноққа солинган шахс ўз манфаатларини тиклаш билан боғлик адолатли ва муносиб товон ундириш хукуки билан таъминлаш;

Қийнокқа қарши конвенциянинг мазмунини қуйидагича тезислар ёрдамда изоҳлаш мумкин:

1) *Қийноқ тушунчаси.* Давлатнинг миллий қонунчилигига қийнок жиноят сифатида қаралиши лозим. Давлат ўзининг қонунчилик, маъмурий, суд ва бошқа самарали чоралари ёрдамида қийнокқа қарши огоҳлантиришлар қабул қилади.

2) *Қийноққа расмий жазо тайинлаш.* Давлатларнинг барча олий ҳокимият органлари қийнокқа қарши ўзларининг салбий муносабатларини ўрнатишлари шарт. Улар барча хукукни муҳофаза қилувчи органларга қийноқнинг қандай ҳолатда содир қилинганидан қати назар кечириб бўлмаслиги тўғрисидаги аниқ тушунчани беришлари шарт.

3) *Ҳибсда сақлашнин чекланиши.* Қийноқлар одатда ҳибсда сақланаётган шахсларга нисбатан қўлланилади — уларнинг инсонлар билан дилдан суҳбатлашиш имкониятлари, ким уларга ёрдам бера олиши ва қўмаклашиши ҳамда унга нималар бўлаётганлиги тўғрисидаги хабар ва ёзишмалар хукуқининг чекланиши. Давлат тергов жараёнида қийноқни амалга оширили маслиги юзасидан барча чораларни кўриши шарт. Давлатлар барча жиноят содир этишда айбланиб қўлга олинган шахсларнинг мустақил суд органларига топширилишини таъминлашлари зарур. Қамоқда сақланаётган шахснинг ахволидан доимо хабар олиб туришлари учун унинг қариндошлари, адвокати ва врачлар доимий ва кечиктирмай кира олиш имкониятига эга бўлишлари шарт.

4) *Сўроқ ўтказиши ва қўлга олиш жараёнидаги кафолатлар.* Давлат сўроқ ўтказиши ва қамоқда сақлаш жараёнини доим назорат қилиб бориши шарт. Барча қамоқда сақланаётган шахслар ўзларига бўлаётган муносабат юзасидан шикоят қилишга бўлган хукуклари мавжудлиги ҳақидаги ахборот билан таъминланишлари шарт. Озодликдан маҳрум этиш жойларига мустақил инспекция ташрифларини ташкил қилишлари лозим. Қамоққа олиш ва суриштирувни амалга ошириш билан боғлиқ маъмурий ваколатларни таъминлаш юзасидан зарур чора-тадбирларни кўришлари зарур.

5) *Қийноқлар тўғрисидаги хабарлар ҳақида мустақил тергов олиб бориши.* Давлат қийноқ қўлланилаётганлиги ҳақидаги хабарни самарали ва объектив тергов қилишни таъминлаб беришга мажбур. Бундай тергов очик ва ошкора методда олиб борилиши зарур. Даъвогар ва гувоҳлар тазиикдан ҳимоя қилинишлари даркор.

6) *Қийноққа солиш оқибатида олинган маълумотлардан фойдаланишига йўл қўйилмаслиги.* Давлат суд ишларида, исбот ва тан олиш жараёнида қийнаш оқибатида олинган ҳар қандай маълумотдан фойдаланишни таъкидаш шарт.

7) *Қийноқни қонуний йўл билан таъкидаш.* Давлат қийноқнинг жиноий жазога сазовор эканлиги юзасидан барча чора-тадбирларни кўриши шарт. Халқаро хукуққа мувофиқ қийноқни қўллашга тақиқ ҳеч бир шароитда, ҳатто уруш ва бошқа фавқулодда ҳолатларда ҳам тўхтаб колиши керак эмас.

8) *Жиноятчи сифатида таҳмин қилинган шахсни таъқиб қилиши.* Қийноқни қўллашга масъул бўлган шахс жазоланиши шарт. Ушбу принцип қидирилаётган

жиноятчининг жойлашган жойидан, жиноят содир этилган жойдан, жиноятчи ҳамда жабрдийданинг миллатидан қатъи назар қўлланилиши зарур.

9) *Ўқитиши*. Жиноятчиларни қамоққа олиш, уларни сўрок қилиш ва қамоқдаги шахслар билан муносабатда бўлиш фаолияти билан шугулланувчи хукуқни муҳофаза қилиш органларининг барча ходимларини қийноқ жиноятлиги тўғрисида тушунтиришлар олиб бориш. Шу билан бир қаторда, юкорида номлари кўрсатилган ходимлар ҳар қийноқни амалга ошириш билан боғлик буйруқларни амалга оширимасликлари ҳакида ҳам огоҳлантиришлари зарур.

10) *Зарарнинг қопланиши ва реабилитация*. Қийноқ оқибатида азият чеккан шахслар зарарнинг молиявий йўл билан қопланиши хукуқига эга бўлишлари шарт. Азият чеккан шахслар зарур тиббий ёрдам ва реабилитация билан таъминланган бўлишлари лозим.

11) *Халқаро ҳамкорлик*. Давлатлар қийноқни қўллашдаги айборларни ушлаш юзасидан барча давлатларнинг хукуматлари билан алоқалар ўрнатиш имкониятларидан фойдаланишлари шарт. Қийноқка қарши самарали ва тезкор терговни амалга ошириш бўйича давлатлараро механизмлардан фойдаланиш ва уларни ишлаб чиқиш зарур. Давлатлар қуролли кучлар, хукуқни муҳофаза қилиш органлари ва хавфсизлик хизмати ходимларини тайёrlаш юзасидан тажриба алмашишда қийноқни қўлламасликни таъминлашлари зарур.

12) *Халқаро шартномаларни ратификация қилиши*. Барча давлатлар индивидуал шикоятлар билдириш жараёнини хукуқий тартибга солувчи Фуқаролик ва сиёсий хукуқлар тўғрисидаги халқаро пакт ва унга Факультатив протоколни, шунингдек қийноқдан хукукий ҳимоя қилиш воситалари ва кафолатларини ўзида акс еттирган халқаро шартномаларни ратификация қилишлари шарт.

13) *Қийноққа қарши қўмитанинг фаолияти*. БМТ қийноққа қарши Қўмитасининг тавсиялари ҳамда Конвенциянинг асосий шартларини ижро этиш бўйича давлатларнинг миллий ҳисоботларини кўриб чиқиши.

Қийноққа қарши кураш амалиёти даставвал 1948 йилда қабул қилинган Инсон хукуqlари умумжаҳон декларацияси ҳамда Геноцид жиноятларини олдини олиш ҳамда уларни жазолаш тўғрисидаги конвенциядан бошланган. Ушбу хужжатлар 1966 йилда қабул қилинган Фуқаролик ва сиёсий хукуқлар тўғрисидаги халқаро пакт ҳамда 1984 йилдаги Қийноққа ва бошқа шафқатсиз, ноинсоний ва қадр-қимматни таҳқирловчи муомала ва жазо турларига қарши кураш тўғрисидаги конвенция ёрдамида тасдиқланди.

Конвенцияга мувофиқ ҳар бир давлат ўз юрисдикцияси остида бўлган ҳар қандай ҳудудда қийноқ билан боғлиқ ҳолатларни олдини олиш бўйича самарали қонунчилик, маъмурий ва бошқа чораларни кўриши зарурлиги белгилаб қўйилган (2-модда 1 б.). Уруш ҳолати ва таҳди迪, ички сиёсий тартибсизлик ёки ҳар қандай фавқулодда ҳолатлар қийноқни оқлаш билан боғлиқ бўлган сабаб сифатида баҳоланмайди (2-модда 2 б.). Бундан ташқари, 1-параграфнинг 3-моддасига эътиборни қаратиш зарур: “Ҳеч қандай иштирокчи давлат шахсни унга жўнатилаётган давлатда қийноқни қўллаш билан боғлиқ жиддий асослар мавжуд бўлган ҳолатда бошқа давлатга жўнатиш, қайтариш ва бериш таъқиқланади”.

Юкорида айтиб ўтилганлардан келиб чиқиб шуни қайд этиш керакки, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига халқаро ҳуқукий ҳужжатлар, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги нормалар ва умумэтироф этилган тамойиллар, шунингдек универсал халқаро шартномалардан бири бўлган Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ шафқатсиз, инсонийликка зид ва қадр-қимматни камситувчи турларига қарши конвенция нормалари ҳам ўз ифодасини топган. Унда нафақат инсон ҳуқуқлари балки инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг кафолатлари ҳам ёритиб берилган. Юкорида номи кўрсатиб ўтилган Конвенция халқаро ҳужжатлар тизимининг умумэтироф этилган инсон ҳуқуқлари манбалари доирасида ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти борасида муҳим аҳамият касб этади. Ушбу халқаро ҳуқукий ҳужжатда халқаро ҳуқук нормаларининг миллий қонунчилик олдидағи мавқеи кўрсатиб ўтилган ҳамда ушбу ҳолат Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг Муқаддимасида белгилаб кўйилганидек ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ўз фаолиятлари жараёнида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги умумэтироф этилган халқаро стандартларга амал қиласидар.

Бирок, ҳозирги замон халқаро муносабатларининг ўзига хос томонларидан бири, нафақат халқаро ҳаётда, балки жамиятнинг ички ҳаётида ҳам халқаро орган ва ташкилотларнинг резолюцияларини таъсирини ўсиб бориши ҳисобланади. Қайд этилган ўзига хосликни кўриб чиқилаётган муаммога нисбатан, Қийноққа қарши конвенцияни ва унинг меъёрий табиатини таҳлил қилиш ҳам қўллашни талаб этмоқда. Шу нуқтаи назардан ҳам Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, шу жумладан ички ишлар органлари томонидан, қийноқ ва шунга ўхшаш шафқатсиз муомалани қўлланишига йўл қўймаслик учун ҳам ушбу ҳужжатнинг нормаларига оид билимларнинг аҳамияти жуда ҳам муҳимdir.

10.2. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари томонидан

Қийноққа қарши конвенциянинг қийноқ ҳамда шафқатсиз муомаланинг бошқа турларини қўллашга йўл қўймасликга оид талабларини бажарилиши

Ўзбекистоннинг мустақил ривожланиш даври изчил демократлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилган халқаро ҳужжатларни изчил тадбиқ этиш (имплементация қилиш) билан таърифланади.

Ўзбекистон Республикасида Қийноққа қарши Конвенциянинг қийноқ ва шафқатсиз муомаланинг бошқа турларини қўллашга йўл қўймасликга оид талабларини сўзсиз изжро этиш ва унга риоя этиш бўйича изчил ишлар олиб борилмоқда. Бу борада ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлар, жумладан ички ишлар органларининг ўрни ва роли катта, чунки айнан улар ўзининг фаолиятида қайд этилган Конвенцияга риоя этилиш муаммоси билан дуч келишади. Улар бевосита Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ, шафқатсиз,

инсонийликка зид ёки қадр-кимматни камситувчи турларига қарши конвенцияни ижро этилиши ва уларга риоя этилиши зиммасига бевосита юклатилған давлатнинг мансабдор шахслари ҳисобланади.

Конвенцияни ижро этиш бўйича Ҳукумат дастурини амалга оширишнинг босқичларидан бири “қийноқ” тушунчасини белгилаш билан боғлиқ қўшимчаларни Жиноят кодексига киритилиши бўлди. Ушбу тушунча Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ, шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-кимматни камситувчи турларига қарши конвенциянинг 1-моддасига мувофиқ келади.

2003 йилнинг август ойида Парламент сессиясида Жиноят кодексининг 235-моддасига ўзгартиш киритилиб, унга кўра жиноят процессининг барча босқичларида қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-кимматни таҳқирловчи муомала ҳамда жазолар жиноий жазоланадиган харакатлардир ва қонунга мувофиқ таъқиб этилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 235-моддаси: “Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-кимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш” деб номланади.

Модданинг мазмуни Қийноққа қарши Конвенциянинг 1-моддаси матнига имкон қадар яқинлаштирилған. Моддада гумон қилинувчига, айбланувчи, гувоҳ, жабрланувчи, судланувчига ёки жиноят процессининг бошқа иштирокчила-рига, шунингдек, бирор маълумот олиш, жиноят содир этганлиги тўғрисида иқрорлик кўрсатуви олиш мақсадида уларнинг яқин қариндошларига турли хил таъсир учун, ўзбошимчалик билан уларни содир этилган қилмиш учун жазолаш ёхуд бирор бир харакатларни содир этишга мажбурлаш учун мансабдор ва бошқа шахсларнинг жавобгарлиги белгиланмоқда. Жиноят қонунчилиги билан мазкур қилмиш учун озодликдан маҳрум этиш жазоси белгиланган. Мазкур қилмиш субъектлари суриштирувчилар, терговчилар, прокурорлар ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва жазони ижро этиш муассасаларининг бошқа ходимлари ҳисобланади.

2003 йилнинг декабр ойида Ўзбекистон Республикасининг Олий суд Плenumи бўлиб ўтиб, 2003 йил 19 декабрдаги 17-сонли қарор қабул қилинган. Қарорда қўйидагилар айтилади: “Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 1984 йил 10 декабрда қабул қилган «Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ, шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-кимматни камситувчи турларига қарши конвенция»га қўра «қийноқ» ҳар қандай тусдаги шундай харакатни англатадики, у билан қандайдир шахсга ундан ёки учинчи шахсдан маълумотлар ёки эътироф олиш, уни у ёки учинчи шахс содир этган ёки содир этишда у гумон қилинадиган харакат учун жазолаш, шунингдек уни ёки учинчи шахсни қўрқитиши ёки зўрлаш мақсадида, ёки бундай оғриқ ёки азоб давлатнинг мансабдор шахси ёки расмий сифатдаги бошқа шахс, ёки уларнинг гижгижлаши билан, ёки уларнинг хабардорлигига ёки индамай розилиги билан ҳар қандай тусдаги камситишга асосланган ҳар қандай сабаб бўйича қасдан кучли оғриқ ёки жисмоний ёхуд маънавий азоб берилади”.

Шундай килиб, Пленум томонидан қайд этилган қарорга “қийноқ” тушун-часини кенг талқини тўғрисидаги шартни киритди ва бу ўз ўрнида Қийноқقا карши конвенцияни 1-моддасига мос келади.

Ҳукмни чиқаришда судлар ва судьялар нафакат жиноий-ҳуқуқий нормалар билан, балки Олий суд Пленумининг қарорларига таянадилар. Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорлари ўз юридик кучига кўра меъёрий талқин этувчи хужжатdir.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 235-моддасида келтирилган “қийноқ” тушунчасини Қийноқقا қарши Конвенцияни 1-моддасида келтирилган мазмунга мувофиқ талқин қилишни тафсия этганлиги сабабли, Қийноқقا қарши Конвенцияни 1-моддасининг қоидалари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига тўлиқ тадбиқ этилган деб ҳисоблаш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг “Қийноқка солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайринсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини кўллаш” тўғрисидаги 235-моддасига кўра: Қийноқка солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайринсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини кўллаш, яъни гумон қилинувчига, айбланувчига, гувоҳга, жабрланувчига ёки жиноят процессининг бошқа иштирокчисига ёхуд жазони ўтаётган маҳкумга, уларнинг яқин қариндошларига улардан бирор-бир ахборот, жиноят содир этганлигига икрорлик кўрсатуви олиш, уларни содир этилган қилмиш учун ўзбошимчалик билан жазолаш ёхуд бирор-бир ҳаракатни содир этишга мажбурлаш максадида суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органининг, жазони ижро этиш муасасасининг бошқа ходими томонидан кўркитиш, уриш, дўппослаш, қийнаш, азоб бериш ёки қонунга хилоф бошқа ҳаракатлар воситасида содир этилган қонунга хилоф руҳий ёки жисмоний таъсир кўрсатиш —

уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

- а) ҳаёт ва соғлиқ учун хавфли бўлган зўрликни кўллаган ҳолда ёки шундай зўрликни кўллаш таҳдиди билан;
- б) миллий, ирқий, диний ёки ижтимоий камситиш замирига асосланган ҳар қандай сабаб бўйича;
- в) бир гурух шахслар томонидан;
- г) такроран;
- д) вояга етмаган шахсга ёки ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлга нисбатан содир этилган бўлса, —
уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмларида назарда тутилган ҳаракатлар баданга оғир шикаст етказилишига ёхуд бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, муайян ҳуқуқдан маҳрум этиб, беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади”.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига мувофиқ, жиноятга тайёргарлик кўриш ва жиноят содир этишга суиқасд қилишга жавобгарлик Кодекс Махсус қисмининг тамом бўлган жиноят учун жавобгарликни белгиловчи модда-сига (25-модда) мувофиқ ҳал қилинади.

Ўзбекистон Республикаси агар қийноқ ва қийноқда иштирокчилик каби жиноятларни содир этган шахсларни тутиб бериш илтимосномаси билан муро-жаат этаётган давлат Конвенция иштирокчиси бўлган тақдирда, мазкур шахсларни экстрадиция қилиш учун ушбу Конвенция хукукий асос ҳисобланиши амалиёти тарафдоридир.

Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг каттиқ, шафқатсиз, инсонийлик-ка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларига қарши конвенцияни ижро этиш билан боғлиқ конунчиликдаги ўзгаришлар ва барча тадбирлар оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилмоқда.

Хукукни муҳофаза қилувчи органларининг ҳодимлари “қийноқ”нинг жиноий-хукукий тавсифини ҳамда унинг тушунчаси борасидаги ҳалқаро ва миллий жиноий қонунчиликни таққослашни билишлари керак.

Шу тариқа хулоса қилиш мумкинки, “қийноқ” деганда, расмий шахс ёки расмий вазифаларни бажарувчи шахслар томонидан ёки уларнинг фитнаси ёки розилиги билан бирор бир шахсдан ёки учинчи шахсдан маълумот ёки иқрорлик кўрсатуви олиш учун инсонга қасддан ваҳший оғрикни ёки укубатни етказиш, у ёки учинчи шахс содир этган ҳаракат учун ёки ҳаракат у томондан содир этганликда гувоҳланганда уни жазолаш, шунингдек, уни ёки учинчи шахсни қўрқитиш ёки мажбурлаш, ёхуд камситишнинг исталган турига асосланган сабабларга кўра содир этилган ҳар қандай қилмиш тушунилади. (Конвенция-нинг 1-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 235-моддаси)

10.3. Ўзбекистон Республикаси давлат органларининг Қийноққа қарши конвенция талабларини амалга ошириш асослари

Ўзбекистон Республикаси хукукни муҳофаза қилувчи органлари Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ, шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларига қарши конвенция талабларини бажариш юзасидан амалга ошириладиган тадбир режалари ва ушбу конвенция нормаларига орган ҳодимларининг риоя қилишлари учун зарур бўлган йўриқнома ишлаб чиқишини мақсад қилиб олганлар. Шунингдек, ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 243-моддасига биноан татбик этиладиган тартиблар, яъни қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини кўллаш тартиблари йўриқнома учун тайёргарлик имкониятларини намоён этади. Ушбу вазият, яъни қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини кўллаш жараёнларида қийноққа солиш ёки қадр қимматни таҳқирлаш ҳолатлари юз бериши мумкинлиги билан боғлиқ. Бу йўриқномага кўра, прокурорлар гумон қилинувчи ёки айбланувчидан улар билан билан қандай муносабатда бўлинганлигини шахсан сўроқ қиласди. Ҳозирги кунда жиноят ишлари бўйича гумон қилинаётган ва айбланувчи

сифатида жалб этилган вояга етмаганлар ва аёлларни сўрок қилиш жараёнла-ри айнан прокурор томонидан амалга оширилади.

Махбуслар билан муносабатларни ва эҳтиёт чоралар назоратини таъминлаш ҳамда уларни текшириш учун белгиланган жойларга етказиш жараёнларини ЖИЭМ хизмати ва бошқарма вакиллари амалга оширадилар.

Қамоқхоналарда қонун ижролари ва жазолар ижроси юзасидан давлат назоратини Ўзбекистон Республикаси Прокуратура органлари амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 11 мартағи Фармонига биноан, Ўзбекистон Республикаси Баш Прокуратурасида суд қарорларини ижросини ва қамоққа олинганларни сақлаш жараёнларини таъминлашда қонунларга бўйсунишни назорат қилиш бошқармаси жорий этилиб, Қорақолпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокуратуralарида ҳам бундай бўлимлар ташкил этилди.

Ушбу Фармонга биноан, назорат Ўзбекистон Республикаси Баш Прокурорининг 2004 йил 11 майдаги “Суд қарорлари ва бошқа орган хужжатлари, шунингдек, қамоққа олинганларни сақлашда қонунларга риоя қилиш назоратини такомиллаштириш тўғрисидаги” буйруғига кўра амалга оширилади.

Парламент назорати Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон хукуклари бўйича Вакили (Омбудсман) институти томонидан амалга оширилади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг “Гумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимоя хукуқи билан таъминлашга оид қонунларни кўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 19-бандида айтилишига кўра: суриштирувчи, терговчи, суд (судья) қамоқ жойларидан келтирилган шахсдан ҳар доим суриштирув, тергов ҳаракатлари ўтказилган пайтда унга нисбатан қандай муносабатда бўлишганлиги ҳамда сақлаш шароити тўғрисида сўрашлари шарт. Суриштирувнинг ёки терговнинг қийноқка солиш ёхуд қонунга хилоф бошқа усуллари кўлланилганлиги тўғрисидаги ҳар бир мурожаат факти бўйича шикоят қилинган важларини синчиллаб текшириш, шу жумладан тиббий гувохлантириш ўтказиш орқали синчиллаб текширишлари ва натижасига қараб, тегишли мансабдор шахсларга нисбатан жиноят иши қўзғатишига қадар процессуал ёки бошқа хукукий чоралар кўришлари шарт.

Ўзбекистонда қийноққа солишни таъкилашга оид ўқув материаллар ва маълумотлар кенг тарқалишига оид фаолиятлар амалга оширилмоқда. Бу фаолиятларни кўплаб давлат муассасалари, нодавлат ва халқаро ташкилотлар амалга оширмоқдалар. Мисол учун, 2002–2004 йилларда БМТ, ЕХХТ ва ЮНИСЕФ ташкилотларининг халқаро хужжатлари давлат тилида ўн минг нусхада чоп этилиб, шундан беш мингтаси хукуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари учун мўлжалланган.

Ўзбекистонда хукуқни муҳофаза қилувчи органларида ишлайдиган мутахассисларни тайёрлаш сифатини яхшилаш ҳамда Қийноққа қарши конвенция нормаларига риоя қилиш доирасида етарли билимларга эга бўлишлари учун жуда кўп ишлар амалга ошириляпти.

Ҳозирги кунда, хукукни муҳофаза килувчи орган ходимлари инсон хукуқлари соҳасида ҳалқаро андозага мос билимларни ўзлаштириш бўйича янги лавозим ёки янги унвон олаётгандаридан ҳам аттестациядан ўтишга мажбур хисобланадилар.

Мамлакатимизда ва бутун ОАВларда ҳам инсон хукуклари ҳамда хукукни муҳофаза қилувчи орган ходимлари билан муносабатлар доимий равишда тушунтирилиб келинмоқда.

Ички Ишлар Вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар Палатаси ҳамкорлигига ушлаб туриш ва гумонлардан ҳалос этиш ҳамда хукукий ҳимоланиш хукуқини таъминлашда амалиётга “Дастлабки тергов ва суринширув жараёнларида гумон қилинувчи, айбланувчи ва ушлаб турилган шахсларнинг ҳимоя хукуқларини таъминлаш тартиби тўғрисида” Низом ишлаб чиққанлар. Ушбу низом Ички ишлар органлари мансабдор шахсларининг хулқатвор, интизом қоидаларини ва ушлаб туриш, гумон қилиш, айблаш жараёнларида кийноққа солишга йўл қўймаслик ва ноқонуний ҳаракатларга йўл қўйилмаслигини назорат қиласидилар.

Прокуратура органлари фуқароларнинг конституциявий хукукларига риоя қилинишини назорат қиласи, қийноққа солиш татбиқ қилинган фактларнинг суринширувида тезкорлик ва холисликни таъминлашда фаол иштирокларни таъминлайди. Шунингдек, прокуратура органлари ва бошқа хукукни муҳофаза қилувчи органлар билан биргаликда фуқароларнинг ноқонуний жиноий жавобгарликка тортиш ҳолатларининг сабаб ва шароитларини ўрганадилар ва бундай ишларни олдини олиш учун тегишли чора тадбирларни ташкиллаштирадилар.

Фуқароларнинг шикоятларини кўриб чиқиша ўта муҳим масалаларни 2005 йилдан бошлаб, Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон хукуқлари бўйича вакили (Омбудсман) тўғрисида”ги Янги таҳрирдаги қонуни асосида кўриб чиқиласди. Янги Қонун қийноққа солиш фактлари ҳамда ҳукумат вакиллари томонидан йўл қўйилган сунистеъмолчиликларни мустақил равишида текширишнинг хукукий асосини юзага келтиради. Бу Қонуннинг 10-моддасига биноан, Омбудсман ташкилот ёки мансабдор шахсларнинг ҳаракат ёки ҳаракатсизлиги бўйича, бузилган хукуклар, фуқароларнинг эркинликлари ва қонуний манфаатлари бўйича шикоятларни кўриб чиқади, шунингдек суринширув ишларини олиб борадилар.

Жиноят қонунчилик принципига кўра, жиноят қурбонлари сифатида қийноққа солинган шахслар адолатли ва мос равишида товон (конвенция) олиш хукуқига эгадирлар. Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 18-моддасига кўра, “Ишни юритиш жараёнида шахснинг хукуқ ва эркинликларини бузиш оқибатида унга етказилган зарар ушбу Кодексда белгиланган асослар ва тартибда ундирилиши лозим”.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексининг умумий қисмида айтилишича, хукуқи бузилган шахс ўзига етказилган зарарнинг тўлиқ қопланишини талаб қилиши мумкин.

Фуқаролик кодексининг 991-моддасига кўра, қонунга хилоф тарзда ҳукм этиш, қонунга хилоф тарзда жиноий жавобгарликка тортиш, эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишни ёки муносаб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат олишни қонунга хилоф қўллаш, қамоқ тариқасидаги маъмурий жазони қонунга хилоф тарзда бериш натижасида фуқарога етказилган зарап суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органлари ва суднинг мансабдор шахслари айбидан қатъи назар, қонунда белгиланган тартибда давлат томонидан тўла ҳажмда тўланади. Суднинг қарори билан зарапни коплаш зарап етказилишида айбдор бўлган мансабдор шахслар зиммасига юкланиши мумкин.

Фуқаролик кодексининг 1021-моддаси маънавий зарапни коплаш ҳақида бўлиб, унга кўра шахс етказилган зарапни тўлиқ ундириш ҳуқуқига эгадир. Ушбу кодексининг 1021-моддаси 2-бандига биноан, маънавий зарап уни етказувчининг айбидан қатъи назар, агар зарап фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғига ортиқча хавф манбаи томонидан етказилган бўлса, зарап фуқарога уни қонунга хилоф тарзда ҳукм қилиш, қонунга хилоф тарзда жиноий жавобгарликка тортиш, эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишни ёки муносаб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат олишни қонунга хилоф тарзда қўллаш, қонунга хилоф тарзда маъмурий жазо қўллаш ва қонунга хилоф тарзда ушлаб туриш натижасида етказилган бўлса зарап копланади.

Қийноқ таъсири остида ёзилган ҳар қандай шикоят ҳеч қандай суд мухокамасида исбот ёки асос бўлиб ҳисобланмайди. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2003 йил 19 декабрдаги қарорига кўра, қийноққа солиш, зўрлик ишлатиш, қўрқитиш, алдаш ҳамда инсонга нисбатан бошқача шафқатсиз ёки унинг шаъни ва қадр-қимматини камситувчи муомалада бўлиш, шунингдек қонунга хилоф бошқа чоралар қўллаш, шу жумладан, гумон қилинувчининг, айланувчининг ҳимоя ҳуқуқини бузиш натижасида олинган далиллар айблов асосига кўйилиши мумкин эмас. Суриштирувчи, терговчи, суд (судья) қамоқ жойларидан келтирилган шахсдан ҳар доим суриштирув, тергов харакатлари ўтказилган пайтда унга нисбатан қандай муносабатда бўлинганлиги ҳамда саклаш шароити тўғрисида сўрашлари шарт.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари қийноқ ҳамда мумомала ва жазолашнинг қаттиқ, шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларига қарши Конвенция талабларини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятларини кўйидаги ҳолатлар юзасидан ўрганиши мумкин:

- инсоннинг шахсий ҳуқуқларига тажовуз;
- бу халқаро ҳарактердаги жиноятга тегишли;
- шахснинг қадр-қиммати ва унинг ҳаёти ва соғлиғига тажовуз;
- бу инсон руҳий оламини аянчли оқибатларга олиб келади;
- қийноққа солингандан сўнг зарапни масъулият билан қоплаш;
- мансабдор шахсларнинг содир этган жиноятига жавобгарликни назарда тутиш;
- халқаро ҳамжамият олдида давлатнинг масъулияти.

Давлатлар қийнокқа қарши Конвенцияга амал қилиш масаласида амалий ишларини ҳаётга татбиқ қилишлари лозим: Қонунчиликка оид тадбирлар, қийнокқа солишига йўл қўймаслик ва олдини олиш масалаларида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини ҳуқуқий тадбирларни ташкиллаштириш, тарбиявий-маънавий тадбирларни шакллантириш, тез-тез ва ўз вактида қийнокқа солиш жараёнларини текшириш, кўрилган моддий ва маънавий зарарларга товон (компенсация) беришни ташкиллаштириш лозим.

Хулоса килишимиз мумкинки, 1995 йил 31 августдан Ўзбекистон Республикаси Қийнокқа қарши конвенциянинг иштирокчиси ҳисобланиб, унга кўра, мазкур Конвенция бўйича тадбирларни амалга ошириш ва амалиётда татбиқ этиш тўғрисида миллий маъруза намоён этиш қоидаларини ишлаб чиқсан.

Ўзбекистон Республиксининг Биринчи миллий маърузаси 1999 йилда Қийнокқа қарши қўмитада кўриб чиқилган. 2002 йил май ойида эса Ўзбекистон Республикасининг Иккинчи маърузаси тингланди. Учинчи маъруза, ўзида жуда кўп ишларни мужассам этган бўлиб, Ўзбекистонда охирги йилларда Конвенция ва БМТнинг Қийнокқа қарши қўмитаси тавсиялари асосида амалга ошириладиган ишлар баён этилган. Бу барча тавсиялар бевосита ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва уларнинг фаолиятига, яъни инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро стандартларга риоя этилиши, кўпол ва ғайриинсоний, шунингдек инсон кадр-кимматини камситувчи муносабатларга йўл қўймасликка доир талабларни амалга оширишлари шарт.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ ҚОНУНЧИЛИГИ

11.1. Маҳкумлар билан муюмала қилишда инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларнинг аҳамияти

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, ёркинликлари ва қонуний манфаатларининг суд томонидан ҳимояланишини кенгайтириш, адолатли судловни амалга оширишда қонунийликни таъминлаш бўйича тизимли ва босқичма-босқич амалга ошириладиган чоралар кўрилди. Жиноят, жиноят-процессуал ва жиноят-ижроия қонунчиликни либерализация қилиш жараёнининг эволюцион тарзда амалга оширилиши инсон ҳуқуқларига риоя этилишининг мухим кафолати бўлди. Хусусан, Жиноят-ижроия кодексига кири-тилган ўзгартиришлар жазони ижро этиш муассасаларида жазони ўташ шароитларини сезиларли даражада яхшилаш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг, шу жумладан, жазони ижро этиш муассасаларининг фаолиятини назорат қилишнинг самарали механизмларини ишга тушириш имконини яратди.

1997 йил 25 апрелда қабул қилинган ва 1997 йил 1 октябрдан кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси жиноят жазони ижро этишининг умумэътироф этилган, шу жумладан, халқаро ҳамжамият томонидан ҳам тан олинган демократик ва инсоний принципларни амалга оширишга қаратилган.

Ўзбекистон 70 дан ортиқ инсон ҳуқуқлари бўйича шартномаларга, шу жумладан, ЕХХТнинг инсонийлик мезонлари бўйича ҳужжатларига ҳам қўшилган бўлиб, улар асосида ўз қонунчилигини инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш бўйича халқаро актларга, шу жумладан, жиноятчиликка қараш соҳасида ҳам, мувофиқлаштириш мажбуриятларини қабул килган. Ушбу мажбуриятларга кўра иштирокчи давлатлар ҳисбда ёки қамоқда сақланувчи барча шахслар билан муюмалада бўлишда инсонийликни ва инсон шаънининг ҳурмат қилинишини таъминлайдилар (32.2-банд).

Инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш ва маҳкумлар билан муносабатда бўлиш тўғрисидаги халқаро шартномаларда ифодаланган принциплар ва умумий ҳолатларнинг Ўзбекистон жиноят-ижроия қонунчилиги учун аҳамияти шундан иборатки, улар давлатлараро характерга эга, барқарор, муайян мамлакатда турли сиёсий, гоявий, иқтисодий ва криминалогик омиллар таъсири остида юзага келадиган ижтимоий конъюнктура таъсирига учрамаган ва шундан келиб чиқкан ҳолда миллий қонунчилик ва ҳуқуқни тадбик этиш фаолиятини ривожлантириш учун аниқ мўлжал бўлиб хизмат қиласи. Ушбу принциплар БМТга

аъзо давлатларнинг кўп йиллик юридик амалиётига асосланган ҳолда ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон миллий қонунчилигига хуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг вазифаларига кирувчи асосий инсон хуқуқлари ва эркинликларининг ҳимояланишини, қўллаб-куватланишини ва уларга риоя этилишини кафолатловчи принциплар нафақат мустаҳкамланган, балки уларни амалга ошириш механизми ҳам белгилаб кўйилган. Яна шуни ҳам эътиборга олиш зарурки, халқаро шартномалар умумий табиатга эга бўлган нормалар (принцип-нормалар) билан бир қаторда уларни ратификация қилган давлатлар учун мажбурий бўлмаган тавсия-нормаларни ҳам ўз ичига олади. Миллий қонунчиликда ҳам, давлат органлари фаолиятида ҳам принцип-нормалардан чекинишга йўл кўйилмайди. Бу ҳолат бевосита Инсон хуқуқлари декларациясининг 30-моддаси ва Фуқаролик ва сиёсий хуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 5-моддасидан келиб чиқади. “Ҳаттоти фавқулодда ҳолатлар ҳам қийноқ ёки бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёхуд инсон қадр-қимматини камситувчи муомала ва жазо турларини оқлаш учун асос бўлиб хизмат қила олмайди” (Барча шахсларни қийноқ ёки бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёхуд инсон қадр-қимматини топтоворчи муносабат ва жазо турларидан ҳимоялаш тўғрисидаги декларация, 3-модда). Турли халқаро шартномаларда баён этилган бу каби принцип-нормалар барча асосий инсон хуқуқлари ва эркинликларини қамраб олган.

Инсон хуқуқлари тўғрисидаги халқаро шартномаларда баён этилган бошқа қоидалар, миллий қонунчилик актларини ишлаб чиқишида ва хуқуқни тадбик этиш амалиётида ҳисобга олиниши лозим бўлсада, давлатлар учун тавсиявий характерга эгадирлар. Мисол учун Маҳбуслар билан муомалада бўлишнинг минимал стандарт коидаларининг баъзи ҳолатларида, хусусан, 2-бандида қуидагилар ёзилган: “Дунёдаги юридик, ижтимоий, иқтисодий ва географик шароитларнинг ҳар хиллигини эътиборга олган ҳолда ушбу қоидаларнинг барчасини ҳамма ерда бир хилда кўллаб бўлмаслиги аниқ”. Шу билан бир қаторда уларни амалга оширишга доимо интилиш зарурлиги таъкидланади, чунки улар БМТнинг фикрига кўра амалга оширилиши мумкин бўлган минимал шартларни акс эттиради. ЕХХТнинг 1989 йил 15 январда қабул қилган Инсонийлик мезонлари тўғрисидаги Вена шартномасида кайд этилишича, “аъзо давлатлар БМТ томонидан қабул қилинган Маҳбуслар билан муомалада бўлишнинг минимал стандарт коидалари ҳамда БМТ томонидан қабул қилинган Хуқук-тартиботни сақлаш бўйича мансабдор шахсларнинг хуљ-атвор кодексига амал қиласидилар”.

Шу муносабат билан маҳкумлар ва олдини олиш чораси сифатида хибсда сақланаётган шахслар билан муносабатда бўлишда халқаро шартномалардаги принцип-нормалар ва тавсия-нормаларни чегаралаш масаласи кўтарилади. Бундай чегаралаш инсон хуқуқлари умумжаҳон декларацияси (1948), Фуқаролик ва сиёсий хуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт (1966) ҳамда Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ, шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларига қарши конвенцияда (1984) эълон қилинган асосий инсон хуқуқлари ва эркинликларига асосланган бўлиши керак.

Айнан, уларда инсон хукуклари тўғрисидаги асосий ҳолатлар мустаҳкамланган ва улар орасидан энг муҳимлари белгилаб берилган. Бироқ Маҳбуслар билан муомалада бўлишнинг минимал стандарт қоидалари каби маҳсус мақсадда ишлаб чиқилган халқаро актда ҳам мазкур шахслар билан муомалада бўлишнинг нафакат тавсия-нормалари, балки, принцип-нормалари ҳам баён этилган. Барча шахсларни қўйноқлардан ҳимоялаш тўғрисидаги декларациянинг 1-моддасида Минимал стандарт қоидаларга мурожаат этилиши бежиз эмас. Бундан ташқари, БМТнинг “Минимал қоидалари” озодликдан маҳрум этилган шахснинг биринчи даражали хукуқларини қамраб олувчи ҳамда миллий қонунчиликда албатта мустаҳкамланиши шарт бўлган маҳкумлар билан муносабатда бўлишнинг “Асосий принципи” ва “Етакчи принциплари” ни белгилаб беради. Шу муносабат билан БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1988 йил 9 декабрда қабул қилинган “Ҳар қандай шаклда ушланиши ва қамоққа олиниши лозим бўлган барча шахсларни ҳимоялаш принциплари мажмуаси” нинг аҳамияти бекиёсdir.

Мазкур йўналишда Ўзбекистонда ишлаб чиқилаётган жазони ижро этишини тартибга солувчи қонунчилик актларида жиноий жазони ижро этишда инсон хукуклари тўғрисидаги халқаро шартномалар, маҳбуслар билан муносабатда бўлиш, уларни назорат қилиш, жазони ўтагач қайта ижтимоийлашуви ва мослашувига кўмаклашиш қоидаларини белгиловчи алоҳида конвенцияларда баён этилган умумий принципларни амалга ошириш заруритидан келиб чиқкан ҳолда ниҳоятда жиддий норма ижодкорлиги ишлари амалга оширилди.

Халқаро шартномалар таҳлили, улардан ўрин олган масалаларнинг Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодекси ва унинг қўлланиши учун биринчи даражали аҳамиятга эга бўлган асосий гурухларини ажратиб олиш имконини берди:

биринчидан, инсон хукуклари тўғрисидаги ҳолатларни амалга ошириш масалалари;

иккинчидан, инсон хукуқларини ҳимоялаш ва уни маҳкумлар хукуқий мақомида амалга ошириш;

учинчидан, маҳкумлар билан муносабатда бўлишнинг умумий қоидалари;

тўртингчидан, жазони ижро этиш муассасалари хизматчиларига кўйиладиган талаблар. Уларнинг ҳар бирини батафсилроқ кўриб чиқамиз.

11.2. Инсон хукуқлари тўғрисидаги халқаро шартномалар ва уларнинг Ўзбекистон Республикаси Жиноий-ижроий кодексида амалга оширилиши

Инсон хукуклари тўғрисидаги асосий халқаро шартномалар шахснинг жамиятдаги ҳаёти ва фаолиятининг, шу жумладан, адолатли жиноий судловни амалга оширишнинг етакчи соҳаларини қамраб олади. Юқорида санаб ўтилган халқаро шартномалар Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодекси принципларини шакллантириш учун асос бўлиб хизмат қилган. Улар қаторига жазони ижро этишда қонунийликни таъминлаш, маҳкумларнинг конун олдида teng хукуқлилиги, адолат, инсонпарварлик ва демократизм,

жазони ижро этишни дифференциациялаш ва индивидуаллаштириш, мажбурлов воситаларидан оқилона фойдаланиш, маҳкумларнинг қонунга итоат этишларини рагбатлантириш принципларини киритиш лозим (ушбу принциплар бу ерда миллий хукуқимизда қабул қилинган терминологияда берилди; халқаро хукуқда улар ўзгача шаклда баён этилган).

Инсон хукуклари тўғрисидаги халқаро шартномаларда қўйидагилар эътироф этилади:

бириңчидан, хеч кимнинг суд ҳукми ёки қарорисиз озодликдан маҳрум этилиши мумкин эмас;

иккинчидан, маҳкумларни иркий, тил, диний, сиёсий ёки бошқа эътикор, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, жинсий, ёш, мулкий холати белгила-рига кўра ҳар қандай камситиш тақиқланади;

учинчидан, озодликдан маҳрум этилган барча шахслар инсоний муносатда бўлиш, инсон шахсига хос бўлган қадр-қимматининг ҳурматланиши, жамиятдан қайта ижтимоийлашуви учун ҳар тарафлама ёрдам олиш хукуқига эгадирлар.

Санаб ўтилган ҳолатларнинг жазонинг ижро этилишини тартибга солувчи Ўзбекистон миллий қонунчилиги билан қай тарзда мувофиқлаштирилганини кўриб чиқамиз. Ўзбекистон жиноят-ижроия қонунчилигига мазкур принципларни акс эттирувчи маҳсус нормалар мавжуд. Улар алоҳида институтлар ва қонунчилик актларининг нормаларидан ўрин олган ёки улардан келиб чиқади. Ҳакиқатан ҳам Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 5-моддасида “жазони ижро этиш учун суднинг қонуний кучга кирган ҳукми ёки қарори ҳамда амнистия ёки афв акти асос бўлади”, деб кўрсатилган. Жиноят-ижроия кодексининг 2-моддасида таъкидланишича, “жиноят-ижроия қонунчиликнинг вазифалари жазони ижро этиш, маҳкумларни тузатиш, жиноят содир этилишининг олдини олиш, маҳкумларнинг қонуний хукуклари, эркинликлари ва манфаатларини химоялашдан иборат”.

Принцип-нормаларни ўзак деб аташ мумкин: қонунчиликнинг ушбу соҳасига тегишли барча институтлар уларга асосланади. Шунинг учун улар Жиноят-ижроий кодекснинг 6-моддасида қайд этилган. Мазкур принципларнинг жиноят-ижроия қонунчилик учун ижтимоий аҳамияти шундан иборатки, маҳкумнинг, айниқса, озодликдан маҳрум этилган шахснинг хукуклари чекланади ва табиийти, у тегишли ижтимоий-хукуқий химояга муҳтож бўлади. Жиноят-ижроия кодексда баён этилган жазони ижро этиш принциплари инсон хукуклари бўйича ва озодлиқдан маҳрум этилган шахслар билан муносабатда бўлиш тўғрисидаги халқаро шартномаларнинг қоидаларини етарлича тўлиқ акс эттиради. Улар қаторига қонунийлик ва маҳкумларнинг қонун олдида тенглиги, инсонпарварлик ва демократизм принциплари ҳам киради. Улар ЖИКнинг асосий институтлари ва нормаларида, хусусан, маҳкумларнинг хукуқий мақоми, уларни тузатиш воситалари ва бошқаларга берилган таърифларда ўз аксини топган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексида Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ, шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларига карши конвенцияга киритилган асосий ғояларни акс

эттирувчи принциплар баён этилган. Улар жазони ижро этиш муассасалари ва жазони ижро этувчи бошқа органлар ходимларини маҳкумлар билан инсоний муносабатларда бўлишга йўналтиради.

Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро шартномалар ва маҳкумларнинг ҳуқуқий мақоми.

Юқорида номлари тилга олинган халқаро актларнинг кўпчилик ҳолатлари жиноий юстиция органлари фаолияти соҳасидаги инсон ҳуқуқларига, шу жумладан, хибсга олинган ва суднинг ҳукми билан озодликдан маҳрум этилган шахсларга тегишилдири. Шу сабадан Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактда, Маҳбуслар билан муносабатда бўлишнинг минимал стандарт қоидаларида, Ҳар қандай шаклда ушланиши ва ҳибсга олиниши лозим бўлган барча шахсларни химоялаш принциплари мажмуасида маҳкумларнинг ҳуқуқий мақомига катта эътибор қаратилган.

Маҳкумга ҳуқуқнинг субъекти сифатида қаралиши лозимлиги ҳакидаги қоида ўзак ҳолат ҳисобланади. Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги пактнинг 16-моддасида “ҳар бир киши, қаерда бўлишидан катъий назар, ҳуқуқ субъекти деб тан олиниш ҳуқуқига эгадир”, дея эътироф этилган.

Минимал стандарт қоидаларда ушбу принцип “маҳбуслар билан муомалада бўлишда уларнинг жамиятдан чиқариб қўйилганлиги эмас, ҳамон унинг аъзоси бўлишда давом этаётганликларига ургу бериш даркор”, деган ҳолат билан ривожлантирилган. БМТ “Минимал қоидалар”ининг 61-бандида таъкидланганки, “маҳбусларнинг қонунга ва улар учун чиқарилган ҳукм шартларига мос келувчи фуқаровий манфаатлар, ижтимоий таъминот ва бошқа ижтимоий имтиёзлар соҳасидаги максимал ҳуқуқларини сақлаб қолиш чораларини кўриш лозим”.

Қайд этиш лозимки, Ўзбекистоннинг жиноий-ижроий қонунчилиги ҳам мазкур халқаро принципдан келиб чиқади. Жиноят-ижроия кодекснинг 8-моддасида “маҳкумлар маҳрум этилиш ва чекловлар билан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун назарда тутилган ҳуқуқлар, эркинликлар ва мажбуриятларга эгадирлар”, деб таъкидландаи.

Шу билан бирга шахснинг ҳуқуқий мақоми умумий формуласини (ҳуқуқ субъекти бўлиш) ривожлантирас экан, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар асосий эътиборни фуқароларнинг қонун олдида тенг эканликлари, виж-дон эркинлиги, она тилидан фойдаланиш эркинлиги ва бошқаларга қаратадилар. Ушбу ҳуқуқий принциплар ҳар бир инсонга, шу жумладан, маҳкумга ҳам тегишилдири. Масалан, Минимал стандарт қоидалар, маҳкумлар билан муомолада бўлиш принципларини баён этаркан, уларни иркӣ, тана ранги, жинсий, диний ва бошқа эътиқод белгиларига кўра камситишини тақиқлайди, динга эътиқод қилиш, она тилидан фойдаланиш эркинлигини эълон қиласди. Шу муносабат билан “Минимал қоидалар”да ўрнатилган бир қоида эътиборни ўзига тортади. Унга кўра “ахлоқ тузатиш муассасаси дирекори, унинг ўринбосари ва кўпчилик хизматчи-лар маҳбусларнинг аксарияти гаплашадиган тилни билишлари шарт” (51-банд).

Жазони ўташда она тилидан фойдаланиш эркинлиги принципи кўп миллатли давлатлар, шу жумладан Ўзбекистон учун ҳам фавқулотда муҳим аҳамиятни

касб этади. ЖИКнинг 9-моддасида маҳкумларнинг асосий хукуқларидан бири бўлган ўз она тилида ёки бошқа тилда мурожаат қилиш хукукининг мустаҳкалаб қўйилиши, шубҳасиз, жазони ўташ тартибини демократлаштириш йўлидаги яна бир қадам бўлди.

Ўзбекистон Республикасининг жазони ижро этишни тартибга солувчи жиноят-ижроия қонунчилигида виждон эркинлигини таъминлаш каби маҳкумлар билан муносабатда бўлиш принципи мустаҳкамлаб қўйилган. ЖИКнинг 12-моддасида шундай дейилади: “Маҳкумларга виждон эркинлиги кафолатланади. Улар ҳар қандай динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод килмаслик хукуқига эгадирлар”.

Диний маросимларни адо этиш ихтиёрий ҳисобланади ва жазони ижро этувчи муассасанинг ички тартиб-қоидаларини бузмаслиги ҳамда бошқа шахсларнинг хукуқлари ва қонуний манфаатларини камситмаслиги лозим.

Инсон хукуқлари тўғрисидаги ҳалқаро шартномалар ва маҳкумларни сақлаш шароитлари.

Асосий инсон хукуқлари ва эркинликларига риоя этилиши нуқтai назаридан маҳкумларни сақлаш шароитларига алоҳида аҳамият берилиши Фуқаровий ва сиёсий хукуқлар тўғрисидаги ҳалқаро пактнинг 10-моддасида баён қилинган қуидаги ҳолат билан яққол кўрсатиб берилган: “Ахлоқ тузатиш тизимининг асосий максади маҳбусларни тузатиш ва ижтимоий қайта тарбиялаш бўлган тартиби назарда тутади”. Ушбу ҳолат Маҳбуслар билан муомалада бўлишнинг минимал стандарт қоидаларида батафсил баён этилган. Унда жойлашиш, овқатланиш, тиббий хизмат кўрсатиш, интизом ва жазо, хавфсизлик чораларини кўриш, ташқи дунё билан алоқа қилиш, меҳнат қилиш, таълим ва тарбия масалалари ҳал этилган.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги жиноят-ижроия қонунчилигига баҳо берилар экан, таъкидлаш жоизки, мазкур хужжат ва инсон хукуқлари бўйича бошқа ҳалқаро актларда баён этилган талабларга тўлиқ мос келади.

Ўзбекистон Республикасининг жиноят-ижроия қонунчилигида жазони ўташ шароитларини янада демократлаштириш йўлида катта ишлар амалга оширилди. Бу айниқса, ахлоқ тузатиш муассасаларида, хусусан, вояга етмаганлар ва аёллар сақланадиган жойларда маҳкумларнинг ижтимоий фойдалари алоқаларининг кенгайтирилиши ва жазони ўташ тартиб-қоидаларига тааллуклидир.

Жазони ижро этиши ва маҳкумлар билан муносабатда бўлишига тааллуқли ҳалқаро тавсия-нормалар

Ушбу нормаларнинг вазифаси жиноий жазоларни ижро этишни тартибга солувчи қонунчиликнинг ривожланишига таъсир кўрсатишидир. Масалан, БМТ ЭКОСОС томонидан 1984 йил 25 майда қабул қилинган “Маҳбуслар билан муомалада бўлишнинг минимал стандарт қоидаларини самарали амалга ошириш тартиби” да таъкидланадики, “ҳар қандай шаклда ушланиши ва хибсга олинishi лозим бўлган барча шахсларни ҳимоялаш борасидаги нормалари маҳбуслар билан муносабатда бўлишнинг минимал стандарт қоидаларига мос келмай-

диган барча давлатлар ушбу нормаларни кабул қилишлари шарт”. Ушбу ҳолат 1989 йилдаги Вена учрашувининг якуний хужжатлари билан тасдиқланган. Улар давлат органлари ва маҳкумлар ўртасида тартиб, уларнинг моддий-маший ва тиббий таъминоти, меҳнати, таълим-тарбияси ва бошқа соҳаларда юзага келадиган кенг қамровли муносабатларни ўз ичига олади ва инсонпарварлик характеридаги тавсияларни акс эттиради. Улар Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексида ўз ифодасини топган.

Жазони ижро этиши муассасалари хизматчиларини тайёрлаши

Демократик ва инсонпарварлик принципларига асосланган энг мукаммал конунчилик малакали, профессионал тайёргарликдан ўтган ва уни кўллаш учун сафарбар этилган хизматчилариз олдига кўйилган вазифаларнинг муваффақиятли бажарилишини кафолатлай олмайди. Жиноятчиликка карши кураш соҳасидаги халқаро шартномаларда асосий эътибор жиноий юстиция органлари учун ходимларни, айниқса уларнинг асосий инсон хуқуқлари ва эркинликларини ўзлаштиришлари ва уларга риоя килишлари нуқтаи назаридан тайёрлашга қаратилиши бежиз эмас. Масалан, Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ, шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларига карши конвенциянинг 10-моддасида “ҳар бир давлат қийноқларнинг тақиқланганлиги ҳакидаги маълумотнинг тўла равишда хукуқни тадбиқ этувчи органлар, айниқса, ҳисбда сақланаётган, ушланган ёки қамоққа олинган шахсларни сўрқ қилиш ёки улар билан муносабатда бўлиш билан алоқадор ходимларини тайёрлаш дастурларига киритилишини таъминлайди” дейилади. БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1979 йил 17 декабрда кабул қилинган Хукуқ-тартиботни сақлаш бўйича мансабдор шахсларнинг хулқ-атвор кодекси ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Минимал стандарт қоидаларда қайд этилишича, ахлоқ тузатиш муассасалари ишининг муваффақияти ходимларнинг ҳалоллиги, инсонпарвар-лиги, бундай ишга лаёқатлилиги, шахсан лойиқлигига боғлиқ. Бу Ўзбекистон Республикасидаги жазони ижро этиш муассасалари ва органлари ходимларнинг тайёрланишига ҳам тааллуқли. Ҳозирги кунда ушбу органлар ходимларини тайёрловчи олий ва ўрта ўқув юртлари тизими яратилган.

Хуласа ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, маҳбуслар билан муомалада бўлишнинг минимал стандарт қоидалари уларни ратификация қилган давлатлардан уларнинг барча маҳбусларга нисбатан уларнинг ахлоқ тузатиш муассасасига қабул қилинишидан тортиб, то ушбу муассасада сақланиш муддатининг тугашига қадар тадбиқ этилишини таъминлашни талаб этади.

Қироллик халқаро хукуқ колледжи профессори Р. Мюллerson Ўзбекистоннинг ахлоқ тузатиш сиёсати ҳакида гапирав экан, шундай деган эди: “Сўнги йилларда нодавлат ташкилотлари вакилларига, Халқаро хож ташкилотига мамлакатнинг ахлоқ тузатиш муассасалари билан кенгроқ танишиш имкониятининг берилиши борасида ҳукumat томонидан кўрилган ижобий чоралар маҳбусларни сақлаша шароитларининг халқаро стандартларга мос келишининг кафолати бўлмоқда”.

ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМИНИНГ ИНСОН ХУҚУҚЛАРИ МАДАНИЯТИ

12.1. Ички ишлар идоралари ходимининг инсон ҳуқуқлари маданиятида эстетик (бадиий) маданиятнинг ўрни

Эстетика (юонча “эстетикос” — хиссий, ҳис қилинадиган) — инсоннинг дунёга бўлган муносабатининг бутун соҳасини, у томонидан дунёни идрок қилинишнинг барча томонларини гўзаллик қонуниятлари асосида ўрганадиган фалсафий фан. Фан сифатида эстетикада иккита асосий ўзаро боғлиқ ҳодисалар доирасини ажратиш мумкин:

бириңчидан, эстетик соҳа, дунёга нисбатан инсон муносабатининг ўзига хос шаклда (гўзал) намойиш бўлиши (“гўзаллик фалсафаси”);

иккинчидан, инсонларнинг бадиий фаолияти (“санъат фалсафаси”).

Эстетиканинг ушбу бўлимлари узвий боғлиқ бўлсада, нисбатан мустақилликка ҳам эга. Эстетика фани бўлими сифатида “гўзаллик фалсафаси” куйидаги масалаларни ўрганади: қадриятларга асосланган муносабатлар тизимида эстетика табиати ва ўзига хослиги; эстетик қадрият, баҳо, ўзлаштириш ва амалиётнинг диалектик алокаси; инсон эстетик фаоллигининг ижтимоий ва шахсий ҳаётдаги аҳамияти; эстетиклик ва бадиийликнинг турли соҳаларда — амалий фаолиятда, тарбия, таълим, мушоҳадада намоён бўлишининг алокаси.

Эстетика фани бўлими сифатида “санъат фалсафаси” бадиий фаолиятни маҳсус таҳлил қилиш; унинг пайдо бўлиши; инсон фаолиятнинг бошқа шакллари каторида тузилмавий ўзига хослиги; бадиий ижод ва унинг натижаларини инсон томонидан қабул қилиниши характери билан алоқаси ва бошқаларни ўрганишга бағишиланган.

Шахс учун эстетика ва эстетик — санъат ва ҳаётдаги гўзалликдан таъсирланиш, ҳодиса ва нарсаларни ўзига хос, бадиий ўзлаштиришдан ажралмас бўлган нарсадир. Кўпгина ички ишлар идоралари ходимлари чиройли расм чизишган, шеърлар ёзишган, чолғу асбобларида ўйнай олишган. Санъат хиссий, ақлий — фикрий соҳалар ва қадриятлар билан умумийликда мукаммал инсонни шакллантиради. Санъат ички ишлар идоралари ходимларининг ижодий қобилиятларини мукаммаллаштиради, гўзаллик қонуниятлари асосида фаолият юргизишга ундейди. Ҳақиқий ички ишлар идоралари ходими шахсий фаолиятини касбий чегаралар билан чекламасдан маҳсулли ишлаши мумкин.

Лекин, бизни, авваламбор унинг касбий фаолиятида намоён бўлувчи ички ишлар идоралари ходимининг эстетик маданияти қизиқтиради. Бу эса — хукукий эстетиканинг таркибий қисми бўлган “гўзаллик фалсафаси”нинг амалий юридик фаолиятда синаш соҳасидир.

Амалиётда, тўла англаб етмай туриб, доимо санъатдан ташкари эстетика ва эстетик нарсалар ҳакида гапирамиз. Борган сари корхона, фирма эгасини ходимларнинг костюмлари шакли ва ранги, хоналарнинг жихозланиши, бинонинг ташки кўриниши ташвишлантиради. Маълум бўладики, ходимларнинг иш самарадорлигиги шунга боғлик (баъзида жуда ҳам) ва буларнинг бари эстетика соҳасига тааллукли бўлсада катта амалий аҳамият касб этади. Автомобиль конструктори борган сари “боласи”нинг ташки кўриниши, йўл қурувчиси эса йўл белгилари шакли ва ранги ҳакида ўйлайди. Мазкур ҳолатда сўз, санъатга караганда бошқа соҳага тегишли бўлган ишлаб чиқариш эстетикаси ҳакида бормоқда, лекин улар ўртасида умумийлик мавжуд: уларнинг иккаласи ҳам гўзаллик конунларига асосланган ва ва ушбу конунларга бўйсунишади.

Шундай қилиб, эстетика у ёки бу маънода инсон фаолиятининг барча соҳаларига таъсир қиласи. Ички ишлар идоралари ходими касбий фаолияти ҳам эстетика билан боғлик, чунки бу ерда мазкур алоқадорликнинг хусусиятлари ва натижалари аниқ намоён бўлади. Улар хукукий эстетиканинг илмий йўналиш сифатида асоси бўлган ички ишлар идоралари ходимининг эстетик маданиятида акс этади.

Хукукий эстетика — хукуқшунослик фаолиятининг ташки томонига кўрсатиладиган талаблар ва хукукий ишни ижобий ҳал этишда уларнинг роли ҳақидаги билимлар тизимиdir.

Хукукий эстетика талаблари ички ишлар идоралари ходими фаолиятининг барча соҳаларига тааллуклиди. Улар ички ишлар идоралари ходими ишини самарали ва юксак таъминланиши, унинг юкори маданияти, кулай иш шароитларини яратилишига ёрдамлашади.

Хукукий эстетикани ички ишлар идоралари ходими руҳий-жисмоний ҳолатига эстетик ҳодисаларнинг таъсирини, хукукий хатти-харакат тамойилларини ишлаб чиқишини, атрофдаги табиий ва ижтимоий муҳит гўзаллиги ва ишлаб чиқариш санъати ёрдамида жиноятчиликни олдини олишни ўрганувчи амалий билимлар сифатида ҳам белгилаш мумкин.

Хукукий эстетика соҳасига ички ишлар идоралари ходими шахси эстетик ҳиссиятларини ўрганиш, ҳиссий таъсиirlаниш, хавотирланиш ва уларнинг жисмоний ва руҳий фаолиятдаги аҳамиятини тадқиқ қилиш киради. Эстетик муносабатлар — ички ишлар идоралари ходимининг воқелик ҳодисаларини гўзал ёки хунук, олижаноблик ёки пастлик, фожиали ёки кулгили деб баҳолаш қобилияти. Айтиш мумкинки, хукукий эстетиканинг энг асосий саволларидан бири — хукуқшуносинг жисмоний ва ахлоқий соғлиги учун эстетик муносабатлар ва баҳолар табиати қандай таъсир кўрсатиши билан боғлик.

Хукукий эстетика ёқимли ҳаяжон ва қувонч ҳиссини туғдирадиган, қайғуни тинчланишга айлантирадиган, тинчланишдан руҳий барқарорликни келти-

риб чиқарадиган, руҳий ҳолатни ўзгартирадиган сабабларни аниқлади. Бундан ташқари, ҳуқуқий эстетика соҳасига, ички ишлар идоралари ходимининг ҳуқуқий вазифаларни ҳал этишга қаратилган фаолиятини гўзаллик қонунлари асосида ёритиш киради.

Этик ва эстетик ҳуқуқшунослик (уларнинг ўзига хослигини инобатга олган ҳолда) бошқа фанлардаги каби, ажралмас умумийликни ташкил қиласди. Барча ижтимоий ҳодиса, инсон фаолиятнинг ҳаракати ва сабаблари бир вақтнинг ўзида этик ва эстетик аҳамиятга эга бўлиб, қуйидагича баҳоланиши мумкин:

биринчидан, гўзал ёки хунук (эстетика соҳаси);

иккинчидан, яхшилик ёки ёмонлик (ахлоқ соҳаси).

Ҳуқуқий эстетика ички ишлар идоралари ходимининг эстетик маданиятини аниқлаш ва ривожлантириш имконини берадиган иккита муҳим муаммони кўриб чиқади:

биринчидан, касбий фаолият жараёнида ички ишлар идоралари ходимида ижобий ёки салбий таъсирни кўзғатувчи эстетик шаклларнинг сифати (гўзал, хунук ва бошқалар);

иккинчидан, ҳуқуқий амалиёт умумий тизимини ташкиллаштириш тамойилларини эстетика талабларига биноан аниқлаш (олий мақсад, эстетик дид ва бошқалар).

Ички ишлар идоралари ходимининг эстетик маданияти — ҳуқуқшуноснинг гўзалликка эга бўлиши натижасида касбий ваколатларини бажаришдаги хатти-ҳаракатлари шакли (ташқи томони) ва моҳиятида (ички томони) намоён бўлувчи эстетик талаблар тизимиdir.

Ички ишлар идоралари ходимининг эстетик маданияти — ҳуқуқшунос руҳий дунёсини ҳар томонлама бойитиш, ижтимоий бурч ва хизмат этикетига онгли муносабатда бўлиш, ҳуқуқий этикет қоидалари ва меъёрларини ўзлаштириш ва бажаришга ёрдамлашувчи, ривожланган гўзаллик ҳиссини шакллантиришга қаратилган ҳуқуқшунос шахсини ахлоқий-эстетик тарбиялаш натижасидир.

Ички ишлар идоралари ходимининг эстетик маданиятидаги ўзига хослик-эстетиклик-ҳуқуқшуноснинг ўзига, касбига, касбдошлари, фуқароларга нисбатан қадрли муносабатда бўлишини таҳлил қилиш орқали очилади.

Ички ишлар идоралари ходимининг эстетик маданиятини очиб берувчи ички ишлар идоралари ходими эстетик билимларининг учта соҳасини ажратиб кўрсатиш мумкин:

биринчидан, табиат ва инсон томонидан яратилган воқеликнинг турли омиллари ва ҳодисалари;

иккинчидан, ички ишлар идоралари ходимининг фаолияти, унинг “гўзаллик қонунлари”га кўра олиб борадиган иши;

учинчидан, ички ишлар идоралари ходимларининг ички ва ташқи эстетик маданияти, яна ҳуқуқшуносда турли туйғуларни уйғотиб, тегишли жисмоний-руҳий ўзгаришларга сабаб бўладиган санъат асарлари (мусиқа, адабиёт, рассомчилик ва бошқалар).

Ички ишлар идоралари ходимининг эстетик маданияти ички ва ташки тарафларга эга бўлади. Ташки тараф унинг кўринишлари шаклида гавдаланади ва ички ишлар идоралари ходими фаолиятининг ташки тарафини тавсифлайди; ички — шахснинг чуқур хусусиятлари бўлиб, ички ишлар идоралари ходимининг шахс сифатидаги олий мақсадлари ва эстетик дидининг ички тарафини тавсифловчи гўзалликни ўзлаштириш талабларида намоён бўлади.

Ички ишлар идоралари ходимининг эстетик маданиятини намоён бўлиш шакллари — ички ишлар идоралари ходими фаолиятининг ташки тарафиға, унинг ташки кўриниши ва ҳаракат (муомала) тарзига қўйиладиган эстетик талаблар тизимиdir. Ички ишлар идоралари ходимининг эстетик маданиятини намоён бўлиш шакллари — унинг эстетик диди, олий мақсадлари кўрсатгичидир.

Ички ишлар идоралари ходимининг касбий фаолиятида унинг жисмоний руҳий хусусиятлари билан боғлиқ бўлган ва муомаланинг оғзаки бўлмаган воситалари: нутқ (овоз, унинг баланд-пастлиги, оҳангি); ҳаракатланиш (мимика, имо-ишора, тана ҳаракати); эшитиш (эшитиш ва эшита олиш қобилияти); кўриш (нигоҳ) бўлган хатти-ҳаракат тарзи катта аҳамият касб этади.

Ҳар қандай одам, ички ишлар идоралари ходими қабулига келар экан, сұхбатдошини руҳий баҳолашга ҳаракат қиласди. Кўпинча унинг хатти-ҳаракатлари ва ишни очишда ёрдам беришга бўлган ҳоҳиши мана шунга боғлиқ бўлади. Эстетик маданиятни намоён бўлиш шакллари сифатида ҳаракат тарзи (нутқ, ҳаракатланиш, эшитиш, кўриш) хукукий жараён иштирокчилари орасида руҳий алоқанинг ўрнатилишига ёрдамлашади.

Хукукий ишни кўриб чиқиши жараёнида ички ишлар идоралари ходими учун турли инсонларнинг ҳаракетлари кирралари, ҳис-туйғулари ва ниятлари, ҳаракатлари тарзи — юзидаги мимика, ишора, ҳаракатларига қараб руҳий ҳолатини билиб олиш қобилияти мухим ҳисобланади. Шу туфайли, ички ишлар идоралари ходими аниқ инсон, унинг мумкин бўлган ҳаракатлари, қарорлари тўғрисида объектив фикрни ўз вақтида шакллантириб, ўзаро муносабат учун тегишли усул ва йўналишни танлаши мумкин. Бошқа тарафдан, ички ишлар идоралари ходимининг ҳаракат тарзи ҳам, доимо атрофдаги инсонлар диккат — эътиборида бўлади.

Юзнинг мимикаси орқали кўплаб туйғуларни билиб олиш мумкин, шунинг учун ички ишлар идоралари ходими иложи борича ишга тааллукли барча шахслар билан телефон орқали эмас, балки бевосита гаплашиши лозим. Бу шу билан боғлиқки, биз кўпинча инсон ҳақида кўп нарсани унинг сўзларидан эмас, балки унинг юзидан билиб оламиз. Кузатувчи инсонга имо-ишоралар ва гавда ҳаракатлари ҳам, мимикадан кўра кўпроқ маълумот бериши мумкин.

Ижобий ҳис-туйғулар — қувонч, фаҳр, хайратланиш ҳаммадан кўра тезроқ намоён бўлади. Салбий ҳис-туйғулар — ғам, нафрат, жаҳл, ғазаб, жирканишни аниқлаш қийинроқ кечади. Овоз ҳам бармоқ излари каби инсоннинг ҳаракетлери жиҳатларидан ҳисобланади. Баланд ёки паст, қаҳрли ва мулозаматли, тинчлантирувчи ёки жаҳлни чиқарадиган қилиб гапириш мумкин. Овознинг оҳангি, баланд-

пастлигига қараб инсон ҳақида күп нарсаны билиб олиш мумкин. Күпинча бирги на муомала тарзининг ўзи сұхбатдошда ақлли ва пухта ўйланған ҳаракатлар каби таассурот қолдиради. Овознинг мухим хусусияти шундан иборатки, күпчилик инсонлар ўз фикрларини айтар эканлар, сўзларини қандай ифодалаш усули ҳақида эмас, балки уларнинг мазмуни ҳақида ўйладилар. Шунинг учун овозни инсон табиатининг бирламчи кўринишига киритиш лозим. Нутқнинг тезлиги инсон мижозининг ҳумронлик ҳолатига тегишли бўлиб, уни сунъий равишда ўзгартириш ўта мураккаб ҳисобланади ва энг яхши ҳолатда ҳам қисқа муддатга амалга ошириш мумкин. Нутқ тезлигига (оҳангидаги) тўсатдан юз берадиган кескин ўзгаришлар тез ҳаяжонланадиган, ўзига ишонмайдиган ёки енгил ҳарактерли одамларда юз беради (хукуқшуносларда ўзига ишонмаслик етарли дара жада малакага эга бўлмаганлик ва тажрибасизлик оқибатида бўлиши мумкин).

Ички ишлар идоралари ходими учун нутқнинг ортиқча тезлигини олдини олиш учун олдиндан кутилаётган сұхбатнинг мазмуни ва шакли тўғрисида ўйлаб кўриш, сұхбатдош шахсига тааллуқли бўлган маълумотларни ўрганиб чиқиши лозим. Хукукий фаолиятнинг ўзига хослиги ҳам шундаки, сұхбатнинг барча тарафларини олдиндан таҳлил қилишнинг иложи йўқ. Шунинг учун ўз фикрини айтишга чуқур тайёргарлик кўриш билан бир қаторда тайёргарликсиз фикр айтишни ҳам назарда тутиш керак.

Фикрни аниқ ва равшан баён қилиш — ақл-фаросатнинг ажралмас йўлдоши, унинг энг яхши безагидир. Ҳар қандай фикр аниқ ва мантиқий баён қилинса, у албатта устун келади. Ишлатилган сўзнинг ўз ўрнида кўлланганлиги ва бехатолиги улар ифодалаётган фикрни тушуниш учун асосий аҳамият касб этади. Хайриҳоҳлик сұхбатга улуғворлик ва ишончлилик руҳини баҳш этади. Гапга чечанлик қобилиятини жуда ҳам эҳтиётлик билан кўрсатиш лозим, чунки у қанчалик ҳақиқатга яқин бўлмасин, ички ишлар идоралари ходими измида бўлган одам уни ҳаммавакт ҳам ижобий баҳоламасдан, терговчи ва профилактика инспекторининг унга жиддий қарамаётгандигининг белгиси деб тушуниши мумкин.

Сұхбатлашиш тарзи ва оҳангиги, унинг мазмунидек аҳамият касб этади. “Сиз” деб мурожаат қилиш, фикрларни ифодалашда жуда кескин оҳанглардан фойдаланишдан қочиши керак, чунки бу сұхбатдош фурурига тегиши мумкин. Иложи борича ички ишлар идоралари ходимининг нутқи оддий жумлалар билан ифодаланиши керак. Бундай ҳолатда гувоҳ, гумон қилинувчи ва бошқалар айтилган сўзнинг мазмунини, жумладан хукукий атамаларни ҳам тезрок тушуниб оладилар.

Кўпинча ақлли, яхши нутқни ўз ўрнида кўлланмаган ва қаторасида айтилган паразит сўзлар, маталлар, мақоллар, топишмоқлар бузади. Хорижий сўз ва ибораларни ишлатишида жуда эҳтиёт бўлиш лозим, чунки уларнинг маъноси касбдошлар, мижозга тушунарсиз бўлиши мумкин.

Ҳеч қачон шахсий қарашларни, улар қанчалик тўғри бўлишидан қатъи назар, ҳақоратлаш ва бақириш оҳангига химоя қилиш керак эмас. Ҳаётда ҳам, хукукий амалиётда ҳам шундай ҳолатлар бўладики, нима бўлган тақдирда ҳам қатъиятилини талаб қиласди, лекин шундай вазиятларда ҳам ички ишлар идоралари ходими

ракибиға ўртамиёна охангда гапириши ва хайриҳоҳ муносабатда бўлишга мажбур. Даили-исботнинг кучи овознинг кучида эмас, балки исбот қилишнинг кучидадир.

Ички ишлар идоралари ходимиға масала қай даражада муҳим бўлишидан қатъи назар, сухбатдошни тинглай олиш қобилияти хос бўлиши лозим. Сўзларга эътиборсизлик — сўзловчи учун шахсий хафагарчилиги бўлиб, келажакда албатта салбий тарзда намоён бўлади. Сухбатдошнинг сўзларига бўлган эътиборсизлик — бу хулоса қила олмаслиқ, кўпинча икки-уч муҳим ходисалар асосида қилинган хулосалардан кўра ҳақиқатга кўпроқ яқин бўлган, сухбат давомида эътибордан четга қолган кичик тафсилотлар ҳамдир. Ҳаётдаги қийин вазиятларда инсон муғомбирлик қилишга мойил, лекин кичкина нарсаларда доимо муғомбирлик қилиб бўлмайди. Ички ишлар идоралари ходимининг фуқаро, айланувчи билан сухбат жараёнида эркин гапиришни дикқат билан эшила олиш қобилияти янада тўлиқ ва ишончли маълумотни олиш имкони беради.

Ҳеч бир шароитда ўзини дикқат билан эшитаётгандек қилиб кўрсатиш мумкин эмас. Ички ишлар идоралари ходими қанчалик ўзини бундай қилиб кўрсатмасин, қизиқишининг йўқлиги ва зерикишни унинг юзи ва қиликлари билдириб қўяди. Кескин вазиятларда ёлғондакам ҳаракат қилиш хурматсизлик маъносида қабул килинади. Масалан, сухбат жараёнида қоғозга расм чизиб ўтириш мумкин эмас.

Сухбат вактида сўзловчига тўғри караб ўтириш, доимий равищда визуал алоқани ушлаб туриши лозим. Ички ишлар идоралари ходими сухбатдошга қандай қарашга алоҳида талаблар кўйиши лозим. Шуни доимо ёдда тутиш керакки, катъий нигоҳ инсонларда кўпинча норозилик ҳиссини уйғотиб, шахсий ҳиссиётларга тажовуз сифатида қаралади. Жуда дикқат билан қараш ҳам кўпчиликда душманлик аломати деб тушунилади. Ички ишлар идоралари ходими нигоҳи ундан ҳукукий ёрдам сўраб келган инсон муаммоларига қизиқишини исботлаши лозим. Шунинг учун, доимий равищда сухбатдош кўзининг “ичига” қараб ўтириш мумкин эмас. Кўпинча бундай нигоҳ диккетсизлик ёки ургу берилган хурматсизлик сифатида баҳоланади. Сухбатдошларнинг стуллари баландлик жиҳатдан қандай жойлаштирилганлиги ҳам, ички ишлар идоралари ходими нигоҳи учун катта руҳий аҳамият касб этади. Пастдан қараш, айникса бошни тушириб, секинроқ гапириш бўйсуниш, хизмат кўрсатишга мойилликни англатади. Тепадан пастга, бошни орқага ташлаган ҳолда гапириш манманлиқ, кибр-ҳаво, жирканишни билдиради. Шунинг учун нигоҳ битта даражада бўлиши лозим.

Шундай қилиб, ҳукукий амалиётда сухбатдошнинг ижтимоий мавкеига ва сухбатлашиш жараёнига тегишли ҳаракат тарзи, ташқи кўриниш, гаплашиш, имо-ишоралар, мимика, гавданинг туриши, гавдани тутиш, овоз муҳим ўрин тутиб, ички ишлар идоралари ходими хизмат этикети асосларидир.

12.2. Ички ишлар идоралари ходимининг инсон ҳуқуқлари маданиятида этик (ахлоқий) маданиятнинг ўрни

Инсон фаолиятининг ҳар бир жабҳасида ахлоқий талабларга катта ўрин ажратилади, бироқ улар инсоннинг ҳаёт мамоти, соғлиғи, кадр-қиммати билан боғлиқ

бўлган ички ишлар идоралари ходими фаолиятида алоҳида катта аҳамиятга эга. Ички ишлар идоралари ходимининг ахлоқий жиҳатлариридан (тўғрисўзлик, ҳақгўйлик, қонунга содиқлик, ҳамманинг қонун олдида тенглигига амал килиш) бошқа бир инсон-фуқаро (айбланувчи, судланувчи) тақдирни боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳар бир ички ишлар идоралари ходими бўлишга қарор килган инсон, унга жамият томонидан қўйиладиган барча касбий-ахлоқий талабларни аниқ англаб етиши лозим. Мазкур ахлоқий талаблар “ички ишлар идоралари ходимининг ахлоқий маданияти” тушунчасига кириб, хукуқий ахлоқнинг асосини, ўзагини ташкил этади.

Хукуқий маданият шифокор, ўқитувчи этикаси каби касбий ахлоқнинг бир кўринишидир. Буларнинг барчаси этиканинг қисмлари сифатида унинг таркибига киришади.

Этика (юнонча ethos — одат) — фалсафий фан бўлиб, унинг ўрганиш обьекти ахлоқdir. Этика фалсафанинг таркибий қисми сифатида қадимги даврда пайдо бўлган. “Этика” атамаси қадимги юнон файласуфи Аристотел томонидан “Этика” асарида ахлоқийлик ҳақидаги ўқишни изоҳлашда, инсон қалбининг юқори сифатларини (мўътадиллик, мардлик, адолатлилик) ифодалашда фойдаланилган.

Мораль (лотинча moralis — ахлоқли, mores — ахлоқлар) — бу индивидларнинг ўзаро ва жамият билан манфаатларини мослаштириш эҳтиёжидан келиб чиқадиган меър ва принциплар тизими бўлиб, инсонлар ҳаракатини эзгулик ва ёвузлик тушунчалари асосида мувофиқлаштиришга йўналтирилган ва шахсий фикр, анъана, тарбия, жамоатчилик фикри кучи билан сақланади.

Ахлоқийлик — славян тилидан келиб чиққан атама бўлиб, “мораль”, “этика” атамалари билан деярли бир хил маънони англатади; аммо, қадим даврдан бўён этикани мораль, ахлоқийлик ҳақидаги ўқиш сифатида қараб келишган. Мораль — тарихий ҳолат бўлиб, инсониятнинг умумий тараққиёти билан ўзгаради ва ривожланиб боради, лекин ҳар доим эзгулик, ёвузлик, ҳақгўйлик, тарбиялилик, виждон (Ўлдирма, Ўғирлама, Шухратпараст бўлма, Хасислик қилма) ахлоқий меъёрларни белгиловчи омиллар бўлиб келган. Мораль — ҳаётнинг деярли барча жабҳаларини қамраб олади — иқтисодиёт, сиёsat, хукуқ ва бошқа. Ахлоқ ёрдамида шахснинг хатти-ҳаракатлари жамият манфаатларига мослаштирилади, улар ўртасидаги зиддиятлар бартараф этилади, шахсларро муносабатлар тартибга солинади.

Кадим даврлардан буён маълум ахлоқнинг “олтин қоидаси” бу: “ўзгаларга нисбатан, ўзингга нисбатан қилинишини хоҳлаган (хоҳламаган) муносабатни қил (қилма)”.

Ахлоқнинг таркибий қисмлари:

Биринчидан, ахлоқий онг (қадриятлар, меъёрлар, идеаллар: эзгулик, ёвузлик, шаън, бурч, виждон);

иккинчидан, ахлоқий муносабатлар (ахлоқий ўзаро муносабатлар, ахлоқий зиддият, ахлоқий обрў ва бошқалар);

учинчидан, ахлоқий ҳулқ (ахлоқий ҳаракат, ахлоқий оқибат, ахлоқий чеклашлар, ахлоқий амалиёт).

Мазкур элементларнинг барчаси ўзаро боғланган, бир-бирини тўлдиради ва бир-бирига ўтади. Бирок уларнинг ўзаро муносабатларининг бошланғич нуқтаси ахлоқий онгдир. Уларсиз ахлоқий-хуқуқий категорияларни таҳлил қилиб бўлмайди.

Ахлоқнинг вазифалари:

назорат — ўзаро муносабатларнинг ахлоқий жиҳатдан назорат қилиш, шахс ҳулқини жамиятдаги бош ахлоқий меъёр ва принциплар билан мувофиқлаштириш;

баҳо (аксеологик) — хатти-ҳаракат, муносабат, режа ва қарашларнинг ахлоқий баҳолаш;

йўналтирувчи — ахлоқий устуворликни ишлаб чиқиш, бир ахлоқий кадриятларни бошқаларига нисбатан афзал кўриш;

мақсадли — ёки бу ниятларга ахлоқийлик ва ахлоқсизлик, олижаноблик ва пасткашлик баҳосини бериш;

ахборот (маърифий) — ахлоқий меъёр, принциплар ҳақида тасаввурга эга бўлиш;

тарбиявий — ахлоқий меъёр, одат, анъана, умум эътироф этилган ҳулқ намуналарига ўргатиш;

коммуникатив — ўзаро мулоқот, тушуниш, кўллаб-куватлашга даъват этиш.

Ахлоқ ва хуқуқнинг алоқаси қуидагиларда намоён бўлади:

биринчидан, якка ва умумий белгиларга хос эканлигида;

иккинчидан, фарқлар мавжудлигида;

учинчидан, ўзаро муносабат ва алоқадорликда эканлигида.

Хуқуқий ахлоқда кўриб чиқиладиган ахлоқий меъёрлар алоҳида, мустақил меъёрлар эмас: улар инсонлар ўртасида мавжуд хуқуқий соҳадаги алоҳида муносабатларга мослашган. Кўпчилик ҳолларда хуқуқий меъёрлар ахлоқий принцип ва меъёрлардан “ўсиб чиққан” бўлади, чунки ахлоқ ва хуқуқнинг вазифалари кўп ҳолларда бир-бирига ўзаро мос келади. Уларнинг ўзаро муносабати ва тъзири давлатнинг хуқуқий ижод ва хуқуқий амалиёти жараёнида намоён бўлади.

Хуқук ва ахлоқ меъёрлари ўртасидаги умумийлик шундаки, улар:

биринчидан, ижтимоий алоқалар билан бир майдонда амал қиласилар, яъни улар ижтимоий меъёрлар хисобланishiadi;

иккинчидан, ягона мақсадни қўзлашади — жамиятда тартиб ўрнатиш ва сақлаш;

учинчидан, ягона вазифага эга — одамлар ҳулқига таъсир кўрсатиш, уларнинг муносабатларини мувофиқлаштириш, ҳулқ миқёсларини (этalon, стандартлар) шакллантириш;

тўртинчидан, ҳаммага ёки катта гуруҳдаги инсонларга каратилган, яъни умумий характердаги ҳулқ коидалари хисобланади;

бешинчидан, адолат тимсолида ягона руҳий-маънавий табиатга, ягона кадрият асосига эга. Ҳатто синфий давлатда хуқук меъёрлари ахлоқ меъёрлари асосида турувчи адолатнинг намоён бўлиши хисобланган. Улар ўз навбатида, жамиятнинг моддий ва маънавий тараққиёти билан боғлиқ бўлган. Аммо

ўша даврда ҳам ҳуқуқ ва ахлоқ меъёрлари бошбошдоқлик ва тартибсизликка қарши турган.

Бироқ ахлоқ ва ҳуқуқ меъёрлари ўртасида фарқлар мавжуд. Ҳуқуқий меъёрлардан фарқли равишда ахлоқ меъёрлари инсон ҳулқини ҳәётнинг барча жабҳаларида назорат килиб туради. Ахлоқ ва ҳуқуқ ўртасидаги фарқ асосан уларнинг шахснинг жамиятдаги ҳулқини қандай усуlda тартибга солишига тегишилидир. Ахлоқ меъёрлари талабларига иhtiёрий равишда амал қилинади ва умумқабул қилинган одатлар, жамоатчилик фикри билан тартибга солиб турилади. Ахлоқ меъёрларининг бузилиши алоҳида одамлар эмас, балки жамоанинг барча аъзолари томонидан руҳий таъсир кўрсатилиши (оммавий чеклаш ва муҳокама қилиш) кўринишидаги чеклашларни келтириб чиқаради. Мазкур меъёрлар жамоа онгига яхшилик, ёмонлик, адолат, тарбиялилик ва бошқа шу кабилар ҳақидаги умум қабул қилинган тасаввурлар асосида белгиланади. Ҳуқуқ меъёрлари ишонтириш ва бошқа усуллардан ташқари давлат томонидан мажбурулаш орқали таъминланади.

Ахлоқ меъёрлари талаблари маҳсус актларда мустаҳкамлаб қўйилмасдан, инсонлар онгига сақланади, ҳуқуқ меъёрлари эса жамиятнинг барча аъзолари учун мажбурий бўлган расмий давлат актларида (қонун, қарор, фармойишларда) мустаҳкамлаб қўйилади, аммо ахлоқ меъёрлари ҳуқуқ меъёрларида маъсус кўринишда акс этиши мумкин.

Ички ишлар идоралари ходимининг касбий фаолиятида ахлоқий бетараб элеменtlар бўлмайдики, ҳуқуқ ва ахлоқнинг мақсади ягона — инсонлар ўртасидаги муносабатларни умуминсоний қадриятлар: инсонийлик, адолатлилик, озодлик, тенглик, шахснинг табиий ҳуқуқ ва эркинликларини хурмат қилиш кабилар асосида шаклланишига кўмаклашиш.

Ҳуқуқий (юридик) ахлоқ — илмий-амалий фан бўлиб, “инсон-ҳуқуқ” тизимнинг ахлоқий қонуниятларини ўрганади, мазкур тизим самадорлигини оширишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқади.

Ҳуқуқий этика ахлоқ меъёрларини тизимлаштириб, уларни “ички ишлар идоралари ходими-фуқаро”, “ички ишлар идоралари ходими — гумонланувчи”, “ички ишлар идоралари ходими — жабрланувчи”, “ички ишлар идоралари ходими — гувоҳ” ва бошқалар муносабатларида кўринишини баҳолайди. Ҳуқуқий этика ички ишлар идоралари ходими ўз касбий фаолияти давомида, ва кундадлик ҳәётда амал қиласиган ахлоқий билим, хис, қадрият ва эҳтиёжлари эзгулик, бурч, виждан каби ахлоқий меъёрларга асосланиши лозимлигидан келиб чиқади. Худди шундай талабларни ички ишлар идоралари ходими ўзининг кундалик амалиётида ўзаро муносабатда бўладиган шахсларга нисбатан ҳам қўйиши керак.

Ҳуқуқий ахлоқнинг аҳамияти қуйидаги вазифаларда кўринади:

биринчидан, ички ишлар идоралари ходимларига қўйиладиган ахлоқий талабларни умумлаштиришда;

иккинчидан, юридик амалиётни ўрганиш ва юридик ишни кўриш чоғида ички ишлар идоралари ходимларининг ҳамкаслари билан муносабатлари ахлоқи таҳлилида;

учинчидан, ички ишлар идоралари ходимлари ва амалиёт иштирокчила-рининг (гумонланувчи, гувоҳ, жабрланувчи ва бошқалар) ўзаро муносабатла-ри ахлоқи таҳлилида;

тўртинчидан, ички ишлар идоралари ходими касби обрўсини ошириш билан боғлиқ ахлоқий мазмундаги тавсияларни ишлаб чиқишида;

Хуқуқий (юридик) ахлоқ — ички ишлар идоралари ходими ахлоқий маданиятига нисбатан, кенгрөк тушунчадир, чунки унинг предметига нафакат ички ишлар идоралари ходимининг касбий ахлоқини, балки давлатнинг хуқуқий майдонида хуқуқий масалаларда бошқа бир шахслар билан, жумладан ички ишлар идоралари ходими билан муомалада бўладиган ҳар бир шахс ахлоқини ўрганиш киради. Хуқуқий ахлоқ фуқароларнинг хуқуқ соҳасидаги, аввало ички ишлар идоралари ходимларининг аниқ юридик ишларни ечишда, уму-ман ички ишлар идоралари ходимларининг ахлоқий маданияти, унинг шахсий маънавий тажрибаси, ахлоқий-тарбиявий чалкашликларни ечиш қобилияtlари каби фаолиятларининг умумий таҳлилига бағишлиланган. Хуқуқий ахлоқ юри-дик амалиётда чоғидаги хатоларни ечишнинг, жумладан касбий бузилишлар-нинг ахлоқий жиҳатларини ҳам ўрганади.

Ички ишлар идоралари ходимларининг ахлоқий маданияти, яъни унинг кас-бий ахлоқи — хуқуқий ахлоқнинг асоси, унинг тамал тошидир. “Касб этикаси” атамасини “касбий ахлоқ” ёки “касбий ахлоқийлик” атамалари билан алмашти-риб бўлмайди, чунки касбий этика юристнинг жамиятдаги бошқа муносабатла-ри тизимида касбий маънавиятнинг ўрнини аниқлайди, ички ишлар идорала-ри ходимининг касбий ахлоқийлилик тизимини назарий жиҳатдан асослайди.

Ички ишлар идоралари ходимларининг, судьяларнинг, прокурорларнинг, тер-говчи, адвокат, нотариус, юридик маслаҳатчи ва бошқаларнинг, яъни фақатгина битта мутахассисликка тегишли қандайдир алоҳида ахлоқий меъёрлари бор-лигини айтмаслик керак. Ички ишлар идоралари ходими ахлоқий маданияти ҳар қандай хуқуқий касбга хос ахлоқнинг умумий меъёрларини ўз ичига ола-ди. Шу билан биргага, “етик маданият” ва “маънавий маданият” тушунчалари бир хил мазмунга эга ўзаро алмаша оладиган тушунчалардир.

Ички ишлар идоралари ходими этик маданияти — бу ички ишлар идоралари ходимининг касбий ваколатларини бажариш чоғида намёён бўладиган, чуқур англанган ахлоқий хатти-ҳаракатида акс этадиган билим, эхтиёж, кадриятлар натижаси сифатидаги ахлоқий талаблар (принцип ва меъёрлар) тизимиdir. Ички ишлар идоралари ходимининг ўз мажбуриятларини сифатли ва самарали бажариши хуқуқий ёрдам кўрсатилаётган инсоннинг шаъни, қадр-кимматини сақланиши, ички ишлар идоралари ходимининг ўзи ва унинг ҳамкасларининг, ва умуман юридик соҳанинг обрўси ички ишлар идоралари ходимининг ахлоқий маданияти даражасига боғлиқ;

Ички ишлар идоралари ходимларига қўйиладиган ахлоқий талаблар (прин-цип ва меъёрлар) тизимининг таркиби (даражалари):

биринчидан, ички ишлар идоралари ходимларининг ўз ишига ва унинг натижаларига қўйиладиган ахлоқий талаблар (принцип ва меъёрлар);

иккинчидан, хукуқшуноснинг ўз ҳамкаслари билан бўладиган муносабатларига қўйиладиган ахлоқий талаблар (принцип ва меъёрлар);

учинчидан, ички ишлар идоралари ходими ҳокимият вакили сифатида хукукий ишни ечиш чоғида инсонлар (фуқаро, гумонланувчи, айбланувчи ва бошқалар) билан муносабатларига қўйиладиган ахлоқий талаблар (принцип ва меъёрлар);

Терговчи фаолиятининг ахлоқий жиҳатларини учинчи даражада кўриб чиқамиз — хукукий ишни кўриб чиқишда жараён иштирокчилари билан ўзаро муносабатлар босқичида. Улар бир неча жиҳатларда кўринади:

биринчи жиҳат: терговчининг айбланувчи, гумонланувчи, жабрланувчи ва бошқалар билан муносабатларидаги ахлоқий ҳолати салбий ҳиссий фон ва зиддиятли характер билан фарқланиб туради (томонларнинг мақсадлари бир эмас), чунки бундай суҳбатнинг сабаби асосан содир этилган жиноят ҳисобланади;

иккинчи жиҳат, натижга учун масъулият ҳиссининг юқорилиги сабабли асабийликнинг ошиши белгилари хос бўладиган терговчининг жараён иштирокчилари билан муносабатларидаги ахлоқий ҳолати.

Терговчи масалан, қуйидаги ҳолларда ҳам хукукий, ҳам ахлоқий танлов олида туради:

биринчидан, жараён иштирокчиларига — нафақат айблов эълон қилинган шахсларга, балки айборларни тезроқ топишида маъкул саналадиган, лекин ахлоқий жиҳатдан оқланмайдиган гувоҳ ва жабрланувчига нисбатан ҳам мажбурлов чораларини кўллашда;

иккинчидан, айби ҳали суд томонидан тан олинмаган шахсга нисбатан мажбурулаб ушлаб туриш чорасини кўллаш;

учинчидан, сўрқ қилинаётган шахслар кўрсатмаларидаги зиддиятларни йўқотиши мақсадида уларни ўзаро учраштириш чоғида терговчининг ахлоқий-психологик ҳолати, чунки бундай ҳолатлар эҳтиёткорлик, босиқлик, саволларни (иштирокчиларга психологик босим ўтказмасдан) аниқ қўйишни талаб қилганлиги сабабли ҳиссиётнинг юқори даражада ошиши кузатилади.

Терговчи томонидан шахснинг айбини исботлаш чоғида айбсизлик презумпцияси принцирга амал қилиши — асосий ахлоқий принцип бўлиб, бу ундан қатъий ахлоқ доирасида ҳаракат қилишини талаб қиласди: қонуний чоралар билан ишонарли далиллар базасини яратиши лозим (психологик ва жисмоний босим ўтказмасдан).

ИЛОВАЛАР

ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг асарлари ва маърузалари

1. Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Т. 1 – Т.: «Ўзбекистон», 1996. – 364-б.
2. Каримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. – Т. 2 – Т.: «Ўзбекистон», 1996. – 380-б.
3. Каримов И. А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасидир. – Т. 3 – Т.: «Ўзбекистон», 1996. – 366-б.
4. Каримов И. А. Бунёдкорлик йўлидан. – Т. 4 – Т.: «Ўзбекистон», 1996. – 394-б.
5. Каримов И. А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. – Т. 5 – Т.: «Ўзбекистон», 1997. – 384-б.
6. Каримов И. А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида: Т. 6 – Т.: «Ўзбекистон», 1998. – 429-б.
7. Каримов И. А. Биз келажагимизни ўз кўлими билан қурамиз. – Т. 7 – Т.: «Ўзбекистон», 1999. – 410-б.
8. Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. – Т. 8 – Т.: «Ўзбекистон», 2000. – 528-б.
9. Каримов И. А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. – Т. 9 – Т.: «Ўзбекистон», 2001. – 564-б.
10. Каримов И. А. Хавсизлик ва тинчлик учун курашмок керак. Т. 10 – Т.: «Ўзбекистон», 2002 – 432 б.
11. Каримов И. А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. – Т. 11 – Т.: «Ўзбекистон», 2003. – 320 б.
12. Каримов И. А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-кудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлик. – Т. 12 – Т.: «Ўзбекистон», 2004. – 400 б.
13. Каримов И. А. Ўзбек ҳалқи ҳеч қачаон, ҳеч кимга карам бўлмайди. – Т. 13 – Т.: «Ўзбекистон», 2005. – 448 б.
14. Каримов И. А. Инсон, унинг хуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. – Т. 14 – Т.: «Ўзбекистон», 2006. – 280 б.
15. Каримов И. А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва ҳалкимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир – Т. 15 – Т.: «Ўзбекистон», 2007. – 320 б.
16. Каримов И. А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т. 16. – Т.: Ўзбекистон, 2008. – 368 б.
17. Каримов И. А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз. Т. 17. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 278 б.
18. Каримов И. А. Жаҳон инқирознинг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтарилиш сари. – Т. 18. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – 280 б.

19. Каримов И. А. Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараккиётининг асосий мезонидир. – Т. 19. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – 360 б.
20. Каримов И. А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – 440 б.

Асосий адабиётлар

1. “Бола хуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон республикаси Қонунга шархлар / А.Х. Саидов ва бошк.; Инсон хуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Т.: “Vektra-Press”, 2009 – 272 б.
2. А. Саидов, Т. Икрамов, Ю. Ахмедов. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий хуқуки. Дарислик. Тошкент: 2002. – 456 б.
3. А.Х. Саидов Общепизнаные права человека Учебное пособие. – Москва, МЗ ПРЕСС, 2002. – 267 с.
4. А. Х. Саидов, А. Ш. Жўёжоний “ШАРҚ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ: ИНСОН ВА ҲУҚУҚ” (ўтмиш ва ҳозирги замон). Тошкент “Адолат”, 2005. – 272 б.
5. А.Х. Саидов, Ф.Х. Бакаева Конституция Республики Узбекистан и права человека: от норм к реализации. – Т.: Национальный центр Республики Узбекистан по правам человека, 2010. – 128 с.
6. А. Х. Сатторов. Ўзбекистон Республикаси ИИВ тизими тергов соҳасида инсон хуқуқларини ҳимоя килиш ва таъминлаш бўйича услубий тавсиялар. Т – 2002. 40 б.
7. Аносова О. Инсон хуқуқлари Умумжахон Декларацияси. – Т., 1998. 48 б.
8. Ахпанов А.Н., Насыров Г.Х. Арест в качестве меры пересечения: проблемы судебного контроля и санкционирования: Монография. – Алматы, 2005. – 183 с.
9. Баҳриев К.Х. Демократия ва инсон хуқуқлари. Ҳуқуқий ислоҳотлар ўзбек ўйлининг хосликлари / маъсул мухарир – хуқуқшунослик фанлари доктори, профессор – Саидов А.Х. / – Тошкент: “Иқтисодиёт ва ҳуқук дунёси” нашриёт уйи, 1997. 238 б.
10. Бола хуқуқлари тўғрисидаги конвенция ва унинг Факультатив протоколлари. / Ўзбекча нашр учун маъсул мухаррар А.Х. Саидов. – Т.: Инсон хуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2009. – 72 б.
11. Бордунов В.Д. Гражданин против государства в Европейском суде по правам человека / В.Д. Бордунов; Рос. ун-т Дружбы народов, Коллегия адвокатов «Джон Тайнер и партнеры». – М.: Изд-во ОМЕГА-Л, 2005. – 125 с.
12. Борьба с преступлениями на почве ненависти в регионе ОБСЕ. Обзор статистики, законодательства и национальных инициатив. – Варшава. Sungraf, 2006. – 180 с.
13. Всеобщая декларация прав человека и национальная система защиты прав человека в Узбекистане / Отв. ред. А.Х. Саидов. – Ташкент: Национальный центр Республики Узбекистан по правам человека, 2009. – 360 с.
14. Глебов И.Н. Международное право: учеб. для вузов/И.Н. Глебов.-М.: Дрофа, 2006. – 367 с.
15. Гомъен Д., Харрис Д., Зваак Л. Европейская конвенция о правах человека и Европейская социальная хартия: право и практика. – М.: Изд-ва МНИМП, 1998, 600 с.
16. Д.Х. Узакова Узбекистан: независимость, демократизация и права человека Национальный центр Республики Узбекистан по правам человека, 2001. – 144 с.
17. Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг инсонилийлик мезонилари. / Маъсул мухарир, юридик фанлари доктори, профессор – Саидов А.Х. / Инсон хуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази. Тошкент, 2002. – 166 б.

18. Европейский Суд по правам человека и Российская Федерация: Постановления и решения, вынесенные до 1 марта 2004 года /Отв. ред. Ю.Ю. Берестнев. – М.: Норма, 2005. – 960 с.
19. EXXT минтакасида ўлим жазоси: Маълумотнома – 2009. – Тошкент: Инсон хуқуклари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2010. – 43 б.
20. Жамиятни демократлаштириш ва инсон хуқукларини таъминлаш – Ўзбекистон тажрибаси. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари 2008 йил 25–26 ноябрь. – Тошкент: Cashma Print, 2009. – 590 б.
21. Жаҳон мамлакатларининг хукукий тизимлари: Комусий лугат / Маъсул мухарир – юридик фанлари доктори, профессор А.Х. Саидов. Тошкент: Инсон хуқуклари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2006. – 720 б.
22. Женщины и мужчины Узбекистна – 2007. Статический сборник / Комитет Женщин Узбекистана; Организация по Безопасности и Сотрудничеству в Европе, Координатор проектов в Узбекистане; Государственный Комитет Республики Узбекистан по статистике; Национальная Ассоциация Негосударственных Некоммерческих Организаций Узбекистана; Ответственный редактор М. Т. Захидова. – Т.: CHASHA PRINT, 2010. – 200 с.
23. Журабаев О.А. Ички ишлар идоралари ходими – Инсон хуқуклари химоячиси. – Тошкент: SMI-ASIA, 2010. – 128 б.
24. Защита лиц и объектов в международном гуманитарном праве. Сборник статей и документов. – М.: МККК, 1999. – 376 с.
25. Защита прав человека в Узбекистане/ Отв. ред. С.Ш. Раширова, Х. Кайзер. – Т.: O'zbekiston milliy ensiklapediysi, 2007. – 216 с.
26. Зимненко Б.Л. О применении норм международного права судами общей юрисдикции: Справочное пособие. – М.: Статус; РАП, 2006. – 539 с.
27. Имамова Т., Таджиханов У. Что нужно знать о правах человека/Отв. ред. – доктор юридических наук, профессор – Саидов А.Х. Ташкент Издательский дом “Мир экономики и права” 1997. – 96 с.
28. Инсон хуқуклари бўйича халқаро шартномалар: тўплам/ Ўзбекча нашрининг маъсул мухаррири А.Х. Саидов. – Тошкент: “Адолат”, 2004. – 520 б.
29. Инсон хуқуклари умумжахон декларацияси ва Ўзбекистонда инсон хуқукларини химоя қилиш милий тизами / муалифлар жамоаси: А.Х. Саидов, Ф.Х. Бакаева, Ш. Арсланова ва бошқ.; маъсул мухаррир А.Х. Саидов; Инсон хуқуклари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: “O'zbekiston”, 2010. – 368 б.
30. Инсон хуқуклари: парламент аъзолари учун кўлланма./ Ўзбекча нашр масъул мухаири профессор А.Х. Саидов. – Тошкент. Инсон хуқуклари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2007. – 256 б.
31. Инсон хуқувлари: савол ва жавоблар. – Тошкент: Иқтисодиёт ва хуқуқ дунёси” нашриёт уйи, 1997. – 148 б.
32. Инсон хуқукларини химоя қилишда тергов органларнинг вазифалари: илмий амалий кўлланма. – Т.: “Yurist-media markazi” нашриёти, 2010. – 290 б.
33. Информационный бюллетень о наркоситуации: Центральноазиатский регион 2009 / Республика Узбекистан, Кабинет Министров, Национально-аналитический центр по контролю за наркотиками. Т. Chasha Print, 2009. – 110 с.

34. Информация о реализации Заключительных замечаний Комитета по ликвидации дискриминации в отношении женщин по итогам рассмотрения Второго и Третьего периодических докладов Узбекистана / 45-ая сессия Комитета ООН по ликвидации дискриминации в отношении женщин (г. Женева. 20 января, 2010 г.). – Ташкент: Национальный центр Республики Узбекистан по правам человека, 2010. – 25 с.
35. Исаков Х. М., Никонов И. О правовых основах мер принуждения в уголовном процессе и производстве по делам об административных правонарушениях. – Ташкент, 2010. – 101 с.
36. Исимоилов З. М., Инсон хукулари ва хозирги замон юриспруденцияси /Отв. Ред. А.Х. Саидов – Т.: “Fan va texnologiya”, 2008, – 148 с.
37. Конвенция о защите прав человека и основных свобод / Сост.: Б. В. Исаков (рук.), П. А. Лаптев, О. В. Митин, С. В. Черниченко. – М.: Юрайт, 1999. – 192 с.
38. Кудинов О. А. Международное публичное право: курс лекций: учебно-практическое пособие / О. А. Кудинов – 2-е изд., испр. – М.: Издательство «Экзамен», 2009. – 285 с.
39. Кудинов О. А. Права человека: Краткий курс. – 2-е изд., доп. и перераб. – М.: «Ось – 89», 2009. – 80 с. («*Juris prudentia*»)
40. Лукашук И. И., Шинкарецкая Г. Г. Международное право. Элементарный курс: Учеб. пособие. – 2-е изд., перераб. и доп. – М.: Юристъ, 2004. – 224 с.
41. Лукашук И. И. Международное право. Общая часть: учеб. для студентов юрид. фак. и вузов / И. И. Лукашук; Рос. акад. наук, Ин-т государства и права, Акад. правовой ун-т. Изд. 3-перераб. и доп. – М.: Волтерс Клювер, 2008. – 432 с.
42. Лукашук И. И. Международное право. Особенная часть: учеб. для студентов юрид. фак. и вузов/ И. И. Лукашук; Рос. акад. наук, Ин-т государства и прав, Академ. правовой ун-т. – Изд. 3-е, перераб. и доп. – М.: Волтерс Клювер, 2010. – 544 с.
43. Лукашук И. И., Саидов А. Х. Хозирги замон халқаро хукуки назарияси асослари: Дарислик. – Тошкент: “Адолат”, 2006. – 424 б.
44. Матвеева Т. Д. Дипломатическое и консульское право: учебное пособие/ Т. Д. Матвеева. – М.: Изд-во РАГС, 2010. – 84 с.
45. Махкумлар хукуқлари: халқаро ва миллий стандартлар/ Ф. Х. Бакаева ва [бошк.]; маъсул А. Х. Саидов; Инсон хукуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази. – Т.: Tafakkur, 2011 й. 220 б. Права осуждённых: международные и национальные стандарты / Отв. ред. А. Х. Саидов – Ташкент: Национальный центр Республики Узбекистан по правам человека, 2011 г. – 220 с.
46. Международное гуманитарное право/ Р. Хакимов; (Отв. ред. К. Норматов); Ташкентский Государственный экономический университет, Институт философии и права им. И. Муминова АН РУз, Узбекская Ассоциация международного права – 3-е изд., доп. – Т.: “Узбекистан”, 2007. – 216 б.
47. Международное гуманитарное право: гуманитарное право: учебник для студентов вузов, обучающихся по специальности «Юриспруденция» / (С. С. Маляян и др.); под ред. И. И. Котлярова. – 3-е изд., перераб. И доп. – М.: ЮНИТИ-ДАНА: Закон и право, 2009. – 271 с.
48. Международно-правовые основы борьбы с коррупцией и отмыванием преступных доходов: Сб. документов / Сост. В. С. Овчинский. – М.: ИНФРА-М, 2010. – 640 с.
49. Международные акты о правах человека. Сборник документов. – М. 1998. – 784 с.
50. Международные конвенции по защите прав человека и борьбе с преступностью: Сб. межд. Соглашений и рекомендаций. Т. 5. – Т.: Шарк, 1995. – 448 с.

51. Международные конвенции по защите прав человека и борьбе с преступностью (Сборник международных документов) /Сост. Ю. С. Пулатов. Т. 1995. – 448 с.
52. Международные стандарты и совершенствование национального законодательства о политических партиях и негосударственных некоммерческих организациях (Материалы международного круглого стола, 15 июля 2010 г., г. Ташкент)/Отв. ред. А. Х. Сайдов – Т.: Изд-во «Fan va texnologiya», 2011, – 170 с.
53. Мережко А. А. M52 История международно-правовых учений. – К.: Таксон, 2006. – 492с.
54. Методика преподавания юридических дисциплин (учебно-методическое пособие). – Т., 2008. – 350 с.
55. Мониторинг прав человека. Сборник./Отв. ред. С. Ш. Рашидова, Х. Бюлер. – Т.: Изд-во “УзбекистонМиллий Энциклопедияси”. 2003. – 243 с.
56. Мюллерсон Р. А. Права человека: идеи, нормы, реальность. – М.: Юрид. лит., 1991. – 160 с.
57. Научные исследования в сфере прав и свобод человека: состояние и перспективы / Отв. Ред. А. Х. Сайдов – Т.: Изд-во «Fan va texnologiya», 2011, – 224 с.
58. Научный комментарий к закону Республики Узбекистан «О гарантиях прав ребёнка»/Отв. ред. А. Х. Сайдов – Т.: Национальный центр Республики Узбекистан по правам человека, 2008. – 126 с.
59. Национальные институты по правам человека: Международная и национальная практика/ М. А. Тиллабаев; Отв. ред. А. Х. Сайдов; МИД РУз; Унив. Мир. Эконом и дип. – Т.: «Адолат», 2002. – 312 с.
60. Национальный центр Республики Узбекистан по правам человека в 2009 году/ А. Х. Сайдов, Ф. Х. Бакаева, М. Тиллабаев. – Т.: Национальный центр по правам человека Республики Узбекистан, 2010. – 184 с.
61. Национальный центр Республики Узбекистан по правам человека в 2010 году. – Т.: Национальный центр Республики Узбекистан по правам человека 2011. – 208 с.
62. Независимость и права человека. Сборник статей / Отв. ред. А. Гафуров. – Т.: SMI-ASIA, 2011/ – 320 с.
63. Образование в области прав человека: национальный и зарубежный опыт /Отв. ред. А. Х. Сайдов. – Ташкент: Национальный центр Республики Узбекистан по правам человека, SMI-ASIA, 2011. – 200 с.
64. Одам савдосига карши курашиш масалалари бўйича норматив-хукукий хужжатлар тўплами. – Т.: «Yurist-media markazi», 2009. – 284 б.
65. Основные международные документы по правам человека / Материалы и комментарии/. – Алматы. 1998 – 148 с.
66. Права осуждённых: международные и национальные стандарты / Отв. ред. А. Х. Сайдов – Ташкент: Национальный центр Республики Узбекистан по правам человека, 2010 г. – 92 с.
67. Права осуждённых: международные и национальные стандарты / Отв. ред. А. Х. Сайдов – Ташкент: Национальный центр Республики Узбекистан по правам человека 2010. – 92 с.
68. Права человека. Сборник международных договоров. Том 1 (часть первая) Универсальные договоры. Издание Организации Объединенных Наций г. Нью-Йорк 1994. – 492 с.
69. Права человека. Учебник для вузов // Отв. Ред. Е. А. Лукашева. – М, 1999. – 573 с.

70. Права человека: (Учебник-хрестоматия)//Авт. глав и параграфов. Сайдов и др. – Т.: Университет мировой экономики и дипломатии, 2001. – 448 с.
71. Права человека: Единство общечеловеческого и национального: (Сб. международных договоров и Законов Республики Узбекистан). Т.І. (Сост. А.Х. Сайдов; Гл. ред. В.Э. Шалль; Отв. Ред. О.В. Шатуновский). – Т.: Шарқ, 1995. – 480 с.
72. Пўлатова Б. ва бошқ. Инсонийлик ва инсон ҳуқуқлари (Услубий қўлланма)/Б. Пўлатова, О. Ҳусанов. Р. Ражабов. – Т.: «Адолат», 1999. 112 б.
73. Рахимов А.И. Жиноятчиликка қарши кураш соҳасида Ўзбекистон республикасининг халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлар билан ҳамкорлиги / Маъсул муҳарир, юридик фанлари доктори, профессор – Сайдов А.Х. – Тошкент: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази. 2004. – 52 бет.
74. Рахманов Б.Х., Махмудов Ф.И. Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг халқаро ҳуқуқий асослари. – Т.: «CHASMA PRINT» нашриёти. – 144 б.
75. Религия и международное право: Открытая лекция. – Киев, Ташкент, Симферополь: Институт государства и права им. В.М. Корецкого НАН Украины, Издательство «Логос», 2008. – Серия научно-методических изданий Академия сравнительного правоведения). – Выпуск 9. – 52 с.
76. Ромашев Ю.С. Международное правоохранительное право/ Ю.С. Ромашев. – М.: Норма: Инфра-М, 2010. – 368с.
77. Руководство Международной Организации (МОМ) Прямая помощь жертвам торговли людьми международная Организация по Миграции. – Москва, 2010. – 353 с.
78. Сайдов А. Жузжоний А. Шарқ ва инсон ҳуқуқлари. – Т., 1998. – 216 б.
79. Сайдов А.Х. ва бошқалар. Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ҳаётга татбик қилиш муаммолари. – Т. 1995. – 174 б.
80. Сайдов А.Х., Султонов С. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва инсон ҳуқуқлари. – Т.: – 1998. – 177 б.
81. Сайдов А.Х. ва бошқалар.“Нодавлат ва нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунига шарҳлар. Т. 2002. 140 б.
82. Сайдов А.Х. и другие. Национальный центр Республики Узбекистан по правам человека: Становление и развитие. Т. 2007. 152 с.
83. Сайдов А.Х. Ислам и правовая культура. – Ташкент: Национальный центр Республики Узбекистан по правам человека, 2011. – 42с.
84. Сайдов А.Х. Общепризнанные права человека. // Учебное пособие. М. 2002. 268 с.
85. Сайдов А.Х. Основной закон ФРГ (основы современного права ФРГ): Учебное пособие. – Ташкент: Национальный центр Республики Узбекистан по правам человека, 2009. – 116 с.
86. Сайдов А.Х. Права человека. Единство общечеловеческого и национального (сборник международных договоров и законов Республики Узбекистан) Т-І. Т. 480 с.
87. Сайдов А.Х. Права человека. Единство общечеловеческого и национального (сборник международных договоров и законов Республики Узбекистан) Т-ІІ. Т. 400 с.
88. Сайдов А.Х. Права человека. – Т.: УМЭД. 2000. – 324 с.
89. Сайдов А.Х. Справительное правоведение. – М.: Норма, 2006. – 368с.
90. Сайдов А.Х. Узбекистан и международные договора по правам человека – Т.: Адолат, 1998. – 624 с.
91. Сайдов А.Х. Ўзбекистон Республикаси ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. Т.: 2002. 270 б.

92. Саидов А.Х. Ўзекистон Республикаси Конситуциясининг ривожланиши: миллӣ ва умумбашарийликнинг уйғулиги: ўзбек, француз ва рус тиларида. – Т.: Инсон хуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллӣ маркази, 2011. – 96 б.
93. Саидов А.Х. Философско-правовое наследие Иммануила Канта и современная юриспруденция. – Ташкент: Patnt-Press, 2008. – 228 с.
94. Саидов А.Х. Халқаро хуқуқ съектлари (тушунчалар, чизмалар, саволлар, адабиётлар). – Тошкент: Инсон хуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллӣ маркази, 2000. – 72 б.
95. Саидов А.Х. Халқаро хуқуқ: моҳияти ва аҳамияти (тушунчалар, чизмалар, саволлар, адабиётлар). – Тошкент: Инсон хуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллӣ маркази, 2000. – 48 б.
96. Саидов А.Х., Абдуллаев Е.В. Введение в международное право прав человека. – Ташкент: Национальный центр Республики Узбекистан по правам человека, 2001. – 96 с.
97. Саидова Л. Правовые основы дипломатической деятельности Республики Узбекистан. – Ташкент, Национальный центр Республики Узбекистан по правам человека, 2001. – 192 с.
98. Саттаров А. Конун ва инсон хуқуқлари. – Т. 1999. – 35 б.
99. Сборник международных договоров по правам человека. К которым присоединилась Республика Узбекистан. Ташкент. – «Адолат» 1998. – 624 с.
100. Таджиханов У.Т. Правовая идеология и правовая культура в суверенном Узбекистане. – Т. 1995. – 44 с.
101. Таджиханов У., Саидов А. Ҳуқуқий маданият назарияси. – Т., 1998.–316 б.
102. Ўзбекистон ва инсон хуқуқлари бўйича Вена декларацияси ва Ҳаракат дастури. /Маъсул муҳарир: А.Х. Саидов. – Тошкент: Инсон хуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллӣ маркази, 2004. – 220 б.
103. Ўзбекистон Республикаси ва инсон хуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. /Маъсул муҳаррир – А.Х. Саидов. Юридик фанлари доктори. Профессор. Инсон хуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллӣ маркази, Тошкент, “Адолат”. 2002 – 270 б.
104. Ўзбекистон Республикаси ва инсон хуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. /Маъсул муҳарир – А.Х. Сидов, юридик фанлари доктори. Профессор. Инсон хуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллӣ маркази, Тошкент, «Адолат», 2002. – 270 б.
105. Халқаро гуманитар ҳуқуқ: Женева конвенциялари тўплами/Кириш сўзи муалифи ва маъсул муҳарир: А.Х. Саидов Инсон хуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллӣ маркази, Тошкент, 2002. – 440 б.
106. Ҳамидова М.А. Ювенал юстиция у кандай бўлиши керак? Рисола./ Маъсул муҳаррир: ю.ф.д., проф. Ҳ.Б. Бобоев. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2006. – 40 б.
107. Ҳуқуқни муҳофаза килиш органларига оид халқаро хужатлар: тўплам/Маъсул муҳарир А.Х. Сидов. – Тошкент: «Адолат», 2004. – 212 б.
108. Ҳуқуқни муҳофаза килиш органларига оид халқаро хужатлар: тўплам / Масъул муҳаррир А.Х. Саидов. Т. 2004 – 212 б.
109. Ҳусанов О. ва бошқалар. Инсон хуқуқлари (Махсус курс). – Т., 1997. – 142 б.
110. Э.В. Ретвеладзе, А.Х. Саидов. Ўзбекистон худудида энг қадимги даврда дипломатик мунособстларнинг ривожланиши. – Тошкент: Инсон хуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллӣ маркази, 2001. – 40 б.
111. Юлдашева Г., Борисова З.Х. Права человека. / Учебное пособие. – Т.: ТДЮИ, 2011. 190 с.

Қўшимча адабиётлар

1. Basic Facts UNO// department of public information./ NEW YORK/2004.
2. Executive summary/ a more secure world: our responsibility/ united nation 2004 page 6.
3. Human development report Uzbekistan 2005 decentralization and human development/united nation development program. t. 96 page
4. Kofi Annan.in larger freedom/ new york 2005. Page 88.
5. The Czech republic's presidency of the 57th session of the united nations general assembly/new york 2006. Page 300.
6. United nation peacekeeping/meeting new challenges /frequently asked questions/ usa. 2006 page 16
7. А.Х. Сайдов. Ф.Х. Бакаева Конституция Республики Узбекистан и права человека: от норм к реализации. – Т.: Национальный центр Республики Узбекистан по правам человека, 2011 г. – 128 с.
8. Аргунов Ю.Н. Права граждан с психическими расстройствами. Изд. 3-е, перераб. и доп. – М.: Фолиум, 2010. – 410 с
9. Бакаева Ф.Х. Гарантiiи прав ребенка в Узбекистане. – Т.: Изд-во ТГЮИ, 2009. – 37с.
10. Бакаева Ф.Х. Гарантiiи прав ребенка в Узбекистане. – Т.: Изд-во ТГЮИ, 2009. – 37 с
11. БМТ Асосий омиллар. Ўкув кўлланма. – Т. 2001. – 368 б.
12. Бола хукуклари мониторинги. Ўкув-услубий кўлланма / Маъсул муҳаррир А.Х. Сайдов Тошкент: Инсон хукуклари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2011. – 134 б.
13. Бола хукуклари тўғрисида конвенция; «Бола хукуқларининг кафолатлари тўғрисида»ти Ўзбекистон Республикаси конуни/А.Х. Сайдов.–Т.: Инсон хукуклари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2008. – 34 б.
14. Бола хукуклари тўғрисидаги конвенция ва унинг Факультатив протоколлари./ Ўзбекча нашр учун маъсул муҳаррир А.Х. Сайдов Т.: Инсон хукуклари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2009. – 72 б.
15. Болалар ижтимоий ҳимоялаш: кураторлик функциялани такомиллаштириш истиқболлари: Илмий-амалий конференция материалари / ЎзР Вазирлар Маҳкамаси хзуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, ЎзР Бош прокуратураси. ЎзР ФА И. Муминов номидаги Фалсафа ва хукуқ ин-ти, (UNICEF) Ўзбекистондаги ваколатхонаси – Тошкент. KONSAUDITINFORM-NASHR, 2007. – 400 б.
16. Болалар меҳнатининг энг ёмон шакллаарига барҳам бериш. Халқаро Мехнат Ташилотининг 182-Конвенцияисни қўллаш бўйича амалий кўлланма. // Тошкент. “Agnarint” 2008. – 192 б.
17. Болаларни ҳимоя қилиш: (Парламент аъзолари учун қўлланма) Т. – 2006. – 208 б.
18. Более безопасный мир: наша общая ответственность//Брошюра ПРООН/доклад группы высокого уровня по угрозам. Вызовам и переменам. ООН 2004. – 6 с.
19. Болалар гайриижтимоий ҳаракатларининг олдини олиш борасидаги долзарб вазифалар ва устувор йўналишлар: (илмий-амалий конференция материалари) ЎзР Вазирлар Маҳкамаси хзуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, БМТ Болалар фонди (UNICEF) Ўзбекистондаги ваколатхонаси, ЎзР Бош прокуратурасининг Олий ўкув курслари; маъсул муҳаррир Т.А. Умаров; тузувчилар А. Абдуҷабаров, У.Н. Мамажанов. – Т.: YURIST-MEDIA MARKAZI, 2010. – 378 б.
20. Борьба с преступлениями на почве ненависти в регионе ОБСЕ. Обзор статистики, законодательства и национальных инициатив. – Варшава. Sungraf, 2006. – 180 с.

21. Всеобщая декларация прав человека и национальная система защиты прав человека в Узбекистане/ Национальный Центр Республики Узбекистан по правам человека; Министерство юстиции Республики Узбекистан. – Т.: Узбекистан, 2009. – 360 с.
22. Всеобщая декларация прав человека. / Права человека: Сборник международных документов. – Варшава, Nadhi, 2002. – 458 с.
23. Встречи ОБСЕ на высшем уровне во времена перемен: Журнал ОБСЕ. Астана, 2010. – № 4. – 42 с.
24. Второй Факультативный протокол к Международному пакту о гражданских и политических правах. / Права человека: Сборник международных документов. – Варшава, Nadhi, 2002. – 458 с.
25. Ганибаева Ш. Международно-правовая защита прав ребёнка – Национальный центр Республики Узбекистан по правам человека, Ташкент – 2003. – 100 с.
26. Глухарева Л. И. Права человека: Учебное пособие для преподавателей и студентов педагогических вузов: Альбом схем / Под ред. Е. Н. Рахмановой, В. А. Северухина, З. К. Шнекендорфа, Б. С. Эбзеева. – М.: Логос, 2001. – 14 с.
27. Декларация о ликвидации всех форм нетерпимости и дискриминации на основе религии или убеждений. / Права человека: Сборник международных документов. – Варшава, Nadhi, 2002. – 458 с.
28. Декларация о правах лиц, принадлежащих к национальным или этническим, религиозным и языковым меньшинствам. / Права человека: Сборник международных документов. – Варшава, Nadhi, 2002. – 458 с.
29. Деятельность в случае вооруженного конфликта: Руководство для Национальных обществ Красного Креста и Красного Полумесяца / МККК. – Ж., 2000. – 190 с.
30. Доклад тысячелетия: // краткий обзор для школьников и студентов. Информационный центр ПРООН в Узбекистане. – Т., 2002. – 262 с.
31. Европейская социальная хартия. / Права человека: Сборник международных документов. – Варшава, Nadhi, 2002. – 458 с.
32. EXХТ миңтакасида ўлим жазоси: Маълумотнома – 2009. – Тошкент: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2010. – 43 б.
33. Имплементация международного гуманитарного права: Статьи и документы / МККК-М., 1998. – 368 с.
34. Инсон ҳуқуқлари: Олий ўқув ютлари учун ўқув қўлланмаси. Х. Б. Бобоев, А. Х. Сайдов, Ш. Шораҳметов ва бошк.; Сўз боши: Х. Ббоев; Маъсул муҳарирлар Х. Б. Бобоев. И. Рамазанов. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – 260 б.
35. Исмоилов Б. И. Международные стандарты личных прав человека и национальное История политических и правовых учений.-М.;, 1993. – С. 5–15.
36. Исхакова Л. Ф. Международная конвенция о ликвидации всех форм расовой дискриминации и ее реализация в Республике Узбекистан. – Т.: Изд-во ТГЮИ, 2009. – 32 с.
37. Исхакова Л. Ф. Международная конвенция о ликвидации всех форм расовой дискриминации и ее реализация в Республике Узбекистан. – Т.: Изд-во ТГЮИ, 2009. – 32 с.
38. Кенг озодлик шароитида. БМТни Бош Котиби маърузасининг қисқача баёни// БМТнинг Ўзбекистон Республикасидаги ваколатхонаси. Т.: – 2005. Б. 16.
39. Комментарий к Закону Республики Узбекистан «О гарантиях прав ребёнка»/А. Х. Сайдов и др. Национальный центр Республики Узбекистан по правам человека. – Т.: Vektra Press, 2009 – 272 с.

40. Конвенция против пыток и других жестоких, бесчеловечных или унижающих достоинство видов обращения и наказания. / Права человека: Сборник международных документов. – Варшава, Nadhi, 2002. – 458 с.
41. Конвенция о борьбе с торговлей людьми и с эксплуатацией проституции третьими лицами. //Национальное и международное законодательства в области борьбы с торговлей людьми / – Т.: Адолат, 2009. – 308 с.
42. Конвенция о ликвидации всех форм дискриминации в отношении женщин. / Права человека: Сборник международных документов. – Варшава, Nadhi, 2002. – 458 с.
43. Конвенция о правах ребенка. / Национальное и международное законодательства в области борьбы с торговлей людьми. – Т.: Адолат, 2009. – 308 с.
44. Конвенция по правам ребёнка. – Т.: – 2005 й. – 24 с.
45. Конференция на тему терпимости и недискриминации. Досье: поддержка местного самоуправления: Журнал ОБСЕ. Астана, 2010. – № 3. – 27 с.
46. Конференция ОБСЕ. Роль религии и убеждений в современном демократическом обществе: поиск путей противостоянию терроризму и экстремизму. Баку. Азербайджан, 10–11 октября 2002. – 100 с.
47. Кратко об ООН. Брошюра.//Департамент общественной информации ООН. Нью-Йорк 2002. – С. 36.
48. Лоне Якобсен и Кнуд Смид-Нильсон. Пережившие пытку – травма и реабилитация. – К.: Сфера, 1998. – 148 с.
49. М. Дженис, Р. Кей, Э. Бредли. Европейское право в области прав человека (Практика и комментарии). Пер. с анг. – М.: “Права человека”, 1997. – 640 с.
50. Материалы «круглого стола» на тему: «Взаимодействие органов внутренних дел с другими правоохранительными и государственными органами, национальными институтами, неправительственными организациями в сфере обеспечения прав и свобод человека», (25 сент. 2008 год, г. Ташкент) / МВД РУз, Управление по защите прав человека и юридическому обеспечению; отв. ред. А. Х. Саттаров; ред. кол. И. Т. Тургунов, Н. А. Очилов, И. М. Файзуллин. – Ташкент: CHASHMA PRINT, 2009. – 188 с.
51. Международная Конвенция о ликвидации всех форм расовой дискриминации. / Права человека: Сборник международных документов. – Варшава, Nadhi, 2002. – 458 с.
52. Международное публичное право: Учебник. – Т.: «Zargalam»; ТГЮИ; ЦИПЧГП, 2003 – 552 с.
53. Международные конвенции по защите прав человека и борьбе с пеступностью (Сб. междунар. документов) /Сос. Ю. С. Пулатов. – Т.: Шарқ, 1995. – 448 с. – (Сравнительное правоведение. Вып. 1.).
54. Международный пакт о гражданских и политических правах. / Права человека: Сборник международных документов. – Варшава, Nadhi, 2002. – 458 с.
55. Международный пакт об экономических, социальных и культурных правах. / Права человека: Сборник международных документов. – Варшава, Nadhi, 2002. – 458 с.
56. Мингйиллик маъруза. Талабалар чун кисқа баён. Ўзбекистондаги БМТ ваколатхонасининг Ахборот маркази томонидан ўзбекистон ҳўумати ҳамда БМТнинг тараққиёт дастурининг “Ракамли ривожланиш ташаббуси” дастури, БМТ болалар жамғармаси ва Қочоклар ишлари бўйича БМТ Олий комисари бошқармасининг Ўзбекистондаги ваколатхоналари ҳамқорлигида ўзбек тилида чоп этилган. Тошкент. 2003. – 262 б.
57. Мониторинг прав ребенка: Уч.-метод. пособ. / НЦ РУ по правам человека. – Т., 2011. – 134 б.

58. Муаммоли ўсмир: мослашув, ташхис, корекция усуллари. Услубий қўлланма /Муалифлар: Н.Ф. Комилова, Ф. И. Хайдарова – Тошкент: РБИММ, 2008. – 98 б.
59. Мўминов А. “Ўзбекистон ва ЮНЕСКОнинг халқаро-хуқукий муносабатлари”. Мъсул мухарир: А. Саидов – юридик фанлари доктори, профессор Т., 212 б.
60. Муҳаммаджонова Л. Аёл ва хуқуқ. Демократлашириш ва инсон хуқуқлари. № 3 (19), 2003. – 19–23 б.
61. Образование в области права человека: национальный и зарубежный опыт /Отв. ред. А.Х. Саидов. – Ташкент: Национальный центр Республики Узбекистан по правам человека, SMI-ASIA, 2011. – 200 с.
62. Обязательство ОБСЕ в области человеческого измерения. Справочное пособие. Издано Бюро по демократическим институтам и правам человека ОБСЕ (БДИПЧ) Варшава, Польша. 2001. – 371 с.
63. Одам савдосига карши курашиш масалалари бўйича норматив-хуқукий хужжатлар тўплами. – Т.: «Yurist-media markazi», 2009. – 284 б.
64. Полиция зарубежных стран: система организации и опыт профессиональной подготовки кадров: Учебное пособие / Якубов А.С., Асимов С.В., Таджиев А.А., Миразов Д.М. – Т.: Издательство «Fan va texnologiya», 2010. – 452 с.
65. Понимаем права человека: Руководство по образованию в области права человека / ОБСЕ. – Варшава: Agencja Karc, 2007. – 362 с.
66. Права женщин в вопросах и ответах: Посвящается 30-летию Конвенции о ликвидации всех форм дискриминации в отношении женщин. – Т.: SMI-ASIA, 2010. – 54 с.
67. Права человека. Международные и российские механизмы защиты. – М.: Московская школа прав человека, 2003. – 560 с.
68. Права человека. Сборник международных договоров. Том 1 (часть вторая) Универсальные договоры. Издание Организации Объединенных Наций г. Нью-Йорк 1994. – 1141 с.
69. Права человека. Учебник для вузов//отв. ред Е. А. Лукашева. – М., 1999. – 410 с.
70. Применение силы в ситуации насилия/ МККК. – М., 2008. – 58 б.
71. Путеводитель по прецедентной практике Европейского Суда по правам человека за 2006год / науч. ред.-сост. Берестнев Ю.Ю. – М.: Новая юстиция, 2008. – 608 с.
72. Руководство по предупреждению насилия над детьми: Учебное издание для психологов, детских психиатров, психотерапевтов, студентов педагогических ВУЗОВ/ Под ред. Н.К. Асановой. – М.: Издательский гуманитарный центр ВЛАДОС. 1997. – 512 с.
73. Руководящие принципы по пересмотру законодательства против торговли людьми. С особым акцентом на регион юго-восточной Европы. (Доклад подготовлен Анжеликой Картуш Институту прав человека им. Людвига Больцмана, Вена) ОБСЕ/ БДИПЧ, Вена. 2001. – 151 с.
74. Саидов А.Х. ва бошқалар. “Нодавлат ва нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг конунига шарҳлар. Т. 2002. – 140 б.
75. Саидов А.Х., Бакаева Ф.Х. Национальный центр Республики Узбекистан по правам человека в 2008 году. 2009. – 104 с.
76. Саидов А.Х., Бакаева Ф.Х. Национальный центр Республики Узбекистан по правам человека в 2008 году/ Национальный центр Республики Узбекистан по правам человека. – Т., 2009. – 104 с.
77. Самарходжаева М.Х. Права человека и негосударственные некоммерческие организации. – Т.: Изд-во ТГЮИ, 2009. – 35 с.

78. Сафаров Низами Абдуллаевич. Экстрадиция в международном уголовном праве: проблемы теории и практики. *Extradition in International Criminal Law: Problems of Theory and Practice* / Н. А. Сафаров. М.: Волтерс Клювер, 2005. – 416 с.
79. Сборник международно-правовых документов ООН в области прав человека и борьбы с преступностью. Правление ООН по наркотикам и преступности. Региональное представительство в Центральной Азии. 2009. – 370 с.
80. Смагина Л. И. и др. Права ребёнка: Учеб.-метод. Пособие для учителей сред. Общеобразоват. шк. / Л. И. Смагина, С. С. Бубен, Г. М. Леонова. – Мин.: Бел. Фонд Сороса, 1997. – 147 с.
81. Тиллабаев М. А. Национальные институты по правам человека. – Т.: Изд-во ТГЮИ, 2009. – 47 с.
82. Тошибоев С. О. Всеобщая декларация прав человека и ее реализация в Узбекистане. – Т.: Изд-во ТГЮИ, 2009. – 35 с.
83. Трикоз Е. Н. Международное уголовное право: практикум/ науч. ред. А. Х. Абашидзе. – М.: Норма, 2008. – 400 с.
84. Турсунов Х. АКШда сиёсий-хукукий таълимотларнинг вужудга келиши ва ривожланиши. Олий ўкув юртлари талабалари чун исола // Маъсул муҳарир: А.Х. Сайдов – Тошкент. 2007. – 64 б.
85. Уголовная ответственность несовершеннолетних: законодательство Узбекистана и Германии: Центр повышения квалификации юристов при Министерстве юстиции РУз; Под об. ред. А. Гафурова; – Т.: “Адолат”, 2011. – 184 с
86. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон хукуклари бўйича вакилнинг (омбудсман)нинг 2008 йилдаги фаолияти тўғрисида ҲИСОБОТ. – Тошкент, 2009. – 435 б.
87. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон хукуклари бўйича вакилнинг (омбудсман)нинг 2009 йилдаги фаолияти тўғрисида ҲИСОБОТ. – Тошкент, 2010. – 498 б.
88. Ўзбекистонда ҳакамлик судларини тузиш ва уларнинг фаолияти бўйича Қўлланма. – Тошкент, 2005. – 272 б.
89. Ўлим жазосини бекор қилиш ҳамда қамоққа олишга санкция бериш ҳукукини судларга ўтказишга оид норматив-хукукий хужжатлар тўплами: Рсмий нашр / ЎзР Миллий хафсизлик хизмати, Ўз. Р. Ички ишлар вазирлиги. Ўз. Р/ Адлия вазирлиги. – Т.: Адолат, 2007 й., 184 б.
90. Умарова Ш. О. Ота-оналар вояга етмаган фазандларининг ҳақ-хукуqlари ҳакида. Услубий қўлланма. – Т.:2010. – 56 б.
91. Усенко Е. Т. Очерки теории международного права / Е. Т. Усенко. – М.: Норма, 2008. – 240 с.
92. Ўсмиirlарда тажавузкорликни психокорекциялаш усувлари. Услубий қўлланма / Муалифлар: Н.Ф. Комилова, Л. У. Юсупова – Тошкент: РБИММ, 2008. – 44 б.
93. Устав ООН//Устав Организации объединённых наций и Статус Международного суда. Нью-Йорк, Издано Департаментом общественной информации ООН. – 2002. – 85 с.
94. Устав Совета Европы. / Права человека: Сборник международных документов. – Варшава, Nadhi, 2002. – 458 с.
95. Факультативный протокол к Международному пакту о гражданских и политических правах. / Права человека: Сборник международных документов. – Варшава, Nadhi, 2002. – 458 с.
96. Фредерик Куинн. Права человека и ты: (Основные документы ООН, Документы Организации по безопасности и сотрудничеству в Европе и Документы Совета Европы

- о правах человека) Руководство для стран бывшего Советского Союза и Восточной Европы. – Варшава: ОБСЕ/ БДИПЧ, 1999. – 289 с.
97. Ханс-Петер Гассер. Международное гуманитарное право: Введение / МККК. – М., 1999. – 128 с.
 98. Холиков Д., мрва Д. Ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлашда жаматчилик институтлари таъсирина кучайтириш. 2-слубий қўлланма. – Т.:2010. – 64 б.
 - 99.Хусниярова Р. Международный пакт о гражданских и политических правах и его реализация в Республике Узбекистан. – Т.: Изд-во ТГЮИ, 2009. – 39 с
 - 100.Хайёт учун далилар. Бирлашган Миллатлар ташкилонинг Болалар жамғармаси, Ўзбекистон 2003. – 153 б.
 101. Шермухамедова Ж. Т. Права женщин в Узбекистане. – Т.: Изд-во ТГЮИ, 2009. – 32 с.
 102. Юлдашева Г., Тураев Д. Международный пакт об экономических, социальных и культурных правах и его реализация в Узбекистане. – Т.: Изд-во ТГЮИ, 2009. – 43 с.
 103. ЮНЕСКО ҳалқаро меъёрий ҳужжатлари./Ўзбекча наширнинг маъсул мухаррири Л. Сайдова./ – Т.: “Адолат”, 2004. – 298 б.
 104. Якимов О. Ю. Легализации (отмывание) доходов, приобретенных преступным путем: уголовно-правовые и уголовно-политические проблемы / Под науч. ред. док. юрид. наук, проф. Н. А. Лопашенко. – СПб.: Издательство Р. Асланова «Юридический центр Пресс», 2005. – 262 с.
 105. Якубов А. С., Миразов Д. М. Комментарий к Закону Республики Узбекистан «О внесении изменений и дополнений в некоторые законодательные акты Республики Узбекистан в связи с передачей судам права выдачи санкций на заключение под стражу». – Т.: Академия МВД Республики Узбекистан, 2008. – 85 с.
 106. Яшаш ҳуқуқи ва шаҳс даҳлсизлиги каолати (илмий-амалий қўлланма). // Маъсул мухаррир: ю.ф.д., проф. Ш. Х. Файзиев. – Т.: АҚҲМИ. 2008. – 298 б.


Электрон ресурслар (WEB. Ресурслар)

1. <http://akadmvd.fan.uz/files/bibl>
2. <http://www.lex.uz/>
3. <http://gov.uz/uz/>
4. [http:// www.un.org](http://www.un.org)
5. [http:// www.unhchr.ch](http://www.unhchr.ch)
6. [http:// www.unesco.org](http://www.unesco.org)
7. [http:// www.unicef.org](http://www.unicef.org)
8. <http://www.un.org/law/icc>
9. <http://www.coe.int>
10. <http://www.osce.org>
11. <http://www.ilo.org>


ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР ВА УЛАРНИНГ ОРГАНЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ҚИСҚАРТМА НОМЛАРИ

- ХССТ** – Халқаро соғлиқни сақлаш ташкилоти
- ХСТ** – Халқаро савдо ташкилоти
- ЕТТБ** – Европа тараққиёт ва тикланиш банки
- ЕврАЗЭС** – Евроосиё иқтисодий бирлашмаси
- Евратом** – Европа атом энергияси бўйича бирлашмаси
- ЕМБ** – Европа марказий банки
- ЕИБ** – Европа иқтисодий бирлашмаси
- ИКАО** – Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти
- ИМО** – Халқаро денгиз ташкилоти
- ИНМАРСАТ** – Халқаро денгиз спутник алоқаси ташкилоти
- ХХК** – БМТ халқаро ҳукуқ комиссияси
- АДЛ** – Араб давлатлари лигаси
- МАГАТЭ** – Атом энергияси бўйича халқаро агентлик
- ХТРБ** – Халқаро тараққиёт ва ривожланиш банки
- ХВФ** – Халқаро валюта фонди
- ХМТ** – Халқаро меҳнат ташкилоти
- ТТРҚХИ** – Табиатни ва табиий ресурсларни ҳимоя қилиш халқаро иттифоқи
- НАТО** – Шимолий атлантика шартномаси
- АДТ** – Америка давлатлари ташкилоти
- АИ** – Африка иттифоқи
- ИХТ** – Ислом ҳамкорлиги ташкилоти
- ЕХХТ** – Европада Ҳавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти
- ВШТ** – Варшава шартномаси ташкилоти
- БМТ** – Бирлашган Миллатлар Ташкилоти
- ИХРТ** – Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти
- ҲСДП** – Ҳакамлик судлари доимий палатаси
- ЕХХМ** – Европада ҳавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича мажлис
- АИТМҚ** – Антарктикада илмий тадқиқотларни мувофиқлаштириш қўмитаси
- МДХ** – Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги
- ИЎҚ** – Иқтисодий ўзаро ҳамкорлик Кенгаши
- ФАО** – БМТнинг озиқ овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти
- ЭКОСОС** – БМТнинг Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаши
- ЮНЕП** – БМТнинг атроф мухит бўйича дастури
- ЮНЕСКО** – БМТнинг таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти
- ЮНИДО** – БМТнинг ишлаб чиқариш тараққиёти бўйича ташкилоти
- ЮНКТАД** – БМТнинг савдо ва тараққиёт бўйича конференцияси
- ЮНСИТРАЛ** – БМТнинг халқаро савдо ҳукуки бўйича комиссияси

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БҮЙИЧА БИЛЛНИНГ СИЁСИЙ ВА ТАРИХИЙ АҲАМИЯТИ



ХАЛҚАРО ҲУЖЖАТЛАРНИНГ ТАСНИФЛАНИШИ



ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ СОҲАСИДАГИ МИНТАҚАВИЙ
ХАЛҚАРО ҲУЖЖАТЛАРНИНГ МАЗМУНИ.



Европа Иттилоқи доирасида умум тан олингган инсон ҳуқуқлари тизими:
Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини химоя кишиш тўғрисидаги Европа конвенцияси (1950 й.);
Кийинк ўзинида инсонийликка зид ёки қадркимматни камситувчи муомала ва жазолашнинг олдини олиш бўйича Европа конвенцияси (1987 й.);
Европа ижтимоийлик хартияси (1961 й.);
Кам сонли миллатларни химоялаш бўйича рамкали конвенция (1995 й.);



Умум тан олингган инсон ҳуқуқлари манбалининг Америка тизими:
Америка давлатлари ташкилоти (АДТ);
Инсоннинг ҳуқук ва мажбуриятлари тўғрисидаги Америка декларацияси (май 1948 й.);
Инсон ҳуқуқлари бўйича Америка конвенцияси (1969 й.).






Умум тан олингган инсон ҳуқуқлари манбалари нинг Африка тизими:
«Африка бирлиги ташкилот» Низоми 1963 й.,
2002 йилдан «Африка иттифоқи» деб номи ўзgartирилган.
Африка бирлиги ташкилоти Хартияси (1963 й.)
Инсон ҳуқуқлари ва халқлари Африка Хартияси (1981 й.).




Умум тан олингган инсон ҳуқуқлари манбалининг ислом тизими:
Араб давлатлари Лигаси Низоми 1962 й.
Инсон ҳуқуқлари умумжахон ислом декларацияси (1981 й.);
Исломда инсон ҳуқуқлари Қохира декларацияси (1990 й.);
Инсон ҳуқуқлари Араб хартияси (1994 й.).











БМТ ТУЗИЛИШИ





ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ БҮЙИЧА БМТ ТУЗИЛМАСИ.





ХУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ ХАЛҚАРО ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ, ТУРЛАРИ ВА ТАСНИФИ:





Қийнок ҳамда муомала ва жазолашнинг каттиқ, шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-кимматни камситувчи турларига қарши конвенция БМТ Баш Ассамблеяси томонидан 1984 йил 10 декабрда қабул килинган ва 1987 йил 26 июняда кучга кирган. 2000 йил 17 апрель ҳолати бўйича Қийнокка қарши конвенцияни БМТнинг 119 та аъзо-давлати, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси ҳам ратификация қилган

Қийноклар — у билан қандайдир шахсга ундан ёки учинчи шахсдан маълумотлар ёки эътироф олиш, уни у ёки учинчи шахс содир этган ёки содир этишда у гумон килинадиган ҳаракат учун жазолаш, шунингдек уни ёки учинчи шахсни кўркитиш ёки зўрлаш максадида, ёки бундай оғриқ ёки азоб давлатнинг мансабдор шахси ёки расмий сифатдаги бошқа шахс ёки уларнинг гижигижлаши билан ёки уларнинг хабардорлигига ёки индамай розилиги билан ҳар қандай тусдаги камситишга асосланаган исталган сабаб бўйича атайлаб кучли оғриқ ва азоб беришдир.

Қийнокка қарши конвенциянинг ички ишлар органлари ходимларининг професионал фаолияти учун аҳамияти ва роли.


Қийноқнинг ижтимоий ҳавфлилиги:

- 1) инсоннинг шахсий ҳуқуқларига таҳдид киласди;
- 2) Халкаро характердаги жиноятларга киради;
- 3) шахснинг қадр-киммати, хаёти ва соглигига таҳдид киласди;
- 4) инсон руҳияти учун оғир оқибатларни келтириб чиқаради;
- 5) қийнокдан кейин жиддий реабилитация қилишнинг зарурияти;
- 6) мансабдор шахслар уни содир этилганлиги учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги кўзда тутилади;
- 7) давлатнинг халқаро ҳамжамият олдидаги мажбурияти келиб чиқади.

Қийнокка қарши кураш учун зарур бўлган чоралар:

- 1) конунчилик чоралари (Ўзбекистон Республикаси ЖК, ЖПКларининг тегишли моддалари);
- 2) қийнокни олдини олиш ва унга йўл қўймаслик бўйича ҳуқуқни муҳофаза килувчи органлар фаолиятида ташкилий-ҳуқуқий чоралар (функционал мажбуриятларни аниқ тартибга солиниши, раҳбарлар томонидан назорат чоралари);
- 3) тарбиявий ва маънавий ахлоқий чоралар (этика кодексларини ишлаб чиқиш);
- 4) қийнок ишлатиши ҳолларини тезкорлик билан ва ўз вақтида тергов килиш;
- 5) жабрланувчига етказилган моддий ва маънавий зарарни компенсация килиш

ҚИЙНОҚҚА ҚАРШИ КОНВЕНЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАСНИФИ:



ҚИЙНОҚЛАРНИ ТУГАТИШГА ҚАРАТИЛГАН ЧОРАЛАРИ

1. ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ СОҲАСИДА


- 1) Қийнокқа қарши қўмитанинг иштирокчи давлат томонидан Конвенция бўйича мажбуриятларини бажармаётганлиги тўғрисида бошқа иштирокчи давлатнинг мурожаатини олиш ва кўриб чикиши ваколатини эътироф этиши тўғ-рисида баёнот берishi
- 2) Қийнокқа қарши қўмитанинг иштирокчи давлат томонидан Конвенция коидаларида кўзда тутилган ҳуқуқларини бузилиш бўйича, унинг юрисдикцияси остида бўлган шахсларнинг, ёки улар номидан тақдим этилаётган хабарларини олиш ва кўриб чикиш бўйича ваколатини эътироф этиш бўйича баёнот бериш поступающие от их имени
- 3) Инсон ҳукуклари бўйича кўмитага ва Қийнокқа карши қўмитага Фуқаролик ва сиёсий ҳукуклар тўғрисидаги ҳалқрао пакт ва Қийнокқа карши конвенциялардан келиб чикадиган мажбуриятларини амалга ошириши бўйича чоратадибрлари тўғрисида даврий мърузаларини ўз вақтида тақдим этиш хамда мазкур қўмиталарнинг тавсияларини вижданан бажариш
- 4) Қийноклар бўйича Махсус мърузачи билан ҳамкорлик килиш, сўраётган маълумотларни тақдим этиш, бирор масала юзасидан унинг шошилинч мурожаатларига жавоб кайтариш, шунингдек, уни мамлакатга таклиф этишига тайёр бўлмоқ.

2. МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИК СОҲАСИДА

- 1) Барча қийнокка солиш харакатлари (бунга шунингдек, қийнокқа солишга уриниш, шахснинг бундай килмишда иштирок-чилиги ёки қийнокқа солишида иштирок этишида кўринадиган ҳар кандай харакати) жиноят конун-чилиги билан жиноят сифатида кўриб чикилишини таъминлаш, шунингдек, бундай жиноятлар учун, уларнинг ижтимоий оғир хусусиятларини хисобга олиб тегишли жазони белгилаш
- 2) Қийнокқа солиш каби, инсон ҳуқуқ-ларини кўпöl равишида бузилиши учун жавобгар шахсларни жазосиз колишига йўл кўйувчи конунчилекни бекор килиш ва уларни бундай жиноятлар учун жазолаш.
- 3) ўзининг ҳуқукий тизимида, қийнок ишлатилишидан жабр кўрганлар, мазкур жабр учун тўлов олишларини ҳамда адолатли ва тўла реабилитация учун маблагларни ҳам кўзда тутивчи адекват компенсация олиш ҳукуқини ҳуқукий мустаҳкамлаб кўйиш.

3. АМАЛИЙ СОХАДА:

- 1) кийнок қўлланилаётганлигига етарли асос бўлса, давлатнинг ваколатли органлари томонидан давлат юрисдикциясига тааллукли хар қандай худудда, зудлик ва холислик билан тергов ўтказишни таъминлаб берилиши;
- 2) давлат юрисдикцияси остидаги хар қандай худудда кийнокка дучор килинган ҳар бир шахста, мазкур давлатнинг ваколатли органларига шикоят билан мурожаат қилиш хукукини ва унинг мурожаатини зудлик билан, холис равищда кўриб чикилишини таъминлаш ҳамда дъявогар ва гувохларни, уларнинг шикояти ёки хар қандай гувохлик кўрсатмалари билан боғлиқ равища уларга нисбатан хар қандай ёмон муомалада бўлиш ёки кўркитишлардан ҳимоя қилишини таъминлаш бўйича чораларни кўриш;
- 3) кийнок ёки шафқатсиз, инсонийликка зид ёки кадр-кимматни камситувчи муомала ёки жазолаш турлари сифатида малакаланиши мумкин бўлган ҳаракатларни бажаришдан воз кечган хукукини муҳофаза қилувчи органлари ходимларини жазога тортмаслик.
- 4) кийнокка солиши асосида аниқланган хар қандай маълумотдан суд тортишув жараёнида далил сифатида фойдаланилмасликни таъминлаш.
- 5) шахсни, бошқа давлатга экстрадиция қилишда, агар бу давлатда кийнок қўлланиши мумкинлигига жийдий асос мавжуд бўлса, у холда бу давлатга жўнатмаслик, қайтармаслик ёки ушлаб бермаслик.
- 6) Қийноқка қарши қўмитанинг миллий даврий маърузаларга нисбатан қилган якуний фикр мулоҳазаларида берилган тавсияларни амалга ошириш бўйича чора тадбирлар қабул қилиш
- 7) давлат ўз юрисдикцияси остидаги хар қандай худудда кийнок қўлланиши ҳолларига йўл қўймаслик учун сўрок ўтказишга, шунингдек хибсдаги ва қамоққа олиш, ушлаб туриш ёки озодликдан маҳрум қилишининг хар қандай шаклига мубтало этилган шахсларни ушлаб туриш шароитларига тааллукли коидалар, кўрсатмалар, усуулар ва амалиётини тизимили равища кўриб чикиши
- 8) хукукни қўлловчи органлар, фукаро ёки харбий шахслар, тиббий ходимлар, давлатнинг мансабдор шахслари ва бошқа сўрок ўтказишга, шунингдек хибсдаги ва қамоққа олиш, ушлаб туриш ёки озодликдан маҳрум қилишининг хар қандай шаклига мубтало этилган шахслар билан муомала қилишга алоқаси бўладиган шахсларни тайёрлаш дастурларига кийнокни тақиқлашга оид ўкув материаллари ва маълумотлар киритилишини таъминлаш



ИНСОННИНГ АСОСИЙ ҲУҚУҚЛАРИ

БИРИНЧИ АВЛОД ҲУҚУҚЛАРИ

1

Шахсий ҳуқуқлар ва эркинликлар:
 1) яшаш ҳуқуқи ва шахснинг қадр-киммати; 2) эркинликка ва шахсий даҳлсизликка бўлган ҳуқуқ, шахсий хаёт ва уй-жойнинг даҳлсизлиги;
 3) сўз эркинлиги; 4) кўчиб юриш ва яшаш жойини танлаш эркинлиги;
 4) виждан эркинлиги; 5) миллатни танлашга, мулокот учун тилни танлашга бўлган эркинлик

2

Сиёсий ҳуқуқлар (мурожаат этиш (петиция) ҳуқуки) 1) фуқароларнинг давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуки; 2) сайлов ҳуқуки; 3) йиғилишлар, минтинглар, намойишлар ўтказиш эркинлиги;
 4) жамоат ташкилотларига бирлашиш ҳуқуки; 5) итифоқлар, ассоциациялар эркинлиги; 6) мурожаат килиш ҳуқуки (петиция ҳуқуки)

ИККИНЧИ АВЛОД ҲУҚУҚИ

3

Иктисолий ҳуқуқлари
 1) меҳнат килиш ҳуқуки;
 2) мулкка бўлган ҳуқуки;
 3) тадбиркорлик қилиш ҳуқуки;
 4) ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун миллий ёки халкаро ташкилотларга бирлашиш ҳуқуки

4

Ижтимоий ҳуқуқлар
 1) ижтимоий таъминотга бўлган ҳуқуқ;
 2) мақбур ҳаёт даражасига, руҳий ва жисмоний соғлом бўлишга бўлган ҳуқуқ;
 3) руҳий ва жисмоний соғлом бўлишнинг энг юқори даражасига эришишга бўлган ҳуқуқ;
 4) уй-жой ҳуқуки;
 5) тиббий ёрдам олишга бўлган ҳуқуқ;
 6) таълим олиш ҳуқуқи.



5

Маданий ҳуқуқлар
 1) таълим олиш ҳуқуки;
 2) маданий қадриятлардан фойдаланишга бўлган ҳуқуки;
 3) жамиятнинг маданий хаётида эркин иштирок этиш ҳуқуки;
 4) ижод қилиш ҳуқуки;
 5) илмий тараққиёт натижаларидан фойдаланишга ва уларни амалий қўллашга бўлган ҳуқуқ


УЧИНЧИ АВЛОД ҲУҚУҚЛАРИ

6



Жамоавий ҳуқуқлар
 1) тараққий этишга бўлган ҳуқуқ; 2) хавфсизлик ва тинчликка бўлган ҳуқуқ; 3) соғлом атроф-мухитга бўлган ҳуқуқ; 4) озчиликлар ҳуқуқлари




ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ



ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ
ҚОНУНЧИЛИГИ





ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ТЎГРИСИДАГИ АСОСИЙ ХАЛҚАРО ҲУҚУКИЙ ҲУЖЖАТЛАР

1. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро Билл

- Инсон ҳуқуқлари умумжахон декларацияси 1948 й.
- Иктисолий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт 1966 й.
- Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт 1966 й.
- Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактга биринчи факультатив протокол 1966 й.
- Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактга иккинчи факультатив протокол 1989 й.

2. Инсон ҳуқуқларини оммавий бузилишига қарши кураш бўйича шартномалар

- Мустамлака мамлакатлар ва халқларга мустакиллик бериш тўғрисидаги Декларация 1966 й.
- Геноцид жиноягини олдини олиш ва унинг учун жазолаш тўғрисидаги Конвенция 1948 й.
- Иркий камситишнинг барча турларига барҳам бериш тўғрисидаги Конвенция 1965 й.
- Апартиед жиноятини тўхтатиш ва унинг учун жазолаш тўғрисидаги Конвенция 1965 й.

3. Алохида тоифадаги фуқароларни химоя қилиш бўйича шартномалар

- Аёлларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция 1952 й.
- Аёлларга нисбатан камситишларга барҳам бериш тўғрисида Конвенция 1979 й.
- Бола ҳуқуқлари тўғрисида Конвенция 1989 й.
- Турмушга чиқкан аёлларнинг фуқаролиги тўғрисидаги Конвенция 1957 й.
- Фуқаросизликни кискартириш бўйича Конвенция 1961 й.
- Апатриидлар макоми тўғрисидаги Конвенция 1954 й.
- Кочоклар макоми тўғрисидаги Конвенция 1951 й. Протокол 1966 й.
- БМТнинг кочоклар бўйича Олий комиссарлик бошқармаси Низоми 1950 й.
- Ҳудудий бошпана тўғрисидаги Декларация 1967 й.

**ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМИНИНГ ИНСОН
ХУҚУҚЛАРИ МАДАНИЯТИ**

Этик ва эстетик хуқуқшунослик (уларнинг ўзига хослигини инобатта олган холда) бошқа фанлардаги каби, ажралмас умумийликни ташкил қиласи. Барча ижтимоий ходиса, инсон фаолиятнинг ҳаракати ва сабаблари бир вактнинг ўзида этик ва эстетик аҳамиятга эга бўлиб, қуйидагича баҳоланиши мумкин:

гўзал ёки хунук
(эстетика соҳаси);

яхшилик ёки ёмонлик
(ахлоқ соҳаси).

Ахлоқ ва хуқуқнинг алоқаси
куйидагиларда намоён бўлади:

фарқлар мавжудлигига;

якка ва умумий
белгиларга
хос эканлигига;

ўзаро муносабат
ва алоқадорликда
еканлигига.

БМТ ТИЗИМДА ИНСОН ХУКУКЛАРИ БҮЙЧА КҮМІТАЛАР

№	Шартномавиіл орған (күміта) нинг номланышы	Күміта сессиялари	Шартнома шигирикчиси бўлган давлатларнинг маърузалаштар тақдим этиши	Индивидуал шикоятларни кўриб чиқиш процедураси
1	2	3	4	5
1	Инсон хукуклиари бўйича кўміта (HRC) 1976 йили ташкил этилган. Котибият — Женевада Таркиб: 18 эксперт	Йилда уч моротаба: март-апреля (Нью-Йоркда) июла, октябрь-ноябрда (иккакала сессия замам — Женевада)	ФСХТПниң 40-моддаси: Дастилбаси — Пакт унга нисбатан кучга кирганидан кейин 1 йил ичида; кейингилиари (даварий) — Кўмитанинг талаби билан, аммо, беш йилда камидга бир марта.	Ха ФСХТПниң Факултатив проколони алоҳида ратификация килишини талаб этади.
2	Кийинклар бўйича кўміта (CAT) 1988 йили ташкил этилган. Котибият Женевада Таркиб: 10 эксперт	Йилда икки марта: апрел-май, ноябрда (Женевада)	19-моддага кўра: Дастилбаси — Конвенция унга нисбатан кучга кирганидан кейин 1 йил ичида; кейингилиари (даварий) — ҳар гўрт йилда бир марта	Ха Конвенциянинг 22-моддаси: Факултатив розилиги билан кўзланнилади
3	Иктисолий, ижтимоий ва мазалий хукукчар бўйича кўміта (CESCR) 1985 йили ташкил этилган. Котибият — Женевада Таркиб: 18 эксперт	Йилда икки марта: Майда, ноябр-декабрда (Женевада)	Пактнинг 16-ва 17- Моддаларига ва ЭКОСОЦ-Конвенция унга нисбатан кучга кирганидан кейин 2 йил ичида; кейингиллари (даварий) — ҳар беш йилда бир марта	Йўқ
4	Бола хукуклари бўйича кўміта (CRC) 1991 йили ташкил этилган. Котибиент — Женевада Таркиб: 18 эксперт	Йилда уч марта: Январ, май-июнь, сентябрда (Женевада)	Дастилбаси — Конвенция унга нисбатан кучга кирганидан кейин 2 йил ичида; кейингиллари (даварий) — ҳар беш йилда бир марта	Йўқ
5	Аёлларга нисбатан хукукий камситиш-чарга бархам бериш бўйича кўміта (CEDAW) 1981 йили ташкил этилган. Котибиент — Нью-Йоркда Таркиб: 23 эксперт	Йилда икки марта: январ-февраль, июльда (Нью-Йоркда)	Конвенциянинг 18-моддасига биноан: Дастилбаси — Конвенция унга нисбатан кучга кирганидан кейин 1 йил ичида; кейингиллари (даварий) — тўрт йилда камидга бир марта, ва Кўмитанинг талаби билан.	Ха (Конвенция яга Факултатив проколони 1-моддаси) Факултатив проколни алоҳида ратификация килиш талаб этилади
6	Иркӣ камситиш-чарга бархам бериш кўмітаси (CERD) 1969 йили ташкил этилган. Котибиент — Женевада Таркиб: 18 эксперт	Йилда икки марта: Мартда, августда (Женевада)	Конвенциянинг 9-моддасига биноан: Дастилбаси — Конвенция унга нисбатан кучга кирганидан 1 йилдан кейин иккакала, иккаки йилда камидга бир марта, ва Кўмитанинг талаби билан.	Ха (Конвенциянинг 14-моддаси-га биноан) Факултатив розилиги билан кўзланнилади
7	Мехнаткаш-мигрантлар бўйича кўміта (CWM) Котибиент — Женевада Таркиб: 14 эксперт	Йилда бир марта	Конвенциянинг 73-моддасига кўра: Дастилбаси — Пакт унга нисбатан кучга кирганидан кейин 1 йил ичида; кейингиллари (даварий) — ҳар беш йилда бир марта.	Ха (Конвенциянинг 77-моддаси)

ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИНГ ТАВСИФЛАНИШИ

Пайдо бўлиш вақтига кўра	<ul style="list-style-type: none"> Биринчи авлод (XVIII аср охири) Фуқаролик ва сиёсий. Иккинчи авлод (XX аср ўрталари) Ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлар Учинчи авлод (XX асрнинг 70-йиллари) Жамоавий ҳуқуклар
Ижтимоий муносабатлар соҳаси бўйича	<ul style="list-style-type: none"> Фуқаролик Сиёсий Иқтисодий Ижтимоий Маданий
Ижтимоий тартибга солувчи нормаларга тегишилиги бўйича	<ul style="list-style-type: none"> Табиий Ахлоқ нормалари Ижобий Ёзилган ҳуқуқлар, ҳукуқий нормалар
Шахснинг сиёсий-ҳукукий мақоми бўйича	<ul style="list-style-type: none"> Инсон ҳуқуклари Хар бир индивид ҳукуки Фуқаро ҳукуки Давлат билан мустаҳкам алокадаги шахс ҳукуки
Субъектнинг алоҳидалаштирилганлик даражаси бўйича	<ul style="list-style-type: none"> Индивидуал Алоҳида инсон ҳукуки Жамоавий Ижтимоий гурӯхлар ҳукуки
Махсус субъектлиллик бўйича	<ul style="list-style-type: none"> Қочоклар ҳуқуқ Аёллар ҳукуки Бола ҳуқуқ Ногиронлар ҳукуки Апатридлар ҳукуки Қуролли мажоролардаги шахс ҳукуки Махқумлар ҳукуки Мехнаткаш мигрантлар ҳукуки ва бошқалар.
Конституциялар ва халқаро нормаларда бириткирилганлиги ва универсаллиги бўйича	<ul style="list-style-type: none"> Инсоннинг асосий (конституциявий) ҳуқуклари Ишлаб чиқилган (асосий бўлмаган) ҳуқуклар
Вақтинча чекланганлик имконияти бўйича	<ul style="list-style-type: none"> Мутлак Нисбий
Инсон ҳуқук ва эркинликларни таъминлашда давлатнинг роли бўйича	<ul style="list-style-type: none"> Салбий (негатив) Ижобий (позитив)

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БҮЙИЧА ХАЛҚАРО ҲУЖАТЛАР

1-илова

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УМУМЖАХОН ДЕКЛАРАЦИЯСИ

*Бош Ассамблеяning 1948 йил 10 декабрдаги
217 A (III)-резолюцияси билан қабул қилинганды өткөн қадам*

МУҚАДДИМА

Инсоният оиласининг ҳамма аъзоларига хос қадр-киммат ва уларнинг тенг, ажралмас ҳуқуқларини тан олиш эркинлик, адолат ва ялпи тинчлик асоси эканлигини **эътиборга олиб**;

инсон ҳуқуқларини менсимаслик ва уни поймол этиши инсоният виждони қийналадиган ваҳшиёна ишлар содир этилишига олиб келганини, кишилар сўз эркинлиги ва эътиқод эркинлигига эга бўладиган ҳамда кўркув ва муҳтожлиқдан ҳоли шароитда яшайдиган дунёни яратиш инсонларнинг эзгу инилишидир деб эълон қилинганлигини **эътиборга олиб**;

инсон охирги чора сифатида зулм ва истибдодга қарши исён кўтаришга мажбур бўлишининг олдини олиш мақсадида инсон ҳуқуқлари қонун кучи билан ҳимоя этилиши зарур эканлигини **эътиборга олиб**; халқлар ўртасида дўстона муносабатларни ривожлантиришга кўмаклашиш зарурлигини **эътиборга олиб**;

Бирлашган Миллатлар халқлари инсоннинг асосий ҳуқуқларига, шахснинг қадр-кимматига, эркак ва аёлнинг тенг ҳуқуқлилигига, ўз эътиқодларини Низомда тасдиқлаганликлари ҳамда янада кенгроқ эркинлиқда ижтимоий тараққиёт ва турмуш шароитларини яхшилашга кўмаклашиш зарурлигини **эътиборга олиб**;

аъзо бўлган давлатлар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан ҳамкорликда инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ялпи ҳурмат қилиш ва унга риоя қилишга кўмаклашиш мажбуриятини олганлигини **эътиборга олиб**;

мазкур ҳуқуқлар ва эркинликларнинг характеристерини ялпи тушуниш ушбу мажбуриятларнинг тўлиқ адо этилиши учун катта аҳамиятга эга бўлишини **эътиборга олиб**;

Бош Ассамблея мазкур Инсон ҳуқуқлари умумжахон декларациясини барча халқлар ва барча давлатлар бажаришга инилиши лозим бўлган вазифа сифатида эълон қиласи экан, бундан муддао шуки, ҳар бир инсон ва жамиятнинг ҳар бир ташкилоти доимо ушбу Декларацияни назарда тутган ҳолда маърифат ва таълим йўли билан бу ҳуқуқ ва эркинликларнинг ҳурмат қилинишига кўмаклашиши, миллий ва халқаро тараққиյпарвар тадбирлар орқали ҳам унинг

бажарилиши таъминланишига, Ташкилотга аъзо бўлган давлатлар халқлари ўртасида ва ушбу давлатларнинг юрисдикциясидаги худудларда яшаётган халқлар ўртасида ялписига ва самарали тан олинишига интилишлари зарур.

1-модда

Ҳамма одамлар ўз қадр-қиммати ҳамда ҳуқуқларида эркин ва тенг бўлиб туғиладилар. Уларга ақл ва виждан ато қилинган, бинобарин, бир-бирларига нисбатан биродарлик руҳида муносабатда бўлишлари керак.

2-модда

Ҳар бир инсон ирқи, тана ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ёки бошқа эътиодларидан, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, мол-мулки, табакаси ёки бошқа ҳолатидан қатъий назар, ушбу Декларацияда эълон қилинган барча ҳуқук ва барча эркинликка эга бўлиши зарур.

Бундан ташқари, инсон мансуб бўлган мамлакат ёки ҳудуднинг сиёсий, ҳуқуқий ёки ҳалқаро мақомидан, ушбу ҳудуд мустақилми, васийми, ўз-ўзини идора қиласидан ёки бошқача тарзда чекланганлигидан қатъий назар, бирор бир айрмачилик бўлмаслиги керак.

3-модда

Ҳар бир инсон яшаш, эркин бўлиш ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқларига эгадир.

4-модда

Ҳеч ким қулликда ёки эрксиз ҳолатда сақланиши мумкин эмас; қуллик ва кул савдосининг барча кўринишлари таъқиқланади.

5-модда

Ҳеч ким қийнокка ёки шафқатсиз, файриинсоний ёки қадр-қимматни хўрловчи мумомала ва жазога дучор этилмаслиги керак.

6-модда

Ҳар бир инсон қаерда бўлишидан қатъий назар, ўзининг ҳуқуқли субъект сифатида тан олинишига ҳақли.

7-модда

Барча одамлар қонун олдида тенгdir ва ҳеч бир тафовутсиз қонун билан тенг ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эгадир. Барча одамлар ушбу Декларацияга зид бўлган ҳар қандай камситишдан ва шундай камситишга ундейдиган ҳар қандай гиж-гижлашдан тенг ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эгадир.

8-модда

Ҳар бир инсон унга конституция ёки қонун орқали берилган асосий ҳуқуқлари бузилган ҳолларда нуфузли миллий судлар томонидан бу ҳуқуқларнинг самарали тикланиши ҳуқуқига эга.

9-модда

Хеч ким асоссиз қамалиши, ушланиши ёки қувғин қилиниши мумкин эмас.

10-модда

Хар бир инсон хукуқ ва бурчларини белгилаш ва унга кўйилган жиноий айбнинг қанчалик даражада асосли эканлигини аниқлаши учун тўлиқ тенглик асосида унинг иши ошкора ва адолат талабларига риоя қилинган ҳолда мустақил ва холис суд томонидан кўриб чикилиши хукуқига эга.

11-модда

1. Жиноят содир этганликда айбланган ҳар бир инсон ҳимоя учун барча имкониятлар таъминланган ҳолда, очик суд мажлиси йўли билан унинг айби қонуний тартибда аниқланмагунча айбсиз деб ҳисобланишга ҳақлидир.

2. Ҳеч ким, содир этилган вактда миллый қонунлар ёки ҳалқаро хукуқларга кўра жиноят деб топилмаган хатти-харакати ёки фаолиятсизлиги учун жазога хукм қилиниши мумкин эмас.

Шунингдек, жиноят содир этилган вактда кўлланиши мумкин бўлган жазога нисбатан оғирроқ жазо берилиши мумкин эмас.

12-модда

Хеч кимнинг шахсий ва оиласи ҳаётига ўзбошимчалик билан аралashiш, уй-жойи дахлсизлигига, унинг ёзишмаларидан сирларга ёки унинг номус ва шаънига ўзбошимчалик билан тажовуз қилиниши мумкин эмас. Ҳар бир инсон худди шундай аралашув ёки тажовуздан қонун орқали ҳимоя қилиниш хукуқига эга.

13-модда

1. Ҳар бир инсон ҳар бир давлат доирасида эркин юриш ва яшаш жойи танлаш хукуқига эга.

2. Ҳар бир инсон ҳар қандай мамлакатдан, хусусан, ўз мамлакатидан чиқиб кетиши ва ўз мамлакатига қайтиб келиш хукуқига эга.

14-модда

1. Ҳар бир инсон таъкиб туфайли бошқа мамлакатлардан бошпана излаш ва ўша бошпанадан фойдаланиш хукуқига эга.

2. Бу хукуқдан носиёсий жиноят содир этиш учун ёки Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг максад ва принципларига зид хатти-харакат туфайли таъкиб пайтида фойдаланиш мумкин.

15-модда

1. Ҳар бир инсоннинг фуқаро бўлиш хукуқи бор.

2. Ҳеч ким ўзбошимчалик билан ўз фуқаролигидан ёки ўз фуқаролигини ўзгартириш хукуқидан маҳрум қилиниши мумкин эмас.

16-модда

1. Балофат ёшига етган эркаклар ва аёллар ирки, миллати ёки диний белгилари бўйича ҳеч қандай чеклашларсиз никоҳдан ўтишга ва оила қуришга ҳақли. Улар никоҳдан ўтишда, никоҳда турган вакътларида ва уни бекор қилиш вакътида бир хил ҳукуқдан фойдаланади.

2. Никоҳдан ўтаётган хар икки томоннинг эркин ва тўлиқ розилиги асосида гина никоҳ тузилиши мумкин.

3. Оила жамиятнинг табиий ва асосий хужайраси саналади ва жамият ҳамда давлат томонидан ҳимоя қилинишга ҳақли.

17-модда

1. Хар бир инсон якка ҳолда, шунингдек, бошқалар билан биргаликда мулкка эгалик қилиш ҳукуқига эга.

2. Ҳеч ким зўравонлик билан ўз мулкидан маҳрум этилиши мумкин эмас.

18-модда

Ҳар бир инсон фикр, виждан ва дин эркинлиги ҳукуқига эга; бу ҳукуқ ўз дини ёки эътиқодини ўзгартириш эркинлигини ва таълимотда, тоат-ибодат қилишда ва диний расм-русларни оммавий ёки хусусий тартибда адо этиш, ўз дини ёки эътиқодига якка ўзи, шунингдек, бошқалар билан бирга амал қилиш эркинлигини ўз ичига олади.

19-модда

Ҳар бир инсон эътиқод эркинлиги ва уни эркин ифода қилиш ҳукуқига эга; бу ҳукуқ ҳеч бир тўсиқсиз ўз эътиқодига амал қилиш эркинлигини ҳамда ахборот ва фояларни ҳар қандай восита билан, давлат чегараларидан қатъий назар, излаш, олиш ва тарқатиш эркинлигини ўз ичига олади.

20-модда

1. Хар бир инсон тинч йифинлар ўтказиш ва уюшмалар тузиш ҳукуқига эга.

2. Ҳеч ким бирор бир уюшмага киришга мажбур қилиниши мумкин эмас.

21-модда

1. Ҳар бир инсон бевосита ёки эркин сайланган вакиллар воситаси орқали ўз мамлакатини бошқаришда қатнашиш ҳукуқига эга.

2. Ҳар бир инсон ўз мамлакатида давлат хизматига киришда тенг ҳукуққа эга.

3. Халқ иродаси ҳукумат ҳокимиятининг асоси бўлиши лозим, бу ирова даврий ва сохталаштирилмаган, ялпи ва тенг сайлов ҳукуқидан яширин овоз бериш ўйли билан ёки овоз бериш эркинлигини таъминлайдиган бошқа тенг қийматли шакллар воситасида ўтказиладиган сайловларда ўз аксини топиши лозим.

22-модда

Хар бир инсон жамият аъзоси сифатида миллий куч-ҳаракатлар ҳамда ҳалқаро ҳамкорлик воситасида ва хар бир давлатнинг тузилиши, шунингдек, ресурслариға мувофиқ ижтимоий таъминотга ва ўзининг қадр — қумматини саклаш, шахсининг эркин ривожланиши учун зарур бўлган иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳалардаги ҳуқуқини амалга оширишга ҳақли.

23-модда

1. Ҳар бир инсон меҳнат қилиш, ишни эркин танлаш, адолатли ва қулай иш шароитига эга бўлиш ва ишсизликдан ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эга.
2. Ҳар бир инсон ҳеч бир камситишсиз тенг меҳнат учун тенг ҳақ олиш ҳуқуқига эга.
3. Ҳар бир ишловчи киши ўзи ва оиласи учун инсонга муносиб яшашни таъминлайдиган адолатли ва қониқарли даромад олишга, зарур бўлганда ижтимоий таъминотнинг бошқа воситалари билан тўлдирилувчи даромад олиш ҳуқуқига эга.
4. Ҳар бир инсон касаба уюшмалари тузиш ва ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун касаба уюшмаларига кириш ҳуқуқига эга.

24-модда

Ҳар бир инсон дам олиш ва бўш вақтга эга бўлиш, шу жумладан иш кунини оқилона чеклаш ҳуқуки ва ҳақ тўланадиган меҳнат таътили олиш ҳуқуқига эга.

25-модда

1. Ҳар бир инсон ўзининг ҳамда оиласининг саломатлиги ва фаровонлигини таъминлаш учун зарур бўлган турмуш даражасига эга бўлиш, жумладан, кийимкечак, озиқ-овқат, тиббий хизмат ва зарур ижтимоий хизматга эга бўлишга ҳамда ишсизлик, касаллик, ногиронлик, бевалик, қарилик ёки унга боғлиқ бўлмаган шароитларга кўра тирикчилик учун маблағ бўлмай қолган бошқа ҳолларда таъминланиш ҳуқуқига эга.

2. Оналик ва болалик алоҳида ғамхўрлик ва ёрдам ҳуқуқини беради. Барча болалар, никоҳда ёки никоҳсиз тугилишидан қатъий назар, бир хил ижтимоий ҳимоядан фойдаланиши керак.

26-модда

1. Ҳар бир инсон таълим олиш ҳуқуқига эга. Таълим олишда ҳеч бўлмаганда бошланғич ва умумий таълим текин бўлиши лозим.

Бошланғич таълим мажбурий бўлиши керак. Техник ва хунар таълими ҳамманинг қурби етадиган даражада бўлиши, олий таълим эса ҳар кимнинг қобилиятига асосан ҳамма учун етарли имконият доирасида бўлмоғи керак.

2. Таълим инсон шахсини тўла баркамол қилишга ва инсон ҳуқуқлари ҳамда асосий эркинликларига нисбатан ҳурматни кучайтиришига қаратилмоғи лозим. Таълим барча ҳалқлар, ирқий ва диний гурухлар ўртасида бир-бирини тушу-

ниш, хайриҳоҳлик ва дўстлика хизмат қилиши ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тинчликни сақлаш борасидаги фаолиятига ёрдам бериши керак.

3. Кичик ёшдаги болалари учун ота-оналар таълим турини танлашда имтиёзли хукуқка эгадир.

27-модда

1. Ҳар бир инсон жамиятнинг маданий ҳаётида эркин иштирок этишга, санъатдан баҳраманд бўлишга, илмий тараққиётда иштирок этиш ва унинг самаралидан фойдаланиш хукуқига эга.

28-модда

Ҳар бир инсон ушбу Декларацияда баён этилган хукуқ ва эркинликлар тўлиқ амалга оширилиши мумкин бўлган ижтимоий ва халқаро тартиб бўлиши хукуқига эгадир.

29-модда

1. Ҳар бир инсон жамият олдида бурчлидир, факат шу ҳолатдагина унинг шахси эркин ва тўлиқ камол топиши мумкин.

2. Ҳар бир инсон ўз хукуки ва эркинликларидан фойдаланишда ўзгаларнинг хукуқ ва эркинликларини демократик жамиятда етарли даражада бўлишини ҳамда хурмат қилинишини таъминлаш, ахлок, жамоат тартиби, умум фаровон-лигининг одилона талабларини қондириш мақсадидагина қонунда белгиланган чекланишларга риоя этиши керак.

3. Ушбу хукуқ ва эркинликларни амалга ошириш Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мақсад ва принципларига ҳеч зид бўлмаслиги керак.

30-модда

Ушбу Декларациядаги ҳеч бир нарса бирор бир давлат, кишилар гурухи ёки алоҳида шахслар мазкур Декларацияда баён 315 этилган хукуқ ва эркинликларни йўқ қилишга йўналтирилган фаолият билан шуғулланиши ёки ҳаракат қилиши мумкин, деб талқин этилмаслиги керак.

ФУҚАРОЛИК ВА СИЁСИЙ ХУҚУҚЛАР ТҮҒРИСИДАГИ ХАЛҚАРО ПАКТ

Бош Ассамблеяning 1966 йил 16 декабрдаги 2200 A(XXI)-резолюцияси билан имзолаши, ратификация қилиши ва құшилиши учун қабул қилинган ва очилған. 1976 йил 23 мартаң күчгә кирған.

МУҚАДДИМА

Ушбу Пактда иштирок этувчи давлатлар,

Бирлашған Миллатлар Ташкилотининг Низомида эълон қилинган принципларга асосан, барча инсоният оиласининг аззоларига хос қадр-кимматни ҳамда уларнинг тенг ва ажралмас хуқуқларини тан олиш озодлик, адолат ва ялпи тинчликнинг асоси эканлигини өзтиборга олиб, бу хуқуқлар инсон шахсига хос бўлган қадр-кимматдан келиб чиқишини **эътироф этиб**,

Инсон хуқуклари умумжаҳон декларациясига мувофиқ, қўркув ва мухтожликдан озод бўлган, фуқаролик ва сиёсий эркинликдан фойдаланувчи озод инсон шахси идеали ҳар бир одам ўз иқтисодий, ижтимоий ва маданий хуқуқларидан фойдаланиш мумкин бўлган шароит яратилгандагина руёбга чикиши мумкинлигини **эътироф этиб**,

Бирлашған Миллатлар Ташкилоти Низомига асосан давлатлар инсон хуқуклари ва эркинликларини ялпи хурмат қилиш ҳамда уларга риоя этилишини рағбатлантириши шартлигини **эътиборга олиб**,

ҳар бир алоҳида инсон бошқа одамлар ва ўзи мансуб бўлган жамоага нисбатан мажбурият олган ҳолда, мазкур Пактда тан олинган хуқуқлар рағбатлантирилиши ва риоя этилишига эришиши лозимлигини **эътиборга олиб**,

қўйидаги моддалар түғрисида бир тўхтамга келдилар:

I ҚИСМ

1-модда

1. Барча халқлар ўз тақдирини ўзи белгилаш хуқуқига эгадир. Ушбу асосда улар ўз сиёсий мақомини эркин белгилайди ва ўз иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожланишини эркин таъминлайдилар.

2. Барча халқлар ўз мақсадларига эришиш учун ўзаро манфаатдорлик принципига асосланган халқаро иқтисодий ҳамкорлик ва халқаро хуқуқдан келиб чиқадиган

бирон-бир мажбуриятга зиён етказмасдан ўз табиий бойликлари ва ресурслари-га эркин ҳолда эгалик қилишлари мумкин. Ҳеч бир халқ ҳеч бир ҳолатда ўзига тегишли тирикчилик воситаларидан маҳрум этилмаслиги керак.

3. Ушбу Пактда иштирок этувчи барча давлатлар, шу жумладан, ўз-ўзини бошқара олмайдиган ва васийликка олинган худудларни бошқариш учун жавобгар бўлган давлатлар ҳам Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низомига мувофиқ, ўз тақдирини ўзи белгилаш хукуқини амалга оширишни рағбатлантириши ҳамда шу хукуқни хурмат қилиши лозим.

II ҚИСМ

2-модда

1. Ушбу Пактда иштирок этувчи ҳар бир давлат ўз худудидаги ва ўз юрисдикциясида бўлган шахсларнинг мазкур Пактда эътироф этилган хукуқларини ҳеч бир айирмачиликсиз, жумладан, ирқи, тана ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ёки бошқа эътиқодидан, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, мулкий аҳволи, туғилиши ёки ўзга ҳолатидан қатъий назар, хурмат қилиш ва таъминлаш мажбуриятини олади.

2. Агар бу нарса ҳали мавжуд қонунчилиқда ёки бошқа тадбирларда кўриб чиқилмаган бўлса, ушбу Пактда иштирок этувчи ҳар бир давлат ўз конституцияси тартибида мазкур Пакт қоидаларига мувофиқ ушбу Пактда эътироф этилган хукуқларни амалга ошириш учун зарур бўлиши мумкин бўлган шундай қонунчилик ёки бошқа тадбирлар қабул қилиш учун керакли чораларни кўриш мажбуриятини олади.

3. Ушбу Пактда иштирок этувчи ҳар бир давлат ўз зиммасига қўйидаги мажбуриятларни олади:

а) мазкур Пактда тан олинган хукуқлари ва эркинликлари бузилган ҳар бир шахсни, агар бу ҳол расмий ҳаракат қилган шахслар томонидан содир этилган бўлса ҳам, хукуқий ҳимояланишнинг самарали воситалари билан таъминлансин;

б) ана шундай ҳимоя талаб қилувчи ҳар қандай шахс учун юридик ҳимоя нуфузли суд, маъмурий ёки қонуний ҳокимиятлар томонидан ёки давлатнинг тизимида назарда тутилган бошқа нуфузли органлар томонидан таъминлансин ва суд орқали ҳимояланиш имконияти ривожлантирилсин;

с) хукуқий ҳимоя воситалари берилганда, нуфузли ҳокимиятлар буни қўллашни таъминласинлар.

3-модда

Мазкур Пактда иштирок этувчи давлатлар эркаклар ва аёллар учун ушбу Пактда кўриб чиқилган барча фуқаролик ва сиёсий хукуқлардан бир хилда фойдаланишини таъминлаш мажбуриятини олади.

4-модда

1. Давлат фавқулодда ҳолат юз берган вақтда, миллат ҳаёти хавф остида колган ва бу ҳолат ҳақида расмий эълон қилинганда ушбу Пактда иштирок этув-

чи давлатлар мазкур Пакт бўйича олган ўз мажбуриятларидан чекиниш учун чоралар кўриши мумкин, лекин бу чекинишни ахвол кескинлиги талаб этган бўлиши ҳамда бу чоралар халқаро ҳукуқлар борасидаги бошқа мажбуриятларга хилоф бўлмаслиги ва ирқи, тана ранги, жинси, тили, дини ва ижтимоий ахволи жиҳатидан камситишга олиб келмаслиги керак.

2. Ушбу қоида 6-, 7-, 8-, (1- ва 2-бандлар), 11-, 15-, 16- ва 18-моддалардан бирор-бир чекиниш учун асос бўла олмайди.

3. Ушбу Пактда иштирок этувчи чекиниш ҳукуқидан фойдаланувчи давлатлар ўзи чекинган ахвол ҳақида шундай қарорга келишга олиб келган сабаблар ҳақида дарҳол Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби воситачилиги орқали мазкур Пактда иштирок этувчи бошқа давлатларни хабардор қилиши керак.

Шунингдек, ўша воситачи орқали бундай чекиниш вакти качон тўхтатилиши тўғрисида ҳам хабар берилиши керак.

5-модда

1. Мазкур Пактдаги ҳеч бир нарса бирор-бир давлат, бирор-бир гурӯх ёки бирор-бир шахс ушбу Пактда тан олинган, ҳар қандай ҳукуқ ва эркинликларни йўқотишга қаратилган ёки уларни мазкур Пактда назарда тутилганидан кўра кўпроқ чеклашга қаратилган бирорта фаолият билан шуғулланиши ёки шундай мазмунда ҳаракат содир этиш ҳукуқи бор деб талқин қилиниши мумкин эмас.

2. Ушбу Пактда иштирок этувчи бирор-бир давлатда қонун, конвенция, қоида ёки урф-одат сифатида тан олинган ёки мавжуд бўлган асосий инсон ҳукуклари, мазкур Пактда шу ҳукуклар тан олинмайди ёки кисман эътироф этилади, деган баҳона билан бирор-бир тарзда чекланиши ёки менсилмаслигига йўл қўйилмайди.

III ҚИСМ

6-модда

1. Яшаш ҳукуқи ҳар бир инсоннинг ажralmas ҳукуқидир. Бу ҳукуқ қонун билан ҳимояланади. Ҳеч ким ўзбошимчалик билан инсонни яшашдан маҳрум қила олмайди.

2. Ўлим жазосини бекор қилмаган мамлакатларда жиноят содир этилган вактда амалда бўлган ва мазкур Пакт қарорларига зид бўлмаган ҳамда тўғрисидаги конвенцияга хилоф бўлмаган 318 қонунга мувофиқ энг оғир жиноятлар учунгина ўлим ҳукми чиқарилиши мумкин. Бундай жазо фақат нуфузли суд томонидан чиқарилган сўнгги ҳукмни ижро этиб амалга оширилиши мумкин.

3. Геноцид жинояти учун ҳаётдан маҳрум этилаёттан бўлса, шуни эътиборга олиш лозимки, ушбу моддадаги ҳеч бир нарса мазкур Пактда иштирок этувчи давлатлар учун бирор-бир йўл билан геноцид жиноятининг олдини олиш ва унинг учун жазолаш тўғрисидаги конвенция қарорларига мувофиқ қабул қилинган ҳар қандай мажбуриятлардан чекиниш ҳукуқини бермайди.

4. Ўлим жазосига ҳукм қилинган ҳар бир киши авф этиш ҳақида ёки ҳукмни юмшатиш тўғрисида илтимос қилиш ҳукуқига эга.

Амнистия, авф этиш ёки ўлим ҳукмини алмаштириш ҳамма ҳолатларда инъем этилиши мумкин.

5. Ўн саккиз ёшдан кичик шахслар томонидан содир этилган жиноятлар учун ўлим ҳукми чиқарилмайди ва ҳомиладор аёлларга нисбатан бу ҳукм ижро этилмайди.

6. Ушбу моддадаги ҳеч бир нарса мазкур Пактда иштирок этувчи бирор-бир давлат томонидан ўлим жазоси муддатини кечикириш ёки уни бекор қилишга йўл қўймаслик учун асос бўла олмайди.

7-модда

Ҳеч ким азоб-уқубатга солинмаслиги ва унга нисбатан шафқатсиз, ноинсоний ёки қадр-қимматини хўрловчи муомала қилинмаслиги ёки жазоланмаслиги керак. Жумладан, ҳеч бир шахс устидан ўзининг розилигисиз тиббий ёки илмий тажриба ўтказилиши мумкин эмас.

8-модда

1. Ҳеч ким қулликда сақланмаслиги керак; қуллик ва қул савдосининг ҳар кандай кўриниши таъкиқланади.

2. Ҳеч ким эрксиз ҳолатда сақланмаслиги керак.

3. а) Ҳеч ким мажбурий ёки шарт бўлган меҳнатга мажбур қилинмаслиги лозим;

б) жиноят учун жазо тариқасида жуда оғир ишларга жалб этилиб озодликдан маҳрум этилиши мумкин бўлган мамлакатларда, шундай жазо нуфузли суд ҳукми билан тайинланса, З а) банди жуда оғир ишларни бажариш учун тўсик бўлади деб ҳисобланмайди.

с) «мажбурий ёки шарт бўлган меҳнат» атамаси ушбу банда қуидагиларни камраб олмайди:

I) в-кичик бандида тилга олинмаган бирор-бир иш ёки хизмат, бу хизматни қоида тариқасида суднинг қонуний фармойишига асосан ҳибсда бўлган шахс ёки бундай ҳибсдан шартли равишда озод этилган шахс бажариши керак;

II) сиёсий ва диний-этник сабабларга кўра ҳарбий хизматни рад этиш тан олинаётган мамлакатларда ҳарбий тусдаги бирор-бир хизмат, худди шундай сабабларга асосан ҳарбий хизматни рад этаётган шахслар учун қонунда назарда тутилган бирор-бир хизмат;

III) аҳоли ҳаётига ёки осойишталигига хавф солувчи фалокат ёки фавқулодда ҳолат рўй берганида мажбурий бўлган бирор хизмат;

IV) одатдаги фуқаролик бурчига кирувчи бирор-бир иш ёки хизмат.

9-модда

1. Ҳар бир инсон озодлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга.

Ҳеч ким ўзбошимчалик билан ҳибсга олиниши ёки ҳибсда сақланиши мумкин эмас. Ҳеч ким қонун билан белгаланганидан бошқача асос ва тартибда озодликдан маҳрум этилиши мумкин эмас.

2. Ҳибсга олинаётган ҳар бир кишига ҳибсга олиш вақтида қамалиш сабаблари айтилади ва дархол унга қўйилган айб маълум қилинади.

3. Жиноий айблов билан қамалган ёки ушланган ҳар бир шахс зудлик билан судья ёки қонун бўйича суд хукмронлигини амалга ошириш хуқуки бўлган бошқа мансабдор шахс хузурига келтирилади ва айбланаётган шахс оқилона муддат ичида иши судда кўрилиши ёки озод қилиб юборилиш хуқуқига эга. Иши судда ҳал этилиши кутилаётган шахсларни ҳибсда тутиб туриш умумий қоида бўлмаслиги, бироқ озод қилиш, судга келиш, судда иш кўриб чиқилаётганда унинг ҳар қандай босқичига келиш кафолатларини беришга, зарур ҳолларда хукмни ижро этиш учун келишга боғлиқ қилиб қўйилиши мумкин.

4. Қамоққа олиниши ёки ҳибсда ушланиб туриши туфайли озодликдан маҳрум этилган ҳар бир шахс ўз ишининг судда кўриб чиқилиши хуқуқига эга, чунки суд дархол унинг ушланиши қанчалик қонуний эканлиги борасида қарор чиқара олсин ва агар унинг ушланиши ноқонуний бўлса, озод қилиш ҳакида фармойиш берга олсин.

5. Ноқонуний равишда қамалган ёки ҳибсда ушлаб турилган ҳар бир киши даъво кучига эга бўлган товон талаб қилиш хуқуқига эгадир.

10-модда

1. Озодликдан маҳрум этилган барча шахслар инсонларча муомала қилиниши ва инсон шахсига хос бўлган қадр-киммати ҳурмат қилиниши хуқуқига эга.

2. а) истисно ҳоллари бўлмаганида айбланувчилар судланганлардан алоҳида жойлаштирилади ва уларга судланмаган шахслар мақомига жавоб берадиган алоҳида режим белгиланади;

б) балоғат ёшига етмаган айбланувчилар балоғатга етган айбланувчилардан ажратиб қўйилади ва қарор чиқариш учун кисқа муддатда судга келтирилади;

3) маҳбусларга мўлжалланган пенитенциар тизимдан мақсад маҳбусларни тўғри йўлга солиш ва уларни ижтимоий жиҳатдан қайта тарбиялашдир. Балоғатга етмаган қонунбузарлар балоғатга етган қонунбузарлардан ажратиб қўйилади ва уларнинг ёши ҳамда хуқукий мақомига жавоб берувчи режим белгиланади.

11-модда

Ҳеч ким бирор-бир шартнома мажбуриятини бажара олмайдиган аҳволда бўлгани асосидагина озодликдан маҳрум этилиши мумкин эмас.

12-модда

1. Бирор-бир давлат ҳудудида қонуний равишда бўлган ҳар бир киши ушбу ҳудуд доирасида эркин кўчиб юриш ва яшаш жойини танлаш хуқуқига эга.

2. Ҳар бир киши ҳар қандай мамлакатни, жумладан, ўз мамлакатини тарк этиш хуқуқига эга.

3. Юкорида қайд этилган хуқуклар ҳеч қандай чеклаш обьекти бўлиши мумкин эмас. Қонунда белгилangan давлат хавфсизлигини, жамоат тартибини, аҳоли саломатлиги ёки ахлоқини сақлаш учун ёки бошқаларнинг хуқуқ ва эркинли-

гини сақлаш учун ва ушбу Пактда эътироф этилган бошқа хукуклар билан мос келадиган хукуклар бундан мустасно.

4. Ҳеч ким ўз мамлакатига кириш хукукидан ўзбошимчалик билан маҳрум этилиши мумкин эмас.

13-модда

Мазкур Пактда иштирок этувчи бирор-бир давлат ҳудудида қонуний равишда турган чет эллик шахс қонунга мувофиқ ҳолда чиқарилган карор ижро этилиши билангина чиқариб юборилиши мумкин, ва агар давлат хавфсизлигига боғлиқ қатъий мулоҳазалар бошқача талаб этмаса, ўша чет эллик шахс ўзининг чиқариб юборилишига қарши далиллар тақдим этиши, бу ишни нуфузли ҳокимият томонидан маҳсус тайинланган шахс ёки шахслар қайта кўриб чиқиши ҳамда ушбу мақсадда айни ҳокимият, шахс ёки шахслар ҳузурига кириш хукукига эга.

14-модда

1. Барча шахслар судлар ва трибуналлар олдида тенгdir. Ҳар бир киши унга кўйилаётган ҳар қандай жиноий айблов кўриб чиқилаётганда ёки бирор-бир фуқаролик жараёнида унинг хукуқ ва бурчлари аниқланаётганида қонунга мувофиқ тузилган нуфузли, мустақил ва холис суд томонидан мазкур иш адолатли ҳамда очик 321 ҳолда кўриб чиқилиши хукукига эга. Демократик жамиятда ахлоқ юзасидан, жамият тартиби ёки давлат хавфсизлиги нуқтаи назаридан ёки буни томонларнинг шахсий ҳәёти манфаатлари талаб этганида ёки суд фикрига кўра бу қандайдир даражада қатъиян зарур деб топилганида, яъни омма кўз ўнгидаги бўладиган жараён судлов манфаатларига ҳалал берадиган алоҳида ҳолларда матбуот ходимлари ва омма барча мажлисларга ёки шу мажлисларнинг бир қисмига киритилмаслиги мумкин; бироқ жиноий ёки фуқаролик иши бўйича чиқарилган ҳар қандай суд қарори ошкора бўлиши керак. Балоғат ёшига етганларнинг манфаатлари бошқача талаб этганда ёки никоҳ борасидаги низоларга ёки болаларга васийлик қилишга алоқадор ишлар бундан мустасно.

2. Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар қандай киши қонунга мувофиқ айби исботланмагунча бегуноҳ деб саналиш хукукига эга.

3. Ҳар бир кишининг унга қўйилган ҳар қандай жиноий иши кўриб чиқилаётганда тўлиқ tengлик асосида қўйидаги кафолатларга эга бўлиш хукуки мавжуд:

- a) унга қўйилган айблов характери ва асослари ҳақида у тушунадиган тилда дарҳол ва батафсил хабардор этилиш;
- b) ўз ҳимоясини тайёрлаш ва ўзи танлаган оқловчи билан мулокотда бўлиш учун етарлича вақт ва имкониятларга эга бўлиш;
- c) асоссиз ҳолда тўхтатиб турилмасдан, ишининг судда кўриб чиқилиши;
- d) ўзи қатнашиб суд қилиниши ва ўзининг ўзи ёки танлаб олинган оқловчи воситасида ҳимоя қилиниши; агар оқловчиси бўлмаса, унга эга бўлиш хукуки борлиги ҳақида хабардор қилиниши;

одил суд манфаатлари талаб этган хар қандай ҳолларда унга тайинланган оқловчига эга бўлиш, ушбу оқловчига тўлаш учун етарли маблағи бўлмаган барча ҳолларда унинг учун оқловчини текинга бериш;

е) унга қарши кўрсатмалар берадётган гувоҳларни сўроқ қилиш ёки ана шу гувоҳлар сўроқ қилиниши хуқуқига эга бўлиш ва унга қарши кўрсатма берадётган гувоҳлар учун мавжуд шартларда унинг ўзи танлаган гувоҳларни терговга чақириш ва сўроқ қилиш хуқуқига эга бўлиш;

ф) агар судда қўлланилаётган тилни у тушунмаса ёки бу тилда гапира олмаса, бепул тарзда таржимон кўмагидан фойдаланиш;

ж) ўзига ўзи қарши маълумотлар беришга ёки ўзини айбдор деб тан олишга мажбур қилинмаслик.

4. Балоғатга етмаганларга нисбатан суд жараёни шундай бўлиши керакки, бунда уларнинг ёши ва уларни қайта тарбиялашга кўмаклашиш истаги инобатга олиниши лозим.

5. Бирор-бир жиноят учун судланган ҳар бир киши унинг судланиши ва ҳукм чиқарилиши юқори суд инстанцияси томонидан қонун асосида кўриб чиқилиши хуқуқига эга.

6. Агар бирор-бир шахс жинояти учун узил-кесил қарор билан судланган бўлса ва агар бирор-бир янги ёки янгидан топилган холатга асосан суд ишида хато борлиги шубҳасиз исботланиши туфайли ҳукм бекор қилинса ёки ўша шахс авф этилса, шундай судлов хатоси сабабли жазолangan шахс қонунга мувофиқ компенсация олади. Аммо юқорида қайд этилган номаълум ҳолат фақат унинг айби ёки кисман айби билан ўз вактида топилмаган бўлиши исботланиши зарур.

7. Ҳар бир мамлакатнинг қонуни ва жиноят-процессуал ҳуқуқига мувофиқ жинояти учун узил-кесил судланган ёки оқланган бирор-бир шахс ўша жинояти учун иккинчи бор судланиши ёки жазоланиши мумкин эмас.

15-модда

1. Содир этилган пайтида давлатнинг амалда бўлган ички қонунчилиги ёки халқаро қоидага кўра жиноят ҳисобланмаган бирор-бир ҳаракати ёки камчиликка йўл қўйгани учун ҳеч ким жиноят содир этганликда айбдор деб топилиши мумкин эмас. Худди шунингдек, жиноят содир этилган вақтда қўлланиши лозим бўлган жазога нисбатан оғирроқ жазо берилиши мумкин эмас. Агар жиноят содир этилганидан кейин қонун билан нисбатан енгил жазо белгиланса, ушбу қонун мазкур жиноятчига нисбатан қўлланади.

2. Мазкур моддадаги ҳеч нарса содир этилган вақтда халқаро ҳамжамиятнинг умумий принципларига кўра жиноят деб ҳисобланган ҳар қандай хатти-ҳаракат ёки камчилиги учун ҳар қандай шахсни судга беришга ва жазолашга тўсқинлик қилмайди.

16-модда

Ҳар бир киши қаерда туришидан қатъий назар, унинг субъектлик ҳуқуқи тан олиниши хуқуқига эга.

17-модда

1. Ҳеч кимнинг шахсий ва оилавий ҳаётига ўзбошимчалик ёки ноқонуний тарзда аралашиш, унинг уй-жой дахлсизлигига ёки ёзишмалари сирлари дахлсизлигига ўзбошимчалик ёки ноқонуний тарзда тажовуз қилиш ва унинг ор-номуси ва шаънига тажовуз қилиши мумкин эмас.

2. Ҳар бир инсон худди шундай аралашув ёки тажовуздан қонун орқали ҳимоя этилиш ҳуқуқига эга.

18-модда

1. Ҳар бир инсон фикр, виждан ва дин эркинлиги ҳуқуқига эга.

Ушбу ҳуқук ўз ихтиёри билан ўзига маъқул динни қабул қилиш ва эътиқод қилиш эркини, якка ҳолда, шунингдек, бошқалар билан биргаликда, ошкора ёки хусусий тартибда сифинишга бориш, диний ва бошқа урф-одатларни ва маросимни бажариш эркини ҳам ўз ичига олади.

2. Ҳеч ким ихтирий равишда ўз дини ва эътиқодига эга бўлиш ёки қабул қилиш эркини камситадиган мажбурий ҳолатга дучор этилмаслиги лозим.

3. Дин ёки эътиқодга сифиниш эркига фақат қонун билан белгиланган ва жамоат хавфсизлигини, тартибини, саломатлиги ва ахлоқини саклаш учун, шунингдек, бошқа шахсларнинг асосий ҳуқуқлари ва эркини муҳофаза этиш учун зарур бўлган чеклашлар билангина дахл қилиниши мумкин.

4. Мазкур Пактда иштирок этувчи давлатлар ота-оналарнинг ва тегишли ҳолларда қонуний васийларнинг ўз болаларини ўз шахсий эътиқодига мувофиқ диний ва ахлоқий тарбиялаш эркини ҳурмат қилиш мажбуриятини олади.

19-модда

1. Ҳар бир инсон ҳеч бир тўсиқсиз ўз фикрига собит бўлиш ҳуқуқига эга.

2. Ҳар бир инсон ўз фикрини эркин баён этиш ҳуқуқига эга; бу ҳуқук давлат чегараларидан мустақил ҳолда ёзма равишда ёки матбуот воситасида ёки ифодалашнинг бадиий шакллари ёки ўз ихтиёрига кўра бошқача усулларда турли ахборот ва ғояларни қидириш, олиш ва тарқатиш эркинлигини қамраб олади.

3. Ушбу модданинг 2-бандида назарда тутилган ҳуқуқлардан фойдаланиши алоҳида мажбуриятлар ва алоҳида масъулият юклайди. Бу тарзда фойдаланиши айрим чеклашлар билан боғлиқ, лекин бу чеклашлар қонун билан белгиланиши ва қўйидагилар учун зарур бўлиши лозим.

а) бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва обрў-эътиборини ҳурмат қилиш учун;

б) давлат хавфсизлигини, жамоат тартибини, аҳоли саломатлигини ёки ахлоқини муҳофаза этиш учун.

20-модда

1. Урушни ҳар қандай йўл билан тарғиб этиш қонун орқали таъкиқланиши керак.

2. Камситишга, адватга ёки зўравонликка ундовчи миллий, диний ёки ирқий нафрат руҳидаги ҳар қанақа харакат қонун йўли билан таъкиқланган бўлиши лозим.

21-модда

Тинч йиғинларга хуқуқлар тан олинади. Бу хуқуқдан фойдаланишда ҳеч бир чеклашга йўл қўйилмайди. Қонунга мувофиқ қўйилган ва демократик жамиятда давлат ва жамият хавфсизлиги, жамоат тартиби, аҳоли саломатлиги ва ахлоқи ёки бошқа шахслар хуқуқлари ва эркинлиги манфаатлари учун зарур бўлган чекланишлар бундан мустасно.

22-модда

1. Ҳар бир инсон бошқалар билан ассоциациялар тузиш, жумладан, касаба уюшмалар ташкил этиш эркинлигига ва ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун шундай уюшмаларга кириш хуқуқига эга.

2. Бундай хуқуклардан фойдаланиш ҳеч бир чекланмайди, қонун билан белгиланганлари ва демократик жамиятда давлат ёки жамоат хавфсизлиги, жамоат тартиби манфаатлари учун, аҳоли саломатлиги ва ахлоқини мухофаза этиш ёки бошқа шахсларнинг хуқуқ ва эркинлиги ҳимояси учун зарур бўлганлари бундан мустасно.

Ушбу модда қуролли кучлар ва полиция таркибига кирувчи шахслар учун шу хуқуқдан фойдаланишда қонуний чекланишлар киритишга халал бермайди.

3. Мазкур моддадаги ҳеч бир нарса 1948 йилги Халқаро Мехнат Ташкилоти Конвенциясида иштирок этувчи давлатларга уюшмалар озодлиги ва хуқуқини ҳимоя қилиш борасида, ушбу конвенцияда кўзда тутилган кафолатларга зарар етказиб қонунийактлар қабул қилиш ёки ушбу кафолатларга зиён етказилган ҳолда қонун қабул қилиш хуқуқини бермайди.

23-модда

1. Оила жамиятнинг асосий бўғини саналади ва жамият ҳамда давлат томонидан ҳимоя қилиниш хуқуқига эга.

2. Балоғат ёшига етган эркаклар ва аёлларнинг никоҳдан ўтишва оила қуриш хуқуқи тан олинади.

3. Никоҳдан ўтувчиларнинг эркин ва тўлиқ розилигисиз бирорта никоҳ тузилмаслиги керак.

4. Мазкур Пактда иштирок этувчи давлатлар никоҳдан ўтишда, никоҳда бўлган вақтда ва у бекор қилинаётганда эр-хотинларнинг хуқуқ ҳамда мажбуриятлари тенглигини таъминлаш учун зарур чоралар кўришлари лозим. Никоҳ бекор қилинган ҳолатда барча болалар зарур тарзда ҳимоя қилиниши ҳисобга олиниши керак.

24-модда

1. Ҳар бир бола ирқи, тана ранги, жинси, тили, дини, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, мулкий ахволи ёки туғилиши (насли)дан қатъий назар, ҳеч бир камситишиз, гўдаклиги сабабли оила, жамият ва давлат томонидан мухофаза чоралари кўрилиш хуқуқига эга.

2. Ҳар бир бола туғилгандан сўнг дархол рўйхатдан ўтказилиши ва исмига эга бўлиши керак.
3. Ҳар бир бола фуқаролик олиш хукукига эга.

25-модда

Ҳар бир фуқаро 2-моддада эслатиб ўтилган ҳеч бир камситишларсиз ва асосланмаган чеклашларсиз қўидаги хукуқ ҳамда имкониятларга эга бўлиши керак:

- а) ҳам бевосита, ҳам эркин сайланган вакиллар орқали давлат ишларини бошқариша қатнаши;
- б) ялпи ва тенг сайлов хукуки асосида, яширин овоз бериш орқали ўтказиладиган ва сайловларнинг эркин ҳолдаги хоҳиш-иродасини таъминловчи чинакам даврий сайловда овоз бериш ва сайланиш;
- с) ўз мамлакатида умумий шартларда давлат хизматига киришда тенгликка йўл қўйиши.

26-модда

Барча кишилар қонун олдида тенгдир ва ҳеч бир камситишсиз қонун орқали тенг химоя қилиниш хукукига эга. Бу борада ҳар қандай турдаги камситиш қонун орқали таъқиқлаб қўйилиши ва қонун барча шахсларга ҳеч бир камситишсиз, жумладан, ирқи, тана ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ва бошқа эътиқоди, миллый ёки ижтимоий келиб чиқиши, мулкий аҳволи, туғилиши (насаби)дан ва бошқа ҳолатидан қатъий назар, камситишга қарши тенг ва самарали муҳофазага кафолат бериши керак.

27-модда

Этник, дин ва тил жиҳатдан озчиликни ташкил этувчи шахслар гурухи мавжуд бўлган мамлакатларда, ўша шахсларга ўз гурухининг бошқа аъзолари билан биргаликда ўз маданиятидан фойдаланиш, ўз динига сифиниш ва расмруsumларини бажариш хукуки, шунингдек, она тилидан фойдаланиш хукуки рад этилиши мумкин эмас.

IV ҚИСМ

28-модда

1. Инсон хукуклари бўйича қўмита (у бундан бўён ушбу Пактда «Қўмита» деб номланади) тузилади. У ўн саккиз аъзодан иборат бўлади ва қуида кўрсатилган вазифаларни бажаради.

2. Қўмита таркибига ушбу Пактда иштирок этувчи давлатларнинг фуқароси бўлган ва юксак маънавий фазилатга эга ҳамда инсон хукуклари борасида обрўли деб эътироф этилган шахслар киради, айни пайтда адлия тажрибасига эга бўлган бир неча шахснинг қатнашуви фойдали бўлиши эътиборга олинади.

3. Қўмита аъзолари сайланади ва шахс сифатида ишлайди.

29-модда

1. Кўмита аъзолари 28-моддада назарда тутилган талабларга жавоб берувчи ва мазкур Пактда иштирок этувчи Давлатлар томонидан кўрсатилган шахслар рўйхатидан яширин овоз билан сайланади.
2. Ушбу Пактда иштирок этувчи ҳар бир давлат кўпи билан икки шахси кўрсатиши мумкин. Бу шахслар уларни кўрсатган давлатлар фуқаролари бўлиши лозим.
3. Ҳар бир шахс қайтадан кўрсатилиш хукуқига эга.

30-модда

1. Илк сайлов мазкур Пакт кучга киргандан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади.
2. Кўмитага ҳар бир сайловга кўпи билан тўрт ой қолганида (34-модда га мувофиқ бўш ўринларни тўлдириш учун эълон қилинадиган сайлов бундан мустасно) Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби мазкур Пактда қатнашувчи давлатларга уч ойлик муддатда кўмита аъзолигига номзодларни тақдим этишни сўраб ёзма равишда мурожаат килади.
3. Ушбу Пактда иштирок этувчи давлатларнинг номини кўрсатиб Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби давлатлар кўрсатилган таҳлилтда барча номзодлар рўйхатини тузиб чиқади ва сайлов ўтадиган кундан камида бир ой олдин мазкур рўйхатни ушбу Пактда иштирок этувчи давлатларга тақдим этади.
4. Кўмита аъзоларини сайлаш Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг марказий муассасаларида Бирлашган Миллатлар

Ташкилоти Бош котиби томонидан чакирилаиган мазкур Пактда қатнашувчи давлатларнинг йиғилишида ўтказилади. Бу йиғилишда ушбу Пактда иштирок этувчи давлатлар вакиллари берган овозга қараб уларнинг энг кўп овозини олган ва мутлак кўп овоз олган шахслар Кўмитага сайланган бўлади.

31-модда

1. Кўмитага бирор-бир давлатнинг бир нафардан ортиқ фуқароси кириши мумкин эмас.
2. Кўмитага сайлов пайтида аъзоларнинг жўғрофий жиҳатдан адолатли тақсимланишига ва цивилизациянинг турли шакллари ҳамда асосий адлия тизимлари вакиллигига эътибор берилади.

32-модда

1. Кўмита аъзолари тўрт йил муддатга сайланади. Уларнинг номзоди қайта кўрсатилса, улар қайтадан сайланиш хукуқига эгадир.
Бироқ биринчи сайловда сайланган аъзолардан 9 нафарининг ваколатлари муддати икки йиллик даврнинг охирида тугайди;
биринчи сайловдан сўнг дарҳол ўша 9 аъзонинг исми мажлис Раиси томонидан қуръа ташлаб аниқланади (30-модданинг 4-бандида бу тўғрида эслатилган).

Ваколатлари тугагандан сўнг сайлов ушбу Пакт мазкур қисмининг бундан илгариги муддатига мувофиқ ўтказилади.

33-модда

1. Агар бошқа аъзоларнинг яқдил фикрига кўра, Кўмита аъзоларидан бири маълум бир сабабга (вақтинча бўлмаслиги бундан мустасно) кўра ўз вазифасини бажаришни тўхтатса, Кўмита раиси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига бу ҳақда хабар қиласди, сўнг Бош котиб бу аъзо ўрнини бўш деб эълон қиласди.

2. Кўмитанинг бирор-бир аъзоси вафот этса ёки истеъфога чиқса, раис дарҳол бу тўғрида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибини хабардор қиласди. Бош котиб ўша аъзо вафот этган кундан ёки ҳақиқатан истеъфога чиқкан кундан бошлаб бу ўринни бўш (вакант) деб эълон қиласди.

34-модда

1. 33-моддага биноан бўш турган ўрин эълон қилинганда, алмаштирилиши керак бўлган аъзо ваколатлари ўша бўш ўрин эълон қилингандан сўнг орадаги олти ой мобайнида тугамаса, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби ушбу Пактда иштирок этувчи ҳар бир давлатга бу тўғрида хабар қиласди ва ўша давлат 29-моддага мувофиқ икки ой мобайнида бўш турган ўринни тўлдириш учун номзод кўрсатиши мумкин.

2. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби шу тарзда кўрсатилган шахслар рўйхатини алифбо тартибида тузиб, уни Ушбу Пактда иштирок этувчи давлатларга тақдим этади. Сўнг бўш ўринни тўлдириш учун бўладиган сайлов мазкур Пакт ушбу қисмининг тегишли қоидаларига мувофиқ ўтказилади.

3. 33-моддага биноан эълон қилинган бўш ўринни эгаллаш учун сайланган Кўмита аъзоси ушбу модда қоидаларига мувофиқ Кўмитада ўрни бўшаётган аъзонинг ваколатлари муддатининг қолган қисми мобайнида лавозимни эгаллайди.

35-модда

Кўмита аъзолари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси белгилайдиган тартибда, Кўмитадаги вазифасининг муҳимлигини ҳисобга олган холда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маблағидан Бош Ассамблея тасдиқлайдиган маош оладилар.

36-модда

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби ушбу Пактга мувофиқ Кўмита вазифасини самарали амалга ошириш учун керакли ходимлар ва моддий маблағ тақдим этади.

37-модда

1. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Марказий муассасаларида Кўмитанинг биринчи йиғинини чақиради.

2. Ўзининг биринчи йиғинидан кейин Қўмита ўз қоида-тартибида кўзда тутилган вақтда йиғилади.

3. Қўмита одатда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Марказий муасасаларида ёки Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Женевадаги бўлимида йиғилади.

38-модда

Қўмитанинг ҳар бир аъзоси ўз вазифасини бажаришга киришганда Қўмитанинг очиқ йиғилишида ўз вазифасини холис ва вижданан амалга ошириши ҳақида тантанали равишда ваъда беради.

39-модда

1. Қўмита ўз мансабдор шахсларини икки йил муддатга сайлайди. Улар қайта сайланиши мумкин.

2. Қўмита ўз шахсий қоида-тартибини белгилайди, лекин бу қоидалар, хусусан, куйидагиларни эътиборга олиши лозим:

а) Қўмитанинг ўн икки аъзоси кворумни ташкил этади;

б) Қўмита Қарорлари иштирок этувчи аъзоларнинг кўпчилик овозига асосан қабул қилинади.

40-модда

1. Ушбу Пактда иштирок этувчи давлатлар мазкур Пактда эътироф этилган хукукларни ҳаётга татбиқ этиш борасидаги тадбирлари ва бу хукуклардан фойдаланишда эришилган силжишлар ҳақида маъruzалар тақдим этади;

а) мазкур Пакт кучга киргандан сўнг бир йил оралиғида тегишли иштирокчи-давлатлар хусусида;

б) бундан сўнг Қўмита талаб қилган барча ҳолларда.

2. Барча маъruzалар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига тақдим этилади ва у ушбу маъruzаларни кўриб чиқиш учун Қўмитага юборади. Маъruzаларда, агар мавжуд бўлса, мазкур Пактни ҳаётга татбиқ этувчи омиллар кўрсатилади.

3. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Қўмия билан маслаҳатлашгандан кейин манфаатдор ихтисослаштирилган муассасаларга улар ваколатига тегишли бўлган маъруза қисмини юбориши мумкин.

4. Қўмита ушбу Пактда иштирок этувчи давлатлар тақдим этадиган маъruzalarни ўрганади. У иштирокчи-давлатларга ўз маъruzalarinи ва мақсадга мувофиқ деб хисоблайдиган фикр-мулоҳазаларини юбориб туради. Қўмита шунингдек, Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгашга мазкур Пактда иштирок этувчи давлатлардан олинган маъruzalар нусхалари билан бирга, ушбу фикр-мулоҳазаларини ҳам юбориб туриши мумкин.

5. Ушбу Пактда иштирок этувчи давлатлар Қўмитага мазкур модданинг 4-бандига мувофиқ қайд қилиниши мумкин бўлган ҳар қандай мулоҳазалар борасида ўз фикрини тақдим этиши мумкин.

41-модда

1. Мазкур моддага мувофиқ ушбу Пактда иштирок этувчи давлатлар ҳар қандай вақтда Кўмитанинг бирор-бир иштирокчи-давлат бошқа иштирокчи-давлат ушбу Пакт бўйича ўз мажбуриятларини бажармаяпти, деган маълумотини қабул қилиши ва кўриб чиқиши юзасидан ваколатини тан олишини баён этиши мумкин. Мазкур моддада назарда тутилган маълумот агар Кўмита ваколатини ўзи тан олгани ҳақида баёнот берган иштирокчи-давлат томонидан тақдим этилган ҳоллардагина қабул қилиниши ва кўриб чиқилиши мумкин. Кўмита шундай баёнот бермаган давлатга тегишли ҳеч бир маълумотни қабул қилмайди. Ушбу моддага мувофиқ қабул қилинган хабар кўйидаги тартибга биноан кўриб чиқилади:

а) агар ушбу Пактда иштирок этувчи бирор-бир давлат бошқа иштирокчи-давлат ушбу Пакт қарорларини ҳаётга татбиқ этмаяпти деб топса, ўша давлат бу масалани қайд этилган иштирокчи-давлат эътиборига ёзма тарзда етказиши мумкин. Ўша хабарни олган давлат шундай хабарни юборган давлатга уч ой мобайнинда ёзма изоҳ ёки бошқа ҳар қандай баёнот бериб мазкур масалани тушунтириб ўтади. Айни пайтда ушбу изоҳ ёки баёнотда имкон қадар ва мақсадга мувофиқлигига кўра шу масала борасида қабул қилинган, қабул қилинадиган ёки қабул қилиниши мумкин бўлган ички тартиб-коидалар ва тадбирлар кўрсатилади;

б) агар дастлабки хабарни маълум бир давлат олганидан кейин олти ой мобайнинда масала манфаатдор иштирокчи-давлатларни қониқтирадиган дараҷада ҳал этилмаган бўлса, ўша давлатлардан ҳар бири масалани Кўмитага тақдим этиш ҳуқуқига эга. У бу тўғрида Кўмитани ва бошқа аъзоларни хабардор киласади;

с) Кўмита айни ҳолда ҳалқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принципларига кўра имкониятдаги барча ички воситалар синааб кўрилди ва тугади, деб тасдиқлаганидан кейингина ўзига тақдим этилган масалани кўриб чиқади. Агар шу воситаларнинг кўлланиши асоссиз ҳолда чўзилиб кетадиган бўлса, бу қоидага амал қилинмайди;

д) Ушбу моддада назарда тутилаётган хабарлар кўриб чиқилаётганида Кўмита ёпиқ мажлис ўтказади;

е) «с» кичик банднинг қарорларига риоя қилган ҳолда Ушбу Пактда эътироф этилган инсон ҳуқуқларини ва асосий эркинликларини хурмат қилиш асосида масалаларни дўстона ҳал этиш мақсадида Кўмита манфаатдор иштирокчи-давлатларга холис хизмат кўрсатади;

ф) Кўмита кўриб чиқиши учун ўзига тақдим этилган ҳар қандай масала юзасидан «б», «с» кичик бандларида таъкидланган манфаатдор иштирокчи-давлатларга мурожаат қилиб, ишга алоқадор ҳар қандай ахборотни тақдим этишини сўраб илтимос қилиши мумкин;

ғ) «ғ» кичик бандида таъкидланган манфаатдор иштирокчи-давлатлар Кўмитада масала кўриб чиқилаётганда вакил бўлиш ва тақдимномани оғзаки ёки ёзма ҳолда бериш ҳуқуқига эга;

х) хабар олинган кундан бошлаб ўн икки ой мобайнинда Кўмита «б» кичик бандига мувофиқ қўйидаги шартлар асосида маъруза тақдим этади:

и) агар «е» кичик банди қарорлари доирасида масала ҳал этилса, Қўмита ўз маърузасида далиллар ва қандай тўхтамга келганлиги ҳақида қисқача баён этиш билан чекланади;

ж) агар «е» кичик банди қарорлари доирасида бир тўхтамга келинмаса, Қўмита далилларни қисқача баён этиш билан чекланади; манфаатдор иштирокчи-давлатларнинг ёзма таклифномалари ва оғзаки тақдимномалар баёни маъруза-га илова қилинади.

Хар бир масала бўйича маъруза манфаатдор иштирокчи-давлатлар кўригидан ўтади.

2. Мазкур модда қарорлари ушбу Пактда иштирок этувчи ўнта давлат шу модданинг 1-бандига биноан баёнот берганидан сўнгина кучга киради. Бундай Баёнот Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби хузурида иштирокчи-давлатлар томонидан сақлаш учун топширилади, Бош котиб эса уларнинг нусхаларини бошқа иштирокчи-давлатларга юборади.

Баёнот, Бош котибни хабардор қилган холда, ҳар қандай вақтда қайтариб олиниши мумкин. Бундай хатти-ҳаракат хабар предмети саналган ва мазкур моддага биноан жўнатилган ҳар қандай масаланинг кўриб чиқилишига тўсқинлик қилмайди, агар манфаатдор иштирокчи-давлат янги баёнот бермаса, Бош котиб баёнот қайтариб олингани тўғрисида хабардор бўлганидан сўнг ҳеч бир иштирокчи-давлатнинг кейинги бирор-бир хабари қабул қилинмайди.

42-модда

1. а) 41-моддага мувофиқ Қўмитага юборилган бирор-бир масала манфаатдор иштирокчи-давлатларни қониқтирадиган даражада ечилмаган бўлса, Қўмита манфаатдор иштирокчи-давлатларнинг олдиндан берган розилигига биноан маҳсус Келиштирувчи комиссия (бундан буён «Комиссия») тайинлаши мумкин. Мазкур Пакт қоидаларига риоя қилган холда масалани яхшилик билан ҳал этиш мақсадида манфаатдор иштирокчи-давлатларга Комиссия холис хизмат кўрсатади.

б) Комиссия манфаатдор иштирокчи-давлатларга мақбул беш нафар шахсдан иборат бўлади. Агар манфаатдор иштирокчи-давлатлар уч ой мобайнида Комиссиянинг тўлиқ ёки қисман таркиби борасида бир тўхтамга келолмаса, тайинланмоқчи бўлган, аммо бир тўхтамга келинмаган Комиссия аъзолари яширин овоз бериш йўли билан Қўмита аъзоларининг аксарияти, яъни учдан икки қисми овози билан сайланади.

2. Комиссия аъзолари ўз азифаларини ўз номидан бажаради.

Улар ушбу Пактда қатнашмаётган манфаатдор иштирокчи-давлатларнинг ёки 41-моддага биноан баёнот бермаган қатнашчи-давлатнинг фуқаролари бўла олмайди.

3. Комиссия ўз раисини сайлайди ва ўз шахсий тартиб-қоидаларини белгилайди.

4. Комиссия йигини одатда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Марказий муассасаларида ёки Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Женевада-

ги бўлимида ўтказилади. Аммо йигинлар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби ва тегишли иштирокчи-давлатлар билан маслаҳатлашилган ҳолда, Комиссия томонидан белгиланадиган қулай жойларда ҳам ўтказилиши мумкин.

5. 36-моддага мувофиқ тақдим этиладиган котибият шунингдек, мазкур модда асосида тайинланадиган Комиссияга хизмат кўрсатади.

6. Кўмита томонидан олинган ва ўрганилган ахборот Комиссия ихтиёрига тақдим этилади ва Комиссия ахборот ишига алоқадор ҳар қандай маълумотни тақдим этишларини сўраб манфаатдор иштирокчи-давлатларга мурожаат қилиши мумкин.

7. Комиссия масалани тўлиқ кўриб чиққанида (лекин ҳамма ҳолларда мазкур масала унга кўриб чиқиш учун берилганидан кейин энг кўпи билан 12 ойдан кечикмай), у манфаатдор иштирокчи-давлатларга юбориш учун Кўмита раисига маъруза тақдим этади:

а) агар Комиссия ўн икки ой мобайнида мазкур масалани кўриб чиқишини тугаллай олмаса, у ўз маъруzasида ўша масалани кўриб чиқиш қай аҳволда эканлигини қисқача баён этиш билан чекланади;

б) агар масала мазкур Пактда тан олинган инсон ҳукуқларига риоя этиш асосида яхшилик билан ҳал этилган бўлса, Комиссия ўз маъруzasида далиллар ва келишилган қарорларни қисқача баён этиш билан чекланади;

с) агар “б” кичик бандида таъкидланган бир тўхтамга келинмаган бўлса, Комиссия маърузаси манфаатдор иштирокчи-давлатлар ўртасидаги баҳсга алоқадор барча ашёвий далиллар борасидаги хуносалардан ва Комиссиянинг ушбу масалани яхшилик билан ҳал этиш тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларидан иборат бўлади.

Мазкур маъруза таркибига манфаатдор давлатларнинг ёзма ва оғзаки тақдимномалари киради;

д) агар Комиссия маърузаси “с” кичик бандига мувофиқ тақдим этилаётган бўлса, манфаатдор иштирокчи давлатлар ўша маърузани олганидан сўнг уч ой муддат мобайнида маъруза мазмуни мақбул ёки номақбуллиги ҳақида Кўмита раисига маълум қиласи.

8. Ушбу модданинг қарорлари 41-моддада кўрсатилган Кўмита мажбуриятларини камситмайди.

9. Манфаатдор иштирокчи-давлатлар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби тақдим этган сметага мувофиқ Комиссия аъзоларининг барча харажатларини баравар кўтарадилар.

10. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби, агар зарур бўлса, ушбу модданинг 9-бандига биноан манфаатдор иштирокчи-давлатлар Кўмита аъзоларининг харажатини қоплагунча ўша харажатларни тўлаш ҳукуқига эга.

43-модда

42-моддага мувофиқ тайинланиши мумкин бўлган Кўмита аъзолари ва маҳсус Келишириувчи Комиссия аъзолари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг имтиёзлари ва иммунитетлари ҳақидаги Конвенциянинг тегишли бўлимларида таъкидланганидек, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти хизмат

сафарига жўнатадиган эксперталар имтиёзлари, енгилликлари ва иммунитетларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

44-модда

Ушбу Пактни амалга ошириш ҳақидаги қоидалар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва ихтисослаштирилган муассасаларининг таъсис ҳужжатларида кўрсатилган ёки уларга мувофиқ бўлган инсон ҳуқуқлари борасидаги таомилларга зарар етказилмасдан кўлланади ҳамда мазкур Пактда иштирок этувчи давлатларга улар ўртасидаги умумий ва маҳсус битимларга биноан амал қилаётган низоларни ҳал этишда бошқа тартиб-қоидаларни қўллашга тўсиқ бўла олмайди.

45-модда

Кўмита Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясига Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш орқали ўз иши ҳақида йилик маъruzани тақдим этади.

V ҚИСМ

46-модда

Ушбу Пактдаги ҳеч бир нарса мазкур Пактга тегишли бўлган предметлар бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг турли органлари ва ихтисослаштирилган муассасаларининг тегишли бурч-333 ларини аниқлаб берадиган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низомининг ва ихтисослаштирилган муассасалар Низоми қарорларининг аҳамиятини пасайтиради, деб талқин қилиниши мумкин эмас.

47-модда

Ушбу Пактдаги ҳеч бир нарса барча халқларнинг ўз табиий бойликлари ва ресурсларига тўлалигича ва эркин эгалик қилиш ҳамда фойдаланиш борасидаги ажралмас ҳуқуқини камситади, деб талқин қилиниши мумкин эмас.

VI ҚИСМ

48-модда

1. Мазкур Пакт Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ёки унинг ихтисослаштирилган муассасаларининг аъзоси бўлган ҳар бир давлат томонидан, Халқаро Суд Статусининг иштирокчиси бўлган ҳар қандай давлат томонидан, ушбу Пактда қатнашиш учун Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси таклиф қилган ҳар қандай давлат томонидан имзолаш учун очиқдир.

2. Ушбу Пакт ратификация қилиниши керак. Ратификация ёрликлари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибиға сақлаш учун топширилади.

3. Ушбу Пакт мазкур мoddанинг 1-бандида кўрсатилган ҳар қандай давлатнинг қўшилиши учун очиқдир,

4. Кўшилиш ҳақидаги хужжат сақлаш учун Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига топширилгач, кўшилиш якунланади.

5. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби ушбу Пактни имзолаган ёки унга кўшилган барча давлатларни ратификация ёрлиги ёки кўшилиш тўғрисидаги хужжати сақлаш учун топширилганлиги борасида хабардор қилади.

49-модда

1. Мазкур Пакт Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига кўшилиш ҳақидаги ўттиз биринчи ратификация ёрлиги ёки хужжат сақлаш учун топширилган кундан бошлаб уч ой ўтгач кучга киради.

2. Ушбу Пактни ратификация қилган ёки унга кўшилган ҳар бир давлат учун кўшилиш ҳақидаги ўттиз бешинчи ратификация ёрлиги ёки хужжат сақлаш учун қабул қилинганидан сўнг мазкур Пакт ўша давлатнинг ўзи ратификация қилган ёрлиги ёки кўшилиш тўғрисидаги хужжат сақлаш учун топширилган кундан бошлаб уч ой ўтгач кучга киради.

50-модда

Мазкур Пакт қарорлари бирор-бир чеклашларсиз ёки олиб ташлашсиз федератив давлатларнинг ҳамма кисмларига татбиқ этилади.

51-модда

1. Ушбу Пактда иштирок этувчи ҳар қандай давлат тузатишлар таклиф этиши ва уларни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига тақдим қилиши мумкин. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби ҳар қандай таклиф этилган тузатишларни мазкур Пактда иштирок этувчи давлатларга юборади ва унга ушбу давлатлар мазкур таклифларни кўриб чиқиши ва бу борада овоз бериш мақсадида иштирокчи-давлатлар конференциясини чақиришни маъқуллашяптими ёки маъқуллашмаяптими эканлигини хабар қилишини сўраб илтимос қилади.

Агар иштирокчи давлатларнинг камида учдан бир қисми шундай конференция чақиришни маъқулласа, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳомийлигига Бош котиб бу конференцияни чақиради.

Ушбу Конференцияда иштирок этиб, овоз беришда қатнашувчи иштирокчи-давлатларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинган ҳар қандай тузатиш Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясига тасдиқлатиш учун тақдим этилади.

2. Тузатишлар уларни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси тасдиқлагандан сўнг ушбу Пактда иштирок этувчи давлатларнинг учдан бир қисми қабул қилиши билан мазкур давлатлар Конституцияси тартиб-коидаларига асосан кучга киради.

3. Тузатишлар кучга кирган пайтдан бошлаб, уни қабул қилган иштирокчи-давлатлар учун мажбурий бўлиб колади, бошқа иштирокчи-давлатлар учун эса мазкур Пакт қарорлари ва улар илгари қабул қилган ҳар қандай тузатишларни бажариш мажбурий бўлади.

52-модда

46-модданинг 5-бандига мувофиқ қилинадиган билдиришлардан қатъий назар, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби ўша модданинг 1-бандида таъкидланган барча давлатларни куйидагилар хусусида хабардор киласи:

- a) 48-моддага мувофиқ имзолаш, ратификация килиш ва қўшилиш хақида;
- b) 48-моддага мувофиқ ушбу Пактнинг кучга кириш санаси ва 51-моддага мувофиқ ҳар қандай тузатишларнинг кучга кириш санаси хақида.

53-модда

1. Ушбу Пакт инглиз, испан, хитой, рус ва француз тилларида тузилган ва барчаси тенг кучга эга ҳамда улар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти архивига сақлаш учун топширилиши керак.

2. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби мазкур Пактнинг тасдиқланган нусхаларини 48-моддада кўрсатилган барча давлатларга жўнатади.

ИҚТИСОДИЙ, ИЖТИМОЙ ВА МАДАНИЙ ҲУҚУҚЛАР ТҮФРИСИДАГИ ХАЛҚАРО ПАКТ

*Бош Ассамблеяning 1966 йил 16 декабрдаги 2200 A(XXI)-резолюцияси
билин имзолаши, ратификация қилиши ва қўшилиши учун қабул қилинган
ва очилган. 1976 йил 3 январдан кучга кирган.*

Ушбу Пактда иштирок этувчи давлатлар, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низомида эълон қилинган принципларга мувофиқ, инсоният оиласининг ҳамма аъзоларига хос бўлган қадр-киммат ҳамда тенг ва бузилмас ҳуқуқларини тан олиш принциплари озодлик, адолат ва ялпи тинчликнинг негизи эканлигини эътиборга олиб, ушбу ҳуқуқлар инсон шахсига хос қадр-кимматдан келиб чиқишини эътироф этиб, Инсон ҳуқуқлари умумжоҳон декларациясига мувофиқ кўркув ва муҳтожлиқдан ҳоли бўлган озод инсон шахсининг идеали ҳар бир киши ўз фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқларидан, шунингдек, ўз иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларидан фойдаланиши мумкин бўлган шароит яратилганда гина рўёбга чиқишини эътироф этиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низомига кўра давлатлар инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига умумриоя этиши ҳамда хурмат қилишини рағбатлантириши шарт эканлигини эътиборга олиб, ҳар бир алоҳида инсон бошқа одамлар ва ўзи мансуб жамоага нисбатан мажбурияти бўлгани ҳолда мазкур Пактда тан олинаётган ҳуқуқларни рағбатлантириш ва уларга риоя этишга эришиши лозимлигини эътиборга олиб, қуидаги моддалар борасида келишиб олдилар:

I ҚИСМ

1-модда

1. Барча халқлар ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига эгадир. Ушбу ҳуқуқ орқали улар ўз сиёсий мақомини ва ўз иқтисодий, ижтимоий ва маданий тараққиётини эркин ҳолда таъминлайди.
2. Барча халқлар ўз мақсадларига эришмок учун ўз табиий бойликлари ва ресурсларига эгалик қиласди, бунда ўзаро фойда принципига асосланган халқаро иқтисодий ҳамкорлик ва халқаро ҳуқуқдан келиб чиқадиган бирор-бир мажбуриятга зарар етмаслиги лозим.

Ҳеч бир халқ ўзига тегишли бўлган тирикчилик воситаларидан ҳеч қачон маҳрум қилинмаслиги шарт.

3. Ушбу Пактда иштирок этувчи барча давлатлар, шу жумладан, ўз-ўзини бошқара олмаётган ва васий бўлган ҳудудларни бошқариш учун жавоб берувчи давлатлар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низоми қоидаларига мувофиқ ўз тақдирини ўзи белгилаш хукуқини амалга оширишни рағбатлантиришлари ва бу хукукни хурмат қилишлари лозим.

II ҚИСМ

2-модда

1. Ушбу Пактда қатнашувчи ҳар бир давлат якка тартибда ва ҳалқаро ёрдам ва ҳамкорлик тартибда, жумладан, иқтисод ва техника соҳаларида мазкур Пактда эътироф этилган хукуқларнинг аста-секин тўлиқ рўёбга чиқишини таъминлаш учун барча зарур усуслар билан, жумладан, қонуний чоралар кўриш орқали мавжуд ресурсларнинг иложи борича кенг доирасида тадбирлар кўриш мажбуриятини олади.

2. Ушбу Пактда қатнашувчи давлатлар мазкур Пактда эълон қилинган хукуқларни бирор-бир камситишиз, яъни ирқи, тана ранги, жинси, дини, сиёсий ёки бошқа эътиқодидан, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, мулкий аҳволи, насленасаби ёки бошқа ҳолатлардан қатъий назар, кафолатлаш мажбуриятини оладилар.

3. Ривожланаётган мамлакатлар инсон хукуқлари ва ўз ҳалқи хўжалигини зарур тарзда ҳисобга олган ҳолда ўз мамлакатлари фуқаролари бўлмаган шахсларга мазкур Пактда эътироф этилаётган иқтисодий хукуқлар учун қай даражада кафолат беришларини ўzlари белгилашлари мумкин.

3-модда

Ушбу Пактда иштирок этувчи давлатлар мазкур Пактда кўриб чиқилган ҳамма иқтисодий, ижтимоий ва маданий хукуқлардан фойдаланишда эркаклар ва аёлларга teng хукук бериш мажбуриятини оладилар.

4-модда

Ушбу Пактда иштирок этувчи давлатлар мазкур Пактга кўра бирор-бир давлат хукуқлардан фойдаланиш борасида шундай чеклашларни белгилаши мумкинligини, бу қонунда акс этиб, ўша чеклашлар қайд этилган хукуқлар табиатига уйғун бўлишини ҳамда у демократик жамиятда умумий фаровонликка кўмаклашиш мақсадидагина бўлиши лозимligини эътироф этадилар.

5-модда

1. Мазкур Пактдаги бирор-бир нарса бирорта давлат, бирорта гурух ёки бирорта шахс ушбу Пактда эътироф этилган ҳар қандай хукуқ ва эркинликни йўқ қилишга қаратилган ёки шу Пактда таъкидланганидан кўра кўпроқ чеклашга қаратилган фаолият билан шуғулланиш ёки қандайдир хатти-ҳаракат содир этиш хукуқига эга, деган мазмунда талқин этилиши мумкин эмас.

2. Ушбу Пактда иштирок этаётган бирор бир давлатда қонун, конвенция, қоида ёки урф-одат тариқасида тан олинган ёки мавжуд бўлган инсоннинг асо-

сий хукуқлари ушбу Пактда тан олинмайды ёки кам миқдорда тан олинади, деган баҳонада бу хукуқлар чекланиши ёки писанд этилмаслигига йўл қўйилмайди.

III ҚИСМ

6-модда

1. Ушбу Пактда иштирок этувчи давлатлар ҳар бир инсоннинг ишлаб маблағ топиш имкониятини қамраб оладиган меҳнат қилиш хукукини тан олади. Меҳнат турини ҳар бир одам эркин ҳолда танлайди ёки эркин ҳолда рози бўлади. Шу Пакт иштирокчиси бўлган давлатлар эса фуқароларни мазкур хукуқ билан таъминлаш учун зарур чоралар кўради.

2. Ушбу Пактда иштирок этувчи давлатлар мазкур хукукни тўлиқ амалга ошириш мақсадида кўриш керак бўлган тадбирларга ҳунар-техника таълими ва тайёргарлик дастури, инсоннинг асосий сиёсий ва иқтисодий эркинликларига кафолат берувчи шароитларда узлуксиз ҳолда иқтисодий, ижтимоий ва маданий тараққиётга одамларнинг ишлаб чиқаришда тўлиқ банд бўлишига эришиш усули ва йўллари киради.

7-модда

Ушбу Пактда иштирок этувчи давлатлар ҳар бир кишининг адолатли ва қулай шарт-шароитга эга бўлган меҳнат қилиш хукукини, жумладан қўидагиларни тан олади:

- а) барча меҳнаткашларга камида қўидагиларни таъминлайдиган ҳақ;
- и) тенг қийматга эга меҳнат учун ҳеч бир тафовутсиз адолатли иш ҳақи ва тенг даромад, айни пайтда жумладан, аёлларга эркакларнидан кам бўлмаган меҳнат шароитига кафолат берилиши ҳамда тенг меҳнат учун тенг ҳақ тўланиши керак;
- ii) мазкур Пактнинг қарорларига мувофиқ улар ва уларнинг оиласлари учун қониқарли бўлган турмуш;
- б) хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берувчи иш шароити;
- с) меҳнат стажи ва малака асосидагина ишда тегишли янада юқорироқ мансабларга кўтарилиш учун бир хил имконият;
- д) дам олиш, бўш вақт имкониятининг бўлиши ва оқилона чекланган иш вақти ҳамда ҳақ тўланадиган таътил, шунингдек, байрам кунлари учун ҳақ.

8-модда

Ушбу Пактда иштирок этувчи давлатлар қўидагиларни таъминлаш мажбуриятини оладилар:

а) ҳар бир инсоннинг ўз иқтисодий ва ижтимоий манфаатларини амалга ошириш ва химоялаш учун касаба уюшмалари ташкил этиш ва ўз ихтиёри билан ана шу уюшмаларга кириш хукуки. Бунинг учун тегишли ташкилот қоидаларига риоя қилиш шарт. Кўрсатиб ўтилган хукуқдан фойдаланишга ҳеч бир чекланниш қўйилмайди, қонунда кўзда тутилган ва демократик жамиятда давлат хавфсизлиги ёки жамоат тартиби манфаатлари йўлидаги, ёки бошқаларнинг хукуқ

ва эркинлигини мухофаза этишдаги хукуклар бундан мустасно;

б) касаба уюшмаларининг миллий федерация ёки конфедерация тузиш хукуки ва миллий федерация, конфедерацияларнинг халкаро касаба уюшмалари тузиш ёки шу каби уюшмаларга бирлашиш хукуки;

с) касаба уюшмаларининг ҳеч бир тўсиқсиз, чеклашларсиз фаолият юриши хукуки, конунда кўзда тутилган ва демократик жамиятда давлат хавфсизлиги ёки жамоат тартиби манфаати ёки бошқаларнинг хукуқ ва эркинлигини мухофаза этиш учун зарур бўлган хукуклари бундан мустасно;

д) ҳар бир мамлакатнинг қонунларига мувофиқ амалга ошириладиган иш ташлаш хукуки.

2. Ушбу модда куролли кучлар, полиция ёки давлат маъмурияти таркибида шахслар учун мазкур хукуклардан фойдаланишда қонуний чеклаш киритилишига тўскинлик қилмайди.

3. Ушбу моддадаги ҳеч нарса 1948 йилги Халкаро меҳнат ташкилотининг конвенциясида иштирок этувчи давлатларга уюшмалар эркинлиги ва ташкилотлар тузиш хукукини химоя қилиш кўрсатилган конвенцияда назарда тутилган кафолатларга зиён етказган холда қонуний актлар қабул қилиш ёки ушбу кафолатларга зиён етказадиган қонунни қўллаш хукукини бермайди.

9-модда

Ушбу Пактда иштирок этувчи давлатлар ҳар бир инсоннинг ижтимоий таъминланиш, жумладан, ижтимоий сугурта хукукини эътироф этади.

10-модда

Ушбу Пактда иштирок этувчи давлатлар кўйидагиларни тан олади:

1. Жамиятнинг табиий ва асосий хужайраси хисобланмиш оиласа имкони борича кенг кўламда ёрдам берилиши ва мухофаза этилиши зарур. Айниқса, у шаклланаётган даврда бундай кўмак зарур, чунки мустакил бўлмаган болалар ва улар тарбияси борасидаги ғамхўрлик ҳозирча оила зиммасига тушмоқда, никоҳ никоҳдан ўтаётганларнинг эркин розилигига кўра тузилмоғи лозим.

2. Бола туғилишидан олдин ва ундан кейинги даврда оналарга алоҳида эътибор берилиши лозим. Бу давр мобайнода ишловчи оналарга ҳақ тўланадиган таътил ёки ижтимоий таъминот бўйича етарли нафақа билан таътил берилиши керак.

3. Барча болалар ва ўсмирларга ҳеч бир камситишсиз, оиласи келиб чиқиши ёки бошқа белгиларидан қатъий назар, алоҳида химоя чоралари ва ёрдам кўрсатилиши шарт. Болалар ва ўсмирлар иктисодий ва ижтимоий эксплуатациядан химояланган бўлиши керак. Уларнинг меҳнатини ахлоқи ва саломатлиги учун зарарли бўлган ёки ҳаёт учун хавфли соҳаларда, ёки уларнинг нормал ўсиши учун зарар келтириши мумкин бўлган соҳаларда қўллаш қонун билан жазоланиши керак. Бундан ташқари, давлат шундай ёш чегарасини белгилаб қўйиши керакки, шу чегарадан қуий ёшдаги болалар меҳнатидан фойдаланиш таъкидланиши ва қонун билан жазоланиши лозим.

11-модда

1. Ушбу Пактда иштирок этувчи давлатлар ҳар бир киши ўзи ва оиласи учун етарлича озиқ-овқат, кийим-кечак ва уй-жой ҳамда турмуш шароити тўхтовсиз яхшиланиб боришини ўз ичига оладиган етарли турмуш даражаси бўлиш хукукини эътироф этади. Мазкур иштирокчи-давлатлар ушбу хукуқлар амалга оширилишини таъминлаш учун зарур чораларни кўради, айни пайтда эркин келишувга асосланган халқаро ҳамкорликнинг бу борадаги муҳим аҳамиятини эътироф этади.

2. Мазкур Пактда иштирок этувчи давлатлар ҳар бир кишининг очликдан ҳоли бўлишдек асосий хукукини тан олган ҳолда, қуйидаги вазифаларни амалга ошириш учун аниқ дастурларни ўтказишни қамраб оладиган зарур чораларни кўришлари керак:

а) техник ва илмий билимлардан кенг кўламда фойдаланиш, ов-қатланиш тамойиллари тўғрисидаги билимларни ёйиш, табиий ресурслардан янада самарали фойдаланиш ва ўзлаштириш учун агарар тизимни такомиллаштириш ёки ислоҳ қилиш йўли билан озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, сақлаш ва тақсимлаш услугубарини яхшилаш; ва

б) эҳтиёжга мувофиқ ва озиқ-овқат маҳсулотларини импорт ёки экспорт қилувчи мамлакатларнинг муаммоларини ҳисобга олган ҳолда, жаҳондаги озиқ-овқат захираларининг адолатли тақсимланишини таъминлаш.

12-модда

1. Мазкур Пактда иштирок этувчи давлатлар ҳар бир кишининг жисмоний ва руҳий саломатлик жиҳатдан олий даражага етиши хукукини эътироф этади.

2. Ушбу Пактда иштирок этувчи давлатлар кўриши керак бўлган чоралар қуйидаги ишлар учун зарур тадбирларни ўз ичига олади:

а) ўлик гўдаклар туғилишини ва болалар ўлимини қисқартириш ҳамда болаларнинг соғлом ривожланишини таъминлаш;

б) ташқи мухитнинг ҳамма жиҳатларини ва саноатда меҳнат гигиенасини яхшилаш;

с) юкумли, эндемик, касбий ва бошқа касалликлар олдини олиш, даволаш ҳамда уларга қарши курашиш;

д) касал бўлган ҳолларда ҳаммага тиббий ёрдам кўўрсатиш ва тиббий парвариши таъминлайдиган шароит яратиш.

13-модда

1. Ушбу Пактда иштирок этувчи давлатлар ҳар бир кишининг таълим олиш хукукини эътироф этади. Улар таълим инсон шахсининг тўлиқ ривожланиши ва унинг қадр-қимматини англашига қаратилган бўлиши лозим, инсон хукуқлари ва асосий эркинликларини хурмат қилишни мустаҳкамлаш зарур, деган фикрга келади. Шунингдек, таълим барчага эркин жамиятнинг фойдали аъзолари бўлишга имкон яратиши, барча ирқий, этник ва диний гурухлар ўтрасидаги дўстликка, хайриҳоҳликка ва сабр-тоқатли бўлишга ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тинчликни сақлаш борасидаги ишига

кўмаклашиши лозим, деган фикрга келади.

2. Мазкур Пактда иштирок этувчи давлатлар ушбу хукуқларнинг тўлиқ амалга оширилиши учун қуйидаги ишларни амалда бажариш кераклигини эътироф этади:

а) бошлангич таълим ҳамма учун мажбурий ва текин бўлиши керак;

б) ўрта таълимнинг барча шакллари, жумладан, хунар-техника ўрта таълими очик бўлиши ва барча зарур чоралар кўрилиб, хусусан, аста-секин пулсиз таълим олишни жорий этиши йўли билан барчанинг имкони етадиган даражага эришиш лозим;

с) ҳар бир инсоннинг қобилиятини хисобга олган ҳолда барча зарур чораларни кўриш, хусусан, аста-секин бепул таълим олишни жорий этиши йўли билан олий таълим олиш ҳамма учун имкон етадиган даражада бўлишига эришиш керак;

д) оддий таълим, бошлангич таълимнинг тўлиқ курсини ўтмаган ёки тугалламаган кишилар учун имкон борича рағбатлантирилиши ёки жадаллаштирилиши лозим;

е) барча даражадаги мактаблар тармоқлари фаол ривожлантирилиши, стипендияларнинг қониқарли тизими белгиланиши ва ўқитувчиларнинг моддий ахволи доимий равишда яхшиланиб бориши керак.

3. Ушбу Пактда иштирок этувчи давлатлар ота-оналарнинг ва тегишли ҳолларда қонуний васийларнинг ўз фарзандлари учун давлат ҳокимияти таъсис этган мактабларнингина эмас, таълим олиш учун давлат томонидан белгиланиши ёки тасдиқланиши мумкин бўлган энг кам талабга жавоб берувчи мактабларни ҳам танлаб олиш эркини хурмат қилиш мажбуриятини олади. Ота-оналар ёки қонуний васийларнинг бу эркига ўз шахсий эътиқодига кўра фарзандларини диний ва ахлоқий таълим билан таъминлашлари ҳам киради.

4. Мазкур модданинг ҳеч бир қисми айрим шахслар ва муассасаларнинг ушбу модданинг биринчи бандида баён қилинган тамойилларга оғишмай риоя этиб ва ушбу муассасалarda берилаётган таълим давлат томонидан белгилаб қўйилиши мумкин бўлган энг кам талабларга жавоб беришига риоя қилиб ўқув юртлари очиш борасидаги эркинлигини камситади, деган мазмунда талқин қилинмаслиги керак.

14-модда

Ушбу Пакт иштирокчилари қаторига киришгача бўлган вақтга қадар ўз метрополиясида ёки юрисдикциясида текин мажбурий бошлангич таълимни жорий эта олмаган мазкур Пакт аъзоси бўлган ҳар бир давлат икки йил ичida текин мажбурий таълим тамойилини амалга ошириш учун муфассал тадбирлар режасини ишлаб чикиш мажбуриятини олади. Ушбу режани ҳаётга татбик этишнинг оқилона муддати ўша режада кўрсатилади.

15-модда

1. Мазкур Пактда иштирок этаётган давлатлар ҳар бир инсоннинг қуйидаги хукуқларини эътироф этади:

а) маданий ҳаётда иштирок этиши;

б) илмий тараққиёт ва уни амалда қўллаш натижаларидан фойдаланиш;

с) ўзи муаллиф бўлган ҳар қандай илмий, адабий ёки бадиий меҳнат билан боғлиқ ҳолда юзага келувчи моддий ва маънавий манфаатлар химоясидан фойдаланиш.

2. Ушбу хуқуқларни тўла амалга ошириш учун мазкур Пактда иштирок этаётган давлатлар қабул қилиши керак бўлган тадбирлар фан ва маданият ютуқларини ҳимоялаш, ривожлантириш ва ёйиш учун зарур бўлгандарини камраб олади.

3. Ушбу Пактда иштирок этувчи давлатлар илмий-тадқиқот ва ижодий фаолият учун сўзсиз зарур бўлган эркинликни ҳурмат қилиш мажбуриятини олади.

4. Мазкур Пактда иштирок этувчи давлатлар илмий ва маданий соҳаларда халқаро алоқаларни рағбатлантириш ва ривожлантириш орқасидан келадиган нафни тан олади.

IV ҚИСМ

16-модда

1. Мазкур Пактда иштирок этувчи давлатлар ушбу Пактнинг шу қисмига мувофиқ, мазкур Пактда тан олинган хуқуқларга риоя этишига эришиш борасида кўрилаётган тадбирлар ҳамда силжишлар ҳақида маъruzalар тақдим этиши мажбуриятини олади.

2. а) Барча маъruzalар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига тақдим этилади, у эса кўриб чиқиши учун мазкур Пакт қоидаларига мувофиқ Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгашга маъruzalarning нусхасини юборади;

б) Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби мазкур Пактда иштирок этувчи давлатларнинг маъruzalariни ёки маъruzalarning тегишли қисмини ушбу давлатлар аъзо бўлган муассасаларга юборади, чунки ана шу маъruzalар ёки маъruzalarning қисмлари конституцион актларга мувофиқ ўша муассасаларнинг вазифаси доирасига кирадиган барча масалаларга алоқадордир.

17-модда

1. Ушбу Пактда иштирок этувчи давлатлар Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш томонидан мазкур Пакт кучга киргандан сўнг бир йил мобайнида иштирокчи давлатлар ва ихтисослашган манфаатдор муассасалар билан маслаҳатлашиб берилган дастурга мувофиқ босқичма-босқич ўз маъruzalariни тақдим этади.

2. Мавзуларда ушбу Пакт бўйича мажбурияtlar бажарилиши даражасига таъсир этувчи омиллар ва кийинчиликлар кўрсатилиши мумкин.

3. Агар тегишли маълумот ушбу Пактда иштирок этувчи бирор-бир давлат томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилотига ёки бирор-бир ихтисослаштирилган муассасага илгарироқ ҳабар қилинган бўлса, бу маълумотларни қайта баён этишига ҳожат йўқ ва шу тахлитда ҳабардор этилган маълумотларга аниқ таяниш етарли бўлади.

18-модда

Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низомига кўра инсон ҳуқуқлари ҳамда асосий эркинликлари борасидаги бурчла-

рини бажариш учун ихтисослаштирилган муассасалар билан ушбу муассасалар фаолиятига алоқадор бўлган ушбу Пакт қарорларига риоя этилишига эришиш йўлида қанчалик силжишлар бўлгани ҳақида маъruzalар тақдим этиш борасида келишиб олиши мумкин. Бу маъruzalар шу тахлитда амалга ошириш тўғрисида ихтисослаштирилган муассасалар обўюли органлари қабул килаётган қарор ва тавсияномаларнинг тафсилотларини ҳам ўз ичига олиши мумкин.

19-модда

Иктиносий ва Ижтимоий Кенгаш Инсон ҳукуқлари бўйича комиссияга кўриб чиқиш ва умумий тавсиялар бериш учун ёки тегишли холларда инсон ҳукуқларига алоқадор масалалар борасида маълумот учун 16–17-моддаларга биноан давлатлар тақдим этаётган маъruzalarni ахборот учун бериши, шунингдек, 18-моддага мувофиқ ихтисослашган муассасалар тақдим этган инсон ҳукуқларига алоқадор маъruzalар бериши мумкин.

20-модда

Мазкур Пактда иштирок этувчи манфаатдор давлатлар ва ихтисослаштирилган муассасалар Иктиносий ва Ижтимоий Кенгашга 19-моддага мувофиқ ҳар қандай умумий тавсиянома борасида ёки Инсон ҳукуқлари бўйича комиссиянинг ҳар қандай маъruzasидаги ана шундай умумий тавсияномага таяниш хусусида ёки ўша жойда таянилаётган ҳар қандай ҳужжат борасида мулоҳаза тақдим этиши мумкин.

21-модда

Иктиносий ва Ижтимоий Кенгаш вақти-вақти билан Бош Ассамблеяга ушбу Пактда тан олинаётган ҳукуқларга ялпи риоя этилишини таъминлаш борасида қабул қилинган чоралар ва эришилган натижалар тўғрисида мазкур Пактда иштирок этувчи давлатлар ҳамда ихтисослаштирилган муассасалардан оли-надиган маълумотларнинг қисқача баёни ва умумий тусдаги тавсияномалар билан маъruzalар тақдим этиши мумкин.

22-модда

Иктиносий ва Ижтимоий Кенгаш Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бошқа органлари уларнинг ёрдамчи органлари ва техник ёрдам кўрсатиш билан шуғулланувчи ихтисослаштирилган муассасаларнинг диккат-эътиборини мазкур Пактнинг ушбу қисмида эслатилаётган маъruzalар туфайли юзага келаётган ҳар қандай масалаларга қаратиши мумкин, зеро, бу ҳол ана шу органлар томонидан ваколатлари доирасида ушбу Пактни аста-секин амалга оширишга кўмаклашиш мумкин бўлган халқаро тадбирларнинг қанчалик мақсадга мувофиқлиги борасида қарорлар чиқаришида фойдали бўлиши мумкин.

23-модда

Мазкур Пактда иштирок этувчи давлатлар конвенциялар тузиш, тавсияномалар қабул қилиш, маслаҳат мақсадида минтақавий ва техник кенгаш

ұтказиш, шунингдек, манфаатдор хукуматлар билан хамкорликда ташкилий тадқиқотлар олиб бориши ушбу Пактда эътироф этилаётган хуқуқларни амалга оширишга ёрдам берувчи халқаро тадбирлар категорига киради, деб келишадилар.

24-модда

Ушбу Пактдаги ҳеч бир нарса Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг турли органлари ва ихтисослаштирилган муассасаларнинг мазкур Пактга дахлдор масалалари борасидаги тегишли мажбуриятларини белгилайдиган БМТ Низоми қарорлари ва ихтисослаштирилган муассасаларнинг низоми аҳамиятини камситиши, деб талқин қилинмаслиги керак.

25-модда

Мазкур Пактдаги ҳеч бир нарса барча халқларнинг ўз табиий бойликлари ва ресурсларига эркин эгалик қилиш ҳамда фойдаланишдек ажralmas хуқуқини камситади, деб талқин қилиниши мумкин эмас.

V ҚИСМ

26-модда

1. Ушбу Пакт Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлган ёки БМТнинг ихтисослаштирилган муассасаларига аъзо бўлган, Халқаро Суд Статути иштирокчиси бўлган ёки мазкур Пактда иштирок этиш учун БМТ Бош Ассамблеяси томонидан таклиф этилган ҳар қандай бошқа давлат имзолаши учун очик.

2. Ушбу Пакт ратификация қилиниши керак. Ратификация қилинган ёрликлар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига сақлаш учун топширилади.

3. Ушбу Пакт мазкур модданинг 1-бандида кўрсатилган ҳар қандай давлат кўшилиши учун очиқdir.

4. Кўшилиш Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига кўшилиш ҳақидаги хужжат сақлаш учун топширилгач амалга оширилади.

5. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби мазкур Пактни имзолаган ёки унга кўшилган давлатларни ратификация қилинган ёрликлар ёки кўшилиш ҳақидаги хужжатлар сақлаш учун топширилиши тўғрисида хабардор килади, мазкур Пакт унинг ўз ратификация ёрлиғи ёки кўшилиш ҳақидаги хужжати сақлаш учун қабул қилингандан уч ой ўтгач кучга киради.

27-модда

1. Мазкур Пакт Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига ўттиз бешинчи ратификация қилинган ёрлик ёки кўшилиш ҳақидаги хужжат сақлаш учун берилган кундан бошлаб уч ой ўтгач кучга киради.

2. Ушбу Пактни ратификация қилган ёки унга кўшилган ҳар бир давлат учун ўттиз бешинчи ратификация қилинган ёрлик ёки кўшилиш ҳақида хужжат

сақлаш учун берилгандан сўнг, ўша давлатнинг ўз ратификация қилинган ёрлиги ёки қўшилиш ҳақидағи хужжати сақлаш учун берилган кундан бошлаб уч ой ўтгач, мазкур Пакт кучга киради.

28-модда

Ушбу Пакт қарорлари федератив давлатларнинг ҳамма қисмiga ҳеч бир чеклашларсиз ёки олиб ташлашларсиз жорий этилади.

29-модда

1. Ушбу Пактда иштирок этувчи ҳар бир давлат тузатишлар таклиф этиши ва уни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига тақдим этиши мумкин. Бош котиб таклиф этилган ҳар қандай ўзгартиришларни мазкур Пактда иштирок этувчи давлатларга жўнатади ва улардан ушбу таклифларни кўриб чиқиши ҳамда овозга қўйиш мақсадида конференция чакириш ҳақидағи фикрини билдиришни илтимос қиласи. Агар иштирокчи-давлатларнинг камидан бири шундай конференцияни маъкуллаб фикр билдириса, БМТ Бош котиби Бирлашган Миллатлар Ташкилоти раҳбарлигига ушбу конференцияни чакиради. Мазкур конференцияда иштирок этувчи ва овоз беришда қатнашувчи иштирокчи-давлатларнинг қўпчилиги томонидан қабул қилинган ҳар қандай тузатиш Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясига тасдиқлаш учун тақдим этилади.

2. Тузатишлар уларни БМТ Бош Ассамблеяси тасдиқлагач ва Ушбу Пактда иштирок этувчи давлатларнинг учдан икки қисми томонидан уларнинг конституция тартибига мувофиқ қабул қилингач кучга киради.

3. Тузатишлар кучга киргач, уни қабул этган иштирокчи-давлатлар учун мажбурий бўлади, бошқа иштирокчи-давлатлар учун эса мазкур Пактнинг улар томонидан қабул қилинган қарорлари ва барча илгариги тузатишлар мажбурий бўлиб қолади.

30-модда

26-модданинг 5-бандига мувофиқ юбориладиган билдиришлардан қатъий назар, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби модданинг 1-бандида қайд этилган давлатларни қўйидагилардан хабардор этади:

- а) 26-моддага биноан имзолашлар, ратификациялар ва қўшилишлар;
- б) 27-моддага мувофиқ мазкур Пактнинг кучга кириш санаси ва 29-моддага мувофиқ ҳар қандай тузатишларнинг кучга кириш санаси.

31-модда

1. Мазкур Пакт инглиз, испан, хитой, рус ва француз тилларида тузилган бўлиб, ҳамма матнлар teng кучга эга, у Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг архивига сақлаш учун топширилиши керак.

2. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби 26-моддада кўрсатилган барча давлатларга ушбу Пактнинг тасдиқланган нусхаларини юборади.

ФУҚАРОЛИК ВА СИЁСИЙ ХУҚУҚЛАР ТҮҒРИСИДАГИ ХАЛҚАРО ПАКТГА 1-ФАКУЛЬТАТИВ ПРОТОКОЛ

*Боши Ассамблеяның 1966 йыл 16 декабрданын
2200 A(XXI)-резолюцияси билан имзолаш,
ратификация қилиши ва құшилиши учун қабул қилингандын
ва очилған. 1976 йыл 23 марта күнгө кирған.*

Мазкур Протоколда иштирок этувчи барча давлатлар,

Фуқаролик ва иёсий хуқуқлар түғрисидаги пакт (бундан буён «Пакт» деб юритилади) мақсадларига бундан кейин ҳам әришиш учун ва унинг қарорларини амалга ошириш учун Пактнинг IV қисми асосида таъсис этилувчи Инсон хуқуқлари бўйича қўмитага (бундан буён «Қўмита» деб юритилади) мазкур протоколда таъкидланганидек, ушбу Пактда ифодаланган хуқуқларимиз бузилиб жабрланаяпмиз, дея таъкидлаётган айрим шахсларнинг хабарларини қабул қилиш ва кўриб чиқиш имкониятини бериш мақсадга мувофиқлигини эътиборга олиб, қуидагилар борасида келишдилар:

1-модда

Мазкур Протокол иштирокчиси бўладиган, Пактнинг иштирокчиси бўлмиш давлат Қўмитанинг юрисдикциясига кирадиган шахслардан хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш ваколатини эътироф этади, қайд этилган шахслар эса Пактда баён қилингандан бири иштирок этувчи давлат томонидан бузилиб, биз шунинг жабрланувчисимиз дея тасдиқлайди. Қўмита Пакт иштирокчиси саналган, лекин ушбу Протокол қатнашчиси бўлмаган давлатга алоқадор бўлган ҳеч бир хабарни қабул қилмайди.

2-модда

1-модда коидаларига риоя қилингандан ҳолларда, Пактда қайд этилган хуқуқлардан бирортаси бузилган ва хуқуқий муҳофазанинг мавжуд бўлган барча ички воситаларидан фойдаланиб бўлинди, деб уқтираётган шахслар Қўмита кўриб чиқиши учун ёзма равишда хабар тақдим этиши мумкин.

3-модда

Қўмита мазкур Протоколга мувофиқ тақдим этилган ҳар қандай хабарни, агар у имзосиз бўлса, ёки Қўмита фикрига кўра, шу каби хабарларни тақдим

етиш хукуқини сүиистеъмол қилиш деб саналса ёки Пакт қоидаларига қарама-қарши деб топилса, номақбул деб ҳисоблаши мумкин.

4-модда

1. 3-модда қоидаларига риоя этилган ҳолларда ушбу Протоколга мувофиқ Қўмита ўзига тақдим этилган ҳар қандай хабарни мазкур Протоколда иштирок этувчи ва тасдиқлаётганидек Пактнинг бирорта қоидасини бузувчи давлат эътиборига ўша хабарни етказади.

2. Бундай хабарни олган давлат олти ой мобайнода бу масалани аниқлаштирувчи бирор-бир чоралар кўрилган бўлса, Қўмитага шу тўғрида ёзма тушунириш ёки баёнот тақдим қиласди.

5-модда

1. Қўмита алоҳида шахс томонидан ва манфаатдор иштирокчи-давлат томонидан тақдим этилган барча ёзма хужжатларни эътиборга олган ҳолда, ушбу Протоколга биноан олинган хабарларни кўриб чиқади.

2. Қўмита кўйидагилар хусусида тасдиқ олингунча қўйидаги хабарларни кўриб чиқмайди:

а) айни шу масала бошқа ҳалқаро мухокама ёки тартибга солиш тартиб-коидаларига биноан кўриб чиқилмаётгани ҳақида;

б) ушбу шахс хукуқий химоянинг барча имкониятли воситаларидан фойдаланиб бўлгани хусусида.

3. Мазкур Протоколда қайд этилган хабарларни кўриб чиқишида Қўмита ёпик мажлис ўтказади.

4. Қўмита ўз фикр-мулоҳазаларини тегишли иштирокчи-давлатга ва шахсга маълум қиласди.

6-модда

Қўмита 45-моддада назарда тутилган йиллик маърузасига ушбу Протоколга мувофиқ ўз фаолияти ҳақида қисқача ҳисоботни киритади.

7-модда

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан 1960 йил 14 декабрда қабул қилинган Мустамлака мамлакатлар ва ҳалқларга Мустақиллик бериш ҳақидаги Декларация хусусидаги 1514 (XV) резолюцияси мақсадларига эришилгунга қадар ушбу Протокол қоидалари мазкур ҳалқларга Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низоми ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва ихтисослашган муассасаларнинг бошқа ҳалқаро конвенциялари хужжатлари тақдим этган петициялар бериш хукуқини ҳеч бир шаклда чекламайди.

8-модда

1. Ушбу Протокол Пактга имзо чеккан ҳар бир давлат томонидан имзо чекилиши учун очик.

2. Ушбу Протокол Пактни ратификация қилган ёки унга қўшилган ҳар бир давлат томонидан ратификация қилиниши керак. Ратификация ёрлиқлари сақлаш учун Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига топширилади.

3. Ушбу Протокол Пактни ратификация қилган ёки унга қўшилган ҳар бир давлат учун очик.

4. Кўшилиш Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига қўшилиш ҳақидаги ҳужжатни сақлаш учун топшириш билан амалга оширилади.

5. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби мазкур Протоколни имзолаган ёки унга қўшилган барча давлатларни қўшилиш тўғрисидаги ҳар бир ратификация ёрлиги ёки ҳужжат сақлаш учун топширилгани ҳақида хабардор қилади.

9-модда

1. Пакт кучга кирган шароитда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига қўшилиш ҳақидаги ўнинчи ратификация ёрлиги ёки ҳужжати сақлаш учун топширилган кундан бошлаб уч ой ўтгач, Ушбу Протокол кучга киради.

2. Қўшилиш тўғрисидаги ўнинчи ратификация ёрлиги ёки ҳужжат топширилгандан сўнг мазкур Протоколни ратификация қилган ёки унга қўшилган ҳар бир давлат учун ушбу Протокол қўшилиш тўғрисидаги ўша давлатнинг шахсий ратификация ёрлиги ёки ҳужжати сақлаш учун топширилган кундан бошлаб уч ой ўтгач кучга киради.

10-модда

Ушбу Протокол қарорлари федератив давлатларнинг ҳамма қисмларига ҳеч бир чеклаш ёки истисносиз татбиқ этилади.

11-модда

1. Мазкур Протоколда иштирок этувчи ҳар бир давлат тузатиш таклиф этиши ва уларни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига тақдим этиши мумкин. Сўнг Бош котиб ҳамма тузатишларни ушбу Протоколда иштирок этувчи давлатларга юбориб, улар шу таклифни кўриб чиқиши ва шунинг юзасидан овоз бериш мақсадида иштирок этувчи давлатлар конференциясини чакиришини ёқлаш ёки ёқламаслигини билдиришини сўраб илтимос қиласи. Агар иштирокчидавлатларнинг камидан бир қисми шундай конференцияни чакиришини ёқлаб чиқса, Бош котиб Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳомийлигига ўша конференцияни чакиради. Ушбу конференцияда иштирок этиб ва овоз беришда қатнашган давлатларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинган ҳар қандай таклиф Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясига тасдиқлаш учун тақдим этилади.

2. Тузатишлар уларни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси тасдиқлагандан сўнг ва ушбу Протоколда иштирок этувчи давлатларнинг конституция тартиб қоидасига мувофиқ уларнинг учдан икки қисми томонидан қабул қилиниши билан кучга киради.

3. Тузатишлар кучга киргач, шу тузатишларни қабул қилған иштирокчи-давлатлар учун мажбурий бўлади, бошқа иштирокчи-давлатлар учун эса мазкур Протокол қарорлари ва улар илгари қабул қилған барча тузатишлар мажбурий бўлиб қолади.

12-модда

1. Ҳар бир иштирокчи-давлат ҳар қандай вақтда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби номига ёзма хабарнома бериш йўли орқали ушбу Протоколни бекор қилиши мумкин. Бош котиб бундай хабарномани олган кундан бошлаб уч ой ўтгач, бекор қилиш кучга киради.

2. Бекор қилиш 21-моддага асосан бекор қилиш кучга кирадиган санагача тақдим этилган ҳар қандай хабарга ушбу Протокол қоидаларини татбиқ этаверишга тўсқинлик қилмайди.

13-модда

1 Ушбу Протоколнинг 8-модда 5-бандига мувофиқ берилган хабарномалардан қатъий назар, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Пактнинг 48-модда 1-бандида қайд этилган барча давлатларга қуидагиларни маълум қиласди:

- a) 8-моддага асосан имзолашлар, ратификациялар ва қўшилишлар;
- b) 9-моддага асосан ушбу Протоколнинг кучга кириш санаси ва 11-моддага мувофиқ ҳар қандай тузатишларнинг кучга кириш вақти;
- c) 12-моддага кўра бекор қилишлар.

14-модда

1. Ушбу Протокол инглиз, испан, хитой, рус ва француз тилларида тузилган бўлиб, ҳамма матнлар teng кучга эга. Протокол саклаш учун Бирлашган Миллатлар Ташкилоти архивига топширилиши лозим.

2. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби мазкур Протоколнинг тасдиқланган нусхаларини Пактнинг 48-моддасида кўрсатилган барча давлатларга жўнатади.

ФУҚАРОЛИК ВА СИЁСИЙ ҲУҚУҚЛАР ТҮГРИСИДАГИ ХАЛҚАРО ПАКТГА ИККИНЧИ ФАКУЛЬТАТИВ ПРОТОКОЛ, ЎЛИМ ЖАЗОНИ БЕКОР ҚИЛИШГА ҚАРАТИЛГАН

*Бош Ассамблеяning 1989 йил 15 декабрдаги
44/128-резолюцияси билан қабул қилинган*

1-модда

Мазкур Протокол иштирокчилари бўлган давлатлар юрисдикцияси остида бўлган бирорта шахс ўлим жазосига тортилмайди.

Ҳар бир иштирокчи давлат ўз юрисдикцияси доирасида ўлим жазосини бекор қилиш учун барча зарур чораларни кўради.

2-модда

1. Мазкур Протоколга бирор шарт киритишга йўл кўйилмайди, Баён-номани ратификация қилиши ёки унга қўшилиш пайтида қилинган, уруш вақтида ўлим жазосини кўллашни кўзда тутадиган шартлар бундан истиснодир.

2. Ушбу шартлар киритадиган аъзо давлат Протоколни ратификация қилиши ёки унга қўшилиш пайтида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибига уруш вақтида кўлланиладиган ўз миллий қонунчилигининг тегишли қоидалари тўғрисида маълум қиласди.

3. Бундай шартлар киритган аъзо давлат Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибини ўз худудига нисбатан ҳар қандай уруш бошланиши ёки тўхтатилиши ҳолаги тўғрисида хабардор қиласди.

3-модда

Мазкур Протокол иштирокчиси бўлган давлат Пактнинг 40-моддасига мувофиқ Инсон ҳуқуqlари бўйича қўмитага тақдим этадиган маърузаларига мазкур Протоколни амалга ошириш учун улар томонидан кўрилган чоралар тўғрисидаги ахборотни киритадилар.

4-модда

Пактнинг 41-моддасига мувофиқ баёнот берган аъзо давлатларга нисбатан Инсон ҳуқуqlари бўйича қўмита ваколатига ҳар бир аъзо давлатнинг бошқа аъзо давлат ўз мажбуриятларини бажармаётганлиги тўғрисидаги маълумот-

ларини олиш ва уларни кўриб чиқиш ваколатига эгалиги мазкур Протокол қоидаларга нисбатан амал қиласди, фақат манфаатдор аъзо мамлакат Протоколни ратификация қилиш ёки унга кўшилиш пайтида бунинг тескариси тўгрисида баёнот берган ҳолат бундан истиснодир.

5-модда

Фуқаролик ва сиёсий хукуқлар тўгрисидаги халқаро пактнинг 1996 йил 16 декабрда қабул қилинган биринчи Факультатив Протоколига кўшилган давлатларга нисбатан Инсон хукуқлари бўйича кўмитанинг улар юрисдикцияси остида бўлган айрим шахсларнинг маълумотларни олиш ва кўриб чиқиш ваколатига эгалиги мазкур Протокол қоидаларига нисбатан амал қиласди. Фақат мазкур Протоколни ратификация қилиш ва унга кўшилиш пайтида манфаатдор иштирокчи давлат бунинг тескариси тўгрисида баёнот берган ҳолат бундан истиснодир.

6-модда

1. Мазкур Протоколнинг қоидалари Пактга қўшимча қоидалар сифатида қўлланилади.
2. Мазкур Протоколнинг 2-моддасига мувофиқ изоҳлар киритиш имкониятига зарар келтирилмаган ҳолда мазкур Протоколнинг 1(1)-моддасида кафолатланган хукуқ Пактнинг 4-моддасига мувофиқ бирон чекинишга йўл қўймайди.

7-модда

1. Мазкур Протокол Пактни имзолаган ҳар қандай давлат томонидан имзоланиш учун очиқдир.
2. Мазкур Протокол Пактни ратификация қилган ёки унга кўшилган ҳар қандай давлат томонидан ратификация қилиниши керак. Ратификация ёрликлари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига сақлаш учун топширилади.
3. Мазкур Протокол Пактни ратификация қилган ёки унга кўшилган ҳар қандай давлатнинг кўшилиши учун очиқдир.
4. Кўшилиш тўгрисидаги хужжат Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби хузурида тасдиқланиш йўли билан амалга оширилади.
5. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби мазкур Протоколни имзолаган ёки унга кўшилган давлатларни ҳар бир ратификация ёрлиги ёки кўшилиш тўгрисидаги хужжат тасдиқланганидан хабардор киласди.

8-модда

1. Мазкур Протокол Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби хузурида ўнинчи ратификация ёрлиги ёки кўшилиш тўгрисидаги хужжат тасдиқлангандан сўнг уч ой ўтгандан кейин кучга киради.
2. Ўнинчи ратификация ёрлиги ёки кўшилиш тўгрисидаги хужжат тасдиқлангандан сўнг мазкур Протоколни ратификация қилган ёки унга кўшилган ҳар бир давлат учун мазкур Протокол унинг ўз ратификация ёрлиги ёки кўшилиш тўгрисидаги хужжати тасдиқлангандан сўнг уч ой ўтгандан кейин кучга киради.

9-модда

Мазкур Протоколнинг қоидалари федератив давлатнинг барча қисмларида бирон чеклаш ёки истиносиз амал этади.

10-модда

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бosh котиби Пактнинг 48(1)-модда-сида сўз борадиган барча давлатларга қуийдагиларни маълум қиласди:

(а) Мазкур Протоколнинг 2-моддасига мувофиқ шартлар, маълумотлар ва билдиригилар тўғрисида;

(б) Мазкур Протоколнинг 4- ёки 5-моддаларга мувофиқ қилинган баёнотлар тўғрисида;

(в) Мазкур Протоколнинг 7-моддасига мувофиқ имзолашлар, ратификация қилиш ва қўшилишлар тўғрисида;

(с) Мазкур Протоколнинг 8-моддасига мувофиқ ушбу Протокол кучга кирганинги тўғрисида,

11-модда

1. Инглизча, арабча, испанча, хитойча, русча ва французча матнлари бир хил бўлган мазкур Протокол Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг архивига саклаш учун топширилиши шарт.

2. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бosh котиби мазкур Протоколнинг тасдиқланган нусҳаларини Пактнинг 48-моддасида кўрсатилган барча давлатларга жўнатади.

ҚИЙНОҚ ҲАМДА МУОМАЛА ВА ЖАЗОЛАШНИНГ ҚАТТИҚ ШАФҚАТСИЗ, ИНСОНИЙЛИККА ЗИД ЁКИ ҚАДР-ҚИММАТНИ КАМСИТУВЧИ ТУРЛАРИГА ҚАРШИ КОНВЕНЦИЯ

Бош Ассамблеяning 1984 йил 10 июнданги 39/46-резолюцияси билан имзолаши, ратификация қилиши ва қўшилиши учун қабул қилинган ва очилган. 1987 йил 26 июндан 27(I)-моддага мувофиқ кучга кирган.

Ушбу конвенциянинг иштирокчи давлатлари,

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низомида эълон қилинган принципларга мувофиқ, инсонлар оиласи ҳамма аъзоларининг тенг ва ажралмас хукукларини тан олиш эркинлик, адолат ва умумий тинчликнинг асоси деб тан олинганини **назарда тутиб**,

бу хукуклар инсонлар шахсиятига мос қадр-қимматдан келиб чиқишини **тан олиб**, давлатларнинг Низомга, жумладан, 55-моддага мувофиқ, инсон хукуклари ва асосий эркинликларининг ялпи хурмат қилиниши ва уларга риоя этилишига кўмаклашиш мажбуриятларини **эътиборга олиб**,

инсон хукуклари умумжаҳон декларациясининг 5-моддасини ҳамда Фуқаролик ва сиёсий хукуклар тўғрисида халқаро пактнинг 7-моддасини, уларнинг иккаласи ҳеч кимга қийноқ ёки унинг қадр-қимматини камситувчи шафқатсиз муомала қилинмаслигини ва жазо берилмаслигини кўзда тутганини **хисобга олиб**,

шунингдек, ҳамма шахсларни қийноқлардан, бошқа қаттиқ, шафқатсиз ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ва жазо турларидан муҳофаза қилиш тўғрисида 1975 йил 9 декабрда Бош Ассамблея томонидан қабул қилинган декларацияни **хисобга олиб**,

бутун дунёда қийноқларга ва қаттиқ, шафқатсиз ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ва жазо турларига қарши кураш самарадорлигини **оширишини истаб**,

куйидагиларга келишиб олдилар:

I ҚИСМ

1-модда

1. Ушбу Конвенциянинг мақсадлари учун қийноқнинг таърифи шундай исталган ҳаракатни англатадики, у билан қандайдир шахсга ундан ёки учинчи шахс-

дан маълумотлар ёки эътироф олиш, уни у ёки учинчи шахс содир этган ёки содир этишда у гумон қилинадиган ҳаракат учун жазолаш, шунингдек, уни ёки учинчи шахсни кўркитиш ёки зўрлаш максадида, ёки бундай оғриқ ёки азоб давлатнинг мансабдор шахси, ёки расмий сифатдаги бошқа шахс, ёки уларнинг гиж-гижлаши билан, ёки уларнинг хабардорлигида ёки индамай розилиги билан ҳар қандай тусдаги камситиш асосланган исталган сабаб бўйича атайлаб кучли оғриқ ва азоб берилади. Бу таърифа қонуний санкциялар натижасида пайдо бўладиган шу санкциялардан ажралмас ёки улардан тасодифан чиккан оғриқ ёки азоблар кирмайди.

2. Бу модда янада кенгрок қўллаш тўғрисида коидалари бўлган ёки бўлиши мумкин бўлган қандайдир ҳалқаро шартномага, ёки қандайдир миллый қонунчиликка зарар етказмайди.

2-модда

1. Ҳар бир иштирокчи давлат унинг юрисдикциясидаги исталган ҳудудда қийнок ҳаракатларининг олдини олиш учун самарали қонун чиқариш, маъмурий, судлов ва бошқа чораларни кўради.

2. Ҳеч қандай фавқулодда ҳолатлар, улар қандай бўлмасин: хоҳ уруш ҳолатими ёки уруш хавфими, ички сиёсий бекарорликми ёки бошқа исталган фавқулодда ҳолатми эканлигидан катъий назар, қийнокни оқлашга хизмат қилолмайди.

3. Юкори турган бошлиқ ёки давлат ҳокимиятининг буйруғи қийноқни оқлашга хизмат қилолмайди.

3-модда

1. Ҳеч қайси иштирокчи давлат қайсиdir шахсни бошқа давлатга, агар унга у ерда қийнок қўлланилиши мумкин деб ўйлашга жиддий асослар мавжуд бўлса, уни жўнатмаслиги, қайтармаслиги (refouler) ёки бермаслиги керак.

2. Шундай асослар мавжудлигини аниқлаш учун ваколатли хукуматлар ишга тааллуқли барча ҳолатларни тегишли ҳолларда, мазкур давлатда инсон хукуқларини амалда доим кўпол, жиддий ва оммавий равишда бузишлар мавжудлигини қўшиб, эътиборга оладилар.

4-модда

1. Ҳар бир иштирокчи давлат ҳамма қийнок ҳаракатлари унинг жиноят қонунчилигига мувофиқ равишда кўриб чиқилишини таъминлайди. Айни шу нарса қийноқка ва исталган шахснинг азоблашда шериклиги ёки қатнашувидан иборат ҳаракатларига ҳам тегишлидир.

2. Ҳар бир иштирокчи давлат бундай жиноятлар учун уларнинг оғирлик хусусиятини ҳисобга олган ҳолда тегишлича жазолар та-йинлайди.

5-модда

1. Ҳар бир иштирокчи давлат кўйидаги ҳолларда унинг 4-моддада кўрсатилган жиноятларга нисбатан суд қилиш хукуқини белгилаш учун зарурлиги мумкин бўлган тадбирлар белгилайди:

- а) жиноятлар унинг хуқуқий тобелигидаги исталган худудда ёки шу давлатда рўйхатга олинган денгиз ёки ҳаво кемаси бортида содир қилинган бўлса;
- б) тахмин қилинган жиноятчи шу давлатнинг фуқароси бўлса;
- с) курбон шу давлатнинг фуқароси бўлса ва агар мазкур давлат буни мақсадга мувофиқ деб билса.

2. Ҳар бир иштирокчи давлат шунга ўхшаб шундай тадбирлар қабул қиласдики, улар тахмин қилинган жиноятчи унинг хуқуқий тобелигидаги исталган худудда бўладиган ҳолларда шундай жиноятларга нисбатан ўзининг суд қилиш хуқуқини ўрнатиш учун зарур бўлиб чиқиши мумкин ва у 8-моддага биноан уни Ушбу модданинг 1-бандида эслатилган давлатлардан ҳеч қайсисига бермайди.

3. Ушбу Конвенция ички қонунларга мувофиқ исталган жиноятни суд қилиш хуқуқини амалга оширишни истисно этмайди.

6-модда

1. Унинг ихтиёридаги ахборотни кўриб чиқкандан кейин вазиятлар шуни тақозо этишига ишонч ҳосил қилгач, 4-моддада кўрсатилган жиноятлардан исталганини содир этишда айбланадиган шахс худудида бўлган исталган иштирокчи давлат уни хибсга олади ёки унинг шу ерда бўлишини таъминлайдиган бошқа хуқуқий чоралар кўради. Хибсга олиш ва бошқа хуқуқий тадбирлар мазкур давлатнинг қонунлари бўйича амалга оширилади, аммо бу факат жиноий-процессуал ҳаракатлар ёки бериш бўйича ҳаракат қилиш учун зарур бўлган вақт мобайнинда давом этиши мумкин.

2. Бундай давлат дарҳол фактлар бўйича олдиндан текширув ўтказади.

3. Ушбу модданинг 1-бандига асосан хибсда бўлган исталган шахсга у фуқароси бўлган давлатнинг энг яқин тегишли вакили билан ёки у фуқаролиги йўқ шахс бўлса, одатда яшаб турган давлатнинг вакили билан кечиктирмай алоқа ўрнатишида ёрдам кўрсатилади.

4. Давлат ушбу моддага биноан қайсиdir шахсни хибсга олса, 5-модданинг 1-бандида эслатилган давлатларга бундай шахснинг хибсдалиги факти тўғрисида ва уни ушлашга сабаб бўлиб хизмат қилган вазиятлар ҳақида кечиктирмай хабар беради. Ушбу модданинг 2-бандида кўзда тутилган олдиндан текширув ўтказидиган давлат олган маълумотлари тўғрисида кечиктирмай юқорида эслатилган давлатларга хабар қиласди ва ўзининг суд қилиш хуқуқини амалга оширадими ёки йўқми эканлигини кўрсатади.

7-модда

1. Иштирокчи давлат, агар унинг хуқуқий тобелигидаги худудда 4-моддада кўрсатилган жиноятлардан исталганини содир этишда гумон қилинган шахс топилса ва у 5-моддада кўзда тутилган ҳолларда жиноятчини бермаса, мазкур ишни ўзининг ваколатли ҳукуматларига судда текшириш учун беради.

2. Бу ҳукуматлар жиддий тусдаги оддий жиноят ҳолатида бўлганидек, шу давлат қонунига мувофиқ тарзда қарор қабул қиласдилар. 5-модданинг 2-бандида санаб ўтилган ҳолларда суда текшириш ва коралаш учун исботлар-

га кўйиладиган талаблар хеч бир холда 5-модданинг 1-бандида кўрсатилган ҳолларда кўлланадиганига нисбатан камроқ жиддий бўлмайди.

3. 4-моддада кўрсатилган жиноятлардан ҳар қайсиси муносабати билан текшириладиган ҳар қайси шахсга ишни кўришнинг ҳамма босқичларида адолатли муомала қилиш кафолатланади.

8-модда

1. 4-моддада кўрсатилган жиноятлар иштирокчи давлатлар ўртасида мавжуд бўлган бериш тўғрисидаги ҳар қандай шартномага киритиладиган жиноятлар сифатида киритилиши керак деб ҳисобланади. Иштирокчи давлатлар бундай жиноятларни улар ўртасида тузиладиган бериш тўғрисидаги исталган шартномага киритиладиган жиноятлар сифатида киритиш мажбуриятини оладилар.

2. Агар шартнома мавжудлиги билан беришни шарт қилиб кўядиган иштирокчи давлат у бериш тўғрисида хеч қандай шартномага эга бўлмаган бошка иштирокчи давлатдан бериш илтимосини олса, у бундай жиноятларга нисбатан ушбу Конвенцияни бериш учун хукукий асос сифатида кўриб чиқиши мумкин. Бериш шу ҳақда илтимос билан мурожаат қилинган давлатнинг қонунчилигига кўзда тутилган бошка шартларда амалга оширилади.

3. Беришни шартнома мавжудлиги билан шарт қилиб кўймайдиган иштирокчи давлатлар ўзаро муносабат бундай жиноятларни бериш тўғрисида мурожаат қилинган Давлатнинг қонунчилигига кўзда тутилган шартларга мувофиқ беришга олиб келадиган жиноятлар сифатида кўриб чиқадилар.

4. Иштирокчи давлатлар ўртасида бундай жиноятлар нафақат содир қилинадиган жойда, балки шу 5-модданинг 1-бандига биноан ўзининг суд қилинши белгилаши лозим бўлган давлатлар худудида ҳам содир қилинган жиноятлардек кўрилади.

9-модда

1. Иштирокчи давлатлар 4-моддада санаб ўтилган жиноятлардан ҳар бирига нисбатан амалга оширилган жиноий-процессуал ҳаракатлар муносабати билан бир-бirlарига суд текшируви учун улар ихтиёридаги барча мавжуд далиллар берилишини қамраб олувчи энг тўлиқ ёрдам кўрсатадилар.

2. Иштирокчи давлатлар ўз мажбуриятларини шу модданинг 1-бандига биноан улар ўртасида ўзаро хукукий ёрдам тўғрисидаги ҳар қандай шартномалар бўйича бажарадилар.

10-модда

1. Ҳар бир иштирокчи давлат қийноқни таъқиқлашга тегишли ўқув материалари ва ахборотлар хукуқни татбиқ этувчи органларнинг ходимларини, фуқароларга оид ёки ҳарбий, тиббий ходимларни, давлатнинг мансабдор шахсларини ҳамда ҳар қандай шаклда ҳибсга олинган, ушланган ёки қамоққа олинган шахсларни ушлаб туриб, сўроқ қилишга ёки улар билан муомала қилишга

муносабат билдириши мумкин бўлган шахсларни тайёрлаш дастурларига тўлиқ равишда киритилишини таъминлайди.

2. Ҳар бир иштирокчи давлат бу таъкини ҳар қайси шундай шахсларнинг вазифа ва функцияларига оид қоида ёки йўриқномага киритади.

11-модда

Ҳар бир иштирокчи давлат қандайдир қийноқ ҳолларига йўл қўймаслик учун унинг хукукий тобелигига бўлган ҳар бир худудда ҳар қандай шаклда ушланган, ҳибс қилинган ёки қамоққа олинган шахсларни сўроқ қилиш, шунингдек, қамоқда ушлаб туриш ва муомала қилишга тааллуқли қоида, йўриқнома, усул ва амалиётларни мунтазам кўриб чиқади.

12-модда

Ҳар бир иштирокчи давлат унинг хукукий тобелигига бўлган ҳар қайси худудда қийноқ қўлланган деб ўйлашга етарлича асос бўлганда унинг органдари тез ва холис текширув ўтказишларини таъминлайди.

13-модда

Ҳар бир иштирокчи давлат унинг хукукий тобелигига бўлган исталган худудда қийноқ қўлланилди, деб тасдиқлайдиган ҳар бир шахсга шу давлатнинг ваколатли хукуматларига шикоят қилиш хукукини ҳамда улар томонидан бундай жиноят тез ва холис кўриб чиқилишини таъминлайди. Даъвогар ва гувоҳларни ҳар қандай шакллардаги ёки унинг шикояти, ёки ҳар қандай гувоҳлик кўрсатмалари муносабати билан қўрқитишдан ҳимоя қилишни таъминлаш чоралари кўрилади.

14-модда

Ҳар бир иштирокчи давлат ўзининг хукукий тизимида қийноқларнинг курбони товон олишини ва иложи борича тўлароқ тикланиш учун маблагларни қамраб олувчи, хукукий санкция билан тўлдириладиган адолатли ва муқобил товон олиш хукукига эга бўлиш хукукини таъминлайди. Қийноқ натижасида курбон вафот этса, товон олиш хукуки унинг қарамоғидагиларга берилади.

2. Ушбу моддада ҳеч нарса қурбон ёки бошқа шахсларнинг миллий конунчиликка кўра мавжудлиги мумкин бўлган ҳар қандай товон олиш хукукига дахл қилмайди.

15-модда

Ҳар бир иштирокчи давлат ҳар қандай ариза, агар белгиланганидек, қийноқ остида берилган бўлса, исталган суд текшируви давомида далил сифатида фойдаланмаслигини таъминлайди, у қийноқ содир этишда айбланадиган шахсга қарши ариза берилганининг исботи сифатида фойдаланиладиган ҳоллар бундан мустаснодир.

16-модда

Ҳар бир иштирокчи давлат унинг хукукий тобелигига бўлган исталган худудда бундай ҳаракатлар давлатнинг мансабдор шахси ёки расмий сифатида, ёхуд улар-

нинг гиж-гижлаши ёки кузатуви, ё индамай розилик бериши билан чиқадиган бошқа шахс томонидан содир этиладиган 1-моддада бўлган қийноқ таърифига кирмайдиган мумомала беришнинг бошқа қаттиқ, шафқатсиз ёки қадр-қимматни камситувчи бошқа ҳаракатларнинг олдини олиш мажбуриятини олади. Хусусан, 10-, 11-, 12-ва 13-моддаларда бўлган мажбуриятлар қийноқ тўғрисидаги эслатмалар мумомала ва жазонинг бошқа қаттиқ, шафқатсиз ёки қадр-қимматни камситувчи шакллари тўғрисидаги эслатмалар билан алмаштирилган ҳолда татбиқ этилади.

2. Ушбу Конвенциянинг қоидалари қаттиқ, шафқатсиз ёки қадр-қимматни камситувчи мумомала ва жазони таъзиқловчи ёки бериш, ёки чикариб юборишга тегишли исталган халқаро шартномалар ё миллӣ қонунчиликнинг қоидаларига зарар келтирмайди.

II ҚИСМ

17-модда

1. Қийнокларга қарши қўмита (бундан кейин Қўмита дейилади) тузилади, у қўйида назарда тутилган вазифаларни бажаради.

Қўмита юксак маънавий фазилатларга эга ва инсон ҳуқуqlари соҳасида ваколатли деб тан олинган ҳамда шахс сифатида мавқеи мустаҳкам ўнта экспертдан иборат. Экспертлар иштирокчи давлатлар томонидан сайланади, бунда жўғрофий таксимланишга ҳамда ҳуқукий тажрибаси бўлган бир нечта шахснинг иштироки мақсадга мувофиқлигига эътибор берилади.

2. Қўмита аъзолари иштирокчи давлатлар томонидан кўрсатиладиган шахслар рўйхати ҳисобидан яширин овоз бериш билан сайланади. Ҳар бир иштирокчи давлат ўз фукаролари ҳисобидан битта номзод кўрсата олади. Иштирокчи давлатлар, шунингдек, Фукаролик ва сиёсий ҳуқуклар тўғрисида халқаро пактга биноан таъсис этилган Инсон ҳуқуклари қўмитасининг аъзолари бўлган ҳамда Қийнокларга қарши қўмитада ишлаш истагини билдирган шахсларни кўрсатиш мақсадга мувофиқлигини ҳам ҳисобга оладилар.

3. Қўмита аъзолари сайлови Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби томонидан икки йилда бир марта чакириладиган иштирокчи давлатлар кенгашида ўтказилади. Кворумини иштирокчи давлатларнинг учдан икки қисми ташкил этадиган ана шу кенгашларда энг кўп овоз ҳамда Конвенция иштирокчи давлатлари вакилларидан иштирок этган ва овоз беришда катнашганларининг мутлоқ кўпчилик овозини олганлар Қўмитага сайланган номзодлар бўлади.

4 Дастребаки сайловлар ушбу Конвенция амалга киритилган санадан бошлаб олти ойдан кечикмай ўтказилади. Навбатдаги сайловлар санасидан хеч бўлмаганда тўрт ой аввал Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби иштирокчи давлатларга уч ойлик муддатда уларнинг номзодларини тақдим этиш таклиф қилинган хат жўнатади.

Бош котиб тайёрлайдиган рўйхатга алифбо тартибида шу тарзда кўрсатилган шахслар уларни кўрсатган иштирокчи давлатларни кўрсатган ҳолда киритилади, Бош котиб бу рўйхатни иштирокчи давлатларга тақдим этади.

5. Қўмита аъзолари тўрт йил муддатга сайланади. Улар тақрор кўрсатилган тақдирда қайта сайланиш хуқуқига эгадир. Аммо дастлабки сайловда сайланган беш аъзонинг ваколат муддати икки йиллик давр охирида тугайди, дастлабки сайловдан кейин дархол шу беш аъзонинг номлари, кенгаш раиси томонидан куръя ташлаб аниқланади, бу ҳақда ушбу модданинг 3-бандида баён этилади.

6. Қўмита аъзоси вафот этган ёки истеъфога чиққан тақдирда, ёки қандайдир бошқа сабабларга кўра Қўмитадаги вазифаларини бажариш имкони бўлмагандан унинг номздини таклиф қилган иштирокчи давлат қолган муддатга иштирокчи давлатлар аксариятининг маъкуллаши билан бошқа экспертни тайинлайди.

Агар иштирокчи давлатларнинг ярми ёки кўпроғи Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибидан тавсия қилинадиган тайинлов тўғрисида ахборот олгандан кейин олти ҳафта ичida салбий жавоб бермаса, номзод маъкулланган ҳисобланади.

7. Иштирокчи давлатлар Қўмита аъзоларининг улар томонидан Қўмитада вазифалари бажарилган даврдаги харажатларини қоплашни ўз зиммаларига оладилар.

18-модда

Қўмита ўзининг мансабдор шахсларини икки йил муддатга сайлайди. Улар қайта сайланишлари мумкин.

2. Қўмита ўзининг хусусий тартиб-коидаларини белгилайди, лекин бу коидаларда, жумладан, куйидагилар кўзда тутилмоғи лозим:

- а) олти аъзо кворумни ҳосил қиласди;
- б) Қўмита қарорлари қатнашаётган аъзоларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

3. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Қўмита ўз вазифаларини ушбу Конвенцияга мувофиқ равишда самарали олиб бориши учун зарур ходимлар, шарт-шароит билан таъминлайди.

4. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Қўмитанинг биринчи кенгашини чақиради. Ўзининг биринчи кенгашидан кейин Қўмита тартиб-коидаларда кўзда тутилган вакт оралиғида тўпланиши лозим.

5. Иштирокчи давлатлар уларнинг ва Қўмитанинг кенгашларини ўтказиш муносабати билан юзага келадиган харажатларни қоплашни ушбу модданинг 3-бандига биноан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан таъминланадиган ходимларга ҳақ тўлаш ва шарт-шароитларни таъминлаш каби ҳар қандай харажатлар қопланишини қўшиб ўз зимасига олади.

19-модда

1. Иштирокчи давлатлар Қўмитага ушбу Конвенцияга биноан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби орқали улар томонидан уларнинг вазифаларини амалга ошириш юзасидан Ушбу Конвенция тегишли иштирокчи давлат учун амалга киритилгандан кейин бир йил мобайнида қабул қилинган тадбирлар тўғрисида маърузалар тақдим қиласди. Шундан кейин иштирокчи давлат-

лар тўрт йилда бир марта ҳар қандай кабул қилинган янги тадбирлар тўғрисида қўшимча маърузаларни, шунингдек, сўраши мумкин бўлган бошқа маърузаларни тақдим қиласди.

2. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби шу маърузаларни барча иштирокчи давлатларга жўнатади.

3. Ҳар бир маъруза Кўмита томонидан кўриб чиқилади, у ўзи мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайдиган маъруза юзасидан умумий тартибда мулоҳазалар қилиши мумкин, кейин уларни тегишли иштирокчи давлатга жўнатади.

Мазкур иштирокчи давлат Кўмитага жавоб тариқасида ўринли деб ҳисоблайдиган исталган мулоҳазаларни бериши мумкин.

4. Кўмита ўз хоҳишича, 24-моддага биноан тайёрланадиган ўзининг йиллик маъруzasига унинг томонидан ушбу модданинг 3-бандига биноан қилинган исталган мулоҳазаларни улар бўйича тегишли иштирокчи давлатдан олинган мулоҳазалар билан киритиши мумкин. Тегишли иштирокчи давлат илтимомсига кўра Кўмита, шунингдек, ушбу модданинг 1-бандига мувофиқ тақдим қилинган маъруза нусхасини ҳам киритиши мумкин.

20-модда

1. Агар Кўмита олган тўғри ахборотда, унинг фикрича, қайсиadir иштирокчи давлат худудида қийноқлар мунтазам қўлланилгани тўғрисида тўлиқ асосли маълумотлар бўлса, унда у ушбу иштирокчи давлатга шу ахборотни кўриб чиқишида ҳамкорлик қилишни ҳамда шу мақсадда ўзининг мазкур ахборотга нисбатан мулоҳазаларини билдиришни тақлиф қиласди.

2. Тегишли иштирокчи давлат тақдим этадиган ҳар хил мулоҳазаларни, шунингдек, унинг ихтиёридаги ишга алоқадор бошқа исталган ахборотларни ҳисобга олган ҳолда Кўмита, агар у шуни мақсадга мувофиқ деб топса, маҳфий равишда текшириш ўтказиш ва Кўмитага шошилинч равишда тегишли маърузани бериш учун ўзининг бир ёки бир неча аъзоларини тайинлаши мумкин.

3. Агар ушбу модданинг 2-бандига биноан текширув ўтказилса, Кўмита тегишли иштирокчи давлат билан ҳамкорлик ўрнатишга интилади. Шу иштирокчи давлат розилиги билан бундай текширув унинг худудига бориб кўришини назарда тутиши мумкин.

4. Шу модданинг 2-бандига мувофиқ ана шу текширув аъзоси ёки аъзолари томонидан тақдим қилинган текширув натижалари кўриб чиқилгандан кейин Кўмита тегишли иштирокчи давлатга бу натижаларни шу вазиятда мақсадга мувофиқ деб топиладиган исталган мулоҳазалар ёки тақлифлар билан қўшиб жўнатади.

5. Кўмитанинг ушбу модданинг 1–4-бандларида эслатилган бутун иши маҳфий тусдадир ва бу ишнинг ҳамма босқичларида иштирокчи давлат билан ҳамкорлик қилишга интилиш лозим. 2-бандга биноан ўтказилган текширув нисбатан бу иш тугагагач, Кўмита тегишли иштирокчи давлат билан маслаҳатлашгандан кейин, шу иш натижалари тўғрисида қисқача ҳисботни

24-моддага асосан тайёрланадиган ўзининг ҳар йилги маълумотига киритиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

21-модда

1. Ушбу моддага мувофиқ мазкур Конвенциянинг ҳар қандай иштирокчи давлати исталган вақтда у Кўумитанинг бир иштирокчи давлатнинг бошқа иштирокчи давлат ўзининг ушбу Конвенция бўйича вазифаларини бажармаётганилиги тўғрисидаги хабарларини олиш ва кўриб чиқиш ваколатини тан олишини билдириши мумкин.

Бундай хабарлар ушбу моддада баён қилинган тартиб-қоидаларга мувофиқ, фақатгина улар ўзига нисбатан Кўумита ваколатини тан олгани тўғрисида ариза берган иштирокчи давлат томонидан тақдим этилган ҳолдагина қабул қилиниши ва кўриб чиқилиши мумкин.

Кўумита ушбу модда бўйича ахборотларни, агар улар бундай ариза бермаган иштирокчи давлатга тегишли бўлса, кўриб чиқмайди. Ушбу моддага кўра олинган хабарлар куйидаги тартибга мувофиқ кўриб чиқлади:

а) агар қайсиdir иштирокчи давлат бошқа иштирокчи давлат Ушбу Конвенция қоидаларини бажармаётир, деб ҳисобласа, унда бу ҳақда шу масала ҳақида кўрсатилган иштирокчи давлатга ёзма хабар қилиши мумкин. Шу хабарни олгандан кейин уч ой мобайнида уни олган давлат ёзма равишда шундай хабар жўнатган давлатга тушунтириш ёки бошқа ариза тақдим қиласиди, унда қанчалик мумкин ва мақсадга мувофиқ бўлса, шу масала юзасидан қабул қилинган, қабул қилинадиган ёки қабул қилиниши мумкин бўлган ички тартиб ва тадбирлар кўрсатилмоғи лозим;

б) агар дастлабки хабар оладиган давлат томонидан олингандан кейин олти ой мобайнида масала иккала тегишли иштирокчи давлатни қондириш тарзида ҳал этилмаса, шу давлатлардан ҳар қайсиси бу масалани Кўумитага бериб, бу ҳақда Кўумита ва бошқа давлатга билдириб қўйиши мумкин;

с) Кўумита унга ушбу моддага биноан берилган масалани фақатгина у ҳамма иложи бор ички чоралар кўрилгани ҳамда мазкур ҳолда умум томонидан тан олинган ҳалқаро ҳуқуқ принципларига мувофиқ тугагани ҳақида ишонч ҳосил қилганидан сўнг қараб чиқади. Бу қоида шу тадбирларни кўллаш асоссиз чўзилиб кетган ёки Ушбу Конвенция бузилишининг курбони бўлган шахсга самарали ёрдам кўрсатиши даргумон бўлган ҳолларда ҳаракат қилмайди;

д) ушбу модда бўйича ахборотларни кўриб чиқканда Кўумита ёпиқ мажлислар ўтказади;

е) Кўумита «с» банддаги қоидаларга риоя этган ҳолда тегишли иштирокчи давлатларга масалани ушбу Конвенцияда кўзда тутилган мажбуриятларини ҳурмат қилиш асосида дўйстона ҳал этиш мақсадида яхши хизмат кўрсатади. Шу мақсадда Кўумита зарурат бўлганда маҳсус келишув комиссиясини таъсис қилиши мумкин:

ф) ушбу моддага мувофиқ ўзига берилган ҳар қандай масала бўйича Кўумита «б» бандда эслатилган тегишли иштирокчи давлатлардан ишга тааллуқли исталган ахборотни беришларини сўраши мумкин;

d) «б» бандда эслатилган тегишли иштирокчи давлатлар Кўмитада масалани кўриб чиқишида вакил орқали қатнашишлари, оғзаки ва (ёки) ёзма равишида фикр билдиришлари мумкин.

h) Кўмита билдиришнома олган кундан ўн икки ой мобайнида «б» бандга мувофиқ кўйидаги ҳолларда ахборотнома тақдим этади:

I) агар «е» банд коидалари доирасида ечимга эришилса, унда Кўмита ўз ахборотида фактларни ва эришилган ечимни қисқача баён этиш билан чегараланади;

II) агар «е» банд коидалари доирасида ечимга эришилмаса, Кўмита ўз ахборотида фактларни қисқача баён этиш билан чегараланади;

360 тегишли иштирокчи давлатлар томонидан тақдим этилган ёзма тақдимотлар ва оғзаки аризаларнинг қайди ахборотга илова қилинади.

Ҳар бир масала бўйича ахборот тегишли иштирокчи давлатларга жўнатилади.

2. Ушбу модданинг қоидалари мазкур Конвенциянинг бешта иштирокчи давлати шу модданинг 1-бандига мувофиқ ариза берганида амалга киритилади. Бундай аризалар иштирокчи давлатлар томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига сақлаш учун берилади, Бош котиб уларнинг нусхаларини қолган иштирокчи давлатларга жўнатади. Ариза Бош котиб номига билдиришнома жўнатиш орқали исталган вақтда чақириб олиниши мумкин. Аризани бундай чақириб олиш ушбу моддага мувофиқ аввал ўтказиб бўлинган ахборот мавзуи бўлган ҳар қандай масалани кўриб чиқишига зарар етказмаслиги керак; ушбу моддага мувофиқ ҳар қандай иштирокчи давлатнинг хеч қандай кейинги ахборотлари, агар тегишли иштирокчи давлат янги ариза бермаган бўлса, Бош котибга аризанинг чақириб олиниши тўғрисида билдирилгандан кейин қабул қилинмайди.

22-модда

1. Ушбу Конвенциянинг иштирокчи давлати исталган вақтда Ушбу моддага мувофиқ унинг ҳуқуқий тобелигига бўлган шахсларнинг иштирокчи давлат томонидан Конвенция қоидаларини бузиш курбонлари бўлганликларини ёки улар номидан тушадиган шундай тусдаги ахборотларни тасдиқлайдиган хабарларини олиш ва кўриб чиқишига Кўмита ваколатини тан олиши тўғрисида баёнот бериши мумкин. Шундай баёнот бермаган иштирокчи давлатга таалукли бўлган ҳар қандай ахборотларни Кўмита қабул қилмайди.

2. Кўмита ушбу моддага биноан аноним бўлган ёки унинг фикрича, шундай хабарларни бериш ҳуқуқини суистеъмол қилган, ёки Ушбу Конвенция қоидаларига тўғри келмайдиган ҳар қандай ахборотни номақбул деб ҳисоблайди.

3. Кўмита, 2-бандни ҳисобга олган ҳолда, ушбу моддага мувофиқ унга берилган ахборотни 1-бандга кўра баёнот берган ва гўёки Конвенциянинг у ёки бу қоидаларини бузаятган ушбу Конвенциянинг иштирокчи давлатига маълум қиласи. Ахборотни олган давлат олти ой мобайнида Кўмитага масалани ва шу давлат томонидан қабул қилинадиган ҳар қандай тадбирларни аниқлаштирадиган ёзма тушунтириш ёки ариза тақдим этади.

4. Кўмита ушбу моддага мувофик олинган хабарларни унга мазкур шахс томонидан ёки унинг номидан ва тегишли иштирокчи давлат томонидан тақдим этилган бутун ахборотлар асосида кўриб чиқади.

5. Кўмита, агар у куйидагиларга амин бўлмаса, ушбу моддага кўра қандайdir шахсдан олинган ҳеч бир ахборотни кўриб чиқмайди:

а) худди шу масала халқаро тергов ёки бартараф этиш бўйича қайсиdir бошқа маросимда кўриб чиқилмаган ва кўриб чиқилмаяпти;

б) мазкур шахс мавжуд ички хукуқ ҳимоясининг барча чораларини тугатган; бу коида шу тадбирларни қўллаш асоссиз чўзиладиган ёки шу Конвенцияни бузиш курбони бўлган шахсга самарали ёрдам бериши гумон саналган ҳолларда ҳаракат қилмайди.

6. Мазкур модда бўйича ахборотларни кўриб чиқканда Кўмита ёпиқ мажлислар ўтказади.

7. Кўмита тегишли иштирокчи давлат ва мазкур шахсга ўз фикрларини билдиради.

8. Бу модданинг коидалари ушбу Конвенциянинг бешта иштирокчи авлати мазкур модданинг 1-бандига мувофик ариза берганда амалга киритилади. Бундай аризалар иштирокчи давлатлар томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибиға сақлаш учун берилади, у уларнинг нусхаларини қолган иштирокчи давлатларга жўнатади. Ариза исталган вактда Бош котиб номига билдиришнома жўнатиш воситасида чакириб олиниши мумкин.

Аризани бундай чакириб олиш ушбу моддага биноан берилиб бўлинган ахборот мавзуи саналган исталган масалани кўриб чиқишига зарар келтирмаслиги лозим; ҳар қандай шахс томонидан ёки унинг номидан жўнатиладиган ҳеч қандай кейинги хабарлар ушбу моддага мувофиқ, Бош котиб томонидан аризани чақириб олиш тўғрисида билдиришнома олингандан кейин, агар тегишли иштирокчи давлат янги ариза бермаса, қабул қилинмайди.

23-модда

Кўмита ва 21-модда 1-бандининг «» кичик бандига биноан тайинланиши мумкин бўлган келишув комиссияларининг аъзолари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Имтиёzlар ва иммунитетлар тўғрисида Конвенциясининг тегишли бўлимларида кўзда тутилганидек, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти топшириги бўйича ишлайдиган экспертларнинг имтиёzlари ва иммунитетлари хукукига эгадирлар.

24-модда

Кўмита иштирокчи давлатларга ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясига ушбу Конвенцияга биноан ўз иши тўғрисида йиллик маъруза тақдим қиласди.

III ҚИСМ

25-модда

1. Ушбу Конвенция ҳамма давлатлар томонидан имзолаш учун очиқдир.

2. Бу Конвенция ратификация қилиниши керак. Ратификация ёрликлари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига сақлаш учун берилади.

26-модда

Ушбу Конвенция ҳамма давлатларнинг қўшилиши учун очиқдир.

Бундай қўшилиш қўшилганлик тўғрисида хужжатни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига сақлаш учун топшириш йўли билан амалга оширилади.

27-модда

1. Ушбу Конвенция йигирманчи ратификация ёрлиги ёки қўшилиш тўғрисидаги хужжат Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига сақлаш учун топширилганинг ўттизинчи куни амалга киритилади.

2. Ушбу Конвенцияни ратификация қиласидаги ёки ўнта йигирманчи ратификация ёрлиги, ёки қўшилиш тўғрисида хужжат топширилгандан кейин қўшиладиган ҳар бир давлат учун Ушбу Конвенция унинг ўзининг ратификация ёрлиги ёки қўшилиш тўғрисида хужжати сақлаш учун топширилган санадан кейин ўттизинчи куни амалга киритилади.

28-модда

1 Ҳар бир давлат ушбу Конвенцияни имзолаш ёки ратификация қилиш, ёки қўшилиш пайтида уйигирманчи моддада белгиланган Кўмита ваколатини тан олмаслиги мумкин.

2 Ушбу модданинг биринчи бандига мувофик изоҳ берган ҳар қандай иштирокчи давлат бу ҳақда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибини хабардор қилиб исталган вақтда ўз изоҳини олиб ташлаши мумкин.

29-модда

1. Ушбу Конвенция иштирокчиси бўлган ҳар қайси давлат тузатиш таклиф қилиши ва уни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига тақдим этиши мумкин. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби кейин таклиф қилинган тузатишни иштирокчи давлатларга шу таклифни кўриб чиқиш ҳамда у бўйича овоз беришни ўтказиш мақсадида иштирокчи давлатлар конференциясини чакиришга улар тарафдор ёки тарафдор эмаслигини унга билдиришни илтимос қилиб жўнатади. Агар бундай хат жўнатилган санадан сўнг тўрт ой давомида иштирокчи давлатларнинг камида учдан бир қисми шундай конференцияга тарафдорлигини билдиrsa, Бош котиб Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳомийлигида конференция чакиради. Шу конференцияда хозир бўлган ва овоз беришда иштирок этган иштирокчи давлатларнинг аксарияти томонидан қабул қилинган ҳар қандай тузатиш Бош котиб томонидан ҳамма иштирокчи давлатларга тасдиқлаш учун берилади.

2. Ушбу модданинг 1-банди бўйича қабул қилинган тузатиш Ушбу Конвенцияни иштирокчи давлатларидан учдан икки қисми Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибини ўзининг конституцион тартибларига мувофик улар томо-

нидан мазкур тузатиш қабул қилинганды түгрисида хабардор қилғандан кейин амалга киритилади.

3 Тузатышлар амалга киритилгач, улар үшаларни қабул қылган иштирокчи давлатлар учун мажбурий бўлиб бошқа иштирокчи давлатлар учун эса ушбу Конвенция қоидалари ва улар томонидан қабул қилинган тузатышлар мажбурий бўлиб қолади.

30-модда

1. Ушбу Конвенцияни шарҳлаш ёки кўллаш хусусидаги икки ёки кўпроқ иштирокчи давлатлар ўртасида музокаралар йўли билан бартараф этилиши мумкин бўлмаган ҳар қандай баҳс улардан бирининг илтимоси бўйича арбитражга берилади. Агар арбитраж түгрисида илтимос қилингандан сўнг ўтган олти ой мобайнида томонлар арбитраж ташкил этиш түгрисида битимга келиш ҳолатида бўлмасалар, томонлардан бирининг илтимоси бўйича баҳс Халқаро суд мақомига биноан Халқаро судга ўтказилиши мумкин.

2. Ҳар бир давлат ушбу Конвенцияни имзолаганда, ратификация қилғанда ёки унга қўшилганда ўзини ушбу модданинг 1-банди қоидалари билан боғланиб қолмаган, деб ҳисоблагани түгрисида маълум қилиши мумкин. Бошқа иштирокчи давлатлар шундай изоҳ берган ҳар қандай иштирокчи давлатга нисбатан ушбу модданинг 1-банди қоидалари билан боғланиб қолмайдилар.

3. Ушбу модданинг 2-бандига мувофиқ изоҳ берган ҳар қандай иштирокчи давлат бу ҳақда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби билдириб қўйиб, исталган пайтда ўз шархини олиб ташлаши мумкин.

31-модда

1. Ҳар қайси иштирокчи давлат ушбу Конвенцияни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби ёзма равишда хабар бериш йўли билан бекор қилиши мумкин. Бекор қилиш Бош котиб томонидан билдиришнома олингандан кейин бир йил ўтгач кучга киради.

2. Бундай бекор қилиш иштирокчи давлатни ушбу Конвенция бўйича уни бекор қилиш амалга киритилган санага мавжуд бўлган ҳар қандай харакат ёки нуқсон учун жавобгарликлардан озод қилмайди ва бекор қилиш Кўмита томонидан бекор қилиш амалга киритилган санагача кўриб чиқилган исталган саволнинг давом этаётган кўриб чиқишига хеч канака зарап етказмайди.

3. Қайсиdir иштирокчи давлат учун бекор қилиш кучга киритилган санадан кейин Кўмита мазкур давлатга тегишли янги масалаларни кўриб чиқишига киришмайди.

32-модда

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзолари бўлган барча давлатларга, Ушбу Конвенцияни имзолаган ёки унга қўшилган барча давлатларга куйидаги маълумотларни хабар қилади:

- a) 25- ва 26-моддаларга биноан имзолаш, ратификация қилиш ва қўшилиш тўғрисида;
- b) 27-моддага биноан ушбу Конвенцияни амалга киритиш ва 9-моддага биноан исталган тузатишларни амалга киритиш санаси тўғрисида;
- c) 31-моддага биноан бекор қилиш тўғрисида.

33-модда

- 1. Инглизча, арабча, испанча, хитойча, русча ва французча матнлари бир хил аутентик бўлган ушбу Конвенция Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига сақлаш учун топширилади.
- 2. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Ушбу Конвенциянинг тасдиқланган нусхаларини барча давлатларга жўнатади.

БОЛА ХУҚУҚЛАРИ ТҮҒРИСИДА КОНВЕНЦИЯ

*Бош Ассамблеяниң 1989 йил 20 ноябрдаги
44/25-рөзөлөүсісі билан имзолаши, ратификация қылыш
ва құшилиши учун қабул қилинганды очилған.
1990 йил 2 сентябрдан күчкөң кирған.*

МУҚАДДИМА

Ушбу Конвенцияга иштирокчи-давлатлар,

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низомида эълон қилинганды тамойиллар-га мувофиқ, жамият барча аъзоларининг ўзига хос бўлган қадр-құммати, тенг ва ажралмас ҳуқуқлари ер юзасида эркинлик, адолат ва тинчликни таъминлашнинг асоси эканлиги эътироф этилганини **хисобга олиб**,

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг халклари Низомда инсоннинг асосий ҳуқуқларига, инсон шахсининг шаъни ва қадр-құмматига бўлган ўз ишончларини тасдиқлаганликлари ҳамда ижтимоий тараққиёт ва турмуш шароитлари-ни яхшилаш борасида қўмаклашишга аҳд қилганликларини **эътиборга олиб**,

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва инсон ҳуқуқлари түғрисидаги халқаро ҳужжатларда ҳар бир инсон мазкур ҳужжатларда кўрсатиб қўйилган ҳуқуқ ҳамда эркинликларга ирқи, тана ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ёки бошқа эътиқодлари, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, мулкий аҳволи, туғилиши ёки бошқа ҳолатлар билан боғлик белгиларига кўра ҳар қандай тафовутдан қатъий назар, эга бўлишини эълон қилганлиги ва розилик билдирганлигини **эътироф этиб**,

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига болалар алоҳида ғамхўрлик ва ёрдам ҳуқуқига эгадирлар, деб эълон қилганлигини эслатиб, жамиятнинг асосий ташкилоти ҳисобланмиш оила ва тиббий муҳитга унинг барча аъзолари, айникса, болалар ўсиб-улғайишлари ва фаровонликка эга бўлишлари учун жамият доирасидаги мажбуриятларни ўз зиммасига тўлиқ оладиган бўлишига эришиш мақсадида зарур ҳимоя ва ёрдам билан таъминланиши лозим эканлигига ишонч ҳосил қилган ҳолда, боланинг соғлом ва ҳар томонлама уйғун ҳолда камолоти учун у оила ғамхўрлигига, баҳт, меҳр-муҳаббат ва онгли тушуниш вазиятида ўсиши зарурлигини **эътироф этиб**,

бала жамиятда мустакил ҳаётга тўла тайёrlаниши ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низомида эълон қилингандек ғоялар руҳида, айниқса, тинчлик, кадр-қиммат, сабр-токат, эркинлик, тенглик ва бирдамлик руҳида тарбиялашини лозимлигини **ҳисобга олиб**,

болани мана шундай алоҳида химоя қилиш зарурлиги 1924 йилги Бола ҳуқуқлари Женева декларациясида ва 1959 йил 20 ноябрда БМТнинг Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилингандек Бола ҳуқуқлари декларациясида кўзда тутилганлигини ва Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пактда (жумладан, 23-ва 24-моддаларда), Иктиносий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пактда (жумладан, 10-модда), шунингдек, ихтисослашган муассасалар ҳамда болаларнинг фаровонлиги масалалари билан шугулланувчи халқаро ташкилотларнинг Низомлари ва тегишли хужжатларида эътироф этилганлигини **эътиборга олиб**,

Бола ҳуқуқлари декларациясида кўрсатиб ўтилганидек, «бала, агар у жисмоний ва ақлий жиҳатдан камолотга етишмаган бўлса, маҳсус муҳофаза ва ғамхўрликка, бинобарин, туғилгунча ва туғилгандан кейин ҳам муносиб даражадаги ҳуқуқий ҳимояга муҳтоҷ» эканлигини эътиборга олиб, Ижтимоий ва ҳуқуқий тамойиллар тўғрисидаги декларациянинг болалар ҳимояси ва фаровонлиги, айниқса, болаларни миллий ва халқаро даражаларда тарбиялашга бериш ҳамда асраб олиш пайтидаги ҳимояси ва фаровонлигига доир қоидаларига, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Балоғатга етмаган болаларга нисбатан одил судлов юритишга доир минимал стандарт қоидалари («Пекин қоидалари») ва Фавқулодда ҳолатларда ва қуролли можаролар даврида аёллар ва болаларни ҳимоя қилиш тўғрисида декларация **қоидаларига таяниб**,

жахондаги барча мамлакатларда ниҳоятда оғир шароитларда яшаётган болалар борлиги ҳамда улар алоҳида эътиборга муҳтоҷ эканликларини **эътироф этиб**,

боланинг ҳимоя қилиниши ва уйғун равишда ривожланиши учун ҳар бир халқнинг анъаналари ва маданий қадриятлари муҳим аҳамият касб этишини муносиб тарзда **ҳисобга олиб**,

ҳар бир мамлакатда, жумладан, ривожланаётган мамлакатларда болаларнинг турмуш шароитларини яхшилаш учун халқаро ҳамкорлик қилишнинг муҳимлигини **эътироф этиб**,

қўйидагилар ҳақида келишиб олдилар:

I ҚИСМ

1-модда

Ушбу Конвенциянинг максадлари учун 18 ёшга тўлмаган ҳар бир инсон зоти, агар болага нисбатан қўлланадиган қонун бўйича у эртароқ балоғатга етмаган бўлса, бола ҳисобланади.

2-модда

1. Иштирокчи-давлатлар ушбу Конвенцияда ўз таъсир доирасида бўлган ҳар бир бола учун кўзда тутилган барча ҳуқукларни, ҳеч қандай камситишлариз, ирки, тана ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ёки бошқа эътиқодлари, миллий, этник ёки ижтимоий келиб чиқиши, мулкий аҳволи, боланинг соғлиги ва туғилиши, унинг ота-онаси ёки қонуний васийси ёки бирор-бир бошқа ҳолатлардан қатъий назар, хурмат қиласидар ҳамда шу ҳуқукларни таъминлаб берадилар.

2 Иштирокчи-давлатлар бола, унинг ота-онаси, қонуний васийси ёки ошқа оила аъзоларининг қарашлари ёки эътиқодида ўз ифодасини топадиган мақом, фаолият асосида камситиш ёки жазолашнинг барча шаклларидан бола ҳимоясини таъминлаш учун ҳамма зарур чораларни кўрадилар.

3-модда

1. Болаларга нисбатан барча хатти-харакатларда, улар ижтимоий таъминот масалалари билан шуғулланувчи давлат ёки хусусий муассасалар, судлар, маъмурий ёки қонун чиқарувчи органлар томонидан содир этиладими-йўқми, бундан қатъий назар, боланинг манфаатлари яхшироқ таъминланишига биринчи даражали эътибор берилади.

2. Иштирокчи-давлатлар ўз зиммасига болани унинг фаровонлиги учун зарур ҳисобланган ҳимоя ва ғамхўрлик билан таъминлашини зиммаларига оладилар, бунда унинг ота-онаси, васийси ёки қонун бўйича унинг учун жавобгар саналмиш бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини эътиборда тутишни ҳисобга оладилар ҳамда анна шу максадда барча қонуний ва маъмурий чоратадбирларни кўрадилар.

3. Иштирокчи-давлатлар болалар ҳакида ғамхўрлик кўрсатиш ёки уларни ҳимоя қилиш учун масъул ҳисобланган органлар, муассасалар ва хизматлар ваколатли органлар томонидан белгилаб кўйилган меъёрларга, хусусан, хавф-сизлик ва соғлиқни саклаш соҳасида ва улардаги ходимларнинг сони ва ишга яроқлилиги, шунингдек, ваколатли назорат олиб бориши нуқтаи назаридан белгилangan меъёрларга жавоб беришларини таъминлайдилар.

4-модда

Иштирокчи-давлатлар ушбу Конвенцияда эътироф этилган ҳуқукларни амалга ошириш учун барча зарур қонуний, маъмурий ва бошқа чораларни кўрадилар. Иктиносидий, ижтимоий ва маданий ҳуқукларга нисбатан иштирокчи-давлатлар бундай чораларни ўзларида мавжуд бўлган имкониятлар доирасида, мумкин қадар юкори даражада зарурат туғилган тақдирда эса халқаро ҳамкорлик доирасида қабул қиласидар.

5-модда

Иштирокчи-давлатлар ота-онанинг ва тегишли ҳолатларда енгайтирилган оила аъзолари ёки маҳаллий урф-одатларда кўзда тутилганидек, жамоанинг васийлар ёки қонун бўйича бола тарбияси учун жавоб-

гар хисобланган бошқа шахсларнинг ушбу Конвенцияда эътироф этилган ҳуқуқларни амалга оширишда муносиб даражада болани бошқариш ва унга раҳбарлик қилиш ҳамда бу ишни боланинг ривожланиб бораётган қобилиятларига мувофиқ ҳолда бажаришдаги масъулияти, ҳуқуқ ва мажбуриятларини хурмат қиладилар.

6-модда

1. Иштирокчи-давлатлар ҳар бир бола яшаш учун ажралмас ҳуқукқа эга эканлигини эътироф этадилар.
2. Иштирокчи-давлатлар боланинг омон яшashi ва соғлом ривожланиши учун мумкин қадар юқори даражада имконият яратиб берадилар.

7-модда

1. Бола туғилган заҳоти рўйхатга олинади ва туғилган дақиқасидан бошлаб исм билан аталиш ва фуқароликка эга бўлиш, шунингдек, иложи борича, ўз отаонасини билиш ва уларнинг ғамхўрликларидан баҳраманд бўлиш ҳуқуқларини олишга ҳақли хисобланади.

2. Иштирокчи-давлатлар бундай ҳуқуқларнинг ўз миллий қонунчиликларига мувофиқ амалга оширилишини, уларнинг мажбуриятлари шу соҳага тегишли ҳалқаро ҳужжатларга асосан, хусусан, агар бола бошқа фуқароликка эга бўлмаган тақдирда бажарилишини таъминлайдилар.

8-модда

1. Иштирокчи-давлатлар қонунда кўзда тутилганидек, боланинг ўзига хос хусусиятлари жумладан, фуқаролиги, исми ва оиласвий алоқаларини сақлаб қолиши ҳуқуқини хурмат қилиш, қонунга зид равишда аралашувга йўл қўймаслик мажбуриятини оладилар.

2. Агар бола ўзига хослик элементларининг бир ёки барча қисмларидан файриқонуний равишда маҳрум этилган бўлса, иштирокчи-давлатлар унинг бу хусусиятлари тезрок тикланиши учун зарур ёрдам ва ҳимоялашни таъминлайдилар.

9-модда

1. Иштирокчи-давлатлар бола ўз ота-онасидан уларнинг хоҳишлиярига зид равишда айрилиб қолмаслигини таъминлайдилар, ваколатли органлар суд қарорига биноан қўлланган қонун ва тартиб-русумга мувофиқ бундай айрилиш боланинг энг яхши манфаатлари йўлида зарур деб топган ҳолатлар бундан мустаснодир. Бундай ажрим, масалан, ота-она болага шафқатсизлик билан муносабатда бўлган ёки у хақда ғамхўрлик килмай қўйган, ёхуд ота-она алоҳида яшаётган ҳамда бола яшайдиган жойга нисбатан қарор қабул қилиш зарурати пайдо бўлган у ёки бу аниқ ҳолатда зарур бўлиши мумкин.

2. Ушбу модданинг 1-бандига мувофиқ ҳолда ишни ҳар қандай шароитда кўриб чиқиши жараёнида барча манфаатдор томонларга муҳокамада қатнашиш ва ўз нуқтаи назарини баён қилиш имконияти берилади.

3. Иштирокчи-давлатлар ота-онасининг биттаси ёки ҳар икковидан ҳам айрилган боланинг улар билан мунтазам равишда шахсий муносабатлар ва тўғридан-тўғри алоказалар боғлаб туриш хукукини ҳурмат қиладилар, бундай муносабатлар боланинг энг яхши манфаатларига зид келадиган ҳолатлар бундан мустасно.

4. Иштирокчи-давлат томонидан қабул қилинган бирор-бир қарор, масалан, хибсга олиш, қамаш, сургун қилиш, депортация ёки ота-онадан биттаси ёхуд икковининг ҳам, ёки боланинг ўлими (ана шу шахс давлат ихтиёрида бўлган пайтда ҳар қандай сабабга кўра рўй берган ўлим ҳам шунга киради) туфайли содир бўлган бўлса, иштирокчи-давлат ота-онага, болага ёки, агар зарурат туғилса, оиланинг бошқа аъзосига уларнинг илтимосига биноан оиланинг йўқолган аъзоси (аъзолари яшаб турган жой) ҳақида, зарур ахборотни агар бу боланинг фаровонлигига зиён келтирмайдиган бўлса етказиб беради. Иштирокчи-давлатлар бундай илтимосни қондириш ўз-ўзидан тегишли шахс (шахслар) учун ноxуш оқибатларга олиб келмаслигини таъмин этадилар.

10-модда

1. Иштирокчи-давлатларнинг 9-моддадаги 1-банд бўйича мажбуриятига мувофиқ бола ёки унинг ота-онаси оилани бирлаштириш мақсадида иштирокчи-давлатга кириш ёхуд ундан чикиш учун берган аризалари иштирокчи-давлатлар томонидан ижобий, инсонпарварлик руҳида ва тезкорлик билан кўриб чиқилиши лозим. Иштирокчи-давлатлар бундай илтимослар аризачилар ва уларнинг оила аъзолари учун ноxуш оқибатлар келтириб чиқармаслигини таъминлайдилар.

2. Ота-онаси турли давлатларда яшаётган бола алоҳида ҳолатлардан ташқари, отаси ва онаси билан мунтазам равишда шахсий муносабатлар ва тўғридан-тўғри алоказалар боғлаб туриш хукуқига эгадир. Ана шу мақсадда 9-модданинг 2-банди бўйича иштирокчи-давлатларнинг мажбуриятларига мувофиқ иштирокчи-давлатлар боланинг ва ота-онасининг ҳар қандай мамлакатни тарк этиш, жумладан, ўз мамлакатини ташлаб кетиш ва унга қайтиб келиш хукукини ҳурмат қиладилар. Ҳар қандай мамлакатни тарк этиш хукуқига нисбатан қонунда белгилаб қўйилган ва давлат хавфсизлигини, жамоат тартибини (ordre public), аҳолининг соғлиги ва маънавияти ҳамда бошқа шахсларнинг хукуқ ва эркинликларини сақлаш учун зарур ҳисобланган, ушбу Конвенцияяда эътироф этилган бошқа хукукларга мос тушадиган чеклашларгина амалда бўлади.

11-модда

1. Иштирокчи-давлатлар болаларнинг ғайриқонуний равишида кўчирилишига ва чет элдан қайтмаслигига карши кураш олиб бориш учун чора-тадбирлар кўрадилар.

2. Ана шу мақсадда иштирокчи-давлатлар икки томонлама ёки кўп томонлама битимлар тузилишига, ёхуд амалдаги битимларга қўшилишга кўмаклашадилар.

12-модда

1. Иштирокчи-давлатлар ўзининг қарашларини шакллантиришга қодир болага ана шу қарашларни болага тааллуқли барча масалалар бўйича эркин ифода

этиш хуқуқини таъминлайдилар, бинобарин, боланинг қарашларига унинг ёши ва етуклигига мувофиқ даражада эътибор берилади.

2. Ана шу мақсадда болага, жумладан, болага тааллуқли ҳар қандай суд ёки маъмурӣ мухокама пайтида, бевосита, вакил ёхуд тегишли орган орқали миллий қонунчиликнинг процессуал меъёrlарида кўзда тутилган тартибда ўзининг фикрларини улар томонидан эшитиш имконияти берилади.

13-модда

1. Бола ўзининг фикрини эркин ифодалаш хуқуқига эга: бу хуқуқ ҳар қандай турдаги аҳборотни, чегарасидан қатъий назар, оғзаки, ёзма ёки босма шаклда, санъат асари қўринишида ёки боланинг танловига кўра бошқа воситалар ёрдамида излаш, олиш ва узатиш эркинлигини ўз ичига олади.

2. Бундай хуқуқнинг амалга оширилиши бъязи бир чеклашларга дуч келиши мумкин, бироқ бундай чеклашлар факат қонунда кўзда тутилган чеклашлардан иборат бўлади, бу куйидагилар учун зарур:

а) бошқа шахсларнинг хуқуқлари ва обрўсими хурмат қилиш учун;

б) давлат хавфсизлиги ёки жамоат тартибини (*ordre public*), аҳолининг соғлиги ёки маънавиятини муҳофаза қилиш учун.

14-модда

1. Иштирокчи-давлатлар боланинг фикрлаш, виждон ва дин эркинлиги хуқуқини хурмат қиласидилар.

2. Иштирокчи-давлатлар ота-онанинг ҳамда тегишли ҳолатларда қонуний васийларнинг болага унинг ривожланаётган қобилиятларига мувофиқ келадиган усул орқали бола хуқуқини амалга оширишда раҳбарлик қилиш хуқуки ва мажбуриятларини хурмат қиласидилар.

3. Ўз дини ёки эътиқодини тарғиб қилиш эркинлиги факат қонунда белгиланган ҳамда давлат хавфсизлигини, жамоат тартибини, аҳолининг маънавияти ва соғлигини сақлаш ёки бошқа шахсларнинг асосий хуқуқ ва эркинликларини химоя қилиш учун зарур хисоблангандағина чекланиши мумкин.

15-модда

1. Иштирокчи-давлатлар боланинг ассоциация ва тинч йиғилишлар эркинлиги хуқуқини эътироф этадилар.

2. Бу хуқуқнинг амалга оширилишига нисбатан бирор-бир чеклашлар қўлланмайди, қонунга мувофиқ қўлланадиган ва демократик жамиятда давлат хавфсизлиги ёки жамият хавфсизлиги, жамоат тартиби (*ordre public*) манфаатлари йўлида, аҳолининг соғлиги ёки маънавиятини сақлаш, бошқа шахсларнинг хуқуқ ва эркинликларини химоя қилиш учун зарур бўлган чеклашлар бундан мустаснодир.

16-модда

1. Бирорта бола унинг шахсий ҳаёт, оилавий ҳаёт, уй-жой дахлисизлиги ёки почта орқали юбориладиган нарсаларнинг маҳфийлигига бўлган хуқуки амалга

оширилишига ўзбошимчалик билан ёки қонунга зид равиша аралашиш, ёхуд унинг шаъни ва обрўсига файриқонуний тажовуз қилиш объекти бўлиши мумкин эмас.

2. Бола ана шундай аралашишлар ёки тажовуз қилишлардан қонун йўли билан ҳимояланиш хукукига эгадир.

17-модда

Иштирокчи-давлатлар оммавий ахборот воситаларининг муҳим мавқеини эътироф этадилар ҳамда бола турли миллий ва халқаро манбаларнинг ахборотлари ҳамда материаллари, айниқса, ижтимоий, маънавий ва ахлоқий фаровонликка, шунингдек, боланинг соғлом, жисмоний ва руҳий ривожланишига кўмаклашишга қаратилган ахборотлардан баҳраманд бўлишини таъминлайдилар.

Шу мақсадда иштирокчи-давлатлар:

а) оммавий ахборот воситаларини ижтимоий ва маданий йўналишдаги ҳамда 29-модда руҳидаги бола учун фойдали ахборот ва материалларни тарқатишига рағбатлантирадилар;

б) турли маданий, миллий ва халқаро манбалардан бундай ахборот ва материаллар тайёрлаш, айирбошлиш ҳамда тарқатиши соҳасидаги халқаро ҳамкорликни рағбатлантирадилар;

с) болалар адабиётини нашр этиши ва тарқатишини рағбатлантирадилар;

д) оммавий ахборот воситаларининг қандайдир озчиликни ташкил қилувчи гуруҳ ёки туб аҳолига мансуб боланинг тил эҳтиёжларига алоҳида эътибор беришни рағбатлантирадилар;

е) 13- ва 18-моддаларни ҳисобга олган ҳолда боланинг фаровонлигига зарар етказадиган ахборот ва материаллардан уни ҳимоя қилишнинг тегишли тамойилларини ишлаб чиқишини рағбатлантирадилар.

18-модда

1. Иштирокчи-давлатлар бола тарбияланиши ва ривожланиши учун отаонанинг умумий ва бир хил жавобгарлиги тамоили эътироф этилишини таъминлаш учун бор куч-ғайратларни сафарбар этадилар. Ота-она ёки тегишли ҳолатларда конуний васийлар боланинг тарбияланиши ва ривожланиши учун асосий жавобгар бўладилар. Боланинг энг яхши манфаатлари улар кўрсатадиган асосий ғамхўрликнинг предмети ҳисобланади.

2. Ушбу Конвенцияда баён қилинган ҳуқуқларнинг амалга оширилишини кафолатлаш ва кўмаклашиш мақсадида иштирокчи-давлатлар ота-она ва конуний васийларга бола тарбияси бўйича мажбуриятларини бажаришларига тегишли ёрдам кўрсатадилар ҳамда болалар муассасалари тармоғининг ривожланишини таъминлайдилар.

3. Иштирокчи-давлатлар ота-онаси ишлайдиган болаларга мўлжалланган хизматлар ҳамда болалар парвариш қилинадиган муассасалардан болаларнинг фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлишларини таъминлаш учун барча зарур чораларни кўрадилар.

19-модда

1. Иштирокчи-давлатлар болани жисмоний ва руҳий зўравонликнинг, ҳақоратлаш ва суиистъемолликлар, ғамхўрлик кўрсатмаслик ёки бепарволик билан муомалада бўлиш, кўпол муомала қилиш ёки ота-она, конуний васийлар, ёки бола ҳакида ғамхўрлик қилувчи ҳар қандай бошқа шахс томонидан эксплуатация қилиш, жумладан, шаҳвоний суиистъемолликлар содир этишнинг ҳар қандай шаклларидан ҳимоялаш мақсадида жамики зарур қонуний, маъмурий, ижтимоий ва маърифий чора-тадбирларни кўрадилар.

2. Бундай ҳимоя чоралари, зарурат туғилган тақдирда, бола ва унинг ҳакида ғамхўрлик кўрсатаётган шахсларни лозим даражада қўллаб-куватлаш мақсадидаги ижтимоий дастурлар ишлаб чиқиш учун самарали тартиб-руsumларни, хунингдек, бола билан юқорида кўрсатилган тарзда шафқатсизларча муомала қилиш ҳоллари муносабати билан огоҳлантириш, аниқлаш ҳоллари муносабати билан огоҳлантириш, аниқлаш, хабар бериш, қараб чиқиш, тер-гов олиб бориш, даволаш ҳамда шундан кейинги чораларни кўриш зарурати туғилган тақдирда, суд ишини кўзғатиш учун чора-тадбирларни ҳам ўз ичига олади.

20-модда

1. Оила ғамхўрлигидан вактинча ёки доимий маҳрум бўлган ёки ўзининг энг яхши манфаатлари йўлида бундай ғамхўрликда қола олмайдиган бола давлат томонидан кўрсатиладиган алоҳида ҳимоя ва ёрдамни олиш хукуқига эгадир.

2. Иштирокчи-давлатлар ўз миллий конунларига мувофиқ болани парвариши қилишнинг алмаштирилишини таъминлайдилар.

3. Болани бундай парваришилаш, жумладан, ислом шариати бўйича «кафола»га тарбияга беришни, асраб олишни ёки зарурат туғилган тақдирда, болалар бокиладиган тегишли муассасаларга жойлаштиришни ўз ичига олади. Парваришин алмаштириш турлари қараб чиқилаётганда бола тарбиясида-ги ворисликнинг мақсадга мувофиқлиги ҳамда унинг этник келиб чиқиши, диний ва маданий мансублиги, она тили етарли даражада хисобга олиниши лозим.

21-модда

Бола асраб олиш тизими мавжудлигини эътироф ёки ҳал қиласиган иштирокчи-давлатлар боланинг энг зарур манфаатлари биринчи навбатда хисобга олинишини таъминлайдилар, улар:

а) болани асраб олиш факат ваколатли маъмурлар томонидан ҳал этилишини таъминлайдилар, бундай маъмурлар қўлланадиган конун ва тартиб-руsumларга мувофиқ ҳамда ишга тааллукли ва ишончли бутун ахборот асосида асраб олишга ота-она, қариндошлар ва қонуний васийларга нисбатан боланинг мақомига қараб, агар талаб этилса, манфаатдор шахслар зарур бўлиб қоладиган маслаҳат асосида асраб олиш учун ўзларининг онгли розиликларини беришлари боис йўл қўйилишини аниқлайдилар;

b) бошқа мамлакатда асраб олиш, агар болани тарбияга бериш ёки унинг тарбиясини таъминлай оладиган ёхуд асраб оладиган оилага жойлаштириш мумкин бўлмаса, агар бола пайдо бўлган мамлакатда уни муносиб равиша тарбиялашни таъминлашнинг иложи бўлмаса, бола боқишининг мукобил усули сифатида қаралишини эътироф этадилар;

c) болани бошқа мамлакатда асраб олинган тақдирда худи мамлакат ичкарисида асраб олинганида қўлланадиган кафолат ва меъёрлар қўлланишини таъминлайдилар;

d) бола бошқа мамлакатда асраб олинган тақдирда унинг жойлаштирилиши шу иш билан боғлиқ шахсга ўзини окламаган молиявий фойда келтирмаслиги-ни таъминлаш учун зарур чораларни кўрадилар;

e) зарур ҳолатларда ушбу модданинг мақсадларига икки томонлама ва кўп томонлама шартлашувлар ёки битимлар тузилиши йўли билан эришишга кўмаклашадилар ҳамда шу асосда боланинг бошқа мамлакатда жойлашуви ваколатли маъмурлар ва органлар томонидан амалга оширилишини таъминлашга интиладилар.

22-модда

1) Иштирокчи-давлатлар кочоқ мақомини олишни истаган ёки қочоқ хисобланган боланинг қўлланадиган ҳалқаро ёки ички хукуқ ва тартиб-руsumларга мувофиқ равиша, ҳам унга ҳамроҳ бўлаётган ва бўлмаётган ота-онаси ёки тегишли равиша химоя қиласидиган ва инсонпарварлик ёрдами кўрсатадиган ҳар қандай бошқа шахсни ушбу Конвенцияда ва инсон хукуклари бўйича бошқа ҳалқаро хужжатларда ёки хужжатларда баён қилинган қўлланиши мумкин бўлган хукуклардан фойдаланишини иштирокчилари хисобланадиган кўрсатиб ўтилган давлатлар таъминлаш учун зарур чораларни кўрадилар.

2. Ана шу мақсадда иштирокчи-давлатлар, ўзлари зарур деб топган ҳолатларда, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва бошқа ваколатли хукуматлараро ташкилотлар ёки Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан ҳамкорлик қилаётган нодавлат ташкилотларнинг бундай болани химоя қилиш, унга ёрдам кўрсатиш ҳамда ҳар қандай қочоқ боланинг ота-онаси ёки оиласининг бошқа аъзоларини излашда, унинг ўз оиласи билан кўшилиши учун зарур бўлган ахборотни олиш мақсадидаги ҳар қандай куч-ғайратларига кўмаклашадилар. Агар ота-онаси ёки оиласининг бошқа аъзоларини топишнинг иложи бўлмаган тақдирда, ушбу Конвенцияда кўзда тутилганидек, бирор-бир сабабга кўра ўзининг оиласидаги таъдирига муносиб тарзда яшаши лозимлигини эътироф этадилар.

23-модда

1. Иштирокчи-давлатлар ақлий ва жисмоний жиҳатдан яхши ривожланмаган бола ўзининг кадр-кимmatини таъминлайдиган, ўзига ишонч туғдирадиган ва унинг жамият хаётидаги фаол иштирокини енгиллаштирадиган шароитларда тўлақонли ҳамда муносиб тарзда яшаши лозимлигини эътироф этадилар.

2. Иштирокчи-давлатлар ақлий ва жисмоний нотूкис бола ўзига нисбатан алоҳида ғамхўрлик кўрсатилиши хукуқига эга эканлигини эътироф этадилар ҳамда буни рағбатлантирадилар, имкониятлар мавжуд бўлган тақдирда, ёрдам сўраб илтимос қилинган бўлса ва бундай ёрдам боланинг аҳволига, унинг отонаси ва бола ҳақида ғамхўрлик кўрсатаётган бошқа шахсларнинг мавқеига мос келса, шунга ҳақли болага унга ғамхўрлик қилиш учун жавобгар кишиларга ана шундай ёрдам берилишини таъминлайдилар.

3. Ақлий ва жисмоний нотूкис боланинг алоҳида эҳтиёжлари эътироф этилган ҳолда, ушбу модданинг 2-бандига мувофиқ ёрдам имкон даражасида боланинг отонаси ва у ҳақда ғамхўрлик қилаётган бошқа шахсларнинг молиявий имкониятлари ҳисобга олиниб бепул берилади, бундай ёрдам нотूкис бола таълим, касб-кор тайёргарлиги, тиббиёт, соғлиқни тиклаш, меҳнат фаолиятига тайёргарлик кўриш соҳасидаги хизматларидан самарали равишда баҳраманд бўлишини таъминлашни кўзда тутади, шунингдек, дам олиш воситаларига йўл очадики, бундай воситалар имкон даражасида болани ижтимоий ҳаётга жалб этишга, шахснинг ривожланиши, жумладан, маданий ва маънавий камол топишга олиб келади.

4. Иштирокчи-давлатлар халқаро ҳамкорлик руҳида нотूкис болаларнинг соғлиғини саклаш профилактикаси, тиббиёт, руҳий ва функционал даволаниши соҳасидаги тегишли ахборотнинг айир-бошланишига кўмаклашадилар, соғломлаштириш усуллари, умумий таълим ва касб-кор тайёргарлиги ҳақидаги ахборотни тарқатиш, шунингдек, ана шу ахборот билан танишиш имкониятига эга бўлиш ҳам шунга киради, токи иштирокчи-давлатлар бу соҳадаги ўз имкониятлари ва билимларини яхшилашга, тажрибаларини кенгайтиришга эришсинглар. Шу муносабат билан ривожланаётган мамлакатларнинг эҳтиёжларига алоҳида эътибор берилиши лозим.

24-модда

1. Иштирокчи-давлатлар боланинг соғлиқни саклаш тизимининг такомиллашган хизматларидан, касалликларни даволаш ва саломатликни тиклаш воситаларидан фойдаланишини хукуқий эътироф этадилар. Иштирокчи-давлатлар бирорта ҳам бола соғлиқни саклаш тизимининг бундай хизматларидан баҳраманд бўлишдан иборат ўз хукуқидан маҳрум бўлиб қолмаслигини таъминлашга ҳаракат киласидилар.

2. Иштирокчи-давлатлар бундай хукуқнинг тўёла амалга ошишига эришадилар, жумладан, куйидаги чораларни кўрадилар:

- а) чақалоқлар ва болалар ўлими даражасини пасайтириш;
- б) ҳамма болаларга зарур тиббий ёрдам кўрсатилиши ва уларнинг соғлиғини саклашга, бирламчи тиббий-санитария ёрдамини ривожлантиришга биринчи даражали эътибор берилишига эришиш;
- с) бошқа усуллар каторида қулай технологияни қўллаш ва етарли миқдорда тўйимли озиқ-овқат ва тоза ичимлик сув етказиб бериш йўли билан ҳамда атроф-муҳитнинг ифлосланиши хавф-хатарини эътиборга олган ҳолда бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатиш доирасида касалликлар ва тўйиб овқатланмасликка карши кураш олиб бориш;

д) оналарга туғиши олдидан ва түккәндан кейинги даврда уларнинг соғлигини сақлаш соҳасида тегишли хизматларни тақдим этиш;

е) жамият барча табақаларининг, жумладан, ота-оналар ва болаларнинг гўдаклар соғлиги ва овқатланиши, кўкрак сути билан боқишининг афзаликлири, гигиена, бола яшаётган муҳит санитарияси ва баҳтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш ҳақидаги хабардорлигини таъминлаш, шунингдек, уларнинг илм олишига йўл очиш ва эгаллаган билимларидан фойдаланишларини қўллаб-куватлаш;

ф) профилактик тиббий ёрдам ва оила ҳажмини режалаштириш соҳасидаги маърифий ишлар ва хизматларни ривожлантириш.

3. Иштирокчи-давлатлар болаларнинг соғлигига салбий таъсир кўрсатадиган анъанавий амалиётга барҳам бериш мақсадида ҳар қандай самарали ва зарур чора-тадбирларни кўрадилар.

4. Иштирокчи-давлатлар ушбу моддада эътироф этилган хукуқлар тўла амалга ошишига аста-секин эришиш мақсадида халқаро ҳамкорликни рағбатлантириш ва ривожлантириш мажбуриятини оладилар. Шу муносабат билан ривожланаётган мамлакатларнинг эҳтиёжларига алоҳида эътибор берилиши зарур.

25-модда

Иштирокчи-давлат парвариш қилиш, ҳимоя остига олиш ёки жисмоний ёхуд руҳий даволаш, болага тақдим этиладиган даволашни вақтинча баҳолаш ҳамда бундай васийлик билан боғлиқ, болага тегишли барча бошқа шарт-шароитни яратиб бериш мақсадида ваколатли органлар томонидан васийликка топширилган боланинг хукуқларини эътироф этадилар.

26-модда

1. Иштирокчи-давлатлар ҳар бир боланинг ижтимоий таъминот неъматларидан, жумладан, ижтимоий суғуртадан фойдаланиш хукукини эътироф этадилар ҳамда ана шу хуқуқ давлатларнинг миллий қонунчилигига мувофиқ тўла амалга ошишига эришиш учун зарур чора-тадбирларни кўрадилар.

2. Бу неъматлар, заруратга қараб бола ҳамда болани боқиши масъулиятини зиммасига олган шахслар ҳақидаги, бола томонидан ёки унинг номидан неъматларни олиш билан боғлиқ ҳар қандай фикр-мулоҳаза назарда тутилган ҳолда тақдим этилади.

27-модда

1. Иштирокчи-давлатлар ҳар бир боланинг жисмоний, ақлий, маънавий, ахлоқий ва ижтимоий камол топиш учун зарур ҳисобланган турмуш даражасига эга бўлиш хукукини эътироф этадилар.

2. Ота-она ёки болани тарбиялаётган бошқа шахслар ўз қобилияtlари ва молијавий имкониятлари доирасида боланинг ривожланиши учун зарур бўлган турмуш шароитини таъминлашга асосий жавобгардир.

3. Иштирокчи-давлатлар миллий шарт-шароитларга мувофиқ ва ўз имкониятлари доирасида ана шу хукуқнинг амалга ошишида ота-она ва болани тарбиялаётган

бошқа шахсларга ёрдам кўрсатиш юзасидан зарур чора-тадбирларни кўрадилар, зарурат түғилган ҳолларда моддий ёрдам берадилар, айниқса, озиқ-овқат, кийим-кечак ва уй-жой билан таъминлаш борасидаги дастурни кўллаб-кувватлайдилар.

4. Иштирокчи-давлатлар ота-она ёки бола учун молиявий жавобгар хисобланган бошқа шахслар томонидан болани бокишиш иштирокчи-давлат ичида ҳам, хорижда ҳам тикланишини таъминлаш учун барча зарур чора-тадбирларни кўрадилар. Хусусан, бола учун молиявий жавобгар шахс ва бола билан улар турли давлатларда яшаётган бўлсалар, иштирокчи-давлатлар халқаро битимларга қўшилишга ёки шундай битимлар тузилишига, шунингдек, бошқа тегишли келишувларга эришишга кўмаклашадилар.

28-модда

1. Иштирокчи-давлатлар боланинг илм олиш ҳуқуқини эътироф этадилар ҳамда ана шу ҳуқук teng имкониятлар асосида амалга ошишига аста-секин эришиш мақсадида улар, жумладан:

а) бепул ва мажбурий бошланғич таълимни жорий этадилар;
б) ҳам умумий, ҳам касб-хунар бўйича ўрта таълимнинг турли шакллари ривожланишини рағбатлантирадилар, бундай таълимдан ҳамма болалар баҳраманд бўлишларини таъминлайдилар ҳамда бепул таълим жорий этиш ва зарурат түғилган ҳолларда, молиявий ёрдам кўрсатиш сингари зарур чора-тадбирларни кўрадилар;

с) барча зарур воситалар ёрдамида ҳар бир боланинг қобилияти асосида олий таълимдан баҳраманд бўлишини таъминлайдилар;

д) барча болалар учун таълим ва касб-хунар тайёргарлиги соҳасида ахборот ҳамда материаллар билан танишиш имкониятларини яратиб берадилар;

е) болаларнинг мактабга мунтазам боришлирага қўмаклашиш ҳамда мактабни ташлаб кетадиган ўқувчилар сонининг камайиши учун чора-тадбирлар кўрадилар.

2. Иштирокчи-давлатлар мактаб интизоми боланинг инсонийлик қадр-кимматини ҳурматлаш ўз ифодасини топган усууллар ёрдамида ҳамда ушбу Конвенцияга мувофиқ боғлаб олиб борилиши учун барча зарур чора-тадбирларни кўрадилар.

3. Иштирокчи-давлатлар таълимга тааллуқли масалалар бўйича, жумладан, бутун дунёда жоҳиллик ва саводсизликни тугатишга ёрдам берадиган ҳамда илмий-техникавий билимлар ва ўқитишнинг замонавий усуулларига йўл очишни енгиллаштирадиган мақсадларга қаратилган халқаро ҳамкорликни рағбатлантирадилар ва ривожлантирадилар. Шу муносабат билан ривожланаётган мамлакатларнинг эҳтиёжларига алоҳида эътибор берилиши зарур.

29-модда

1. Иштирокчи-давлатлар болага таълим бериш қўйидаги йўналишларда олиб борилиши лозимлигига розилик билдирадилар:

а) боланинг шахси, истеъоди, ақлий ва жисмоний қобилияtlари энг тўла ҳажмда ривожланиши;

б) инсон хукуқлари ва асосий эркинликларига, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низомида эълон қилинган тамойилларга ҳурматни тарбиялаш;

с) боланинг ота-онага, унинг маданий ўзига хослиги, тили ва қадриятларига, бола яшаётган мамлакатнинг, у дунёга келган мамлакатнинг миллий қадриятларига, ўзиникидан фарқ қиласидиган маданий тараққиёт даражасига ҳурмат билан карашни тарбиялаш;

д) болани эркин жамиятда, тинчлик, сабр-тоқатли бўлиш, эркаклар ва аёлларнинг tengлиги ҳамда барча халқлар, этник, миллий ва диний гурухлар, шунингдек, туб аҳоли орасидан бўлган шахслар ўртасида дўстлик руҳида тайёрлаш;

е) атроф — табиатга ҳурматни тарбиялаш.

2. Ушбу модданинг ёки 28-модданинг ҳеч қайси банди алоҳида шахслар ва органларнинг ўкув юртларини очиш ҳамда уларга Ушбу модданинг 1-бандида баён этилган тамойилларга риоя қиласидиган ҳолда раҳбарликни амалга ошириш ҳамда бундай ўкув юртларида бериладиган таълим давлат томонидан ўрнатилиган минимал меъёrlарга жавоб бериши керак, деган талабнинг бажарилишидаги эркинлигини чеклаш сифатида талқин қилинмайди.

30-модда

Этник, диний ёки тил жиҳатдан озчиликни ташкил қилувчи ёхуд туб аҳолига мансуб шахслар яшайдиган давлатларда ана шундай озчилик ёки туб аҳолига мансуб боланинг мазкур гурух бошқа аъзолари билан биргаликда ўз маданиятидан фойдаланиш, ўз дини-га эътиқод қилиш ва унинг расм-русумларини бажариш, шунингдек, она тилидан фойдаланиш хукуки рад этилмаслиги лозим.

31-модда

1. Иштирокчи-давлатлар боланинг дам олиш ва бўш вақтини ўтказиш хукуқини, ўзининг ёшига мос келадиган ўйинлар ва қўнгил-очар тадбирларда иштирок этиш, маданий ҳаётда эркин қатнашиш, санъат билан шуғулланиш хукуқини эътироф этадилар.

2. Иштирокчи-давлатлар боланинг маданий ва ижодий ҳаётда ҳар томонлама қатнашиш хукуқини ҳурмат қиласидилар, рағбатлантирадилар ҳамда маданий ва ижодий фаолият, бўш вақтни ўтказиш ва дам олиш учун тегишли тенг имкониятлар яратиб берилишига кўмаклашадилар.

32-модда

1. Иштирокчи-давлатлар боланинг иқтисодий эксплуатациядан ҳамда унинг соглиги учун хавф-хатар етказиши мумкин бўлган ёки таълим олишига тўсқинлик қиласидиган, ёхуд соғлифи, жисмоний, ақлий, маънавий, ахлоқий ва ижтимоий ривожланишига зарар келтирадиган ҳар қандай ишлардан ҳимоя қилиниш хукуқини эътироф этадилар.

2. Иштирокчи-давлатлар ушбу модданинг амалга оширилишини таъминлаш учун қонуний, маъмурий ва ижтимоий, шунингдек, таълим соҳасидаги чора-

тадбирларни кўрадилар. Ана шу мақсадларда, бошқа халқаро хужжатларнинг тегишили қоидаларига амал қилган ҳолда, иштирокчи-давлатлар, жумладан:

- а) ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш ёки энг катта ёшларни белгилаб қўядилар;
- б) кундалик ишнинг муддати ва меҳнат шароитига доир зарур талабларни аниқлайдилар;
- с) ушбу модданинг самарали амалга оширилишини таъминлаш учун жазонинг тегишили турлари ёки бошқа санкцияларни кўзда тутадилар.

33-модда

Иштирокчи-давлатлар тегишили халқаро шартномаларда белгилаб қўйилганидек, болаларни гиёхвандлик ва психотроп моддаларни ғайриқонуний равишда истеъмол қилишдан ҳимоя этиш мақсадида зарур барча чоратадбирларни, жумладан, қонуний, маъмурий ва ижтимоий, шунингдек, таълим соҳасидаги чораларни ҳамда анна шундай моддаларни ғайриқонуний равишда ишлаб чиқаришда ва уларни сотишида болалардан фойдаланишга йўл қўймаслик чораларини кўрадилар.

34-модда

Иштирокчи-давлатлар болани ундан шаҳвоний мақсадларда фойдаланиш ва шаҳвоний бузишнинг барча шаклларидан ҳимоя қилиш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар. Ана шу мақсадларда иштирокчи-давлатлар, жумладан, қуидаги ҳолатларнинг олдини олиш учун миллий, икки томонлама ва кўп томонлама барча зарур чора-тадбирларни кўрадилар:

- а) болани ҳар қандай ғайриқонуний равишдаги шаҳвоний фаолиятга тортиш ва мажбурлаш;
- б) болалардан фоҳишабозлик ёки ғайриқонуний равишдаги барча шаҳвоний мақсадларда фойдаланиш;
- в) болалардан порнография ва порнография материаллари тайёрлаш мақсадларида фойдаланиш.

35-модда

1. Иштирокчи-давлатлар болаларни ўғирлаш, сотиш ёки уларни ҳар қандай мақсадларда ва ҳар қандай шаклларда контрабанда қилишнинг олдини олиш учун миллий, икки томонлама ва кўп томонлама барча зарур чора-тадбирларни кўрадилар.

36-модда

Иштирокчи-давлатлар болани унинг фаровонлигига оид ҳар қандай жиҳатдан зарар етказадиган фойдаланишнинг барча бошқа шаклларидан ҳимоя қиладилар.

37-модда

Иштирокчи-давлатлар қуидагиларни таъминлайдилар:

а) бирорта ҳам бола кийноқларга ёки бошқа шафқатсизларча, ғайриинсоний ёхуд қадр-құмматни оёкости қыладиган мұомала ёки жазога дучор этилмаслигини, на үлім жазоси, на озодликка чиқарыш имкониятини күзда тутмаган умрбод қамоқ жазоси 18 ёшдан кичик бўлган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар учун белгиланмайди;

б) бирорта ҳам бола ғайриқонуний равишида ёки ўзбошимчалик билан озодликдан маҳрум этилмаслигини. Болани ҳибсга олиш, ушлаб туриш ёки қамоққа солиш қонунга мувофиқ амалга оширилади ҳамда факат ноилож чора сифатида ва мумкин қадар киска вақт мобайнida ишлатилади;

с) озодликдан маҳрум этилган ҳар бир бола унинг ёшидаги шахс эҳтиёжлари ҳисобга олинган ҳолда инсоний мұомала ва шахсининг ажралмас қисми бўлган қадр-құмматини хурматлашдан фойдаланишини. Хусусан, озодликдан маҳрум этилган ҳар бир бола, агар боланинг энг яхши манфаатлари йўлида шундай қилиш керак, деб ҳисобланмаса, катталардан ажратиб сақланади ҳамда алоҳида ҳолатларни истисно қилганда, ўз оиласи билан хат ёзиш ва дийдор кўришиш орқали алоқа боғлаб туриш ҳуқуқига эгадир;

д) озодликдан маҳрум этилган ҳар бир бола ҳуқуқий ва бошқа тегишли ёрдамдан зудлик билан баҳраманд бўлиш ҳуқуқидан, шунингдек, суд ёки бошқа ваколатли, мустақил ва холис орган олдида ўзининг озодликдан маҳрум этилишининг қонунийлигига эътиroz билдириш ҳуқуқидан ҳамда ана шундай ҳар қандай процессуал хатти-харакатга нисбатан улар томонидан кечиктирмасдан қарор қабул қилиниши ҳуқуқидан фойдаланади.

38-модда

1. Иштирокчи-давлатлар халқаро инсонпарварлик ҳуқуқининг қуролли можаролар рўй берган ҳолатда уларга нисбатан кўлланадиган ва болаларга тааллуқли меъёрларини хурмат қилишни, уларга риоя этилишини таъминлашни ўз зиммаларига оладилар.

2. Иштирокчи-давлатлар 15 ёшга тўлмаган шахслар ҳарбий ҳаракатларда бевосита иштирок этмасликларини таъминлаш учун имкони бўлган барча чора-тадбирларни кўрадилар.

3. Иштирокчи-давлатлар 15 ёшга тўлмаган ҳар қандай шахсни ўз қуролли кучлари сафига хизматга чакиришга йўл кўймайдилар. 15 ёшга етган, бироқ 18 ёшга тўлмаган шахслар орасидан армияга жалб этилаётганда иштирокчи-давлатлар ёши каттароқ шахсларни маъқул кўришга ҳаракат қиласидилар.

4. Қуролли можаролар пайтида ҳарбий бўлмаган ахолини ҳимоя қилиш билан боғлиқ халқаро инсонпарварлик ҳуқуқи бўйича мажбуриятларига мувофиқ иштирокчи-давлатлар қуролли можароларнинг таъсиридан болаларни ҳимоялаш ҳамда парваришилашни таъминлаш учун имкони бўлган барча зарур чора-тадбирларни кўриш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар.

39-модда

Иштирокчи-давлатлар бепарволик, ишлатиш ёки суиистеъмолликлар, қийнашнинг ҳар қандай кўринишлари ёки шафкатсизлик, ноинсоний ёхуд қадр-кимматни оёқости қиласиган бошқа ҳар қандай муомала, жазолаш ёки куролли мажаролар курбони бўлган боланинг жисмоний ва руҳий тикланиши ҳамда ижтимоий жиҳатдан ўзини ўнглаб олишига кўмаклашиш учун барча зарур чора-тадбирларни кўрадилар. Бундай тикланиш ва ўзини ўнглаб олиш боланинг соғлиғи, ўзини ўзи хурматлаши ва қадр-кимматини таъминлайдиган шароитларда амалга оширилиши лозим.

40-модда

1. Иштирокчи-давлатлар жиной қонунчиликни бузган деб топилган, конунни бузишда айбланаётган ёки айбдор деб топилаётган ҳар бир боланинг унда қадр-киммат ва аҳамиятга моликлик ҳис-туйгусини тарбиялайдиган, болада инсон хукукларига ва бошқаларнинг асосий эркинликларига ҳурматни мустахкамлайдиган ҳамда бунда боланинг ёши ва ўзини ўнглаб олиши, жамиятда фойдали ўрин тутишига кўмаклашиш истаги ҳисобга олинадиган хукуқини эътироф этадилар.

2. Ана шу мақсадларда ва ҳалқаро ҳужжатларнинг тегишли қоидаларини эътиборга олиб, иштирокчи-давлатлар, жумладан, қўйидагиларни таъминлайдилар:

а) бирорта бола ҳатти-ҳаракат содир этилган вақтда миллий ёки ҳалқаро хукуқда ман этилмаган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик сабабли жиной қонунчиликни бузган деб топилмаслиги, айбланмаслиги ва айбдор деб топилмаслигини;

б) жиной қонунчиликни бузган деб ҳисобланяётган ёки уни бузишда айбланаётган ҳар бир бола камида кўйидаги кафолатларга эга бўлиши зарур:

I- унинг айби қонунга мувофиқ исботлангунча айбисизлик презумпцияси;

II- унга қарши қўйилаётган айблар ҳакида ўзига, зарурат туғилган тақдирда, унинг ота-онаси ёки қонуний васийси оркали кечиктирмасдан ва бевосита маълум қилиш ҳамда ўзининг ҳимоясини тайёрлаш ва амалга оширишда хукуқий ва бошқа хил ёрдам олиши;

III- кўриб чиқилаётган масала юзасидан ваколатли, мустақил ва холис орган ёки суд органи томонидан ишни адолатли тарзда кўриш давомида қонунга мувофиқ равиша адвокат ёхуд бошқа тегишли шахс иштирокида, агар бу боланинг энг яхши манфаатларига зид келади деб ҳисобланмаса, хусусан, унинг ёши ёки ота-онаси ёхуд қонуний васийларининг мавқеи ҳисобга олинган ҳолда хеч кечиктирмасдан қарор қабул қилиниши;

IV- гувоҳлик кўрсатмаси бериш ёки айбга иқорор бўлишга мажбурлашдан эркинлик; айлаш бўйича гувоҳларнинг кўрсатмаларини ёхуд мустақил равишида, ёхуд бошқа шахслар ёрдамида ўрганиб чиқиш ҳамда ҳимоя гувоҳларининг тенг равишдаги иштироки ва уларнинг кўрсатмаларини ўрганишни таъминлаш;

V- агар бола жиной қонунчиликни бузган деб ҳисобланса, юқори турувчи ваколатли, мустақил ва холис орган ёки суд томонидан тегишли қарорни ва у билан боғлиқ ҳолда қабул қилинган ҳар қандай чораларни қонунга мувофиқ равиша тақроран кўриб чиқиш;

VI-агар бола фойдаланилаётган тилни тушунмаса ёки бу тилда гапира олмаса, таржимоннинг бепул ёрдам бериши;

VII- ишни кўриб чиқишнинг барча боскичларида унинг шахсий ҳаётини тўла ҳурмат килиш.

3. Иштирокчи-давлатлар жиноий қонунчиликни бузган деб хисобланадиган, қонунбузарлиқда айбланаётган ёки айборд деб топилган болаларга бевосита тааллуқли қонунлар, тартиб-коидалар, органлар ва муассасаларни аниқлашда кўмаклашишга интиладилар, жумладан:

а) жиноий қонунчиликни бузишга қодир бўлмаган энг кичик ёшни белгилашга;
б) зарурат туғилган тақдирда ва истак бўлганда, бундай болалар билан муомала қилиш бўйича инсон ҳуқуқи ва хукуқий кафолатларга тўла риоя этилган ҳолда суд муҳокамасидан фойдаланмаслик чора-тадбирларини кўришга.

4. Боланинг фаровонлиги, ҳолати ва жиноятнинг характерига мувофиқ кела-диган, муассасалардаги парваришнинг ўрнини босадиган муомала қилишини таъминлаш мақсадида парвариш, васийлик ва назорат ҳақида коида, маслаҳат хизматлари, синов муддатини белгилаш, ўқув ва касб-хунарга тайёрлаш дастурлари ва парваришнинг бошқа шакллари мавжуд бўлиши зарурдир.

41-модда

Ушбу Конвенциядаги ҳеч бир нарса бола ҳуқуқларини амалга оширишга кўп даражада ёрдам берадиган ҳар қандай вазиятга дахл қилмайди ҳамда бундай коидалар куйидагиларда ўз ифодасини топиши мумкин:

а) иштирокчи-давлат қонунчилигига;
б) мазкур давлатга нисбатан амал қилаётган халқаро ҳуқуқ нормаларида.

II ҚИСМ

42-модда

Иштирокчи-давлатлар тегишли ва таъсирил воситалардан фойдаланган ҳолда Конвенциянинг тамойиллари ва коидалари ҳақида катта ёшдагиларни ҳам, болаларни ҳам кенг хабардор қилиш мажбуриятини ўз зиммасига оладилар.

43-модда

1. Иштирокчи-давлатлар томонидан ушбу Конвенцияга мувофиқ кабул қилинган мажбуриятлар бўйича эришилган тараққиётни кўриб чиқиш мақсадида куйида кўзда тутилган вазифаларни адо этадиган Бола ҳукуки бўйича қўмита таъсис қилинади.

2. Қўмита ўзининг юксак маънавий фазилатлари ҳамда Ушбу Конвенцияда қамраб олинган соҳаларда ваколатли деб эътироф этилган ўн нафар экспертдан иборатdir. Қўмита аъзолари иштирокчи-давлатлар томонидан ўз фуқаролари ичидан сайланадилар ҳамда улар шахсан иштирок этадилар, бинобарин, адолатли равишда жўғрофий тақсимланишга, шунингдек, бош ҳукуқий тизимларга эътибор берилади.

3. Қўмита аъзолари иштирокчи-давлатлар томонидан кўрсатилган шахслар рўйхатига киритилгандар орасидан ёпиқ овоз бериш йўли билан сайланадилар. Ҳар бир иштирокчи-давлат ўз фукаролари орасидан битта шахсни кўрсатиши мумкин.

4. Қўмитага дастлабки сайлов ушбу Конвенция кучга кирган кундан эътиборан олти ойдан кечикмасидан, кейин эса ҳар икки йилда бир марта ўтказилади. Ҳар бир сайлов кунидан камида тўрт ой олдин Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби иштирокчи-давлатларга икки ой мобайнида ўз номзодларини тақдим этиш таклифи билан хат орқали мурожаат қиласиди. Сўнгра Бош котиб кўрсатилган барча номзодлар рўйхатини алифбо тартибида иштирокчи-давлатлар номини қайд этган ҳолда тузуб чиқади ҳамда бу рўйхатни ушбу Конвенция иштирокчи-давлатларига тақдим этади.

5. Сайловлар Бош котиб томондан чакириладиган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг марказий муассасаларида иштирокчи-давлатлар кенгашларида ўтказилади. Иштирокчи-давлатларнинг учдан икки қисми кворумни ташкил эта-диган ана шу кенгашларда Қўмита таркибига сайланган деб энг кўп овоз олган ҳамда иштирокчи-давлатларнинг кенгашида иштирок этётган ва овоз беришда қатнашаётган вакилларининг мутлақ қўпчилик овозини тўплаган номзодлар хисобланадилар.

6. Қўмита аъзолари тўрт йиллик муддатга сайланадилар. Улар номзодлари тақороран кўрсатилган тақдирда қайта сайлананиш хуқуқига эгадирлар. Биринчи сайловларда сайланган беш аъзонинг ваколат муддати икки йиллик давр охирида тугайди, биринчи сайловдан кейинок зудлик билан айнан шу беш аъзо кенгаши Раиси томонидан куръя ташлаш орқали аниқланади.

7. Қўмита аъзоларидан бирортаси вафот этган ёки истеъфога чиқкан, ёхуд у қандайдир сабабга кўра Қўмита аъзоси вазифаларини бундан кейин бажара олмай қолган тақдирда ўша Қўмита аъзосини кўрсатган иштирокчи-давлат Қўмита қўллаб-кувватлаши шарти билан қолган муддатга ўз фукаролари орасидан бошқа эксперт тайинлайди.

8. Қўмита ўзининг тартиб-қоидаларини ўрнатади.

9. Қўмита икки йиллик муддатга ўзининг мансабдор шахсларини сайлайди.

10. Қўмита сессиялари, одатда, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг марказий муассасаларида ёки Қўмита танлаган бошқа ҳар қандай қулай жойда ўтказилади. Қўмита ўз сессияларини, одатда ҳар йили ўтказади. Қўмита сессиясининг давом этиши Бош Ассамблея қўллаб-кувватлаши шарти билан ушбу Конвенция иштирокчи-давлатларининг кенгашида аниқлаб қўйилади ва заруратга қараб қайта қўриб чиқилади.

11. Қўмита ўзининг вазифаларини ушбу Конвенцияга мувофиқ самарали бажариши учун уни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби зарур ходимлар ва моддий маблағ билан таъминлайди.

12. Ушбу Конвенцияга биноан таъсис этилган Қўмита аъзолари Бош Ассамблея томонидан белгилаб қўйилган тартиб ва шартларда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти маблағлари хисобидан Бош Ассамблея тасдиқлаган рағбатлантиришларни оладилар.

44-модда

1. Иштирокчи-давлатлар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби орқали Кўмитага Конвенцияда эътироф этилган хукуқларни мустаҳкамлаш юзасидан қабул қилинган чора-тадбирлар ҳакида ҳамда ана шу хукуқларини амалга оширишда эришилган тараққиёт ҳакида маърузалар тақдим этиш мажбуриятини оладилар:

а) Конвенция кучга кирганидан кейин икки йил мобайнида тегишли иштирокчи-давлат учун;

б) кейинчалик ҳар беш йилда.

2. Ушбу моддага мувофиқ тақдим этиладиган маърузаларда мазкур Конвенция бўйича мажбуриятларнинг бажарилиш даражасига таъсир этувчи омил ва қийинчиликлар, агар улар мавжуд бўлса, кўрсатиб ўтилади. Шунингдек, маърузалarda етарли ахборот ҳам ўз ифодасини топади, токи мазкур мамлакатда Конвенциянинг амал қилиши борасида Кўмита тўла тасаввурга эга бўлсин.

3. Кўмитага ҳар томонлама дастлабки муфассал маъруза тақдим этган иштирокчи-давлат ушбу модданинг Ib-бандига биноан тақдим этиладиган кейинги маърузаларда илгари баён қилинган асосий ахборотни тақрорлашига зарурат бўлмайди.

4. Кўмита иштирокчи-давлатлардан ушбу Конвенциянинг бажарилишига тааллуқли бўлган қўшимча ахборот сўраб олиши мумкин.

5. Кўмита фаолияти тўғрисидаги маърузалар икки йилда бир марта Бош Ассамблеяга Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш воситачилигида тақдим этилади.

6. Иштирокчи-давлатлар маърузаларини ўз мамлакатларида кенг ошкора бўлишини таъминлайдилар.

45-модда

Конвенциянинг самарали амалга оширилишига кўмаклашиш ва ушбу Конвенцияда қамраб олинган соҳалардаги ҳалқаро ҳамкорликни рағбатлантириш мақсадида:

а) Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ихтисослашган муассасалари, Болалар жамғармаси ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бошқа органлари ушбу Конвенциянинг улар ваколати доирасига кирадиган қоидаларини амалга оширишга доир масалалар муҳокама қилинаётган пайтда вакил юбориш хукуқига эгадирлар. Кўмита Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ихтисослашган муассасалари, Болалар жамғармаси ва бошқа ваколатли органларига агар мақсадга мувофиқ деб топса, уларнинг тегишли ваколат доирасига кирадиган масалаларда Конвенциянинг малга оширилишига доир экспертлар хулосасини тақдим қилишни таклиф этиши мумкин. Кўмита Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ихтисослашган муассасалари, Болалар жамғармаси ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бошқа органларига ўз фаолият доирасига кирадиган соҳаларда Конвенциянинг амалга оширилиши ҳакида маърузалар тақдим қилишни таклиф этиши мумкин;

б) Кўмита Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ихтисослашган муассасалари, Болалар жамғармаси ва бошқа ваколатли органларига, агар мақсадга мувофиқ

деб топса, иштирокчи-давлатларнинг техник маслаҳат ёки ёрдам сўралган, ёхуд шунга эҳтиёж кўрсатиб ўтилган ҳар қандай маърузаларини, шунингдек, Қўмитанинг ана шундай илтимос ва ёки кўрсатмаларга доир фикр-мулоҳаза ва таклифларини, агар улар мавжуд бўлса, қайта йўллади;

с) Қўмита Бош Ассамблеяга ўз номидан Бош котибга бола хукуқларига тааллукли алоҳида масалалар юзасидан тадқиқотлар ўтказишни таклиф этишини тавсия қилиши мумкин;

д) Қўмита ушбу Конвенциянинг 44- ва 45-моддаларига мувофиқ олинадиган ахборотга асосланган умумий аҳамиятга молик таклиф ва тавсиялар киритиши мумкин. Умумий аҳамиятга молик бундай таклиф ва тавсиялар манфатдор ҳар қандай иштирокчи-давлатга олдиндан йўлланади ҳамда иштирокчи-давлатларнинг фикр-мулоҳазалари билан биргаликда, агар мавжуд бўлса, Бош Ассамблеяга маълум қилинади.

III ҚИСМ

46-модда

Ушбу Конвенция барча давлатлар томонидан имзоланиши учун очиқдир.

47-модда

Ушбу Конвенция ратификация қилиниши зарур. Ратификация ёрликлари сақлаб қўйиш учун Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига топширилади.

48-модда

Ушбу Конвенция унга ҳар қандай давлатнинг қўшилиши учун очиқдир. Қўшилиш тўғрисидаги ҳужжатлар сақлаб қўйиш учун Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига топширилади.

49-модда

1. Ушбу Конвенция йигирманчи ратификация ёрлиги ёки қўшилиш тўғрисидаги ҳужжат сақлаб қўйиш учун Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига топширилган санадан эътиборан ўттизинч кун ўтгандан кейин кучга киради.

2. Ушбу Конвенцияни ратификация қиласидан ёки унга қўшиладиган ҳар бир давлат учун йигирманчи ратификация ёрлиги ёхуд қўшилиш тўғрисидаги ҳужжат сақлаб қўйишга топширилган санадан эътиборан мазкур Конвенция бундай давлат уни ратификация қилиш ёки қўшилиш тўғрисидаги ҳужжатни сақлаб қўйишга топширилгандан кейинги ўттизинч кундан бошлаб кучга киради.

50-модда

1. Ҳар қандай иштирокчи-давлат Конвенцияга тузатиш таклиф қилиши ва уни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига тақдим этиши мумкин. Шундан сўнг Бош котиб таклиф этилган тузатишни иштирокчи-давлатларга мана шу таклифларни кўриб чиқиш ва уларни овозга қўйиш мақсадида иштирокчи-

давлатларнинг конференциясини чақириш тарафдорими, деган сўров билан қайта йўллайди. Агар мана шундай хабар етказилган санадан бошлаб тўрт ой мобайнида иштирокчи-давлатларнинг камидан учдан бир қисми шундай конференцияни чақиришни ёқлаб чиқса, Бош котиб бундай конференцияни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти белгиси остида чакиради. Бу конференцияда иштирок этаётган ва овоз беришда қатнашаётган иштирокчи-давлатларнинг кўпчилиги овози билан қабул қилинган ҳар қандай тузатиш тасдиқлаш учун Бош Ассамблеяга тақдим этилади.

2. Ушбу модданинг 1-бандига мувофиқ қабул қилинган тузатиш уни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси тасдиқлагандан кейин ҳамда иштирокчи-давлатларнинг учдан икки аксарият қисми қабул қилган тақдирда кучга киради.

3. Тузатиш кучга киргандан кейин у мана шу тузатишни қабул қилган иштирокчи-давлатлар учун мажбурий бўлиб қолади, бошқа давлатлар учун эса ушбу Конвенция қоидалари ҳамда улар қабул қиласиган кейинги ҳар қандай тузатишлар мажбурий ҳисобланади.

51-модда

1. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби давлатлар томонидан ратификация ёки қўшилиш пайтида билдирилган эътиroz матнини қабул қилиб олади ҳамда барча давлатларга юборади.

2. Ушбу Конвенциянинг мақсад ва вазифаларига мос тушмайдиган эътиrozга йўл берилмайди.

3. Эътиroz Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига юборилган тегишли билдиришнома йўли билан исталган пайтда олиб ташланиши мумкин, сўнгра Бош котиб бу ҳақда барча давлатларга хабар етказади. Бундай билдиришнома уни Бош котиб кўлга олган кундан бошлаб кучга киради.

52-модда

Ҳар қандай иштирокчи-давлатлар ушбу Конвенцияни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига ёзма равишдаги билдиришнома юбориш асосида бир томонлама бекор қилиши, Бош котиб билдиришномани олганидан кейин бир йил ўтгач, кучга киради.

53-модда

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби ушбу Конвенциянинг сақловчisi этиб тайинланади.

54-модда

Ушбу Конвенциянинг инглизча, арабча, испанча, хитойча, русча ва французча асл нусхаси матнлари teng бир хилликка эга бўлиб, сақлаб қўйиш учун Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига топширилади.

Шуни тасдиқлаш учун куйида имзо чеккан ваколатли вакиллар ўзларининг тегишли ҳукуматлари томонидан шунга етарли даражада вакил қилинган бўлиб, мазкур Конвенцияни имзолайдилар.

ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲУҚУҚЛАРИ КАМСИТИЛИШИНГ БАРЧА ШАКЛЛАРИГА БАРҲАМ БЕРИШ ТҮҒРИСИДА КОНВЕНЦИЯ

Бош Ассамблеяning 1979 йил 18 декабрдаги 34/180-резолюцияси билан имзолаши, ратификация қилиши ва қўшилиши учун қабул қилинган ва очилган. 1981 йил 3 сентябрдан 27(1)-моддага мувофиқ кучга кирган.

Ушбу Конвенциянинг иштирокчи давлатлари:

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низоми инсоннинг асосий ҳуқуқларига, инсон шахсиятининг кадрияти ва қадр-кимматига, эркак ва аёлларнинг тенг ҳуқуқлигига ишончни яна қарор топдирғанлигини **ҳисобга олган ҳолда**,

инсон ҳуқуқларининг Умумжахон декларацияси ҳуқуқларининг камситилишига йўл қўймаслик принципини таъкидлаб, барча инсонлар ҳуқуқ ва кадр-кимматларида тенг ва эркин бўлиб туғилишини, унда эълон қилинганидек, хар бир инсон шу жумладан жинсдаги нисбатан бўлган фарқлардан қатби назар барча ҳуқуқ ва эркинликка эга бўлмоғи кераклигини эълон қилганини ҳисобга олган ҳолда, инсон ҳуқуклари ҳақидаги Халқаро пактларнинг иштирокчи-давлатларига эркак ва аёллар учун барча иқтисодий, ижтимоий, маданий, фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлардан тенг фойдаланишини таъминлаш вазифалари юклатилганлигини ҳисобга олган ҳолда, эркак ва аёлларнинг тенг ҳуқуқли бўлишига ёрдам бериш мақсадида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва ихтисослашган ташкилотлар кафиллигига тузилган халқаро конвенцияларни **эътиборга олган ҳолда**,

шунингдек, эркак ва аёлларнинг тенг ҳуқуқли бўлишига ёрдам бериш мақсадида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва ихтисослашган ташкилотлар томонидан қабул қилинган резолюциялар, декларациялар ва тавсияномаларни **ҳисобга олган ҳолда**,

мана шу турли ҳужжатларга қарамай, хотин-қизлар қуқларининг камситилиши ҳоллари ҳамон юз берадётганлигидан ташвишланиб, хотин-қизлар ҳуқуқларининг камситилиши инсон қадр-кимматига бўлган ҳурмат ва тенг ҳуқуқлилик принципларига путур етказишини, аёллар эркаклар билан бир қаторда ўз мамлакатининг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётида иштирок этишига тўқсиналиқ қилишини, оила ва жамият фаровонлигининг ўсишига ҳалақит беришини ва инсоният ва ўз мамлакатларининг манбаатлари йўлида хотин-қизларнинг имкониятлари тўлиқ намоён бўлишига яна ҳам кўпроқ кийинчиликлар тутғдиришини **еслатиб**,

қашшоқлик шароитларида хотин-қизларнинг озик-овқатга, соғлиқни сақлашга, таълимга, касб тайёргарлигига ва ишга жойлашиш имкониятларига, шунингдек, бошқа эҳтиёжларни қондиришга имконияти жуда кам эканлигидан **ташвишланиб**,

тenglik vaadolat acoysida yrnatilgan yangi halqaro iktisodiy tarbib erkaklar va aelllar yrtasidagi genqlikni tayminalasha anchagina imkoniyat beringisha **qatayi shoni**,

irkii ayirmachiliqni, barcha turdag iirkchilik, irkii kamtsiti, eski va yangi mustamlaqachiлик, agresiya davlatlar ustiidan hukmronlik yrnatiishi, boşka davlat tomonidan bosib oliniшини va hukmronlik kiliшини hamda davlatlarning ichki ishlariiga aralaishiши бартарап қилиш эркакlar va хотин-қизлар huкуklarini tula amalga oshiришнинг зарур omillari ekansligini taqiddab,

halqaro tinchlik va havfizsizlikni mustastahkamlash, halqaro keskinlikni yomshati, ijtimoiy va iktisodiy tizimlariidan qatayi nazarr, barcha davlatlar yrtasida uzaro hamkorlik, qatayi va samarali halqaro nazorat ostida eppasiga va batamom kurolsizlaniш ayniksa,ядровий kurolsizlaniш mamvakatlar yrtasidagi munosabatlarndaadolat, tenglik va uzaro manfaatdorlik tamoyillarini karor optiriш hamda chet el va mustamlaqa hukumronligi va boşka davlatlar okkupasiya ostida bolgan halqlarining yz takdirini yzi belgilaш va mustaqillik huкукини amalga oshiриш, shuningdek davlatlarning milliy mustaqilligi va xududiy xalitligini xurmat kiliш ijtimoiy taraqqiет va rivожlaniшga kumaklaishiшини hamda buning okibati ularoq erkaklar bilan aelllar yrtasida tula tenglikka erishiш imkonini **berishini tasdiqlab**,

mamvakatning tuliq rivожlaniши, butun duneda farovonlik va tinchlik ishi barcha soxalarda aellarning erkaklar bilan baравар mumkin kader kuproq ishtirok etishlarini talab kiliшига qatayi shoni, хотин-қизlарning oila farovonligi va jamiat rivожjiga kushaётgan xozirgacha tula tan olinmagan xissasining ahamiyatini, onalikni ijtimoiy ahamiyatini hamda oilada va bola tarbiyasiida ota-onanining tutgan yrnini xisobga olgan xolda aellning hasl davomchisi sifatidagi yurni ael huкуqlarining kamtsitiishi sabab boulmasligini, chunki bolalarning tarbiyasi erkak va aellarning va umuman jamiatning birligidagi javobgarligini talab **kiлишини anglab**,

erkak va ael yrtasida tula tenglikka erishiш учун, ham erkak, ham aellning jamiat va oilada tutgan anjanaviy yrnini yzgartiriш зарурligini tan olib, хотин-қизlар huкуqlarining kamtsitiishi бартарап etish tufrisidagi Deklarasiyada эълон kilingan principlarни amalga oshiриш ва shu maqsadda bunday huкуklar kamtsitiishining barcha shakllari va kuriishlarini bartaraрап etish учун зарур choralarni kuriishga azmu қaror kiliб,

Kuyidagilar tufrisida keliishi olidlard:

I қисм

1-модда

Mazkur Konvenцияning maksadi ularoq «хотин-қизларning kamtsitiishi» тушунчаси, ҳар қандай farq, jinsiy belgilariiga kura istisno kiliш, cheklaш, tan olmaslik, yuқقا чиқариш ёки bушаштиришга yonaltilrilgan, aelllar foidalanaётgan ёки amalga oshiraётgan ҳар қандай siёsий, iktisodiy, ijtimoiy, mada-

ний, фуқаровий ва бошқа соҳада оилавий шароитидан қатъи назар эркак ва аёлларга тенглик асосида инсон хукуқлари ва асосий эркинликлар берилишини англатади.

2-модда

Иштирокчи давлатлар хотин-қизлар камситилишининг барча шаклларини қоралаб, зудлик билан барча тегишли усууллар орқали хотин-қизлар камситилишига барҳам бериш сиёсатини юргизишга келишадилар ва шу мақсадда куйидаги мажбуриятларни оладилар:

а) эркаклар билан аёллар ўртасидаги тенглик тамойилини, агарда бу ҳозиргача килинган бўлмаса, миллий Конституцияга ва бошқа тегишли қонунларга киритиш ҳамда қонун ва бошқа тегишли воситалар ёрдамида ушбу тамойилни амалиётга жорий этишни таъминлаш;

б) хотин-қизларнинг ҳар қандай камситилишини таъқиқловчи тегишли қонунчилик ва бошқа чораларни кўриш, зарур бўлганда санкцияларни кўллаш;

в) эркаклар билан тенглик асосида аёлларнинг хукуклари юридик жиҳатдан ҳимояланишни ўрнатиш, ваколатли миллий судлар ва давлат муассасаларининг ёрдамида хотин-қизларнинг ҳар қандай камситилишига қарши уларнинг самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш;

г) хотин-қизларни камситадиган бирон бир хатти-ҳаракатларни амалга оширишдан тийилиш, давлат органлари ва муассасалари ушбу мажбуриятга мувофиқ фаолият кўрсатишларига кафолат бериш;

д) бирон-бир шахс, ташкилот, ёки корхона томонидан хотин-қизлар камситилишини бартараф этиш учун барча тегишли чораларни кўриш;

е) хотин-қизларни камситувчи мавжуд қонунлар, қарорлар, урф-одатлар ва амадиётни ўзгариши ёки бекор қилиш учун барча тегишли чораларни, шу жумладан қонунчилик чораларини кўриш;

ж) хотин кизларни камситишдан иборат бўлган ўзининг жиноятчиликка оид қонунларининг барча моддаларини бекор қилиш.

3-модда

Иштирокчи давлатлар эркаклар билан тенглик асосида хотин-қизларнинг инсон хукуқлари ҳамда асосий эркинликларини рӯёбга чиқаришлари ва улардан фойдаланишларини кафолатлаш мақсадида хотин-қизларининг ҳар томонлама ривожланишини ва тараққиётини таъминлаш учун барча соҳаларда, хусусан сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳаларда барча тегишли чораларни, шу жумладан қонунчилик чораларини кўрадилар.

4-модда

1. Мазкур Конвенцияда кўрсатилганидек, иштирокчи давлатлар томонидан хотин-қизларнинг эркаклар билан амалда тенглигини таъминлаш тезлаштиришга қаратилган вақтинча қабул қилинган маҳсус чоралар хукукларни камситувчи деб хисобланмайди, лекин у тенг хукуқли бўлмаган ёки табакалаштирилган андозаларнинг сақланиб қолишига аслол олиб келмаслиги керак; қачонки имко-

ниятларнинг тенгияги ва тенг хукукли муносабатнинг мақсадларига эришилгандан сўнг бу чоралар бекор қилиниши зарур.

2. Иштирокчи давлатлар оналикни химоя қилишга каратилган маҳсус чораларни, жумладан ушбу Конвенцияда мавжуд бўлган чораларни қабул қилиши камситувчи чоралар деб хисобланмайди.

5-модда

Иштирокчи давлатлар барча тегишли чораларни қабул қилишларидан мақсад:

а) эркак ва аёлларнинг ижтимоий ва маданий хулқ-автор моделларини битта жинс иккинчиси устидан устун бўлиши ёки эркак ва аёлнинг бир хил роли ғоясига асосланган хурофий урф-одатлар, бидъатлар ва шукга ўхшаш ҳолларни тугатиш ва бекор қилиш мақсадида ўзгартириш;

б) болалар манфаатлари барча ҳолларда устун куришини назарда тутиб, оиласвий тарбия ўз ичига оналикни ижтимоий вазифа сифатида тўғри англаниши ҳамда эркак ва аёлларнинг ўз болалари тарбияси ва камолоти учун умумий жавобгаряиги эътироф этилиши қамраб олинишини таъминлаш.

6-модда

Иштирокчи давлатлар аёлларни сотишнинг ва фоҳишаликда ишлатишнинг барча турларига чек қўйиш учун барча тегишли чораларни, шу жумладан қонунчилик чораларини кўрадилар.

II қисм

7-модда

Иштирокчи давлатлар мамлакатнинг сиёсий ва жамоат ҳаётида хотин-қизлар камситилишига барҳам бериш юзасидан барча тегишли чораларни кўрадилар, жумладан, аёлларга эркаклар билан тенг шарт-шароитлар асосида қўйидаги хукуқларни таъминлайдилар:

а) барча сайловлар ва оммавий референдумларда овоз бериш ва оммавий сайланадиган органларга сайланиш;

б) давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда қатнашиш ҳамда давлат лавозимларини эгаллаш, шунингдек, давлат бошқарувининг барча бўғинларида давлат вазифаларини амалга ошириш;

в) мамлакатнинг ижтимоий ва сиёсий ҳаёт муаммолари билан шуғулланадиган хукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлар ва уюшмаларнинг фаолиятида қатнашиш.

8-модда

Иштирокчи давлатлар хотин-қизларнинг эркаклар билан тенглик асосида ва хеч қандай камситишиз халҳаро миқёсда ўз хукуматлари номидан вакиллик қилиш ва халқаро ташкилотлар ишида қагнашиш имкониятларини таъминлаш мақсадида барча тегишли чораларни кўрадилар.

9-модда

1. Иштирокчи давлатлар фуқаролигни қабул қилиш, уни ўзгартириш ёки сақлаб қолишда аёлларга эркаклар билан тенг хукуқларни беради. Улар, жумладан, чет эл кишисига турмушга чиққанда ҳам, турмушга чиқаётган вақтда турмуш ўртоғининг фуқаролиги ўзгарганда ҳам аёлнинг фуқаролиги ўз-ўзидан ўзгиришига олиб келмайди, уни фуқаролиги бўлматан шахсга айлантиrmайди ва эрининг фуқаролигини қабул қилишга мажбур эта олмайди;

2. Иштирокчи давлатлар аёлларга ўз фарзандларининг фуқаролигига нисбатан эркаклар билан тенг хукуқлар беради.

III қисм

10-модда

Иштирокчи давлатлар хотин-қизларнинг камситилишини бартараф этиш, аёлларнинг эркаклар ва аёллар tengлиги асосида таълим олиш соҳасида эркаклар билан тенг хукуқларини таъминлаш учун барча зарур чораларни кўрадилар. Жумладан, қуидагиларни таъминлайдилар:

а) шахар, туманлари сингари қишлок жойларида ҳам барча тоифадаги ўқув юртларида билимдан баҳраманд бўлиш ва диплом олиш, касб-кор ёки мутахассисликни танлашда бир хил шароитларни яратиш, бундай тенглик мактабгача тарбия, умумтаълим, ўрта маҳсус ва олий техник маълумот олишда, шунингдек, касбга тайёрлашнинг барча турларида таъминланади;

б) бир хил ўқув дастурларига, бир хил имтихонларга, бир хил малакали ўқитувчилар таркибига, тенг сифатли мактаб хоналари ва жиҳозларига эга бўлиш;

в) барча таълим олиш босқичлари ва шаклларида эркак ва хотин-қизлар ролининг биргаликда ва бошқа хилдаги таълим олиш йўли орқали ҳар қандай бир қолипдаги конценциясини бартараф этиш ва шу асосда, жумладан, ўқув кўлланмалари ва мактаб дастурларини қайта кўриб чиқиш ҳамда ўқитиш услубларини мослаштириш йўли билан шу мақсадга эришиш;

г) таълим учун стипендия ва бошқа нафақалар олиш имкониятларининг бир хиллиги;

д) эркаклар ва аёллар билимдаги ҳар қандай узилишни мумкин қадар тезлик билан қисқартиришга йўналтирилган функционал саводхонлик дастури ва катта шдагилар орасидаги саводхонликни оммалаштириш дастурларини назарда тутиб, таълим олишни давом эттириш дастуридан фойдаланиш имкониятларининг бир хиллиги;

е) мактабни тутатмаётган қизлар сонини камайтириш ва мактабни барвакт тарқ этган аёллар ва қизлар учун алоҳида дастурларни ишлаб чиқиши;

ж) жисмоний тайёргарлик ва спорт машғулотларида фаол қатнашиш учун бир хил имкониятлар яратиш;

з) оиласалар соғлиги ва фаровонлигини таъминлашга кўмаклашиш мақсадида таълим соҳасига багашланган маҳсус ахборотларга, шу жумладан оиланинг

кatta-кичикилигини: режалаштириш түғрисидаги ахборот ва йўл-йўриқ маълу-мотларига эга бўлиш.

11-модда

1. Хотин-қизларнинг иш билан банд бўлиш соҳасидаги хукуқлари камситилишини бартараф этиш, айни вактда эркаклар билан аёлларнинг тенг хукукларини таъминлаш мақсадида иштирокчи давлатлар барча тегишли чораларни, жумладан, куйидаги хукуқларни таъминлаш чораларини кўрадилар:

- а) барча инсонларнинг ажралмас хукуқи сифатида меҳнат қилиш хукуки;
- б) ишга ёллашда бир хил имкониятларга эга бўлиш, шу билан бирга ишга ёллашда бир хил танлаш мезонларини кўллаш хукуки;
- в) касб ёки иш турини эркин танлаш, лавозим бўйича кўтарилиш ва иш билан банд этиш кафолатига эга бўлиш, шунингдек, шогирдлик, юкори даражадаги касб бўйича тайёрлардик ва мунтазам суратда малака оширишни ўз ичига олган ҳолда меҳнат қилишнинг барча имтиёзлари ва шарт-шароитларидан тўлиқ фойдаланиш, касб бўйича тайёргарлик ва қайта тайёргарликдан ўтиш хукуки;
- г) имтиёзлар олишни ҳам ҳисобга олган ҳолда тенг мукофотланиш, бир хил қимматга эга бўлган меҳнатга нисбатан тенг шароитларга, шунингдек, иш сифатини баҳолашга тенг ёндашиш хукуки;
- д) жумладан нафақага чиқиш, ишсиз қолиш, касаллик, ногиронлик, қарилек ва меҳнат қобилиятини йўқотишидан иборат бошқа ҳолатларда ижтимоий таъминот хукуқи шунингдек, ҳақи тўланадиган таътил хукуки;
- ж) соғликий сақлаш ва хавфсиз меҳнат шароитларга эга бўлиш, шунингдек, наслни давом эттириш вазифасини сақлаб қолиш хукуки;

2. Аёлларнинг турмушга чиқмаганлиги ёки оналиги сабабли камситилишининг олдини олиш ва уларга меҳнат қилишнинг самарали хукуқларини кафолатлаш мақсадида, иштирокчи давлатлар қуйидагиларни амалга ошириш учун тегишли чораларни кўрадилар:

- а) ҳомиладорлик сабабли ишдан бўшатишни ёки ҳомиладорлик ва тугрук бўйича таътилга чиқаришни ёхуд оиласи ҳақ тўланадиган таътилларни ёки таққослама ижтимоий нафақалар, тўланадиган таътиллар жорий этиш;
- б) охирги иш жойини, лавозимини ёки ижтимоий нафақаларини йўқотмаган ҳолда ҳомиладорлик ва тугрук бўйича ҳақ тўланадиган таътилларни ёки таққослама ижтимоий нафақалар, тўланадиган таътиллар жорий этиш;
- в) ота-оналар оиласи бурчларининг бажарилишини меҳнат фаолияти ва жамоат ҳаётдаги иштироки биян бирга қўшиб олиб бориш имконини яратиш учун, жумладан, болаларни тарбия қилиш муассасалари тармогини кенгайтириш йўли билан, қўшимча зарур ижтимоий хизмат кўрсатишини рағбатлантириш;

г) аёллар ҳомиладорлиги даврида уларнинг саломатлиги учун заарли деб исботланган меҳнат турларида алоҳида ҳимоялашни таъминлаш;

3. Мазкур моддада ўз аксини топган хукуқларни ҳимоя қилишга тааллуқли қонунчилик илмий-техникавий билимлар асосида вақти-вақти билан кўриб

чикилади, шунингдек, заруратга қараб қайтадан кўрилади, бекор қилинади ёки кенгайтирилади.

12-модда

Иштирокчи давлатлар хотин-қизларнинг соғлиқни сақлаш соҳасидаги хукуклари камситилишига барҳам бериш мақсадида, эркак ва аёлларга тиббий хизматни тенг таъминлаш, оиланинг катта-қичиклигини режалаштириш масалаларида тегишли барча чораларни кўрадилар;

Иштирокчи давлатлар ушбу модданинг 1-банди қоидалари билан бир қаторда аёлларнинг ҳомиладорлик, туғруқ ва туғруқцан кейинги даврида тегишли хизматлар билан таъминлайди ва зарурият туғилгаида, бепул хизматлар кўрсатадилар, шунингдек, ҳомиладорлик ва эмизикили даврида керакли озик-овқатларни етказиб берадилар.

13-модда

Иштирокчи давлатлар ижтимоий ва иқтисодий ҳаётнинг бошқа соҳаларида хотин-қизларнинг камситилишига барҳам бериш, шу билан бирга эркак ва аёлларниш тенглиги асосида уларнинг тенг хукукларини таъминлаш борасида тегишли барча чораларни кўрадилар, жумладан қуидаги хукукларни таъминлайдилар:

- а) оиласвий нафака хукуки;
- б) заём, кўчмас мулк ҳисобига қарз ва бошқа шаклдаги молиявий кредитларни олиш хукуки;
- в) дам олиш билан боғлиқ тадбирларда, спорт машғулогларида ва маданий ҳаётнинг барча соҳаларида қатнашиш хукуки.

14-модда

Иштирокчи давлатлар қишлоқ жойларда яшовчи хотин-қизлар дуч келадиган алоҳида муаммоларни ва уларнинг ўз оиласлари иқтисодий фаровонлигини таъминлашда мухим роль йўнашини, шунингдек, уларниг товарсиз хўжалик тармоқларидағи фаолиятини эътиборха олган ҳолда қишлоқ жойларда яшовчи аёлларга нисбатан мазкур Конвенция қоидаларининг кўлланилишини таъминлаш борасида барча тегишли чораларни кўрадилар.

Иштирокчи давлатлар қишлоқ жойларда хотин-қизлар камситилишига барҳам бериш, эркак ва хотин-қизларнинг тенглиги асосида уларнинг қишлоқ худудларини ривожлантиришдаги иштирокини таъминлаш ва бундай ривожланишдан наф кўриш учун барча тегишли чораларни кўрадилар, жумладан, бундай хотин-қизларга қуидаги хукукларни таъминлайдилар:

- а) барча даражаларда ривожланиш режаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиш;
- б) оиласи режалаштириш масалалари бўйича ахборотлар, маслаҳатлар ва хизматларни қўшган ҳолда тегишли тиббий хизмат кўрсатилишига эришиш;
- в) ижтимоий сугурта дастурлари қулайликларидан бевосита фойдаланиш;

г) жумладан, хотин-қизларнинг техникавий билим савиясини ошириш мақсадида функционал саводхонликни ҳисобга олган ҳолда барча турдаги расмий ва норасмий таълим ва тайёргарлик олиш, шунингдек, барча турдаги жамоа хизматларидан, қишлоқ хўжалик масалалари бўйича маслаҳат бериш хизматидан фойдаланиш;

д) мустақил меҳнат фаолияти ёки ишга ёллаш орқали тенг иқтисодий имконияхларни таъминлаш учун ширкатлар ва ўз ўзига ёрдам кўрсатиш гурухларини ташкил этиш;

е) жамоа фаолиятининг барча турларида иштирок этиш;

ж) қишлоқ хўжалик кредитлари ва заёмларига, сотиш тизимиға, тегишли технологияларга, ер ва аграр ислоҳотларда, шунингдек ерларни қайта жойлаштириш режаларида тенг мақомга эришиш;

з) тегишли турмуш шароитларидан, айниқса, уй-жой шароитларидан, санитария хизматидан, электр ва сув таъминотидан, шунингдек, транспорт ва алока воситаларидан фойдаланиш;

IV қисм

15-модда

1. Иштирокчи давлатлар хотин-қизларнинг қонун олдида эркаклар билан тенглигини тан оладилар.

2. Иштирокчи давлатлар хотин-қизларга эркаклар билан бир хил фуқаролик ҳукуқларини ва уларни амалга оширишнинг бир хил имкониятларини берадилар, жумладан, улар мулкни бошқариш ва шартномаларни тузиши вақтида хотин-қизларнинг тенг ҳукуқларини, шунингдек, трибунал ва суд мухокамасининг барча босқичларида уларга нисбатан тенг муносабатни таъминлайдилар.

3. Иштирокчи давлатлар шунга қўшиладиларки, хотин-қиздарнинг ҳукуқларини чеклашга қаратилган ҳар қандай ҳукуқий шартномалар ва бошқа ҳар хил хусусий хужжатлар хақиқий эмас деб ҳисобланади.

4. Иштирокчи давлатлар эркак ва хотин-қизларга шахснинг кўчиб юриши, яшаш ва турар жойни танлаш эркинлигага тааллуқли бўлган қонунчиликка нисбатан бир хилдаги ҳукукларни беради.

16-модда

1. Иштирокчи давлатлар хотин-қизларнинг никоҳ ва оила муносабатларига тааллуқли ҳамма масалаларда камситилишини бартараф этиш учун барча тегишли чораларни кўрадилар, жумладан, эркак ва аёлларнинг тенглиги асосида қуидаги ҳукуқларни таъминлайдилар:

а) никоҳдан ўтишда бир хил ҳукуклар;

б) турмуш ўртоғини эркин танлаш ва никоҳдан факат ўзининг эркин ва тўлик розилиги билан ўтишда тенг ҳукуқлар;

в) никоҳдан ўтиш ҳамда уни бекор қилиш пайтида бир хилдаги ҳукуқ ва бурчлар;

г) болаларга тааллукли бўлган масалаларда оилавий шароитидан қатъи назар, барча вазиятда болаларнинг манфаати устун турган ҳолда, эркак ва аёллар отагона сифатида бир хилдаги бурч ва ҳукуқларга эга бўлиши;

д) оиласда болалар сони, уларнинг туғилиши ўртасидаги ёши масаласини эркин ва масъулиятли ечишда ва бу ҳукуқларни амалга оишришни таъминлаб берадиган воситаларга, маълумотдарга ва таълим олишга бир хилда ёндашиш ҳукуқига эга бўлиш;

е) болаларни фарзандликка олиш, ваколат бериш, тарбиялаш, васийлик қилиш ёки шунга ўхшаш вазифаларни миллий конунга асосан амалга оширишда барча вазиятларда болаларнинг манфаати устун турган ҳолда бир хил бурч ва ҳукуқларга эга булиш;

ж) эр ва хотиннинг teng шахсий ҳукуқлари, шу жумладан, исми-шарифини, касб ва машғулотни танлаш ҳукуки;

з) эр-хотиннинг мол-мулкка бепул ва пуллик эгалик қилиш, сотиб олиш, бошқариш, фойдаланиш ва тасарруф қилиш борасидаги teng ҳукуқлари.

2. Болани унаштириб кўйиш ва никоҳлаш юридик кучга эга бўлмайди, никоҳдан ўтишининг энг қуий ёшини аниқлаш ва никоҳларни фуқаролик ҳолати далолатномаларида мажбурий қайд этиш максадида, барча зарур, шу жумладан, зарур конунчилик чора-тадбирлари кўрилади.

V қисм

17-модда

1. Мазкур Конвенциянинг амалга оширилишини кўриб чиқиш учун хотин-кизларнинг камситилишини бартараф этиш Қўмитаси таъсис этилиб (бундан бўён Қўмита деб аталади), Конвенция кучга киргунгача ўн саккизта, ратификация қилингандан ёки унга ўттиз бешинчи иштирокчи давлатнинг кўшилганидан сўнг эса, мазкур Конвенция соҳасини мукаммал биладиган юқори аҳлоқий сифатларга ва етук маълумотларга эга бўлган йигирма учта экспертдан иборат бўлади. Бу экспертлар иштирокчи давлатлар томонидан ўз фуқаролари ичидан сайланадилар ва хусусий шахс сифатида иш юритадилар, бунда ўринлар тақсимотида адолат билан географик худуд ва ҳар хил шаклдаги цивилизация, шунингдек асосий ҳукуқий тизимлар вакиллари хисобга олинади.

2. Кўмита аъзолари иштирокчи давлатлар томонидан рўйхатга киритилган шахслар орасидан яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Ҳар бир иштирокчи давлат ўзининг фуқарояридан бита вакилнинг номзодини бериши мумкин.

3. Мазкур Конвенциянинг кучга кирган кунидан бошлаб ойдан сўнг бир-ламчи сайловлар ўтказилади. Ҳар бир сайловни ўтказилишидан камида уч ой олдин Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби иштирокчи давлатларга икки оймобайнида ўз вакилларини кўрсатиш бўйича таклифларини юборишни хат орқали сўрайди. Бош котиб барча иштирокчи давлатлар томонидан

ушбу тарзда кўрсатилган шахсларнинг рўйхатини алифбо тартибида тайёрлаб, иштирокчи давлатларга тақдим этади.

4. Құмита аязолари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби томонидан чақириладиган ва БМТ Марказий муассасаларида үтказиладиган иштирокчи давлатлар йиғилишида сайланадилар. Бу йиғилишда мажлисни ҳақиқий деб хисоблаш учун иштирокчи давлатларнинг сони учдан иккى қысмни ташкил этиши лозим. Қатнашадиган ва овоз беришда иштирок этадиган иштирокчи давлат вакилларининг энг күп ва мутлақ күп овозини олган номзодлар Құмитага сайланған шахслар деб хисобланадилар.

5. Құмита аязолари түрт йил муддатга сайланадилар. Бирок биринчи сайдовда сайланған түккіз аязонинг ваколат муддати иккүйіл ўтиши билан тугайди; биринчи сайдовларни үтказилғандан кейин ол жаңа түккіз аязонинг фамилияси Құмита раиси томонидан құръа ташлаш орқали танланади.

6. Құмитанинг беш нафар құшымча аязоси шу модданинг 2-, 3- ва 4-бандлары га мувофиқ Конвенция ратификация қилинганидан сүнг ёки унга ўттыз бешинчи давлат құшилғандан кейин сайланади. Шу тарзда сайланған иккى құшымча аязонинг ваколат муддати иккى йил ўтиши билан тугайди, бу иккى құшымча аязонинг фамилияси Құмита раиси томонидан құръа ташлаш орқали танланади.

7. Иштирокчи давлатлар эксперти Құмита аязоси сифатида ўз вазифасини тутаттан бўлса, кўзда тутилмаган бўш ўринларни тўлдириш учун Құмитанинг розилиги билан ўз фуқаролари ичидан бошқа экспертни тайинлайди.

8. Құмита аязолари Бош Ассамблея тасдиқлайдиган мукофотларни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маблағларидан Ассамблея белгилайдиган шартлар ва тартибларга кўра Құмитанинг вазифаси мухимлигига қараб оладилар.

9. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби мазкур Конвенцияга кўра, Құмитанинг вазифаларини самарали бажариш учун зарур бўлган ходимлар ва моддий маблағлар билан таъминлаб боради.

18-модда

1. Иштирокчи давлатлар ушбу Конвенциянинг қоидаларини бажариш учун қабул қилинган қонунчилик, суд, маъмурий ёки бошқа чоралар-тадбирлар тўғрисидаги ва бу борада эришилган силжишлар ҳақидаги маърузани Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибиға Құмитанинг кўриб чиқиши учун тавдим этиш мажбуриятини оладилар, жумладан:

а) манфаатдор давлат учун мазкур Конвенциянинг кучга кирган кунидан бошлаб бир йил ичидан;

б) шундан кейин ҳеч бўлмаганда ҳар тўрт йилда ва сўнгра, қачонки, бу хақда Құмита расмий равишда сўраганда.

2. Маърузаларда мазкур Конвенция буйича мажбуриятларни бажариш даражасига таъсир кўрсатадиган қийинчилик ва омиллар кўрсатилиши мумкин.

19-модда

1. Құмита ўзи шахсий бажарадиган ишлар тартиби қоидаларини тасдиқлайди.

2. Құмита иккى йил муддатга ўзининг мансабдор шахсларини **сайлади**.

20-модда

1. Кўмита ушбу Конвенциянинг 18-моддасига кўра тақцим этилган маърузаларни кўриб чикиш мақсадида, коида бўйича икки хафтадан ошмайдиган давр ичida ҳар йили мажлис ўтказиб туради.

2. Кўмитанинг йиғилишлари коида бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Марказий муассасаларида ёки бошқа Кўмита томонидан белгиланадиган бошқа исталган қулай жойда ўтказилади.

21-модда

Кўмита ҳар йили Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш орқали ўзининг фаолияти ҳақидаги маърузасини Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясида тақдим этади ва иштирокчи давлатлардан олинган маъруза ва ахборотларни ўрганишга асосланган умумий характердаги таклиф ва тавсияномаларни киритиши мумкин. Иштирокчи давлатларнинг фикрлари билан бирга агар шундай фикрлар бўлса умумий характердаги шундай таклиф ва тавсияномалар Кўмитанинг маърузасига қўшимча қилиб киритилади.

Бош котиб Кўмита маърузаларини хотин-қизларнинг ахволи бўйича Комиссиясига ахборот учун жўнатиб туради.

22-модда

Ихтисослашган муассасалар ўзларининг фаолият доирасига кирадиган ушбу Конвенциянинг коидачарини амалга ошириш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқиш чоғида вакиллик қилиш ҳуқуқига эгадир. Кўмита ихтисослашгаи муассасаларга Конвенцияни амалга ошириш бўйича уларнинг фаолият доирасига кирадиган соҳалардаги маърузаларни тайёрлашни таклиф қилиши мумкин.

23-модда

Ушбу Конвенцияда ҳеч бир нарса эркак ва хотин-қизлар ўртасидаги тенг ҳукукликка эришиш имкониятларини берувчи кўйида мавжуд бўлган коидаларга даҳл килмайди:

- а) иштирокчи давлатларнинг қонунларида, ёки;
- б) шундай давлатлар учун юридик кучга эга бўлган ҳар қандай бошқа халқаро конвенция, битим, ёки шартномада.

24-модда

Иштирокчи давлатлар мазкур Конвенцияда тан олинган ҳукуқлар тўла амалга оширилишига эришиш учун миллий даражада барча зарур чораларни кўриш мажбуриятини оладилар.

25-модда

1. Мазкур Конвенция барча давлатлар томонидан унга имзоланиш учун очикдир.

2. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби мазкур Конвенция-нинг депозитарийси этиб тайинланади.

3. Мазкур Конвенция ратификация қилиниши лозим. Ратификация ёрликлари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибига сақлаш учун топширилади.

4. Мазкур Конвенция унга барча давлатларнинг кўшилиши учун очиқдир. Унга кўшилиш шу ҳақдаги хужжатни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига сақлаш учун топшириш йўли билан амалга оширилади.

26-модда

1. Мазкур Конвенцияни қайта кўриб чиқиши ҳақидаги илтимослар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби номига ҳар қандай иштирокчи давлатлар томонидан ёзма равишда исталган вақтда хабарнома орқали йўлланиши мумкин.

2. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси, агар у қандайдир чораларни қабул қилиш зарурлигини эътироф этса, шу илтимосга нисбатан айнан қайси чораларни кўриш зарурлиги ҳақида қарор қабул қиласди.

27-модда

Мазкур Конвенция йигирманчи ратификация ёрлиғи ёки кўшилиш ҳақидаги хужжатлар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибига сақлаш учун топширилгандан сўнг ўтгизинчи кундан бошлаб кучга киради.

Мазкур Конвенцияни ратификация қиласидан ёки унга кўшиладиган ҳар бир давлат учун ушбу Конвенция йигирманчи ратификация ёрлиғи ёки унга кўшилиш тўғрисидаги хужжат сақлаш учун топширилгандан кейин ушбу Конвенция ҳар бир давлат учун ўттизинчи кундан бошлаб кучга киради.

28-модда

1. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби ратификация қилиш ёки кўшилиш пайтида давлатлар томонидан айтилган шартларнинг матнини қабул қилиб олиб тарқатади.

2. Мазкур Конвенциянинг максад ва вазифаларига тўғри келмайдиган кўшимча шартлар киритилмайди.

3. Шартлар ҳохлаган вақтда Бош котиб номига юборилган тегишли билдиришнома орқали бекор қилиниши мумкин, кейин эса Бош котиб бу ҳақда барча иштирокчи давлатларга маълум қиласди. Бундай билдиришнома у олинган кундан бошлаб кучга киради.

29-модда

Мазкур Конвенцияни қўллаш ёки талқин этишга нисбатан икки ёки бир нечта иштирокчи давлатлар ўртасидаги ҳар қандай баҳс музокара йўли билан ечилмаса, унда томонлардан бирининг илтимосига биноан арбитраж муҳокамасига тақдим этилади. Агар арбитраж муҳокамасига берилган ариза олти ой ичида икки томоннинг келишувига имкон яратмаса, унда ҳохлаган томон шу баҳс юзасидан суд мақомига кўра тегишли ариза орқали Халқаро Судга мурожаат килиши мумкин.

Ҳар қайси иштирокчи давлат мазкур Конвенцияни имзолаш, ратификация қилиш ёки қўшилиш пайтида ушбу модданинг 1-бандида кўрсатилган мажбуриятлар билан ўзини боғлиқ деб хисобламаслигини таъкидлаши мумкин, бошқа иштирокчи давлатлар ушбу модданинг кўрсатилган бандидан келиб чиқиб, шундай шартни қўйган ҳар қандай иштирокчи давлатга нисбатан мажбурият олмайдилар.

Мазкур модданинг 2-бандига тегишли шартларни қўйган ҳар қандай иштирокчи давлат истаган пайтда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибига билдирипшома йўллаш билан ўз шартларини олиб ташлаши мумкин.

30-модда

Мазкур Конвенция унинг инглиз, араб, исиан, хитой, рус ва француз тилиларидағи матнлари айнан бир хилдадир. Сақлаш учун Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибига топширилади.

Етарли ваколатга эга бўлган қуида имзо чекувчилар ушбуни тасдиқлаб, мазкур Конвенцияни имзоладилар.

МУНДАРИЖА

Кириш сўзи	3
1 МАВЗУ.	
«ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УМУМИЙ НАЗАРИЯСИ» ФАНИНИНГ ТУШУНЧАСИ, МЕТОДИ, ТИЗИМИ ВА УНИНГ АҲАМИЯТИ	9
1.1. «Инсон ҳуқуқлари умумий назарияси» фанининг предмети ва вазифалари	9
1.2. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари ходимлари учун инсон ҳуқуқларининг аҳамиятини белгилаб берувчи омиллар	12
1.3. «Инсон ҳуқуқлари умумий назарияси» фанининг услублари, тизими ва аҳамияти	14
2 МАВЗУ.	
ҲОЗИРГИ ЗАМОН ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ КОНЦЕПЦИЯСИННИГ ТАРИХИЙ ИЛДИЗЛАРИ	18
2.1 Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги foяларнинг вужудга келиши ва инсон шахсияти тўғрисида қадриятларнинг шаклланиши	18
2.2. Инсон ҳуқуқлари концепциясининг ривожланиш босқичлари	22
2.3. Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари концепцияси ҳозирги ривожланиши босқичининг хусусиятлари	27
3 МАВЗУ.	
ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ТУШУНЧАСИ ВА ШАХСНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ	33
3.1. Инсон ҳуқуқлари тушунчаси ва мазмуни	33
3.2. Шахснинг ҳуқуқий мақоми тушунчаси: тузилиши ва турлари	38
4 МАВЗУ.	
АСОСИЙ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ ВА МАЗМУНИ	44
4.1. Шахсий ҳуқуқ ва эркинликларнинг мазмуни ва моҳияти	44
4.2. Сиёсий ҳуқуқларнинг таркиби, тушунчаси ва турлари	51
4.3. Ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳуқуқларнинг тушунчаси, таркиби, турлари	55
5 МАВЗУ.	
ҲОЗИРГИ ЗАМОНДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ АСОСИЙ ХАЛҚАРО ҲУЖЖАТЛАРНИНГ ТАВСИФИ	62
5.1. Ҳозирги замонда инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги асосий халқаро ҳужжатларни қабул қилишдаги шартлар	62
5.2. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг ҳуқуқий мазмуни ва аҳамияти	64
5.3. Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро пактлар Халқаро биллнинг қисми сифатида	67
5.4. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро конвенциялар	71
5.5. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги минтақавий халқаро ҳужжатлар	75

5.6. Жиноят процессида умумэтироф этилган инсон хуқуқлари принциплари ва нормалари	80
6 МАВЗУ.	
ИНСОН ХУҚУҚЛАРИ БҮЙИЧА ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР. ИНСОН ВА ФУҚАРОНИНГ ХУҚУҚЛАРИ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ ТИЗИМИ, УНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЧИЛИГИДА	
МУСТАҲҚАМЛАНИШИ	83
6.1. Инсон хуқуқлари соҳасидаги халқаро стандартлар тушунчаси	83
6.2. Инсон хуқуқлари соҳасидаги халқаро стандартларнинг имплементацияси	86
6.3. Инсон хуқуқлари ва эркинликлари бўйича халқаро стандартларни Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мустаҳқамланиши	89
6.4. Адолатли судловни амалга ошириш соҳасидаги халқаро стандартлар тушунчаси	92
7 МАВЗУ.	
ИНСОН ХУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ МЕХАНИЗМИ ВА УНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА ШАКЛЛАНИШИ	
7.1. Инсон хуқуқлари умумий назариясида кафолатлар механизми тушунчаси	95
7.2. Ўзбекистонда инсон хуқуқлари кафолатининг ҳуқуқий механизмларини шаклланиши	98
7.3. Ўзбекистон Республикасининг инсон хуқуқлари бўйича миллий ташкилотларининг ўзига хос хусусиятлари	101
8 МАВЗУ.	
ИНСОН ХУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ КАФОЛАТЛАРИНИНГ ХАЛҚАРО МЕХАНИЗМИ.	106
8.1. Инсон хуқуқларини ҳимоя қилиш халқаро механизмининг умумий тавсифи	106
8.2. Инсон хуқуқларини халқаро ҳимоя қилиш механизми бўйича БМТ тузилиши	108
8.3. Инсон хуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Европа ҳамда бошқа минтақавий халқаро ташкилотлар	119
9 МАВЗУ.	
ҲУҚУҚНИ МУХОФАЗА ҚИЛУВЧИ ОРГНАЛАР УЧУН ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БҮЙИЧА ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР	127
9.1. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини тартибга солувчи халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларнинг умумий таснифи ва характеристикаси.	127
9.2. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида инсон хуқуқлари бўйича халқаро стандартларни амалга ошириш	131
9.3. Ички ишлар органлар вазифаларини ҳал этишда инсон хуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш	137

10 МАВЗУ.	
ҚИЙНОҚ ҲАМДА МУОМАЛА ВА ЖАЗОЛАШНИНГ ҚАТТИҚ ШАФҚАТСИЗ, ИНСОНИЙЛИККА ЗИД ВА ҚАДР-ҚИММАТНИ КАМСИТУВЧИ ТУРЛАРИГА ҚАРШИ КОНВЕНЦИЯ ВА ҲУҚУҚНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИ.....	144
10.1. Қийноққа қарши конвенциянинг умумий тавсифи ва мазмуни	144
10.2. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари томонидан	148
10.3. Ўзбекистон Республикаси давлат органларининг Қийноққа қарши конвенция талабларини амалга ошириш асослари	151
11-МАВЗУ.	
ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ ҚОНУНЧИЛИГИ.....	156
11.2. Инсон хукуқлари тўғрисидаги халқаро шартномалар ва уларнинг Ўзбекистон Республикаси Жиноий-ижроий кодексида амалга оширилиши	158
12 МАВЗУ.	
ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМИНИНГ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ МАДАНИЯТИ	163
12.1. Ички ишлар идоралари ходимининг инсон хукуқлари маданиятида эстетик (бадиий) маданиятнинг ўрни	163
12.2. Ички ишлар идоралари ходимининг инсон хукуқлари маданиятида этик (ахлоқий) маданиятнинг ўрни	168
ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР	174
Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг асарлари ва маърузалари	174
Асосий адабиётлар	175
Қўшимча адабиётлар	181
Электрон ресурслар (WEB. Ресурслар)	186
Халқаро ташкилотлар ва уларнинг органларини қабул қилинган қисқатма номлари	187
ЧИЗМАЛАР	188
ЖАДВАЛЛАР	209
ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БУЙИЧА ХАЛКАРО ҲУЖАТЛАР	211
1-илова	211
2-илова	217
3-илова	236
4-илова	246
5-илова	250
6-илова	253
7-илова	267
8-илова	288

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академияси

Инсон ҳуқуқлари умумий назарияси

Инсон ҳуқуқлари умумий назарияси: ИИВ изимидағи таълим
муассасалари тингловчи ва курсантлари, шунингдек ҳуқуқни муҳофаза
этувчи органлар ходимлари учун дарслик.

Масъул мухаррир:
юридик фанлар доктори, профессор А.Х. Сайдов

Босишга руҳсат этилди 12.10.2012 й.
Адади 1500.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академияси
100197, Тошкент ш., Интизор куч., 68.